

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

ДИЙДОР



Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

# ДИЙДОР

*Ҳикоялар  
Қиссалар  
Драма  
Мақолалар*

ANDIJON IOTISODIYOT  
QURILISH INSTITUTI  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

INV № 1306749

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2010

### **Ҳазраткулов, Маматқул.**

Дийдор: Ҳикоялар, қиссалар, драма, мақолалар. — Т.: «Sharq», 2010. — 352 б.

Маматқул Ҳазраткуловнинг ушбу китобига турли йилларда ёзилган ҳикоялар, қиссалар, драма ва мақолалар жамланган. Уларнинг жанри турлича бўлса-да, ўзаро боғлаб турадиган ўқ илдиз бор. У — муҳаббат ва садоқат. Ота-онага, дўстга, юртга, севгилисига муҳаббат ва садоқат. Тўпладан жой олган ҳикоялар, қиссалар, мақолалар ва пьесанинг замони ҳам, макони ҳам, қаҳрамонлари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Бироқ уларнинг ҳаммаси ўша ўқ илдиз атрофида айланади.

Ҳикояларда соф севги тарангум этилади. Зотан, муҳаббат тонги шудринг каби тоза ва тиник, уни асраб-авайлаш лозим... Мақолаларда истиқлол йилларида халқимиз эришган бетимсол ютуқлар кўз-кўз қилинади, дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётгани таърифланади.

«Дийдор» муаллифнинг ўз ўқувчилари билан навбатдаги дийдорлашуви. Бу дийдорлашув, бу мулоқот сизни озгина бўлса-да, мамнун этса, бошимиз кўкка етади, азиз ўқувчи!

**ББК 84(5Ў)6**

**ISBN 978-9943-00-533-4**

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бosh таҳририяти, 2010.



# Муҳаббат шавқи

*Ҳикоялар*



## СЕВГИ СОЗИ

*Ва шаббода қурғур илк саҳар  
Олиб кетди гулнинг тотини.*

Ҳамид Олимжон

Келишилган вақтдан ҳам ўн беш дақиқа ошди. Нега келмаяпти? Узоқ эмас, ана ишхонаси.

Нигоранинг юраги ғашлана бошлади. Бекатнинг одами камроқ томонига ўтди. Кулоқнинг пардасини йиртгудек момакалдироқ гумбурлади. Ҳозиргина чарақлаб турган қуёш юзини булут қоплади. Нигора соатига қаради: етти ярим. Унинг кўксида нимадир узилгандай «чимм» этди. Юрак уриши тезлашди. Бир жойда туролмади, секин у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. «Ишхонасига кириб чиқсаммикан. Тинчликмикан ишқилиб?.. Икки соатча бурун ўзи телефон қилди-ку. Тўй масаласини гаплашиб оламиз, деди. Энди эса... Қўнғироқ қиламан...». У телефон-автомат томон юрди.

— Ало, Фарҳод ака...

— «Нима?»

— Нега чиқмаяпсиз?

— «Вақт йўқ!».

— Вақт йўқ? Нега, ахир...

— «Вой мунча чўздингиз гапни. Вақт йўқ, дедим-ку. Ўртоқларим кеп қолишди».

— Шуни шундоқ чиқиб айтиб қўйсангиз бўларди-ку. Бугун тўй масаласини...

— «Хотин зотини эзмалигини ёқтирмайман-да. Бунча ҳовликмасангиз! Бир кун бўлади-да шу тўй. Тўйсираб қолмасангиз бунча!.. Бошқа кун гаплашамиз, хайр!».

Телефон дастасини илгакка осдими-йўқми — билмайди. Унинг хаёллари пардай тўзриди. Сумкасини қўлтиғига қисганча бир-бир босиб борар, қаёққа кетаётганини ўзи ҳам билмас эди.

Чакмоқ чакди. Нигора чўчиб тушди. Бирдан ён-

атрофига аланглади, хаёлини йириштириб олди. «Қаёққа кетаяпман, кимнинг олдига бораяпман?» Хиёбон четидаги скамейкага ўтирди. Ҳозиргина рўй берган воқеалар тушидами-ўнгидами кечганини бир лаҳза англай олмай қолди. Еру осмон қоп-қора тус олди. Нигора ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо тутолмади, узоқ ётган бемордек ҳолсиз, мадорсиз эди. Фарҳодни, у билан илк танишганини, учрашувларини эслади. Қандай бахтиёр дамлар эди. Наҳотки, уларнинг ҳаммаси энди ўтмишга айланса. Унинг шунча гаплари, шунча ваъдалари ёлғонми? Одамзод шунчалар субутсиз бўладими? Яна йигит киши-я! Наҳотки? Ҳар гал учрашганимизда хаёл қиладиган орзуларимиз, ниятларимиз пучмиди? Шунча орзу-ҳавасларни, ваъдаларни фақат ўзининг қабих ниятига етиш учун қилганмиди? Шу қадар пастликка, тубанликка борадими? Ёки ўзим шунчалар гўл, овсарманми? Унинг сўзлари ёлғон, ваъдалари пуч эканига ақлим етмадими, лаққа тушдимми? Бу мумкин эмас! Фарҳод ака унақамас... У ҳолда бугун нега унақа қилди? Ўзи чакириб, ўзи чикмади. Ўртоқлари келса нима кепти. Учрашадиган жойимиз шундоқ бурнининг остида эди-ку. Чиқиб шунақа бўп қолди, деса ёқасидан олармидим... Неччи ойдан бери ана совчи боради, мана совчи боради, деб келади. Йўқ, бу ерда бир гап бор... «Хотинларнинг эзмалигини ёмон кўраман, бунча тўйсраб қолдингиз...» Нима дегани бу? Хотин! Ахир мени... У ўкириб йиғлаб юборди, ўзини тутолмади. Юз-кўзларини рўмолчаси билан беркитиб йиғлар, бутун вужуди «қалт-қалт» титрар эди. Йиғлаган сари ичидан алам, ўртаниш бостириб келар, бу туйғулар кўз ёшларига айланиб сизиб чиқар эди...

Январнинг ўрталари. Ҳали кўчалардан, трамвай-троллейбуслардан янги йил шиорлари олинмаган. Магазинларнинг ойналаридаги совға кўтарган Қорбобо расмига болалар ҳавас билан термилишади. Одамларнинг кайфиятини ҳам байрам руҳи тарқатгани йўқ.

Нигора учрашувга сал кечикиб келди.

— Қизларнинг одати йигитларни куттириш эканда, — деди Фарҳод жилмайиб. — Яна бир оз келмасангиз музлаб қолардим.

— Ҳечқиси йўқ. Сиз унча-мунчага музламайсиз. Борди-ю музласангиз ўзим эритиб оламан.

- Мени эритишга нафасингиз етармикан?  
 Нигора ҳам бўш келмади.
- Шу қадар қаттиқ эмасдирсиз.  
 Кулишди.
- Йўқ, унчалик қаттиқ эмасман, — деди Фарход қўлидаги тўрхалтага ишора қилиб. — Мана эриб келдим.
- Нима ҳаракат?
- Биласизми, Нигорахон, бир таклиф бор. Йўқ деманг.
- Қани, аввал эшитайлик.
- Совуқни кўриб турибсиз. Бу совуқда киноям унча ёкмайди. Хўп десангиз бир жойга борамиз.
- Қаерга, билсак бўладими?
- Менинг бир ўртоғим бор...
- Туғилган кунгами?
- Бердисини айтгунча уриб ўлдирманг. Ўша ўртоғим уйининг калитини менга бериб кетган. Ҳар замонда хабар олиб турарсан деб. Ўзи Москвага кетган, иш билан. Ҳеч ким йўқ, икковимиз гаплашиб ўтираемиз. Музика кўямиз. Майда-чуйда олганман, сиз овқат пиширасиз. Қани кўрайлик-чи, қанақа пазанда экансиз.
- Нигора майин жилмайди:
- Мени синаб кўрмоқчимисиз?
- Синовмас-ку, хархолда...
- Менимча, бу синовингиздан қийналмай ўтсам керак.
- Кетдикми?
- Қандай бўлар экан?
- Қандайи борми, жуда яхши бўлади-да, иссиққина уйда суҳбатлашиб ўтирганга нима етсин.
- Негадир оёғим тортмаяпти.
- Фарход унинг қўлигидан олди.
- Қўйсангиз-чи, шунақа эскича гапларни. Ким айтади сизни замонавий киз деб.
- Бировнинг уйига бориб ўтириш... Эгаси йўқ... Қандайдир вазиятда.
- Юринг-юринг, — деди Фарход уни олдинга бошлаб, — биров эмас, менинг уйимдек гап. Бўлмаса менга калитини ишониб бериб кетармиди. Ёки га-

пимга ишонмаяпсизми? — У чўнтагидан калит олиб кўрсатди. — Мана...

Ўртоғининг уйи Қорақамишда экан. Тўртинчи қаватда, уч хонали. Жихозлар, буюмлар чет элники, қимматбаҳо, хоналар ҳашамдор.

— Ўртоғингиз яхши турар экан. Бирга ишлайсизларми?

— Узумини енгу боғини сўраманг, Нигорахон. — Фарход тўрхалтадаги нарсаларни олиб столга қўя бошлади. — Бошқа жойда ишлайди. Бизнинг маошларга қаноат қиладиганлардан эмас у...

Нигора уйни кўздан кечираркан сўради:

— Бола-чақаси қаерга кетган?

— Қизиқсиз-а, Нигорахон. Унинг бола-чақаси... йўқ, чақаси бор, боласи йўқ.

— Нега? — ҳайрон қолди Нигора. — Уч хонали уйда ёлғиз ўзи турадимми?

— Оббо, сизни боғчада тарбиячи десам, туппа-тузук терговчи ҳам экансиз-ку. Болалари бор эди, хозир йўқ. Хотини кетиб қолган. Ундан кейин, йўлини топган одам битта ўзи уч хонали эмас, тўрт хонали уй ҳам олаверади. Оғайним ана шунақа йўлини биладиганлардан.

Нигоранинг юрагига аллақандай шубҳа соя ташлади. «Сен дўстинг қимлигини айт, мен сенинг қимлигини айтиб бераман. Наҳотки? Йўр-э, ундай бўлиши мумкин эмас...» У зимдан Фарҳодни кузатди. Йигит чакқонлик билан масаллиқ тайёрлар эди.

— Хўш, Нигорахон, нима овқат ясаймиз? Тергов тугади шекилли...

Нигора индамади. Оҳиста бориб радиоприёмник куловини буради. Концерт бўлаётган экан:

*Сен сози муҳаббатсан, гулшанда гули равно,  
Ишқингни кўча-кўйда юргувчи гадо қилма...*

Иккови биргалашиб димлама пиширишди. Фарход коньякни очди.

— Мен ичмайман, Фарход ака.

— Озгина-озгинадан.

— Барибир.

— Хув анави кун ичувдингиз-ку.

— Унда турилган кунингиз бўлгани учун озгина ичувдим.

— Бугун ҳам жиндаккина кўп эмас. Бусиз ғалати, нимадир етишмаётгандай кўринади. — Коньяк тўлдирилган биллур қадахни Нигорага узатди. — Қани, олинг. Сизнинг соғлигингиз учун!..

Аста-секин қадахлар бўшади. Гап-гапга қовушди, кулфи диллар очилди. Юзлар лола рангини олди. Қайноқ бўсалар газак ўрнига ўтди. Бир-биридан ширин орзулар, хаёллар. Уларнинг чеки-чегараси йўқ. Тўйдан кейинги саёхатлар... Улар ҳозир бетон уйнинг тўртинчи каватида эмас, осмону фалакда, парку булутлар устида, турфа орзулар оғушида эдилар. Дунёда улардан бахтли, улардан шод одам йўқ эди гўё...

Нигора ўрнидан туриб сочларини тўғрилади. У йигитга қарай олмасди. Фарход ичкилик, севгидан сархуш.

— Энди нима бўлади? — Нигоранинг овози титраб чиқди. Йигит индамади. Қиз аста ортига ўгирилиб, унга қаради. Фарход нигоҳини бир нуктага қадаганча миқ этмай ётарди. Унинг бу қадар бамайлихотирлиги кизнинг дилига шубҳа солди. У саволини яна такрорлади.

— Нима бўлади энди?

Фарход жойидан туриб ўтирди:

— Ҳеч нарса, — Негадир унинг товуши хиссиз, туйғусиз эшитилди. — Эртами-кечми, барибир бир кун бўладиган иш-да.

— Лекин ҳар ишнинг вақти-соати бор.

— Вақти-соати бугун экан-да, — деди Фарход илжайиб.

— Бугун эмас эди...

— Нима, менга ишонмайсизми? Бўлмаса нега рози... Нигора ялт этиб Фарходга қаради. Унинг бу қарашда ҳайрат, ажабланиш, савол, айни чоғда нафрат мужассам эди.

— Фарход ака?!

Фарход кизнинг сочлари ёйилиб турган елкасидан кучди,

— Ҳазиллашаяпман, жоним.

Қиз турган кўйи:



— Бу ерга олиб келишдан мақсадингиз шумиди?! Юрагим бир балони сезган эди-я.

— Қалбингга қулоқ сол, деб бекорга айтишмаганда.

Қиз йигитнинг қўлларини силтаб ташлади:

— Уялмасизми?.

— Асабийлашманг, азизим. Бу гаплар ҳазил. Сал кунлар илисин, совчилар боришади. Баҳорда тўй қиламиз. Хавотир олманг, ҳаммаси изига тушади...

Ўша гапга ҳам тўрт ой бўлди. Ҳамон совчилардан дарак йўқ. Қайтанга муомаласи ўзгариб бормоқда. Баъзан учрашувга ҳам келмайди, кейин турли баҳоналар топади. Олдинги ширинсуханлик йўқ, орзу қилишлар, хаёл суришлар камайган. Нигора Фарход билан ўтказган дамларини бирма-бир таҳлил қила бошлади. Унинг ҳар бир ҳаракатидан, гап-сўзларидан сунъийлик, ясамалик кидира кетди. Нега шу пайтгача эътибор бермадим? Одамнинг боши топга теккандан сўнг кўзи очилар экан-да... Бугун бунақа муомала. Муддаоси нима? Наҳотки, мени лақиллатиб юрган бўлса?

Нигора ўзи билан ўзи олишар, томчилаётган ёмғирга ҳам эътибор бермас эди.

Оғир хўрсиниб ўрнидан турди. Ҳали вақт эрта эсада, ҳаво айнигани учун қоронғи тушиб қолди. Нега боя индамадим? Шартга олдига кириб бориб, очиқ-равшан гаплашиб олсам бўларди-ку. Ниятингиз нима, деб сўрасам еб кўярмиди. Ўзим ўлгудай ланж, кўнглим бўш-да.

Ёмғир кучайди. Ҳаш-паш дегунча усти ҳўл бўлди. «Тезроқ уйга кетиш керак...» Бекатнинг соябони остида ёмғирдан паналади. Совуқданми, аламданми дар-дар титради. Икки кўзи автобус йўлида, лекин онда-сонда ўтиб қоладиган енгил машиналарни ҳисобга олмаганда, кўча жимжит. Ҳатто кўрқинчли. Нигора нима қиларини билмай қолди. «Нариги кўчага ўтай-чи, балки у ердан такси-пакси топилар».

Кўчани кесиб ўтаётган эди, бир машина олдига келиб қаттиқ тормоз берди. Филдирақларининг чийиллаганидан у кўрқиб кетди. Шофёр ойнадан бошини чиқариб бақирди:

— Ҳой, таъвия, кўзингга қараб юрсанг ўласанми?! Ёмғирда базўр тўхтатиб қолдим. Акс ҳолда, дабдаланг

чикарди. Сен-ку гўрга, ammo менинг бешта боламини Ойшахоланг боқадими.

У сўкина-сўкина машинасини юргизиб кетди. «Бугун нима жин урди мени... Эсон-омон уйга етиб олсам майли эди...»

Такси бекатига борди. Уч-тўрт киши навбат кутиб турибди. Такси йўқ. Тезроқ кела қолсайди, деб ичини ит тирнайди. Бир томондан совқотиб кетди, иккинчи томондан, акаси бир тишини арра, бир тишини болта қилиб ўтиргандир. Мўлжалдан сал кеч қолса, ўша куни Нигора сўроғу маломатдан қутулмайди. Фарход билан муносабатини акаси билмайди. Билса гўштини қийма-қийма қилади. Шу боис Нигора учрашувга кам чиқади, унда ҳам кундузи. Акасига ўртоғимникига бориб келаман, дейди. Ота-онаси унчалик тергамайди, қайтанга акасини сал босиб туришади. Бироқ акаси на отасию, на онасининг гапига кулоқ солади. Ҳадеб Нигорани суриштиргани-суриштирган! Қаерга бординг, қачон бординг, қанча ўтирдинг қачон келдинг... «Бугун нам акамдан эшитадиганимни эшитаман...»

Ниҳоят, унинг навбати келди. Такси бир оз юргач, пулини тайёрлаб қўймоқ ниятида, сумкасини очди. У ёғини титкилади, бу ёғини титкилади. Пул йўқ. «Кундузи бор эди-ку... Тушликда мен тўламадим... Ха, дарвоқе, Халима қарз олувди. Расво бўпти-ку. Энди нима қиламан?» У сездирмай ҳайдовчига назар солди. Ёшгина, келишган йигит. Тўғриси айтса қўнар. Уйдан олиб бераман, дейди-да.

— Кечирасиз, — деди Нигора тутилиб. — Пулимни йўқотиб қўйибман. Уйдан олиб чикиб бераман.

Ҳайдовчи унга савол назари билан бир қаради-да, индамай йўлида давом этди.

Йўл четида турган икки йигит қўл кўтарди. Машина тўхтади.

— Юнусободгача...

— Чикинлар.

Машина жилди. Кабинани бир зумда ароқ хиди тутди.

— Уф, хайрият-эй, — деди йигитлардан бири, — ётгунча одамни тоза хуноб қилди-да.

— Қаердан олиб келдингиз? — деб сўради ёшроғи.

— Ишхонасидан. Роса ичди ўзиям. Оёқда туролмайдиган бўлиб қолди. Базўр таксига солиб келдим.

— Фарход ака ўзи кейинги пайтда кўп ичадиган бўлиб қолди-да, — деди ёш йигит.

Фарход номини эшитиб Нигоранинг эти жимирлаб кетди, «Наҳотки, ўша бўлса, Фарход аканинг ўртоқларимикан?» У индамай йигитларнинг гапига кулоқ осди.

— Бир неча марта айтдим, мунча ичиш нима зарил сента, дедим. Қаёқда, кулоқ солмайди, дардим кўп, билмайсан, дейди.

— Нима дарди бор экан?

— Э, гапда, ўзи соғ-саломат, бола-чақаси эсон-омон...

Нигора устидан бир пақир совуқ сув қуйгандай сизди ўзини. «Хотини, бола-чақаси... Наҳотки, мени алдаб юрган бўлса... Йўқ, булар бошқа одам ҳақида гапираёпти. Фарход ака унақалардан эмас...»

— Боя нима дейди-я, «бир қизни яхши кўраман, шунга уйланмоқчиман» дейди. Эсингни йиғ, дедим, учта болангни ўйласанг-чи, дедим. Ичиб олиб роса эзмалик қилди, ҳозиргина қўнғироқ қилди, тўй масаласини гаплашамиз, чиқинг деди, чиқмадим, дейди. Ичавериби мияси айниб қолганми нима бало. Қайси аҳмоқ қиз қараб турган экан бу кишимга тегаман деб...

Нигоранинг кулоқлари чиппа битди. Кўзлари кўрмай қолди. Еру осмон чирпирак мисоли айланиб кетди. Таксида кетаётганини ҳам унутди. Инграб юборди. Хайдовчи сизди, сизди-ю, совқотган шекилли, деб ўйлади. Нигора иродасини қўлга олди. Бутун кучини тўплади. Бегоналар олдида сирини фош қилишдан ўзини тийди, тия олди. Лекин шу лаҳзада унинг кўзига жамики эркак зоти ёмон кўриниб кетди. Орқада ўтирган икки йигит ҳам, ҳатто мана бу таксичи ҳам худбин, ёлғончи, мунофиқ. Булар ҳам кимнидир алдаган, бадном қилган... Нигоранинг назарида бутун ер юзини алдамчилик, разиллик, шахсий манфаат, шахсий ҳузур-ҳаловат ташвиши қоплаб олгандай эди.

Такси трамвай йўлидан ўнгга бурилди.

— Шу ерда бизни туширинг, — деди ёшроқ йигит. Улар тушиб кетишди.

Нигора миқ этмас, миясида турфа фикрлар гужгон ўйнарди.

«Нима қилиб юрибман ўзи? Нега у ёқ-бу ёққа карамадим? Шунчалар ҳам лакма бўладими одам деган! Бола-чақаси бор эркак билан... Унинг хотини, болалари олдидаям гуноҳорман... Эҳ, каллаварам... Мана сенга севги. Мана сенга тўй! Тўй эмиш, аза де, аза! Рост-да, бу кунингдан кўра ўлганинг яхши эмасми!»

У ўзи билан ўзи олишар, аммо овозини чиқаришнинг, дардини тўкиб солишнинг иложи йўқ эди.

Келажак, ширин орзулар ҳақида эмас, ёши бир жойга борган кампирлар каби ўтмиши, яқин ўтмиши борасида ўй сурарди. Бу ўйлар орасидан нурли тарафини тополмас, бир-биридан баттар дилини хуфтон этарди. Ўйлаган сари бир ҳақиқатга ишончи комил бўлиб борарди: фишт қолипдан кўчган, кўнгил пиёласи дарз кетган. Синиқ пиёла кимга керак!

Шофёр йигитга қаради. У икки кўзи йўлда, чап-дастлик билан рулни бошқариб борарди.

— Уйланганмисиз?

Бу савол оғзидан қандай чиқиб кетганини Нигоранинг ўзи ҳам сезмай қолди. Томдан тараша тушгандай берилган бу сўроқдан шофёр ҳам гангиб қолди. Ялт этиб Нигорага қаради.

— Йўқ, нимайди?

Нигора ўзининг саволидан ўзи хижолат чекди.

— Шунчаки ўзим... Севган қизингиз борми?

— Бор, — деди ҳайдовчи йигит астагина.

— Чиройлими?

— Қайсидир китобда ўқиганман, ҳар кимнинг севгани ўзига энг чиройли кўринаркан.

Нигора индамай қолди. Бир оздан сўнг яна деди:

— Астойдил яхши кўрасизми?

— Саволингиз кизиқ бўлди-ку.

— Менинг гапларимга ажабланманг, лекин сиздан илтимос, севган қизингизни бир умр севинг, ардоқланг. Ахир одам боласи, айниқса, йигит умрида лоақал бир одамни бахтиёр қилиши керак-ку. Бировни бахтсиз, бадном қилиш осон, бу ҳар қандай аҳмоқнинг ҳам қўлидан келади. Аммо ўзгаларга бахт ато этиш, буни

хаммаям эплаёлмайди... — Унинг лаблари титраб кетди, йирлаб юборди.

Хайдовчи Нигоранинг гапларидан, ҳолатидан хайрон. «Кўринишдан ёш кизга ўхшайди. Гаплари бунақа... Ким ўзи бу?... Пулим йўқ, дейди. Ўзи сувга тушган мушукдек шалвираб қопти... Йирлайди... Қаёқдан келаяпти...»

Машина тор кўчага кирди. Рўпарадаги кўк дарвоза олдида бир киши сигарет чекиб турарди. Таксининг чироғи тўғри унга тушди.

— Ана, акам туриптилар, — деди Нигора. — Ҳозир пулингизни олиб бераман.

— Керак эмас, — деди хайдовчи. Тезроқ ундан қутулиб кетишни ўйларди.

Нигора таксидан тушиши билан акаси бақира кетди:

— Шу маҳалгача каерда санғиб юрибсан, ярамас?!

— Ака, шошманг, пулимни йўқотиб қўйдим. Таксига пулини беринг.

— Тушиб қолган пулим йўқ. — У машинасини буриб олаётган таксичига ўдарайлаб кетди. — Ҳали одамларни текинга ташийдиган бўлиб қолдингизми? Шунақа олижанобман денг. Сиз ҳам шу ернинг одамимисиз ёки осмондан тушганмисиз? Ер юзида бунақа саховатли одамни кўрганим йўқ ҳали.

— Менга нима дейсиз, ака. Оддий таксичи бўлсам, вазифамни бажардим...

Нигора зор қақшаб акасига ёпишди:

— Ака, ахир бу йигитга нега бақирасиз? Бу бечора менга яхшилик қилди.

— Ўчир овозингни! Уйга кир! Уйда гаплашаман сен билан. — Таксичига юзланди. — Йўқол бу ердан! Иккинчи қорангни кўрмайин бу маҳаллада.

Нигора пиқ-пиқ йиғлаганча дарвозадан ичкарига кирди. Хайдовчи ҳеч нарсага тушунолмаётган таксининг бошини катта кўча томонга бурди: «Ғалати одам эканку. Ҳа, майли, ҳар хил одам бор-да, бу дунёда. Ҳали синглиси шўрлик ҳам эшитадиганини эшитади...»

У машинасига қаттиқ газ берди. Катта кўчага чиққунча таксининг орқа чироқлари тор йўлакни кизриш нурлари билан ёритиб кетди...

Ёмғир тинган, майин шамол эсар, у булутлар галасини ҳайдар эди.

Кўшни кўчадан карнай-сурнай навоси эшитилди. Орқасидан йигитларнинг шодон қийқириғи осмонга кўтарилди.

Булар таксичи йигитга севги сози каби туюлди. Шу тобда у севган қизини кўргиси, унинг сўзларини эшитгиси келди... Машина рудини ўша қиз яшайдиган маҳалла томонга бурди...

1984 йил

### ЧЎЛИ ИРОҚ

Муҳаббат эрини уйғотмоқчи бўлиб уйга кирди-ю, мириқиб ухлаётганини кўриб фикридан қайтди. Ширин уйқусини бузгиси келмади. Астагина стулга ўтирди. Бахтиёр худди ёш боладек пиш-пиш қилиб беозор ухларди. Унинг ораси очик, қалин қошлари пирпираб кўяди. Муҳаббат эрининг қошларига термилиб, ўйлади: «Мунча ораси очик. Эскиларнинг гапида ҳикмат кўп. Қошларининг ораси очик йигитлар узоқдан уйланади, уларнинг кўнгли ҳам очик бўлади, деганлари рост экан. Бўлмаса, бу киши қаёқда эди-ю, мен қаёқда эдим. Етти ухлаб тушимга кирмаган... У-чи? У ўйлабдимми менга уйланишини?»

Уларнинг тўйи ўтганига эндигина бир ой бўлди. Тўйдан олдин бир-бирига жуда яқин, сирдош эдилар, ҳатто тортинмас, унча-мунча гапларни бемалол айтишарди. Никоҳ кунидан бошлаб иккаласининг ҳам кўнглида валати бир кайфият турилди. Бир-бирига кўринмас иплар билан чамбарчас боғланганини хис қилганлари сари уялиш, тортиниш туйғулари жўш урарди. Ёлғиз қолган кезлари куёвнинг ҳам, келиннинг ҳам тилига сўз келмас, гўё бир-бирини энди кўраётгандай жим ўтиришади. Онда-сонда айтиладиган гаплари ўзларига ҳам эриш туюлади. Қизиқ, нега шундай экан? Тўйдан олдин эса иккови икки ёқда қачон бирга бўлишни, мириқиб суҳбатлашишни, бир-бирининг дийдорига қонишни орзу қиларди. Висол онларида бири қўйиб, иккинчиси гапга тушарди. «Севасизми?»



«Севаман», «Сиз-чи?» «Мен ҳам». Шу каби бир хил сўзлар қайта-қайта такрорланар, аммо на йигитнинг, на қизнинг гашига тегар, аксинча яна эшитгиси, яна сўрагиси, яна эшитгиси келарди. Энди-чи? Қизик, нега энди бунақа? Йўқ, улар бир-бирига тўйиб қолгани йўқ!.. Ошиқ-маъшуклик йўриғи бўлак экан. Унда бирга бўлишларига қанчалик ишонсалар-да, барибир хали амалга ошмаган ширин орзу эди бу. «Ютганим ўзимники, чайнаганим гумон», деган гап бор. Никоҳ бу гапни уларнинг кўнгилларидан чиқариб ташлади. Йўқ, ўзаро қандайдир «ётсираб» қолиши бунданмас. Улар ҳамон бир-бирига ташна, ҳамон интиқ. Фақат эндигиси бўлакча... Никоҳ ҳар кимнинг ҳам ҳаётини бошқа изга соларкан. Негадир одам ўзини салобатли, вазмин сезиб қоларкан. Олдинги шўхликлар, ҳазил-ҳузуллар энди...

Муҳаббат эрининг юзларини, сочини оҳиста силай бошлади. Бахтиёр кўзини очди. Юзлари сутга чайилгандек оппоқ, шунданми қош-кўзлари яна ҳам қорароқ кўринган фариштасифат Муҳаббат ўтирипти. Унинг ипақдек майин қўллари Бахтиёрнинг силлиқ юзларини силади. Бир тутам қуёш ёрдуси саҳнадаги балеринани қувлаб юрган прожектор нуриддек унинг юзига тушиб турибди. Келин-куёв бир-бирига унсиз узоқ термилди. Кейин кўзлар бир-бирига яқинлашди, яна ва яна яқинлашди...

Муҳаббат оҳиста бошини кўтарди. Унинг юзлари лоладек қизариб кетган. Эрининг кўзларидан кўзини олиб қочиб унинг юзига астагина шапатилади. Бу шапатининг таъсирини на куёв сизди, на келин.

— Ёмонсиз, — деди Муҳаббат.

— Сен яхшисан, — деди Бахтиёр.

Иккаласи ҳам унсиз жилмайишди.

— Турмайсизми энди.

— Хали вақтли, шекилли... Бугун дам олиш-ку.

— Шундай бўлсаям-да... Битта-яримта келиб қолиши мумкин.

— Ким ҳам келарди? Ҳамма ўз иши билан овора hozир.

— Билиб бўладими? Ахир ҳар якшанба кимдир келади-ку, эсингиздан чикдими, — деди Муҳаббат кулиб.

ANDIJON QURILISH INSTITUTI  
AXBOROT-RESURS MARKAZI  
INV № 1306749

17

30

3221

2018

олишда биров келарди. Гоҳ келиннинг уруғларидан, гоҳ куёвнинг қариндошларидан, ёки уларнинг тўйига келолмаган дўстлари йўқлаб муборакбод этгани келишарди. Шунга уларнинг ўзи ҳам кўникиб қолишган, бирор якшанба меҳмон келмаса, нимадир етишмаётгандек туюларди.

— Ҳа-я, рост айтасан. Саккиз яримнинг концерти-ми? Ёз кизик-да, соат саккизда чошгоҳ бўлиб кетгандек кўринади. Қишда бу пайтда тонг отмаган бўларди хали.

«Энди Турғун Алиматов ижросида сатода «Чўли ирок»ни тингланг». Дикторнинг эълони Муҳаббатнинг диққатини тортди.

— Тўхтаг, Бахтиёр ака, эштайлик шу куйни. Жуда яхши чалади-да.

Сато тилга кирди. Бахтиёр шифтга термилиб ётар, Муҳаббат эрининг найзадек ўткир, узун ва қалин киприклари қуршаб олган жуда тиниқ, ҳаётидан мамнулик сезилиб турган чакмоқ кўзларидан нигоҳини узмайди, аммо хаёли паришон. Сато торлари инграр, гоҳ ҳазин, гоҳ баланд пардада нола қиларди. Гоҳо нафаси етмай қолиб, дами ичига тушиб кетгандай, бир сония жим бўлиб қолар, лекин орқада — худди тоғлар акс садо қайтаргандек унинг ноласи зириллаб турарди. Мусиқа гўё аста-секин киши юрагига кириб борар, унинг пардасини ҳозир... ҳозир йиртиб юборгундек бўларди.

Муҳаббат ўзини тамоман йўқотиб қўйган, юраги ёниб адо бўлаётган шам мисоли титраётганини сезмасди. У ҳали умрида ҳеч кўрмаган жойларни ҳозир шу тобда хаёл кўзлари билан яққол кўриб турарди. Ана, поёнсиз сахро, қум, қум... Иссиқдан оёқ қуяди. Карвон кетидан бораётган ўн етти яшар соҳибжамол қизнинг мадори қуриган. Тили танглайига ёпишади. У бор кучини тўплаб «сув» демоқчи бўлади, лекин тили айланмайди, у жуда оғир, худди шишиб кетгандек. Атрофда бирон жонзот йўқ. Олдинда кетаётган нортую бўйнидаги қўнғироқнинг майин, юракни эзувчи саси келади кулоққа. Сахро — нон ёпишдан олдин оқартирилган тандир. Бу тандирга борди-ю, илохий қудрат бир томчи сув ташласа, киприк қоққунча ўтган фурсатда қуриб қолади. Туя арқонига борланганича

бораётган гўзалнинг оппоқ, юзлари иссиқнинг зўридан бўғриқиб кетган, тўқ жигарранг тусга кирган. Энди лоакал кўзини очишга ҳам қуввати етмайди.

Тонгги шабнамдек берубор бу гўзални тақдир қаёқларга олиб кетмоқда? Уни кимларнинг шафқатсиз панжаси остига ташлайди? Буни ким билади? Хеч ким! Хеч ким!

— О, шўрлик киз! Не кўргуликлар бор сенинг бошингда! Қандай жафолар кутмоқда сени.

Мадорсизлик, ташналик кизнинг хаёлларини алғовдалғов қилиб юборади. «Қачон етамиз? Қаерга борамиз? Муштипар онам, дасти калта отам! Қайларда қолдингиз?...». Лекин буни хеч ким билмайди, унинг қисмати офир, йўли йирок. Жуда йирок... Кум, кум, кум...

Куй ўтмишдаги ана шу ғам-ғусса ҳақида сўзламоқчи бўлади, лекин гапиролмай йиғлайди. Бу ғамни ҳатто сато торлари ҳам кўтаролмай ўпкаси тўлиб кетади. Инграб, эзилиб, эшилиб йиғлайди, йиғлайди.

Бахтиёрнинг юзига иссиқ бир томчи тушди. У шарт хотинига қаради. Муҳаббатнинг хиёл қисик, аммо ҳар қандай юракни бир кўришдаёқ ўртовчи тимқора кўзларига ёш тўлган, киприклари орасидан сизиб чиқарди.

— Сенга нима бўлди, Муҳаббат?

Муҳаббат ёшли кўзларини жавдиратиб эрига термилди-ю, индамади, гапирмади.

— Сенга айтаяпман? Нима гап ўзи? — Бу сафар Бахтиёрнинг овозида бир қадар ўктамлик зоҳир эди.

Муҳаббат чуқур хўрсинди.

— Куйи шундай бўлса ғамнинг ўзига қандай чидай олган экан одамзод?!

— Кўйсанг-чи, азизам, ҳар куй эшитганингда бунақа эзилаверсанг, ўзингни ўзинг адо қиласан-ку.

— Йўк, Бахтиёр ака. — Муҳаббат эрининг сочларини меҳр билан силарди, — ҳамма куйгайм йиғлайвермайман. Биласиз-ку, «Чўли ироқ»ни яхши кўраман. Шу куйни эшитишга ўзимнинг ҳам юрагим йўк, безиллаб қолганман. Лекин чалганда ўчириб қўёлмайман, эшитмай туриб кетолмайман, журъатим етмайди.

— Бўлди! — Бахтиёр чакқон сакраб турди ўрни-

дан. — Одам деган бунақа пессимист бўлмайди. Ярашмайди! Қани, чой-пойингни олиб кел!

Бу — Бахтиёрнинг хотинига бошқа эркаклар каби буйруқ оҳангида илк гапириши. Буни Муҳаббат ҳам сезди, лекин у қадар эътибор бермади. Қачондир, бир кун келиб шундай бўлишини биларди.

Ўша кун кечгача Бахтиёрнинг чиройи очилмади, кўнгли ғаш бўлиб юрди. Муҳаббатнинг йирлагани сабабини ўзича таҳлил қилар, турли хаёлларга борарди. «Нега бунча эзилди у? Йиғидан ўзини тутолмади. Нега? Хўш, куйни яхши кўрса нима бўлибди? Мен ёмон кўраманми? Ёки шунчалик тошбағирманми? Йўқ! Куйни яхши кўрган одамнинг ҳаммасиям йирлайвермайди-ку. Бирон сабаби борки, йирлайди, эзилади шунчалик. Эҳтимол шу куй билан борлиқ бир гап бордир? Албатта, менга айтармиди...». У ўйлаган сари хаёлига янги-янги фикрлар келар, гўё излаган нарсасини ҳозир топадигандек туюларди: «Балки хув анави гапи бекоргамасдир: «Қандайдир бир ашулачим-ей, созандами-ей менга уйланмоқчи бўлиб юрарди. Лекин ота-онам унга икки дунёда ҳам бермасди. Ўзим-ку ўлдирса ҳам тегмасдим». Эҳтимол бу билан кўрққан олдин мушт кўтарар қилгандир... Ҳар қалай бир гап бор. Ўзи эрталаб, ўрнимдан турмасимдан келиб эркаланишидан юрагим ширғилловди-я. Хотин киши ё ёмон туш кўриб чиқса, ёки ҳаром йўлга қадам қўйса, ҳеч бўлмаса олдинги жазманини ўйлаб юраги сиқилса, эрини эркалашга, унга суйкалишга тушади, дейишарди. Шу гап ростта ўхшайди. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи кимирламайди. Одамлар минг йиллик тажрибаларидан кейин бир хулосага келадилар».

Бу фикрлар Бахтиёрнинг ичини сичқондек кемирар, юраги гупиллаб урарди. «Хотин зотининг энг соддаси ҳам айёрликда тулқига дарс беради». Буларни ўйлаган сари қайсидир ўртоғидан эшитган ана шу гап ёдига келар ва унга ўзини ўзи ишонтирарди.

Бахтиёр вазоҳатини босолмади. Ҳозир хотинини чакириб очиқ-ойдин гаплашиб олмоқчи бўлди. «Темирни қизигида босган маъқул».

— Муҳаббат!

Ошхонадан Муҳаббатнинг овози эшитилди.

— Лаббай.

— Менга қара... Бу ёққа кел!

Муҳаббат кирди. У пешбанд тутиб олган, қия қилиб ўраган ялтироқ рўмоли ярашиб турарди. Муҳаббатнинг ёноқлари иссиқдан қизариб кетган, қайрилма қошлари қалдирғоч қанотидек ингичка, қуралай кўзлари ўтдек ёниб турарди. Рўмоли остидан тошиб чиққан қоп-қора сочлари оппоқ бўйнида эркаланиб ётарди. Қоронғи жойдан бирдан ёруққа чиқса одамнинг кўзи қамашади. Бахтиёр ҳам шундай холга тушди. У ҳозиргина ўрик ўтин чўғидек ёниб, куйиб турувди. Муҳаббат билан юзма-юз бўлди-ю, кўзи жимираб, дами ичига тушиб кетди.

О, гўзаллик! Сенинг олдингда кимлар тиз чўкмаган! Не-не баҳодиру паҳлавонларни лол қолдирмагансан? Сенинг меҳру сеҳрингга не-не азаматлар асир бўлмаган!

— Чақирдингизми? — Муҳаббатнинг табассуми Бахтиёр калбидаги алангага сув себди. У хотинига қараб туриб симобдек эриб кетди.

— Ҳа, чақирувдим... Гугурт борми?

— Гугурт, ҳа бор. Мана, — у пешбандининг чўнтагидан гугурт олиб берди.

— Раҳмат...

Бахтиёр уйга келса Муҳаббат йиғлаб ўтирибди.

— Яна нима бўлди?

— Ҳеч нима. Ўзим шундай.

— Яширма мендан, барибир билиб оламан. Кейин хафа бўласан.

— Нимани яшираман сиздан, Бахтиёр ака. Эшитяп-сизми, музыка, «Чўли ироқ».

Бахтиёр баттар тутокди.

— Эшитмаяпман. Шунинг учун сўраяпман. Хўш, «Чўли ироқ»ни яхши кўрсанг нима бўпти? Шунга йиғлайсанми? Ахир бир марта бўлмаса, икки марта бўлмаса... Ҳар доим шу аҳвол. Турмуш қурганимизга бир йил бўлаяпти-ю, ҳамон ўша куйни эшитсанг йиғлайсан. Бўлди-да, энди.

— Турмуш қуришимизнинг нима алоқаси бор бунга. Илгари ҳам шунақа эди. Бундан кейин ҳам...

— Демак... куй замирида кимдир бор. Уни эшитганинда ўшани эслайсан... Яна «Чўли ироқ» яхши куй эмиш. Билдик яхшилигини...



— Бахтиёр ака! Нималар деяпсиз? Наҳотки...  
наҳотки мени...

Муҳаббат ўзини Бахтиёрнинг кўксига отди.

— Алдама мени. Лақиллатаман деб ўйлама, сен ўйлаган лақмалардан эмасман.

Муҳаббат кўзларида филт-филт ёш билан эрига термилди.

— Ўтинаман сиздан, бунақа фикрларни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Ахир бу мен учун ҳақорат-ку. Сиздан бўлак бирон киши ақалли кўлимни ушлаган бўлса тил тортмай ўлай!

— Қасам ичма!

— Ишонмасангиз нима қилай, ахир? Ҳеч нарсани, ҳеч кимни эсламайман. Билмадим, нимага ундай? Шу куйни эшитсам юрагим сиқилиб, йирлагим келаверади...

— Бўлди. Бас қил куй-пуйингни.

Муҳаббат пик-пик йиғлар, ўзини босмоқчи бўлгани сари баттар ўпкаси тўлиб келарди. Бахтиёр айвонга чикди-да, сигарет тутатди.

Куни билан Бахтиёрнинг кайфияти бўлмади. Юраги хижил, кўнгли хира. Бошлиғидан эшитган дашноми ярага туз сепгандай бўлди. Ишхонадан эртароқ чикди-да, буфетга бурилди. Одатига қарши у ердан бир стакан арақ олиб ичди. Газак ҳам қилмади.

Ўйга келса хотини ҳали ишдан қайтмабди. Қоронғи тушиш палласини — ғира-ширани ёқтирмасди у, юраги сиқилиб кетади. Шунинг учун ҳовлида ўтиролмади. Ичкари кириб ечинмасданоқ каравотга чўзилди. Ётган жойида сигарет тутатди.

Радиоода концерт бўлаяпти. «Энди «Чўли ироқ»ни тингланг». Бахтиёр радиони ўчирмоқчи, суғуриб олиб ҳовлига иргитмоқчи бўлди. Лекин қандайдир куч, ирода уни бу фикрдан қайтарди. «Радиоода, куйда нима айб? Ўчирганим билан...». Сигаретини босиб-босиб тортаркан, куйнинг сеҳрли тўрига илиниб қолганини — берилиб тинглаётганини ўзи ҳам сезмасди. Сатодан таралаётган мунгли куйни сигарет тутунига қўшиб ичига ютаётгандай, бу оханг юрак пардаларини зириллатаётгандек бўлди. Энди куй садолари ичидан эшитилаётгандай туюлди.

О, сеҳрли куй! Неча асрлардан буён қанча-қанча



одамларнинг юрагини зиркиратасан? Не-не тошбағирларни мумдай эритмадинг! О, буюк халқ! Она халким! Сенинг бетимсол даҳонгга таъзим! Минг бор тасанно! Шу куйларинг, шу сеҳрли мўъжизаларинг бўлмаганда фарзандларинг ҳам бу қадар мулойим, одамохун, бағри кенг бўлармиди! Минг бор қуллуқ сенга, она халким!...

Куйнинг кўз илғамас тўри Бахтиёрни маҳкамроқ сиқиб борарди. У нигоҳини бир нуқтадан олмай тубсиз ўйга ғарқ бўлди. Китобларда ўқигани, киноларда кўргани, раҳматлик бувасидан эшитганлари — ўтмиш, ғамли, аламли ўтмиш кўз олдига келди. Куй ўша узоқ мозий ҳақида, унинг юракларни силкитувчи дардлари ҳақида йиғлаб, фарёд солиб хикоя қиларди. Олисдан, жуда олисдан кимнингдир нолакор, аммо шиддатли, исёнкор, мардона овози чалинди қулоғига:

*Баски қўйдим мен фалакнинг елкасига ғам юкин,  
Кийдим мотам тўнинию, бўлди қадди ҳам дуто.*

Эшик қарс очилиб Муҳаббат кирди. Чироқни ёқди. У эрининг бу ахволда ётганини кўриб кўрқиб кетди.

— Сизга нима бўлди?

Бахтиёр гапирмади. Фақат «жим» дегандек қўлини кўтарди-да, радиога ишора қилди. Шундагина Муҳаббат куйни эшитди. У эрига қаради. Қаради-ю, унинг кўзларида электр нурида ялтираб турган ёш томчиларини кўрди. Бу хол уни ҳайкалдек қотириб қўйди. Куй тинди.

— Сизга ярашмас экан, — деди Муҳаббат оғир тин олиб.

Бахтиёр индамай ўрнидан турди. Секин келиб хотинини кучоқлади. Юз-кўзларидан ўпди. Бу бўсалар Муҳаббатга ҳаммасидан — тўйдан олдинги ўғринча бўсалардан ҳам қайноқроқ, меҳрлироқ туюлди...

1977 йил

## ТАРОЗИ

Сожида худди бир нарсадан чўчигандай илқис уйғонди. Дераза пардасини кўтариб ташқарига қаради: ҳали қоронғи. Ҳовлида супургининг «шув-шув»и эшитилди. «Энам ҳовли супураяпти. Қанча ҳаракат қилсам ҳам энамдан олдин туrolмайман-а».

Сожида шуларни хаёлидан ўтказди-ю, апил-тапил кийиниб ҳовлига чиқди. Айвон ёнидан ўтадиган ариқчада ювинди. Ўрикнинг қонга бўялгандай кип-қизил ҳазонлари оралаб жилдираб оқётган тип-тиник сув муздай эди. У ювинаркан, ўйларди: «Нимага зар-долининг барги бунча қизариб кетар экан? Табиатнинг ишларига ҳайрон қоласан-да. Кўм-кўк нарса шунчалик кип-қизил... Онасининг бағридан узилиб кетаётгани учун дили қонмикин? Ажабо, дарахтлар ҳам одамларга ўхшайди-я...».

Қиз ювиниб бўлиб, молхонанинг олдини супураётган онаси томон юрди.

— Ассалом.

— Бунча вахли турдинг, қизим?

Онаси самимий айтди бу гапни, аммо Сожида хижолат бўлди. Ахир ёши олтмишдан ошган онаси эрта туриб ҳовли супурса-ю, бу ухлаб ётса яхшими?

— Беринг супургини...

Кампир икки қўли билан белини ушлаб, қаддини ростлади.

— Озгина қолди, ўзим супуриб қўя қоламан. Чой қўйганман, қайнаган бўлса, дамлагин.

«Чой ҳам қўйишга улгуриптилар-да». Сожида баттар хижолат бўлди, юзлари қизариб кетди, икки чаккасига иссиқ нарса югургандай бўлди...

Нонуштадан кейин Сожида этигини кия бошлади.

— Ҳа? — деди онаси ажабланиб.

— Чиқа қолай.

— Ҳали вахли-ку. Сал туриб борарсан. — Онанинг гапларида қизига ачиниш, раҳм туйғулари мужассам эди.

— Эртaroқ боришим керак.

— Шу пайтда далада биров борми-йўқми, ёлғиз ўзинг...

Сожида қанорни этакка ўраб қўлтирига оларкан, онасининг гапига кулди:

— Нима, мени бўри ермиди? Ундай десангиз бўриям йўқ. Биззи обод далаларга бўрини бойлаб қўйса ҳам турмайди.

— Ҳазилинг ҳам бор бўлсин-да, қизим. Сахармардондан шунақа гапларни қўйсанг-чи, — кампир қизига яқин борди. Қандайдир сирли бир гап айтганидан овозини пасайтирди. — Ҳар ҳолда эҳтиёт яхши-да, болам. Бўйи етган кизсан... Овлоқ жойга бемахалда ёлғиз боришингга кўнглим бўлармиди.

Сожидага онаси ҳозир жуда ҳам меҳрибон, ғамхўр кўриниб кетди. У ўзини тутолмади. Онасини шартта қучоқлаб олиб, эркаланди. Қампир қизнинг юзларидан, пешонасидан ўпди.

— Мендан хавотир олманг, энажон. Эртароқ борай деганим, бугун кечагидан кўпроқ теришим керак. Биласиз, Шаҳодат билан мусобақалашганмиз. Кеча у мендан ўн беш кило кўп терди.

— Ҳа, гап бу ёқда дегин. Шунинг учун хўроз кичкирмасданоқ туриб олган экансан-да, — кампир муҳим гап эсига тушгандай сергак тортди. — Менга қара, Сожида, у дугонангга синглиси ҳам ёрдам бераётганмишми?

— Билмадим, — деди Сожида.

— Нимага билмайсан? Бир жойдан терасизларми ўзи? Синглисиям чиқяптими теримга?

— Ҳа, чиқяпти.

— Икковини ҳам Шаҳодатга ёзяптими? Шундай қилсаям бўладими?

— Билмасам. Бўлса керак-да, қияпти-ку.

Кампирнинг қовоқлари уюлди.

— Тавба? Буниси қизиқ-ку. Ахир бу гирромликмасми?!

— Унисини билмадим, энажон. Мен тезроқ борай, вақт кетяпти...

Сожида қишлоқдан чиқиб, икки томонига қатор тут экилган тупроқли йўлдан илдам кетиб бораётган эди. У ҳар қадам босганида тунги шудрининг сал шумиққан тупроқнинг таниш, дилини қитқилловчи хили үфурар, бунга йўл четидаги тутлар, бурганилар бўйи вўшиқининг кўнглини яйратар эди. Бу сурур уни шундай

тезроқ юришга кистарди. Пахтазорга яқинлашганда тутлар орасидан хуштак эшитилди. Юраги шувиллаб кетди. Атрофга аланглади, ҳеч ким йўқ. Хаёлимда шундай туюлгандир, деб ўйлади. Уч-тўрт қадам юриши билан яна хуштак чалинди.

— Сожида...

Бу овозни, унинг эгасини Сожида таниди: Акрам. Сожиданинг юраги гуп-гуп ура бошлади. «Акрам! Шу маҳалда у бу ерда нима қилиб юрипти?»

— Сожида... Бу ёққа кел.

Сожида кўчанинг ўртасида серрайиб қолди. Акрам Сожидадан бир йил олдин мактабни битирган. Улар бир-бирига хат ёзиша бошлаганда Сожида тўққизда, Акрам эса ўнда ўқир эди. Шунга ҳам икки йилдан ошди. Бу вақт ичида, эҳ-хе, қанча оқ қоғозларнинг юзи қораланди. Иккови ҳам хат ёзаётганда жуда бурро бўлиб кетар, баъзан шеърлар ҳам тўқишар эди. Аммо онда-сонда хилват жойларда учрашиб қолганда негадир уларнинг гапи-гапига ковушмас, иккови ҳам, ҳаяжоннинг зўриданми, дилидагини тилига чиқаролмай хайрлашар эди. Учрашувда айтилмаган гаплар яна оппоқ қоғозга битилар эди...

Акрам йўл четидаги увотга чиқди:

— Сожида, бу ёққа кел.

— Нима қиламан?..

— Сенда гапим бор.

— Нима қилиб юрибсиз бу ерда? — сўради киз. Унинг тилига бошқа сўз келмас эди.

— Сенинг йўлингни пойлаб чиқувдим, — йигитнинг овози титраб кетди. — Гап бор эди.

— Нима гап экан?

— Сожида... Хатда...

Сожида шарт орқасига ўтирилди-ю, югуриб кетди. Ордан «Мен сени севаман» деган товуш қулорига чалинди. Акрамнинг хатларида бу сўзни Сожида кўп ўқиган, аммо ўзининг оғзидан ҳали ҳеч эшитмаган эди. Ҳозир бу сўз гўё жонли бир нарсадай қулоридан оёғининг учигача жимирилатиб ўтди. Бир зум юришдан тўхтади. Ширин бир нарсанинг мазасини тотгандай кўзларини юмиб олди. Бутун вужуди бўшашиб кетди.

У пахтазорга қандай келганини, қанорни қаерга кўйиб, этакни қачон белига боғлаганини билмайди.

Этаги яримлаб пахтанинг оғирлиги сезилгандагина ўзига келди. Шудринг кўнган оппоқ пахта, очилмаган кўм-кўк кўсагу рўзапоянинг намхуш хидини ҳам энди туйди. Ўзидан ўзи уялиб, атрофга аланглади. Шабнам ҳали кўтарилмаган, кенг пахтазор жимжит. «Жинниман мен, эртароқ келиб пахта териш ўрнига...». Шу топда кулори остида «мен сени севаман» деган титроқ товуш яна эшитилгандай бўлди. Бейхтиёр тутзор то-монга қаради. Ҳеч ким йўқ. «Ўзингни кўлга ол, Сожида. Вақт кетяпти. Бугун ҳам орқада қолсанг уят!». Унинг нозик бармоқлари шудринг тушган лўппи пахталарга элчил бориб келар эди. Ҳаш-паш дегунча этаги тўлди. «Қанорни қаерга кўйдим? Э, ўл..». Қанорни қидириб кетди. Ўқариқ бошида экан. Этагини унга бўшатди-да, эгат оралаб жадал кетди.

Тонг ёришиб, одамни одам танийдиган бўлганда ўқариқ бошидаги қанор тўлай деб қолган эди. Сожиданинг этаги яна тўлди. Уни ечиб олди-да, қадини ростлади. Шаҳодат келмадимикин, деган хаёл билан ён атрофга қаради. Ҳеч ким кўринмади. «Ё бошқа картадан теряптимикан? Йўғ-е, буни тамомламай бошқа жойга ўтишга бригадир рухсат бермайди-ку. Балки синг-лисига ишониб... Шошилмай келса керак-да». Оппоқ очилган пахта юзида бир томчи шудринг милтираб турар эди. Сожида ўша пахтани авайлаб кўлга олди. Ҳар чанокдаги юлдуз қирраларидек ажралиб турган пахтага термилиб хаёлга толди. «Хозир мен тераётган мана шу пахтадан нималар килинар экан? Балки қайсидир ўлкадаги нотаниш бир тенгдошим кўйлак кияр? Эхтимол, мана шу пахта кимнингдир ярасига малҳам бўлар? Қизиқ! Дунёнинг ишларига хайрон қоласан одам... Ўша нотаниш дугонам устидаги кийимнинг пахтасини Сожида деган бир қиз терганини билармикан? Қаёқдан билсин? Балки менинг устимдаги мана бу жемперни ҳам аллақайси мамлакатдаги менга ўхшаган бир қиз тўқигандир? Одамлар бир-бирини кўрмай, танитай, ҳатто қанақа эканлигини тасаввур ҳам қилмай бири иккинчисига ёрдам беради-я. Лекин ҳамиша бирга юрадиган, бир ариқдан сув ичиб, бир хаводан нафас оладиган одамлар баъзан бир-бирига ёрдам беришни, яхшилик қилишни истамайди. Қайтанга оёғидан чалади. Қизиқ экан-да одамзотнинг феълиям».



— Э, хорманг, хорманг, Сожидахон. Ҳалитдан бир қанорни тўлдириб қўйибсиз-ку.

Сожида илон чакқандай сапчиб тушди. Қўлидаги лўппи пахта ерга тушиб кетди. Рўпарасида Муродилла турар эди. Ўттиз ёшларни қоралаб қолган, паст бўйли, семиз бу йигит уч йилдан бери ҳисобчи бўлиб ишларди.

— Бугун дугонангиздан ўзиб кетаркансиз-да, Сожидахон?

— Сиз яна биронта одамнинг терганини дугонанинг ҳисобига ёзмасангиз, тенглашиб қоламиз, — деди Сожида унга қарамай.

— Оббо, сиз-эй, ҳали шунга хафа бўлиб юрибсизми? Хафа бўлманг. Менга қаранг, Сожидахон, сизга бир гапим бор эди.

Сожида жаҳл билан унга қаради. Кўзларини сал қисиб ҳисобчига юзланди.

— Хўш, нима гап экан? Қуловим сизда.

— Биласизми, Сожидахон. Хўп десангиз, бугун хар гал тортгани хирмонга олиб борганингиздан ўн кило-ўн килодан қўшиб ёзаман. Шунда Шаҳодат сизга сираям етолмайди. Розимисиз?

Сожида унинг гапларини эшитиб туриб ўзича режа тузар эди. «Нималар деяпти ўзи бу? Нима учун менга ғамхўрлик қилгиси кеп қолди? Нимага шама қияпти?». Эрталаб онаси айтган гаплар эсига тушди: «Бўйи етган қизсан. Овлоқ жойга бемахалда ёлғиз ўзингни юборишга кўнглим бўлармиди». Сожида Муродилланинг тиржайиб турган башарасига қаради: «Йўк, сен ўйлаганчалик лақма эмасман!».

— Ростданми? — бирдан қиёфасини ўзгартирди Сожида. — Шундай килоласизми?

— Бўлмасам-чи? Ҳаммаси ўзимнинг қўлимда-ку.

— Яхши бўларди, — деди Сожида ўзини хурсанд бўлгандай тутиб. — Лекин биласизми, сал оз-да.

— Нима оз? — деб сўради ҳисобчи ховлиқиб.

— Ўн кило оз-да. Йигирма килодан қўшолмай-сизми?

Муродилла хурсанд бўлиб кетди. «Худо хоҳласа иш беш. Йигирма кило бўлса йигирма кило-да. Нима, тушгача бир марта, тушдан кейин яна бир марта торттиради. Қирқ кило пахта нима деган гап. Бошқалардан



икки килодан урсам ҳам... Бугун кечқурунга таклиф қилсаммикан? Хўп, дермикан? Хўп демай ҳам кўрсинчи!».

— Бўпти. Майли, мен розиман. Сиз учун йигирма кило пахта нима бўпти? Лекин ҳеч кимга айтмайсиз-а?

— Албатта-да. Кимга айтардим, — деди Сожида муғомбирона. — Ҳа, айтгандай, эрталабдан бу ёқда нима қилиб юрибсиз?

— Менми? Хар кун эрталаб одамлар теримга тушгунча далани айланиб кўраман, қайси картани олдин териш кераклигини аниқлайман.

— Шундайми? Мен бригадир кўрса керак, деб ўйлардим, — деди Сожида соддалик билан.

— Э, кизик экансиз, Сожидахон. Бригадир нима? У шунчаки, номига. Ҳамма ишни мана биз ҳал қиламиз-да. Бўлмаса сизга қўшимча пахта ёзишнинг ўзи бўладими? Айтгандай, Сожидахон, яна бир гапни айтиш эсимдан чиқаёзибди. Кечқурун ҳамма билан баравар кетиб қолманг. Хўпми? Мана, эрталаб ҳаммадан бурун келсангиз, кечда ҳам энг кейин қайтсангиз, шунда ҳаммадан кўп терганингиз ишончли бўлади. Тўғрими? Қоронғи тушиб қолишидан кўркманг. Ўзим кузатиб кўяман. Келишдикми?

Сожида ҳисобчининг без бўлиб турган кўзларига караганча ўйларди: «Ҳа, тўлқак, ниятни маълум! Акрамга айтсаммикан? Йўқ. Ўзим билмайман бу суллоҳни». Унга сир бей бермади.

— Бўпти, келишдик, сиз борганинг, биринчи кўриб қолса гап-сўз кўпаяди. Исбандиғи жиннидан чиқмасин-а. Хар борганида йигирма килодан кўшимча. Тушгача тўрт марта, тушдан кейин тўрт марта олиб бораман, майлими?

Ҳисобчи ганиб қолди. «Сажинг маъна? Демак, бир юз олтмиш кило! Э, таъла, икки шунча ёзила, ўзи иккидан ошириб терса. Ҳаммаси қўшимча бўли келарди! Ушунга устига, кеча бир кг йигирма кило қоронғи ния бўлгун бирдан уч юздан ошириб келса. Ушунга ишонгани бўлди! Расво бўлди-ку бу ёни. Энди нима қилиш керак!»

Муродилланинг ўйларини қилиш сабабани тунгунини етган Сожида билмаган бўлиб гап берилди:

— Ҳа, Муродилла ака, ўйланиб қолдингиз? Бир нарса демокчисиз-у, айтолмаяпсиз-а? Тўғрими?

Муродилла чайналиб қолди. Кўнглидагини айтай деса, хозиргина «ҳамма ишни ўзимиз ҳал қиламиз», деб керилиб қўйди. Фикридан қайтмай деса, бу ёғини эплаш осон эмас.

— Сожи-и-да.

Картанинг нариги бошида Шаҳодат кўринди. Сожида уни бу ёққа кел, деб имлаб чақирди.

— Мен бора қолай бўлмаса, Сожидахон, — Муродилла оёғи куйган товукдай типирчилаб қолди.

— Ваъда ваъдами? — Сожида атайлаб гапни чўзар эди. — Қайтиш йўр-а? Бунинг устига, сиз кимсиз Муродилла табелчи. Хали унинг сўзини иккита қилган мард топилган эмас. Тўғрими?

Ҳаллослаганча Шаҳодат етиб келди. Икки дугона кучоклашиб кўришишди.

— Э, ўл, — деди Шаҳодат дугонасига, — мунча ховликмасанг. Кечаси шу ерда ётиб қолдингми, нима бало?

— Йўк, дугонажон, бу пахтани мен терганим йўк, Муродилла ака териб бердилар. Энди бошқа термайман. Шуни кечгача саккизга бўлиб хирмонга олиб бораман. Ҳар борганимда бу киши менга йигирма килодан кўшиб ёзадилар. Бўлади шу! Қани, етиб кўр-чи менга!

Муродилла на кетишини, на қизларнинг суҳбатига аралашини биларди. Жиноят устида қўлга тушган одамдай гарангсиз қолди.

— Нималар деясан? Эсинг жойидами ўзи? — деди Шаҳодат дугонасига термилиб.

— Нима, ишонмайсанми? Ана, Муродилла аканинг ўзларидан сўра ишонмасанг. Тўғрими?

Муродилла қилган ишидан минг пушаймон эди. Аммо ундан қандай кутулишни ҳам билмас эди. Гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди.

— Дугонангиз жуда ҳазилкаш экан, — деди у Шаҳодатга юзланиб. — Тонг сахарда келиб бир қанорни тўлдириб қўйипти-ю, яна менга ёрдам бериб юборинг, дейди.

Сожида унга яқин борди. Фижиллашиб қолган йи-

гитлардай икки қўлини белига қўйиб, ҳисобчига ўктам гапирди:

— Ким ҳазиллашяпти? Ҳозиргина нима деб турувдингиз? Нимага энди латтачайнарлик қиласиз? Кечқурун мен ҳаммадан кейин қолишим керак эди, сиз кузатиб қўймоқчи эдингиз. Энди ҳазил бўлиб қолдимиз?

Сожида бир оз овозини пасайтириб, қаҳрини янада ошқор изҳор этди:

— Менга қаранг, ўртоқ табелчи! Мен сиз ўйлаганлардан эмасман! Сизнинг марҳаматингизга мухтож ҳам эмасман! Шунини иккала қулоғингиз билан яхшилаб эшитиб олинг: дунёда шундай нарсалар борки, уларни ҳали-ку йигирма кило пахта экан, олтин билан ҳам сотиб ололмайсиз! Бу инсоннинг орияти, номуси, шаъни! Қизларнинг гурури!

Ҳисобчи томоғига суяк тикилиб қолган лайчадай кўзини лўқ қилиб қолди. У нимадир демоқчи бўлар, аммо на тили буралар, на калласига бир фикр келар эди.

Қизлар эгат оралаб кетишди. Ҳисобчидан сал узоклашгач, Сожида бўлган гапни дугонасига айтиб берди.

— Оббо суллоҳ-эй, — деб Муродилла турган жойга қараб қўйди Шаҳодат. Ҳисобчи хирмон томонга шалвираб кетиб борар эди. — Шунақа бемаъни эканми бу ўлгур-а?

...Чошгоҳгача дугоналар зўр бериб теришди. Сожиданинг қаторида учта, Шаҳодатнинг қаторида иккита қанор тик турар эди.

— Сожи, — деди Шаҳодат, — бугун мунча куйиб-пишинг, ён-верингга қарамайсан ҳам. Ана у ёққа қарасанг-чи.

Сожида нима гап дегандек, Шаҳодат кўрсатган томонга назар ташлади. Ариқнинг нариги бетидаги картада терим машинасини кўрди. Унинг рулини Акрам бошқариб борар эди. Йигитнинг ҳаракатлари эпчил, чакқон. Қизик, кизга бир оғиз гапини эплаб гапиролмаган йигит қудратли машинани чаптастлик билан ҳайдаса.

Ҳозиргина ҳисобчига ўктам-ўктам гапирётган Сожида бирдан мулойим тортиб қолди. Индамай ерга

қараганча пахта теришда давом этди. Қўллари ўзига бўйсунмагандай локайд бориб келарди.

— Айт, бир бункерини тўксин, икковимиз бўлиб оламиз, — деди Шаходат ҳазиллашиб.

— Э, ўл, бас қил, — Сожида дугонасидан уч-тўрт эгат нарига ўтиб кетди...

...Икки дугона кунбўйи терган пахтасини торт-тирмади. Шом бўлиб, одам одамни танитай қолганда бригада йигитларидан илтимос қилиб хирмонга олиб боришди. Ҳисобчи уларнинг пахтасини тортар экан, иккала қизнинг ҳам юзига қарай олмасди.

Қизлар пахталарини торттириб, хирмонга тўкишди. Қанорларни этакка ўрашди. Сожида дугонасига аста кўзини қисди-ю, табелчига яқин борди.

— Мен ҳам кетаверайми, Муродилла ака? Ё ўзингиз кузатиб кўясизми?

Муродилланинг аъзойи бадани титраб кетди. Со-жиданинг эрталабки гапидан ҳам бу ошиб тушди. У шу пайтгача бунчалик изза бўлмаган эди. Хайриятки, бу гапни хув нарида турган бригадир, хирмончилар эшитишмади.

Қанор ўралган этакни елкасига ташлаб олган қизларнинг шодон кулгуси намозшом қаърини ёриб, кенг дала бўйлаб ёйилди. Улар орасидан тиниқ, жан-рангдор бир кулги алоҳида, баландроқ эшитилди. Бу — Сожиданинг кулгуси эди.

1982 йил

## АЁЛ

*Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат...*

Ғафур Ғулом

Унинг турмушга чиққанига беш йил бўлди...

Баҳор: одамларни ечинтириб, дарахтларни кийинтирган фасл. Ўртоқлари билан хайрлашиб, автобус бекати томон бораётган Шоҳидага баҳорнинг кечки салқини хуш ёқди. Майин шабада терлаган юзлари-ю, бўйинларини оҳиста қитқилаб ўтди. Ички бир энтикиш туйди. Ўзини қушдай енгил ҳис қилар, атроф гўзал,

одамлар хушкайф, хушмуомала кўринар эди. Шеър ўқигиси, ашула айтгиси келиб кетди. «Шоир хонандаларга маза-да... Шундай пайтларда шеър тўқийди, ашула айтади...». Унча-мунча шеър ёзиб юрган студентлик йилларини эслади. «Қандай ажойиб дамлар эди. Аслида умрнинг энг лаззатли даври ўша пайтлар экан...».

Якшанба бўлгани учунми, ҳадеганда автобус келавермади. Сабри чидамади. «Тезроқ борай... Кеч бўлиб қолди... Эримнинг хуноби ошиб ўтиргандир». Бу фикр унга галати туюлди. «Наҳотки? Жаҳли чиқармикан? Шундай мўмин-қобил, ювош, маданиятли одамнинг-а?».

Шитоб билан келаётган оппоқ «Жигули»га кўл кўтарди. Машина шундоқкина унинг ёнига келиб, каттиқ тормоз берди. Машинаси рангидаги костюм кийиб, галстук таққан ўттиз ёшлардаги хушбичим йигит ойнага эгилиб сўради:

— Қаерга борасиз, яхши қиз?

Йигитнинг «яхши қиз» деганидан бир нафас гангиб қолди. Нима дегани бу?

— Ҳов яхши қиз, қаерга борасиз деяпман? — такрорлади йигит.

Шоҳида ўзини кўлга олди-да, манзилени айтди.

— Ўтиринг. — Йигит шундай деб, олдинги эшикни очди. Шоҳида унинг ёнига ўтирди. У кўзини бир нуқтадан узмай, хаёл суриб борар экан, йигитнинг «яхши қиз» деганини ўйлади. «Наҳотки масхара қилган бўлса?». Зимдан йигитни кузатди. Унинг қоп-қора, аммо сийрак сочлари ёнга таралган, қошлари қалин, узунчоқ юзида қандайдир жиддийликми, улуғворликми зоҳир эди. «Масхара қилганга ўхшамайди. Унақа шилтинг-пилтинг йигитлардан эмас чори...».

Йигит ҳам унга бир-икки маънодор қараб қўйди. Сўнг худди Шоҳиданинг хаёлидан кечаётган фикрларни сезгандай гап ташлади:

— Яхши қиз деганимга жаҳлингиз чиқдимми?

Бу гапдан Шоҳида саросимага тушиб қолди. «Ё тавба, қўнглимдагини қаёқдан билиб қолди?». Боя ўтиришда ичгани — икки қадах коньякнинг таъсири хали тарқаманган эди. Унга мана бу йигитнинг гаплари қўшилиб, жувоннинг юзлари қизишиб кетди, икки



чехраси дола тусини олди. Гарчи қаршисида кўзгу бўлмаса-да, буни Шоҳида сезди. Бундай пайтларда унинг куралай кўзлари янада чакнаб, гунчадек нафис лаблари ажиб бир чиройга киради. Бу ахволдан кутулмоқ ниятида атлас кўйлагининг ёқасини тўғрилаган бўлди. Йигит буни сезди.

— Нега хафа бўласиз? Унча-мунча қизларни йўлда қолдириб кетасиз ҳали. Гўзалликни тан олиш керак.

— Сиз мени танийсизми? — Шоҳиданинг оғзига келган гап шу бўлди.

— Танишим шартми? Мана кўриб турибман-ку... Эрингиз бахтли йигит экан, ҳавас қилса арзийди.

— Нега? Қаёқдан биласиз унинг бахтли эканини?

Йигит унинг соддалигидан кулди. Сук билан термилди-да, ғалати бир антикиш билан:

— Ахир сиздай жувоннинг жуфти ҳалоли бўлишдан ҳам ортиқ бахт борми? — деди.

«Жуда ҳам гапга уста экан-ку... Менинг бахтиёр эрим ҳам шунақа гапларни биладими?.. Қандай йигитлар бор-а...». Бу фикридан ўзи ҳам уялиб кетди.

— Ана у симёғочдан ўтгач, ўнгга юрамиз, — деди Шоҳида ўзини бир оз жиддий тутиб.

— Чапга юрсак бўлмайдами? — деди йигит ҳозиржавоблик билан. Шоҳида йигитга ўқрайиб қаради.

— Чапга юрадиганлар ҳам бордир. Ўшалар билан юраверинг хоҳлаган томонингизга.

«Жигули» зарб билан ўнгга бурилди-ю, Шоҳида йигит томонга энгашиб кетди. Машинани тўғри йўлга бошқаришга улгурган йигит эпчиллик билан Шоҳиданинг елкасига қўлини ташлади, ўзига якинроқ тортди-да, шахд билан лабидан ўпди. Буларнинг ҳаммаси бир лаҳзада, кўз очиб-юмгунча бўлиб ўтди.

— Нима қияпсиз? Уятсиз? — деди Шоҳида шоша-пиша сочларини, кўйлагини тўғрилар экан.

— Уйингизга келяпсиз-ку, эрингизга айтиб жазоимни берарсиз.

Бу гапга қарши Шоҳида ҳеч нарса деёлмай қолди.

Машина маҳалланинг тор кўчасидан шигиллаб бормоқда. Энди ҳар иккови миқ этмасди. «Тавба! Ғалати йигит экан. Бунча хушмуомала бўлмаса?



Қандай қилиб...». У «ўпди» деган сўзни эслаганда эти жимирлаб кетди. Беихтиёр йигитга қаради. У ҳам. Йигит Шоҳиданинг юзида ғазаб аломатини кўрди. Айни вақтда нимадандир қониқиш ҳисси ҳам йўқ эмасди. «Оғзидан коньяк хиди анқиди. Қаердан келяпти, ким билади?.. Зўр экан-да, аммо. Қармоққа илиниши ҳам қийин эмасга ўхшайди...».

— Ана шу тутнинг тагида тўхтатинг.

— Қайси тутнинг, — Машина чировининг ўткир ёруғига рўпарадаги ёлғиз катта тут аниқ кўриниб турган бўлса ҳам йигит ўсмоқчилаб сўради.

— Кўрмаяпсизми тутни? Қора буқа бойланган дарахт-чи.

Тутнинг тагида катта қора мол кавш қайтариб ётар эди.

— Буқанинг олдида денг... Қоронғида буқа эканини қайқдан билдингиз?

— Ўзимизнинг мол бўлгандан кейин биламан-да.

— Шундайми? — деди йигит кулимсираб. — Демак, ростдан ҳам жазомни берар экансиз-да?..

Унинг ҳазилига Шоҳида ҳам ҳазил билан жавоб берди:

— Агар уни ечиб юборсам борми, ўттиз икки тишингизни тутдай тўкиб олади.

— Нима бало, буқангиз тиш дўхтирими?

Машина тутнинг тагида, буқанинг ёнгинасида тўхтади.

— Марҳамат, — деди йигит. — Илтимос, бир қошиқ қонимдан ўтинг.

Шоҳида индамай машинадан тушди. Пул олиш учун сумкасини кавлай бошлаган эди, «Жигули» аста жойидан жилди. Йигитнинг:

— Қўяверинг, кейинги сафар икки ҳисса қилиб берарсиз, — деган овози кулоғида қолди...

Уларнинг турмуш қурганига беш йил бўлди.

Шоҳида дарвоза туткичини ушлаган ҳам эдики, эшик очилди. Ичкаридан эри Шоали кўринди. Шоҳиданинг юраги шивиллаб кетди. Гўё эри бир нарсани сезиб қоладигандай шоша-пиша рўмолчаси билан лабларини артди.

— Келдингми? — деди Шоали. — Буқани олиб киргани чикаётган эдим.

Шоҳида эрини «Бунча кечикдинг, деб мингирлайди энди» деб ўйлади. Лекин Шоали индамади, лоакал «Нега кечикдинг?» — деб бир оғиз сўрамади. Буқани етаклаб ичкарига кирди, индамай дарвозани беркитди, Шоҳида ҳам миқ этмай ҳовли тўридаги уй томон юрди. «Ота-онам эшитмасин, деб индамади. Ҳозир уйга киргач, вайсайди — хаёлидан кечирди Шоҳида. — Майли! Бемаъни иш бўлди. Нега индамадим? Ахир тўғри келган одамга ўптириб кетавериш... Йўқ, нега энди бундай хаёлга бораман. Кимга ўптирибман?! Турмушга чиққанимга беш йил бўлди. Бегона эркак қўлимни ҳам ушлаган эмас. Бугун... бугун билмадим нима бўлди?... Баҳор...».

У ҳозир эрининг кескин, ўктам гапиришини, узиб-узиб олишини кутди. «Сўкса ҳам, урса ҳам майли. Балки шу билан гуноҳим ювилар... Гарчи у билмаса ҳам... Ўзим-чи?».

Шоали буқани молхонага боғлаб, уйга кирди. Хотини кийимини алмаштирмаган, креслода ястаниб ўтирар эди.

— Овқат ейсанми, олиб келайми? — деб сўради Шоали хотинига қарамай. Бу гапдан Шоҳиданинг энсаси қотди, беихтиёр афти буришди. Эри кўзига жуда ғариб, нотавон кўришиб кетди. Эркак деган ҳам шунақа бўладими? Маданиятли эрлар шунақа бўлармиш... Э, ўргилдим, бунақа маданиятдан. Бувиси раҳматли айтарди: товонидан ўт чакнамаган эркакни эркак ҳисоблаб ўтирма. Мана бу кишимнинг аҳволини қаранглар, овқатингни олиб келиб берайми, дейди-я.

— Қорним тўқ. Зарифа ухладими?

— Ҳа, аллақачон ухлаган.

— Мунча эрта ухлапти? — деди Шоҳида атай гап кавлаб.

— Нега вахли бўларкан? Соат ўн бирдан ошди-ку!

«Хотини ўн бирдан ошганда келади-ю, бу киши қаёқда юрибсан, деб суриштирмайди». Шоҳиданинг хаёлига негадир лоп этиб бояги йигит келди. «Борди-ю, ўша йигитнинг хотини шундай кеч келса нима қилар экан? Гўштини майда-майда қилса керак...». Шоҳида ўридан турди. Эрининг мижғовлиги кайфиятига таъсир қилган бўлса-да, ўзини тийди. Унинг юраги гу-

пиллаб урар, вужуди қизиб борар, кўнгли алланимани истар эди. У эрининг бўйнига осилди.

— Ўзимнинг ақлли эримдан. Хотини ўтиришдан келгунича овқат пишириб, кизини ухлатиб ўтирадиган эр қаёқда бор?

— Бўлди, кўп эркалик килаверма. Нима, мени масхара қияпсанми? Бошқаларга ўхшаб уйдан чиқармай, ўтирсанг ўпок, турсанг сўпок, деб ҳақорат қилиб турсам яхши бўламанми?— деди Шоали астойдил ранжиб.

Эрининг бу қадар лақмалиги Шоҳиданинг вашини келтирди. «Фирт аммамининг бузоғи-я... Илгари бунақа эмасди шекилли? Ёки сезмаган эканманми, а? Хотинининг кўнглидагини сезиб турмаган эркак эркакми?!»

— Нега масхара қилар эканман? Қайтанга сиздан хурсандман, — деди Шоҳида. У кўйлагини ечиб, диванга улоқтирди. — Уф, бирам иссир-эй. — Эрининг юз-кўзларидан ўпган бўлди. — Коронғида кўркмадингми, қандай келдинг, деб сўрамайсиз ҳам.

— Таксида келгандирсан-да, машинанинг овозини эшитдим, — деди Шоали лоқайдлик билан. — Қалай, ўртоғининг тувилган куни яхши ўтдими?

— Жуда зўр бўлди. Ҳамма эри билан кепти. Фақат мен бева хотиндай ёлғиз борибман... Биттасининг эри бирам рашкчи экан, хотини ўйинга тушса ҳам қовоғидан қор ёғилади-я.

Шоҳида гапирган сайин эрига суйқалар, унинг кучишини, эркалашини, юз-кўзларию бўйнидан, сийна-сидан бўсалар олишини жуда-жуда истар эди. Бунга сари Шоали ўзини олиб қочар, оғзини катта очиб хомуза тортар, кўзини ишқалар эди.

— Рашк қилса ўтиришга олиб келмасин, — деди Шоали ўша йигитдан нафратланиб. — Рашк қилган билан нима фойда? Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин. Эгасининг минг пойлагани-ю, қароқчининг бир пойлагани.

— Сиз мени рашк қилмайсиз-а? — деб эркаланди Шоҳида.

Шоали хотинининг икки билагидан ушлаб ўзига қаратди.

— Бу нима деганинг? Нима, рашк қилишимга асос борми? Нахотки, сен менинг юзимга оёқ қўйсанг?

— Йўқ, албатта. Лекин гап ёмонда, одам ҳар хил гапларни эшитади. Насиба деган дугонам бор-ку, ўшаларникида тез-тез фиди-биди бўлиб туради.

— Нега? — деди Шоали ҳайрон бўлиб. — Эри жуда маданиятли йигит кўринади, шекилли?

— Маданиятли-ю, лекин рашкчи. Унинг устига хотинини ҳоли-жонига қўймас эмиш. Сиз эса мени рашк қилмайсиз, ҳар кун жимгина ухлайсиз. Чарчайсиз-да...

Шоҳиданинг бу гапи Шоалининг бир қадар иззат-нафсига тегди. Бир оз сергак тортди. Аммо қайриб ташлаёлмади, бинобарин, бундай қилишга унинг иложи ҳам, асоси ҳам йўқ эди. Шунинг учун гапни бошқа томонга бурди.

— Ўша Насибангнинг эри ҳам менга ўхшаб ҳар кун эртадан кечгача оёқда тик турсин-чи. Энди одам камайди деганингда уч-тўртта улфат кириб келади. Ҳаммасининг пальтосини бир жойга илсанг-ку бир нав, баъзилари бирам инжикки, кўяверасан. «Ҳар биримизнинг пальтомизни алоҳида осинг», деб туриб олади. Ёз кунда иш камаядими, десанг, каёқда, сумка кўтариб келишади. Ҳар бир сумкага бўр билан номер ёз, кейин ўчир. Хуллас, бир минут ҳам тиним йўқ. Бўзчининг моксидай у ёқдан-бу ёққа қатнаганинг қатнаган. Унинг устига уч-тўрт танга тушармикан, деб атир сепасан. Керак-да шуям.

Шоалининг нописандлик билан билдирган бу фикрлари Шоҳиданинг энсасини қотирди. «Бунча ақлли, маданиятли бўлиб кетмаса бу кишим. Қуруқ гапдан кимга фойда? Сизга ўхшаб хотини қаерга боради, нима қилади, ҳатто ичкилик ичса ҳам индамай, овкатиингни олиб келиб берайми, деб турсинми? Хотин зоти эри борлигини ҳар дақиқада хис этиб турмаса, мададини сезмаса бўладими? Эр хотинга қувват, суянчиқ дейдилар. Лекин менинг эрим ҳам шундайми? Тоғдай таянч бўла оладими? Беш йил давомида шуни ҳеч сездимми?.. Уйда бор-йўқлигим ҳам қизиқтирмайди-ку...». Шоҳида бу фикрларини эрига билдирмади. Аслида бундай хаёлларга биринчи марта бораётгани йўқ. Беш йил бадалида неча марта шу кўйга тушмади. Лекин ҳамниша орият, номус, ҳаё устунлик қилди. У қандайдир бир лаҳзалик алдамчи хаёлларга, шайтон-

нинг йўлдан уришларига учмади. Колаверса, гулдай кизини ўйлади...

Бугун унинг кайфияти жуда ўзгача. Бунакаси сира бўлмагани. Шоҳиданинг ўзи ҳам хайрон. Шоалининг баджаҳл, ғазабнок бўлишини, уни қаттиқ тергашини истаяпти. Нега? Буни у ўзича тушунапти: ҳали «Жигули»даги воқеага йўяпти. У илк бор эрининг юзига қадам қўйди. Гарчи бу иш Шоҳиданинг истаги билан бўлмаса-да, у ўзини гуноҳкор санаяпти. Айни вақтда негандир ўша йигитни эсидан чиқаролмаяпти ҳам. Нега? Нега бундай бўляпти? «Менинг эрим ҳам ўшандай дадил, хушмуомала бўла қолса қани эди? Қандай бахтиёр аёллар бор-а?!».

— Ҳа, нега ҳаёл суриб қолдинг? Гапим ёкмадими?

Шоҳида эрига қаради. Унинг кичик жуссаси, ичкилик ичаверганидан буришиб қолган юзлари, киртайган кўзлари ҳозир Шоҳидага олдингидан ҳам кичикроқ, буришикроқ, киртайганроқ кўриниб кетди. «Наҳотки, олдин шуни сезмаган бўлсам? Аслида... Онамнинг бир оғиз сўзи деб... Ана-мана дегунча беш йил ўтиб кетибди...». Эрининг рашига теккиси, жаҳлини чиқаргиси келди.

— Мен чиройлиманми? — деди кўзларини сузиб.

— Нима гап, тинчликми? Ким сени хунук деди?

Саволига эрининг савол билан жавоб бериши Шоҳидага баттар жон киритди.

— Йўқ, аксинча, чиройлисиз, унча-мунча кизини йўлда қолдириб кетасиз ҳали, — деди биттаси.

— Мунча ўзингни бозорга солиб қолдинг? — деди Шоали бўйинини қашиб.

— Бозорга солаётганим йўқ. Ростини айтяпман. Ҳозир бир йигит машинасида ташлаб кетди. Ўша айтди.

Шоали пешонаси тиришиб ўрнидан турди.

— Бўлди, мунча гапирдинг?! Кўп ичибсанми, нима бало...

Шу маҳал ҳовлида челақнинг тарақлагани, крадан сувнинг шариллаб қуйилгани эшитилди. Шоҳида эрининг ёнига бориб оҳиста деди:

— Дадангиз қариб қуйилмаганлар-а... Ҳамма йи-

гитлар ҳам отасига ўхшайвермас эканда-а?! Ётамизми? Бугун ишга бормай роса дам оливолгандирсиз.

Шоали нордон нарса тишлагандай афтини буриш-тирди.

— Қаёқда. Ховлини чопдим, тоқларнинг, дарахтларнинг тагини бўшатдим, овқат пиширдим. Ухлай десам сен келганинг йўқ... — У керишиб, устма-уст хомуза тортди. — Юр, ухлайлик, анча кеч бўлди, дам олайлик. — Шоали шундай деб, хобгоҳга кириб кетди. Шоҳида турган жойида серрайиб қолди. Бу ахволи ўзига алам килди. Оғир қадамлар билан бориб креслога чўқди. Оёқларини чалиштириб, гавдасини орқага ташлади. Кўзини юмиб, хаёлга толди. Яна кўз ўнгида бояги йигит гавдаланди. Унинг чакнаб турган кўзларини, бир-бирига туташган қалин қора қошларию кирра бурнини аниқ кўрди, жарангдор овозини, ёкимтой кулгусини эшитди. Эшитди-ю, кўзини очди. «Нималарни ўйлаяпсан, Шоҳида?! Бунақа бемаъни, хаёсиз хаёлларни йиғиштир. Ана у уйда гулдай қизинг пишиллаб ухлаб ётипти-я...».

У жойига кириб ётмоқни мўлжаллади. Аммо у ерда эри ухлаётганини эслаб, кўнгли ириди. Фикридан қайтди. Ҳозир унга эрининг ухлаши ҳам хунук туюлди. «Ўзи муштдеккина-ю, хуррак отишига бало борми?.. Муррик чолга ўхшайди...». Чирокни ўчирди. Диванга ёнбошлади. Бироқ кўзига сира уйку келмас, фикр хар ёққа олиб қочар эди. «Одамзотнинг табиати қизик экан-да. Ҳар ким нимадандир нолийди. Биров эрининг ёмонлигидан, бошқаси модадаги кўйлак ололмаганидан, яна бири эрта бева қолганидан ва хоказо. Мен-чи? Менга нима етишмайди? Еганим олдимда, емаганим ортимда, шифонерда кўйлакнинг минг хили тахланиб ётибди. Ҳаммаси жойида. Эрим ҳам бор...». Шу сўзни у дадил айтолмади. «Тўғри, эрим бор. Аммо... аммо... Йўқдай гап-ку. Бувим раҳматли айтардилар: эрнинг қалтагини емаган хотин хотинми? Мен-чи? Эрим бирон марта урдими? Лоақал каттиқроқ гапирдимми?» Хаёлида бирдан бошқа бир фикр жўш урди: «Қанақа ношукр бандасан? Ахир баъзилар ана шунақа мўмин-қобил эрни бир умр орзу қилиб ўтади-ку! Сен бўлсанг...». Аммо ҳамма нарса ҳам эвида, меъёрида бўлса яхши экан. Ортиқча ширинлик ҳам кўнгилини айнитади-ку,



одамлар бекорга қалампиру мурч ёки нордон нарсалар эмаса керак...

Эрининг ёнига бориб ётмоқни, уни уйғотиб, гаплашмоқни ўйлади. Негадир бу туйғу бугун уни ҳадеганда тарк этавермади. Бироқ яна фикридан кайтди. Бу сафар ҳам орияти, иззат-нафси устун чиқди. «Ўзимни ўзим шунча хор қиламанми? Гаплашмасам нима қилти? Ўлиб қоламанми?»

У анча ётди. Хаёл шахрининг турли — катта-кичик, тоза ва ивирсиган кўчаларига кириб чиқди. Аммо бирон-бир жойда муқим қолаолмади. Охири уйқу элитди. Туш кўрди. Тушига яна бояги йигит кирди. Машина шиддат билан ўнгга бурилипти-ю, Шоҳида йигитга томон энгашиб кетибди. Йигит чапдастлик билан уни бўйнидан қучибди. Юзларидан, кўзларидан, лабию бўйнидан босиб-босиб ўпибди. Шоҳида унинг қучоғидан чиқмоқчи бўлибди, аммо чиқолмабди. Аслида бунга ўзининг истаги йўққа ўхшармиш. Бақирай деса овози чиқмас эмиш. Йигит унинг бўйнидан қаттиқ ўпибди. Ҳатто оғриб кетибди. Бундан «вой» деб юборибди.

Ўзининг овозидан ўзи чўчиб уйғониб кетди. Хайрият, туши экан. Ёмон ётган экан — бўйни оғриб қопти. У оёқларини осилтириб ўтирди. Ҳозиргина кўрган тушини ўйлади. «Нега бундай бўляпти? Менга нима қилди ўзи? Уят эмасми? Эрим нега олдимга кириб ётмадинг деса, нима дейман?.. Кириб ётдим, сиздан олдин турдим, десам ишонади. Қачон ётиб, қачон турганимни билиб ўтириптими? Унга барибир...».

У энди сира ҳам ухлай олмас, негадир юраги сиқилар, уйнинг тўрт девори тўрт тарафдан қисиб келаётгандай туюлар эди. Ўрнидан туриб, аста-секин у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Лекин кўнгли ҳамон хижил, нимадандир ҳаяжонланар эди. Чидаёлмади. Ел-қасига халатини илди-да, ҳовлига чиқди.

Уларнинг турмуш қурганига беш йил бўлган эди...

1979 йил

## СУЛТОН БИЛАН МАЛИКА

Султон кириб келган купеда ёлғиз бир қиз ўтирарди.

— Йигирма олтинчи жой шуми? — У қизнинг жавобини кутмай дераза олдидаги кичкина столчага портфелини қўйди.

Бир ўзингизми? — сўради қиз.

— Ҳа, сиз-чи?

Ҳозирча бир ўзим эдим, энди икковимиз, — кулди қиз.

«Шўхакан-ку», хаёлидан кечирди Султон. Зимдан қизга разм солди. Унинг қошлари кўғирчокникидек ингичка, мовий кўзларида ажиб бир дадиллик ва қувноқлик барқ уриб турарди. Қўнғироқ малла сочлари елкаси аралаш ярринига тушган, оч-сарик юзининг ярмини тўсиб олган эди. «Истараси иссиқ экан». Султон қизга гап қотди:

— Демак, бир купеда икковимиз?

— Ёмонми? — шарақлаб кулди қиз. Унинг кулги-сида аъло кайфият, бахтиёрлик аломати мавжуд эди.

— Тошкентга борасизми?

— Худди шундай, — деди қиз, — янглишмасам ўзлариям...

— Топдингиз.

— О, гапнинг «бердиси» айтмай туриб мақсадни англаб оларкансиз-а. Мабодо журналистмасмисиз?

Султон кулиб юборди. Унинг кулиши жуда ёқимли эди. Бу ажойиб кулгини ҳозирги суҳбатдоши ҳам пайқамай қолмади, албатта. «Келишган йигит экан» деб ўйлаб қўйди қиз.

— Қип-қизил авлиё экансиз-ку!

— Демак, топдим, шундайми? Биласизми, нега тўғри топдим? Мен журналистлар билан кўп муомалада бўлганман.

— Нима, Қахрамонмисиз?

— Йўғ-э, жуда ошириб юбордингиз. Мен ҳаваскор мухбир эдим. Мактабда ўқиб юрган кезларим тез-тез редакцияга бориб турардим. Хабарларим, баъзан шеърларим ҳам чиқарди газетада.

— Ҳозир ҳам ёзиб турасизми?

— Вақт йўқ. Институтга кирганимдан кейин ҳам бир-

икки бордим редакцияга, кейин дарслар, имтихонлар кўпайиб кетди. Хуллас, журналистларнинг характерини анча-мунча биламан-да. Уларни ярим психолог дейиш мумкин. Муомалага жуда уста бўлишади. Қизлар билан гаплашишга қолганда-ку, асти кўяверасиз, мутлако суяги йўк.

— Ўзингиз ҳам муомалада журналистлардан қолишмас экансиз, — деди Султон қизнинг тагдор гапларига ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, энди, «яхшиларга эргашдим топмадим зиён дерман».

Султон кулди. Қизнинг гапга бу қадар чечанлигидан, ҳозиржавоблигидан лол қолди. Унинг аскиясига аския билан жавоб бермоқчи бўлди:

— Аслида «Қозонга яқин юрсанг қораси юкади», демокчи эдингиз-а.

— Ақли бор одамнинг садағаси кетсанг арзийди.

Иккаласи барабар кулишди. Проводникнинг овози уларнинг кулгисини ҳам, суҳбатини ҳам кесди.

— Билетларингни кўрсатинглар, — у билетларни кўриб берди-ю, — кўрпа-ёстик керак бўлса марҳамат, — деди. Купедан чика туриб, қизга ишора қилиб, Султонга кўзини қисиб қўйди.

— Менга қаранг, — деди Султон, — шунча суҳбатлашдиг-у, танишмабмиз-а. — У қизга кўлини узатди:

— Султон.

— О, қаернинг султонисиз?

— Мана шу купенинг. — Бу гапни қандай айтиб юборди, Султоннинг ўзи ҳам билмай қолди.

— Яхши, — деди қиз, — исмингиз жисмингизга монанд экан. Менинг исмим Малика.

— Оббо, хўп топишибмиз-ку! Купенинг султониман деб бекорга айтмаган эканман-да.

— Журналистсиз-да... Мая десангиз ҳам бўлаверади. Ўртоқларим, мамашкам, таниш йигитлар ҳам шундай деб чақирришади, фақат папашкам Малика дейдилар.

— Иккаласи ҳам чиройли исм, — деди Султон. Аммо «таниш йигитлар» деганида негадир кўнгли галати бўлиб кетди. — Ҳа, айтгандай, қайси институт-да ўқийсиз?

— ТошМИда, гинеколог бўлмоқчиман.

— Журналистикага кизикар экансиз, шеърлар ёзаркансиз, нега университетга кирмадингиз?

— Шунака бўп қолди... Ундан кейин, журналист бўлиш ёки шеър ёзиш учун, албатта, университетда ўқиш шартми? Масалан, Чингиз Айтматов кишлоқ хўжалик институтини битирган, Вознесенский архитектура институтини ёки Чеховни олайлик.

— Чеховга ўхшаган врач-ёзувчи бўлмоқчиман денг.

— Йўқ, ундай эмас. Бундан кейин мен ҳеч нарса ёзмайман. Фақат врачлик қиламан.

— Қизиқ-ку.

— Нега энди? Киши битта қайикни ушлаши керак. Икки қайикка қўл чўзган одам ўртада фарқ бўлади. Фарқ бўлмаслик учун буюк талант бўлиш керак.

Маликанинг мазмундор, мулоҳазали суҳбати Султонда унга нисбатан ҳурмат уйғотди.

— Менимча, сиз фарқ бўладиганлардан эмассиз.

— Фарқ бўлмаслигим мумкин, — деди Малика. — Аммо иккала қайикни баравар бошқариб ҳам кетолмайман. — Қиз икки қўли билан сочини орқасига селпиб ташлади. Пуштиранг кофтасини ечди. — Вагон исиб кетди. — Гулдор кремплин кўйлаги нозик, ихчам гавдасини сиқиб турарди. Бўртиб турган кўкраклари, кенг ёқасидан кўриниб турган оппоқ сийнаси Султоннинг дилига гулу солди. У бир тамшаниб қўйди.

— Костюмингизни ечинг, қизимадингизми? Галстунгиз мунча чиройли?! Дидингиз чакки эмас!

Султон костюмини ечиб, илгакка осиб қўйди. Сўнгра кўрпа-тўшак олиб келгани чиқиб кетди. Малика латта сумкасидан қимматбаҳо атир олиб, кулоқларининг орқасига, бўйнига, бурнининг икки қиррагига сурди. Стаканнинг оғзидек келадиган ойначага қараб сочларини тўғрилади.

Султон тўшакларни ўзи ўтирган жойга қўйди. Малика ўрнидан туриб табассум қилди. Унинг сарвдек тик қомаги йигитни лоқайд қолдирмади. Маънодор йўталиб қўйди.

Султон Маликага ўрин солиб бермоқчи бўлди. Қўнғлида у барибир рад этади, аксинча менинг ўрнимни ҳам ўзи тузатиб берса керак, деб ўйлади. Бироқ Сул-

тоннинг ўйи сароб бўлиб чикди. Унинг таклифига жавобан Малика:

— Марҳамат, қани кўрайлик-чи, бунақа ишларга қанчалик эвингиз келаркан, — деди.

Султон ўзининг таклифидан ўзи пушаймон чекди. «Олифтагарчилик қилмай ўзингнинг жойингни солиб ётавермайсанми, баттол». У жой солиш, кўрпа йиғиш ишларига қовушмас, ётоқхонада ҳам каравотини наридан-бери тузатиб кўярди. У бир амаллаб аввал Маликага, сўнгра ўзига ўрин солди. Хижолатдан пешонасини тер босди. Дастрўмоли билан терини артаркан:

— Жуда исиб кетди-да, деразани сал очиб кўяйми? — деди.

— Кўйсангиз-чи, баҳор бўлгани билан ташқари совуқ, — Ўрин солишга уста экансиз, тажрибангиз зўрга ўхшайди. — Малика атир-упаларини сумкага жойлади. — Энди мен ётаман. Тесқари қараб туринг, ечиниб олай.

У тор кўйлагини бошидан чиқара бошлади. Сочлари юзига тўзиб тушди, аммо кўйлаги тоза ечилмади.

— Вой, кўйлак бўлмаё ўл-а. Иккаласиям ечилиб кетяпти-я. Султон унинг гапини эшитмаганга олди. У тесқари томон ёнбошлаб китоб ўқирди.

Малика тик турганича шошилмай сочини тузатди, кўйлагини тахлаб, сумкаси устига ташлади. Сўнгра ўрнига чўзилиб, крахмалланган оппоқ рўйжони кўкрагигача тортди. Икки кўлини занжир қилиб, боши остига кўйди. Султон ҳамон унга қарамас, китобга термиларди. Уч-тўрт саҳифага кўз югуртирди, аммо биронта ҳам сўз мясида қолмади. «Нега бу қиз ўзини бунчалик эркин тутади? Мени биринчи марта кўраётган бўлса. Ҳалиги гапларидан роят мулоҳазали, андишали кўринган эди. Бу қилиқлари нимаси?».

Қиз Султон томонга ўгирилиб олди. Аммо кўзлар учрашмади. У ўйларди: «Бу қанақа йигит. Журналист ҳам шунақа ландавур бўладими? Мен таниган журналистлар жуда бало эди-ку. Қандай қилиб эриб, қучоғига кириб кетганимни ўзим ҳам сезмай қолардим. Бу бўлса... Ўлгудай тупой экан-да. Бу бола ё ҳали бунақа нарсаларнинг мазасини билмайди, ёки яқинда уйланган». У мириқиб керишди. Оёқлари рўйжони

қорнигача тушириб юборди. У қайта тортиб олмади. Чуқур нафас олди, кўнгли ниманидир истарди. Аммо истаган нарсаси йўклигидан дили рашланар, юраги гупиллаб урарди. «Журналистларнинг ҳам ҳаммаси бир хилда ҳароратли бўлмасакан-да. Мановига ўхшаган ҳиссизлариям тикилиб ётгандир. Мен бўлсам ўртоқларимга эрга тегсанг журналистга тег, деб юрибман-а». Қиз ўрнидан турди. Оппоқ, силлик оёқларини осилтириб ўтирди. Ич кўйлақда унинг қомати жуда хушбичим, гўзал кўринарди. Қалин сочини яланғоч елкаси узра кўли билан тараб кўйди.

— Менга қаранг, Султон.

Йигитнинг хаёли бўлиниб, ялт этиб кизга қаради. Кўз ўнгида тасодифан бир пари пайдо бўлгандек туюлди.

— Газетада ишлайсизми, журналда?

— Журналда, — деди Султон беихтиёр унинг кўшхандақдек кўкрагига термилиб.

— Яхши, — деди Малика ва бошқа гапирмасдан яна ўрнига чўзилди.

Султон ҳам индамади, китобга тутинди.

— Султон, нега ётмаяпсиз, турунг ечинмайсизми, кўйлақда исиб кетмаяпсизми?

— Мен бир оз китоб ўқимокчиман. Ҳали вақт эрта-ку.

— Китобни уйда ўқийверасиз, ётиб дам олсангизчи. Қаранг, поезднинг юришини, худди аллалаётганга ўхшайди. Ҳа, айтгандай уйланганмисиз?

— Йўғ-э, — кулди Султон.

— Юрадиган кизингиз бордир?

— Йўқ десам ҳам бўлади.

— Нега мужмал гапирасиз, конкрет айтинг.

— Очигини айтсам, бир киз билан бир-икки марта кино-пинога тушдик. Сўнгра учрашмай кўйдик.

— Нега? — сўради Малика. Ўзича ўйлади: «Туришинг шу бўлса қайси ахмоқ киз сен билан юрарди».

Султон нима деб жавоб беришини билмади. Чунки бунинг аниқ сабаби йўқ эди.

— Билмадим. Кечирасиз, мен бир чекиб келай.

— Ие, чекасизми, — деди киз ўрнидан сакраб туриб. — Вахлироқ айтмайсизми шуни. Олинг сигаретдан. Бирга чекамиз.



Султон сигарет узатди.

— Охо «ВТ»ку. Келинг шу ерда чекаверамиз.

— Жуда тутаб кетмасмикин? Проводник билиб колса гапириши мумкин.

— Э, кизикмисиз, проводник қотиб қолди аллақачон, кечаси билан ўтирармиди. Купеда икковимиздан бошқа ҳеч ким бўлмаса, тутаса нима қипти. Деразани сал очиб юборамиз, олам гулистон.

Султон ноилож ўтирди. Чекишди. Малика йигитнинг жундор, кенг кўкрагига, бақувват елкаларига суқ билан тикилди. У Султоннинг катта кўзларини, бир-бирига туташ қоп-қора қошини синчиклаб кузатди. Йигитга термилган сари унинг ичида ғалати бир туйғу хуруж қиларди. Гўё ана шу туйғуни босиш учун чекаётгандек сигарет тутунини чуқур-чуқур тортарди. Султон эса қизга қарамасликка ҳаракат қилар, унинг нота ниш йигит олдида ийманмай ички кийимда ўтиришидан хайрон бўларди. Иккаласи ҳам миқ этмади. Султон сигарет қолдирини деразадан улоқтираркан:

— Шамоллаб қолмасайдингиз, елкангизга бирон нарса оласизми, — деди. Султон аслида Маликанинг совқотишини ўйлагани йўқ, балки қизнинг бундай ўтириши унга жуда эриш туюлар, сира ҳазм қилолмасди.

— Кўяверинг, шамолламайман. Негадир бутун вужудим ёниб кетяпти.

Султон ёстиққа ёнбошлаб, яна китоб ўқишга киришди. Малика сигарет қолдирини ташлаш баҳонасида ўрнидан турди. Купе эшигига ўрнатилган ойнага ўзини солди. Сочини тузатди, кўлларини кўтариб, гавдасини орқага ташлаб, узоқ керишди. Йигит унинг ҳаракатларини сезиб турса-да, қарамади. Малика устини ҳам ёпмасдан, ўзини жойга ташлади. Чуқур ух тортди.

— Чирокни ўчириб, ётсангиз-чи, энди.

Султон, «эхтимол чирокни ўчирмаганимга уйқуси келмаётгандир», деб китобни ёпди. Туриб, кўйлагини ечди. Қиз эса киприклари орасидан унинг ҳаракатларини кузатарди. Султон қизнинг ҳақиқдай товланиб ётганини кўриб, вужуди ғалати бўлиб кетди. Қизга ҳазил қилмоқчи бўлди.

— Мая, — деди биринчи марта. Бу сўз қизнинг

кулоғига ёрдай ёқиб тушди. — Жудаям чиройли экансиз.

Мана шу бир оғиз сўз Маянинг етмиш икки томирига қон бўлиб кирди. Юраги гупиллаб ура бошлади. Лекин йигитнинг гапига жавобан ҳеч нарса демади. Кўзини ҳам очмади. «Энди ўзига келяпти шекилли. Йигит киши ҳам шунақа совуққон бўладими». У Султоннинг яна бирон нарса дейишини кутди. Аниқроғи, ёнимга келади, ҳазиллашади, деб ўйлади. Бироқ Султон бошқа бир оғиз ҳам гапирмади. Индамай ўрнига чўзилди. Чойшабга боши билан бурканиб олди.

Маликанинг ҳафсаласи пир бўлди. У бир-икки марта у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилди. Йўталди, ух тортди, томовини қокди. Султон ётган жойидан қайта турмади. Аксинча, йигирма минутлардан кейин унинг майин, беозор хурраги эшитилди. Буни қиз ўзига нисбатан ҳақорат, деб тушунди. «Мени менсимади чори. Э, менсимаса ундан нари, мен ҳам зормасман шу лапашанга. Келгани билан кўлимни ҳам ушлатмасдим». Шу аламли хаёллар билан ухлаб қолди.

• • •

У кўзини очганида тонг отган, вагон деразасидан қуёш нури тушиб турарди. Султон столчага суянганча китоб ўқиб ўтирарди. Малика ўтирган ҳолда кўйлагини кийди, сочини тузатди. Сочикни елкасига ташлаб чиқиб кетди. У ювиниб қайтиб кирганида Султон ўрнини тахларди. Сумкасидан пардоз анжомларини олиб ишга киришди. Султон сочиғу чойшабларни бир чеккага йиғиштириб қўйди. Галстугини олиб, ойнага карамай борлади.

— Қалай, яхши дам олдингизми? — сўради киздан.

Малика юзига упа сура туриб, раҳмат, деди. Унинг бугунги ҳолати кечаги Маликага сира ўхшамасди. Кеча ёқимли, майин гапираётган қизнинг сўзи бугун негадир терс эшитилди.

— Мана, Тошкентга ҳам яқинлашиб қолдик, — деди Султон. — Адрес алмашсак, балки бундан кейин ҳам кўришиб турармиз. Анча дўстлашиб қолдик.

— Ҳожати йўк, — деди киз кескин.

Султон кулди. Қизнинг ҳаракатларини кузатиб, яна сўради:

— Нега энди?

— Сизда юрак йўқ. Мен қалбсиз одамлар билан гаплашмайман. Йигит қизнинг пичингини тушунди, аммо ўзини гўлликка солди.

— Юраксиз одам тирик юра оладими?

— Мен биологик юракни айтаётганим йўқ. Унақа юрак чумчуқда ҳам бор.

Қизнинг бу гапи Султоннинг етмиш икки томирини тикондек зиркиратди. Ўзини тиёлмади.

— Юрак бор, деб кўрганга очиб ташлайверадими? Инсон ҳамиша яширин нарсага ўч бўлган. Илгари йигитлар қизларнинг юзини бир кўриш учун ойлаб орқасидан юришган. Ҳозир эса қизлар йигитларнинг олдида ички кийимда ҳам ўтираверади.

— Нима бўпти? Замон шунақа.

— Балки буни тараққиёт дерсиз, маданият дерсиз?

— Бўлмасам-чи?

— Кечирасиз, бу тараққиёт ҳам, маданият ҳам эмас. Қолаверса, буни замонга тўнкаш ҳам нотўғри. Замонни баъзи бетаъсирлар бузаяпти.

— Нима, менга шама қияпсизми?!

— Ўзингизга нам тортманг. Ибтидоий жамиятда одамлар бир-бирига сиз айтгандай муносабатта бўлишган. Шарм-хаё деган нарса бўлмаган. Улар маданиятлимиди? — Султон қизишиб кетди. Гарчи, одатига қарши бўлса-да, сигарет тутатди. У ҳеч маҳал нонушта қилмай чекмасди. — Маданият деганда нафосат, гўзаллик, хаё — ҳаммаси жамулжам бўлади. Сизнинг мана бу гапларингиз, бегона йигит олдида ички кийимда ўтиришингиз маданиятми? Тараққиётнинг белгиларими?

— Мен билан ишингиз бўлмасин. Ўргилдим сиздақа насихатгўйдан, — жеркиб берди Малика. Кейин ўзича тўнғиллади. — Ёшини сўрасанг йигирмадан энди ошипти-ю, гапини қаранглар, чолга ўхшайди. Яна журналист эмиш.

Султон индамади. Босиб-босиб сигарет чекди. Қиз деразага ўгирилиб ўтирди.

— Қани, пастелларни топширинглар, — деди про-

водник келиб. — Ў-хў, ҳаммаёқни тутатиб юборибсиз-ку, ука.

Малика деразадан нигоҳини узмай гапга аралашди:

— Бу киши маданиятнинг энг учига чиққанлар. Шунинг учун купеда ҳам чекаверадилар.

Проводник «нима гап, тинчликми?» дегандек Султонга қошни учирди. У елка қисди. Проводник хайрон бўлганича чиқиб кетди. Шу тобда Маликанинг ҳам жуда чеккиси келар, аммо Султондан сигарет сўрашга юзи чидамасди. Бир нарса эсига тушгандек, шарт ўгирилиб сумкасини очди, чет элдан келтирилган резинка сақичини олиб, оғзига солди. Султон чойшабларни топширгани чиқиб кетди. Мая эса деразадан эрталабки қуёш нурида чарақлаб турган далага қараганича жаҳл билан сақич чайнайверди.

1977 йил

## КАШФИЁТ

Ўртадаги майдончада бўш жой йўқ: рақсга тушаётганлар билан тўла. Жуфт-жуфт бўлиб ўйнаётган йигит-қизларнинг чехрасида шодлик, қувноқлик туйғуси балкиб турипти. Ҳамма ўзича рақсга тушаяпти: анови йигит қизнинг белидан қучган, қиз эса унинг елкасига бошини қўйганча оҳиста хиром айлайди. Йигит қизнинг қулоғига энгашиб шивирлади чоғи, унинг ёниб турган рухсори яна ҳам қизарди, кўзлари яшнаб кетди, лабига табассум югурди. Бу тарафдаги йигит-қизлар бўлса қўл ушлашмай, ҳозирги мода бўйича белларини эгиб, гоҳ ўнганга, гоҳ сўлга шох ташлашади, ирғишлаб ўйнашади. Уларнинг нигоҳларигина бир-бирини бирлаштириб турипти. Майдончанинг тўридаги сахнада созандалар мусиқа асбобларини бор кучи билан чаладилар. Цирк масхарабозларининг кийими сингари енглари осилиб, шалвираб ётган қизил кўйлакли, кўнғир сочлари қулоқ-чаккаларини батамом бекитиб олган қиз жон-жаҳди билан қайсидир тилда ашула айтаяпти.

Хўрандалар ўзаро мириқиб суҳбатлашишнинг имкони бўлмаганидан ноилож майдончадаги ранг-баранг

рақсларга термилиб ўтиришга мажбур эдилар. Лекин бундан ҳеч ким ранжимас, «сухбатлашиниш учун ресторанга кириш шартми, бу ерда ўйнаб-кулиш, томоша қилиш керак-да», деган хаёл билан хузур қилиб сигарет тортиб ўтиришар, рақсдан кўз олишмасди.

Фақат бир киши, хув чеккада — ним хира чироқлар этагидаги столда ёлғиз ўтирган йигит шовқин-сурон дарёсидан ташқарида. Қалин, тимқора сочлари елкасига тушиб турган бу йигит котма, кўринишидан гимнастикачиларга ўхшайди. У тошдан-тошга урилиб шиддат билан оқаётган кўпикдай оппоқ тоғ дарёсини томоша қилаётгандай жим, маънос ўтирипти. Йигит тирсакларини стол қиррасига қўйган кўйи рақс майдончасига маъносиз боқади. Лекин ҳозир у на бировни кўради, на бирон нимани эшитади. Жисми бу ерда — ола-ровур ресторанда-ю, хаёли бошқа ёқда — яқиндагина бўлиб ўтган йиғилишда.

Киностудия бадий кенгашининг йиғилиши бормоқда. Минбарда студия директори. Паст бўйли, дум-думалоқ, битта ҳам сочи йўқ боши электр нурида ялтираб турган олтмиш ёшлардаги бир одам гавдасига ярашмаган ингичка, аммо ўткир овозда сўзламоқда:

— Энди, ўртоқлар, айрим камчиликларимиз ҳақида тўхталмоқчиман. Бу камчиликлар шундан иборатки, коллективимизда ишга совуқконлик, эътиборсизлик, лоқайдлик билан қаровчилар бор. Боргина эмас, бундайлар кўпайиб кетаяпти. Мана шуниси бизни ташвишга солмоқда. Масалан, Жамшид Валини олайлик. Бу йигит жуда талантли, билимли режиссёрларимиздан, ёш бўлишига қарамай анчайин тузук фильмлар ишлади. Унинг фильмлари фестивалларда, кўрикларда мукофотлар олди. Бу ёш режиссёрнинг, қолаверса бутун коллективимизнинг ютуғи. Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин масаланинг бошқа томони бор, ўртоқлар. Жамшид Вали, назаримизда, ана шу ютуқлардан маст бўлиб қолганга ўхшайди. Семизликни кўй кўтарди деганларидек, эрта келган шухрат бу кишининг кўзини камаштириб қўйган кўринади. Оқибатда ўзига ортиқча бино қўядиган, унча-мунчани менсимайдиган қилиқ чиқарди. Булар, шубҳасиз, ишга беътибор қарашга олиб келади. Жамшид Вали янги фильм ишлашга киришганига бир йилдан ошди. Бу ҳаммага аён



факт. Лекин ҳалигача арзирли бирон иш қилгани йўқ. Ваҳоланки, бу фильм халкимиз Гитлер Германияси устидан қозонган Буюк ғалабаси байрамга коллективимизнинг совраси бўлиши керак. Байрамга эса жуда оз вақт қолди. Бу қутлуғ ишни сизга ишонганимиздан, талантингизни хурмат қилганимиздан топширган эдик, — деди директор Жамшидга қараб. У пиёладаги чойдан бир хўплади-да, сўзида давом этди. — Менимча, сиз бу хурмат ва ишончни тўғри тушунмадингиз. «Мен ишламасам, бошқа одам ишлаёлмайди бу фильмни», деб нотўғри ўйладингиз. Ваҳоланки, студиямизда талантли режиссёрлар кўп. Уларнинг фильмлари ҳатто халқаро анжуманларда обрўли совринлар олган. Бу ҳаммамизга, жумладан сизга ҳам маълум. Жамшид директорга зимдан қараб-қараб қўяр, аммо сўзини бўлишга истиҳола қиларди.

Бадий кенгашнинг қарорини чиқариб, бошқа режиссёрга олиб беришимиз ҳам мумкин. Лекин бундай қилиш яхши эмас, кўзингизга хунук кўриниб қоламиз. Ундан кейин, бунга бизнинг виждонимиз йўл қўймайди... Бу ҳақда олдин ҳам бир неча марта айтганмиз. Ваҳоланки, доимо сабаб битта: «Бош ролни ижро этадиган актёр тополмаяпман». Назаримизда, бу дангасалик, ишга эътиборсизлик, энг ёмони коллективга хурматсизлик. Ўз хатосини хаспўшлаш учун асосиз бир баҳонадан бўлак нарсаси эмас! Наҳотки, шундай катта республикамизда битта талантли актёр топилмаса?! Ваҳоланки, ўнлаб театрларимиз бор. Юзлаб актёрларимиз бор. Уларнинг орасида талантдилари йўқми? Бор, албатта. Хали айтганимиздек, бу гап баҳона, холос. Қидирса топилади. Фақат изланиш керак, ҳа изланиш! — Директор яна чой хўплади. — Назаримда, сиз Жамшид Вали, ҳали териси қотмаган шуҳрат ва обрўларингизга ишониб изланишни, қидиришни йириштириб қўйганга ўхшайсиз. Ўзингизни буюк режиссёр деб атайсиз, чоғи. Энди актёрлар менинг ёнимга ялиниб келсин, деб юрган бўлсангиз, бу фикрингиз нотўғри. Актёрлар келмайди. Уларни чақириш, таклиф қилиш керак. Ҳар қанча буюк бўлсангиз ҳам изланишни сира тўхтатманг. Шон-шуҳрат, обрў-эътибор талантга ўхшайди. Биласизми, улуғлар нима дейишган? Талантни асраш, тарбиялаш керак дейишган. Худди шундай шуҳратни ҳам авайлаш



керак. Ха, авайлаш зарур. Бўлмаса қафасдан чиққан бедана сингари пир этиб учади-кетади. Кейин қайта қўлга тушириб бўпсиз. Шунинг учун ишлаш, изланиш керак. Бу ёлғиз Жамшид Валига эмас, ҳаммага бирдек тегишли. — Директор чойдан яна бир хўплади-да, жойига бориб ўтирди.

Яна икки киши сўзга чиқди. Улар ҳам студиянинг ютуқлари, камчиликлари хақида фикр айтишди. Гап айланиб Жамшид Валига келиб тақалаверди. Нотиклар бу борада асосан директорнинг фикрини маъқулладилар. Ниҳоят, Жамшид Вали сўз сўради.

— Марҳамат, — деди мажлисга раислик қилувчи. — Сўз режиссёр Жамшид Валига.

— Мен сўзга чиққан нотикларнинг, жумладан, ҳурматли директоримизнинг фикрларига қўшиламан. Аммо бу ерда айтилган айрим фикрлар менга нисбатан тухмат эканлигини айтмасдан иложим йўқ. — Мажлис аҳли бирданига Жамшид Валига қаради. — Аввало, мен шон-шуҳрат тожини кийдим, деб керилганим йўқ. Кимни менсимабман. Тўғри, фильм ишлаш чўзилаяпти. Буни эътироф этаман. Лекин мендан бўлак ҳеч ким ишлаёлмайди, деган кайфиятда атайлаб чўзаётганим йўқ. Студияда талантили режиссёрлар кўплигига шубҳа қилмайман. Аксинча, улардан кўп нарсаси ўрганмоқдаман. — Жамшид Вали гапирган сари хаяжонланарди, икки чаккасига ёйилиб кетган узун, майин сочларини дам-бадам орқага тараб кўярди. — Бош роль ижрочисига келсак, шу образга мос актёр тополмаётганим рост. Бу баҳона эмас! Тўғри, талантили актёрларимиз кўп. Улар театрда ҳам, кинода ҳам ажойиб образлар ижро этиб келишмоқда. Буни инкор этмайман, уларнинг маҳоратига ҳам шубҳа қилмайман. Лекин бу роль учун ўзим тасаввур қилган актёрни учратолмаяпман. Гап мана шунда. Ахир, ҳаммамиз биласиз, ҳозиргина директоримиз ҳам таъқидлаб ўтдилар, бу фильм қутлуғ байрамга бағишланган. Шундай бўлгач, шошма-шошарликнинг, байрамгача туғатиш ниятида пала-партиш ишланшининг нима кераги бор?! Фильм гарчи галаба байрамга бағишланган-да, халқимизнинг урушда кўрсатган бетимсол жасорати, матонати хақида хикоя қилувчи бақувват эсраи асарлари бўлиб қолиши лозим-ку. Байрам кунлари беш-олти

марта кўрсатилиб, кейин экрандан тушиб кетадиган фильмнинг нима кераги бор? Шунча вақт, шунча меҳнат, қанчадан-қанча маблағ кетгандан кейин умрбод қоладиган фильм бўлсин-да! — «Тўғри, тўғри» деган овозлар эшитилди. — Йўқ ўртоқлар, мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилда ишламайман. Бунақа иш услуби ижодда, санъатда кетмайди. Бу айрим қурилиш ташкилотларининг услубини эслатади менга. Бирон-бир объектни фалон байрамга совға тариқасида фойдаланишга топширади-да, байрам ўтгач, ремонт қилишга тушади. Хўш, бундан кимга фойда-ю, кимга зарар?! Боринги, қурилиш объектларини ремонт қилишар экан, лекин фильмни-чи? Уни ҳам ремонт қиламизми? Бу кулгили гап, ўртоқлар! — «Тўғри, тўғри», деган овозлар энди баралла янгради. Бу овозлар Жамшидга далда, қувват берди. — Менинг фикрим шу — тасаввуримдаги актёрни топмагунимча фильмни суратга ололмайман. Бўлмаса бошқа режиссёрга олиб беришларингиз мумкин. Майли, ким истаса ишлайверсин, мен сира хафа эмасман.

Жамшид минбардан бир қадам юриши билан зални гулдурос қарсақлар тутди. Унинг юзлари, қулоқларигача кизиб, кизариб кетганди...

Муסיқа тугади. Рақсга тушаётганлар ўз ўринларига бориб ўтиришди. Жамшид оғир тин олиб, ўзини стул суянчигига ташлади. Столдаги «ВТ» дан олиб тутатди. «Йўқ», ҳато қилмадим, — деб ўйларди у. — Нима бўлса ҳам кўнглимдаги гапни айтдим. Ёмон кўришса кўришар. Бошлиқларга хунук кўринмаслик учун виждонсизлик қилиш керакми. Қаллоблик ёмон, аммо қаллобликни кўриб билиб индамаслик ундан ҳам ёмон! Майли, нима бўлса бўлар. Нари борса фильмни бошқа бировга олиб берар. Бўлак нима ҳам қиларди.

— Жамшид, ўзингмисан? — қаршисидан унинг синфдош дўсти Зоир келарди. — Боядан бери қараб-қараб қўяман-у, сенмисан, ё бошқами, деб иккиланаман.

— Салом Зоир, кел, оғайни.

Зоир унинг ёнидаги стулга ўтирди:

— Хўш, тинчликми? Ёлғиз ўзинг ресторанга кирадиган одатинг йўқ эди-ку.

— Шунақа бўлиб қолди.

— Нима бўлди, тинчликми ўзи? Каифиятнинг ҳам чатокрок.

— Тинчлик, дўстим. Хўш, ўзинг кимлар билан ўтирибсан?

— Ҳамкасбларимдан бири ўфил кўрувди. Шунини ювгани...

— Ха, яхши... Бўпти, оғайниларингни ёнига боравер. Кейин бирор кун бафуржа гаплашармиз.

— Йўқ, улар кетишди. Мен сенинг ёлғиз ўтирганингни кўриб, хайрон бўлдим-да, улардан узр сўраб қолдим.

— Чакки қилибсан. Бирга келгандан кейин бирга қайтиш керак эди.

— Зарари йўқ. Тушунадиган йигитлар.

— Ҳарҳолда яхши қилмапсан. Хай, майли, бўлар иш бўпти. Ўтир. Бир оз гаплашайлик, кейин кетамиз.— Жамшид графиндаги ароқдан иккита қадахга куйди. Ичишди.

— Қани, гапир-чи, нима гап ўзи? — сўради Зоир. Жамшид бугун киностудияда бўлган мажлисни қисқача гапириб берди.

— Бошингни қотириб нима қиласан, оғайни. Шартта ишлаб бер-у, пулингни олиб ялло қилиб юраверда. Асабингни бузиб, унинг устига раҳбарларга ёмон кўриниб нима қиласан. Ҳозирги вақтда, «сизники маъкул, ака», деганиниг ошиғи олчи.

Жамшид сигарет тутунини чуқур тортаркан, Зоирга еб кўйгудек бўлиб тикилди.

— Менга қара, Зоир, беморнинг касалини ўзинг атрофлича текшириб, операция қилиш керак деган хулосага келгач, операция столига ётқизасанми, ёки бошқа бировнинг гапига ҳам ишониб операция қилаверасанми?

— Буни нима қизиги бор сенга? — хайрон бўлди Зоир.

— Саволимга жавоб бер! Фақат тўғриси айт!

— Ўзим маълум хулосага келганимдан сўнг...

— Ҳамишами? Ёки бировларнинг хулосасига ишониб операция қилган пайтларинг ҳам бўлганми?

— Нима десам экан сенга... Умуман бўлган... чунки

биз медиклар бир-биримизга ишонамиз. Врачларнинг хулосасида ҳар хиллик бўлмайди.

— Ёлғон! — кескин гапирди Жамшид. — Медицина хулосаси ҳамisha ҳам бир хил чиқмайди. Бу мумкин эмас. Ҳар бир врач ўзича хулоса чиқариши керак.

— Жамшид, сенга нима бўлди? Асабларинг чаток. Чарчабсан шекилли.

Жамшид миқ этмади. Тўсатдан рўпарадаги икки улфатга термилиб қолди.

— Менга қара, Зоир, хув анави йигитга қара, кўраяпсанми? Сув ичаяпти-ку.

Зоир ўша томонга ўтирилди.

— Хўш, нима бўлибди.

— Мабодо сен уни танимайсанми?

— Қизиқ гапларни гапирасан-а. Қаёқдан таний уни. Нима, ораларингдан бирон гап ўтувдими.

Жамшиднинг ҳозиргина асабийлик акс этиб турган афти-ангориға қувноклик югурди. У ёш боладек илжар, ўзини тутиб ололмасди.

— Дўстим, агар ўша йигит артист бўлса ҳеч иккиланмасдан, «проба»сиз кинога олардим. Мен тасаввур қилганим, кидириб юрганим ана шу йигит. Эшитаяпсанми, Зоир, ана менинг қахрамоним.

— Жамшид, ҳазиллашяпсанми, ёки мени майна қилаяпсанми?

— Ҳазил-пазили йўқ, оғайни. Ростдан айтаяпман. Қарагин-а, кулишлари, ўзини тутиши, ўтириши, ҳаракатларигача — ҳаммаси уники, менинг қахрамонимники. — У ўша йигитдан кўзини узмас, йигит бўлса бундан мутлақо беҳабар дўсти билан суҳбатлашиб кулиб ўтирарди. Жамшид қадахга арақ қуйди-да, Зоирнинг борлигини ҳам унутгандай шарт ичиб юборди. — Эй, қодир ҳаёт, нега у йигитни актёр қилиб яратмадинг... Йўқ, барибир бу йигитни чақираман. Артист бўлса ҳам, бўлмаса ҳам шу йигитга бераман ролни. Ҳаракатларида, қарашларида актёрлик элементлари бор. Бажаради. Юрагим сезаяпти буни. — У бу гапларни кимга айтаяпти. Ўзигами, ёки Зоиргами, иккови ҳам билмасди.

— Жамшид!

— Жон оғайни, тур ўрнингдан, ундан сўраймиз кимлигини, мен таклифимни айтаман.

Зоир ўзича елкасини қисиб қўйди:

— Майли, менга барибир. Сўрасак сўрадик-да. Лекин кулги бўламиз, дўстим.

Жамшид жадаллик билан ҳалиги йигитнинг ёнига борди. Орқасидан Зоир эргашди.

— Кечирасиз, оғайнилар, тутатиб олсам майлими? — Йигит Жамшидга бир қаради-ю, гугурт ёқиб тутди. — Раҳмат. Сиздан бир нарса сўрамоқчиман. Қаерда ишлайсиз?

Йигит кулди. Шеригига қаради.

— Нима эди? — деди шериги.

— Сир бўлмаса, албатта.

— Сирли жойи йўқ, область театрида ишлайман.

— Нима?! — Жамшиднинг қўлидан сигарет тушиб кетди.

Режиссёр Жамшид Вали қаттиқ ҳаяжонда. Бир неча дақиқадан сўнг унинг янги фильми жамоатчилик кўригига қўйилади. Қандай қабул қилишар экан, нима фикр билдиришаркан...

Фильм намойишидан кейин унинг муҳокамаси бўлди. Сўзга чиққанлар фильмни истеъдодли режиссёр Жамшид Валининг навбатдаги ютуғи сифатида баҳолашди.

Муҳокама сўнгида киностудия директори сўзлади:

— Биз Жамшиднинг талантини ўз вақтида пайқаганмиз. Шунинг учун ҳам доимо унга ишониб масъулиятли фильмларни топшириб келмоқдамиз. Мана, исботи ҳозиргина кўрганнгиз янги фильм. Ваҳоланки, уни ишлашга ишқибоз режиссёрлар кўп эди, лекин биз Жамшиддонга ишондик. У биз кутгандай фильм ишлашини билардик. Айниқса, актёр таилай билиш маҳорати ҳаммамизни хурсанд қилди. Фильмдаги бош қаҳрамон ролини ижро этган актёрни шу режиссёримиз кашф қилди. Бу фильм студиямиз коллективининг галаба байрамига муносиб тўёнаси. Шундай ажойиб фильм яратганингиз учун ташаккур сизга! Ўйлайманки, томошабинларга ҳам жуда ёқади бу фильм ва унинг умри боқий бўлади. Шошмасдан, ўз ишига пухта киришиб ишлашнинг, ролларга тўғри келган артистни олавермасдан, шу образ моҳиятини очиб бера олади-



ган актёр топмагунча тинмай изланишнинг самарасини кўрдингизми? Бу жихатдан Жамшид Вали гарчи ёш бўлса-да, кўпларга намуна қилиб кўрсатса арзийдиган ишларни бажармоқда. Ваҳоланки, коллективимизда шошма-шошарлик, пала-партишлик билан фильм ишлайдиган, оқибатда фильмлари бир-икки марта намойиш қилиниб, йўқ бўлиб кетадиган режиссёрларимиз ҳам бор. Ха, бундан кўз юмолмаймиз...

Директор узоқ гапирди. Унинг сўзида Жамшид Валига ҳамду сано, айрим ношуд режиссёрларга танқид уфуриб турарди. Жамшид фильмининг бош қахрамони образини яратган ёш актёрга маънодор жилмайиб кўяди.

Муҳокамадан кейин ҳамма Жамшид Валини қизгин табриклади. Бундан бир неча ой илгари деярли ҳеч ким танимайдиган, кинога тушишни умуман хаёлига келтирмаган ёш актёр ҳам энди бадиий фильм бош қахрамони сифатида ҳамманинг эъзози-эътиборида. Буни ўйлагани, чуқурроқ хис қилгани сари унинг қувончи, чуваккина мана бу режиссёрга нисбатан миннатдорлик туйғуси қалбидан тошиб кетар, ҳаяжонини босолмасди...

1974 йил



# Беғубор дамлар

*Қиссалар, ҳикоялар*



## ТАЪТИЛ КУНЛАРИ...

### Биринчи боб

#### Салом, бобо кўш!

Ёз оқшоми. Атроф жимжит. Онда-сонда итларнинг вовуллагани, қаердандир эшакнинг ханграгани қулоққа эшитилиб туради.

Шаҳриёр осмонда жимирлаб ётган юлдузларга қараб узоқ хаёл сурди. «Мана, таътил ҳам бошланди. Энди уч ой маза. Эрталаб мактабга бориш, дарс тайёрлаш йўқ. Муаллим мендан сўраб қолмасмикан, деб титраб-қакшаб ўтиришлар тугади... Истаган пайтимда ётаман, хоҳлаган чоримда тураман. Жўраларим билан ўйнаймиз, дарёга, кўлга бориб чўмиламиз. Қандай маза... Отам шаҳарга олиб борадилар. Ўзлари айтдилар-ку, каникулга чиқсанг Самарқандни томоша қилдираман, деб...».

Шундай ширин хаёллар оғушида ухлаб қолди. Лекин ўйлаганидай узоқ ухлаёлмади. Хар куни барвақт уйғониб мактабга боришга ўрганиб қолмаганми, бугун ҳам ана шундай бўлди. Дарвозахона тарафда супургининг «шув-шув» этган товуши эшитилди. Ёстикдан бошини кўтариб ўша томонга қаради. Онаси ҳовли супураяпти. Бошқа ҳеч ким кўринмайди. Отаси ҳам жойида йўқ — у одатига кўра сахарда турган.

Бердикул бобо олтмишдан ошган. У ёшлигида бригадир, кейин эса ҳисобчи бўлиб ишлаган. Ҳозир ҳам тинмайди. Колхознинг у-бу ишларига қарашади. Хирмонга қоровулми, тарозибонми ишқилиб, кўлидан келган ишни қилиб кетаверади. Хирмон пайти-ку бугдой совуриш қишлоқдаги беш-олтита чоллар зиммасида. Узумни узиб майиз киладиган кунлари Бердикул бобонинг кўли кўлига тегмайди. Колхознинг узумини ҳам шулар босиб беришади. Ундан ташқари хар куни хашар — гоҳ у хамсоя, гоҳ бу хамсоя узумимизни

босиб беринг, деб илтимос қилади. Бердикул бобо йўқ демайди, чарчаганига қарамай боради.

Бу ерда уйларнинг томи ҳар йили кузда сувалади. Қалин, сомонли лой қилиб сувалмаса кишда, баҳорда чакка ўтиб кетади. Бундай пайтда ҳам Бердикул бобо ҳашардан бўшамайди. «Сиз андавани яхши тортасиз», деб туриб олишади.

Бу йил Бердикул бобо хирмон қоровуллигиниям олмади. «Қўйинглар энди мен, қариб қолдим. Иш бўлса шундай қарашавераман», деди.

Шаҳриёр яна ёстикқа бош қўйди. «Ҳали офтоб келишига анча бор, бир оз ётай. Шошиб нима қилдим, мактаб бормасам...».

Ҳовлини супуриб бўлган онаси сўрига яқин келди. — Шаҳриёр, тур болам. Шунча ухлайсанми. Қўйларимни боққа олиб бораман, девдинг. Қачон борасан, тура қол, ўғлим. Ҳадемай кун исиб кетади. Салқинда сал-пал ўтласин жониворлар, — дея куюнчаклик билан сўзлади Бўстон хола.

Мингбулоқ — Шаҳриёрларнинг қишлоғи тоғ этагида. Бу жойларда пахта экилмайди, одамлар бовдорчилик, узумчилик, чорвачилик билан машғул.

Бов дегани — қишлоқ тепасидаги тоқзор. У ерда Шаҳриёрларнинг ҳам боғи бор. Бир гектарча келадиган узумзор, атрофида турфа дарахтлар: олма, ўрик, ёнғок, шафтоли, олча, қароли, гурдоли... Боғнинг кун ботиш томони тўқайзор — қора дўлана босиб кетган. Ёввойи қуёнлар, тулкилар ўйнаб юради.

Бир куни жуда кизиқ бўлди. Шаҳриёр тўқайзор оралаб секин кетаётган эди, бута орасида ётган қуёнга кўзи тушди. У гўё Шаҳриёрга термилиб турарди. Шаҳриёр тўхтади. Қуёнга қараб тураверди. Ораси уч-тўрт метр келади. У нимага қочмаётганидан Шаҳриёр хайрон. «Мени менсимаяпти шекилли», деб ўйлади-да, қуёнга қараб юрди. Икки қадам қўйиши билан қуён бошини илкис силкиди-ю, жойидан сакраб турди ва дуч келган томонга ўзини урди.

Кейинчалик билса, отаси айтиб берди, қуён ухлаб ётган экан. У ухлаганда ҳам кўзи очиқ тураркан...

Шаҳриёрларнинг қишлоғи илгари анча қуйида эди. Эски қишлоқда уйлар бир-бирига тақаб қурилган, бирининг тоmidан иккинчисига ўтиш мумкин эди. Ҳовлилар

хам тор-танқис эди. Номи кишлок бўлгани билан экин-тикин қиладиган ери йўқ эди. Шу боис ҳамма оила эрта баҳордаёқ кишлок тепасидаги боққа кўчиб чиқарди. Чайлада яшардилар. Экин-тикинлар йириштириб олин-гач, кеч кузда кишлокқа қайтиб тушишарди. Беш-олти йил бўлди, бутун кишлок янги жойга кўчди. Энди ҳамманинг уйи олдида ери — томорқаси бор. Аммо боғларга қараш тартиби олдингидай — ҳар бир боғ бир оилага биркитилган. Ўша оила ишлайди, суғоради, тоқларни баҳорда очади, кузда кўмади. Нимаики иш бўлса ўзлари бажарадилар. На раис, на бригадир уни қил, буни қил, деб аралашмайди. Тоқларнинг қанчалар ҳосилдор бўлиши колхоздан ҳам бурун одамларнинг ўзига фойда.

Ҳосил етилгандан кейин колхоз раҳбарлари томонидан тузилган комиссия аъзолари боғларни бирма-бир кўриб, ҳосилни чамалаб чиқишади. Шунга қараб, фалон тонна узум, фалон кило ёнғоқ, ўрик берасиз, деб шартнома тузишади. Келишилган ҳосил топширилгач, ортгани шу оиланинг ўзиники. Хоҳласа бозорга олиб бориб сотади, истаса майиз қилади. Ихтиёр ўзида.

Шаҳриёрларнинг боғи унчалик кўп эмас. Лекин ҳосилдор. Ота-онасининг айтишича, бу боғни, яна тоғалари, амакилари қарайдиган боғларни унинг боболари — Бердикул бобо билан Бўстон холанинг оталари экишган. Шаҳриёрнинг икки бобоси бир-бирига амаки-вачча бўлган экан...

Улар ҳар йили қарийб икки тонна узум, қанча-қанча олма, ўрик, ёнғоқ, олча топширадилар колхозга. Ўзлари ҳам бир-икки қоп туршак, тўрт-беш қоп майиз қилиб олишади...

Шаҳриёрга отаси баҳорда тўртта кўзи олиб берган. У кўзиларини ўша боққа олиб чиқиб боқади. Боғ атрофида заяк ерлар, соя-салқинлар кўп...

Онасининг гапини эшитса-да, эшитмаганга олиб ётди. Бўстон хола ҳам, ўғлим бечора бирпас ухласин, майли, ҳар кун барвақт туравериб чарчаган, деб ўйладими, бошқа индамади, ўчоқ бошига ўтиб кетди. Шаҳриёр бугун қиладиган ишларини ўйлади. «Ҳозир туриб чой ичаман. Қаймоқ бормикан? Энамга айтсам сутнинг бетини олиб берадилар. Нон ботириб еб олсам мазза. Кейин қўйларни ҳайдаб боққа чиқаман. Болалар

хам боришар. Ким чиқиши мумкин? Анвар, Ғолиб, Аҳмад, Акбар... Саттор-чи? Э, қўй, шунин, бормагани тузук. Ҳар нарсага инжиқлик қилавериш жонга тегади... Қўйларни ўтга боғласам-да, сўнг болалар билан чўмилишга борсак. Бугун бир мирикайлик...»

Бор ёнидан ўтадиган тип-тиник тоғ дарёсида чўмилишни ўйлаган эди, баданлари яйраб кетди. Дарёнинг суви шунчалар тиниқки, унинг остидаги тошлар, қурвақатўн ўтлар шундоқ кўриниб туради. Совуқлиги-чи, кун қайнаганига қарамай одам бирдан тушишга сесканади. Лекин Шаҳриёр парво қилмайди — кўзини чирт юмади-ю, бирдан ўзини сувга отади. Аввалига аъзойи баданига чақадиган ўт теккандай «жизз» этади, кейин муздай сув хуш ёқади, иссиқнинг лоҳаслигиям, ланжлигиям бир зумда тарқаб, ўзини кушдай енгил хис этади. Сувдан чиқиб ариқ бўйидаги кўм-кўк чимзорга ётади. Бу ер худди бахмал кўрпачага ўхшайди — майин, юмшоқ. Тўғри, айрим ўтларнинг учи ўткир баргчалари баданини чимиллатади, лекин бир ётиб олгандан кейин билинмай қолади. Чимзорда чалқанча ётган кўйи кўзларини юмиб, киприклари орасидан куёшга қарайди. Куёш гоҳ кип-қизил чўғдай, гоҳо қорайиб кўринади. Аста-секин кўзларини тамом юмади, сўнгра каттиқ юмади. Барибир куёшни кўраверади, аввалига ок-қора, кизғиш-сарғиш доғлар кўринади, кейин улар бир-бирига қўшилиб куёшга айланади. Шаҳриёр ўзича ўйлайди: «Куёшни ҳеч ким, ҳеч нарса тўсолмайди». Ўзи билмаган ҳолда офир хўрсинади. Бу хўрсиниш замирида куёшга ҳавас туйғуси мужассам...

Шаҳриёр ётган жойидан куёшни кидирди. У ҳали уйнинг ортида эди. Нимадир эсига тушгандай бирдан сергак тортиди. «Ие, ҳали бетимни ювмадим-ку». Яхшиям панада экан, бўлмаса юзини ювмай куёшга кўзи тушиб қолиши мумкин эди. Юз ювмай куёшга қараш — гуноҳ. Отаси айтган. Бутун борлиқ, жамики мавжудот куёш туфайли тирик. У жудаям муқаддас, пашшадан филгача, чумолидан одамларгача, ўт-ўланлару ҳайвонларгача, дарёю тоғу тошларгача — ҳаммасига куёш меҳрибон. Шундай меҳрибон, шундай олижаноб нарсага юзини ювмай қараш нотўғри-да. Бердикул бобо билиб айтади. Шаҳриёр бу гапга қаттиқ ишонади. Ҳеч



қачон ювинмасдан қуёшга юз тутмайди. Кимки, шундай қилса иши юришмас эмиш. Буни ўзи синаб кўрган.

Сира эсидан чиқмайди. Бир кун эрталаб ухлаб қолди. Яқшанба бўлгани учун бемалол ётганми, шундай кўзини очса тепасида қуёш турибди. Унинг юраги шувиллаб кетди. «Бетимни ювмай қуёшга қарадим-а. Энди нима бўлади?.. Қуёш мени кечирармикан? Ахир билмасдан кўзимни очдим-ку. Атайлаб қараганим йўқ... Эй, қуёш, ишкилиб ўзинг кечир мени...». Кечгача кўнгли ғаш бўлиб юрди.

Эртаси куни биринчи соат математика эди. Бирдан муаллим уни тахтага чақириб қолди. Ўтган дарсни сўради. Шаҳриёр оғзини очолмай қолса бўладими. На қондани айтиб беролди, на мисол ишлаб беролди. Бу ҳолдан ҳатто муаллим ҳам ҳайратга тушди. Синф бўйича математикани энг яхши биладиган Шаҳриёр эди-да. Отасиям шу ўғлим бўғалтир бўлади, деб юрарди. Уч у ёқда турсин, тўрт ҳам олмаган — ҳаммаси беш эди. Бугун лоақал учга ҳам жавоб беролмаяпти. «Сенга нима бўлди, Шаҳриёр?» деди муаллим. Шаҳриёр миқ этмади, унинг юзлари қизариб, баданини тер босди. Муаллим, тоби йўқ шекилли, деб ўйлади-да, ўтир, майли, кейинги дарсда тайёрлаб келарсан, деди. Танаффус бўлиши ҳамоно Шаҳриёр ташқарига отилди. Бир чеккага ўтиб қуёшга термилиб ялинди: «Жон қуёшжон, мени кечир! Иккинчи ундай қилмайман! Кеча билмасдан сенга қараб қўйибман. Энди ҳеч қачон ювинмай юзингга боқмайман! Кечир, қуёшжон! Ахир сен меҳрибон, барри кенг, кечиримлисан-ку. Ёки отам алдайдиларми? Кечирмайсанми? Жон қуёшжон, кечир мени!»

Қуёш уни кечирди. Отаси рост айтган экан, кимки қуёшга астойдил илтижо қилса у инobatга олар экан. Шаҳриёр ҳам ваъдасини бузмади. Шу чоққача бирон марта ҳам бетини ювмай қуёшга рўбарў келгани йўқ. Ўша-ўша дарсда мулзам бўлиб қолиш ҳам бошқа такрорланмади. Қайси дарсда бўлмасин, муаллим сўраган нарсани шариллатиб айтиб беради.

Ўрнидан турди-ю, апил-тапил кийинди. Ўрик остида шилдираб оқаётган ариқда ювинди. Негадир у ҳозир қуёшни жудаям кўргиси келди. Ўчоқбошида куймаланиб юрган Бўстон хола ўғлини кузатиб турган эканми.



«Ха, Шаҳриёр, қаёққа кетаяпсан?» деди. У аясига қарамай «Ҳозир» деди-да, уйнинг кун чиқар томонига ўтиб кетди. Куёш тоғдан бир кулоч кўтарилган экан, Шаҳриёр унга термилди. Беихтиёр лаблари пичирлади: «Салом, бобо қуёш! Мана, мен турдим!»

Кўйларни боғ ёнидаги заякка боғлади.

Анварларнинг боғи уларнинг боғига туташ. Шаҳриёр шу томонга юрди. Одатда Анвар ҳам кўйларини ҳайдаб келарди. Ҳозир негадир у кўринмади. «Анвар! Хо, Анвар!» деб бир-икки чақирди. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Ҳали келмаяпти, деб хаёл қилди. Оқ ўрик соясидаги баланд уватга чиқиб ўтирди. Бу ердан бутун кишлок, кишлок нарисидан ўтадиган катта асфальт йўл шундоққина кўриниб туради. Асфальт йўлнинг бир томони Самарқандга, иккинчи томони Китобга олиб боради. Ундан кейин яна қаёқларга боради — буни Шаҳриёр аниқ билмайди. Ҳар қалай шундай катта йўл Самарқанд билан Китобда тугамаслиги тайин. Катталарнинг айтишича, шу йўл Тошкентгаям борармиш. Шаҳриёр қирни ёқалаб кетган йўлдан дам-бадам физиллаб ўтаётган машиналарга термилганча хаёл суриб кетди. «Тошкент катта шаҳармикан? Ўзбекистоннинг пойтахти-ку. Катта бўлмаса пойтахт бўлармиди».

Тошкентни ўйлаши билан акаси ёдига тушди. Унинг Пиримкул деган акаси Тошкентда ўқийди. Шаҳриёрнинг эсида, Пиримкул мактабни битиргач, Тошкентга ўқишга бораман, деди. Ота-онаси Самарқандда ўқий қол, яқинроқ, деб шунча кистади, йўқ, Пиримкул кўнмади, сўзида туриб олди: «Мен рассомликка ўқимоқчиман, Самарқандда унақа институт йўқ», деди. Ота-онаси ҳам иложсиз қолди.

Шунгаям беш йил бўлди. Бу йил Пиримкул ўқишни битиради. Энди у катта рассом бўлади. Ҳар ёзда таътилга чиққанида ичига турли бўёқлар, қилқаламлар солинган кутини елкасига осиб келади. Боғларга, қирларга, дарё бўйларига бориб расм чизади. Шаҳриёр кўпинча акасининг ёнида ўтириб расм ишлашини томоша қилади. Бир марта унинг суратини ишлаб берган. Ўшанда акасига Шаҳриёрнинг жуда ҳаваси келган эди. Мен ҳам мактабни битириб Тошкентга ўқишга бораман, деб дилига тугди.

Ўша воқеани эслаб, кўнгли бир энтикди. Яна неча йилдан кейин Тошкентга бориши мумкинлигини чамалади. «Бу йил сентябрда еттинчи синфга бораман. Демак, бир, икки, уч, тўрт... Тўрт йилдан сўнг... Вой-бўй, мунча узоқ... Акам бу йил ўқишни битириб келса, мен кимнинг олдига бораман, қаерда тураман? Институтни қандай топаман? Акам бирга олиб борармикан. Э, шошма, акамнинг ўзи кимнинг олдига борган, кимникида турган? Ҳеч сўрамаган эканман-а. Ҳадемай таътилга чиқиб келади, сўраб оламан. Йўв-э, битириб келади-ку...».

Узоқдан кимнингдир «Шаҳриёр, о Шаҳриёр» деб чақиргани эшитилди-ю, унинг хаёли бўлинди. «Анвар шекилли», деди-да, уларнинг боғи томонга юрди. Рўпарадаги олма тагида Анвар кўринди.

— Қачон келдинг? Мен сени излаб юрипман, — деди Анвар.

— Э, қачон эди келганим, ўзинг кечикдинг-ку. Қўйларинг қани, қаерга бойладинг?

— Хов этакда.

— Анави заякка обке. Мени қўйларимам ўшақта. Бирга ўтлаб юришади, — деди Шаҳриёр.

— Майли. Юр, бирга бориб келайлик.

Улар қўйларини қўшиб қўйишди. Бунгача кун чошгоҳ бўлиб, қуёш қиздира бошлади.

— Чўмилгани борамизми? — деди Анвар.

— Ҳозирми? Бир оз гаплашиб ўтирайлик, ҳадемай пешин бўлади, қўйларни суғориб сояга оламиз-да, кейин борамиз. Майлими?

Анвар кўнди.

— Сурхоқларинг<sup>1</sup> пишмаганми? Бир бошдан олайлик, — деди Анвар.

— Қараб кўрайлик-чи. Сурхоқни билмадим-у, даройи<sup>2</sup> пишган бўлиши мумкин.

Шаҳриёрларнинг боғида бир қатор сурхоқ, бир қатор даройи бор. Икки жўра аввал сурхоқни қарашди. Ҳали кўм-кўк. Кейин даройи қаторига ўтишди. Ҳар қалай бунга сал-пал ранг кирипти. Отаси айтгандай, даройи ола бўпти. Иккови бир бошдан узум олди. Боғ четидан

<sup>1</sup> Сурхоқ — чиллаки узум.

<sup>2</sup> Даройи — чиллакнинг бир нави.

ўтадиган ариққа бориб узумни ювишди-да, бобо ёнғок тагида ўтириб даройи ея бошладилар.

У ёқдан, бу ёқдан гаплашиб ўтиришди.

Шахриёр бирданига кулиб юборди.

— Ҳа, нимага куласан? — деди Анвар.

— Кизиқ нарса эсимга тушиб кетди.

— Нима?

— От обқочганини айтиб берганманми, — деди Шахриёр.

— Кимни обқочган?

— Кимни бўларди, мени-да. — Шахриёр бир оз керилиб, гурур билан гапирди.

— Йўқ, эшитмаганман, — деди Анвар кизиксиниб.

Шахриёр кафтидаги узум доналарини овзига ташларкан, мириқиб кулди. Эринмай узумни чайнади. Кейин катталарга хос вазминлик, салобат билан ҳикоясини бошлади.

### Отдан йиқилиш

У пайтда эски қишлоқда турардик. Мен биринчи синфда ўқирдим. Бокка кўчиб чиққан эдик.

Уша йиллари отам бригадир эдилар. Жийрон қашқа Болабек жуда ювош бўлгани учун отам мени кўп миндирардилар. Тушликка келганларида, кечкурун Болабекка миниб олардим. Ҳечам кўркмасдим.

Бир куни пешинда отам келишлари билан мен юғуриб бориб отнинг жиловини ушладим.

— Миндириб қўйинг, — дедим.

Отам шарт кўтариб Болабекка мени миндириб қўйдилар. Жиловни қўлимга тутқазиб қамчини узатдилар. Чайла томонга юрарканлар, эҳтиёт бўлгин, деб қўйдилар. Ўчоқда чой қайнатаётган энам, отни бойламайсизми, дедилар.

— Ҳеч нарса қимайди. Шахриёр билан Болабек бир-бирига ўрганиб қолган, — дедилар отам.

— Билиб бўладими, хайвон-да.

Энам гапларини ҳали тугатганиям йўқ эди. Болабек аста-аста юра бошлади. Мен эса унинг юришига завқим келиб жиловни бир қоқдим. От қадамини тезлатди.

— Қаранг, — дедилар энам отамга, — обқочмасин яна.

— Ваҳима қилаверма. Шунча вақтдан бери обқочмаган, энди обқочадими.

Унгача Болабек йўрға юришини бошлади. Анави уватга қараб бошини бурди.

Шу уватнинг нарёғидаги майдонга чайла қургандик. Манави ёнғок, зардоли, бошқа дарахтларам илгари жуда катта, шохлари тарвақайлаб кетган эди. Йилдан-йил гоҳ у шохи, гоҳ бу шохи қуриб, синиб адо бўлаяпти-да.

Чайламининг рўпарасида уватдан пастга тушадиган ёлғизоёқ йўл бор. Кўргандирсан. Болабек шу йўлга тўғри бўлди.

Отнинг авзойи ёмонлигини энам сездиларми ёки кўрқиб кетдиларми, бирдан бақириб юбордилар:

— Ушласангиз-чи, отингизни! Боламни йикитиб кетади ҳозир. Қаранг деяпман!..

Энамни ҳеч қачон бунақа қаттиқ гапирганини эшитмаганман. Опамларни, акамни, мени уришсалар ҳам овозини баландлатмас эдилар. Отамга-ку бақириш у ёқда турсин, кўзларига тик қарамайдилар.

Бу ҳол отамниям таажжубга солди, албатта. Лекин энамга бир оғиз ҳам индамадилар. Билишимча, отамнинг ўзлариям Болабекнинг ҳаракатидан ташвишга тушиб қолгандилар. Отнинг орқасидан юрдилар.

— Шаҳриёр, жиловни торт!

Мен жиловни тортаман девдим, от йўртишга тушди. Унинг бу қилиғидан юрагим шигиллаб кетди. Отам: «Болабек, тўхта, э, эси йўк, тўхта» деб қадамларини тезлатдилар. Болабек унга сари баттар йўртди. Анамана дегунча уватга келди. Ўзгойи баданим музлаб кетди. Ҳозир уватдан пастга қараб чопса — тамом! Орқада энамнинг ҳаяжонли овози қулоғимга чалинди: «Вой ўлай, вой ўлай! Ҳозир бир бало қилади. Нимага миндирасиз-а ёш болани. Бойлаб қўйинг дедим-а. Э худойим-а...».

Айтганим бўлди. Болабек бирдан пастга қараб энқайди. Йўлнинг икки томонида зардоли шохлари эгилиб турипти. Нима хаёлда, қандай қилиб осилдим билмайман — икки қўллаб зардоли шохига тармашдим. От пастга қараб чопди. Мен зардолига осилиб отдан тушиб қолдим. Шохнинг ингичқароридан ушлаган эканман, у шарт узилиб тушди. Бир маҳал қарасам йўлда

чангга беланиб ётипман, кўлимда зардоли шохчаси. Кўрққанимдан йирглашим эсимдан чиқиб кетипти. Отам югуриб келиб кўтариб олдилар.

— Чавандозам шунақа пўрриқ<sup>1</sup> бўладими. Отамни кўрибми ёки бирон жойим оғридимми йирглаб юбордим.

— Йирлама, йирлама, ҳеч нарса қилмайди, — деб овутидилар отам. — Йигит деган шундай килиб пишийди.

Бир пиёла сув кўтариб энам югуриб келдилар.

— Ма, болам, манавини ич, кўрққанинг босилди, — дедилар қозонқуя солинган сувни тутиб.

Титраб-қакшаб сувни ичиб юбордим.

— Бирон жойинг оғриятими? — деб сўради отам.

— Ҳеч қаерим оғримаяпти.

— Соғананинг бундайча одати йўқ эди-ку. Отамнинг бу гапига энамнинг жаҳли чиқди.

— Хайвон-да, билиб бўладими. Миндирманг, миндирманг, дедим, кулоқ солмадингиз.

— Ким билади дейсан... Ҳа, майли, зарари йўқ. Сен буни олиб бор, мен отга қарай. Қаёққа соб кетди соғана.

Болабек аллақачон тўқайзорга оралаб кетган эди. Энам мени кўтариб чайла томонга, отам эса Болабекни кидириб дўланазорга қараб кетдилар...

• • •

— Шундан кейин отга минмай кўйгандирсан-а, — деди Анвар.

— Қаёқда... Миндим. Болабек ўзи жуда ювош от эди-ю, ўша куни нимаям бўлиб олиб қочди-да. Кейин қанча миндим.

— У отни менам биламан. Йўрға юриши бор дейишадия.

— Уни қишлоқда ҳамма билади. Ҳозир анча қариб қолди. Йўрға юриши ҳозирам бор. Аммо илгари зўр юрарди-да, сувдай майин кетарди.

— Ҳозирам миниб турасанми, ҳеч кўрмайман?

— Минаман, — деди Шаҳриёр. — Болабекни қизик бир одати бор. Олдида одам чикса тўхтайдди. Отам

<sup>1</sup> Пўрриқ — лапашанг.



бригадирлик чоғларида далани айланиб, учраган кишининг олдида тўхтаб гаплашиб, иш тайинлаб юрганларда. Болабек шунга ўрганиб қолган.

Анвар узумнинг чиварасини бир чеккага ирғитдида, ўрнидан туриб ариқдан ховучига сув олиб ичди, бетини ювди.

— Менга қара, Шаҳриёр, — деди ариқ бўйида турган кўйи. — Нимага шу отнинг оти Болабек?

Шаҳриёр ҳам жойидан турди, Анварнинг ёнига бориб сув ичди. Кейин Болабекнинг тарихини гапириб берди.

Бердикул бобо болалигидан отга ишқивоз. От деса ҳамма нарсадан кечади. Отининг эгар-жабдуғини безаб, кулоғига кўзмунчоқ тақиб кўяди. Анча йиллар олдин Бердикул бобо бир от сотиб олди. Қашқадарёданми, Жиззахданми олиб келди. Отмисан от. Кўрган одамнинг ҳаваси келади. Бунинг устига Бердикул бобо роса безатди. Чиройли одамга асл кийимлар ярашгандай, от жониворгаям қизил духобадан тикилган ёпқич, қошли эгар, мисдан ишланган узанги шу қадар мос тушган эдики, от худди кўғирчокка ўхшарди.

Бердикул бобо унга қарашдан эринмайди. Эртаю кеч емишидан, сувидан хабар олади, ҳатто ярим кечаси туриб, олдига беда ташлайди. Сал сарғайган бедани бермайди, фақат гул беда едиради.

От шундай етилдики, ҳатто Бердикул бобонинг ўзиям уни одамларга кўрсатишдан кўрқади. Кўз тегиши мумкин.

Қиш тушиб, тўйлар бошланди. Қўшни қишлоқда бўлган тўйда жуда катта кўпқари берилди. Бутун райондан чавандозлар йиғилди. Не-не отлар, чавандозлар ўртага тушди.

Бердикул бобо ҳам бир чеккада отини миниб томоша қилиб турарди. Гоҳ у чавандоз, гоҳ бу чавандоз Бердикул бободан отини сўраб келди.

Чавандозларнинг шундай тартиби бор. Агар бировнинг отида чопса кўпқаридан тушган солимнинг асосий қисми от эгасига тегади.

Бердикул бобонинг кўзига солим ҳам кўринмайди, отини авайлайди, Шунинг учун чавандозларнинг биронтасига ишонмади отини.



Октепа қишлоғида Исмоил деган чавандоз бор. Унинг донғи бутун районга кетган. Ҳам бақувват, ҳам дангал одам. Исмоил чавандоз отни қийнамайди, қачон қамчи босишнинг ҳадисини олган. Айрим чавандозлар бўлса-бўлмаса отни ураверади, айниқса, бошига ургани-чи. Бердикул бобо отнинг бошига қамчи солган чавандозни жинидан баттар ёмор кўради. «От жониворда нима айб. Ўзининг укувсизлиги аламини отдан олмоқчи бўлишади. Бу — номардлик, Исмоил чавандоз — ҳақиқий чавандоз, Хечам отга азоб бермайди, ўз холига кўяди».

Бир маҳал Бердикул бобонинг ёнидан Исмоил чавандоз ўтиб қолди. Бердикул бобонинг бир кўнгли Исмоил чавандозга айтмоқчи бўлди: «От ҳали ёш, кўпқарига кўп кирмаган, бир миниб кўрасизми, Исмоил. Жиззакироқ чавандозларга берсам отни бездириб кўядими, деб кўрқаман». Аммо истиҳола қилди, отини бозорга солапти, деб ўйламасин, деган хаёлга борди.

Исмоил чавандоз Бердикул бобо билан салом-алиқ қилди. Кейин отига разм солди.

— Нимага бир чеккада турибсиз, Бердикул ака. Чопмайсизми? — деди Исмоил чавандоз.

— Мен кўпқари чополмайман, биласиз-ку, Исмоил. Шунчаки ишқибозлик-да бизники.

Исмоил чавандоз отдан кўз узмади. Яхши чавандоз отнинг аслини дарҳол ажратади, деганлари рост, шекилли.

— Кўз тегмасин-у, отингиз асл отга ўхшайди. Кўпқарига кирганми-йўқми? — деб сўради Исмоил чавандоз.

— Бир марта ўзим олиб кирганман. Локин ҳеч қайси чавандозга берганим йўқ. Бугунам беш-олти киши сўради, очиги хўп дейишга кўнглим чопмади. Ҳали кўпқарига ўрганмаган отни бездириб қўйишни ҳеч гапмас-да, — деди Бердикул бобо.

Исмоил чавандоз гапнинг данғалига кўчди.

— Борди-ю, ишонсангиз менга беринг. Бир қўл чопиб кўрай.

Бердикул бобо кулимсиради:

— Майли. Сиздай чавандозга ишонмасам кимга ишонаман. Сизнинг от чопишингиз менга маъқул, — деди сўнгра.

Бердикул бобо отдан тушди-да, унинг айил-пуштасини яхшилаб тортди. Жиловни Исмоил чавандозга узатар экан, худо ўзи омадингларни берсин, деб дуо килди.

Исмоил чавандоз абжир отга минди. Чортоққа қараб тўданинг ичига солди. Бердикул бобо Исмоил чавандознинг отини минган кўйи кузатиб турипти. От жонивор сувни иккига ёриб сузиб бораётган кема каби тўдани икки бўлиб ичкарига кирди.

Солимчилар «бир гилам ва бир кўй», деб улоқни ирғитди. Улоқ Исмоил чавандознинг ўнг ёнига келиб тушди. У чаққонлик билан ёнидаги чавандоздан улоқни юлиб олди-да, тақимига босди. Кейин отнинг жилловини чапга бурди. Икки томонидан отлар қисилиб тургани учун унинг бурилиши қийин кечди. Четдан кузатиб турган Бердикул бобонинг юраги пўкиллайди. «Ҳеч нарса қилмасин-да, ишқилиб».

Исмоил чавандоз минган от қандай қилди — ҳеч ким билмай қолди — чапга бурилиб, ўзини ўнглаб олди. Шунда Исмоил чавандоз отнинг биқинига салгина нуқиди-да, «ҳа, жонивор, бўшашма», деб жилловни кўйиб юборди. Шу маҳал гўё мўъжиза рўй берди. От шердай олдинга ташланди-ю, кўз очиб-юмгунча тўдадан ажралиб чиқди. Чавандозлар ҳам, томошабинлар ҳам ҳайратдан ёқа ушлаб қолдилар.

Кимдир «Ҳалол! Ҳалол!» деб бақирди. Унга бошқа товушлар ҳам қўшилди.

Бу олқишлардан Бердикул бобонинг эти жимираб кетди. Аъзойи баданида чумоли ўрмалагандай туюлди.

Исмоил чавандоз улоқни чортоққа элтиб ташлади. Бердикул бобонинг олдига келиб отдан тушди-да, уни кучоқлаб ўпди.

— Шунча йилдан бери кўпқари чопиб, не-не отларни миниб бунақа отни кўрмаган эдим, — деди хаяжонланиб. — Илоё кўз тегмасин, умри узоқ бўлсин. Фақат эҳтиёт қилинг, ҳар кимга бераверманг. Худо хоҳласа бу отингизнинг олдига тушадиган от йўқ бу атрофда.

Бердикул бобо суюнганидан нима дейишини билмайди, «рахмат, умрингиздан барака топинг», дейди холос.

— Отингизнинг оти нима, Бердикул ака, — деди Исмоил чавандоз.

Бу саволдан Бердикул бобо шошиб қолди.

— Оти... оти йўқ.

— Кўнглингизга олманг-у, исмингиз қул бўлса-да, бекларнинг отидай отингиз бор экан. Шунинг учун, агар хўп десангиз, отингизнинг исмини Бек қўйинг.

Исмоил чавандознинг сўзлари самимий экани гапиршидан билиниб турарди.

— Майли, — деди Бердикул бобо. — Сиз айтганча бўлсин.

— Ишончингиз учун раҳмат, Бердикул ака. Отни миниб борсангиз солимни беришади.

— Йўқ-йўқ, — деди Бердикул бобо шошиб. — Бирга борамиз. Уларни сиз олинг, сизди меҳнатингиз.

Исмоил чавандоз бошини ирғади.

— Йўқ, Бердикул ака, солим отники. Уларни олиб отнинг ўзига ишлатинг.

Охири иккови келишди. Гиламни Бердикул бобо, қўйни Исмоил чавандоз оладиган бўлди...

Шу куни Бердикул бобо отига Бек исмини қўйиб, олдига чўрдай ёниб турган кип-қизил гиламни ўнгариб уйга қайтди...

— Болабек ўша отнинг боласи, — деди Шахриёр керилиб. — Унинг оти Болабек бўлиши ана шундан.

— У от — Бек нима бўлган, ўлганми? — деб сўради Анвар.

— Мен аниқ билмайман. Эшитишимга қараганда, Бекни сўйишган. Жуда қимматчилик бўлиб, одамлар ейишга нарса тополмай қоптилар. Эшикдаги молларни ҳам сўйиб тугатишпти. Нима қилишни ҳеч ким билмас эмиш. Шунда отам, «Майли, Бекни сўйинглар. Хар қанча бўлсаям от одамдан азиз эмас! Бунинг устига, ўзиям қариб қолди. Ишқилиб, одамларни сақлаб қолсак бас», дептилар. Отни сўйишпти. Отам унинг олдига келиш у ёқда турсин, гўштидан ҳам емаптилар.

Бу воқеа Анварни ҳам ўйлантириб қўйди.

— Сўймаса бўларди-ку.

Шахриёр индамади. Анвар ҳам миқ этмайди. Чама-си икковининг ҳам хаёлида афсонавий Бек эди.

Бу оғир хаёлдан қутулиш ниятида Анвар гапни бошқа томонга бурди.

— Болабек ҳам кўпқарига кирганми?

— Ёшлигимда чопгандир, мен билмайман, Аммо кейин кўпқарига кирганини кўрганим йўқ. Мен эсимни танганимдан бери отам шундай миниб юрадилар.

Икки жўра анчагача у ёқ-бу ёқдан гурунг қилиб ўтирди. Кун қизиб, атрофни жазилловуқларнинг «виев-виев»и тутди. Ариқ бўйидаги гулларга қўниб-учиб юрган капалаклар ҳам эринчаклик ила қанот қоқади. Қандайдир мусичанинг ку-куси эшитилди. Шаҳриёр Анварга юзланди.

— Мусича нима деяпти, биласанми? Анвар елка қисди.

— Мусо қўй келтирар, Исо тўй келтирар, деяпти. — Шаҳриёр ўзини билимдонликка олиб мусича кукусини шарҳлай бошлади.

— Сен қаёқдан биласан?

— Биладан-да.

Анвар уватга чиқиб қулочини кенг ёйди-да, мириқиб қеришди.

— Хай, майли, қўй келтирса келтирар! Барибир бизга фойдаси йўқ. Юр, ундан кўра ўзимизнинг қўйлардан қолмайлик, уларни сояга олайлик. Кун қизиб кетди. Кейин чўмилишга борамиз.

Сояда — сув бўйида унча билинмаган экан, офтобда ҳаво роса димиқиб кетгани аён бўлди.

— Бу иссиқда қўйлар ўт емайди. Роса ҳансираб ётгандир, — деди Шаҳриёр.

— Жазирамада ўтлагандан кўра салқинда қавш қайтариб ётгани яхши. — Энди Анвар ўзини билимдон тутар, аста-секин гапирарди. — Иссиқда қолган қўй мондимади, дарров этидан тушади. Қўйим семирсин, деган одам уни салқиндан обчиқмайди.

— Бизарди қўйлар ўрганиб кетган, — деди Шаҳриёр қулиб. — Уларга иссиқ таъсир этмайди.

— Шунинг учун қўйларимизга жир битмайди-да. Гап билан овора бўлиб қўйларга яқин келишди.

Чиндан ҳам қўйлар тумшувини бутанинг соясига тикиб, бир жойда қимирламай турарди. Ҳар замон қаттиқ акс уриб, ер тепиниб чивинни хайдайди, холос.

— Ичим куйиб кетгандир жониворларнинг, — деди Шаҳриёр қўйларига ачиниб. — Буларниям дарёга

олиб борамизми? Чўмилтирамиз, маза қилади-да!

Анвар кўл силтади.

— Эй, кўйсанг-чи, юрамизми шу иссиқда хай-хайлаб. Тумшугини ерга тираб юрмайдиям. Суғорамиз-да, ёнғокнинг соясига бойлаймиз. Олдига озгина ўт ташлаб кўйсак, чайнаб ётади. Ўзимиз чўмилиб келиб, кун қайтгандан сўнг ўтга опчиқамиз. Хув кечки салқинда яхши ўтлайди.

Болалар айтганини қилишди: кўйларни суғоришди, сояга боғлашди, олдига бир тутам-бир тутамдан ўт ташлашди. Ўзлари эса дарёга чўмилгани кетишди.

### Қуён қуён бўлди

Шаҳриёрларнинг боғи ёнида чамаси бир гектар чиқадиған ангор бор. Бердикул бобо бу жойда деҳқончилик қилади: бир йил зиғир экса, иккинчи йил нўхат, сўнгра қовун-тарвуз, мошми, тарик ёки кўноқми — ишқилиб ҳар йил нимадир экади. Ангорнинг ўртасига баланд қилиб сўри қуради — у қоровулхона, шу сўрида ётиб экинни, узумни ёввойи хайвонлару қушлардан қўришади. Сўрининг ҳақчасида Бердикул бобонинг кўшоғиз милтиғи осиглиқ туради. Кечаси тордан ёввойи чўчка, бўри тушиб келиши мумкин. Бердикул бобо неча марта тунда узумзордан тўнғизни қувган.

Бу йил қовун-тарвуз экишган.

Кундузи Шаҳриёр қоровуллик қилади. Унинг ёнига жўралари — Анвар, Фолиб, Аҳмад, Акбар келишади. Кунбўйи гурунглашиб ўтирадилар. Баъзан гапга қизишиб узумни чумчуқ талаб кетсаям сезмай қолишади. Шаҳриёр неча марта отасидан дашном эшитган.

Тунда эса Бердикул бобонинг ўзи келади.

Таътил бўлгани учун бугун Шаҳриёр ҳам отасининг ёнида қолди. У сўрида ухлашни жуда яхши кўради.

Ярим кечаси Бердикул бобонинг «хай, ҳа сорана» деб бақирганидан Шаҳриёр уйғониб кетди. Кўзини очиб қараса отаси бордан ниманидир хайдаяпти. У катта, қоп-қора махлуқ. Ой сутдай ёрур булгани учун Шаҳриёр уни аниқ кўрди. Тордан ёввойи чўчка тушипти. Бердикул бобонинг кўлида милтиқ бор-у, негадир тўнғизни отмайди. Бундан Шаҳриёр хайрон қолди.



«Нимага отмайдилар-а», деб ўйлади ўзича. Хатто «Ота, отинг тўнғизни» деб бақирмоқчи бўлди. Аммо овози чиқмади. Сўрида, кўрпага бурканиб ётипти-ю, оёқ-қўли даф-даф титрайди.

Бердикул бобо тўнғизни кўздан ғойиб бўлгунча ҳай-ҳайлаб ҳайдади. Кейин изига қайтди. Отаси келгач, Шаҳриёр ўзини сал босиб олди.

— Ота, чўчқани нимага отмадингиз? Шундай яқинида турувдингиз-ку.

Бердикул бобо милтиғини ҳар доимги жойига осди-да, яктагини ечиб жойига кирди.

— Уйғониб кетдингми, ўғлим. Қўркмадингми?

Шаҳриёр сир бой бермади.

— Йўқ. Ҳозир отасиз, ҳозир отасиз деб турдим, отмадингиз.

— Отишнинг фойдаси йўқ-да, ўғлим, милтиқда сочма ўқ, бу билан у ўлмайди. Қайтанга қутуриб менга ҳамла қилиши мумкин эди. Уни ўлдириш учун чўчка ўқ керак.

— Йўқмиди чўчка ўқингиз?

— Тамом бўп қолган эди, соғана.

— Отиб ўлдирсангиз томоша қилмоқчи эдим. Ҳеч ёввойи чўчқани кўрмаганман, — деди Шаҳриёр афсусланиб.

— Нимасини кўрасан шуни, хунук бир махлуқ-да.

— Ота, — деди Шаҳриёр бир оздан сўнг, — тўнғиз узум ейдими?

— Узумни еганиям гўрга-я, ҳаммаёқни пайҳон қилиб ташлайди.

Шаҳриёр бошқа гапирмади, савол ҳам бермади.

Жимлик чўқди. Ҳаммаёқ жимжит. Фақат қора чигиртканинг чириллагани сукунат пардасини тешиб ўтади...

• • •

Нонуптадан кейин Бердикул бобо қишлоққа тушиб кетди. Бешбулоқда кимдир қазо кипти — жанозага боради.

Шаҳриёр қўйларини серўт жойга боғлаб келди-да, сўрида чалқанча ётган қўйи хаёлга берилди. Мактаб, синфдошлари ёдига тушди. Турли воқеалар кўз ўнгидан ўта бошлади. Бирини эсласа кулгиси қистайди, бирини эсласа қўнгли махзун тортади.



— Шахриёр, хой Шахриёр!

Полиз четидаги ёнғоқ томондан эшитилган товуш унинг хаёлини бўлди. Жойидан ирғиб турди-да, ўша томонга қаради. Кўзи Анварга тушди.

— Қўйларингни қаерга бойладинг?

Шахриёр боғ орқасига ишора қилди.

— Шарракни олдида. Ўша ёққа ўтавер, кўрасан. Жуда ўтли жой. Қўйларингни обориб ўшаққа бойлаб кел. Мен шу ерда ўтириб тураман.

Анвар «хўп» деди-ю, қўйларини боғнинг орқа томонидаги шаррак томонга етаклаб кетди. Унинг келганидан Шахриёр суюнди. Ҳар қалай, якка ўзи, ичи кизиб ўтирмайди.

Бир оздан кейин Анвар келди.

— Эрталаб уйларингга борсам, энанг, даштда отасининг ёнида қолган, деди. Бу ёққа чиқиб келавердим, — деди. Анвар сўрига чиқиб чўзиларкан. — Қовунларинг пишганми?

— Ҳали қаёқда дейсан. Энди тўрлай бошлади.

— Пишмаган бўлса нимасини қоровуллайсилар? Хом қовунни биров обкетармиди.

Шахриёр катталардай ёстикқа тирсаклади.

— Бўлмасам-чи. Унинг устига мол-хол оралайди, кечаси жондор келади.

— Қанақа жондор? — ҳайратланиб сўради Анвар. Шахриёр катталарга тақлидан салмоқланиб сўз бошлади.

— Қанақа жондор бўларди, ёввойи чўчка, бўри келади.

Анвар лабини бурди:

— Қўйсанг-чи лофни. Тўнғиз билан бўри ёзда ҳечам келмайди-да.

Шахриёр тирсагини кўтарди. Астойдил куйиб-пишиб гапирди.

— Келмайди дейсан-а, бугун окшом ўзим кўрдим тўнғиз келганини. Отам милтиқ билан қувдилар. Бирам катта, бирам катта, кўрсанг, чўммоқ хўкиз бор-ку, шунча келади-ёв.

Анвар барибир ишонмади.

— Ёзда шунча одам, итлар юради кечасиям, қандай келади бўри.

— Ишонмайсанми? Қасам ичайми? Худо урсин агар ёлғон айтсам. Ҳали отам келсалар сўра, ишонмасанг...

Анвар лабини буриштириб, елка қисди.

— Ким билади келса келгандир...

— Хув бир йили ёзда битта бўри қишлоққа оралаганини, кейин тоғам билан амаким уриб ўлдиришганини эшитганмидинг? — деди хаяжон ила Шаҳриёр.

— Йўк!

Шаҳриёр чордона қуриб ўтирди-да, қизиқ воқеани хикоя қилиб берадигандек, астойдил гапга тушди.

— Ярим кечаси знам ҳовлига чиқибдилар. Сутдай ойдин кеча экан. Уйимизнинг ёнидан битта катта кучук аста-секин кела бошлапти. Энам шундай қарасалар, бегона ит эмиш. Хайрон бўптилар. Кучук энамни кўриб ҳайиқмас эмиш. Ўзимизнинг кучугимиз тут тагида экан. Бояги бегона кучук шу томонга юрипти. Кучугимиз уни кўрипти-ю, шинғиллаб думини қисганча ўзини панага опти. Бу ҳолдан энамнинг эти увушиб, юраги шириллаб кетипти. Кучук нимага бундай қилди, бу қурғур коришқулми<sup>1</sup> дейман-ов, деб ўйлаяптилар. Югуриб уйга кириб отамни уйғотибдилар. Отам тўнини елкасига ташлаб ҳовлига чиқибдилар. Ҳалиги кучук бир-бир босиб амакимизнинг ҳовлисига ўтаётган экан. «Ие, бу бўри-ку», дептилар отам. Амакимнинг уйлари бизникига рўпара эди-да. Ҳовлидан туруб уларни чақириптилар. У ёқдан амаким, бу ёқдан отам, ён тарафдан тоғам чиқиптилар. Оғилимизнинг ёнида торгина йўлак бор эди, кўргандирсан? Бўри ўша йўлкадан бориб деворга сакрамоқчи бўлганда олдинда пойлаб турган амаким пешонасига кетмон билан урипти. Орқасидан қувиб борган тоғам ҳам куймичига кетмонни туширипти. Икки тарафидан зарба еган бўри шилқ этиб йиқилипти.

Эрталаб бутун қишлоқ йиғилди ҳовлимизга. Ишонсанми, бир зумда бўрининг тиши қолмади-я.

— Нимага? Ким олди?

— Ким оларди, аёллар-да!

— Нима қилади уни?

— Боласининг бешигига осиб қўйса, бола ҳеч нимадан кўркмас эмиш. Бўридай довжорак бақувват бўлиб ўсармиш.

— Мен эшитмаган эканман, — деди Анвар. — Қачон эди у?

---

<sup>1</sup> Бўри демоқчи.

- Э, анча бўлди. Унда пастки ховлида эдик.
- Вой-вуй, минг йиллик гапни гапираяпсанми.
- Барибир эмасми. Ёзда бўри кемайди, деганингга

айтдим-да...

Шахриёр бирдан гапидан тўхтади. Токзор томонга термулиб қолди. Унинг бу ҳолатидан Анвар хайрон. Ўртага сукунат чўкди.

— Ха. Шахриёр, нима бўлди? Нимани кўрдинг? — деди Анвар охири сукунатни бузиб.

— Анавини қара, — деди Шахриёр ҳаяжонланиб. Кўрсаткич бармоғи билан токзорга ишора қилди. Анвар у кўрсатган томонга қаради. Битта қуён узум емоқда эди. Унинг ҳаракатлари шунчалар завқли, ҳаяжонли эдики, икки жўра бараварига оғзини очиб қуёнга термилиб қолди. Энди на Шахриёр, на Анвар миқ этар, уларнинг нигоҳи узум еяётган қуёнга қадалган эди. Улар ҳатто бир-бирига ҳам қарамас, гапириш у ёқда турсин, сал кимирласа қуён қочиб кетадигандай туюларди.

Шахриёр аста шивирлади:

— Зўр-а, Анвар!

— Секинроқ. Овозингни эшитиб қолса, қочиб кетади.

— Қочмайди. — деди Шахриёр. — У ҳар куни келади.

— Кўрганмисан?

— Кўрмасамам биламан. Қара, бемалол ейишини. Ўрганиб қолган-да.

— Ким билади, дейсан... Ушламаймизми?

— Қандай қилиб ушлайсан?

— Секин пана жойдан пойлаб борамиз-у, шартта ушлаб оламиз.

— Сени пойлаб боришингни кутиб ўтирармиди. Шартта қочади кетади-да.

— Таваккал-да, нима кипти.

— Ундан кўра томоша қилиб ўтирайлик, — Шахриёр қуёндан кўзини узмасди.

Анвар у деди-бу деди, Шахриёрни кўндирди. Иккови секин пастга тушди. Анвар олма тарафдан, Шахриёр ўрик томондан писиб келадиган бўлди. Ўқрадиган йўллари олдин чамалаб олишди.

Келишувга мувофиқ икковиям секин ўт ўланни, шох-шаббани шитирлатмай, худди душманни кўли чү

ширгани кетаётган аскардай эмаклаб манзилга қараб бораверди.

— Куёнга икки-уч кадам қолганда беихтиёр Анвар қаттиқ акса уриб юборди. Бундан чўчиб тушган куён шартта ўзини тоқзор ичига урди. Анвар қувмоқчи эди, оёғи тоқ новдасига илашиб, оғзи билан йиқилди.

Бу воқеаларни кузатиб ўтирган Шаҳриёр беихтиёр кулиб юборди. Иложи борича овозини чиқармай кулишга интилди. Анвар сезиб қолса хафа бўлади-да. Кулгидан Шаҳриёрнинг юзлари кизариб, кўзлари юмилиб кетди, ўзини тўхтатаман дейди-ю, тўхтатолмайди. Тирноғига қараса кулги босилади, деб эшитган эди, бош бармоғининг тирноғига тикилди — қаёқда, кулгиси баттар кўзиса кўзидики, камаймади. Силкиниб-силкиниб кулганидан қорни оғриб қолди. Икки қўли билан қорнини ушлаб қолди.

Анвар ўрнидан турди-да, уст-бошини қоқди. Атрофга аланглаб, Шаҳриёрни қидирди. Шаҳриёр бирпас индамай писиб ўтирди. Кейин аста ўрнидан турди.

— Анвар, куённи бу ёққа обкел, — деди Шаҳриёр кулгидан ўзини тийиб. — Бир томоша қилайлик.

Анвар миқ этмади. Бир оз шу жойида серрайиб турди-да, сўнгра сўри томонга кета бошлади. Орқасидан Шаҳриёр ҳам эргашди.

Сўрига чиқиб иккови икки тарафга чўзилди. На униси, на буниси гапиради. Шаҳриёрни ҳамон кулги тарк этмаган, хай-хай демаса шарақлаб кулиб юборадиган даражада. Аммо бунинг иложи йўқ, Анвар ранжийди, афт-ангоридан кўриниб турибди. Қайтанга унинг кўнглини кўтариш керак, хафа бўлмасин.

Шаҳриёр Анвар томонга қараб ўгирилди. Ўнг тирсагини ёстикка тиради-да, аста гап бошлади.

— Анвар, менга қара...

Анвар индамади, ҳамон тескари қараб ётарди.

— Эшитаяпсанми, Анвар?

— Нима дейсан... — деди ўша ҳолатда ётганча.

Шаҳриёр гапни мутлақо бошқа томонга буришга жазм этди. Куён воқеаси гўё бўлмагандай, у ҳақда сира сўз очмасликка аҳд қилди. Биладики, ҳозир шу борада гап кетса барибир Анварга алам қилади, таъсир этади. Ўйлаб-ўйлаб мактабдаги бирон-бир қизик воқеани эсласи келди. Хайрият, шундай ҳодиса ёдига тушди.

— Анвар, менга кара, Шарифнинг кулоғини парта қисиб қолгани эсингдами? — деди кулиб.

Анвар унга томон ўтирилди. Унинг бояғи тунд юзи энди сал ёриша бошлаган эди.

— Шариф ўзиям жуда ажойиб бола-да, — деди Анвар эсига қизиқ гап тушганидан суюниб. Унинг бу ҳолатини кўрган одам ҳозиргина қуённи ушлаёлмай, бунинг устига юз тубан йиқилиб тушган Анвар шу бола эканига ишонмайди. Бир зум илгари ковоғидан қор ёғилиб ўтирган Анвар энди бир қоп ёнғоқдай шалдираб кулар эди.

### Шарифнинг кулоғини парта қисгани хусусида

Темиров деган физика муаллимининг ғалати одати бор: бир қарасанг ўта талабчан, бир қарасанг жуда хазилкаш. Бир кайфияти кеп қолса, дарс қоп кетади, турли хангомалар, афанди хикоя қилиб беради.

Жўрттага қилгандай шу ўқитувчининг дарсида хар қил хангомалар тез-тез содир бўлиб туради.

Янги ўқув йилининг бошлари эди. Орқа партада ўтирадиган Шариф «Вой, энажон... вой-вой-й» деб бақириб юборди. Бутун синф гувв этиб унга қаради. Шариф партадан бошини кўтармай додлаб йиғларди. Аввалига ҳеч ким гап нимада эканини тушунмади. Темиров кўлидаги бўрни столга қўйди-да, унга томон юрди. «Вой, кулоғим, вой энажон, кулоқкинам», дейди Шариф. Муаллим унинг олдига келиб: «Ха, Шариф, нима бўлди?», деди. Шарифнинг ўнг юзи партада, юзлари кизариб кетган, гапириш ўрнига йиғлайди. Темиров секин унинг бошини кўтармоқчи бўлди, лекин кўтаролмади. Шариф эса баттар *вой-вой* лади.

Маълум бўлдики, унинг кулоғини парта қисиб қолган экан. Шариф бошини партага қўйган-у, *сигилиб-ёпиладиган қопқоғини ўйнаб ўтирган. Шунда нимаям бўлиб ўнг кулоғининг бир чеккаси партаининг қилиқинини кўтарганда орасига кириб қолган. Ўзи буларни сезмай қопқоқни ёпган, натижада кулоғи қисилган. Шунда беихтиёр додлаб юборган. Қилиқини кўтарганда кулоғи қисилиб қулоғи бўшайди. Шошганда додлаб чилиқиб, партадан ридек, Шариф бунинг ўрнига кулоғини қилди. Ўнги сари кулоғи оғриydi.*



Темиров аста парта қопқогини кўтарди. Шарифнинг қулоғи бўшади. Энди қулоқ шўрликнинг ҳолини кўрсангиз: кип-қизил бўлиб шишиб кетган. Шариф унга кафтини босади — ҳам оғриқ, ҳам уят. Кўзларидан шувуллаб ёш оқади.

— Гап кирмайдиган қулоқнинг жазоси шу, — деди муаллим.

Аммо бу учирма гап кирадиган қулоқларгаям киргани йўқ. Ҳамма Шариф ва унинг қулоғи билан овора. Биров кулади, биров, тез дўхтирга бор дейди, яна кимдир, мунча ваҳима қиласизлар, ҳеч нарса қилмайди ҳозир қайтиб кетади, деб Шарифгаям, бошқаларгаям таскин беради. Шариф шўрлик кимнинг сўзига қулоқ солишини билмайди. Унинг нияти — тезроқ бу ердан кетиб ҳеч кимнинг кўзига кўринмай, холи салқин уйда ётиб ухлаш. Бироқ Темиров жавоб берадими кетишга? Шариф бу аҳволда сўрай олмайди. Бир жиҳати сўрамаганиям тузук, акс ҳолда балого қолиши тайин. Темировга гап топилмайди, ҳадеганда майна қилаверади. Ҳали шувёғиям етади бир-икки йилга.

Қизлар барибир болаларга нисбатан раҳмдилроқ экан. Бешови (синфда атиги бешта қиз бор) баравар Темировдан илтимос қилди.

— Уйига кетаверсин энди муаллим...

— Бу аҳволда қандай ўтиради дарсда...

— Барибир ҳозир калласига ҳеч нарса кирмайди.

— Қулоғига десанг-чи, — Кимдир лукма ташлади. — Худди бошқа пайтда миясига бирор нарса кирадигандай гапиради-я.

Темиров лукма ташлаган болани кидирди, аммо ғала-ғовур ичида унинг ким эканини аниқлай олмади. Ҳолатидан, юз ифодасидан маълум эдики, бу лукма Темировга маъқул тушди.

Қизлар ўз сўзида туришди.

— Ҳозир бунинг соғлигини ўйлашимиз керак...

— Қулоқ нозик аъзо, дейишади. Бир балого гирифтор бўлиб юрмасин тагин, дўхтирга кўрсатсин.

Шариф йиғидан ўзини босиб ололмас, қулоғини дам-бадам силаб қўяр эди.

— Балки биров бирга борар дўхтиргача. — деди болалардан кимдир.

Шаҳриёр Шарифнинг бу аҳволдан на қулишини,

на йирлашини билмай ханг-манг эди. Бир томондан чиндана кулгили, аммо кулоғини кўрган одамнинг дилини кулги тарк этади, унга раҳми келади. Ана шу кейинги туйғу Шахриёрда устун чиқди.

— Мен бирга бораман, — деди дабдурустдан.

— Ўзи кетаверади-да, нима, кўркадимми, — деди биров.

— Бирга борса яхши-да...

Темиров мунозарага чек қўйди:

— Бўлди болалар. Шариф билан Шахриёр бирга боради. Қолганлар жой-жойига ўтирсин. Дарсни давом эттирамиз деб. Шахриёрга юзланди. — Сен Шахриёр, Шарифни аввал дўхтирга олиб бор, кейин уйигача бирга бориб, ота-онасининг қўлига топшир. Тушунар-лими? Боринглар энди.

Шахриёр ҳам ўзининг, ҳам Шарифнинг сумкасини олди. Олдин Шахриёр, орқасидан калласини ўнг томонга қийшайтирганча Шариф эшикдан чиқиб кетди.

Синфнинг у ер-бу ерида пик-пик кулги ҳамон бо-силмаганди.

Шу воқеагаям қарийб бир йил бўлди. Шундан бери Шарифнинг кўзини очиришмайди. Бу орада гап бутун мактабга ёйилди. «Кулоғинг қалай, оғримаяптими?», «Шишмаган чоғи-а?», «Мюнхаузен бўлиш, парта-га кулоғингни кўйиб кўчада бўлаётган гапларни эшитасан-а», «Эшитиш қобилияти Шарифда жуда ри-вожланган деса бўлади».

Э-хе, бунга ўхшаш гаплар, пичингу масхараларнинг чеки чегараси йўқ. «Кулоқ» деган сўзни эшитса Ша-рифнинг асаби кўзиб кетади. Темировга-ку тоза худо берди — бўлса-бўлмаса «болалар, кулоқ, солинглар... Ҳай кулоғинг борми ўзи? Одамда кулоқ бўлмаса қийин, экан-да. Икки кулоғинг билан эшит...». Хуллас, ҳар гапида кулоқни тикмаса кўнгли жойига тушмайди. Яна денг кулоқ дейиши билан Шарифга юзланади. Буни болалар сезиб қолишган, улар ҳам Шариф ўтирган томонга гувв этиб ўгириладилар.

Шариф гап кўтармайдиганлар хилидан, жахли бур-нининг учида туради. Дарров кизариб-бўзариб кетади.

Унинг аччиғи чиққани сари болалар баттар рашига тегади.

Аксига олгандай ўша кунлари тарихдан кулоқларни

синф сифатида тугатиш мавзуси ўтила бошланди. Муаллим дарс мавзусини эълон қилиши билан синфда бўлди кулги, булди кулги. Ўқитувчи хайрон:

— Нима гап ўзи?

Хеч ким гапирмайди. Ҳамма кулади, холос. Муродов болаларни бирма-бир кузатди. Фақат охирги партада ўтирган Шариф кулмас, бир оз кизарган кўйи деразадан ташқарига қараб ўтирарди. Муаллим унга мурожаат қилди:

— Шариф, сен ўрнингдан тур-чи. Қани, менга тушунтир, нима гап ўзи?

Болалар баттар кулиб юбордилар. Қийқирик авжига минди. Шариф ўрnidан турди-да, бир оғиз ҳам гапирмай югуриб синфдан чиқиб кетди. У эшикни шундай зарб билан ёпдики, деразалар зириллаб кетди. Бу ҳол Муродовнинг хайратини оширди. У асабини босолмади. Синф журнаlines олиб жаҳл билан столга «пақ» этказиб урди.

— Жим бўлинглар!!!

Синф сув сепгандай жим бўлди-қолди. Муаллим индамай эшик ва дераза томонга бир-икки бориб келди. Унинг ранги оқариб кетган эди.

Муродовнинг бу мактабга келганига икки-уч йил бўлди, холос. Ўзи қўшни қишлоқдан. Айтишларича институтда зўр ўқиган. Ленин стипендияси олган эмиш. Ўзи тарихдан дарс берса-да, географияни, адабиётни-ям яхши билармиш. Ўқитувчилар билан кўп масалада келишмай, тортишиб юради. Буни ўқувчилар ҳам кўп кўришган, эшитишган.

Унинг ташаббуси билан мактабда тарих, мусиқа тўгараклари очилди. Рубоб, тор ва доира чалишни қийиб қўяди. Туппа-тузук ашулаям айтади. Бўш бўлди дегунча китобга термилади. Кекса муаллимлар билса хазил, билмаса чин қабалида унга пичинг айтишади. «Шунча билим, шунча талант билан муаллимлик қилиб юргангизга хайронман» деди бир куни Темиров. Муродов аввалига индамади, аммо чидаёлмади. «Болалар саводсиз ўқитувчилар қўлида қолиб кетса, эртага аҳволимиз нима кечади?» деди вазминлик билан.

Парталар уч қатор қилиб қўйилган. Муродов ўрта қаторнинг рупарасига келди-да, ўқувчиларга қаттиқ тикилди.

— Уят! Шармандалик!... Шариф нимага чиқиб кетди? Демак, бир гап бор. Синфдошларингни масҳарм қилишга уялмайсизларми? Ким айтди сизларни ҳаргимизнинг келажаги деб...

Биринчи қаторда ўтирган Шарофат ўрнидан ирғиб турди.

— Рост айтасиз, муаллим. Ҳаммаси Шарифнинг устидан кулапти. Бир кун...

У бўлган воқани гапириб берди. Муродов баттар асабийлашди. Қўлини орқасига қилиб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Кўрдингларми болалар, биз нақадар майдалашиб, бачканалашиб кетаяпмиз. Холбуки, бизнинг аждодларимиз нақадар улўф одамлар бўлишган. Навоий классик ғазал ёзиб қўйиб устози Лутфийни лол қолдирганида сизлардан анча ёш бўлган. Бобур сизнинг ёшингизда салтанатни бошқарган. Пушкин, Лермонтов, Моцартининг сизлардай пайтида ёзган шеърлари, музикаси жаҳон маданияти хазинасидан ўрин олган...

— Ҳамма Навоий ёки Пушкин бўлавермайди-ку...

Орқа томондан эшитилган бу лўқма Муродовнинг фикрини бўлди.

— Ким айтди шу гапни?

— Мен айтдим, — деб жойидан дадил турди Юсуф.

Муродов энди анча бамайлихотир эди. Шошилмай, офир-вазминлик билан Юсуфга қаради. Бир зум индамай тикилиб турди. Кейин дераза томонга юрди-да:

— Ўзимам сен айтган бўлсанг керак деб ўйловдим, — деди. — Хато қилмаган эканман. Чунки сенга бу гапларнинг кизиғи йўқ. Навоий, Бобуру Пушкинлар у ёқда турсин, синфдошинг Шаҳриёр беш олади-ю, сен лоқал уч ҳам ололмайсан. Чунки сенда интилиш йўқ, кунт йўқ. Бўлганим шу деб тураверасан. Ваҳоланки, ҳаракат қилсанг ҳаммадан яхши ўқишинг мумкин. Сендаги жасурликка, дангалликка хавасим келади. Яширмайман. Дангасаликни, ялқовликни ташласанг ҳаммаси изга тушади. Бунинг учун одамда ирода бўлиши керак. Афсуски, ана шу йўқ сенда. Айтиб қўяй, бир кун барибир пушаймон қиласан. Эсиз ёшлик, қадрига етмабман, деб афсусланасан. Лекин унда кеч бўлади. Борди-ю, бир умр ҳозирги ақидага амал қиладиган бўлсанг, бурнингни остидан нарини кўрмай ўтасан...



У стулга келиб ўтирди. Болаларга разм солди. Уларнинг аксарияти ўзига термилиб турганини, яна нима дер экан, деб кулоқ солаётганини кўрди, сизди. Шу боис фикрларини жиловламади.

— Болалар, мени тўғри тушунинглар, Юсуфнинг қараши, ақидаси билан иш битмайди. Ҳамма нарса ҳаракатга, интилишга борлиқ. Мен шундайман, борим шу, деб ўтирсак ўтираверамиз-да, вақт, умр ўтиб кетаверади... Бир синфдошимизнинг ҳолидан кулиб, ҳажв қилиб юрибмиз. Хўш, қулоғини парта қисиб қолган бўлса — нима қипти? Атайлаб тикиптими партанинг орасига. Шунини шунча чўзиб юриш керакми?...

— Темиров ҳар дарсга кирганида шунини гапириб, Шарифни калака қилади, — деди Шарофат ҳаяжонланиб.

Бу гапдан Муродовнинг жаҳли кўзиди.

— Темировга ўхшаган ўқитувчилар кўлида ўқиганимиз учун ҳам бир умр итнинг кейинги оёғи бўлиб юрамиз-да.

У бу фикрни айтишга айтди-ю, аммо пушаймон еди. Ўқувчилар олдида бошқа муаллимни ёмонлаш маданиятсизлик. Энг хавфлиси болаларнинг тарбиясига ёмон таъсир қилади. Ўқувчиларда ўқитувчиларга нисбатан ишонч, эътиқод қолмайди. Гапни дарров бошқа томонга бурди.

— Хуллас, бу гапларни қўйинглар, болалар. Шунча кундан бери гапирганинглар етар. Энди бу ҳақда на ўзларингча, на Шарифнинг олдида гапирманглар. Шаҳриёр, сен чиқиб Шарифни топиб кел. Дарсни бошлайлик. Хўш, ўтган дарсда қайси темани ўтувдик... Ким айтади?

\* \* \*

Бу воқеани эслаб икки жўра роса кулишди.

— Темиров ўзи жа галати муаллим-да, — деди кулгидан тўхтаб Анвар. — Раҳимга фишт кўтартиргани эсингдами?

Шаҳриёр кизиксиниб Анварга қаради.

— Қачон? Эсимда йўқ. Уйига хашарга боргандами?

— Йўқ. Синфда.

— Демак, мен йўқ эканман-да ўша дарсда. Қачон эди?



- Анча бўлди. Қишда эди.
  - Мен шамоллаб қолиб мактабга бир ҳафта бормадим-ку, ўша пайтда экан-да.
- Анвар чордона куриб ўтириб олди. Муҳим гап айтадигандек, томоғини кириб, вазминлик билан ҳикоясини бошлади.

### Анварнинг ҳикояси

Февралнинг бошлари. Уч кун тинмай қор ёғди. Тиззадан келади. Совуқ кўз очирмайди.

Биринчи дарс физика эди. Биласан-ку, Раҳим ҳар доим кечикиб келади.

Темиров энди дарсни бошловдики, эшикни тақиллатиб Раҳим кирди.

— Мумкинми, муаллим?

Темиров қошини чимирди.

— Хўш, кир-чи. Нимага кечикдинг?

— Совуқ, муаллим.

— Муаллим совуқми?

Ҳамма кулиб юборди.

— Йўқ...

— Нега унақа дейсан бўлмаса?

— Ташқари совуқ деярман!..

— Ташқари совуқ бўлса сенга нима?

Раҳим индамади.

— Совуқ бўлса кечикиб келасанми? Бошқаларга совуқ эмасми?

Шошганда лаббай топилмас, деганларидан, Раҳим бечора довдираб қолди.

— Уларнинг уйи яқин.

— Сенинг уйинг узок бўлса биз айбдормики...

Кимдир лукма ташлади:

— У ўзи иссиқдаям кечикиб келади.

Бу гап Темировга қўл келди.

— Кечикмай келган вақтинг бўлми сенга? Сизга — совуқ дейсан, иссиқда — иссиқ. Ёмғир қор ёлғиқ, тоза худо беради сенга... — Темиров ичига ўқиб олди. Кўзи печка устидаги шишга тўшди, — Ўшани шиштни ташқарига опчикиб ташла, — деди Ҳикоячи.

Печканинг темири ўрнига шишга опчикиб ташла, — деди Ҳикоячи, шуни кўрсатди. Раҳим шишни олиб, ташлади.

яқинлашувди, Темиров, тўхта, деди. Раҳим бир қўлида папкаси, бир қўлида фишт кўтарганча эшик олдида тўхтади. Бутун синф хайрон. Фиштни чиқариб ташлашнинг нима кераги бор? Печканинг оғзи очилиб қолади, тутун чиқиб кетади.

Болаларнинг ажабланганини Темиров сизди. Аммо ҳеч кимга ҳеч нарса демади. Стулга ўтирди-да, журнални варақлай бошлади.

— Хўш, кани, ўтган дарсни ким айтади? Хамманинг кўзи Раҳимда. У шўрлик пальтосиниям ечмаган. Ташқари совуқ бўлгани учун ичкарига кирганида юзлари кизариб кетди.

Темиров баланд овозда бояги саволини қайтарди. Ҳеч кимдан садо чиқмади.

Раҳим безовта бўла бошлади. Фиштни ташлай деса — Темировдан кўркади, ушлаб туравериш — иссиқ. Ҳаракатидан билиниб турипти — қўлига иссиқ ўтди. Охири чидаёлмади чопи, Темировга термилди. У эса Раҳимга эътибор бермайди, гўё унинг эшик олдида турганини унутгандай.

— Ким айтади дарсни деяпман?

Шу маҳал Раҳимнинг бўғиқ, аламли овози синфни тутди.

— Иссиқ, муаллим.

Болалар кулиб юборишди. Темиров жиддий. Раҳимнинг ўзини унутгандай, сўзини ҳам эшитмаган каби тутди ўзини.

— Ким гапирди? Биров мен жавоб бераман, дедими?

Бу Раҳимнинг гапига шама эди.

— Э, муаллим, иссиқ.

— Энди муаллим иссиқ бўлдимми? — деди Темиров Раҳимга ўгирилиб. — Ҳозиргина совуқ эди-ку.

— Фишт иссиқ... — Раҳимнинг гапида илтижо, ялиниш бор эди.

Темиров ҳамон пинагини бузмади.

— Фишт иссиқ бўлса яхши-да, совқотдим, дединг-ку, ахир...

— Бирпас ушлаб тур исийсан.

— Ташқарига опчиқиб ташлайми?

Болалар ўзларини кулгидан тиёлмадилар.

Темиров дўк урди:

— Нега куласизлар?

Раҳимнинг қўли куйди шекилли, баттар безовта бўлди. Бу қўлига алмаштирай деса қўли банд — папкаси бор.

— Ташқарига опчикиб ташла, дедингиз-ку ўзингиз, — йиғламоқдан ўзини базўр тийиб гапирди Раҳим бечора.

— Бирпас ушлаб турсанг, кечикиб келиш қанақа бўлишини биласан.

Шу маҳал ёз куни осмонида момақалди роқ гумбурлагандай кутилмаган воқеа рўй берди.

Анварнинг ҳикояси шу ерга келганда Шаҳриёр ҳам сергак тортди. Қўрқинч оҳангида Анвардан сўради:

— Раҳим бечора ўзидан кетиб қолдими?

— Йўқ, — деди Анвар. — Юсуф жойидан ирғиб турди. Ҳамма гувв этиб унга қаради. Темиров билан Раҳимнинг ҳам диққати унга йўналди.

— О, муаллим, қанақа одамсиз ўзи? — деди Юсуф кескин. — Нимага у бечорани қийнайсиз? Кечиккан бўлса, кечикибди-да, энди! Осмон узилиб тушмабди-ку, ахир! Ўқиса ўзи учун ўқийди, сиз учун эмас! Лекин сиз унга азоб берманг. Бундай қилишга ҳақкингиз йўқ!

Ёз осмонида гумбурлаган бу момақалди роқ ҳаммани ҳайратта солди. очиги, Темиров ҳам гангиб қолди. Юсуфга термилиб турибди-ю, нима дейишини билмайдди. Синф сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Темиров кизариб кетди. Юсуфга нимадир демоқчи бўлар, аммо айтмоқчи бўлган гапини тополмасди.

Шу маҳал бир нарса гуп этди. Ҳамманинг нигоҳи Раҳимга қадалди. Унинг қўлидаги фишт полда ётарди. Раҳим уни атай ташлаб юбордими ёки қўлидан тушиб кетдими, бизга қоронғи эди. Алининг аламини Валидан опти, дегандай, Темиров Раҳимга бақирди:

— Фиштни жойига қўй! Полни ифлос қилдинг.

Раҳим фиштни печканинг устига элтиб қўйди.

— Ўтир жойингга! — деди Темиров. Кейин Юсуфга яқин келди. — Тилинг чикиб қоптими Эргашев. Бунчалар маҳмадоналигингни билмовдим сенинг. Оладиган баҳонг икки бўлса, катта кетишинг чакки эмас-ку, а? — Юсуфнинг қулоғидан бурай бошлади. — Шу бидирлаган тилингни бир кўрсат менга. Узиб олиб инга ташлайин.

Юсуфнинг кулоғи оғриди, шекилли, инграб юборди. Темиров ҳамон қўйиб юбормас, гўё шу билан ундан аламини олмоқчи бўларди...

Анварнинг хикоясини эшитиб ўтириб Шахриёрнинг ҳам кулоғи оғриб кетди чоғи, ўнг кулоғини силаб қўйди.

— Ҳеч ким индамадими? — деб сўради у ачиниш билан.

— Ким индайди, — Анвар хикоясини давом эттирди. — Энг қизиги кейин бўлди. Юсуф додласаям Темиров қўйиб юбормади. Бечоранинг жони ачиди, шекилли бир маҳал Темировнинг кўкрагига гуп этказиб бир мушт туширди. Темиров ҳамма нарсани кутган бўлиши мумкин, лекин бу ишни кутмаган чиқади. Довдираб қолди. Бутун синф олдида ўз ўқувчисидан калтак ейиш — муаллим учун оғир. Ранги аввал оқарди, сўнгра эса кип-қизил тусга кирди.

— Аблах! — деди лаблари титраб. — Сен билан ҳали гаплашаман. Директорнинг олдида. Ярамас! Шу мактабда ё сен ўқийсан, ё мен ишлайман.

У журнални, китобларини йиғиштира бошлади.

— Бугунги дарсни ўтмайман. Бунинг учун сен ярамас айбдорсан. Жавоб берасан. Сенлар гувоҳсанлар, — деди болаларга.

Шундай деб эшикни қарс этказиб ёпиб чиқиб кетди...

Анвар жим қолди. Шахриёр ҳам. Ниҳоят сукунатни Шахриёр бузди.

— Юсуф билан Темировнинг ит-мушук бўлиб қолиши шундан экан-да, — деди у ўзига-ўзи гапиргандай бир тарзда.

— Бўлмасам-чи. Директор Юсуфнинг отасини чақиртирди, уни мактабдан ҳайдамоқчи бўлди. Эҳ-хе, қанча машаққат бўлди-ку. Юсуфнинг отаси билан Темиров роса сўқишган. Охири кимдир ўртага тушиб икковини яраштириб қўйган дейишади. Ҳозир ҳам Темиров Юсуф билан гаплашмайди, сезмаганмисан? Ҳатто дарсниям сўрамайди ундан.

— Биламан, — деди Шахриёр паст овозда. — Очиги, Темиров ҳам гоҳида ҳаддидан ошиб кетади-да. Болаларни ҳеч менсимайди, баъзиларни ҳатто пашша ўрнида кўрмайди. Юсуф бечораям чидаёлмай кетганда!.. Унинг гапини Анвар бўлди:

— Нима бўлгандаям урмаслиги керак эди. Муаллимга кўл кўтариш яхши эмас.

— Албатта... Аммо Темиров ҳам шу даражага бориши инсофдан эмас-да. Ўзигаям, Юсуфгаям ноқулай.

— Юсуфнинг отаси Темировнинг устидан ёзган дейишади.

— Нима деб ёзади?

— Саводсиз, ўз фанини билмайди. Фалон йилдан бери физикадан дарс беради, шу вақт ичида мактабдан биронтаям физик чиқмади. Агар Темиров яхши ўқитганида шундай бўлмас эди. Бошқа ҳамма фанлар бўйича яхши кадрлар етишиб чиқяпти, фақат физикадан йўқ, деб ёзганмиш. Бунинг устига кўпол, ўқувчилар билан ишлашга нолойиқ, педагогликдан четлатиш керак деганмиш.

— Ростданми? Ким айтди сенга? — қизиқсиниб сўради Шахриёр.

— Рост. Бир куни муаллимларнинг гапини эшитиб қолдим.

— Қаерда?

— Хайит аканинг тўйида Муродов, Аҳмедов, Саторов, яна бошқа муаллимлар гаплашиб ўтиришувди. Мен чой-пой ташиб юрувдим. Бир маҳал қулоғимга «Юсуф, Темиров... Юсуфнинг отаси ёзипти», деган гаплар чалиниб қолди. Тўғриси, қизиқдим. Сал нарироққа бордим-да, тесқари қараб ўтирдим. Худди артистларни томоша қилаётгандай бўлиб уларди гапига қулоқ солдим.

Шахриёр қулди.

— Туппа-тузук шпион экансан-ку.

Анвар ҳикоясида давом этди:

— Ўзимизнинг синф бўгани учун қулоқ солдим-да, бўлмаса менга нима эди-я!.. Шунда шу гапларни айтишди. Қанча комиссиялар кепти мактабга. Директор ўртага тушиб сақлаб қолганмиш. Қариндоши экан-да.

— Шундайми? — деди Шахриёр ажабланиб.

— Ҳа. Бўласи экан.

— Ростданам Темиров яхши ўқитмайди-да, Анвар. Ўзинг биласан-ку қачон қарасанг, қаёқдаги гапларни айтиб ўтказди дарсни.

— Аҳмедовнинг айтишича, Темиров физикани яхши билмас эмиш-да. Қанча масалалар бор экан, бизларга ҳеч масала ишлатмайди-ку.



— Шунинг учун бизарди лакилладиб ўтирса керак-да, — деди Шахриёр.

— Мактабимизни битирган болалардан биронтасиям физика факультетига ўқишга киролмаслигининг сабаби шундан, дейди Ахмедов. Унга Сатторов айтадики, биронта бола институтни битириб келса ўрнимни олиб қўяди, деб кўрқади, дейди.

Шахриёр Темировдан ранжиган оҳангда гапирди:

— Ўзи саводсиз экан-у, яна ҳаммани қийнайди.

Бор этагидаги ёлғизоёқ йўлдан Акбар, Голиб кўринди.

— Акбар билан Голиб келаяпти, — деди Шахриёр. — Акбарни кўлида коптоги бор. Футбол ўйнаймизми?

Унгача Акбар билан Голиб етиб келишди.

— Нима қилиб ўтирибсилар? — Сўрига чиқатуриб гап ташлади Акбар, — Юринглар футбол уйнаймиз.

— Шу иссиқда-я, — деди Анвар.

— Нима қипти, — гапга Голиб аралашди.

— Биласиларми, дайравотга борамиз. Кўлда чўмили-миз, чимзорда футбол ўйнаймиз.

— Тўрт киши футбол уйнаб бўладими?

— Йўлдан бошқа болаларниям чақирамиз. Саттор бор, Акмал, Файрат...

— Кетдик! — деди Шахриёр.

— Қўйлар-чи?

Анварнинг бу гапидан Шахриёр ҳам сергак тортиди.

— Қўйларни сояга оламиз. Олдига ўт ташлаймиз. Кейин борамиз кўлга.

Улар етти-саккизта бўлиб то куннинг тафти қайтгунча кўлда чўмилишди, копток ўйнашди. Сувда бир-бирига коптокни отиб, сув сепишиб роса мириқишди.

## Иккинчи боб

### Кўришув

Жавзонинг иссиғи авжига чиққан. Кун эрталабдан киздиради.

Бўстон хола қайрағоч соясидаги супага нонушта тайёрлади. Отаси, онаси, Шахриёр, укалари йиғилиб, энди бир пиёладан чой ичишган эди, дарвоза гийқиллаб очилди. Ҳамма шу томонга қаради. Биринчи бўлиб Бўстон хола жойидан ирғиб турди: «Ие, Пиримжон келди». Хола ўрлига пешвоз юрди. «Бўйларингдан знанг айлансин, келдингми болам».

Бўстон хола ўрлини бағрига босди, пешонасидан, юз-кўзларидан ўпди. «Ўзи эрталаб ўнг қовоғим учиб турувди сен келаркансан-да».

Шахриёр югуриб бориб акаси билан кўришди. Пиримкул уни кучоклаб юзларидан ўпди.

— Қалайсан? — деди Пиримкул укасига, — Каникулда маза қилиб юрибсанми?

Бўстон хола гапга аралашди:

— Акасининг тўйига қўй боқаяпти, Шахриёржоним.

Пиримкул ҳамма билан бирма-бир кучоклашиб кўришди. Кейин нонуштага ўтиришди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Бердикул бобо аста томоғини кириб Пиримкулга қаради. Отаси нимадир сўрамоқчи эканини сезиб ўвли ҳам унга юзланди.

— Хўш, ўрлим, ишларинг яхшими? Ўқишинг битдими?

— Битди, — деди Пиримкул қисқа қилиб.

— Ҳаммасидан яхши қутулиб олдингми? Ҳалиги, нимайди, диплом дейсизларми, шуниям топширдингми? Пиримкул отасининг мақсадини тушунди. Диплом ишингни химоя қилиб олдингми, демоқчи.

— Бўлди ота. Ҳаммасидан қутулдим. Энди насиб этса сентябрдан ишга тушаман.

— Унгача дамми? — деб сўради Бўстон хола.

— Шундай...

— Худога шукр, омон-эсон қутулиб опсан. — Бўстон холанинг гап оҳанги ўрлидан мамнунлигини ифода этарди.

Бердикул бобо ўша вазмин оҳангда деди:

— Ишинг қаерда бўлади? Ёки ҳали номаълумми? Отасининг бу саволи замирида кўп маъно борлигини Пиримкул биледи. Бердикул бобонинг нияти — ўғли ўқишни битириб ёнига қайтса. Олдин ҳам бу ҳақда гап кечган. Хар гал Пиримкул пайсалга солган, мақсадини очик айтмаган, ўқиш тамом бўлсин-чи, кўрамиз, деб келган. Энди гапни орқага суришнинг иложи йўқ, бор гапни борлигича айтмоғи даркор. Аммо бирдан гапнинг лўндасини айтиш ҳам осон эмас, йўлини қилиб тушунтирмоғи лозим, акс ҳолда ота-онаси дилини ранжитиб қўйиши мумкин.

Пиримкул бир нафас сукут сақлади, гапни нимадан бошлашни ўйлади.

Бердикул бобо унинг кўнглидаги ўйларни укқандай тарзда савол ташлади.

— Ҳа, ўйланиб қолдинг?... Айтавер бор гапни. Шаҳарда қолмоқчимисан?

— Ўзимга қолса шаҳарда қолиш истагим йўқ, — Пиримкул тутилиб-тутилиб гап бошлади. — Лекин институтда тартиб бошқача экан. Ўқишни битирганларни уларнинг ўзлари ишга тақсимлар экан.

Бўстон хола ўғлининг сўзини бўлди:

— Вой ўлай, яна қоласанми Тошкентда?

— Ҳозирча шундай қилишга тўғри келади, — деди Пиримкул нигоҳини ердан кўтармай.

— Ўқишни битиргандан кейин ким қаерда хоҳласа ишлавермайдими?

Бердикул бобонинг оҳиста, бироқ қатъий бу сўзларида «ўзинг хўп демасанг, сени мажбур қилармиди», деган ўтқир таъна зоҳир эди. Буни пайқаган Пиримкул отасига юзланди.

— Шундай эмас экан-да. Тайинланган жойда иш-ламаса диплом бермас экан. Мени институтнинг ўзида олиб қолишди.

— У ерда нима иш қиласан?

— Ўқитувчилик.

Бердикул бобо ўғлининг кўзларига термилди. Бу қарашдан икки хил маънони уқиш мумкин: биринчиси — ўғлим мени алдаяптими, ростданам у институтда домла бўладими, деган гумонсираш; иккинчиси — менинг болам вояга етиб институтда домла бўлди, деган қониқиш туйғуси. Отанинг бир-бирига қарама-қарши ана шу икки туйғуси қўшилиб кетган эди.

Бўстон холада эса, аксинча, ташвиш хисси кучайди.

— Яна қачон келаркан, Пиримқулим, деб йўлингга кўз тикиб ўтираманми, болам.

Пиримқул онасини юпатган кўйи:

— Тез-тез келиб тураман. Илгари ўқишдан чиқолмасдим, энди ўқимамайман-ку, сизларни софинганимда ишдан жавоб оламан-у, келавераман. Нима, Тошкент қочиб кетиптими, — деди.

Бердиқул бобо бошқа гапирмади. Отасининг сукутини Пиримқул ризолик аломати каби тушунди. Бу тушунча унинг кўнглига далда берди.

Она-она экан-да, ўғлини софиниш хисси, боласи бағрида бўлишини истовчи туйғу уларни сира тарк этмасди.

— Ўқишинг битганини эшитиб, энди болагинам ёнимга келади, деб суюниб ўтиргандим-а. Яна ўша аҳвол экан-да, — деди Бўстон хола бўшашиб.

Соқолини силаб сукут сақлаб ўтирган Бердиқул бобо гапга аралашди:

— Бўлди, хадеб дийдиё қилаверма. Ҳозир замон шунақа. Фарзандни тарбиялаб учирма қилганингдан сўнг ихтиёр ўзида — хоҳлаган томонига учиб кетаверади. Сен билан мени дуо қилишдан ўзга иложимиз йўқ. Ишқилиб қаерда бўлсаям омон бўлсин, эгам ўз паноҳида асрасин.

Отасининг бу гапидан Пиримқул қанча суюнган бўлса, Шаҳриёр ҳам шунча қувонди. У акаси шаҳарда ишда қолишини жудаям истайди. Пиримқул шаҳарда бўлса унинг ўқишга бориши ҳам осон кечади. Борганда институтни қидириб сарсонни чиқиб юрмайди, акасининг ўзи бошлаб боради. Унинг устига институтда домла бўлар экан. Қандай яхши! Жўралари Шаҳриёрга хавас қилади, ҳа нима, институтда домла бўлиш осонми! Қимнинг акаси домла. Яна қаерда — пойтахтда — Тошкентда. Ҳазилми. Бугуноқ жўраларига мақтанади. Хали боққа борганда болалар келади-ку, шуларга айтади.

Богни эслаши билан кўйлари ёдига тушди: «Кўйларни яхши боқиш керак. Бир семирсин. Энамнинг гапига қараганда яқин орада акамни уйлантиришади... Акам кимга уйланар экан?...». Шаҳриёр ўзича янгасини та-

саввур қилди. Кимнинг қизини олади? Қишлоқдаги қизларни бир сидра ўйлаб чиқди. Биронтасиниям ака-сига эп кўрмади. «Балки энамнинг мўлжаллаб қўйгани бордир... Ёки акамнинг ўзи биронтани кўз остига олганмикан. Шаҳарданмикан ёки қишлоғимизданмикан. Шаҳардан бўлса ота-энам кўнармикан...».

Шаҳриёр ўзича хаёл сураётган масала аллақачон ойдинлашган эди. Бердикул бобо билан Бўстон хола Пиримкулга бир неча ой олдин бу ҳақда гап очган, ўшанда Пиримкул тортиниб-тортиниб бўлса-да, кўнглини ёрган эди. Аввалига улар кўна қолишмади, танимаган-билмаган хонадондан қиз олиш, яна шаҳарлик бўлса, деб кўп мулоҳаза қилишди. Шаҳарда ўсган қиз қишлоққа келадими, бу ернинг шароитига ўрганадимийўкми, унинг ота-онаси нима дейди.

Бунга ўхшаш кўпгина савол-жавоблар бўлиб ўтган. Охири Бердикул бобо билан Бўстон хола ўғлининг раўйига қарашган. Ҳатто Пиримкулнинг амакиси уйга билдирмай Тошкентга бориб бўлғуси қудалари ким, қанақа оила эканини маҳалласидан сураштириб ҳам келган.

Бу гаплардан Шаҳриёр беҳабар, албатта.

Аслида Пиримкулнинг ҳозирги келиши тўй масаласида эди. Буни Бердикул бобо ҳам, Бўстон хола ҳам билади. Пиримкул шаҳарда ишда қоламан деганида отасининг кўнглига бир мулоҳаза келди. Ўша ёқдан уйланмоқчи бўлганинг учун шаҳарда қолмоқчисан, шаҳарлик қиз ўзи келмаганига яраша сениям юбормоқчи эмас, деб Пиримкулга айтиш ниятида бир-икки оғиз жуфтлади, бироқ турли истиҳолага бориб, фикридан кайтди. Билиб-билмай ҳар нарсани бир нарсага йўвермаслик керак, деган андиша устун чиқди. Қолаверса, ҳали тикланмаган оилага кўнглини раш қилувчи гапларни аралаштириш яхшиликка олиб келмайди. Майли, тақдирида бўлса уйлансин, агар Олло-таоло пешонасига ўша қизни ёзган бўлса, шаҳарда ишлашни битган бўлса биз ожиз бандалар нимаям қилардик. Ишқилиб умрини, омадини берсин...

Лекин нонушта устида ҳеч ким тўй ҳақида гап очмади.

Нонушта чоғи тўй ҳақида гап бўлмаган эса-да, у ҳамманинг дилидаги асосий гап эди. Уни тезлашти-



ришга барча бирдай хайрихоҳ. Аслида Бердикул бобо билан Бўстон холага қолса Пиримкулни бир неча йил олдин уйлантириб қўйишарди, бироқ у кўнмади, аввал ўқишни битирай, уйланиш қочиб кетмас, деб ўжарлик билан оёғини тираб олди.

Оқшом Пиримкулнинг келганини баҳона қилиб Бердикул бобо ўзининг якинларини чакирттирди. Шаҳриёр амакисини, тоғаларини, поччаларини айтиб келди.

Ош-сувдан кейин Бердикул бобо мақсадини айтди.

— Буям сентябрда ишга тушаман деяпти, — деди Бердикул бобо Пиримкулга ишора қилиб. — Шунгача уйини йиғиб берсак, девдим.

Бу фикр ҳаммага маъқул тушди. Бўстон хола билан Пиримкулнинг амакиси эртагаёқ Тошкентга — совчиликка жўнайдиган бўлишди...

Совчилар уч кундан кейин қайтиб келишди. Тўйни бешинчи августга белгилашибди.

Бу хабарни эшитиб Шаҳриёр роса қувонди. Тўй бахонасида Тошкентга боради...

## Олапар

Шаҳриёрнинг хаёли кечаю кундуз Тошкентда. Тезроқ бешинчи август келса-ю, у шаҳарга борса. Ўзини Тошкент кўчаларида юргандай ҳис этади. Юраги энтиқиб кетади.

Уйку олдидан ҳам Тошкентни ўйлайди. Бугун ҳам шу ширин хаёл билан ухлаб қолди.

Хунук бир овоздан чўчиб уйрониб кетди. Назарида кимдир додлаётгандай туюлди. Юраги гупиллаб урди. Бошини кўтариб овоз келган томонга қаради. Работ адоридан ёввойи мушукнинг вангиллагани эшитилди. «Ҳо, соғана, яна пайдо бўпти-да», деб ўйлади.

Уч-тўрт кун аввал қандайдир ёввойи мушук уларнинг ҳовлисида пайдо бўлиб қолди. Кечалари уйку бермайди. Шаҳриёр ҳайдаб юборган эди. Бугун яна овози чиқиб қолди.

У ёстикка бош қўйди. Жўрттага қилгандай мушук яна додлади. Бостирма остида ётган Олапар безовта бўлиб ҳурар, мушук томонга ташланиб, занжирини шалдиратар эди. Хадсганда мушукнинг ошқин

ўчавермади. «Хо, падарингга қусур-эй, ажалинг етган шекилли-да. Хозир Олапарни қўйиб юборсам-ку, жонингни олади-я. Аслида ўшанда кунинг битган эди-ю, ammo отам қўймадилар-да».

Мушукнинг овози баттар авжига чикди. Худди бировни биров бўғизлаётганга ўхшарди, унинг овози шу қадар ваҳимали, хунук эдики, одамнинг бадани вағиллаб кетади.

Бердикул бобо намозга турган чоғи таҳоратхона томондан унинг товуши эшитилди: «Пишт! Пишт! Хех уйинг куйгур!»

Мушук қўлингдан нима келарди, дегандай баттар забтига олади. Бу Шаҳриёрнинг жиғига тегди. «Шошмай тур сени, хозир отам намозга кириб кетсин, кунингни кўрсатаман...»

Бердикул бобонинг чўпон ошнаси бир ит келтириб берди. «Оллонидан опкелинг десам, урғочи кучук опкепсиз-ку», деди Бердикул бобо ошнасига. Чўпон унга эътироз билдирди: «Парво қилманг, бу урғочи бўлсаям суллони бор, жудо зотдор ит», деди.

Чўпон алдамаган экан. Ит жуда сергак чикди. Тун бўйи ҳовли атрофини айланиб юради. Итга ёлчимай юрган Бердикул бобо чўпон ошнасидан миннатдор бўлди.

Вақти келиб ит бўғоз бўлди. У иккитагина бола турди. Уч кундан кейин битта кучуквачча ўлди. Ёлғиз Олапар қолди. Ит шўрлик Олапарни ялаб-юлқиб катта қилди. Ана-мана дегунча Олапар дўрсиллаб юрадиган бўлиб қолди. Ammo кутилмаганда Олапарнинг онаси йўқолди. У қаёққа кетди — ҳеч ким билмайди. Бир кун қарашди, икки кун қарашди, лекин итдан дарак йўқ. Шу кетганча дом-дараксиз кетди.

Шаҳриёр Олапарга сут беради, нон беради, хуллас — унинг эрмаги бўлиб қолди.

Олапар вояга етгач, шундай ажойиб ит бўлдики, эшитган одам хайратга тушади. Қўни-қўшнилар Олапарнинг қилиқларини кўриб, эшитиб ёқа ушлашади: «Ё тавба, ит ҳам шунақа ақлли бўладими...». Агар Олапарга биров ёқиб қолса биринчи марта кўраётган бўлсаям индамайди, думини ликиллашиб тураверади. Ёкмаган одамни ҳар кун ит ўн марта кўрсаям ипини узгудай бўлиб ташланади. Унча-мунча одам унинг

хайбатидан кўрқади. Шунинг учун Олапар доим занжирда туради.

Олапарнинг ёмон кўргани — мушук. Ҳали кучукчалик пайтидаёқ уч-тўртта мушукни асфаласофилинга жўнатди. Бўстон хола бир-икки марта Олапарни уришди: «Олапар, нимага ўлдирасан пишакни, ахир бу ўзимизники-ку». Унга гапирса бошини эгиб индамай туради, гўё ўзининг гуноҳкорлигини тан олаётганга ўхшайди.

Уларнинг жажжигина мушуги бор эди. Бир кун эрталаб Бўстон хола ҳовли супураётганда молхона олдида шу мушукнинг ўлигини кўрди. Билдики, уни Олапар ўлдирган. Мушук ўлигини Олапарнинг олдига ташлади-да, унга дўқ килди: «Нимага буни ўлдирдинг?! Сенга қанча айтдим ўлдирма деб. Яна шундай қилсанг ўзинг калтак ейсан».

Олапар ўз билганидан қолмади. Мушукни кўрди дегунча қутайтирмайди. Фақат йўлини топди. Мушукни ўлдиради-ю, тоқларнинг орасигами, картошка-поятами кўмиб кўяди. Кейин ҳеч нарса билмагандай ётаверади. Унинг бу одатини Шахриёр билади, аммо онасига айтмайди.

Бир куни кизиқ бўлди. Пешинда айвонда овқатланишиб, ҳамма ҳар ёкка туриб кетипти. Дастурхонни йиғиштириш ҳеч кимнинг эсига келмапти. Шу куни негадир Олапар бойланмаган экан. Бўстон хола кўчадан келса Олапар дастурхон олдида ётган эмиш. На мушукни, на товукларни дастурхонга яқинлашгани кўймас эмиш. Буни кўриб Бўстон хола роса ажабланипти. «Ҳа Олапар, дастурхонни кўриб ўтирибсанми? Мана мен келдим, йиғиштириб оламан», дебди. Шундан кейин Олапар ўзининг жойига — бостирма тагига кетипти.

Шундай қилиб, улар Олапарга одамга гапиргандай гапира бошлашди. У ҳам индамай гапга кулоқ солади-да, айтган ишни қилади. «Жониворни тили йўқ, холос, бўлмаса ҳамма гапни тушунади», дейди Бўстон хола...

Бердиқул бобо намозга кириб кетиши ҳамона Шахриёр ўрнидан турди. Бориб Олапарнинг занжирини ечди. «Бор, Олапар, шу ярамасни йўқот», деди. Олапар ёввойи мушукнинг овози келган томонга югур-

ди. Мушук унинг шовурини эшитиб девор тагидаги қувурдан ташқарига чиқиб кетди. Олапар бир зум нима қиларини билмай гангиб қолди. Ялинган кўйи Шахриёрга қаради. Қувурдан беш-олти метр берида деворнинг тепа пахсаси қулаган эди. «Олапар, мана бу ердан ўт», деди Шахриёр. Олапар югуриб келди-да, эпчиллик билан девордан ошиб тушди. Шахриёр ҳам унинг орқасидан чопди. Равотнинг нариги томони тизза бўйи ўт бўлиб, мушук шу ўтларнинг орасига яширинган экан. Олапар уни кидира бошлади. Шахриёр тош олиб отган эди, мушук ўрик тагидаги лойхона тарафга қочди. Шундагина Шахриёр мушукнинг жуда катта эканини кўрди... Олапар икки сакраб мушукка етди, уни қоқ белидан тишлади. Мушук жон ҳолатда Олапарнинг юзларини тирнай бошлади. Олапар унинг тирнаганига ҳам парво қилмай уч-тўрт қадам наридаги қўлмак сувга кўтариб борди-да, мушукни сувга тикди. Уни сувга батамом ботиргач, тепага кўтарди, мушук яна тирнай бошлади. Олапар бояги ишини тагин такрорлади. Мушук уни яна тирнади. Олапар кўйиб юбормади: яна кўтарди, яна сувга тикди... Бу иш бир неча марта такрорланди. Охирги сафар кўтарганда мушук шалпайиб, оёқлари осилиб қолган эди. Олапар уни ташламаган кўйи Шахриёрга қаради. Олапарнинг бу ишидан Шахриёрнинг оғзи очилиб қолди. Олапар сувдан чиқди-да, картошкапоя томонга юрди. Мушукнинг ўлигини ерга қўйди. Оёқлари билан ерни ковлай бошлади. Анча чуқур қилиб ковлагач, мушукни олиб ўша чуқурга ташлади. Кейин уюлган тупроқни унинг устига тортди. Яхшилаб кўмиб бўлгач, яна Шахриёрга қаради. У қулиб юборди. «Олапар, мушукти жанозасини ўқимай кўмдинг-ку», деди. Олапар бир зум Шахриёрга термилиб турди-да, жойига қараб кетди. Шахриёр ҳам орқасидан эргашди. Олапар бостирма тагига бориб, ҳеч нарса кўрмагандай оёқларини узатиб ётди.

Шахриёр унинг занжирини бўйнига илиб қўйди. Сўнг ўзи ҳам ўрнига бориб кўрпага кирди.

Намоз ўқиб бўлган Бердиқул бобо Шахриёрнинг ёнига келиб ўтирди.

— Шахриёр, уйғоқмисан? Анави сорана пишак яна пайдо бўпти-да. Туриб ҳайдаб юборсанг-чи, — деди.

Шахриёрнинг кулгиси кистади. «Асфаласофилинга кетди-ку. Хайдаб юборармишман».

— Хайдадим, энди келмайди, — деди ҳеч нарса билмагандай кўйи.

— Яхши кипсан. Кечаси билан вангиллаб кулоқ-мияни еди соғана... — Энди тура қол, ўғлим, кўйларингни эртaroқ ўтга олиб чиқ. Кейин бундойни янчиб олайлик. Мен хўкизларни хирмонжойга обориб тураман...

Шахриёр хирмонжойга келганида Бердикул бобо тўртта хўкизни хўпга қўшган, ўзи Болабекка миниб бундой янчар эди.

— Бирпас сояда дамингни ол, кейин сен ҳайдайсан, — деди Шахриёрга.

Хирмонжойда садақайрағоч бўлиб, хирмончилар унинг қалин соясида дам олишарди. Шахриёр қайрағочнинг тангадек ҳам офтоб тушмайдиган соясига солинган шолчага ўтирди. Отаси «бош, ҳе жонивор, бош», деб хўкизларни хайдар, ўзича мингиллаб ашула айтарди:

*Майда, майда,  
Май босар, о, майдаё-майда.  
От ўрнини  
Той босар, о, майдаё-майда.*

Хўпнинг ўртасида турган семиз чўммоқ хўкиз қалласини ердан кўтармас, ўлгудай бўлиб бундой ерди. Бердикул бобо «бош, хўптир, бош, э, ютокиб ўл-а», деб кўяди. Сўнг яна ашуласини давом эттиради:

*Қийғир ётар қияда.  
Майдаё-майда  
Болалари уяда,  
Майдаё-майда,  
Майдам кетди қир ошиб,  
Майдаё-майда,  
Бир-биридан талошиб,  
Майдаё-майда.*

Ярим соатлардан кейин Болабекни хўпдан ташқарига хайдади. Шахриёрнинг олдига келди-да, отдан тушди.

— Ке, энди, сен минақол, бир оз дам олай, — деди.



Шахриёр отга минди. Унгача хўкизларнинг ҳаммаси тумшурини сомонга тикиб бугдой ея бошлади. Болабекни хўпга хайдади. Кўлидаги камчи билан хўпнинг энг четидаги хўкизни урди: «Бош, ҳе, жониворлар-а».

Бердикул бобо пақирдаги сувдан маза қилиб симирди-да, пешонасидаги терларни бармоғи билан сидириб ташлади.

— Дадам хайда, улим. Бўшаштирсанг хўкизлар совуб қолади. Кейин танбаллик қилиб юрмай кўяди.

Шахриёр Болабекка камчи босиб хўкизларни хайдади. «Ҳа, жонивор, бўшашма, майда қил», деб кўяди. У дам-бадам Болабекка, хўкизларга камчи босади. Патур-путур юрганидан хўкизларнинг оёғи тойганиб, атрофга сомон сочилиб кета бошлади. Уни кузатиб ўтирган Бердикул бобо жойидан туриб ёйилган сомонларни шоха билан хўпнинг ўртасига олиб ташлади.

— Кўп кичама, улим, шошилмай, бир маромда хайда. Бўлмаса хўкизлар тез чарчаб қолади.

Ота-бола пешингача хўп хайдади.

Кун тиккага келганида Бердикул бобо хўкизларни бўшатди. Шахриёр уларни сояга боғлаб, олдига ўт ташлади.

— Кун қайтгунча хўкизлар дам олсин, ўзимиз ҳам чой-пой ичиб келайлик.

Улар йўлга тушдилар. Қишлоққа яқинлашганларида рўпарадан Анвар чиқди.

— Ассалому алайкум, — деди Анвар Бердикул бобога.

— Ваалайкум ассалом. Ҳа, Анварбой, йўл бўлсин.

— Шахриёрди излаб юриппан. Боққа борсам тополмадим, қўйлари турипти, ўзи йўқ. Уйдамикан деб қишлоққа тушувдим. Бўстон холам «Шахриёр отасининг олдида, хирмон янчишяпти», деди. Энди шу ёкка бораётган эдим.

— Жўранг менга ёрдамлашди. Тушликка кетаямиз. Юр, биз билан чой ич. Кейин бирга келасизлар.

Анвар уларга эргашди.

Тушдан кейин Шахриёр билан Анвар хирмонга бормади. «Сенлар боққа боринглар, қўйларга қаранглар, қолганини ўзим хайдайман, озгина қолди, бир-икки соат хайдасам бас», деди Бердикул бобо.

## Ажина борми?

Кун кизигандан кизиди. Қилт этган шабада йўқ. Тутларнинг ковагидаги гурракнинг гурр-гурр этган товуши эшитилади, холос. Хар замонда мусичанинг куку, ку-куси гурракнинг гур-гурига қўшилиб кетади.

Кўчаларнинг ундай майин тупроғи ҳам кизиб ётипти.

Шаҳриёр билан Анвар ана шу иссиқда кишлокдан чиқиб боққа бормоқда. Иккови ҳам ялангоёқ, шимини тиззасигача кўтариб олган, шиллигигача тупроқ кечиб кетаяпти. Шаҳриёр Анварга нисбатан бўйдорроқ, бироқ икковиям қотма, чайир.

— Анвар, ҳеч ажинани кўрганмисан? — деди Шаҳриёр.

— Йўқ. Нима, сен кўрганмисан? — Шаҳриёр Анварга бир қараб қўйди.

— Менам кўрмаганман. Айни пешин чоғи чиқармишда.

— Нимага энди пешинда чиқаркан? Ажабланиб сўради Анвар.

— Пешинда кун иссиқ бўлади. Ҳамма сояда ётади, кўчада ҳеч ким юрмайди.

— Одамдан кўрқарканми ажина?

— Бўлмасам-чи, — деди Шаҳриёр ўзини билимдонликка олиб. — Одамдан кўркмайдиган нарса борми.

— Нимага бўлмаса одамлар ажинадан кўрқади?

— Кўркмаслик керак-да.

— Сен кўркмайсанми кўрсанг?

Анварнинг бу гапига Шаҳриёр нима деб жавоб беришни билмай қолди. Кўрқаман деса, ҳозир ундай деди, кўркмайман деса, очиги кўрқади. Ҳатто ажина ҳақида гап кетсаям чўчиб туради.

— Ким билади дейсан... — деди ноилож.

Иккови ҳам бир дам жим кетди. Хар ким ўзича ажинани ўйларди.

— Аслида ажина йўқ нарса, — деди Анвар жимликни бузиб. — Одамларнинг ўзи тўкиган. Пешинда болалар ёлғиз юрмасин, деб тўкилган афсона.

— Қаёқдан биласан, балки бордир.

— Отам бир куни худди мана шундай иссиқда лалмидан келаётган экан. Ислоб бованинг боғидаги

катта ёнрок бор-ку, ана шу ердан ўтаётганда от бирдан хуркиб кетипти. Отам чўчиб отнинг жиловини тортипти. Нимадан хуркди от, деб ён-атрофга қараса, уват тагида, ариқ бўйида бир аёл сочини тараб ўтирганмиш, Ажинага рўпара келдим, деб отамнинг юраги шувиллаб кетипти. Отни тўхтатиб унга яхшилаб қарапти. Аёл ҳам отамга термилиб ўтираверипти. Мундай қараса, Қодир бованинг қизи Ибодат бор-ку, шунга ўхшармиш. Ибодат битта ўзи айна пешинда бу ерда нима қиларди, ажина бўлса керак, деб ўйлапти отам. Энди отни жиловини бурмоқчи бўлиб турган экан, халиги аёл ўрнидан турипти. Отам яна яхшилаб қарапти. Ростданам Ибодат эмиш. Кейин таваккал қилиб унга гапирипти: «Ибодатмисан?» Аёл тиржайиб: «Ха, менман», депти. «Ў-ўл, менман, демай. Нима қилиб ўтирибсан бу ерда шу маҳал?» «Бошимни юваётувдим», депти Ибодат. Отам шундан кейин сал ўзига кепти: «Бош ювмай хар бало бўл-а. Юрагимни ёрдинг-ку. Ажинага дуч келдим, деб хаёлим қочди-я». Ибодат илжайиб кулармиш.

Кўрдингми, агар ўшанда отам гапирмай кетганида ажина кўрдим, деб ўйларди. Фалон жойда ажина кўрдим, деганларам кимнидир кўрган бўлади. Кўрққанидан гапирмайди-да, кейин ажина бор экан деб юради.

— Сени отанг Ибодатни кўрган бўлса ҳамма Ибодатни кўраверади-ми? Ажина бор, катталар айтишади-ку. Кўтонтомдаги Халим деган одамни биласанми, орзи қийшиқ-чи, ана шунга ажина чақирган экан. У, ха деган, шундан орзи қийшайиб қолган, дейишади. Шунинг учун хилват жойда ёлғиз кетаётганинда нотаниш одам чақирса индамаслик керак. Уч марта чақиргандан сўнг жавоб бериш даркор. Ажина икки мартадан ортик чақирмас эмиш.

Анвар барибир ишонмади.

— Э, булар бари афсона, — деди Анвар ҳафсаласизлик билан.

Улар катта йўлдан ёлғизоёқ йўлга ўтишди. Бир томони қалин ёввойи дўлاناзор, бир томони теракзор. Ўрмонга ўхшаб ётган бу йўлдан ёлғиз юришга болалар тугул катталар ҳам чўчишади.

Шу маҳал «Анвар» деган товуш эшитилди. Икко-

виям бирдан тўхтади. Шаҳриёр Анварга қаради. Унинг ранги бўздай оқариб кетган эди. Шаҳриёрни кулги босди, аммо кулмади. Бир жихати ўзиям чўчиди. Бояги товуш яна эшитилди.

— Ажинами, Шаҳриёр, — деди Анвар. Унинг овози титраб чиқди.

Шаҳриёр ўзини кўлга олиб, дадил гапирди. — Ажина йўк, дединг-ку ўзинг.

— Бўлмаса ким чақираяпти мени бу ерда.

— Кўркма, — деди Шаҳриёр, — ажина эмас. Менам эшитдим-ку. Ажина чақирса мен эшитмасдим. У кимни отини тутиб чақирса шу одамнинг ўзидан бўлак ҳеч ким эшитмас эмиш.

Бу гапдан Анварга сал жон кирди.

— Ростданми? Сенам эшитдингми?

— Ҳа, эшитдим, — деди Шаҳриёр кулиб.

Унгача улар билан бир синфда ўқийдиган Шарофат етиб келди. Ёнида укаси ҳам бор эди. Шаҳриёр унга ишора қилиб, деди:

— Ана, сени чақирган ажина.

Анвар Шарофатни кўрдию, рангига қон югурди.

— Чақирсам эшитмайсилар, — деди Шарофат.

— Э, чақирмай ўл! Ўтакам чиқиб кетди-ку. Анварнинг бу гапидан Шарофат ҳеч нарса тушунмади. Шаҳриёр кулиб-кулиб бўлган воқеани гапириб берди.

— Юрагингам отти калласидай бор экан, Анвар, — деди Шарофат.

— Гапираверасан-да сен, мени ўрнимда ўзинг бўлганингда кўрардик ҳолингни.

Улар яна йўлда давом этдилар

Бир оз юргач, Шаҳриёрнинг қитмирлиги тутди.

— Хўш, Анвар, ажина бор эканми? — деди. Анвар аввалига унга бир хўмрайиб қаради, кейин Шарофатга тикилди.

— Бор экан, — деди Шарофатга ишора қилиб. — Мана, ажинадан қаери кам буни.

Ҳаммаси баравар кулди. Шарофатнинг укаси гап нимада эканини тушунмай ҳайрон. Тўрдагилар кулганда пойгадагилар илжаяди, дегандай, у ҳам тиржайиб қўйди...

Шарофат билан укаси ўзларининг боғига ўтиб кетишди. Икки жўра қўйлари томонга юришди.

Улар қўйларни заякка олиб чиққанидан кейин полиз ўртасидаги сўрига чиқишди. Иккови икки томонга ёнбошлади. Ҳар ким ўз хаёли билан банд эди.

Шаҳриёр ўй суриб ётаркан, яна бешинчи августни эслади. У акасини ёдига солди. Шаҳриёрнинг мақтангиси келиб кетди.

— Эртага шаҳарга бораяпман...

Томдан тараша тушгандай айтилган бу гапдан Анвар таажжубланди. Ётган жойида бошини буриб Шаҳриёрга қаради.

— Нима қиласан шаҳарда?

— Томоша, — деди Шаҳриёр керилган оҳангда. — Акамга тўй харжлаймиз...

Анвар унинг гапини бўлди:

— Айтгандай, қайси куни акагни кўрдимми?

— Ҳа, кўргандирсан. Акам келувди. Институтни битирди. Энди ўша ерда домла бўладилар.

— Ие, акагни қайтиб келмайдими кишлоққа?

— Қишлоқда нима қилади. Шаҳарда ишлайди. Айтаяпман-ку, институтда домла деб... Бешинчи августда акамнинг тўйи бўлади. Менам бораман Тошкентга.

— Вой, акагни тўйи Тошкентда бўладими?

— Бўлмасам-чи, келинни ўша ёқдан олаяпмиз-ку.

Анвар индамади. Чамаси Шаҳриёрнинг акасига хаваси келаётгани унинг. Буни у Шаҳриёрга олдин ҳам айтган. Унинг акасиам Пиримкул билан бир синфда ўқиган. У ҳеч қаерга ўқишга бормади, колхозда ишляпти. Акаси шаҳарда ўқийдиганларга Анвар хавас қилади.

Шаҳриёрнинг акаси институтда домла бўлиб қолаётганини эшитиб тоза суюнди. «Қандай маза. Энди Пиримкул ака шаҳарда яшайди. Студентларга дарс беради. Пиримкул ака молодец. Унинг юришлари, кийи-нишлари қандай чиройли». Анвар шу ўйлар билан Шаҳриёрга термилди. Унга ич-ичидан хаваси келди. Шаҳриёр қанчалар бахтли. Унинг шундай ақлли акаси бор. Эртага шаҳарга боради. Кейин Тошкентга. Бундан буён у Тошкентга тез-тез бориб туриши мумкин. Акаси ўша ёқда бўлгандан кейин боради-да. Ҳали мактабни битирса Тошкентга ўқишга кетадими...

Анвар индамай, хаёл суриб колганини Шаҳриёр ўзича талкин қилди: жўрам хафа бўлди...



— Сенам бирга юр, Анвар, — деди унинг кўнглини кўтармоқ ниятида.

— Ким билан боряпсан?

— Отам, энам билан.

Анвар жавоб бермади. Шахриёр бу сукутни розилик белгиси деб тушунди.

— Борасанми?

— Йўқ, — деди Анвар. — Акам билан бормоқчимиз ўзимиз.

— Ихтиёринг. Борсанг, бирга томоша қилиб келардик.

Анвар бошка гапирмади. Энди гап ортиқча эканини Шахриёр сизди. Маълум муддат жимликдан сўнг сўрининг икки тарафидан икки хил хуррак эшитилди...

— Шахриёр, хо, Шахриёр! Бу овоздан Шахриёр ҳам, Анвар ҳам уйғониб кетди.

— Ким у?

Шахриёр атрофга аланглади. Ёнроқ тагида Фолиб кўринди. У имлаб чакирарди.

— Фолиб, — деди Шахриёр.

— Нима дейди? — Анвар кўзини ишкалаб сўради.

— Бақа келинлар, деб чакираяпти.

Улар Фолибнинг олдига боришди.

— Ха, — деди Шахриёр.

— Панқиллоқ ўйнаймиз.

Фолиб шундай деб киссасидан монтикриснинг<sup>1</sup> бўш гильзасини, гугурт чиқарди. Уни кўриб Анвар билан Шахриёрнинг мудроғи қочди, кўзлари чарақлаб очилди.

— Гильзани қаердан олдинг?

— Топдим-да, — деди Фолиб керилиб.

— Нечта? Биттами?

— Йўқ. Кўп.

Фолиб беш-олтита гильзани кўрсатди.

Учови ёнроқ соясига ўтириб, гильзага гугурт до-рисини тўлдиришди. Кейин уни катта тошга қўйди-да, иккинчи тош билан урди. Тош ўрнига тушмади ше-

<sup>1</sup> Монтикрис — милтик.

килли, гильза портламади. Анвар тошни олиб гильзани мўлжаллаб урди. У шундай қарсиллаб кетдики, гўё милтиқ отилгандай бўлди.

Иккинчи гильзани ҳам дорига тўлдиришди. Яна уришди, яна боягидай қарсиллади. Учинчи гильзаниям тўлдириб, тош билан Шаҳриёр урди. Лекин гильза ёрилмади.

— Э, уришни биласанми ўзи. Менга бер.

Анвар шундай деб тошни роса кўтариб гильзанинг устига ташлади. У қарсиллаб кетди. Шу бараварида Анварнинг ўзиям «вой-й» деди-да, чап оёғининг сонини ушлади.

— Ха? Нима бўлди?

Шаҳриёр билан Фолиб унинг оёғига қаради. Анвар шимини тиззасигача кўтарди. Болдирига гильза парчаси кириб кетган эди.

— Энди нима бўлади?

— Дўхтирга бориш керак...

— Отам билсалар роса уришадилар, — деди Анвар.

— Гильзани мен опкеганимни айтма, жўра. — Фолибнинг ранги бўздай оқариб кетган эди.

— Шу ердан топиб олдик, деймиз. Шаҳриёрнинг бу фикрини учовиям маъқуллади.

Кечкурун Анварни акаси район марказидаги касалхонага олиб кетди.

У ердан ярим окшомда қайтишди, врач Анварнинг болдирини кесиб, икки соатча кавлапти. Лекин темир парчасини ололмапти. Ўз оёғи билан юриб борган Анвар чўлокланиб қайтиб келди. Акасининг жаҳли чиқади, дўхтирларни роса сўқади. «Хаммаси саводсиз! Бари пул билан ўқиган, ҳеч балони билмайди. Ренгин қилган чол айтди, кестирма оёғини, ўзи чиқиб кетади, деди. Мен боргунимча кесиб, оёғининг гўштини титкилаб ўтиришипти-я, ярамастар. Шуларни врач деб пул бериб ўтирганларгаям хайрон қоламан»...

Шу куни кечаси Анвар безовта бўлиб, инграб чикди. Онаси дам-бадам уйғониб Анварнинг бошига кўлини кўйиб кўради. Иссиғи чикмади, аммо оёғи шишди. Пешинга бориб тоза дўмбира бўлиб кетди. Тушлиқдан сўнг Анвар акаси билан Самарқандга жўнади.

Қош қорайганда акаси ёлғиз қайтди. Анварни касал-

хонага ёткизипти. Врачлар «қайси аҳмоқ кесди бунақа қилиб? Нега тўғри шу ерга олиб келмадингиз», деб Анварнинг акасини роса уришипти. «Ҳеч кесишнинг хожати йўқ эди. Ўзи чиқиб кетарди. Кесиш лозим бўлса, экран орқали кузатиб туриш керак. Бу ҳолда гўштининг ичидан кичкина нарсани топиб бўладими. Қочиб кетаверади у», дебди. Кесилган жойи йиринглаб кетипти. Камида бир ой ётади, депти. Анвар қолмайман деб роса йирлапти. Акаси алдаб-сулдаб қолдириб кепти. «Бўлмаса дўхтирларга айтинг, кесмасин оёғимни», депти.

Бундан Шаҳриёр тоза хафа бўлди. Акасининг тўйигача тузалиб кетармикан Анвар? Тошкентга унияма бирга олиб бормоқчи эди. Ишқилиб соғайиб кетсинда. Бир ҳафталардан сўнг Шаҳриёр Анварнинг акасига қўшилиб жўрасини кўргани Самарқандга борди. Анвар иккинчи қаватда экан, ўзи пастга тушди. У чўлоқланиб юрарди. Икки жўра ҳол-аҳвол сўрашди. Шаҳриёр унинг олдида гуноҳкордай сезади ўзини.

Анварнинг акаси олиб келган овқатларини унинг палатасига қўйгани юқорига чиқиб кетди.

— Гильзани каердан олганимизни ҳеч ким билмадимми? — деб сўради Анвар.

— Йўқ, — деди Шаҳриёр. — Сен акангга айтмадингми?

— Айтганим йўқ.

— Қачон чиқасан?

— Билмайман. Яра битса жавоб берамиз, деяпти. Ҳар куни дори қўйиб борлайди.

— Оғрийдимми?

— Яраси оғрийди.

— Акамни тўйигача чиқсанг яхши бўларди. Тошкентга бирга борар эдик, — деди Шаҳриёр.

Анвар индамади. Шундай ният унинг кўнглида ҳам бор эди. Лекин ҳозир, бу аҳволда бир нима дейиш қийин.

Анварнинг акаси тушгач, улар ўрнидан қўзғалдилар. Шаҳриёр Анвар иккинчи қаватнинг эшигини кўтарилгунча кузатиб турди. Юқорига чиққач, Анвар тўхтаб ортига — Шаҳриёрга қаради. Иккони бир-бирига қўлини кўтариб хайрланди.

## Шаҳарга саёхат

Шаҳриёр онаси билан олдин ҳам бир-икки марта шаҳарга борган, аммо унда тўйиб томоша қилолмаган. Укасини гулгирга кўрсатгани келишганди. Гулгирни биринчи марта кўрганида Шаҳриёр хайратдан ёқа ушлади.

Кичкина укасининг мазаси бўлмади. Овқат емайди, еганини қайт қилади. Бурнини ишқаб йирлайди.

— Буни томоғида қопти, — деди Бўстон хола. — Гулгирга обормасак бўмайди.

...Кунлардан бир кун қишлоқда гап тарқалди: «Самарқандда гулгир чиқпти», «Гулгири нимаёси экан?», «Болаларнинг томоғида нарса қолармиш, гулгир шунини олармиш». Ҳазилкашроқ одамлар «Болаларни томоғи тоқчали эканми, нарса қолса», дейишди. «Сиз куласиз-да, ростданам шундаймиш. Бола кетма-кет қайт қилса, иссиғи кўтарилиб овқат емаса, айниқса, бурнини ишқайверса, албатта, томоғида қолган бўларкан».

Аввалига биров ишонди, биров ишонмади. Кейинчалик боланинг томоғига нарса қолиши ва уни гулгир олиб ташлаши мумкинлигига ҳамма бирдай имон келтирди. Ҳаш-паш дегунча нечта аёл боласини Самарқандга — гулгирга олиб бориб келди.

Озиб-тўзиб, шалпайиб қолган бола гулгирга бориб келиши билан ўйнаб кетади, овқатни ҳам қайтармайди. Кечаси тинчгина ухлайди.

Уч-тўрт йил олдин Шаҳриёр ҳам онасига ҳамроҳ бўлиб Самарқандга борди. Дарвозадан кириши билан эллик ёшлардаги бир аёл икки енгини билагигача шимариб, панжаларини ёзиб Бўстон холага рўпара келди. Гулгир аёл болани чап қўлига олди-да, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини унинг оғзига тикди. Кўз очиб юмгунча қўлини боланинг оғзидан олиб, Бўстон холага кўрсаткич бармоғининг биринчи бўғинида қисилган нарсани кўрсатди.

— Мана, айланай, болангизнинг томоғида қолган нарса. Олма пўчоғи экан. Анча кун бўпти қолганига. Сасий бошлапти.

Гулгир аёл шундай деб болани Бўстон холага узатди. Бўстон хола унга раҳмат айтиб бир сўм берди. Гулгир қўлини фотиҳага очди.

— Илоё-илоҳо худойим ўзи шифо берсин. Томоғида қолгани шу бўлсин. Бундан бағига бу дард сиззи балангизни, у қатори ҳамма балаларди четлаб ўтсин. Оллоху акбар.

Бўстон хола билан Шаҳриёр ҳам унга қўшилиб фотиҳа қилди.

Шаҳарга бораётганда укаси онасининг қўлида шалпайиб ётувди. Қайтишда эса анча ўйнаб, автобус деразасидан ташқарини томоша қилиб келди.

Ўшанда Шаҳриёр гулгир аёлнинг чаққонлигига хайрон қолганди. Йўлда онасидан сўради.

— Нимага енгини шимариб панжаларини ёзиб келди, эна?

— Мана, қўлларимда ҳеч нарса йўқ, дегани у, — деб тушунтирди Бўстон хола. — Бир хил одамлар унга ишонмасмиш. Ўзининг қўлида нарса бўлади, шуни худди боланинг томоғидан олиб бергандай кўрсатади. Шундай қилиб пул ишлайди, деярмиш.

— Боланинг томоғидан ҳеч нарса олмаса, у қандай қилиб тузалиб кетади?

— Шуни айтсанг-чи. Унинг устига бу аёлнинг дарди фақат пул ишлаш бўлса фалон сўм берасан, йўқса олмайман, деб туради-да. Қанча берса олаверади. Озкўп демайди, қарамайди, индамай раҳмат айтиб кисасига солиб қўяверади.

Шаҳриёр бу гапдан ажабланди. «Тавба, қизиқ одамлар бор-а. Яхшилик ҳам ёкмайди. Ўзлари боласини олиб боради, яна ўзлари ишонишмайди. Ишонмасанг олиб борма. Ким мажбур қилаяпти сени...»

Шаҳарга бораётиб Шаҳриёрнинг хаёлидан шу гаплар кечди.

Автобус пастга эниб Дарғом кўпригидан ўтди-да, кучаниб тепага кўтарилди. «Яқинлашипмиз чори», деб ўйлади Шаҳриёр. Мингбулоқдан келадиغان автобус Регистон ёнидаги майдонда тўхтади. Улар шу ерда тушишди.

Бердикул бобо билан Бўстон хола аввал бозорга боришга келишишди. «Эрталаб яхши нарсалар бўлади, кейинроқ ҳеч нима қолмайди», деди Бўстон хола.

Бозорда игна ташласа ерга тушмайди. Фуж-фуж одам. Чошгоҳ бўлмасдан кун қизиқ кетган. Сотарман кўп, сотармандан оларман кўп. Ҳамма ўзининг молини



мақтайди; «Мана, нимчанинг яхшиси...». «Кимга жун рӯмол керак», «Амиркон маҳси бор». Бунга ўхшаган сўзларнинг қайси бирини эшитишни билмайди одам. Шаҳриёрнинг боши ғувиллаб кетди бир зумда.

Бу ҳам етмагандай, атрофдан турли хид келади. Бир жойда қовурилган балиқнинг ҳиди, бошқа томонда кабоб тутаб ётипти, яна бир тарафда паловнинг иси димоқни қитиклайди...

Бердикул бобо билан Бўстон хола бозорни секин оралаб келинга мос нарса қидиришади. Шаҳриёр уларнинг кетидан эргашади.

Бир жойда ўн-ўн беш чоғли одам уймалашиб нима-нидир томоша қилаяпти. Шаҳриёр қизиқсиниб, одамларнинг орасидан ичкарироққа кириб борди. Мўйловли бир йигит стол устига учта ангишвонани тўнкариб қўйипти. Нўхатчалик келадиган зўлдирни шу ангишвоналардан бирининг тагига яширади. Сўнгра эпчиллик билан учала ангишвонани стол устида у ёқдан-бу ёққа суради, тагида зўлдир бор ангишвона билан бошқаларини аралаштириб юборади. «Топсанг оласан, тополмасанг берасан. Қани, ким топади? Бу галгиси йигирма беш. Топсанг йигирма беш оласан. Қани, кимга йигирма беш керак»... Ана шу йўсин унинг оғзи гапдан, кўли ҳаракатдан тинмайди. Шу қадар тез сурадики, кўз илғамай қолади. Ангишвонанинг тагидан зўлдир чиқиб кетмаганини-чи!..

Қани ким топаркан, деб Шаҳриёр атрофдагиларга разм солди. Ҳеч кимдан садо чикмади. Мўйловли йигит эса тинмайди. «Йигирма беш, кеп қолинг йигирма беш сўмга. Топсанг оласан...»

Шу маҳал бир йигит тўдани ёриб олдинга ўтди. Мўйловли йигитнинг ҳаракатларини кузатди.

— Неччи пул бу галгиси? — деди бояги йигит.

Қиморвоз бошини кўтармай жавоб берди:

— Йигирма беш. Топсанг оласан...

— Тик! — деди йигит.

Қиморвоз ҳаракатини тўхтатди. Ангишвоналардан бирининг тагидан зўлдирни олди. Кейин иккинчисининг тагига қўйди-да, бояги йигитга юзланди:

— Қўрдингми? Бошлайверайми?

— Бошла! — деди ҳалиги йигит.

Қиморвоз бирдан ангишвоналарни у ёқдан-бу ёққа

суриб, аралаштириб ташлади. Қизиғи шундаки, унинг кўли ишга тушиши билан оғзи ҳам бидирлаб кетади:

— Топсанг оласан, топмасанг берасан. Йигирма беш! Топсанг оласан...

Бояги йигит қиморбознинг кўлига шаппа босди.

— Тўхта! — деди, — Мана шунда!..

У шундай деб бир ангишвона устига кўлини кўйди. Қиморбоз ана шу ангишвонани кўтарди. Зўлдир чинданам унинг тагида экан.

— Ҳалолинг бўлсин, — деди қиморбоз. — Ма, ол, деб битта йигирма бешталикни унга узатди.

Йигит пулни олиб мағрурона чўнтагига солди.

— Яна тикайми? — деди қиморбоз ҳалиги йигитга.

У жавоб бериб улгурмасидан берироқда — Шаҳриёрнинг ёнида турган дўппилик бир йигит бақирди.

— Тикинг! Мен топаман!..

Қиморбоз унга қаради.

— Неччи пулга? — деди.

Дўппилик йигитнинг йигирма бешга ҳаваси кетди шекилли, иккиланмай йигирма беш, деди.

Қиморбоз бояги ишини яна такрорлади.

— Кўрдингизми? Бошлайверайми?

— Бошланг! — деди дўппили йигит.

Қиморбознинг оғзию кўллари яна ишга тушди.

— Топсанг оласан, тополмасанг берасан! Йигирма беш! Йигирма беш! Тополмасанг берасан!.. Дўппили йигит унинг кўлини босди.

— Тўхта. Мана шунда...

Қиморбоз у кўрсатган ангишвонани шартта кўтарди. Тагида ҳеч нарса йўқ эди. Дўппилик йигит бўшашиб кетди.

— Қани, чўзинг йигирма бешни, — деди қиморбоз. Атрофдагиларнинг ҳаммаси дўппиликка қаради.

Бечора уялиб кетди чоғи, юзлари қип-қизил рангга кирди. У индамай киссасидан йигирма беш сўм чиқариб берди.

Шаҳриёр унга жуда ачинди. «Жуда ғалати ўйин экан», деб ўйлади. Энди ким ўйнаркан, деган фикр билан томошабинларни бирма-бир кўздан кечирди. Ҳамма жим. Қиморбоз эса ўз иши билан банд. Оғзиям, кўлиям тинмайди. «Топсанг оласан, топмасанг берасан»...

Ҳали йигирма беш ютган йигит уни тўхтатди.

— Тик яна.

— Қанчага? — деди қиморбоз.

— Эллик!

Атрофдагиларнинг ҳаммаси бараварига «во-о» деб юборди. Қиморбоз зўлдирни ангишвона остига қўйди. Йигитга қаради.

— Бошлайинми?

— Бошла!

Қиморбоз бошлади. «Эллик сўм! Топсанг оласан, эллик сўм!». У тинмай у ёқдан-бу ёққа суради. Томошабинлар қиморбоздан ҳам кўра бояги йигитни кузатади. Йигитнинг икки кўзи столда — зўлдир қайси ангишвонада экан, деб чамаларди.

Кутилмаганда қиморбознинг қўлини босди:

— Тўхта! Мана шуни кўтар!

Қиморбоз унинг айтганини қилди. Ангишвонани кўтариши билан томошабинлар «қойил» деб юборишди.

— Чиқар элликни! — деди йигит. Қиморбоз унга эллик сўм узатди.

— Қойилман, йигит, омадинг бор экан, — деди. Ҳалиги йигит етмиш бешни киссасига урди-да, тўдадан ташқарига чиқди. Ҳамма унга ҳавас билан қараб қолди.

— Молодец йигит экан.

— Қойил қилди аммо...

Томошабинлардан бири уларнинг фикрини рад этди.

— Ие, ҳамманг ёш бола экансизлар-ку. Шунга ишониб ўтирибсизларми. Ахир у ўзининг шериги-ку.

— Шериги бўлсаям топдими, ахир?

— Сизам топишингиз мумкин, — деди бояги киши. Лекин ангишвоналар тагида ҳеч бало йўқ. У қўйган захоти зўлдирни қўлига олади ёки умуман қўймайди. Шунинг учун қайсини кўрсатманг, бўш чиқаверади. Одамларди кизиқтириш учун ўзининг шериклари баъзан боягидай «ютиб» туради.

Уларнинг гапига учинчи томошабин қўшилди.

— Ўлдими. Унчаликмасдир-ов!

— Ишонмасангиз ўзингиз биласиз. Ана ўйнаб кўринг. Қани, бир тийин ютасизми.

Томошабинлар ўзаро бахслашиб кетдилар. Киморбоз эса ҳамон бакиради: «Топсанг оласан, топмасанг берасан. Қайсининини кўтарай...»

Томошага кизиқиб ота-онасидан ажратиб қолиб кетгани Шаҳриёрнинг эсида йўқ. Бир маҳал ўзига келиб ён-верига қараса, на отаси, на онаси кўринади. Юраги орқасига тортиб кетди. Энди нима бўлади? Мана томоша сенга.

У нима қиларини билмай гантиб қолди. Қаякка борсин? Қаердан қидирсин отасини? Чор тараф гўж-гўж одам. Бу ердан бировни топиш — қудуддан итга излашдай гап. Қаерданам шунга кўзи тушди... Кешлокка қандай кетади? Мингбулокка боратиган автобус қаерда тўхтайди. Баланд-баланд ёлгорликларнинг олдидан тушувди. Шу эсида, аммо ўша жойгача нимадани борати? Автобусга, кейин троллейбусга чиқинди. Анча пиёда юришди. Улар ёдидан туриштимиз... Қизиқ бўлди-ку.

Хаёлидан шу ўйлар кечати-ю, кўзи тўрт томонга жавдирайди. Салла ўраган одам кўринса отаммикан, деб суюнади. Бегоналикни билгач, хафсаласи пир бўлади. Энди қулоғига киморбознинг «Топсанг оласан, топмасанг берасан», деган бакириги ҳам эшитилмайди.

Отаси билан онаси қайси томонга кетди экан. Бу онда тўрт тараф қибла. Йўқ, ҳеч қаякка бермайди. Шу ерда тургани тузук. Отаси излаб келса тоғини осонроқ. Борди-ю, бир томонга оралаб кетса, Бердикул бобо ҳам сарсон бўлади.

Шаҳриёр киморбознинг олдидан сал наририқка — нисбатан одам камроқ жойга ўтди. Симёноқдай бир ерда қотиб тураверди. Қўзи эса иттизор, одамлар оқими орасидан ота-онамни кўриб қоларман, деган илинжда атрофга термилди. Аммо ҳадеганда отаси келмаси-мади.

Бердикул бобо билан Бўстон хола анча илгарилаб кетишган эди. Улар гоҳ у савдогарнинг, гоҳ бу савдогарнинг қўлидаги нарсаларни кўриб, нархини сўраб, Шаҳриёр икковининг ҳам эсидан чиққан эди. Дўппи бозорига оралаганда Бўстон хола «Шаҳриёрга битта қалпоқ олиб берайлик», деди. Дўппифурушдан бир дўппини олди-да, «Шаҳриёр, манавини кийиб кўр», деб орқасига ўгирилди, Шаҳриёр кўринмади. Бирдан Бердикул бобога юзланди: «Шаҳриёр қани?» Бўстон

холанинг хайрати, кўркуви Бердикул бобога ҳам кўчди. «Билмадим, орқамиздан келаётувди-ку». «Вой, ўлмасам, болагинам қаерда қолди». Бўстон холанинг юраги така-пука бўлди. «Қаранг оқ-бакти». Бердикул бобо ён-атрофга разм солди — Шахриёр кўринмади. «Сен шу ердан қимирлама. Агар шу атрофда бўлса сени кўриб келади. Мен изимиздан бориб қараб келай. Ўғлимиз қиморбознинг олдида қолдими дейман-да».

Бердикул бобо одамлар оқимига кириб кетди. Олдинга интилиб бораяпти-ю, кўзи тўрт томонга олазarak боқади.

Тахмин қилишда Бердикул бобо адашмаган эди. У қиморбозга яқинлашганда Шахриёрга кўзи тушди. Лекин Шахриёр отасини кўрмади. Бердикул бобо четдан туриб ўғлини кузатди. Тўдасидан айрилган эчкидай атрофга аланглайди.

Бердикул бобо секин унинг ёнига борди. Шахриёр ҳамон отасини кўрмас, нигоҳи узоққа кадалган эди. Бердикул бобо оҳиста ўғлининг тирсагидан ушлади. Шахриёр шартта ўтирилди. Унинг кўзлари хонасидан чиқиб кетгудай бўлиб ўйнади.

— Ха, — деди Бердикул бобо секин.

Шахриёрнинг тили калимага келмай қолди.

— Мунча аланглайсан.

— Сизларди йўқотиб қўйдим, — деди Шахриёр довдираб.

— Шунчалик юрагинг бор экан, хушёрроқ юрмайсанми.

Шахриёр миқ этмади.

— Юр, — деди Бердикул бобо. — Энангди ўтакасини ёрдинг. Шахриёрди йўқотиб қўйдик, бунча одамди ичидан энди қандай топамиз, деб додлаб ўтирипти... Яхшиям у ёқ-бу ёққа оралаб кетмапсан. Агар шундай қилганингда тополмаслигим аниқ эди.

— Шунинг учун қимирламай турдим-да, жойимда.

Бердикул бобо ўғлига ўтирилди, жилмайди.

— Ақлинг боракан... Боплабсан... Боқса одам бўласан.

Бердикул бобонинг шунақа одати бор. Биронтага ҳазиллашгиси келса «Боқса одам бўласан» ёки «Кепак берса кўппак бўласан», деб қўяди. Бу одати Шахриёрга ҳам аён. Шундан билдики, отаси уришмайди...



Пешингача бозор айланишди. Бердикул бобо билан Бўстон хола келинга деб анча-мунча нарса харид қилди. Шахриёрга битта дўппи олиб беришди.

Тушдан кейин ҳайвонот боғига боришди. Қаердандир кўчма ҳайвонот боғи келган экан. Бундан Шахриёр терисига сизмади. Йўлбарс, айиқ, арслон, фил, туя — эҳ-е, яна қанча ҳайвонларни кўрди. Илгари ҳеч ҳам кўрмаган, фақат зоология дарсида бу ҳайвонлар ҳақида ўқиган, китобда расмини томоша қилганди, холос. Тирик айиқни, йўлбарсни кўриш ғалати экан. Айниқса, оқ айиқни роса томоша қилди. У сувга тушаверади, чиқаверади, тушаверади, чиқаверади... Эринмаганини, чарчамаганини... Маймунлар-чи, бирам ғалати экан. Шимпанзе, горилла, орангутанг деганлари бор экан. Шимпанзелар тиним билмайди. Шахриёр биттасига писта пўчоғи отувди, орқасини кўрсатиб масҳара қилди.

Шахриёр жўраларига бориб роса мақтанади. Айиқ, шимпанзенинг қилиқларини гапириб беради. Бир уларнинг ичини қизитсин.

— Анварди бир кўриб келамизми? — деди Бердикул бобо ҳайвонот боғидан чиқаётганда. — Шу ерга келиб кўрмай кетсак одамгарчиликдан бўлмас.

Шахриёрнинг кўнглида ҳам шу фикр бор эди. Лекин отасига айтишга ийманиб турганди. Вақт борми-йўқми, бозор-ўчардан ортадимми-йўқми. Яхши бўлди, Бердикул бобонинг ўзи эслатиб қолди...

Касалхона ховлисидаги ўриндикда Анвар билан анча гаплашиб ўтиришди. Бердикул бобо ундан соғлигини, яраси тузалган-тузалмаганини сўради.

— Ҳа, болаларим-а, ҳеч шўхликларинг қолмади-қолмади-да, — деди Бўстон хола Анварнинг юзидан ўпиб. — Шу монтикрести ўқи ўлгур ёнғоқга тағига қайдан бориб қопти. Шундан бўлак ўйин тополмадиларингми. Мана энди шунча азоб. Кунди иссиғида касалхонада ётипсан. Ичингам қизиб кетгандир.

— Анча ўрганиб қолдим. Палатадагилар билан гурунглашиб ётамиз.

Шахриёр унинг тезроқ чиқишини истайди. Тошкентга бирга борсак, зўр бўларди.

— Лекин ҳали-вери жавоб берадиганга ўхшмайди, — деди Анвар. — Яра тоза битмаган. Йиринг йўғу қизғиш сув чиқади. Кўзи битса жавоб берамиз, деяпти дўхтир.

— Ха, майли, сабр қил. Шошилма. Тоза яхшилаб тузалсин. Бўлмаса кейинам қийналиб юрасан. — Бердиқул бобо шундай деб ўрнидан турди. — Энди бизлар борайлик. Автобусдан қолиб кетмайлик.

Кечга томон улар Регистонга келдилар. Мингбулоққа борадиган автобус бекатида одам кўп, автобусдан эса дарак йўқ. Ҳамма бозор-ўчар қилиб қайтган.

Ана-мана дегунча бир соатлар чамаси вақт ўтди: бир маҳал пешонасига «Самарқанд — Мингбулоқ» деб ёзилган автобус пайдо бўлди. Ҳамма гувиллаб ўзини унга урди. Тиқилинч, ур-сур бўлдики... Қани энди чиқиб бўлса. Автобус ҳайдовчиси, билет олинглар, деб бақиради. Аммо унга ким кулоқ солади. Хар ким жой олиш дардида эди.

Улар ҳам минг азобда чиқиб олишди. Автобус риж-риж бўлди. Қани энди юра қолса. Ҳайдовчи пастга тушиб кетгани бўйича бедарак йўқолди. Ўзи ҳаво иссиқ, унинг устига тиқилинч, нафас олишнинг иложи йўқ. Бир бола чинқириб йиғлайди. «Хой, шопир, хайданг!» деб бақиради одамлар. Лекин хайдовчи парво қилмайди.

Шу аҳволда ярим соатлар турди. Ҳамма ҳаммомга тушгандай жикка сувга ботди.

Нихоят, хайдовчи келди.

— Фақат Мингбулоққа борадиганлар қолсин. Йўлда тўхтамайман, — деди у кабина деразасидан мўралаб.

Ичкарида одамлар бараварига кичкиришди:

— Ҳамма охиригача боради.

— Йўлда тушадиган йўқ...

— Тезроқ хайданг-эй, шопир ака, одамди нафаси қайтиб кетди.

Автобус офир силкиниб, жойидан жилди...

• • •

Бир неча кун Шаҳриёрга эрмак топилди. Қаердаки икки-уч бола йиғилса уларга шаҳарга боргани ҳақида хикоя қилади. Кечқурун подага борганда-ку, ҳамма болалар уни ўраб олади. Шаҳриёр ҳам йўқ демайди.

Ангишвоначи киморбоз Юсуфга жуда ёқиб қолди. «Аммо-лекин зўр экан-да, шу», деб қўяди хар замон. «Шаҳарга борсам, албатта, шуни топаман».

Шаҳарда кўрганларини жўраларига сўзлаб бериш Шаҳриёрнинг ўзи учун ҳам завқли эди. Уларга ҳикоя қилар экан, ўзи ҳам ўша нарсаларни бошқатдан кўраётгандай ҳаяжонланади. Голиб, Аҳмад, Акбар, Шарофат — ҳаммаси оғзини очиб тинглайди унинг ҳикоясини.

— Энг қизиги, — деди Шаҳриёр ховлиқиб, — ажойибхона<sup>1</sup>. Ҳамма ҳайвонларди қафасга солиб қўйибди. Шерни кўрсанг, во-о, бўйнидаги жунини.

— Одамларга индамайдими? — деб сўради Шарофат.

Шаҳриёр уни масҳара қилди.

— Эсинг жойидами. Қандай қилиб индайди. Қафасга солинган дедим-ку! Темирлари билакдай-билакдай. Шер одамлар ўзига қараётганини сезмайдиям, парвосига келтирмайдиям!..

— Қафасда ўтиравериб ўрганиб қолган-да бечора, — деди Аҳмад. — Отам айтувдилар ҳайвонлар қафасда ётаверса бепарво бўлиб қолармиш.

— Бўлмасам-чи, — деб унинг гапини маъқуллади Шаҳриёр. — Ўзим кўрдим-ку! На шер, на йўлбарс одамларга қаролади, ўзи билан ўзи овора. Факат маймун жикиллаб, у ёқдан-бу ёққа сакрайди, одамларни калака қилади.

Бу гап болаларни кизиктириб қўйди.

— Қандай калака қилади?

— Гапирадими?

— Гапга тушунадими?

Бир қўйиб, иккинчиси савол берди. Шаҳриёр тўғай хайвонот боғининг раҳбаридай уларга тушунтирди.

— Шошилманглар, бунча ховлиқасизлар. Болалар маймунларга писта ташлайди. Улар пистани олиб чақади. Бир хил болалар жўрттага чақилган пистани отади. Маймун олиб кўради-ю, жони чиқиб кетади. Кейин орқасини кўрсатиб болаларни калака қилади.

— Сенам ташламадингми писта пўчиқидан? Шаҳриёр қулди. Шимпанзе ўзини масҳара қилгани жинга тунди.

— Ташладим, — деди ўзини қулдан тўзатиб.

<sup>1</sup> Хайвонот боғи демакчи.

Кейин шимпанзегга писта пўчоғини отганини, маймун уни эркалаганини, орқасини хунук қилиб кўрсатганини — ҳаммасини бирма-бир эринмай гапириб берди. Болалар мириқиб кулишди.

Шундан кейин Шахриёр қаерга борса, болалар йиғилиб келади-да, шимпанзе сени калака қилганини кўрсатиб бер, деб туриб олишади. Аввалига у эринмай гапирди, маймуннинг ҳаракатлариниям кўрсатиб берди. Охири жонига тегди. Бир нарсани ҳадеб айтавериш, ҳар қанча қизиқ бўлмасин, одамнинг кўнглига урар экан. Шахриёр ҳам гапиравериш зерикди.

— Бўлди-да, эй, нима мен артисманми сенларга!

— Ҳа, нима кипти гапирсанг. Бирон жойинг камайиб қоладими, — дейди унга болалар.

Хушига тобласа шошилмай, қизиқ қилиб гапириб беради, йўқса айтмайди...

Июль охирида қолди. Тўй яқинлашмоқда. Шахриёр Тошкентга боришни ўйлайди. Ҳадемай бешинчи август келади. Қандоқ маза! У Тошкентга — пойтахтга боради...

### Тошкент тараддуди

Шахриёр қўйларини бордан ҳайдаб келиб кўрага камаганда Бердикул бобо шом намозини ўқиётган эди. У қўйлари олдига озгина ўт ташлади-да, Олапарнинг олдига ўтди. Олапар тумшуғини икки оёғи устига қўйиб Шахриёрга термилиб ётарди.

— Ҳа, Олапар, — деди Шахриёр худди жўрасига гапиргандай. — Битта ўзинг ётавериш зерикдингми? Ёввойи пишак кемаяптими?

Шахриёр яқинлашгач, Олапар жойидан туриб думини ликиллатди, бошини силкиб пашшасини ҳайдади. Кейин сув ичадиган идишини Шахриёрга томон сурди. Шахриёр сездики, Олапар чанқаган. Идиши қуқурук.

— Ҳа, жонивор, сувсадингми? Ҳеч ким сув бермайдими сенга. Хозир сув опкеламан. Ёки ўзингни дарёга олиб борайми?.. Бир ўйнаб келасанми? Яхшиси, занжиригни ечаман. Ўзинг бориб сув ич, бирпас ўйна. Хўпми?

У Олапарга гапира-гапира занжирини еча бошлади.

Намоз ўқиб бўлган Бердикул бобо Шахриёрни кидирди:

— Шахриёр, хо, Шахриёр!..

Отасининг товушини эшитиб Шахриёр айвон томонга ўгирилди.

— Шу ердан, ота, — деди турган жойидан.

— Қайдасан, улим, бақа ке!

— Олапарди ечаяпман... Бердикул бобо унинг гапини бўлди:

— Олапарди ечаяпман?! Нимага?!

— Сувсаб кетипти. Қўйворай, дарёдан бориб сув ичади, бирпас оёғини ёзиб келади.

— Ечма, улим, бақа ке. Сувсаган бўса идишига сув сол, — деди Бердикул бобо.

Шахриёр Олапарни кучоклаганча отасига ялинди.

— Қўйворақолай, ота. Ичи қизиб кетипти ётавриб...

— Сенга айтдимми?! Олапарга сув бергин-да, бориб тоғангни, амакигни, поччаларингни чақириб ке. Маслаҳатлашадиган гап бор. Бўлақол тезроқ.

Отасининг бу гапидан сўнг унинг хаёлига лоп этиб Тошкент, акасининг тўйи келди. Маслаҳатлашадиган гап бор, деяптими, демак, тўй масаласи бўлса керак. Отам унча-мунча нарсани биров билан кенгашиб ўтирмайди.

— Ана, эшитдинг-ку Олапар, — деди у ўрнидан тураркан. — Сени қўйиб юборишга рухсат йўқ. Ҳозир сув опкеламан. Майли, хафа бўлма, эртага ечаман. — Олапарнинг юзларини, елкасини силаб қўйди. Олапар индамай жойига чўзилди...

...Шахриёр янглишмади. Бердикул бобо яқинларини чорлашадан мақсад — Тошкентга бориб Пиримкулнинг тўйини ўтказиб келишни кенгашиб олиш эди. Тошкентга неча киши боради, кимлар боради, нималар олиб бориш керак. Ҳар ким ўз фикрини айтди. Бирининг гапи бошқасига тўғри келмайди, тортишиб қолишади. Шахриёр бир чеккада ким гапирса шунинг оғзига термилиб ўтирипти. У бир нарсага ҳайрон: тоғаси, амакиси, поччалари гапираяпти, ундай қилиш керак, бундай



килиш керак, у нарса олган тузук, бунақа нарса олган маъкул, деб жон куйдираяпти. Аммо нимагадир отаси жим. Тўрда ёстикқа ёнбошлаганча соқолини силаб гапларга кулок солиб индамай ўтирипти.

Баҳс-мунозаралар анча давом этди. Охири гап айланиб, Тошкентга нимада борамиз, деган масалага келиб тўхтади. Бирин самолётда деса, бошқаси поездда, дейди. Яна маъқули автобус, деб туриб олди.

— Шошманглар, — деди ниҳоят Бердикул бобо. Ёстикдан тирсагини кўтариб чордана куриб ўтирди. Ҳамма жим бўлиб унга қаради. — Биринг самолёт дейсан, поезд, бошқанг автобус дейсан. Хўш, Тошкентга нима учун бораяпмиз ўзи? Томошагами? Ёки меҳмондорчиликками?

Орага ноқулай жимлик чўкди. Бердикул бобо гапим кимга қандай таъсир этди дегандай ҳаммага бир-бир синчковлик билан разм солиб чикди.

— Ахир биз Тошкентга тўй қилгани кетаяпмиз-ку. Тўйди нарсаларини самолётда, поездда қандай қилиб олиб борамиз?

Амакиси лукма ташлади:

— Нарсаларди шу ердан олиб борамизми? Тошкентдай шаҳарда нарса топилмайдими? Ўшакдан оламизда.

Бердикул бобо маънодор йўталди. Яна ўтирганларни бирма-бир кўздан кечирди. Бу қараш билан ким қандай фикрда эканини билиб олмоқчи.

— Хўш, Тошкентда ҳамма нарса бор, дейлик, — деди сўнгра салмоқлаб. — Лекин келин-куёвди, қудаларди сарпоси-чи? Улардиям шаҳардан оламизми?! Ҳаммаси олинган-ку. Янганг улимга деб, неччи йилдан бери латта-путта йиради... Қўйлар-чи. Улардиям самолётга соламизми? — Даврада кулги кўзгалди. — Ёш болага ўхшаб гапирасизлар-а. Тошкентдай жойга келин олгани боргандан сўнг Самарқанд нўхатидан, шўрданагидан, майизидан, нонидан об борайлик-да.

— Нон қотиб қолади-ку, — деди тоғаси.

— Қотмайди. Бир кун-икки кунда қотмайди. Жа, қотгандаям зарари йўқ, дастурхонди безаги, — Бердикул бобо сўзида қаттиқ турди. — Ундан ташқари, шунча

одам — аёллару бола-бақра билан самолёт ёки поездда юриш осонми...

Ўтирганлар бўлмаса нима қилайлик, деган мазмунда Бердикул бобога қарашди. Бердикул бобонинг жавоби тайин эди, шекилли, пинагини бузмади. Ўртанча куёвига қаради. У колхозда бош ҳисобчи бўлиб ишлайди.

— Жўракул, сен колхозди катталаридансан. Бирон-та автобус топиш кўлингдан келадими-йўқми?

Жўракул ҳайрат бармоғини тишлади. Қайнатасининг бу кутилмаган саволига жавоб бериш осон эмасди.

— Колхозда автобус йўқ-ку, — деди ниҳоят.

Бердикул бобо бўш келмади:

— Колхозда бўлмаса районда бордир. Райондаям ошна-оғайниларинг кўп-ку. — Бошқаларга қаради. — Битта автобус топиб обориб-опкелишини гаплашмасак иш битмайди. Йўлди мошинига ишониш қийин.

Ҳамма бир зум жим қолди. Жўракул ҳисобчи каттиқ ўйга толди. Шаҳриёрнинг амакиси Жўракул поччасининг ёнига кирди.

— Райондан бирон автобус гаплашсак... Фалон сўм сўрайди-да.

Бердикул бобо унга ер остидан қаради:

— Самолётда борсак арзон тушадими? Ҳисоблаб кўринглар... Ҳамма нарсани шу ерда ортиб, аёлу эркак, бола-бақра чикиб боргани яхшими ёки бу ердан шаҳарга бор, шаҳардан истансага бор, поездгами, аптобусгами чек кидир, деб сарсон ачиб юрган яхшими? Ё сал қиммат бўлар, ё арзон бўлар — беминнат-да, ташвиши, оворагарчилиги оз...

Бу фикр ҳаммага маъқул келди.

Тошкентга кимлар боради, ким нима иш билан шуғулланади, бари келишиб олинди.

— Болаларим, — деди Бердикул бобо мажлисга яқун ясаган сингари, — ҳаммангдан илтимос, хушёр бўлинглар, бир-бирларингга гап қайтарманглар. Ҳамжиҳат бўлиб ўтказинглар тўйни. Бегона жойда уялаб қолмайлик. Қишлоғимизда бўлса уни йўриғи бўлак. — Ота томоғини қоқиб олди. Бир зум ниманидир ўйлагандек сукут сақлади. — Кўнгилларингга келмасин-у, яна бир нарсани эслатиб қўймоқчиман. Токи тўйни омон-эсон ўтказиб олмағунимизча биттангам би-

рон пиёла ичманглар. Нотаниш одамларнинг орасида шармандамиз чиқмасин. Худо хохлаسا у ёқда тўйни ўтказиб олганимиздан кейин бу ерда тўй қиламиз. Қишлоққа ош бермасак ярашмайди. Ўшанда оларсизлар оз-оздан.

Қишлоқ аҳли Бердикул бобонинг гапини икки қилмайди. Ота қишлоқнинг оғзи катта оқсоқолларидан. Қариндошлари у ёқда турсин, бегоналар ҳам бирон юмушни ҳал қилолмай боши қотса отанинг олдига маслаҳат сўраб келади. Бердикул бобо уларга эринмай йўл-йўриқ кўрсатади.

— Қачон жўнаш керак Тошкентга? — деди Шаҳриёрнинг тоғаси.

Ҳамма отанинг оғзини пойлади.

— Бешинчида тўй, — салмоқлаб гап бошлади ота. — Иккинчида етиб борсакми, деб мўлжал қиляпман. Икки кун у ёқдан зарур нарсалар харид қилинади. Ҳали анча иш бор-да. Ун олиш керак, гуруч, сабзи-пиёз дегандай, канд-курс — хуллас, анча нарса. Аёлларди ўзига яраша дард-ташвишлари бор... Янаям сенлар биласанлар.

Бердикул бобо ўтирганларга қаради. Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Менимча, шу гап тузук, — деди Шаҳриёрнинг тоғаси. — Шошиб қолгандан кўра, бемалол, керакли нарсаларни кўриб-билиб тузукроғини олган маъқул-да!

Фикрлар тиниб, маслаҳат пишгач, ҳамма уй-уйига тарқалди. Шаҳриёр бир чеккада ўтириб ҳамма гапни миясига қуйиб олди. Тошкентга борадиган кун яқинлашганидан унинг севинчи ичига сирмайди.

## Тўй

Пиримкул Дўмбирободда Расул ака деган одамникида ижарада туради. Бу ховлига кўчиб келганига икки йилдан ошди.

Расул ака жуда очикқўнгил, одамохун киши. Хотини Маҳфуза ая ҳам меҳрибончиликда эридан қолишмайди.

Шу икки йил ичида Пиримкулнинг олдига кимлар келмади. Бирга ўқийдиган ўртоқлари-ку, кунда-

шунда. Кишлоқдан биронта одам Тошкентга келса, бас. Пиримқулни излаб топади. Ўз уйидай бемалол кириб келаверишади. Баъзан уй эгалари қолиб Пиримқул безор бўлиб кетади, Расул ака билан Маҳфуза аянинг олдида хижолат тортади. Бу ҳақда Пиримқул бир-икки Расул акага шама қилди. Расул ака уни қайириб ташлади.

— Ундай деманг, акаси. Одам бор жойга одам келади. Ундан кейин ҳамманинг олдигаям биров келавермайди. Ойлаб меҳмон қадам босмайдиган хонадондан худо асрасин.

Пиримқул олдин ҳам икки-уч жойда ижарада турган. Уларда олти ойдан зиёд яшолмаган. Бир хонадонда ҳатто бир ой ҳам туролмади. Кирсаям гапирарди, чиқсаям. Биров сўраб келса-ку, тамом — балога қолади.

Шулардан кейин Расул аканикида яшаш Пиримқулга жаннат бўлиб кўринди. Бердиқул бобо билан Бўстон хола ҳам уч-тўрт келиб кетишди. Уй эгалари уларни ўз қариндошлари сингари кутиб олишади.

Расул аканинг саккизта боласи бор. Яшаши ҳам ўртача. Шунга қарамай, баъзиларга ўхшаб ўнталаб ижарачи қўймайди. Бўлмаса имконияти бор: иккита бўш хонаси турибди. Кўнглига ўтирган, мўмин-қобил болалардан ёки қизлардан битта-иккита қўяди. Фалон сўм берасан демайди, берганинг болам, дейди.

Пиримқул шуларни ҳисобга олиб, иложи борича Расул ака билан Маҳфуза аянинг кўнглига қарайди. Ўғиллари билан ака-укадай қадрдонлашиб кетди...

Автобус Расул аканинг дарвозасида тўхтади. Ундан ўн беш-йигирма човли одам тушди. Расул ака билан Маҳфуза ая уларни дарвозада кутиб олди.

— Мана, бир мошин бўлиб тўзишиб келдик, жўра, — деди Бердиқул бобо Расул ака билан сўрашаркан.

Бердиқул бобо Расул акадан ўн ёшлар катта. Расул ака Бердиқул бобони ота дейди, Бердиқул бобо эса уни Расул деб чақиритишни ўзига эп кўрмай, жўра, дейди.

— Жуда яхши кипсиз-да, ота. Ишқилиб тўй бўлсин, ҳамманиям шундай кунларга етказсин.

Юкларни туширишди, қўйларни ҳовлига олиб ки-



риб бойлашди. Расул ака кичкина ўрлига, қўйларнинг олдига озроқ ўт ташла, деди. Расул аканинг ўзидаям беш-олтита қўй бўлиб, болалари ҳар кун Бўрижар томондан ўт ўриб келишади.

Меҳмонлар икки кун шу ерда турдилар. Эртадан кечгача шаҳар кезиб, тўй харажати хозирлашди.

Шаҳриёр уларга эргашади. Гоҳ бозорга, гоҳ магазинга боришади. У тўрт томонга аланглаб термилади. Қарасанг дўппинг тушиб кетадиган даражада баланд бинолар, шовиллаб ётган фавворалар Шаҳриёрни хайратга солади. Кўчаларда бирам одам кўп, бирам кўп, юриш қийин. Машиналар-чи, кети узилмайди. Кўчанинг нариги томонига ўтиш осон эмас. Ҳамма жойдан ўтавериш мумкин эмас экан. Маълум жойлардан, ундаям кўк чироқ ёнганда ўтиш керак экан.

Метрога тушишганда Шаҳриёرنинг оғзи очилиб қолди. Пул ташламаса ўтказмай ушлаб қолар экан. Э, тавба, жуда кизиқ-ку. Поездчаларнинг зўрлигини. Станциялар бирам чиройли, бирам чиройли. Эртақларда тасвирланган шохларнинг қасрига ўхшайди.

Шаҳриёр ҳанг-манг бўлиб термилади. Роса ажойиб экан-да. Қишлоққа қайтиб борса жўраларига айтиб беради. Анварнинг келмагани чатоқ бўлди-да. Маза қилиб кетарди. Бечора касалхонада ичи қизиб ётгандир...

Икки кунда Тошкентнинг кўп жойларини томоша қилди. Тошкент Шаҳриёр ўйлаганидан кўра каттароқ туюлди. Акаси турадиган ҳовлидан шаҳарнинг марказига келгунча қанча вақт ўтади. Бунча вақтда қишлоғидан Самарқандга келиши мумкин.

Катта бўлса нима, яхши-да! Шаҳриёр маза қиляпти. Ҳеч зерикмайди. Қайтанга тез кеч бўлиб қоляпти. Ана-мана дегунча кун ботади. Нега унақа? Қишлоғида кеч бўлишини пойлаб зерикарди.

Одамлар тез-тез юрар экан. Кун кеч бўлмасдан ишларимни битказиб олай деса керак-да.

Ҳаш-паш дегунча икки кун ўтди-кетди.

Келини Расул аканикига тушириб келадиган бўлишди. Битта уйини бўшатиб берипти. Энасининг айтишича, Пиримкул олдиндан келишиб қўйган экан. Тўй ресторанда ўтадиган бўлди. Расул ака шу ерда — ҳовлида қилаверайлик, деди, Пиримкул кўнмади, ҳовли



тор, меҳмонлар сирмайди. Сизларни шунча безовта қилганимизам етар, деди.

Вақт намозгарга яқинлашганда учта енгил машина, бир автобус бўлиб куёвжўралар келинникига жўнадилар. Уларнинг олдида усти очик «Виллис» да карнай-сурнайчилар. «Виллис» духобалар билан чиройли қилиб безатилган. Сурнай ноғоранинг така-тум, така-тумига жўр бўлиб ёр-ёрни чалади. Автобусдаги йигитлар дам-бадам овозининг борича қичқиришади. Уларга қўшилиб бақириб юборганини Шаҳриёрнинг ўзиям сезмай қолади.

Келиннинг уйига яқинлашганда автобусдан тушишди. Пиримқулни йигитлар ўраб олган. Олдинда карнай-сурнай, ноғора: ва-ву, ва-ву, така-тум, така-тум. Орқада йигитлар, бири кўйиб иккинчиси рақсга тушади, ҳар замонда «ча-ча-ча-ча» деб бақиривади.

Ана шундай ўйин-кулги, мусиқа билан келинникига кириб бордилар.

Расм-русумлар битгач, куёв-келин оқ «Волга» га киришди. Келиннинг ёнида дугонаси, куёвнинг ёнида жўраси. Қолган иккита енгил машина ҳам қизлар, жувонлар билан тўлди. Бошқалар автобусга чиқдилар. Яна ўша қийқирик, мусиқа, ёр-ёр билан ресторанга йўл олдилар.

Буларнинг ҳаммаси Шаҳриёрга жуда кизик кўринди. «Бу ерда одатлар бошқача экан, деб ўйлайди у. Ёр-ёрни аёллар айтаркан. Бизда эркаклар айтади-ку». Қишлоқдаги тўйларда айтиладиган ёр-ёр эсига тушди. Аввал бир киши бошлайди: Томда товуқ ётади... Ҳамма бараварига ёр-ёр, ёрон-ей, дейди. Кейин бошловчи давом этади: оёғи шомдай қотади, ёр-ёр, ёрон-ей... Шу замоннинг қизлари ёр-ёр, ёрон-ей, нархини ошириб сотади, ёр-ёр, ёрон-ей...

Куёш ботганда ресторанга етиб келишди. Ресторан дегани ажойиб экан. Узун столлар қўйилган, оппоқ дастурхонлар солинган. Катта-кичик шишалар, турли ноз-неъматлар терилган. Ресторан деганида девор йўққа ўхшайди, ҳамма тарафи ойнаванд. Шаҳриёр тоза тааж-жубланди. Ғалати экан-ку.

Тўйди Эркин Комилов деган артист бошқарди. Пиримқул у билан ака-укадай кадрдон экан. Шаҳриёр

Эркин Комиловни телевизорда кўп кўрган. Бугун унинг ўзи билан қўл бериб кўришди. Кимдир Шахриёрни кўрсатиб «Бу Пириқулнинг укаси», деди. Эркин Комилов «Шундайми? Қани кўришайлик-чи, полвон йигит», деб Шахриёр билан қўл олишди.

У тўйни шундай қизитди, шундай қизитди. Гапга тоза бало экан. Ҳамманинг ичагини узди.

Шахриёр жўраларининг олдида роса мақтанадиган бўлди-да. Эркин Комиловни кўрдим, у билан қўл бериб кўришдим, деса улар ишонармикан? Ишонмаса ўзидан кўрсин.

Яна қанча ашулачилар келишди. Навбатма-навбат кўшиқ айтишди, қизлар ўйинга тушишди. Ҳаммаси Пириқулнинг ошналари экан. Артистликкаям акаси ўқиган институтда ўқишаркан-да!

Келин-куёвнинг ўртоқлари уларни тўйи билан табриклашди. Охирида ҳамма ўйинга тушди. Роса зўр бўлди ўзиям. Шахриёр маза қилди.

Эртаси кун тушдан кейин улар автобусга ўтириб Самарқандга жўнадилар. Бўстон хола, яна икки-уч аёл қолди, холос. Шахриёр ҳам қолмоқчи эди, отаси рози бўлмади.

— Иш кўп улим, шунча кун томоша қилдинг. Бундан буён тез-тез келаверасан акангдикига. Бир ҳафта ўн кунлардан сўнг қишлоқда тўй қиламиз. Тайёргарлик кўриш лозим, — деди Бердиқул бобо.

Шахриёр индамади, хўп деб автобусга чикди...

Улар қишлоққа кириб келишганида вақт хуфтонга яқинлашган эди.

### Тоға ҳикояси

Оқшом ҳамма қариндошлар-урувлар Шахриёрлар-ниқига йиғилишди. Гап мавзуи — тўй: қандай ўтди, нима бўлди? Аёллар келинни сўрашади; қанақа экан, озғинми-семизми, дарозми-паканами, сарикми-қорами, сочи узунми ё қирқилганми? Бунга ўхшаш саволларнинг охири йўқ.

Гап айланиб яна қишлоққа кўчди. Бердиқул бобо Шахриёрнинг тоғасига қаради.

— Сиз қийналмадингизми ишқилиб. Бутун мол-ҳол сизга қолиб кетувди.

Тоға кулди. Сўнгра ҳайрат ила гапга тушди.

— Қийналмадим, — деди у. — Лекин Олапарга қойил қолдим. Ўтирганлар унинг оғзига термилди. — Мен ўзим Олапардан кўрқаман. Бойланган бўлсаям яқиндан ўтишга юрагим дов бермасди. Кетганларингизда мени ташвишга солган нарса шу эди: Олапарга қандай қилиб овқат бераман, деб ўйловдим.

Ўша куни кечқурун Олапарга овқат олиб келдим. Узоқдан туриб: «Олапар, мен сенга овқат олиб келдим. Нарироқ тур, овқатингни солай. Бўлмаса сендан кўрқаман», дедим. Ишонасизми, то занжири етган жойгача орқасига тисарилди. Кўрқа-писа овқатни идишига солдим. Сал узоқлашдим-да, унга қарадим. Олапар ҳамон бояги жойида. Ке энди овқатингни ичавер, дедим. Шундан кейин овқатга яқинлашди.

Бу гапни эшитиб айримлар кулди: «Лофниям оласиз-да».

— Ие, — деди тоға, — ҳали ишонмаяпсизларми. Бу нима бўпти. Энг қизигини эшитинг.

Шу куни хўп овқат ичипти. Эртаси куни эрталаб яна овқат олиб келиб, боягидай, дедим. У яна четга ўтиб турди. Овқатни қўйдим. Пешинда келсам, овқатини ичмаган. Қорни очса ичар, деб индамай яна овқат солиб кетавердим. Кечқурун келдим. Қарасам, яна ичмаган. Бир чеккада букчайиб ётибди. Ҳар доим келганимда думини ликиллашиб турарди. Бу сафар менга қарамадиям. Хайрон қолдим.

Касал бўптими нима бало деб ўйладим. Эски овқатларни тўкиб ташладим-да, янгисини қўйдим.

Эрталаб келсам яна ичмаган. Қисқаси, икки кун мутлақо овқат емади. Бундай қарасам, тумшугини икки оёғи устига қўйиб жим ётипти-ю, кўзларидан жимирлаб ёш оқаяпти. Жуда ажабландим. Нима бўлди экан бунга, деб ўйлаб ўйимга етолмайман. Тили-забони бўлмаса жониворди, бир нарса деса.

«Балки уйда ҳеч ким йўқлигига хафа бўлаётгандир», деган ўй миямга келди. «Олапар, — дедим, — эгаларинг тўйга кетган, хафа бўлма, эрта-индин кеп қолишади. Ол, овқатингни ич». Шундай деб овқатини

янгиладим. Зардолининг тагига бордим-да, бирпас қараб ўтирдим. У аста ўрнидан турди, овқатга яқин келди. Шу ердалигимни билиб менга қаради. «Ол, ичавер, булар тўйга кетишган, рост айтяпман. Шунинг учун мен овқат опкелаяпман сенга», дедим яна. Шундан кейин у овқатини ича бошлади.

Бугун эрталаб борсам идишини тозалаб қўйипти. Ўзиям думини ликиллашиб турипти. Овқат қўйдим-да, «ол, ич, эгаларинг бугун оқшом келишади» дедим.

Мен унинг ақлига қойил қолдим.

Тоғанинг ҳикояси кўпчиликни ҳайратга солди. «Нахотки шу рост бўлса?» дейишди айрим ишонмаганлар. Бошқалар «рост, ишонса бўлади. Олапар жудаям ақлли ит», деб тоғанинг гапини тасдиқлашди.

Шаҳриёр тоғасининг ҳикоясини тингларкан, Олапардан хурсанд бўлиб ўтирди. «Қандай ажойиб кучугимиз бор», деб фурурланиб қўйди ўзича.

### Келин келди

Бердикул бобо айтганини қилди. Тошкентдаги тўйдан ўн кун кейин кишлоққа тўй берди. Шаҳриёрларнинг уйига одам тўлиб кетди. Тошкентлик келинни кўрамиз, деб яқин атрофдаги хотин-халаж оқиб келаверди. Шаҳарлик келиннинг шохи бораканми, билмайман...

...Тўй тарқади. Меҳмонлар ҳам. Қудаларни Пиримкул Самарқандгача кузатиб қўйди.

Эртаси куни эрталаб шаҳарлик келин эрта туриб ховлига сув сепиб, супура бошлади. Бўстон хола «Кўйинг, болам, ўзим супураман. Сиз ҳали меҳмонсиз», деди. Келин «қўл-оёқлигина» экан, қайнонасининг гапига кўнмади.

Ниманидир кўрдими, Олапар бирдан зарб билан во-вуллади. Келин итни ечиқ деб ўйлади, шекилли, додлаб юборди. Бўстон хола югуриб қолди: «Кўрқманг, келин, кўрқманг. Олапар бойланган. У сизга индамайди... Билади». Қайнонасининг гапидан келин ҳайратланди. «Нега энди менга индамайди? Билар эмиш. Қаттан билади?».

Нонуштадан кейин келин бу гапни Пиримкулга айтди. У ҳам онасининг гапини маъқуллади. «Кўйсангиз-

чи. Ит қатган билади», деди келин. «Кўрасиз-да... Ўзингизам ҳайрон қоласиз хали». Пиримқул шундай деди-да, Шаҳриёрни чақирди.

— Шаҳриёр, янгангни Олапарди олдиға олиб бор. Келиннинг кошлари чимирилиб кетди.

— Вой, нима девоссиз, қўрқаман.

— Қўрқманг, — деди Шаҳриёр, — Олапар индамайди. У одамни танийди.

У яримта нон олиб келди-да, янгасига тутқизди.

— Манг, шуни берасиз Олапарға.

Олдин Шаҳриёр, орқасидан келин эргашди. Улар яқинлашганда Олапар ётган жойидан туриб, думини ликиллатиб эркалана бошлади. Унинг ҳайбатини кўриб келин ваҳимаға тушди: «Вой, қўрқвомман!».

— Олапар, — деди Шаҳриёр, — мана янгам... Нонни беринг.

Келин нонни синдириб Олапарға отди. Шаҳриёр кулди.

— Отманг, олдиға бориб узатаверинг. Индамайди. Ёкмаган одамини кўрса узокдан вовуллаб ташланаверади. Кўряпсизми, олдиға келсангиз ҳам индамай турипти-ку.

Келин Олапарға яқинроқ борди.

— Олапар, Олапар, — деди кўрка-писа. Бир бурда нонни унга узатди. Олапар унинг кўлидан нонни олиб еди.

— Яна беринг.

Келин ноннинг қолганини берди.

Олапар жонивор нонни еди-ю, индамай тураверди. Худди келинни бир неча йилдан бери биладигандай, унга қараб эркаланди.

Уларни Бердиқул бобо айвонда кузатиб турарди. Аввалиға у ҳам чўчиди. «Ит-да, билиб бўладими, бирдан ташланиб қолса, келин кўркиб кетиши мумкин». Йўқ, Бердиқул бобонинг хавотири ортиқча эди. Олапар миқ этмади.

Шаҳриёр билан келин айвонга қайтишди.

— Ҳа, қалай экан, — деди Пиримқул кулиб. — Энди ишондингизми?

Келин ҳам қулимсиради.

— Мани еб қўйса керак, деб ўйловдим.



Келиннинг бу гапи Бўстон холага жуда эриш туюлди.

— Ўзини есин-эй. Ундай деманг-э, болам. Яхши гапгайм, ёмон гапгайм фаришта омин, дейди.

Бўстон холанинг соддалигидан келин билан Пиримкул маза қилиб кулишди.

Уч-тўрт кундан кейин келин кўркмай Олапарнинг олдига борадиган бўлди. Олапар ҳам келинга ўрганиб қолгандай, уни кўриши билан думини ўйнатиб, эркаланаверади. Келин эса унинг овқатини, сувини қуяди. Қизиқиш билан Олапарга нималарнидир гапиреди...

Шаҳриёр янгаси билан кадрдонлашиб қолди. Келин ундан кўп нарсаларни қизиқиб сўрайди. Шаҳриёр ҳаммасини эринмай айтиб беради. У эса Тошкент ҳақида, институтлар ҳақида сўрайди. Янгаси унга Тошкентга ўқишга боринг, деди. Унинг қизиқувчанлиги, муомаласи, ширин-ширин гапириши келинга маъқул тушди...

Августнинг охирларида Пиримкул билан хотини Тошкентга жўнаб кетди. Бундан Шаҳриёр анча маҳзун тортди. Хайрлашаркан, янгаси Шаҳриёрнинг қўлини қисди-да:

— Тошкентга боринг, Шаҳриёр, — деди.

Шаҳриёр хўп оҳангида бош ирғади...

## Учинчи боб

### Иштиёқ

Шаҳриёрнинг уйқуси қочиб кетди. Гоҳ у нарсани, гоҳ бу нарсани ўйлайди. Ёз давомида кечган воқеалар кўз ўнгидан ўта бошлади. Самарқанд сафари, куён қувлаш, Анварнинг оёғига темир кириб кетиши, Тошкент, метро, тўй, янгаси... Ҳаммасини бир-бир ўйлаб чиқди. Анвар эсига тушганда юраги сиқилди. Голиб қаерданам топиб келди шуни. Анвар бечора шунча азоб тортди.

Хаёли мактабга кўчди. Икки-уч кундан кейин ўқиш бошланади. Яна эрталаб барвақт тур, дарс тайёрла, китоб ўқи... Темировнинг ҳар хил ҳангомалари... Синф-

дошларини ўйлади. Улардан кўпчилигини мактаб ёпилгандан бери кўргани йўқ. Ким қаерга борди экан?

Синфдошлари билан кўришишни ўйлаганда Шахриёрнинг юраги гупиллаб кетди. Ўқишнинг дастлабки кунлари ҳаяжонли бўлади. Ҳамма ёз давомида кўрган-ёшитганларини гапириб беради. Маза... Нилуфар қандай экан? Уям бирон жойга томошага бордимикан? Уларнинг қишлоғига иш билан икки-уч борди, лекин уни учратмади. Бир марта ҳатто уларнинг кўчасидан ўтди, дарвозаси очиқ экан, ичкарига мўралади ҳам. Бироқ ҳеч ким кўринмади. Хаёли энди Нилуфар атрофидан нари кетмади. Бутун синфдошлари орасидан у алоҳида бўлиб кўринаверди. Узоқ хаёл сурди. Сўнгра ширин тамшаниб қўйди. Қачон ухлаганини ўзи ҳам билмайди. Олапарнинг безовта ҳолда вовуллаганидан уйғониб кетди.

У юзини ювиб артинаётгани, сигир соғиб бўлган Бўстон хола молхонадан чиқди. Онасига салом берди.

— Ваалайкум ассалом, — деди Бўстон хола. — Яхши ётиб турдингми, болам. Анвар жўранг кепти-ку, эшитдингми?

— Йўқ. Қачон кепти?

— Кеча тушдан кейин. Боя акасини кўрдим. «Анвар яхшими? Оёғи тузалиб қолдимми?» десам, ҳа, тузук, келди, деди. Бир бориб кўриб келгин.

Шахриёр чой-пой ичмаёқ Анварнинг олдига чопди. У ҳам энди турган экан. Иккови кучоклашиб кўришди.

— Тузалиб кетдингми? Темирни олиб ташладими?

— Йўқ, — деди Анвар, — Ҳозир олиб бўлмаскан. Яра энди тузалапти. Яна ўн-ўн беш кун дўхтирга қатнашим керак. Икки-уч кунда дори қўйиб боғлаб турсин, деди.

— Темирди қачон олади? Яна ётасанми касалхонага?

— Ренгин қилади. Агар жойида турган бўлса олмас экан. Тураверар эмиш, ҳеч қандай зиён қилмас эмиш. Абдумутал ака айтди.

— Абдумутал аканг ким?

— Менга қараган врач-да! — деди Анвар врачга ўзини яқин олиб. — Агар темир суякка келиб қадалса

олиб ташлаш керак экан. Меники суякдан анча олис-да.

Иккови бирга нонушта қилди. У ёк-бу ёкдан анча гаплашиб ўтиришди. Шаҳриёр Тошкентга бориб келгани, акасининг тўйи ҳақида хикоя қилиб берди. Метрони, фаввораларни, Тошкентдаги баланд-баланд иморатларни ҳаяжонланиб сўзлади. Эркин Комилов билан кўришганини, тўйни шу бошқарганини айтганида Анварнинг кўзлари чараклаб кетди.

Телевизорда чиқадиган Эркин Комиловми? — деб сўради ҳаяжон ила.

— Ха, — деди Шаҳриёр керилиб, — Ўша. У акам билан ошна экан.

Шаҳриёрга Анварнинг ҳаваси келди.

— Маза қип кепсан-да!

Анварнинг гапи ўйчан, бирмунча маҳзун чиқди. Шаҳриёр жўрасининг кўнглини кўтарди.

— Шу топда касал бўп қолганингни қара. Бирга борардинг биз билан.

Ташқарида кимнингдир гапиргани эшитилди. Анварнинг онаси: «Келинлар, болаларим, келинлар. Анвар ичкарида Шаҳриёр билан гурунглашиб ўтирипти», деди.

Ғолиб, Акбар, Акмал кириб келди, Анвар уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида врач нима деганини гапириб берди. Оёғининг ярасини ечиб кўрсатди.

— Мактабга борасанми? — деб сўради болалар.

— Бораман. Ичим қизиб кетди ўзимниям.

— Шарифнинг қулоғининг ёнига сенинг оёғинг қўшилди, — деди Акбар кулиб. Ҳаммаси кулишди.

— Ишқилиб Темиров билмасин. Билиб қолса гапирариб одамни безор қилади.

Анварнинг гапига яна кулишди.

Кечга томон болалар тарқалишди.

Шаҳриёр уйга келувди, онаси унга хат узатди.

— Акангдан хат келди, болам. Ҳозиргина почтачи бериб кетди. Ўқи-чи, эштайлик...

Шаҳриёр конвертга кўз югуртирди-да, ичини очиб ўқий бошлади.

Бўстон хола ўвлига анграйиб қаради-да:

— Овозингни чиқариб ўқи, — деди.

У ҳозир деб, аввал ўзи ўқиб олди. Кейин товушини чиқариб онасига ўқиб берди.

Пиримқул яхши етиб боришганини, эрта-индин ўзи ишни, хотини ўқишини бошлашини ёзипти. Ота-онасининг, укаларининг соғлигини сўрапти. «Ўзинг қалайсан, — дебди Шаҳриёрга. Мактабга тайёргарлик кўраяпсанми? Анвар жўрангни оёғи тузалиб кетдими, касалхонадан чиқдими?».

Акасининг хати билан бирга пакетда яна бир кичкинагина қоғозча бор эди. Уни янгаси ёзипти, Шаҳриёрга. Хол-аҳвол сўрапти. Мактабни битириб Тошкентга ўқишга келинг, депти.

Хатни ўқиб Шаҳриёр суюниб кетди. Тезроқ мактабни тамомлаб Тошкентга бориш иштиёки жўш урди қалбида.

— Мактабга оборадиган нарсаларинг тайёрма, болам?

Онасининг гапи унинг хаёлини бўлди.

— Ҳозир тайёрлайман, — деди у завқ ила.

Тошкентга ўқишга бориш учун яхши ўқиш керак. Фақат беш олиш зарур. Бўлмаса институтга кириш қийин. Ахир у Тошкент бўлса...

Шаҳриёр шу ният билан китоб-дафтарларини тайёрлашга киришди.

Ҳалигина мактаб бошланаётганидан сал бўлса-да, оғриниб турган Шаҳриёр энди ўқишни орзиқиб кута бошлади. Орадаги икки-уч кун ҳам узокдай туюлди...

1987 йил

## ҚУЁШ МЕН ТОМОНДА

### Анор

Лопиллаб ёғаётган лайлакқор ҳали-бери тинадиганга ўхшамайди. Чошгоҳда куралган ҳовлини, томни, очилган йўлакларни яна қор кўмди. Шунга қарамай, совуқ эмас. Одатда қор ёғаётганда ҳаво илиқ бўлади; қор тиниб, осмон очилиб кетдими — тамом, совуқ авжига чиқади, айниқса, кечаси совуқнинг захрига чидаб бўлмайди. Бундай пайтда ҳўл қўл билан темир-пемирни ушласанг қўлинг чиппа ёпишиб қолади.

Оёғини иссиқ сандалга тиқиб ётган Қаландарнинг икки кўзи дарчадан ташқарида. Лекин ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Ҳовлида нур йўқ, буралаб ёғаётган қор ғира-ширада чанг-тўзонга ўхшайди. Тўққиз болорли уйнинг шифтига осилган еттинчи лампа хонани базўр ёритади.

Бардоди эшикнинг бир тавақаси очилиб, Жаннат хола кирди.

— Мунча ёвди-я, бу қор? Шу ёғишда эрталабгача одам бўйи бўлади, — деди ўзига-ўзи, кавушининг қорини остонага қоқар экан. — Қаландар, ухладингми? — деди унга юзланиб.

Қаландар кўрпадан бошини сал чиқариб онасига қаради.

— Ҳа, эна? Нима? — деди.

— Қорди айтаман-да, болам, тинмаганини қара. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди, отангдан дарак йўқ. Эшак ўлгур нимжон, бирон жойда йиқилиб-нетиб, отангни сарсон қилган бўлмаса гўрга эди!

Қаландар кўрпани елкасигача туширди-да, катталардай ёстикқа тирсақлади.

— Отам қаерга кетганлар ўзи?

Онаси камзулини ечиб, жойига кирар экан:

— Тегирмонбошига. Бировда ишим бор, тез қайтаман, деб кетувди, Билмадим, нимага бунча ҳаяллади, — деди.



— Ха-а, — деди Қаландар. — Акам-чи! Акам ким-никига кетди?

— Қодир аммангникига кетди. Поччанг ўзини билмай ётганмиш. «Кичкина болалар билан бир ўзим қўрқаман. Қодир чиқиб ётсин», деб юборибди амманг.

Аммаси — отасининг синглиси, беш-ўн ховли нарида туради. Жуда қўрқоқ, эри тўйгами, улфатчилик-ками чикса ҳам «Болаларингиздан биронтаси келсин», деб янгасига одам юборади. Бир-икки марта Қаландар ҳам бориб ётган. Аммо аммаси уни кўп хушламайди. Бунинг сабабини Қаландар ўзича тушунади.

Болалигида Қаландарнинг галати одатлари бор эди. Онасининг елкасига миниб оларди-да, фалончини-кига олиб бор, пистончини-кига кетдик, деб буйруқ берарди. Жуда кўнгилчан, болалари раъйини қайтариб ўрганмаган онаси индамай Қаландар айтган жойга кетаверар эди.

Кузнинг қуёшли кунлари. Жаннат хола офтобрўяга пўстакчани солиб, тикиш қилиб ўтирар эди. Югуриб келган Қаландар онасининг елкасига минди-да, «Аммамга», деди. Она бечора ўзи ҳам зерикиб, ўтирган эканми ё ўрлининг кўнглини қолдиргиси келмадими — ҳарқалай, индамай ўрнидан турди. Қаландарни опичлаб, қайнсинглисиникига йўл олди.

Хадича дастурхон ёзди, чой қўйди. Қаландар тоқчада тахланиб турган чойнак-пиёлаларни томоша қила бошлади. Қип-қизил гули лоладай яшнаб турган хумчойнакни даст кўтариб, онасига қаради-да: «Синдир-а...», деди. Жаннат хола «Хай-хай» деб ўрнидан тургунча қўлидаги чойнакни тоқчадаги идишларга қарсиллатиб урди. Иккита чойнак, уч-тўртта пиёла чил-чил синди, Жаннат хола бечора жуда мулзам бўлди. Ўрлини койиди, чаккасига бир шапалоқ урди. «Хафа бўманг, аммаси, акангизга айтаман, янгисини олиб берадилар», деб қайнсинглисига тасалли берди. Хадича ичидан зил кетган бўлса-да, сир бой бермади.

— Ха, майли янга, бола-да, ҳали. Катта бўлса жиянимнинг ўзи бундан ҳам яхшилари-дан олиб беради аммасига, — деди чойнак-пиёлаларнинг синирини тераркан.

Қаландар шапалоқ тушган чап юзини ушлаганча «Олиб бериб бўпман» дегандай бурчакда хўмрайиб ту-

рар эди. Шундан кейин дастурхонга совуқкина фотиха ўқилди. Жаннат хола «Бориб туринг, аммаси», деб ўрнидан турди.

Жаннат холанинг қайнсинглисиникига, Қаландарнинг аммасиникига охирги бориши эмас эди. Бундай воқеалар бир неча марта бўлди. Қанча пиёлаю чойнак, косаю лаганлар чил-чил синди. Охири аммаси Қаландарга каттиқ дашном берди, лекин булар унга зиғирча таъсир қилмас, аксинча кўпроқ аммасининг жигига тегар эди.

Булар ҳам майли-ю, бир куни жуда ёмон бўлди. Қаландар аммасининг ховлисида ўйнаб юрган эди. Товуқлар ҳам бир яйрасин, деб Хадича катакни очди. Ўнтача товуқ қақағлаб, йиллаб қамокда ётган бандидай уй орқасидаги чорбоққа югурди. Қаландар товуқларнинг орқасидан чопди. Ўртада кетаётган катта қизил хўрозга унинг жуда хаваси келди. Хўроз у ён-бу ёнга дадил қарар, салобат билан ку-кулар, юришлари жуда маррур эди. Унинг қизил патлари офтобда чўғдай товланар, ўроқдай эгилган думи турли рангда жилоланар эди. Қаландар уни кузатиб турди. Бирдан хўрозни ушлагиси, рангдор патларини силлагиси келди. Чорбоқни айлантириб роса қувди, аммо ушлаёлмади. Охири Қаландар чарчади, ўпкаси оғзига тикилгудай ҳарсиллар, базўр нафас олар эди. Хўроз эса бостирмага чиқиб, «Қўлингдан нима келди?» дегандек Қаландарга қараб овозини баралла қўйиб кичкирди. Унинг бу қилиғи Қаландарга жуда таъсир қилди. «Шу битта хўрозга масхара бўламанми?» деб ўйлади. «Шошмай тур, ҳозир кўрсатиб қўяман сенга». У муштидай бир тошни олиб хўрозга ўқталди. «Оёғини мўлжаллаб урсам, чополмай қолади, кейин ушлаб оламан». Қаландар қўлидаги тошни жаҳл билан хўрозга отди. Бошини маррур кўтариб, атрофга аланглаб турган хўроз бир қар деди-ю, бостирмадан пастга қулаб тушди. Қанотини бир-икки силкиди-да, оёқларини чўзиб жим бўлиб қолди. «Қўлга тушмас экансан-а! Бопладимми?» Қаландар хўрошни аста ердан кўтарди. Унинг мўлжали ногўври кетган, тош хўрознинг оёғига эмас, бошига теккан, у қўзларини олайтириб чўзилиб ётарди. Қаландар нима қиларини билмай турувди, бостирмадан ўтин олмоққа келаётган аммасига кўзи тушди. Юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Ҳозир бобиллаб беришини

сезди-ю, ўлик хўрозни бир чеккага улоктириб, ўзи шаталоқ отиб қочди. Шошганда лаббай топилмас, дегандай ховлиққанидан хўрозни аммаси томонга отди. Оёғи остига бир нарса шалоп этиб тушганидан чўчиб кетган Хадича эс-хушини йиғиб олиб қараса, катта кизил хўрози ўлиб ётибди.

— Войдод! Бу зумрашанинг дастидан на чойнак-пиёлам, на коса-товоғим, на хўрозим қолди! Вой дод! Ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога?!

У хўроз ўлигини кўтариб, Қаландарнинг орқасидан югурди. Аммаси кувиб келаётганини кўрган Қаландар уйга кирмай, катта кўчага қараб қочди.

Ўшанда Хадича ўлик хўрозни янгасининг олдига ирғитиб, хўп жавраган, Қаландарингиз бундан буён ховлимга кадам босса оёғини уриб синдираман, деб пўписа қилиб кетган эди...

Ана шу қилиқлари учун аммаси уни унча хушламас эди. Бўйи чўзилиб, эсини танигач, бу одатларини ташлади, анча мулойимлашиб қолди. Лекин аммаси унга сира ишонмас, акаси билан янгасига гоҳ ҳазил, гоҳ чин қилиб «Бунингиздан одам чикмайди. Ё ўғри, ё каззоб бўлади», деб кўяр эди...

Қаландар ҳозир шуларни эслаб, ўзича кулиб кўйди.

«Бечора аммам. Кўп вашига тегдим-да, шўрликни... Поччамга нима қилди экан? Анчадан буён ётипти...»

— Қаландар, ухладингми болам? Индамай қолдинг, — деди онаси.

— Йўқ, — деди Қаландар. — Ўзим, шундай хаёл суриб ётибман.

Ховлида қорни ғарч-ғурч босган оёқ товуши, кимнингдир «их-их» деган овози эшитилди.

— Отам келдилар чоғи, — деди Қаландар деразадан ташқарига мўралаб. — Ҳа, ана орилга ўтиб кетдилар.

Жаннат хола ўрнидан туриб камзулини кийди. Пасайтириб қўйган чироқ пилигини кўтарди.

— Хайрият-эй, эсон-омон келдилар.

Шодиёр бобонинг оёқ товуши эшитилди. У этининг қорини ерга қоқар эди. Жаннат хола эшикни очди.

— Келдингизми? Ўлдим хавотир олиб! Мушча кеч қолдингиз?

— Ха, тутилиб колдим. Устига-устак қорни қара, эшак базўр юрди, жуда қийнаб юборди-да. Болалар ухладими?

— Қаландар уйроқ. Чакмонингиз қани? Шодиёр бобо тўнини ечиб, хотинига узатди:

— Оғилга ечиб қўйдим.

— Оғилга? — деб хайрон бўлди Жаннат хола. — Нимага оғилга ечасиз?

Шодиёр бобо одатан камгап одам. Бировнинг сўровига ҳам «Ха» ё «Йўқ», деб қисқа жавоб беради. Шунданми, эзма одамларни унча ёқтирмайди. Ҳозир ҳам хотинининг ижикилаб сўрашидан гаши келди. «Ўзи не азобда келсам-у, бунинг эзмалик қилишини қара!»

— Ха, оғилга! Бўлдими?

Эрининг одатини яхши билган Жаннат хола гапни қисқа қилди.

— Чой ичасизми? — деди астагина.

— Майли, дамлаб кел, бир пиёла иссиқ чой ичай. Сал баданимга илиқ югурсин. Робияниқига кирувдим...

— Кирдингизми? Яхши қипсиз, қандай, тузукми? Куёвингиз, қудалар саломат эканми?

— Сўраворди.

— Худой сўрасин. Нима бало, Робиянинг дараги бўмай кетди, ҳеч келайям демайди...

Шодиёр бобо сандалга оёғини узатиб, ёстикқа ён-бошлади.

— Рўзғор-тирикчилик... Бу қишли-кировли кунда келиб-кетиш ҳазилми? Хадичаниқидан хабар борми? Куёвнинг сихати яхшимикан?

— Боя Эшпўлат келувди, Қодирни эргаштириб кетди.

Шодиёр бобо хавотир билан сўради:

— Нима оғирлашиб қоптими?

— Йўқ. Энаси юборган экан, кечаси қўрқаман, Қодир келиб ётсин, депти.

— Ишқилиб худо ўзи шифо берсин-да, — деди Шодиёр бобо.

— Табиб-пабибга кўрсатай деса — қўли калталиқ қилади.

— Домиллага ўқиттирди-я,

— Икки-учта домиллага ўқиттирди. Бирон наф

бўлмади. Қайтанга эшигидаги ситиридан айрилгани қолди. — Шодиёр бобо пиётани хотинига узатар экан, ачиниш ила деди: — Бу домилталарга ҳам хайрхонман. Тўрт марта куф-суф дейди-ю, битта қўй сўрайди. Тауба килдим, худо ўзи кечирсин. шуларнинг инсофу диёнатига ҳам ишонгим келмайди.

Жаннат хола чуқур хўрсинди.

— Йўқчилик қурсин-да. Олло-таоло камбағал қилиб яратганга яраша дардан форит этса нима бўларкан-а.

— Худога шак келтирма! Дардни ҳам суйган бандасига беради, эгам. — деди Шодиёр бобо. — Қани, омин, — фотихага қўл очди. — Таомди хаки, балони даф қил, кўп берсин, қўл берсин, кенг феъл, кетмас давлат, тани сихат, хотиржамликни берсин, кўпга берсин, кўп қатори бизга берсин! Жазака алло хайран касира, оллоху акбар!

Жаннат хола дастурхонни йиғиштирди. Шодиёр бобо маҳсисини ечаркан:

— Жой сол, Қодир<sup>1</sup>, одам жуда толикиб кетди, — деди.

Қаландар индамай ётар, у отаси чакмонини нима учун офилхонага ечиб келганига хайрон эди. Шодиёр бобо бир жойдан келса, одатда дарвозадан кириши билан «Қодир! Қаландар! Эшакка қаранглар!» деб бақирарди. Бугун индамади. «Демак, бир гап бор. Отам нимадир олиб келган. Кўпинча бирон тансиқроқ нарса олиб келса шундай қилади...». Очкаганидан қорни қулдираб кетди. Оқшом ичгани бир коса аталанинг кучи қанчага етар эди? Лекин бошқа нима илож бор? Бировларнинг уйида шу атала ҳам йўқ-ку. Ҳозир Қаландарнинг нимадир егиси келди. Бироқ нима ейди? Камбағалнинг боласи сабр-қаноатли, чидамли бўлади. Ойда еган тўқ, кунда еган сук, дегани шудир-да.

Жаннат хола жой солиб, лампанинг тепасидан пуфлаб ўчирди. Уй зимистон бўлди-қолди. Қаландар миқ этмас, ота-онасининг ухлашини пойлар эди. «Улар ухлаб қолишса, секин офилни бориб кўраман. Қани, отам нима олиб келди экан!» У анча ётди. Отаси пишпиш қилди. «Ухлади шекилли».

Қаландар аста ўрнидан турди. Елкасига чопонини

<sup>1</sup> У хотинини ўзлининг номи билан чақирар эди.



ташлаб, оёғига калиш илганча ташқарига чиқди. Жаннат хола буни сизди, аммо «Хожатга чиқаётгандир-да», деган хаёл билан бир сўз демади.

Қаландар оғилга кирди-да, пайпаслаб отасининг чакмонини топди. Устунга илиб қўйган экан. Чакмоннинг қўйин киссасини кавлади: ҳеч нарса йўқ. Иккинчисини кўрди: қаттиқ, бир нарса қўлига тегди. Сесканиб кетди. Олиб у ёқ-бу ёғини пайпаслаб кўрди! Анор! «Яна бормикан?» Чакмон киссаларини титкилади — бошқа йўқ. «Биттагина анорни қаердан олдилар экан? Нима қиладилар буни?.. Есаммикан? Кейин, эртага уришсалар-чи?.. Ие, мен еганимни қаердан билиб ўтириптилар. Барибир эртага ўзлари берадилар шуни. Ҳаммамизга бир тишламдан тегеди. У нима бўларди. Ундан кўра бир шаҳар обод бўлсин. Эртага ҳеч нима кўрмагандай ўтираман. Туя кўрдингми — йўқ. Вассалом».

Қаландар анорни шу ерда емоқчи бўлди. Бир-икки тишлаб, анорнинг пўстини артишга тутинди. Бироқ оғил совуқ эди, бунинг устига енгил кийинган. «Яхшиси, уйга кирман. Ҳамма ухлаб ётибди. Кўрпага бекиниб аста-секин ейман».

Уйга кириши билан «Қаландар», деган овоз кулоғига чалинди. Юраги шув этиб кетди. «Билган бўлса-я». Қўлидан анорнинг тушиб кетишига сал қолди.

— Ҳа, Қаландар, мунча ҳаялладинг? — деди онаси.

Қаландар худди онаси кўриб қоладигандай анорни қўйнига тикди. Онасининг гапига дарров жавоб топди:

— Қорним оғрияпти, — деди хаста товуш билан.

— Ўралиб ёт, босилиб қолади. Совқотгандирсан. Қаландар индамай жойига кирди. Анорни ейин деса — онаси уйроқ, емай деса — нафси қўймапти.

Ахир гупиллатиб қор уриб турган киши чилласида анор ейишнинг гаштига нима етсин!.. Анорни кучоқлаб, индамай ётди. Назарида онаси ухлагандай туюлди. Таваккал деди-ю, анорни фарчча тишлади.

— Нима у, Қаландар? — деди онаси.

«Ҳали ухламаган экан-да».

— Қорним оғрияпти, — деди Қаландар. — Қулдираяпти.

- Совкотяпсанми?
- Ха, — деди у.
- Ке бўлмаса ёнига.

Қаландарнинг кўраги шунчалар катти. Бир вақт қўли қолди.

— Йўк, жойим экан. Ушбу исми қолганим. Ташқарига чиққанга совқолдим-да. — деди Жаннат кўлга олиб.

Иккови ҳам жим қолди. Бир чўйниқ чўй ичганича вақт ўтар-ўтмас Қаландар анорни яна бир тинчлатди. Жаннат хола ҳамон уйғок экан.

— Яна оғрияшгани. Қаландар?

«Оббо, — дея ўйлади у. — нима бўлди энди? Ҳа, мунча ухлаши кийин?»

— Ха, — деди астагина. — Устемга яна битта кўрпа ёпиб қўйинг. Иссиқроқ бўлсин.

Жаннат хола тахмондан кўрпа олиб, Қаландарнинг устига ёпди.

— Бошларингни ҳам ўраб ёттин, исиб қолсан. — деди меҳрибонлик билан.

Қаландар бир оз сабр қилди-да, сўнгра анор ейкича давом этди. Энди Жаннат хола индамасди. Чамаси ухлаб қолган эди. Қаландар анорни еб тамомлади. «Йўқовики нима қилсам экан?...». Топдим, ташқарига олиб чиқиб ташлайман. Қорнинг остида қолиб кетади. Эмам туруганимни билиб қолса, яна қорним оғриди дейман». У аста ўрнидан турди, чопонини кийди. Эпикки илми борича ғийқиллатмай очди. Совукда уюқроқка ёришга эринди-да, пўчокни уйнинг орқасига уюқтирди...

Шодиёр бобо бомдод намозини ўқиди-ю, оғилга кириб молларга хашак ташлади. Устунда осирлик чакмонини олиб, киссасига кўл солди: анор йўк! Хайрон бўлди. «Ким олиши мумкин? Ёки йўлда тушириб қўйдимми? Йўр-э! Оғилга кириб, чакмонни еганимда кўрувдим — турувди». Фазаби қайнади. Сандалга чўр солиш учун ўчоққа ўт қалаётган Жаннат холага яқин келди.

— Анорди ким олди?

Томдан тараша тушгандай берилган бу саволдан Жаннат хола каловлаб қолди.

— Анорди? Қайси анор?

— Чакмонди киссасида эди, — деди Шодиёр бобо

жахл билан. — Кеча Тегирмонбошидан олиб келувдим. Анави куёв шўрлик неча кундан бери туз тотмай ётипти. Шунга олувдим бировдан сўраб. Оғзига ёқармикан, деб ўйловдим.

— Билмадим... Билмадим... Энди сиздан эшитялман буни.

— Билмайсан! — деди Шодиёр бобо баттар тутуқиб. — Шу Қаландаринг бир бало қилган.

Эрининг жаҳли чиққанидан юрак ҳовучлаб турган Жаннат хола базўр юрак ютиб, деди:

— Қўйсангиз-чи, қаёқдаги гапларни гапирасиз-а. Бечора болам кечаси билан ташқарига зир қатнаб чиқди. Қорни оғрипти. Ҳозир ҳам туролмай ётипти.

Шодиёр бобо ўзича гудранди: «Бир нарса жойида турмайди-я. Қанақа бола ўзи булар?..»

У деворга суялган куракни олиб, йўлакларни кураш бошлади. Ҳовлининг икки-уч кулоч жойини қордан тозалади. Кейин уйнинг ёнини, орқа томондан бостирмага борадиган йўлакни очди. Важоҳат билан қор кураш экан, қор ичида бир-иккита сарғиш-пушти нарса кўзига чалинди. Курак билан титкилаб қараса, анор пўчоғи. Лоп этиб хаёлига хотини айтган гап тушди: «Қорни оғриятти. Ташқарига зир қатнаб чиқди...»

Шодиёр бобо куракни қор уюмига тикди-ю, ошхонага кирди.

— Менга қара, Қаландар кечаси билан ташқарига зир қатнаб чиқди, қорни оғрипти, дедингми?

— Ха, — деди Жаннат хола эрининг яна қайтиб келганидан хайрон бўлиб. — Нимади?

— Бунингни хийласи кўп. Шу бир бало қилган. Катта ойна қани? Менга топиб бер!

— Ойнани нима қиласиз шу топда?

— Пишириб ейман! Бунча чайналдинг, топ дегандан кейин топ-да.

Жаннат хола индамай кичкина уйга кириб кетди-да, зум ўтмай чинни товоқдай келадиган ойнани кўтариб чиқди. Шодиёр бобо ойнани олиб, Қаландар ётган уйга кириб кетди. Жаннат хола унинг орқасидан эргашди.

Шодиёр бобо Қаландарнинг тепасига борди. Кўрпани кўтариб, унинг юзига термилди. Кейин ойнани ўғлининг юзига рўпара қилдида, бақирди:

— Вой, болам, вой болам! Болам-эй, болам-эй. Бу

овоздан Қаландар чўчиб уйвонди. Идрис турмоқчи эди, бўлмади, — пешонаси бир нарсага қарс урилди. Топасида катта ойнани кўрди. Аввалига Қаландар ажабланди. Отаси нега бундай қилаётганига хайрон бўлди. Шоднёр бобо ҳамон доллар эди:

— Вой болам, вой болам...

Қаландар ойнада ўзини кўрди. Лаблари, оёқларининг атрофлари коп-қора. Бу анорнинг доре эди. Шунда у отасининг нега учун бундай қилаётганига тунгунди.

Шоднёр бобо ўқигида қарамас, ўзгича дол солар эди:

— Нафсигиванга ўт тунгун. Қасам одамга яшиқ келувдим-а, қасамга. Шу бир дора анорни, деф қанча одамга эландим-а кеча... Бу бўйининг сингун қуритилди-кўйибди. Вой болам, вой болам-а...

Қаландар нафсе бурчлик келиди, бемарга яшиқ кўл урганни чен келиди тўғри. Дарини яшиқ бўлар яшиқ бўлган, фишт қолдириб қўчиб эди. Э қасамга отасининг ялиниб-ёлвориб узр сўрашга, бундай қасамга мулкка бунака ножўя ишлар қилаётганини учун сўз беришга, қасам ичишга тафёр эди. Бундан у отасининг нафсини яхши билади. На ялиниб-ёлворилар, на узр сўрашлар Шоднёр бобонинг ўтлар қасамини қамқатиларди. Э қасамга, индамагани маътул ўра ўради...

Отасига Қаландарнинг раҳми келди. Унинг оғриқ гарчилигига, соғуқ демай, қор демай бемарга урғу малҳам бўларми, деф ушқ қашлакка ағил сўраб, қоргани, кишининг қирқилмасига ағил қилиб, қоргани учун отасига қойил қолди, қасам қолди. Бундан қасам ҳозир унинг гап-сўзларига қўлқ қолдирибди, қасамга, дилида отасидай одамларга мақдурим, қасамга бўлганга онт ичди. Унинг кўзларини отасига жамқуриб, қорқиларди, бироқ қалби унсиз хайкилар эди.

Қаландар бир хафтага отасининг қорқиб қилди қорқиб қорди. Бора-бора отаси бу қасамга қўлиб, қилдирибди, қор замон-қор замон кети келганда, «Қа, Қаландар, қорнинг оғрияптими?» деф қасамлашди, қўли. Бундан ана шу қазил ҳам унинг бўйинини ҳам қилар эди...

## Қоровул

Тўй бўлади, деган гапни эшитса Қаландарнинг авзойи бузилади. Тутун чиққан жойдан қолмайдиган Хадича аммаси эрига эргашиб тўй-тўйлайди. Қаландар эса уларникига бориб, туни бўйи қоровуллик қилади. «Хотин деган ҳадеб тўйга чопавермаса-да, — деб ўйлар эди Қаландар. — Аммамга ҳазиллашиб айтса — ростдан боради-я».

Қаландар бир нарсага ҳеч тушунмайди. Қайси қариндошининг болалари ёлғиз қолса — уларга қарагани, албатта, Қаландар бориши керак. Кошки унинг бунга хоҳиши бўлса. Шуни деб ота-онасидан бир неча гап ҳам эшитган: «Сени одам, деб келган амманг бечора! Бир кеча бориб ётсанг беклигингдан тушиб қолмайсан! Ё аммангнинг уйида илон кўрганмисан, жувонмарг?! Катта одам бўлиб, қоровулликка яраб қопсан-у, ўзингни бозорга соляпсанми?! Эрта-индин болаларининг бўйи етиб қолар, бир умр сенга эланиб юрмас ахир...».

Қаландар бу гаплардан баъзан хафа бўлса, гоҳида парво қилмайди: «Энамнинг ҳар доимги маталида. Аммамнинг юриши кўп бўлса, нима, мен унинг навчасиманми?»<sup>1</sup>.

Бугун ҳам эрталабдан ана шу қарта қўйилди. Нонушта маҳали Жаннат хола Қаландарга:

— Қаландаржон, бугун амманг Терсакка бормоқчи экан... — деди.

Қаландар онасининг мақсадини тушунди:

— Уйига бориб ётмайман.

Аввалига онаси ҳам, отаси ҳам, акаси ҳам кулиб юборди. Лекин зумрашадай ўғлининг гапини лоақал охиригача эшитмай, сўзини бўлгани Жаннат холага алам қилди.

— Нимага бормайсан? Сени биров еб кўядими? Қаландар жуда шўх-шаддод бўлиб ўсди. Онаси ҳам кўпда унинг раъйини қайтармади. Отаси эса «Майли, катта бўлиб, эси кириб қолар», дер эди. Аммо бировникида ётиб қолишни сира хуш кўрмайди. Болалигида ҳам онаси билан бирон жойга меҳмонга борса ётиб

<sup>1</sup> *Навча* — хизматкор.



қолмас эди. Эсида: етти-саккиз ёшларда эди. Эрта баҳор кунлари онаси тоғ оралиғидаги Кўзичи деган кишлоққа бемор тоғасини кўргани борди. Ўйнаб келади, деб Қаландарни ҳам эргаштирди.

Қаландар кечгача кўни-кўшнининг болалари билан ўйнади. Оқшом тушгач, онасининг ёнига келиб, «Кетамиз», деди. «Кеч бўлди энди, қандай кетамиз», деди Жаннат хола. Қаландар сўзида туриб олди. Онаси уришди, алдади, урди — фойдаси бўлмади. У йирлар, фақат бир сўзини такрорлар эди: «Кетамиз!» Ташқарида ёмғир пақирлаб қуяр, атроф зимистон. Уй эгалари ҳам кўп тавалло қилишди — бўлмади. — Қаландар сўзидан қайтмади.

— Майли, болани кўп қийнаманглар, — деди Жаннат холага хаста тоғаси. — Бир томондан ўғил боланинг шундай бир сўзли бўлгани яхши. Мен тузукман, бораверинглар. — Чол катта ўғлини чақириб тайинлади. — Тўриқ отни эгарла. Устинга босма чакмонни кий. Буларни қўйиб кел. Жаннат ҳам биронта чакмон ёпинсин. Қаландарни яхшилаб ўраб олинглар. Нам ўтмаса бас. Отга ҳеч нарса эмас. Нима, Булоқбоши қочиб кетибдими? Ана-мана дегунча бориб келасан. Тўрт чақирим жойда. Қичаброқ хайда...

Ёмғир тинмай қуяётган зимистон кечада Кўзичидан Булоқбошига келгунча Жаннат холанинг лабларига учуқ тошиб кетган эди. Қабристонлар ёнидан ўтаётганда юрагини баттар ваҳима босар, ҳозир қандайдир махлук келиб, уларни от-поти билан мажақлаб ташлайдигандай туюлар эди...

Онасининг авзойини кўриб Қаландар ўз қилиғидан ўзи ранжиди, бироқ нима қилсин? Бегона жойда ётиб қолишни ёқтирмайди. Нега? Сабабини ўзи ҳам аниқ билмайди...

Қаландарнинг индамай қолганини онаси «сукут — аломати ризо» деб тушунди.

— Айланай ўзимнинг супра қулогимдан. Қаландарнинг қулори катта. Жаннат хола уни эркалаганда шунга шама қилиб, «Супра қулоқ ўғлим», дер эди. Она ўғлини шундай эркаладими, жаҳлидан тушар, буни Қаландар ҳам билар эди. Ҳозир ҳам бу сўзни эшитиб Қаландар «Энам жаҳлидан тушди», деб ўйлади-да, ўзини бирмунча эркин тута бошлади.

— Шу совукда тўйга бормаса нима қилади? Поччам борса бўлади-да, уйда ўтирсин болаларига қараб!

Шу пайтгача индамай чой ичиб ўтирган отаси гапга аралашди:

— Хўп ўрлим, — деди у пиёлани шахд билан сандалга қўйиб, — айтамиз амманга, бундан кейин бирон жойга бормоқчи бўлса келиб сиздан маслаҳат олади. Агар сиз ижозат берсангиз боради, йўқса йўқ!

Отасининг бу гапи Қаландарга онасининг қарғишидан ҳам қаттиқроқ таъсир қилди. Шодиёр бобо сизлаб гапира бошладими — тамом, қаттиқ жаҳли чиққан бўлади.

Хонага оғир жимлик чўкди. Қаландар шол дастурхон попугини ўйнаб ўтирар, бошини кўтаролмас, ҳеч кимнинг юзига қарай олмас эди. Шодиёр бобо «и-хм» деб томоқ кирди. Бу — гап тамом, дегани эди.

Қаландар кечгача ўйлаб юрди: «Нима қилсам экан? Бормасам бўлмайди. Борай десам... Шу амманнинг юримсақлиги ҳам жонга тегди-да. — Қалласига ажойиб фикр келгандай Қаландар суюниб кетди. — Шошма! Шундай қилганига кечаси болаларини бир қўрқитай? Ота-онасига айтса-айтар. Зўр бўлса қоровулликка бошқа чақирмай қўя қолар. Бахонада шу машмашадан қутулиб оламан. Анави лапашанг Эшпўлати ўлгудай қўрқоқ. Ёзда чигиртканинг чириллашидан ҳам қўрқади. Хозирку — киш, нима кўп — ваҳима гап кўп». Кечқурун у наридан-бери овқатланди-ю, отлана бошлади.

— Мунча шошмасанг? — деди Жаннат хола хайрон бўлиб. Одатда Қаландар бирон жойга боришга кўнса ҳам ҳадеганда туравермас, онаси «Бунинг суяги гап билан қотган, уч-тўрт қарғиш эшитмаса кўнгли жойига тушмайди», деб таъна-дашном бергандан сўнг ноилож кўзгалар эди. — Чой-пойингни ичиб ол, борарсан...

Қаландар онасининг гапига эътибор бермай чопонини, телпагини кийди.

— Борайлик эртароқ, аммажонимнинг эркатойларини бўри еб кетмасин яна.

— Нафасингни иссиқ қил! — деди Жаннат хола жаҳл билан. — Бунча совуқ гапирасан! — Сўнг ўзига ўзи: — Кимга ўхшади ўзи бу ер юткур! Авлодимизда бунақа капасассиқ одам йўқ эди-ку, — деди.

Қаландар индамай чиқиб кетди.

Эрталабдан бери қибладан эсаётган шамол анча зўрайди, қор олиб келар эди. Совуқ одамнинг юзларини ачиштирар, шамол эса аъзойи-баданни зиркиратар эди. Аммасининг уйи юқори тарафда бўлгани учун Қаландар шамолга қарама-қарши борарди. Шамолнинг қаттиклигидан қадам унмас, бошини эгиб олган, ҳатто нафас олиши ҳам қийин эди

Бу йил баҳор келса Қаландар ўн тўртга қадам кўяди. Аммо у ёшига нисбатан анча бўлали, юришлари, гапиришлари ҳам бир қадар салобатли эди. Танимаган одам унга камида ўн беш-ўн олти ёш берар эди.

У чопонининг енгларини бир-бирига тикиб, кучли шамол зарбини енгиб, катталардек йирик-йирик қадам ташлаб борар эди...

Икки укаси билан сандалнинг бурчагида кўрпага бурканиб ўтирган Эшпўлат дарвоза тақиллаганини эшитиб чўчиб тушди. «Ким келди экан?.. Энамга айтдим-а, Қаландар тоғам келмай кетманг, деб...». Дарвоза баттар тақиллади. Эшпўлат на бориб очишини билди, на индамай ўтиришини. Дарвоза забтига олиб тақиллайвергач, эшикдан бошини чиқариб мўраллади.

— Эшпўлат, хой Эшпўлат...

Эшпўлат таниди — Қаландарнинг овози. Таниди-ю, баданига қон югургандай бўлди.

— Қаландар тоғам келди, — деди укаларига қараб. — Мен бориб дарвозани очай.

Сандалга оёғини тикиб, майиз еб ўтирган укалари унинг гапидан сапчиб турди-да, иккови бараварига кичқириб юборди:

— Қаландар тоғам келдилар, Қаландар тоғам келдилар...

Эшпўлат дарвозани очди. Қаландар ичкарига киларкан, жиянига вазоҳат билан тикилди:

— Нима, ухлаб қолдингми? Сенларни кўриқлаш учун шу бўронда базўр келсам-у, сен дарвозани очманг. Ўзларинг ётаверинглар-да, мен овора бўлиб нима қиламан. Энангга айтиб қўй шуни.

Қаландар шундай деб изига қайтмоқчи бўлди. Бундан кўркиб кетган Эшпўлат ялина бошлади:

— Жон тоға, кетманг. Шамол билан тақиллаганингизни эшитмай қопман. Жон тоға, кетманг?..

— Ахволимни кўрдингми? — деди Қаландар тел-

пагининг муз қотиб қолган жунларини кўрсатиб. — Сен бўлсанг иссиққина сандалда роҳат қилиб ётибсан... Майли, бугун қоламан. Лекин билиб кўй, бундан кейин ота-онанг бирон жойга кетса сираям кемайман.

Қаландар уйга кириб чопонини, телпагини ечди-да, ўзини сандалга урди. Совуқдан келгани учунми, сандалнинг иссиғи унча билинмади.

— Қачон келсам сандалларинг эски ўчоқдай музлаб ётади. Шунча ўтинни нима қиласизлар? Қишнинг чилласида ёқиб сандалга солсанглар бўлмайдимиз? Отанг энангдан, энанг отангдан хасис. Ўзининг болаларидан ҳам қизранади ўтинни.

— Иссиқ-ку, — деди Эшпўлат бурнини тортиб. У Қаландарга қарши гапиришдан кўрқарди. У-бу десам кетиб қолиши мумкин, деб ўйлар эди.

Қаландар қўлларини ҳам сандалга тикиб, кўрпани кўкрагигача кўтарди:

— Қорни оч одамга так-так ўтдан қилинган нон ҳам бугдой нондай кўринар эмиш. Иссиқ сандал кўрмаган сен бечорага манави нимфирма ўчоқ ҳам иссиқ кўринарверади-да. Бизларникига бир бор — сандал канака бўлишини кўрасан. Шунинг учун уйлариингга одамнинг оёғи тортмайди.

Қаландар уйга синчиклаб разм солди. Тўрга шолча тўшалган. Сандал атрофига эски-туски, энасининг айтишича, «ямоқ кўрпачалар» солинган. Етти болорли, вассажуфт уй. Токчаларда сопол идиш-товоқлар, тавадонда эса икки-учта чинни коса, чойнак-пиёла. Юқоридаги катта тахмонда эски сандиқ. Қаландарнинг хаёли оғди: «Сандиқда нима бор экан?»

— Менга қара, Эшпўлат, сандиқларингга нима бор?

Эшпўлат аввал бурнини тортди, кейин Қаландарга юзланди.

— Билмайман.

— Нимага билмайсан? Калити қаерда, ол-чи, очиб кўрамыз.

Эшпўлатнинг юраги така-пука бўлиб кетди. Калитнинг қаердалигини билмайди. Аммо шундай деса, Қаландар ишонмайди, алдаяпсан деб кетиб қолиши мумкин.

— Билмайман қаердалигини.



Қаландар ўрнидан туриб бир нарса кидираётгандай токчаларни кўздан кечира бошлади.

— Сен нимани биласан ўзи? Уни сўраса — билмайсан, бунни сўраса — билмайсан... Йўк, сен ҳамма нарсани биласан, фақат айтмайсан, муғомбирсан. Энанг тайинлаб кетган, тоғанг нимани сўраса «билмайман» дегин деб. Шундайми?.. Майли, билмасанг билма... Мен кетдим.

У ёлғондан эшик томон йўналди. Кўркиб кетган Эшпўлат югуриб бориб, Қаландарни кучоқлаб олди.

— Жон тоға, кетманг, тоғажон, илтимос.

Хамон сандал бурчагида майиз титкилаб ўтирган укаларининг ҳеч нарса билан иши йўк, акаси билан тоғасининг ҳаракатларига ҳайрон эди.

— Билмайсанми калитнинг қаердалигини?

— Ўлай агар билмайман, — деди Эшпўлат. — Билсам олиб берардим. Нон урсин, билмайман.

— Ҳа, бўлди-бўлди, кўп қасам ичаверма. Майиз билан ёнғоқ борми? Ё унияма билмайсанми?

Хадича опа тўйга кетаётганида Эшпўлатга тайинлаб кетган эди: «Қаландар тоғанг майиз, ёнғоқ, туршак сўраса билмайман, дегин. Хўпми? Яна лаллайиб хаммасини олиб бермагин. Агар жуда қўймаса энам шуни бериб кетдилар, деб бир қисм майиз бергин. Бўлмаса у очофат битта ҳам қолдирмай еб кетади». Ҳозир Эшпўлат онасининг ана шу гапларини эслади. Аммо майиз йўк, билмайман, деёлмади. Тоғасининг кетиб қолишидан жуда кўрқар эди. Эшпўлатнинг ўйланиб қолиши сабабини Қаландар ўзича англади: «Аммам ўлгур худо урган зикна-да. Бу Эшпўлат бечорани ҳам «Тоғангга майиз берсанг терингга сомон тикаман», деб кўрқитган. Шошма, шундай қилганига мен ҳам бир боппай...».

— Менга қара, Эшпўлат, — деди Қаландар сандалга келиб ўтираркан. — Кеча окшом Пирмат бобонинг эшагини бўри ёриб кетганмиш, эшитдингми?

У зимдан жиянини кузатди. Эшпўлатнинг ранги бирдан ўзгарди.

— Эшитмадим. Ростданми? — деди тутилиб.

— Ҳа, — деди Қаландар бепарво оҳангда. — Эрта-лаб отам шундай деди. Кейин Пирмат бобоникига бордик. Рост экан. Оғилининг эшигини бузиб кирибди-да,



битта қўйини ебди, иккита эчкисини чала ярим қилибди, охири эшагининг қорнини ёриб чиқиб кетибди.

Қаландар гапирган сари Эшпўлатнинг ранги оқарар, икки укаси эса кўзларини жавдиратиб, сандалнинг ичига кириб борар эди. Қиш куни бўлгани учун аллақачон қоронғи тушган, шамол оч бўридай увиллар, ташқари жуда ваҳимали эди.

— Тоғам келди, чой-пой дамлайин ҳам демайсан-а, Эшпўлат.

— Ошхонага боришга қўрқаман, — деди у.

— Ҳа, майли, чойни қўявер, энди кеч бўлди. Майиз билан озроқ ёнроқ ол, еймиз-у, кейин ётамиз.

Эшпўлат энди ҳеч иккиланмай жойидан турди, тўрдаги кичкина тахмончадаги қизил сандикчани очиб бир ҳовуч қора майиз билан бир сиким чақилган ёнроқ олди. Ёнроқ билан майизни кўрган укалари бирдан унга томон ташланди:

— Менгаям майиз!

— Ёнроқ!

— Ҳозир едиларинг-ку, сенлар, — деди Эшпўлат укаларига дўқ қилиб.

— Қўй, еса ер, сенга нима? — деди Қаландар. — Яна обке, ҳаммамиз еймиз. Бир маза қилайлик...

Эшпўлат иштонини хўл қилиб қўйган боладай бўзариб қолди.

— Ҳа, нимага кўзинг жўлайиб қолди? Энангдан қўрқяпсанми?

— Эртага келиб уришадилар... — деди Эшпўлат бўшашиб.

— Қўрқма, уришмайди. Уришса, менга айт, ўзим адабини бериб қўяман... Э, менга қара, Эшпўлат, энанг уришса, индамай ўтираверасанми? Турасолиб қоч. Қани етиб кўрсин-чи... Бўл тез, обке майиздан. Кеч бўлди, ётамиз.

Эшпўлат онасининг авзойини кўз ўнгида жонлантирди-ю, яна ўйга толиб, жойидан жилолмай қолди.

— Тоға...

— Нима?! — деди Қаландар бақириб. — Обкемайсанми? Бўлмаса, ўзингдан кўр. У ирғиб ўрнидан турди. Бунни кўриб кетиб қолади деб ўйлади шекилли, Эшпўлат югуриб эшикка борди.

— Кетманг, жон тоға.

Шу маҳал атай қилгандай шамол баттар увиллади. У айвондаги бир нимани учириб кетдими, ишқилиб, ташқарида «тарақ» этган овоз эшитилди. Бу овоз Эшпұлатни хийла чўчитиб юборди.

— Бўлмаса айтган ишни қил-да! Боядан бери қап-қатта одамни лақиллатасан, — деди Қаландар охиста жойига ўтирар экан.

Эшпұлат бўйнидан бирор арқон солиб тортгандай мажолсиз қизил сандиқча томон юрди. Яна бир ховуч майиз билан ёнроқ олиб келди.

Қорбўрон эрталабгача тинмалди. Қаландар билан Эшпұлат эса тонгача ухламалди. Уқалари сандиқча оёқларини тикиб ухлаб қолди...

Хадича опа устки кийимларини ечиб қизил қўтини очиб кўрди.

Кўрди-ю, ранги қув ўчиб, бирдан бақериб юборди:

— Вой шўрим, бир қўти ёнроқ-майиз тамоқ бўпти-я!

У кела солиб Эшпұлатнинг қўлоғидан буралди.

— Хе, зумраша, мен оёғига нима деб кетувдим?! Нимага кўрсатдинг?

Оғрикнинг зўридан Эшпұлат доғлай юборди. Бақитига отаси келиб қолди.

— Ха, нима гап ўзи? — деди Хадича опа.

— Бир қўти майиз-ёнроқни ёш кетибди эр кеттүү. Яна қора майиз, қалыңрак ёнроқ эди. Бунча қўтига келса олдиға қўяман, деб тилишимни қилдиқди эрди юрган эдим.

Эшпұлат отасига мўлтиқайи берилди. Хадича опанинг раҳми келиб қолди.

— Кўйвор қўлоғини, — деди у қўлтиқайи қолди. — Еса епти-да. Бунча бақилдиқайи. Уқаланимизниқайи буладан ҳам азизми?! Майиз-ёнроқни қўтига қўйиб берим эди уйда!

— Ҳозир бораман. Уқаланимизниқайи қўтига қўйиб берим. Эшпұлат кўркиб қолди. Уқаланиқайи қўтига қўйиб берим, унда Эшпұлат нима деген қўтига қўйиб берим? У қўтига қўйиб берим эди уйда:

— Жон энажми, қўтига, қўтига...

Хадича опа ўғлини сандиқча қўтига...

— Йўқол кўзимдан!...

— Қани шу ердан силжиб кўр-чи! — деди Ҳайдар ака. — Оёғингни уриб синдираман! Уят, номус деган нарсани биласанми? Еса — текинга ебдими, уйингга қоровуллик қилган.

— Қоровуллик қилса, бор-йўғимни еб кетадими?

— Қоровул бўлгандан кейин билганини қилади. Энди чида...

Эшпўлат гоҳ отасига, гоҳ онасига жавдираб қарар, тўлиб келаётган ўпкасини аранг босиб турар эди. Хади-ча опа жавраб-жавраб уйни йиғиштиришга киришди:

— Вой шўрим-им, вой шўри-им! — Шунча майиз-ёнгоқ тамом бўпти-я.

Туни билан қоровуллик қилиб уйқудан қолган Қаландар бу пайтда иссиқ сандалга орқасини тоблаганча ширин туш кўриб ухлаб ётар эди...

### Кузатиш

— Илоё оқ пошшонинг уйи куйсин! Ниятига етмасин! Келиб-келиб менинг боламга кучи етадими? Бошқалардай беш-олти ўғлим бўлсаям майли яди-я...

Ер ютқур Юсуфбойнинг иши бу. Ўзининг бешта ўғли хўкиздай семириб ётипти. Ўшалар борсин! Худоё худовандо ергина ютсин! Унга ҳам бокқани бордир...

Жаннат хола сандалда ўтириб Қодирнинг кийимларини ямар экан, тинмай қарғанар, гўё шу билан кўнглини бўшатиб, аламини енгиллатар эди. Хотинининг дод-фарёди хомуш ўтирган Шодиёр бобонинг ўртанган кўнглини баттар ўртар, ярасига туз сепар эди. «Она-да! Ўғлим энди вояга етиб қўлтиримга кирар, деб турганида мардикорликка олиб кетса... Алам қилмайдими? Бироқ дод-фарёднинг нима фойдаси бор? Бу билан бирон нарса ўзгариб қоладими? Сабр қилишдан, ўғлимнинг жонини омон сақлашни сўраб оллога ёлворишдан ўзга нима илож бор?» Шодиёр бобо ана шу мазмундаги ўйга боргани учун ҳам хотинига таскин бера бошлади:

— Қўй энди, хотин, кўп ўксинма. Кўпга келган тўй-да.

— Ота бўлиб сиз шундай, деб турганингиздан кейин... — Жаннат хола эрига таъна қилди. — Шунча одамнинг боласи кетяпти-ю, лекин биронтаси индамайди-я.

Бу гап Шодиёр бобонинг нафсониятига тегли.

— Нимага индамас экан?! Шу гап чиққандай сени жанжал-ку. Кеча окшом гузарда бўлган тўқсондан хабаринг йўқ. Ёрикул «Ўғлимни ҳеч қасрга қўқонмайман», деб дод солди. Хатто эллиқбошига таёқ ўқталди. Хўш, нима фойда берди? Катта ўғлимнинг ёнига кичиктири ҳам ёзиб қўйди. — Шодиёр бобо оғир хўрсинди. — Ҳамма иш уларнинг қўлида. Барининг тили бир. Пешонамизга худо шунни ёзган бўлса нима қилайлик. ахир. Ҳамма индамай, қўл қовуштириб ўтирибди. деб ўйлайсан чоғи... Боши тошдан бўлсин. Омон бўлса, бир-икки йилда келиб қолар.

Жаннат хола кўзини тикишдан узмай:

— Кошқийди бир-икки йилда келса... — деди бўшашиб.

Назарида бир-икки йил ҳам жуда узок туюлди, яна кўзига ёш олди.

— Бир-икки йил. Эҳ-хе, бир йилни айтинг! Болагинамни бир кун кўрмасам уйкум келмайди...

Шодиёр бобо ўзи айтган гапга ўзи унчалик ишонмаса-да, хотинига сир бой бермади.

— Эллиқбоши ҳам, юзбоши ҳам айтди-ку, бир-икки йилда келади деб. Алдамас ахир, туппа-тузук одамлар-ку.

Шодиёр бобонинг «Туппа-тузук одамлар-ку» дегани Жаннат холанинг ловуллаб турган юрагидаги ўт устига ёр сепгандай бўлди.

— Сиз ҳам ўлгудай соддасиз! «Туппа-тузук одамлар эмиш! Алдамас эмиш...». Шу гапларга ишониб ўтирибсиз-а! Ахир, бу ер юткур эллиқбошию юзбошиларни энди кўряписизми? Агар уларда инсоф, диёнат бўлса, алдамаса, нимага ўзларининг болаларини жўнатмайди? Бойларнинг ўғиллари нимага бормайди?

— Бас қил, хотин, — деди Шодиёр бобо ичидан келган хўрсиникни босолмай. — Ҳамма нарсани билатуриб, яна гапирасан-а. Куйган юрагимни баттар куйдириб нима қиласан?! Менга осон деб ўйлайсанми? Қодир ёнимда бўлса, эрта-индин Қаландарнинг ҳам бўйи етиб қолади — булар менинг икки қўлтигимдаги икки тирговучим, суянчигим-ку!

Шодиёр бобо оғир ух тортиб, гапиролмай қолди. Дарду аламларини сўз билан ифодалашга ожиз эди.



Юзига енгилгина фотиҳа тортди-да, шол дастурхоннинг бир учини қайриб қўйди.

— Кийимларини иссиқроқ қил. У ёқларни совуқ дейишади. Ишқилиб, эгам ўз паноҳида асрасин... — Сўнг муҳим бир гап эсига тушгандай, хотинига яқинроқ сурилиб ўтирди. — Менга қара, хотин, — деди сирли оҳангда. — Тунов қуни Самарқандга борганимда чойхонада бир гап эшитувдим.

Жаннат хола «Нима гап экан?» дегандек қўлидаги тикишини қўйиб эрига юзланди.

— Жиззахни биласанми? Хуррам бўламнинг пирлари бор-ку, Яхёхон, ўшаларнинг юрти. Ўша ерда кўзғолон бўлган эмиш.

— Кўзғолон нима?

— Халқ оқ пошшога қарши бош кўтариб чиққанмиш.

— Ё тавба, ё қудратингдан! Пошшогаям қарши чиқадиганлар бораканми? — деди Жаннат хола ҳайратдан ёка ушлаб.

— Ахир ўрисларнинг ўзиям Никалай пошшодан норози эмиш-да... Пошшони тахтдан ағдармоқчи бўлиб юрганмиш.

— Қаёқдаги миш-мишларга ишониб юрасиз-а! Қўйинг, бундай гапни гапирманг. Битта-яримга галамис эшитиб қолса — бошингизга бало бўлади.

— Шундай-ку-я, лекин ўша чойхонада бу гапларни бир ўрис айтди-да. Ўзбекчани чала-чулпа билар экан. Яна бир нималар деди... Гапларига яхши тушунмадим, аммо «Пошшо тахтидан тушади» деган гапини аниқ фаҳмладим... Борди-ю, шундай бўлса, мардикорликка олиш ҳам бекор қилиниб қоладими, деб ўйлайман-да, хотин.

Шодиёр бобо гапини тугатмасидан эшик очилиб Қодир кирди. Уни кўриши билан Шодиёр бобо гапидан тўхтади.

— Келдингми? Ўтир, бирпас дамингни ол, кейин Қаландар билан бирга опангникига бориб келинглар. Улар билан ҳам хайрлашиб келмасанг, опангнинг ўпкаси қозондай бўлиб юради...

Эрта баҳор, Октябр ўй қирлардан қор кетиб, ер яшил тус ола бошлаган. Ўқтин-ўқтин эсган шабада эса кишининг аллақерда яширинган сўнгги захрини



олиб келади, изғирин кишининг юзларини ачиштириб ўтади.

Қош қорайиб қолган. Қодир билан Қаландар Тегиримонбошидан — опасиникидан келмоқда. Катта кулранг ханги эшакка иккови мингашиб олган: Қодир олдинда, Қаландар орқада. Сергап опаси ҳадеганда рухсат беравермади. «Қутлуғ уйдан қуруқ оғиз кетиш яхшимас. Ош дамлайман, еб кетасанлар», деб туриб олди. Қаландарнинг поччаси ўзига тўқ одам, бундан опаси ҳам хурсанд. У хурсандлигини яширолмас, ҳар доим гап орасида бунга ишора қилар, ҳатто биллинар-билинимас мақтаниб ҳам қўяр эди. Ҳозир укаларига ош дамлаши ҳам уларга меҳрибонлик никобидаги манманлик эди. Буни Қодир билан Қаландар ҳам пайқади. «Ошга вақтимиз йўқ. Отам тез қайтинглар деб таъинлаган», деса ҳам опаси унамади: «Отамга опам бир опам еб кет, мардикорликка кетсанг, шу билан қачон ош ейсан — худо билади, деб қўймадилар, дегин, хўпми! Индамайдилар».

— Отам уришадилар энди, — деди Қаландар. — Жуда кеч қолиб кетдик-да.

— Опамнинг одатини отам ҳам, энам ҳам билади-ку. Йўқ деганингга қўймаса. Бир гапга тушса кечгача тинмайди. Минг оғиз гапирган одам ўлади, дейишарди — ёлрон экан. Опам бир гапиришда мингта эмас, ўн мингта ҳам гапиради, — деди Қодир эшакка хала босиб.

— Ҳавоям анча совиб қопти. Совкотмаяпсанми?

— Йўқ...

Совқотяптими-йўқми — буни ҳозир Қаландарнинг ўзи ҳам билмайди. Чунки унинг хаёлида бошқа нарса: икки кўзи хув рўпарада — баланд уватдаги катта жийдада. Шу жийда тагида ажина бор, кечаси ўтган одамга ташланади, айникса, ёш болаларнинг йўлини тўсар эмиш, деб эшитган. Ёнида акаси борлиги кўнглига таскин берса-да, барибир юрагининг аллақаерини шубҳа, хавотир безовта қилар эди.

— Ака, сиз ажинани кўрганмисиз?

— Кўрмаганман. Йўқ нарсани қандай кўриб бўлади? Кўркма, кўркқанга қўша кўринар, деганлар...

— Хидир бова кўрган экан-ку. Ёзда, айни пешинда мана шу жийданинг тагида сочини тараб ўтирган экан.

Хидир бова шартта сочидан бураб олган эмиш. Кейин ажина унга «тила тилагингни», деганмиш. Хидир бова тилла сўраган экан, кўп тилла берганмиш. Шундан кейин бой бўп кетган дейишади-ку?..

Бу гапни Қодир ҳам эшитган. Аслида уни эшитмаган ҳеч ким қолмаган. Хидир бобо қандай қилиб бадавлат бўлиб кетганини бирон киши билмайди, бироқ шунақа гап тарқалгани рост. Бошқа пайт бўлганда Қодир «Кўрса кўргандир», деб кўя қолар эди. Аммо ҳозир бундай деса, укасининг кўркуви баттар ошишини аниқ сезиб турибди.

— Бу гаплар ҳаммаси ёлғон. Хидир бованинг ўзи тўқиб чиқарган. Ажина ҳаммага тилла бераверса, бу дунёда камбағал қолмас эди, — деди.

— Ҳаммаям кўркмай унинг сочидан бураб ололмайдида, — деди Қаландар ўз сўзидан қайтмай. — Устига-устак ажина жуда сассиқ бўлармиш. Сассиғига одамзот чидай олмас эмиш. Кимки чидаб, сочидан бураб олса, шунга берармиш тиллани...

Қодир ичида укасининг соддалигидан кулди. Айни вақтда унинг синчковлигига, кузатувчанлигига, хотирасига ҳаваси келди. Қачон қандай гапни эшитса — ҳаммаси ёдда қолади.

— Ажина бўлса ҳам сен билан менга иши йўқ. Отамнинг гаплари эсингдами, жин-ажинанинг иши муллалару эшонлар билан. Биз билан нима иши бор! Қолаверса, мен мусаллас ичганман (Поччаси кўймай Қодирга бир пиёла мусаллас ичирган эди). Ажина бунақа нарсдан кўрқади. Билдингми? Шунинг учун бундайча гапларга парво қилма. Энди катта йигитсан. Йигит деган ҳамма нарсдан чўчиб, хавотир олиб юрмайди. Дадил, довьюрак бўлиш керак. — Улар баҳайбат жийда ёнига келган эди. — Ана, қара, ҳеч нарса йўқ. Қаландар акасининг белидан маҳкам ушлаб олган, кулранг ханги эшак йўрғалаб борар эди.

— Менга қара, Қаландар, — деди Қодир. — Эртага мен жўнаб кетаман. Энди сен дадил бўл, отамнинг ёнига кир, у-бу ишларда ёрдам бер. Отам қариб колдилар. Энди сендан бошқа суянчирин йўқ. Мен қайтиб келгунимча, ўрнимни билдирмай тур. Бўлмаса отам ҳам, энам ҳам ўзини тоза олдириб кўяди. Тушундингми?

Акасининг бу гапларидан Қаландарнинг юраги шигиллаб кетди. «Эртага жўнайди». Қаерга олиб боради? Нима иш қилдиради? Қачон қайтиб кетади?» Бу саволларга Қаландар сира жавоб тополмас. ҳатто тасаввур ҳам қилолмас эди. Акасининг ўзи-чи? Унинг ўзи биладими қаерга олиб кетишларини?

— Ака, қаерга олиб боришар экан? Нима иш қилдираш экан? Биласизми?

Қодир укасига сездирмай хўрсинди. Қаердан ҳам билсин. Хўш, билганда нима? Барибир эмасми? Қодир меҳнатдан қўрқмайди, кийинчиликлардан чўчимайди. Фақат кексайиб қолган касалманд отасини, мушгишар онасини, ҳали қўлидан бирон иш келмайдиган укасини ёлғиз қолдириб кетаётгани алам қилади. Энди уларнинг ҳоли нима кечади? Ховлига ким қарайди? Токларнинг тагини ким чопади? Кузда ким кўмиб, баҳорда ким очади? Ёлғиз отасига оғирлик қилади бу ишлар. Гарчи озгина бўлса ҳам барибир чопиш керак. Ахир бор-йўқ умид шу бир қатор токдан-ку! Ҳосил тузук бўлган йилларда бир халта майиз олар эди. Бу нима ҳам бўларди. Қодир йил — ўн икки ой тинмасди. Ёзда одамларнинг эшигида мардикорлик қилар, топган тўрт-беш тангасига бурдой олар эди. Энди ўша бир халта майиз ҳам йўқ. Сотай деса сигирдан бўлак моли бўлмаса. Мен келгунча булар қандай кун кечиришади? Қаландарга кийин бўлади-да. Ҳамма иш шунинг зиммасига тушади...

— Ким билади, дейсан? Бировлар Сибирь деган жойга олиб боради, дейишади. У ер қалин ўрмон эмиш. Мардикорларга дарахт кестирармиш. Қишин-ёзин ердан қор аримасмиш. Йил — ўн икки ой офтоб чиқмас эмиш.

Қодирнинг гапларини эшитиб борар экан, Қаландар даҳшатга тушди, акасига ачиниш кетди.

«Офтоб бўлмаса кизиқ экан-ку. Дунёда шунақа жойлар бор эканда-а... Ўзимиз уч ой кишда қанча қийналамиз. У ёқда сираям қуёш чиқмаса. Акам бечора нима қилади?.. Дарахт кестирармиш. Қаҳратонда дарахт кесиш ҳам осонмас-да».

Қаландар кишда акаси билан Эшмат бобонинг ташландиқ боғига ўтинга борганини эслади. Кесиш кетилган дарахтларни кундаков қилишган эди. Кетмон-

ни ерга урса муз сачраб юз-кўзига тегади. Ўшанда Қаландарнинг бармоқлари совукдан букилмай қолган эди. Қодир унга раҳми келиб «Бор, сен уйга кетавер. Қўлингни исит», деган. Қаландар йиридан ўзини базўр тутиб уйига келган, қўлини иссиқ сандалга тикқан, совқотган бармоқлари иссиқда куйишиб, нина санчилганга ўхшаб роса азоб берган эди. «Тоза изғирин бўлса керак у ёқлар. Қора совуқ ёмон-да. Акам шўрлик қўлини қаерда иситиб олади? Сандал борми-йўқми? Мардикорликка олгандан кейин тиним билдирармиди... Акам бирон жойини совуққа олдириб қўймай, эсон-омон келсин-да, ишқилиб...».

— Қани, хотин, бўл энди, тикишингни қўй, ҳаракатингни қил. Кун кеч бўлди. Овқатингга унна. Мен тўрт-бешта мўйсафидни айтиб келай. Ҳадемай болаларинг келиб қолади. Оқсоқолларнинг олдига бир товоқ ош қўйиб, оқ фотиҳасини олайлик...

Шодиёр бобо чопонини елкасига ташлаб, ташқарига чиқди. Пешинга қадар ҳаво очиқ, куёш чиқиб турган эди. Баҳор ҳавоси эмасми, дарров осмонни булут қоплади. Кунботардан аччиқ изғирин эсди...

Ўн човли мўйсафид келди. Улар битта пиёлада кўк чойни айлантириб, гурунг қилиб ўтиришди. Намозгар бўлди, оқсоқоллар шомни ҳам ўқишди. Аммо ҳамон Қодир билан Қаландардан дарак йўқ. Бундан Шодиёр бобонинг жаҳли чиқди. Жаннат хола эса ўзини қўярга жой тополмайди — ичини ит таталайди. Нима қиларини билмай дам-бадам дарвозага бориб келади.

— Нима бўлди-я, мунча ҳаяллади булар, — деб ўзига-ўзи гапирди.

— Маҳмадона Робия гап бериб ўтиргандир-да. Энам билан отам қон бўлиб ўтиргандир тезроқ бора қолинглар, демайдимми?...

Шодиёр бобонинг гапи оғзида қолди — дарвоза «ғийқ» этиб очилди.

— Келди! — деди Жаннат хола болаларига пешвоз чиқиб. — Мунча кеч қолдиларинг, болам?

— Опам, бир чўким ош еб кетмасанг бўлмайди, деб туриб олди, — деди Қодир.

Қаландар эшакни овилхонага етаклаб бораркан, онасига қарамай:

— Қизингизнинг феълини биласиз-ку, бир гапга



тушса уч кун жағи тиямайди. Хаммани ўзига ўхшаган бекорчи, деб ўйлади чоғи, — деди.

Жаннат хола Қаландарнинг гапига эътибор бермади.

— Кира қол, болам, — деди Қодирга. — Мўйсафидлар кутиб қолишди. Намозгар бўлмай келишувди.

Оқсоқоллар тургандан сўнг уй ичи билан сандал агрофига жам бўлдилар. Хамманинг нигоҳи Қодирда. Айниқса, онаси ундан сира кўзини узмайди. Қодирга қараб туриб дув-дув ёш тўқади. Буни ҳеч кимга билдирмаслик учун оқ чорсисининг учи билан кўзларини астагина артиб кўяди. Икки кўзи ўғлида-ю, хаёли аллақандай нотаниш жойларда. «Шўрлик болам, қаёқларга олиб кетади энди? Ким билади у ёқлар қанақа совуқ...». Жаннат хола ўзича қахратон кишни, қорбўронни, туф деса туфуги музлаб қоладиган қора совуқни тасаввур қилади. Одамнинг бадан-баданидан ўтиб, суягигача зиркиратиб юборадиган бу аччиқ совуқда кетмон чопатган ўғлини хаёлан кўради, Қодир кетмонни ерга урса, майда-майда муз парчалари кўчади-да, кетмоннинг бети чаппа қайтиб кетади. Бир пиёла чой ичгунча ўтган фурсатда Қодирнинг қўллари совуқдан кўкариб, кетмоннинг дастасини ушлаёлмай қолади. Тепасида турган шоп мўйлов киши алланима деб унга дўқ уради, «Ишла, чоп», деб имо билан буйруқ беради.

Жаннат хола беихтиёр инграб юборди. Буни биров сезди, биров сезмади. «Илоё уйгинаси куйсин оқ пошшонинг!.. Қариганимда энди бу кўргилик ҳам бормиди пешанамда? Э, худо, ишқилиб, ўзинг асра паноҳингда...».

Хонада оғир жимлик ҳукмрон. Шодиёр бобо икки қўлини сандалга тикиб, кўзларини юминқираб хаёл суриб ўтирибди. Қаландар бўлса эртага шу пайтда акаси қаерда бўлишини, усиз уйлари хувиллаб қолишини ўйлайди. «Акам борадиган жойда овқатлари тузукмикан ишқилиб? Отам совуқ кунда кучли овқат ейиш керак, дейдилар доим... Бу ердан узокмикан-а Сибири?..»

Жаннат хола йиғламоқдан бери бўлиб ўғлининг икафтларини силаб-сийпайди:

— Ўзингни эҳтиёт қил, болам. Оёқ-қўлинггни совуққа олдириб қўйма тағин...



Гапининг давомини гапиролмади. Пиқиллаб йиғлади. Шодиёр бобо ер остидан унга хўмрайди. Аммо Жаннат хола ўзини тиёлмади.

— Бўлди-да, энди, — деди Шодиёр бобо кескин. — Йиғлаганинг билан иш битадими? Обидийда қилавериб боланинг ҳам кўнглини эзиб юбординг-ку! Нима, Қодир ёш болами? Худога шукр, ақли-хуши жойида.

Жаннат хола дока рўмолининг учи билан кўзёшларини артди.

— Бегона юртларда... Болам бечора мусофир бўлиб...

— Нима қипти? Ёлғиз ўзи кетаётгани йўқ-ку. Қишлоғимиздан, ҳамсоя кишлоқлардан ҳам йигитлар бор.

Қодир миқ этмас, отасининг ҳам, онасининг ҳам аҳволини, гапларини ўзича тасаввур қилар, тушунар, аммо на унисига, на бунисига бирон нарса дейишдан ожиз эди. Аввал онасининг юзига термилди. Шу пайтгача эътибор қилмаган экан: юзларини, пешанасини ажин қоплабди, кўп йиғлаганидан бўлса керак, кўзларининг ости, қовоқлари шишинқираб, салқиган. Юзлари кичкина бўлиб қолгандай, кўзларида эса чуқур бир маъюслик. Сўнгра отасига қаради. Отаси онасидан ўн ёш катта. Баъзи эллиқдан ошган одамларнинг юзи ялтираб, хўрознинг тожисидай қип-қизил бўлиб туради. Лекин Шодиёр бобонинг юзлари сўлғин, қарашлари рамгин. Икки йил олдин терлама билан оғриди. Шундан кейин ўзини бирдан олдириб қўйди. Илгари жуда эпчил, чайир, бақувват эди. Хозир ҳам қаеридадир — юзидами, қарашларидами — ўша ўктамлик, ички дадиллик сақланиб қолган. Аммо дастлаб қараган ҳар қандай кимса Шодиёр бобони камида олтмишдан ошган, деб ўйлайди. Қодир ана шунга — отасининг тезда кексайиб қолганига ачинади, раҳми келади. «Меҳнат, оғир меҳнат эзиб қўйган отамни. Болалигиданок кўп қийинчиликлар кўрган-да. Ўзи айтиб берган-ку».

Қодир хаёлини йиғиштириб олиб, укасига қаради. Қаландар! Унинг феъл-атвори, дангаллиги, чўрткесарлиги отасига ўхшаб кетади. Очиғи, баъзан Қодир укасига ҳавас қилади. Кўп нарсага фаҳми етади унинг, нима иш буюрса «хўп» дейди, кўлидан келса-келмаса бажаришга уринади. Баъзи тенгдошлари сингари «Билмайман, қилолмайман» деб ўтирмайди.

Укасидан Қодирнинг кўнгли тўқ. «Менинг йўқлигимни билдирмайди. Отамнинг ишини кўлидан олади...». Шу фикрини онасига айтиб, унинг кўнглига тасалли бермоқ ниятида:

— Ғам чекманг, эна, — деди. — Менинг мардикорликка боришим — юртга келган тўй. Худога шукр, мана, Қаландар катта бўлиб қолди, ўрнимни билдирмайди.

— Э, болам-а, — деди Жаннат хола хўрсиниб, — Ўнта бўлса ўрни бошқа, деган гап бор. Ахир сизлар ўнта эмас, иккитагинасизлар-ку.

Шодиёр бобо секин томоқ қирди. Бу — «Гапни тугатинглар», дегани эди.

— Ётинлар энди. Вақт кетди. Хали эртага узоқ йўл юрасан. Дамингни ол. Энангга қолса эрталабгача ҳеч кимни ухлатмай сенга термилиб йиғлаб ўтираверади. Ҳадеб йиғлайверишнинг ҳам хосияти йўқ. Минг марта гапирган билан қулоғига кирмайди...

...Шодиёр бобо бомдод намозини ўқиди-ю, Қодирни уйғотди. Нонуштадан сўнг Шодиёр бобо ўрлига оқ йўл, сихатлик тилаб узоқ дуо ўқиди. Сўнг ризқ-насибанг шу ерда қолсин, эсон-омон қайтиб келгин деб, битта бутун нонни Қодирга тишлатди.

Қодир аввал отаси, сўнг Қаландар билан, охирида онаси билан кучоқлашиб хайрлашди. Жаннат хола унинг юз-кўзларидан, пешонасидан ўпаркан, бир оғиз ҳам гапиролмас, пиқ-пиқ йиғлар эди...

Қодир тўрвасини елкасига ташлаб катта кўчага қараб юрди. У ўн беш кадамлар юргач, ортига ўтирилди. Унинг қарашлари тийрак, ўктам бўлса-да, кўзларида ёш ялтираб кетди. Қаландар акасига ҳам ачиниш, ҳам ҳавас билан термиларкан, у муюлишдан ўтиб кетгунча кўз узолмади. Ўзи билмаган ҳолда акаси кетган томонга икки-уч кадам ташлади. Унинг бу ҳаракатига «Хотиржам бўлинг, ака, йўқлигингизни билдирмайман. Ота-энамга ёрдам бераман, қўлтирига кираман», деган қатъий ваъдаси акс этди.

### Қуёш мен томонда

Қаландар тонг сахарлаб йўлга тушди. Қишлоқ этагидан ўтадиган сойнинг кечувига борганда хўроз кичқиргани эшитилди.

У миниб кетаётгани жийрон кашқага камчи босди. «Тезроқ ҳаракатингни қил, Қаландар, бой билиб қолса орқангдан одам кўяди».

...Чошгоҳга бориб Қаландар жуда зерикди. Устига-устак қорни очди. Салкам бир йилки, ахволи шу. Тоғма-тоғ, кирма-кир мол орқасидан эргашиб юради. Аммо на оёғидаги чориғи янги бўлди, на қорни тўйиб овқат еди... «Бой мени гўдак билиб, алдаяпти. Қачонгача бу ахволда юраман?»

Қўй-эчкиларни ариқдан сурорди-да, тевачакка ётқизди (Тоғ этагида кичкина бир тепалик бор, шохлари тарвақайлаб кетган катта садақайрағоч унга соя ташлаб туради. Ҳар кун пешинда Қаландар қўй-эчкиларни шу ерда соялатиб, кун қайтгунча дам беради). Кейин ўзи нариги бетдаги тол тагида соялаб ўтирган кекса чўпон олдига кетди.

Бу чўпоннинг ёши етмишга яқинлашиб қолган, у Зиёдулла бойнинг отаси даврида бу хонадонга қарол бўлиб келган. Қаландар баъзан-баъзан бу чол билан суҳбатлашар, айниқса, отасини соғиниб юраги сиқилган кезлари у билан гурунглашишни хуш кўрар эди.

— Ассалому алайкум, отахон!

— Ваалайкум ассалом, ке, ўғлим.

Чол совуқ сувга қотган нонни ивитиб еб ўтирар эди.

— Ке, болам, нонга қара.

Чол нон ивитилган сопол косани Қаландарга яқинроқ суриб қўйди.

— Бунинг отини ўрдак шўрва дейди, эшитганми-сан?

— Ҳа, — деди Қаландар, — бизларди кишлокдаям шундай дейишади.

— Камбағал ўзининг кўнглини ўзи обод қилиш учун ўрдак шўрва, деб атаган-да, бу таомни.

Қишлоқдан чиққан беш-олти отлиқ тоғ томон ўрлаб борар эди.

— Бойнинг ўриллари-ку, — деди Қаландар. — Қаёққа боряпти?

— Қаёққа борарди дейсан, тоққа чиқяпти-да. Икки қир ўтгандан сўнг бир булоқ бор. Суви яхдай. Катта тол соя солиб турипти. Тангадай офтоб тушмайди. Улар хозир ўша ерга боришади. Битта қўйни сўяди.

Йилки боқарлар кимиз келтириб беради. Хуфтонгача салқинда ўтириб кимизхўрлик қилишади.

Бу гап Қаландарга ғалати таъсир қилди.

— Ия, — деди у. — Сиздай кекса одам эртаю кеч тинмайсиз. Еганингиз — манави ўрдак шўрва. Улар бўлса, қиладиган ишининг тайини йўғу...

Чол маънодор кулимсиради.

— Ахир улар бой, бойваччалар-да. Бизнинг пешанамизга оллоҳи карим шуни ёзган.

— Нимага энди шундай бўлиши керак, бова?

— Замон — зўрники, болам. Бошқа илож йўқ. Сен билан менинг дастимиз калта.

Қаландар ўйланиб қолди.

— Нимага меҳнатни биз қиламиз-у, роҳатини улар кўради?

Чол атрофга олазарак кўз ташлаб олиб, Қаландарга насихат қилди:

— Бу гапларди менга айтдинг, бошқага айта кўрма, бўтам.

Қаландар бойнинг ўғиллари кетган томонга термиларкан, ўзининг кишлони, Юсуфбой, унинг болалари, қариндош-уруғлари хаёлидан кечди. «Улар ҳам шуда. Қанча одамни ишлатади. Аммо у шўрликлардан биронтаси қорни тўйиб овқат емайди. Буям майли-я, сал нарсага сўкиш, ҳақорат эшитади, калтак ейди».

Қайси кунги воқеа эсига тушди.

Қаландар қўйларни кўрага камади-да, отларнинг тагини тозалашга киришди. Зиёдулла бойнинг ўзи билан тенгқур ўғли келиб, тегажаклик қила бошлади.

— Бияни эмяпсанми, Қаландар? — деди бойвачча хиринглаб.

Қаландар бир ўқрайиб қаради-ю, индамади. Бойвачча яна бир-икки масхара қилди. Аммо Қаландар унинг қилиқларига эътибор бермади. Алам қилган бойвачча, отасига тақлидан қўлини белига қўйиб Қаландарга дўқ ура кетди:

— Хой, етимча, мана бу ерни яхшилаб тозаламабсан-ку! От ётса қорни ифлос бўлади! Кейин уни ким ми-нади?!

Етимча дегани Қаландарнинг ҳамиятини келтирди.

— Нимага мени етимча дейсиз? Худога шукр, ота-энам бор, — деди.



Бойвачча истехзо аралаш илжайиб:

— Вой-бў, андиша қилдиларми?! Ота-эналари борми? — У бирдан ёшига ярашмаган ҳолда жиддий тус олди. — Ўчир овозингни! Айтган ишни қил, итдан таркаган!

Қаландар ҳам бўш келмади.

— Мунча одамни ҳақорат қиласиз? Менга иш буюрманг, хўжайин сиз эмас, отангиз.

— Менга қара, ҳей кўппак! Бу хонадоннинг ҳаммаси, ҳатто ҳув анави итим ҳам сенга хўжайин! Билдингми?!

Қаландар қўлидаги куракка суяниб, бойваччага нигоҳини қадади.

— Эшигингизда ишласам гуноҳқорманми? Хар доим сўкасиз, масхара қиласиз, кўнглингизга келган ишни буюрасиз. Андиша қилиб индамайман. Андишанинг отини кўрқоқ қўйманг-да, индамас экан, деб одамни эзаверманг-да. Ахир, қурбақани боссангиз ҳам вақ этади.

Бу гапларни эшитиб турган бойнинг катта ўғли Қаландарга яқинроқ келди.

— Ҳей, қурбақа, менга қарал! Кўп вакиллайверма! Елкангдан овиз очиб қўймайин яна. Тилинг чиқиб коптими? Ким берди сенга бу тилни? Текин нон сени кутуртириб юборибди-ку!

Қаландар ҳам ҳақини бериб қўядиганлардан эмас.

— Нимага текин бўлар экан? Сахардан хуфтонгача сурув кетидан тикон босиб юрган ким?!

— Ўчир овозингни!

Бойвачча шундай деб Қаландарнинг қулоқ-чаккасига шапалоқ тортиб юборди.

Бу Қаландарга жуда алам қилди. Ўша кун кечаси билан ухлаёлмай, қийналиб чикди. Бу ҳақсизлик, адолатсизликнинг сабабларини ўйлаб-ўйлаб ўйига етолмади. «Тавба... У ёқда — оқ пошшо эзса, мардикорликка олса, бу ёқда — бойлар бунақа қилса... Нимага энди ҳар доим шундай бўлиши керак? Камбағалларнинг гуноҳи нима?»

У шу хаёллар билан ўрнидан турди. «Кетаман! Бунга чидаб ўтирмайман! Кечкурун бойдан ҳақимни оламан-да, кетаман! Нима бўлсаям ота-онамнинг ёнида юрганим дуруст...»



Қаландарнинг фикри катъий эди. Ўзи кейинги вақтларда зеркиб, юраги сиқилиб кетган эди. Кекса чўпон билан бўлган бу суҳбат баттар таъсир қилди. Тошай-тошай, деб турган сабр косасини тамоман тошириб юборди. У гўё хозир тўппа-тўғри бойнинг олди-га борадигандек чол билан чала-чулпа хайрлашди-да, дадил-дадил кадам ташлаб илгарилаб кетди...

Қаландар окшом кўй-эчкиларни кўрага камади-да, бойнинг олди-га йўл олди. Бой шом намозини ўқиб бўлиб, мудраганча тасбеҳ ўтириб ўтирар эди.

— Ассалому алайкум, бой ота, — деди Қаландар остонада туриб.

Бой эринибгина кўзини очди. Қаландарнинг саломига алик олиш ҳам малол келгандек, ижирганган кўйи:

— Ха, ўғлим, — деди истаб-истамай.

Қаландар кунбўйи ўйлаб, пишитиб кўйган режасини дадил гапирди.

— Бой ота, ҳақимни берсангиз. Бир уйга бориб, ота-энамни кўриб келсам. Балки акам ҳам келиб қолгандир...

Бой тасбеҳни ҳовучига олиб, нималарнидир пичирлади, юзига фотиҳа тортди. Сўнг тасбеҳини кимхоб камзулининг ички киссасига солди-да, ўрнидан турди. У олтмишдан ошиб қолган бўлса-да, соқоли хали у қадар оқармаган, ҳаракатлари ҳам шунга яраша енгил, чакқон эди.

— Э, ўғлим, соддасан-да, — деди у жилмайиб, — аканг хали қаёқдан келади? Оқ пошшо мардикорларни дарров кўйиб юборармиди?!

— Бир йил бўлди ахир, — деди Қаландар йиғламоқдан бери бўлиб.

— Бир йил нима деган гап... У ёқда иш кўп. Бир-икки йилда битмайди. — Бой Қаландарнинг елкасига кўлини кўйиб, уни эркалаган бўлди. — Сен хавотир олма, ўғлим. Мардикорликка кетганларнинг қачон келишини мен яхши биламан. Улар қайтди дегунча ҳақингни бериб, от-арава билан уйингга қўйибман. Унгача кўнглингни бўлмайд ишлайвер. Хўпми? Ха, боракалло! Бор энди, ўғлим.

Бойнинг адл қомати, кўз ифтихорлиги қандайлири улуғворлик, чертиб-чертиб таъбирини ҳаёт китрай

одамни ҳам сеҳрлаб кўяр, ўткир, дадил нигоҳи эса суҳбатдошини ошкора таъқиб қилар эди. У билан мунозарага киришган одам таслим бўлганини, унга ён бериб қўйганини ўзи ҳам сезмай қоларди. Ҳозир Қаландар ҳам шу аҳволга тушди. Бойга қарши бир нарса деёлмади. Индамай чиқиб кетди. «Хар доимги гапи... От-арава билан кузатиб кўяр эмиш. Биладан, қанақа қилиб кузатишингни! Лоақал ҳақимни берса ҳам майли эди...».

Қаландар хужрасига кирди-да, ўйга толди. Бойнинг жавобидан юраги баттар сиқилди. «Оқ пошшо мардикорларга ҳали-бери жавоб бермайди. Иш кўп... «Наҳотки шу гап рост чикса? Унда акам қачон келади? «Йўқ, ёлрон!» Бой мени алдаяпти, ҳеч нарсани билмайди, тушунмайди бу гўдак, деб лақиллатаяпти!.. Акам келган! Кетаман! Ҳақимни бермаса ҳам кетаман! Барибир бой менга ҳеч нарса бермайди... «Отасининг гапи эсига тушди: «Бойларнинг ҳаммаси бир гўр, ўғлим, оқ ит, қора ит — барибир ит... Қурумсоқ бўлмаса бой бўладими?» «Отам рост айтган экан. Мен эса... маҳмадонагарчилик қилиб ўтирибман-а! Отамга гап қайтариб... Қари билганни пари билмас, деган гапни нега ўйламадим?»

Ўшанда отасининг сўзига қулоқ солмай, ўз билганича иш тутганидан ҳозир афсус чекди. «Отамни қаттиққўл дейишади. Йўқ, аксинча, жуда ҳам кўнгилчан. Бўлмаса ўшанда менинг раъйимга қарармиди? Ҳеч қаерга бормайсан, деб туриб олиши мумкин эди-ку». Унинг кўз ўнгида отасининг нуроний сиймоси гавдаланди. «Кечиринг, отажон! Энди сўзингиздан чикмайман...».

Қаландарнинг боши гувиллаб кетди. Нима қиларини билмай қолди. Кетмай деса, бир кун ҳам қолишга тоқати йўқ. Кетай деса... «Нима бўлса бўлди. Кетаман! Қочиб кетаман!»

У чоригини ечди-да, кирлигидан асл ранги қанақалиги билинмай кетган бўз кўрпачага чўзилди. Мириқиб керишди. Иккала қўлини боши остига қўйиб шифтга термилиб ётди. Хаёлидан турли-туман фикрлар кечар эди. «Шошма, шошма! Нимага энди ҳақимни олмай кетаман?! Бир йил ишлаб-а! Бир йил тоғма-тоғ, тошма-тош кезиб, оёғимни яра қилиб мол боқаман-у, ҳеч нарсасиз икки қўлимни бурнимга тиқиб кетавера-

манми? Отам, энам нима дейди? Хўп, улар тушунишар, кечиришар. Лекин бошқалар-чи? Одамларнинг юзига қандай қарайман? «Бегона жойга бориб пул топиб келиш осонмас, ўғлим. Қўй, нима бўлса ҳам шу ерда, ёнимда юр. Бир кунимиз ўтар. Аканг ҳам келиб қолар насиб этса...» деганларида отамнинг гапига кирмовдим. «Сиз кекса бўлсангиз, акам у ёқда. Мен кўча чангитиб юрсам яхшими? Қўйинг, бориб ўша бойникида озроқ ишлаб келай. Мехнат ҳақимга бирор нима берар ахир. Ўлдими, ҳеч қурса биронта эчки-печки берар-ку. Сиз мени ҳали ҳам гўдак, қўлидан ҳеч яш келмайди. оғзидан ошини олдириб қўяди, деб ўйлайсиз. Ундаймас ота, мен бойла ҳақимни қолдирмайман. Албатта ундириб оламан. Ўшанда кўрасиз», деб қатта гапириб қўйган эдим. Бир йил дом-дараксиз кетиб шумшайиб кириб бораманми? Эшитганлар бу кунингдан бағдат бўл, демайдими. Йўқ, ишламай кетавериш ўнги боланинг иши эмас! Ишлагингми, ҳақингми ундириб ол! Қандай қилиб? Хўш? Алижабердан ана шундай сўров эшитилгандай бўлди. «Ростдан ҳам қандай қилиб ундириш керак?» Қаламлар шартта ўрнидан турди-я. хужранинг кичкинагина тўйнутидан тилинага қасади. «Шу отлардан бирини олиб кетам-чи! Бирини олиш биллиб қолмасмикин? Ажойиб қилиб қилса бўлми. ҳақ теримга сомон тиката-я... Сизлар тургани-ю, қўйиб қичқирмасдан йўлга тушамиз. Таванқал!»

...Қолдиринг марҳумларликка кетганига бу ҳақда ошди. Шундан бери Шодиёр бобонинг таъ. Қанчал холанинг ҳам ҳақига йўқ. Қанчал қила ўқува таъ уф тортади, турса ҳам, оқ қоллиқми қармақдак чау чамайди:

Илоё уйгинаси қўйиб Николанинг. «Борди шу қилоси бормиди? Ҳа, бўйгинаси қолга ерда қилди» Илоёшо бўлмай гўрсўхта бўлди...

Шодиёр бобо хотинига таъқим қилди-чи, қол ичкидан қил кетади. Лекин буни на қилинига, на Қаландарига билдиради.

Ота-онасининг ахволига қараб, Қаландарининг қилми эзилади, уларга раҳми келади. Қандай қилиб, уларни ёрдам беришни, кўнглини олишни ўйлайди.

Бир кун Алимат акадан «Қавалчилик» тизилгани бойга молбоқар керак эмиш. Қўп саҳнадаги бўй ийи-

шади», деган гапни эшитиб колди. Ўйлаб-ўйлаб, шу бойникига бориб ишламоқни хаёл қилди. «Ханна тўрт-беш танга топиб келарман, ота-энамга ёрдам бўлади-ку, кўча чангитиб юришдан нима фойда?»

Фикрини отасига айтди. Шодиёр бобо қалин соқолини оҳиста силар экан, ер остидан ўғлига қаради.

— Кимдан эшитдинг бу гапни?

— Алимат акадан.

— Ҳм, — деди Шодиёр бобо салмоқлаб, — эшитувдим. Менга ҳам айтувди. Лекин, ўғлим, ҳолва деган билан офиз чучимайди. Вағаштига бориб, яна унинг устига бойнинг эшигида юриб биринг икки бўлишига кўзим етмайди. Ҳали ёш боласан.

— Таваккал-да, ота.

— Ишлайман десанг шу ердаям иш топилади. Ана, ўзимизнинг Юсуфбойга одам керакмас дейсанми? Керак. Юсуфбойни эшитиб, Қаландарнинг баданига чу-моли ўрмалагандек бўлди. Икки ойча илгари бойнинг боғидан толдан битта таёқлик кесиб олгани учун ундан роса сўкиш эшитган эди. Энди эшигига иш сўраб борадими?

— Қўйинг, ота, шу бойни. Ундан ёруғлик чиқармиди? Ўлгудай қурумсоқ. Тошдан сув чиқса чиқади, аммо Юсуфбойингиздан томчи ҳам чикмайди.

Шодиёр бобо ўғлининг соддалигидан кулиб қўйди.

— Нима, Зиёдулла бой мол-мулкини навчаларига бўлиб берарканми?

— Анча инсофли дейишяпти-ку.

— Ҳе, ўғлим, айтаверади-да. Бойнинг ҳаммаси ҳам бир гўр. Оқ ит, қора ит — бари бир ит. Қурумсоқ бўлмаса бой бўладими? Ема, ичма, бўл бахил, бой бўлмасанг — мен кафил, деган гап бор.

— Харҳолда бир бориб кўрай-чи, ота...

...Қаландар жийрон кашқани йўрттириб борар экан, ана шуларни ўйлар, хаёлан отаси билан суҳбатлашар эди.

«Мана ота, бой хизмат ҳақимга шу отни берди».

«Ростданми? Ундай бўлса, Зиёдулла бой чиндан ҳам инсофли, диёнатли одам экан-ку».

«Отам гапимга ишонармикан? — дея ўйларди Қаландар. — Ёки ростини айтсаммикан?.. Йўк, бўлмайди. Отам бунақа нарсаларни ёмон кўради. Сира



хам кингир ишга кўл ургани йўл қўймайди...Аслида бу ўғирлик ҳам эмас-ку. Бир йиллик меҳнатим бир от пулига нахотки етмаса? Етади, ошиб ҳам қолади...»

У Сариктепа қишлоғининг ёнидан ўтаётганида сўфининг бомдод намозига чорловчи ўтқир овози эшитилди: «Оллоху акбар, оллоху акбар. Ла илоҳо иллолло-оо-оҳу...» «Намоз вақти бўпти. Ҳозир отам ҳам намоз ўқиётган бўлса керак... Акам келдимикан? Ўзгариб кетгандир. Оқ пошшо жонини олиб қўйгандир бечора акамнинг. Озиб-тўзиб кетганми?» Назарида акаси унинг йўлини пойлаб ўтиргандай туюлди. Отнинг жиловини силтаб, қамчи босди.

Тонг ёриша бошлади. Қаландар ўнг томондаги қишлоққа разм солди. «Бешкалми? Ҳа, яқин қолди». Қишлоқ томондан қўй-қўзиларнинг маърагани, хўрозларнинг басма-басига қичқириши, итларнинг во-вуллаши баралла эшитилади. Кимдир боласини қарғади... «Ҳа, бўйнигинанг остингда қолсин. Бола деганнинг қулоғига битта-иккита гап кира қолса-да...». Қаландар у ёғини эшитмади, эшитгиси келмади. «Нега баъзи хотинлар бунча кўп қарғанади? Не-не азобда катта қилган боласини аямай қарғайди-я. Яхшиямки, аёлларнинг қарғиши ўтмайди. Отам шундай деган».

Қаландар беихтиёр онасини эслади. «Йўк, меннинг энам ундай эмас. Ҳеч ҳам қарғамайди. Жуда тўполон қилсак, «Ҳа, омон бўлгур, ҳа, уйинг буғдойга тўлгур», деб уришади. Лекин ҳеч маҳал анави аёлга ўхшаб қарғамайди... Энам ҳам йўлимга кўз тикиб ўтиргандир...»

Қаландар Ёмонжардан ўтганда қуёш мўралади. Тоғларнинг учига ҳали эриб улгурмаган қорлар қуёш шуъласида шишадай ялтирайди.

Атроф ям-яшил. Уватлардаги, қўш қирмаган ангорлардаги қалин зумрад майсалар қуёшнинг заррин нурларида яшил бахмал каби товланади. Қаландар шундагина баҳорнинг намхуш, аммо ёқимли, киши дилини қитиқловчи хидини туйди. Бу хид, атрофдаги кўркамлик, унинг устига бир йилдан бери соғингани қадрдон қишлоғининг таниш йўллари дилига қувонч, юрагига қувват бағишлади. Ҳозир отаси, онаси билан дийдор кўришувини эслаб, Қаландарнинг юраги хапқиқиб кетди. Бир маромда йўрғалаб бораётган



жийрон қашкага босиб-босиб камчи урди. От чопиб кетди. Узангига оёғини қаттиқ тираб олган Қаландар ўзини абжир чавандозлардай ҳис қилди. Ҳозир у шу қадар дадил, жасур, кучли эдики, назарида Зиёдулла бойнинг одамлари орқасидан қувса етолмас, изидан қайтаролмас эди.

Бу фикр хаёлига келиши билан у ортига ўгирилиб қаради. Йўқ, ҳеч ким кўринмади. Ургутга кираверишдаги балад тепаликдаги Бибипари қайрағочи, деб аталадиган якка қайрағочдан бир қарич юқорида турган қуёшга кўзи тушди. Шунда Вағаштида эшитгани бир хангомани эслади.

Бир куни Ургут бозорида бир вағаштилик битта испанзалик билан ниманингдир устида тортишиб қолибди. Униси, у дебди, буниси бу, дебди. Одамлар ўртага тушибди. Ҳеч келишолмабди. Охири гап тополмай қолган вағаштилик одамларга илтижо билан бундай дебди:

— Қаранглар, ахир қуёш ҳам бунинг ёнини олади (Вағашти Ургутнинг кун ботар томонида, Испанза эса кунчиқар тарафида.). Биз эрталаб бозорга келаётганимизда қуёш пешанамизга уриб киздиради. Бозор-ўчарни битириб қайтаётганимизда эса у томонга ўтиб олади-да, яна пешанамизни куйдиради. Бунга-чи? Ундай эмас. Бу бозорга келаётганда қуёш орқасида бўлади.

Қайтиб кетаётганида яна бунинг гамини еб, орқа томонга ўтиб олади.

Тўпланганлар бу гапдан роса мириқиб кулишади:

— Ҳа, шундай экан тортишиб нима қиласан? Қуёш ҳам бунинг ёнини олиб тургандан кейин бизнинг қўлимиздан нима келар эди? — деб масхара қилишади.

Қаландар бу хангомани эслаб ўзича кулиб қўйди. «Хайрият, қуёш ҳозир мен томонда. У ҳам менинг ёнимни олмоқда».

Жийрон қашка ҳар қарич жойи Қаландарга беш бармоғидай таниш Булоқбоши қишлоғи кўчасидан йўртиб бормоқда эди...

## Ҳалоли бўлсин...

Қаландар Тахтақорача довоининг тепасига чиқди-да, отдан сакради. «Юқорига кўтарилгунча от жонивор ҳам қора терга тушиб кетди. Бирпас дам берай, ўзим ҳам манави кўкаламга бир оз чўзилай». У отининг айил-пуштасини бўшатди, оғзидан сувлиғини чиқарди. Хуржунини кўм-кўк майсазорга кўйди-да, ўзи Ҳазрат Али намоз ўқиган тошни зиёрат қилгани борди. Довоннинг энг тепасидаги бу ясси тошда икки тиззанинг, саждага бош қўйгандек икки панжанинг изи бор. «Бу тошнинг устида Ҳазрат Али намоз ўқиган. Бу излар ўша кишининг излари», дейишади одамлар. Шу боис бу тош муқаддас ҳисобланади, ўтган ҳар кимса бир тўхтаб, уни, албатта, зиёрат қилади. Қаландар ҳам ўзича қандайдир дуоларни ўқиб, фотиҳа қилди. Кейин хуржунининг устига чалқанчасига чўзилди.

Отда юравериб икки сони оғриб қолган экан, ҳозир оёқларини узатиб ётганда маза қилди. Майин шабада торда ўсадиган ёввойи бодом гулининг ёқимли хидини олиб келди. Қаландар чуқур нафас олар экан, кўнглида ажиб бир туйғуни туйди. Руҳи тетик тортди. Ҳалигина хаёлини ўртаган «Бой билиб қолса нима қилади? Орқамдан одам юборса-чи? Отам нима дейдилар», деган ўйлар мисоли баҳор булутларидай тезда тарқаб кетди. «Келса келар... Нима, мен бировнинг ҳақиға хиёнат қилдимми? Ўзимнинг меҳнат ҳақимни олдим, холос».

У ўрнидан туриб ўтирди. Отига қаради. Жийрон қашка эринибгина ўтлар эди. Унинг ёнидаги ёввойи бодом дарахтида бир зарғалдоқ куйиб-пишиб сайрайди: чув-чув-чув, чу-ли-ли-лил... Қаландар зарғалдоқнинг сайрашини ёктиради. Мириқиб эшитди. Жийрон тумшугини ердан кўтармай пишқирди-да, думини қаттиқ силқитди. Бундан чўчиган зарғалдоқ «чув» дея учиб кетди. «Энди туриш керак», — деб ўйлади Қаландар. — От ҳам қавзаниб олди. Вақт кетяпти. Қоронғи тушмай Қайнарға кириб борсам тузук...»

— Сизни бир отлиқ сўраяпти, — деди Жаннат хола чолига.

Пешин намозини ўқиб, тасбеҳ ўгириб ўтирган Шодиёр бобо хайрон бўлди.

— Ким экан? Танимадингми?

— Йўқ. Бегона одам. Илгари кўрмаганман.

Шодиёр бобо дарвозага чикди. Отлик ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги норвил йигит эди. У Шодиёр бобони кўриши билан отдан ирғиб тушди-да, салом берди.

— Қани, ичкарига, — деди Шодиёр бобо.

Меҳмоннинг отини сайисхонага боғлаб, охурга хашак ташлади. Уйга кириб, хол-аҳвол сўрашдилар.

— Сўраганнинг айби йўқ, меҳмон, — деди мезбон, — сизни танимайроқ турибман.

Меҳмон кулимсиради.

— Ҳа, танимайсиз. Мен Вағаштидан келдим. Зиёдулла бойнинг навчасиман.

Зиёдулла бойнинг номини эштитиб, Шодиёр бобонинг юраги шувиллаб кетди. «Ҳа, тушунарли», деб ўйлади ўзича. Аммо меҳмонга сир бермади.

— Ҳа-а, шундайми, хуш кўрдик, келсинлар, — деди вазминлик билан.

— Мени бу ерга бой отам юбордилар... Сизнинг Қаландар деган ўрлингиз у кишининг эшигида бир йилча ишлаган экан... Уч-тўрт кундан бери дараги йўқ эмиш. Охири мени шу ёққа юбордилар: «Бориб хабар ол-чи, балки уйига боргандир», дедилар. Бойнинг бир жийрон қашқа оти ҳам йўқ. Қаландар уни миниб кетмадимикан, деган хаёлдалар. Тўғри, ўрлингиз от миниб кетадиган даражада эмас, хали ёш. Лекин, ҳарқалай, болада, қизиқиб минган бўлса, от у ер-бу ерда йикитиб-пикитиб кетган бўлмасин тагин, От-ку гўрга-я, боланинг ўзи омон бўлса бас, дедилар бой отам.

Шодиёр бобо ўйланиб қолди. Ўрлининг «Бой иш ҳақимга шу отни берди», деб алдагани жаҳлини чиқарди. Айни вақтда мана бу йигитчанинг Қаландарни менсимай гапиргани унга алам қилди.

— Олинг меҳмон, чойдан ичинг, нонга қаранг, — деди ўйчан. — Қаландарнинг қачон чиқиб кетганини ҳеч ким билмас эканми?

— Йўқ... Бир-икки кун эътибор беришмапти. Тогда молларни боқиб юргандир-да, деган хаёлга боришипти. Лекин орадан уч-тўрт кун ўтибди ҳамки, ўрлингиздан дарак бўлмапти.

«Нима десам экан? Ўғлим уйга келгани йўқ. Бой отангга бориб айт, ўғлимни топиб берсин, десамми-

кан... Йўқ, бу номардлик бўлади. Бор гапни айтаман. Менсимай гапиргани учун ҳам бор воқеани айтиб бераман. Нима қиларди бой? Нар и борса, отини қайтариб олади-да. Эрта-индин Қаландар келади, элтиб бер отини, дейман... Тавба, «От-ку гўрга-я, боланинг ўзи омон бўлса, бас» эмиш. Бой бировнинг боласига ачиниб қопти-да. Агар оти йўқолмаганда-ку Қаландарни бўри еб кетсаям эсига келмасди-я... Ха, майли, бу йигитда нима айб? У хўжайини айтган ишни қилади-да». Шодиёр бобо шуларни хаёлидан ўтказар экан, чойдан бир хўплаб меҳмонга деди:

— Бой отангизга бориб айтинг, Қаландар ҳам, жийрон қашқа оти ҳам омон. От Қаландарни йикитиб кетгани йўқ, йикитиб кетолмайди ҳам. Камбағалнинг боласи пишиқ, чайир бўлади... Эрта-индин отини олиб бориб берамиз. Ўғлимнинг бир йил ишлагани учун ҳақ берадим-йўқми — бу бой отангизнинг имонига хавола.

Шодиёр бобо бир оз қизишганини меҳмон сизди.

— Бова, сиз кўнглингизга олманг, бой отам ҳеч нарса деганлари йўқ. Отни қайтариб берсин, деган гап у кишининг хаёлига ҳам келган эмас. Фақат ўғлингизнинг эсон-омонлигини билгани келдим, холос.

— Куллуқ! — Бой отангизга шуни айтиб қўйинг. Отини эрта-индин етказамиз, — деди яна таъкидлаб Шодиёр бобо.

Бошқа гапга ўрин қолмаган эди. Меҳмон анча фаросатли йигит экан, буни сизди-ю, мезбондан рухсат сўради.

Меҳмонни кузатиб қайтган Шодиёр бобонинг авзойини кўриб Жаннат хола чўчиб кетди.

— Ким экан? Нима дейди?

Шодиёр бобо индамади. Жаннат хола саволини яна қайтарди.

— Ўғлингни сўраб кепти, — деди Шодиёр бобо кескин. — Бу бола мени эл олдида бош кўтаролмайдиган қилади.

— Мундай тушунтириб гапирсангиз-чи? Нима гап ўзи?!

— Нима гап эмиш! Ўғлинг бойнинг отини ўғирлаб келган экан. Шуни сўраб кепти!

— Вой, шўрим, вой, шўргинам курсин! Қандай



қилиб ўғирлабди? — Жаннат холанинг ранги бўз бўлиб кетди. — Энди нима қиламиз? Бу яшшамагур бой билан ўйнашадими-а! Бир бало қилиб қўймаса гўрга эди. Қодиримни олиб кетишгани етмасмиди? Энди буни ҳам...

— Бас қил! — деди Шодиёр бобо.

Чол-кампир жим бўлиб қолди. Жаннат хола рўмолининг учи билан кўзёшларини артди. Шодиёр бобо бир кафт носни жаҳл билан тилининг тагига ташлади-да, кўзини юмганча хаёл суриб кетди.

— Қайнардан қачон қайтаман, девди?

— Эрталардан келиб қолар...

Қайнарда Шодиёр бобонинг Исмоил деган жияни бор. Қаландар шуниқига боряпти. Ота-онасига «Қайнарга бориб, Исмоил акамлардан бир хабар олиб келаман», деган. Отаси ҳам «Бойнинг моли кетидан юравериб чарчаган, майли, бориб келсин. Икки-уч кун кўнглини ёзиб, айланиб келар», деган ўй билан индамади. Лекин Қаландарнинг режаси бошқа эди.

Бир кеча меҳмон бўлгач, эртаси куни Исмоил акага мақсадини айтди:

— Отам юбордилар. Мана шу отни сотиб, пулига қўй олиб бераркансиз.

Исмоил ака Қаландарнинг гапига ажабланмади, фақат қўйларни ёлғиз ўзи тоғдан қандай олиб ўтиб кетишини ўйлаб қолди.

— Ростми шу гапинг? — деди Исмоил ака.

— Бўмасам-чи, — деди шоша-пиша Қаландар. — Агар ишонмасангиз, майли, сотманг. Акамнинг келишига қўй керак эмиш-да.

Бу гап Исмоил аканинг кўнглидаги озгина шубҳани ҳам тарқатиб юборди.

— Менга қара, Қаландар, хўп, отни Китоб бозорига элтиб сотдик, пулига қўй олдик ҳам, дейлик. Лекин битта ўзинг уч-тўртта қўйни қандай ҳайдаб кетасан? Тоғ ошиб ўтгунча чарчамайсанми, кўркмайсанми?

Қаландар кулиб, Вағаштида Зиёдулла бойнинг қўйларини тоғма-тоғ ҳайдаб ўрганиб қолганини айтди.

— Нимадан кўрқаман? Қиш бўлмаса, йўлда йўловчи қўп. Шуларга қўшилиб олсам бас-да, — деди дадил.

— Бўмаса бундай қиламиз, — деди Исмоил ака, — отни сотиб, пулига қўй оламиз. Кейин бизларди эша-



гимизни миниб, кўйларни хайдаб кетасан. Ўзим бир борганимда олиб келарман эшакни ёки биронта келувчи бўлса бериб юборарсизлар...

Эртаси кун намози асрда Қаландар Булокбошига беш кўйни хайдаб кириб келди. Уни йўлда кўрганлар турли фикрга бордилар:

«Шодиёр бобонинг шу ўғлидан бир бало чиқади-да». «Гўр бўлади, шу аҳволда кетаверса ўғридан бошқа нарса бўлмайди». «Ким билади дейсиз, шунақалардан чиқади ҳамма нарса. Ўғирлик қилиш учун ҳам сал-пал ақл-фаросат, юрак керак».

Қаландар ҳеч кимга парво қилмади. У дарвозани очиб, кўйларни хайдаб кирганда онаси сайисхонада сипир соғаётган эди. Қаландарни кўриб ханг-манг қолди. Тиззаларининг орасидаги пақири пақ этиб тушиб кетди.

— Буларди қаердан олдинг?

Ўғлининг саломига Жаннат хола шу савол билан жавоб берди.

— Қаердан олардим, сотиб олдим.

— Вой шўрим, яна нима балони бошлаб келдинг?! Ховли тўридаги дарахтларнинг тагини чопаётган Шодиёр бобо кампирининг овозини эшитиб сайисхонага қаради-ю, Қаландарни кўрди. Кетмонини жойида қолдирди-да, у томонга йўл олди. Эшакнинг тўкимини ечаётган Қаландар отасига пешвоз юрди.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум, — деди Шодиёр бобо эшитилар-эшитилмас. — Кимнинг кўйлари бу? От қани? Эшак қимники? Отасининг дарғазаб важохати Қаландарга ҳамма нарсани равшан қилди.

— Яна кимнинг кўйини ўғирлаб келдинг?

— Ҳеч кимнинг кўйини ўғирлаганим йўқ, Булар ўзимники, сотиб олдим. Эшак Исмоил амакиники. Ўзлари миниб кет, дедилар, — деди бир оз тутилиб.

— От қани? Бойнинг оти қани, ярамас? — деди Шодиёр бобо ғазаб билан.

Қаландар отасининг қаттиқ жаҳли чикқанини сезди. Ортиқча тушунтиришу изохларнинг ўрни эмаслигини англади.

— Отни сотиб, пулига шу кўйларни олдим...

— Кимдан сўрадинг буни? Бировнинг отини ўғирлаб

миниб келишни, яна бозорга чиқариб сотишни ким ўргатди сенга? Дастингдан бош кўтариб юра оламанми ё йўқми?

Шодиёр бобо толдан бир хивич синдириб олди-ю, Қаландарнинг бош-кўзи демай савалай кетди. Хивич аъзойи баданини ачиштира са хам Қаландар миқ этмас, баъзан — чидаёлмаганида «их» деб қўяр, аммо на узр сўрар, на отасининг юзига қарай олар эди.

— Аканг йўқлигида ёнимга кирарсан, унинг ўрнини билдирмай турарсан, деб ўйловдим! Шуми менга теккан фойданг?! Эртага сахар тургинда, қўйларни Зиёдулла бойга элтиб бер!..

...Зиёдулла бой Қаландарнинг гапларидан негадир завқланиб кетди.

— Отам бериб юбордилар, дегин... — Қаландар «шундай» деган маънода бош ирғиб қўйди. — Менга қара, ўғлим, ростданам отни кўрқмай миниб кетдингми? — Чамаси Қаландарнинг ишлари бойни кизиқтирар, шунинг учун бўлган воқеанинг ҳаммасини батафсил эшитгиси келар эди. — Қани менга бир бошидан сўзлаб бер-чи. Отни қандай миниб кетдинг, қайси бозорга олиб бориб сотдинг, қўйларни ким олиб берди. Ҳаммасини айтиб бер-чи?..

Қаландар тутила-тутила бўлган гапларнинг ҳаммасини сўзлаб берди. Бой унинг ҳикоясини тинглаб ўтирар экан, гоҳ кулар, гоҳ ёш бола бўлатуриб, шундай ишларга ақли етганига ҳайрон қолар, унинг топқирлигига, довиюраклигига тан берар эди. Қаландар ҳикоясини тугатди ҳамки бой индамай ўтирарди.

— Бой ота, энди менга рухсат берсангиз, борай, — деди Қаландар.

Бой қалин мошгуруч соқолини силаб, Қаландарга термилди. Унинг бу карашида болага хавас, балки хасад ҳисси зоҳир эди. У ўзининг ўғилларини бирмабир тасаввур қилиб кўрди. «Хўш, улардан қайси бири манави гўдак қилган ишларни эплай олади? Егани — олдида, емагани — ортида. Аммо биронтаси бирон ишга бўйин бермайди. Ҳамма нарсага ўзим чопишим керак. Манави бола-чи? Уларнинг укаси тенги. Қилган ишларига эса катта одамнинг ҳам ҳаваси келади. Ўғлинг бўлганга яраша шунақа дадил, кўрқмас, уддабурон бўлса-да». Бой ичидан зил кетди. Унинг тўрт

ўгли бор. Лекин бир-биридан ношуд, бўш-баёв, сира бойнинг ўглига ўхшамайди. «Нимага шундай? Уларни эрка қилиб ўстирдимми?.. Э, худо, фарзандни беришга бердинг-а, аммо...». Бу фикридан ўзи ҳам чўчиб кетгандай хушёр тортди. Оллонинг иродасига шак келтиришдан кўрқиб кетди. Тангрига шукр қилди. Пичирлаб калима қайтарди. «Майли, эртами-кечми ақли кириб қолар уларнинг ҳам... Лекин бу болага тан бермай иложим йўк!»

— Менга қара, ўғлим, — деди Зиёдулла бой товуши алланечук товланиб. — Сенга рухсат бераман. Аммо битта шартим бор; қачон вақт топсанг бизникига келиб тур, хўпми? Сен менга ёқиб қолдинг. Ўғилларим қатори ўғлим бўласан... Ҳозир бориб дамингни ол. Бу окшом меҳмон бўл. Эрталаб йўлга чиқасан. Олиб келган қўйларингни эса қайтариб олиб кет.

Бойнинг бу гапларидан Қаландар хайратга тушди. Қаҳратон киш куни қуёш бирдан исиб, бутун қору музларни эритиб юборгандай туюлди. Рўпарасида савлат тўкиб ўтирган одам ўша ўзи билган, «Ҳақимни беринг, уйга бориб келай», деганда масхара қилган Зиёдулла бой эмас, қандайдир хушфъел, олижаноб бир инсон эди. «Балки бу гаплари ҳам калака қилишнинг бир йўлидир», деган фикр кечди Қаландарнинг хаёлидан.

— Йўр-э, бой ота қўйлар — сизники. Мен қайтариб олиб кетолмайман.

— Мен айтдимми, олиб кетавер, — деди бой вазмин. Қаландар бойнинг боқишларида, юз ифодасида сохталикни кўрмади. Унинг гаплари самимийга ўхшарди.

— Отам қўймайдилар. Барибир яна қайтариб юборадилар, — деди Қаландар.

— Отанга тушунтир. Бой отам чин дилдан менга бердилар, дегин. Қўрқмасдан отни миниб кетибсанми, шунча ишларга ақлинг етиб бажарибсанми — халолинг бўлсин!

— Бой ота...

— Шунча ишни қилган йигит латтачайналар бўлмайди! — Бой энди кескин гапирди. — Агар отанг ишонмаса, одам қўшаман. Бирга бориб, отанга бор гапни айтиб, тушунтириб келади.

Қаландар Зиёдулла бойдай одам ўзини йигит деганидан ичида суюниб кетди. «Демак, мен ҳам йигит

бўпман-да». Шу фикр хаёлидан ўтиши билан негадир қаддини ростлади. Аммо бу хаёлини бойга билдирмасликка интилди..

— Ҳимматингизга раҳмат, бой ота, — деди у. — Аммо мен қўйни ололмайман.

— Сабаб?

— Сиз «Халолинг бўлсин», деганингиз билан, отам рози бўлмаса, ҳалол бўлмайди.

Сўфи бомдод намозига азон айтаётганда Қаландар Вағаштидан чиқиб Булоқбоши қишлоғи томон йўл олди.

## Сомон

Қаландар ит қувган соқовдай ҳаллослаб, қора терга тушиб келди. Иссиқдан юзлари бўғриқиб кетган, нафас ололмай ҳансирарди. Нон ёпаётган Жаннат хола унинг ранг-рўйини кўриб кўрқиб кетди.

— Сенга нима бўлди, болам? Биров урдими? Ё кучук-пучук қувдими?

— Йўқ... йўқ. Боққа бораман, майлими? Молларгаям қарайман.

Қишлоқдан уч-тўрт чақирим юқорида — шундоққина тоғ этагида боғ бор. Қаландар бир сигир билан бир бузоғини ана шу боғ атрофидаги уватларда, заяк ерларда боқади. У эрталаб барвақт туради-да, сигир-бузоғини даштга етаклаб чиқади. Пешинда сояга олади. Баъзи кунлар тенгқурлари билан ўйинга қизиқиб кетиб, молларни сувориш, сояга олиш эсидан чиқиб кетар, оқибатда ё отаси, ё онаси койир эди. Бундай пайтларда «Бормайман, молларни орқасидан тикан босиб юриш жонимга тегди», деб хархаша қиларди.

Шунинг учун бугун онаси Қаландарга жуда хайрон қолди.

— Ҳа, болам, даштга мунча ошиқиб қолдинг?

— Ҳа, нима?! Бормайман десам қўймайсиз, бораман десаям. Нима қилай ахир?

Жаннат хола Қаландарга қараб қулди. «Ҳа, болам-а, мениям ўзингга ўхшаган гўдак, деб ўйляяпсан чоғи. Кошки билмасам дардингни. Жўраларинг билан ваъдалашиб келгансан. Дарди бало — ўйин». Шуларни Қаландарга ҳам айтмоқчи бўлди, аммо ўғлининг шаш-



тини қайтаргиси келмади. Майли, бора келсин. Отам раҳматли ўғил боланинг шашти синмасин, дегдилар. Бир марта синдимни тамом, кейин эгидувчан бўлиб қолади».

— Менга қара, Қаландар, манави иссиқ нонни ол. Жўраларинг билан бирга ейсан.

Қаландар ялт этиб онасига қаради. «Жўраларим боришини қаёқдан билди экан!»

— Қайси жўраларим?

— Қайсилигини ўзинг биласан, ўғлим, — дея жилмайди онаси. — Хеч нима деяётганим йўқ-ку. Боравер, фақат ёлғон гапирма. Мен сенга ҳар доим айтаман, қаёққа борсанг, ким билан ўйнасанг ҳам, тўғриси айт. Ростини айтсанг, индамайман, койимайман ҳам.

Қаландар индамади. Қилган ишидан пушаймон чекиб, ер чизиб қолди. Онаси буғи чиқиб турган иккита нонни чит рўмолга тутиб берди.

— Эшакни миниб ол. Тагингга қопни ташлаб олсанг, бир оз сомон ҳам супуриб келар эдинг?.. Моллар сувсиз қолмасин. Хўпми?

Ҳозир Қаландарга онаси жуда меҳрибон, мунис кўришиб кетди. Дунёдаги ҳамма оналардан ўзимнинг знам яхши, деган фикр кечди хаёлидан.

Қаландар кулранг эшагини кишлокнинг тупрок кўчасидан йўрттириб кетди. «Салим бордимикан ё ҳали ўйдамикан?..»

Ҳаш-паш дегунча боққа етиб қолди. Тўғри ишқомга қараб борди. Салим йўқ, ҳали келмапти. Тугунни ишқомга илди-да, эшаги қозигини уватга қокди. «Салим келгунча молларни суғориб тураман».

— Қани, олиб кедингми? — деди ховликиб Қаландар Салим келгач.

Салим бамайлихотир:

— Йўқ, знам бермадилар, — деди.

Салимнинг отаси савдогарчилик ишлари билан Ургут, Жума, Самарқанд бозорларига тез-тез катнар, у ердан турли ўйинчоқлар олиб келиб сотар эди. Салим бу ўйинчоқларни, ота-онасига билдирмай, жўраларига кўрсатиб мақтанар эди. Боя ҳам «Отам кеча жудаям қизиқ бир нарса олиб келдилар. Иккита тахтачанинг учига ип тортиб одамча шакли ясалган ўйинчоқ ўрнатилган. Тахтачанинг пастини ҳаракатга келтирса,



одамча ҳар хил ўйинга тушади», деб роса мақтанди. У Қаландарга шуни олиб келиб кўрсатишга ваъда берганди?

— Мен бўлса энамга ёлғон гапириб, ҳовлиқиб югуриб кепман-а, — деди Қаландар тарвузи қўлтиғидан тушиб.

— Энам билиб қолдилар-да. Бўлмаса олиб келардим.

— Ха, майли, — деди Қаландар. — Мен иссиқ нон келтирганман. Юр, ариққа бориб оқизоқ қилиб еймиз.

Икки ўртоқ ариққа бориб, иссиқ нонни сувга ботириб маза қилиб ейишди. Кўкрагини ерга бериб ётганча мириқиб сув ичишди. Кейин ариқ ёқасидаги кўкаламзорга чалқанча ётиб осмонга термилишди. Осмон чексиз, қанча тикилиб қарасанг ҳам адоғини кўриб бўлмайди.

Этак томондан енгил шабада эсди. Атрофни чангга ўхшаган ғубор ўради.

— Салим, — деди Қаландар ёнбошига ўгирилиб, — бедана овламаймизми? Этакдан шабада бўляпти, қара, бедананинг рави келганга ўхшайди.

— Ушлаёласанми?

— Ха, бўлмаса-чи, нима, сен билмайсанми?

— Йўқ, бирон мартаям ушламаганман.

Қаландар ирғиб ўрнидан турди.

— Юр, сенга ҳам ўргатаман. Анави уватда кўп бўлади, ўтларнинг орқасида.

Қаландарнинг гапи Салимни қизиқтириб қўйди. Бедана ушлашни ўрганишга астойдил киришди. Баланд уват бўйлаб иккови икки тарафга кетди. Қўлини орқасига қилиб олган Қаландар катталардай охиста юриб борар, буталар, хас-хашаклар тагига разм соларди. Салим беданани кўришга ошиқарди. Кутилмаганда унинг оёғи остидан бир нарса парр этиб кўтарилди. Салимнинг юраги шиф этиб, ичи музлаб кетди. Кўрқди. Беихтиёр Қаландарга қаради.

Жўрасининг ахволидан Қаландар кикирлаб кулди.

— Жўра, нима бўлди? Учириб юбординг-ку. Зўри экан-да, лекин. Менга қара, Салим, эхтиёт бўл, бедана эркаклардан қочади, ўзини жуда ҳушёр тутди. Аёллардан эса чўчимайди, хотинлар беданани кўрмайди-да.

Аёллар келаверса, бедана «Ана, кўр келди, кўр келди», дермиш. Яна сен ҳам кўрга чикиб колма.

— Нима, шундай деганини эшитганмисан?

Қаландар баттар хахолаб кулди.

— Кушти гапирганини ким эшитибди? Қизиксан-а. Отам айтганлар.

— Отанг эшитибдими?

— Отам эшитганми-йўқми — билмадим, аммо отам биладилар. Билмасалар гапирмайдилар. Бўпти, жўра, яхшироқ қара. Сенга кўринадиганга ўхшайди. Эсингдан чикмасин, кўрсанг тўхтама, гапирмаям.

Яна кидиришда давом этишди. Салим ҳар бир бута, ўт орасига қарашга, синчиклаб кўришга ҳаракат қиларди. Бир маҳал сариқ тикан остида муштдай бир нарсага кўзи тушди. Сесканиб кетди. Дарҳол ўзини қўлга олди. Қаландар ўргатгани эсига тушиб, юришдан тўхтамади. Аммо ҳалиги нарсадан кўзини узмасди. Ростдан ҳам бедана! Кўксини ерга босганча тумшуғини юкорига кўтариб ётипти, икки кўзи Салимда, мўлтираб турибди. Гўё «Қани, нима қилар экан» деб Салимни кузатиб тургандай.

Салим ўн беш қадамлар нарига ўтди-да, эхтиёткорлик билан Қаландарни чақирди.

— Кўрдингми? — деди Қаландар.

— Секин, — деб шивирлади Салим.

— Оббо, жуда уста бўп копсан-ку. Қаерда?

Қаландар оёқ учида югуриб келди.

— Хув анави ерда, сариқ тиканнинг тагида пусиб ётипти.

— Энди мундай, жўра, — деди Қаландар хансираб. — Сен келган йўлингдан қайтасан. кўзингни беданадан узма. Лекин билиб қўй, кўлинг билан кўрсатма. Орқанга қилиб кетавер кўлингни. Мен кетингдан (и)раман. Ўша сариқ тиканга борганда астагина «Ана шу» деб қўйсанг бас. У ёғини ўзимга қўйиб беравер...

Таниш сариқ тиканга борганда Салимнинг илраги гупиллаб урди. Бедана ҳамон ҳалиги алиқда кўкрагини ерга бериб ётарди. Астагина «Ана шу», деди. Буни Қаландар ё эшитди, ё эшитмади. Лекин беданани кўрди. Индамай беш-олти қадам ўтди. Қайси томондан олишни чамалади. «Сен кетавер», деди Салимга астагина. Ўзи эса орқасига қайтди. Қадамини

тезлатди, тўғри сариқ тиканга қараб бораверади. Салим унинг ҳаракатларини кузатаркан, «Хозир учириб юборади» деб ўйлар, ҳаяжонини босолмас эди. Қаландар сариқ тиканга етганда эпчиллик билан ерга энгашди. Энгашди-ю, дарров ўрнидан турди. Салим югуриб келди. Қаландарнинг кўлида бедана типирчилаб турарди.

— Менга бер, менга бер, — деди Салим. — Битта кўрай.

— Шошма, мунча ховлиқасан. Қанотини юлиш керак.

У бедананинг иккала қанотидан уч-тўртта узун патларини юлиб ташлади.

— Ма, пурчаси<sup>1</sup> экан. Бедана — кўрганники, каклик — ушлаганники.

Салим беданага хайрат билан термилди. Бедана ҳам ундан кўзини узмасди. Жонивор худди «Мени кўлга туширган сенсан», деяётгандай мўлтирар эди.

— Қалай? — деб сўради Қаландар бир оз керилиб.

— Бало экансан, қандай ушладинг-а? Кўзим илмай колди-я!

— Шунақа қилмасанг ушлаб бўладими! Ушла мени, деб қараб ўтирармиди у, — деди Қаландар кўлига кирган тиканларни тозалар экан.

— Энди менгами бу?

— Ҳа, олавер, айтдим-ку, бедана кўрганники деб.

— Раҳмат, — деди Салим севинчини ичига сирди-ролмай. — Энди мен кетдим, жўра.

— Ие, қаёққа? Кечкурун бирга кетамиз девдинг-ку?

— Беданага дон-пон берай, очидан ўлиб қолмасин тагин...

— Ҳа, йигитлар, бедана ушладингларми?

Капа қилинган эшак аравага сомон бостириб олиб кетаётган Ҳалим ака гап ташлади. Қаландар ҳам, Салим ҳам унга қаради-ю, лекин миқ этмади. Ҳалим ака аравасини тупрокли йўлдан авайлаб ҳайдаб бораркан, улардан узоклашди.

— Ҳа, айтмоқ-чи, мен ҳам сомон супурмоқчийдим, — деди Қаландар.

<sup>1</sup> Пурча — нар.

— Қаноринг борми?  
— Қанормас, иккита қоп олиб келганман. Қанорни қачон тўлдираман, ундан кейин қандай ортаман эшакка?

— Майли, бўлмаса, мен кетдим, жўра.  
— Менга ёрдамлашмайсанми?  
— Ёрдам берардим-у, боришим керак-да. Энам вақтлироқ кел девди...

Салим беданани кафти билан силаб-силаб кўйди. Бир беданага, бир Қаландарга қаради. «Беданамни бер деса-я... Ё оз-моз сомон супуришсаммикан? Э, йўғ-э, шу иссиқда зарилми менга. Бер, деса, бераман беданасини. Нима керак шу».

— Беданани берайми?  
— Йўк, нимага? — деди Қаландар. У жўраси кўнглига келган гапни сезгандай бўлди. «Менга ёрдамлаш деганим малол келди чоғи. Беданасини таъна қияпти, деб ўйладими... Майли, ўзи билади, кетса кета қолсин. Нима ишим бор».

— Хайр бўлмаса, мен кетдим.  
— Ихтиёринг...  
— Эртага келаман, бедана ушлаймиз. Кечгача юрман сен билан, сомон супуришаман.

Қаландар индамади. Қўлини оркасига килиб олганча яна бедана овлашга киришди. Салим бир оз жўрасига қараб турди-да, кишлок томон чопиб кетди...

Қаландар икки-уч уватни айланди. Учта бедана кўрди. Биттасини ушлади, қолганларини учуриб юборди, ноқулай жойда ётган экан. Кун қайтгач, молларини ўтга олиб чикиб бойлади.

Кун ботишига бир арқон қолганда сомон йиғишга тушди. Бойнинг даласидаги сомонни йиғиштириб кетишган, аммо ўрнида анча майда сомон қолган эди. Қаландар паншаха билан тўкилган сомонларни йиғди. Ана-мана дегунча икки қоп тўлгулик сомон тўплади. Уларни қопга яхшилаб тикди. Оғзини каноп билан боғлади. Бир оз дам олиш учун қопга ўтирди-да, пешана терини кафти билан сидириб ташлади. Шундагина чарчаганини хис қилди. Бу пайтда куёш тоғ чўккиси устида кип-қизил барқашдай бўлиб ёниб турарди. Қаландар куёшга узоқ термулди. «Ўша тоғ оркасида ҳам ҳозир кун ботяптимикиан? Куёш ғалати нарса-да,



шунча баландда ҳаммаёқни ёритади, қизитади-я... Куёш бўлмаса нима бўларкан? Қоп-қоронғи. Бир кун куёш чиқмаса... Одамлар ваҳимага тушиб қолишса керак...

Акам борган жойдаям куёш бормикан? Ё, акам айтгандай, ростданам у ерда ҳечам кун чиқмасмикан...».

Акасини эслаб, кўнгли бузилди. Оғир хўрсиниб ўрнидан турди. Куёш тоғ ортига думалаб кетган, унинг кизғиш нурлари жануб томондаги тоғ чўққиларида, узун дарахтлар учигагина қолган. «Энди қайтиш керак. Кеч бўлиб қолди». Эшагини ечиб келди. Арқонга икки қоп сомонни линг килиб боғлади. Кейин эшакка ортмоқ учун кўтарди. Аммо сомон оғир эди. Қаландар қопларни сал кимирлатди-ю, эшак устига озод кўтариб ташлаёлмади. Яна уринди. Бўлмади. «Энди нима қилдим... Ким ортишади? Салим ярамасам кетиб қолди. Яқин атрофда ҳеч ким кўринмайди. Бир қопини ташлаб кетсаммикан? Биттаси эшакнинг устида турмай-дям. Нима қилсам экан? Икковиниям қолдирайми? Шунча овора бўлиб йиғдим, энди ташлаб кетаманми?» Узокдан бир отлиқ кўринди. У тўғри Қаландар томон келарди. Қаландар суюниб кетди. «Шу одамдан илтимос қиламан. Ким экан? Бегона бўлса-чи? Ўлдими, ортишиб юборар», отлиқ яқинлашди. Йўрғалаб келаётган саманнинг устидаги Юсуфбойнинг қоровули Шоди акани Қаландар таниди. «Харқалай, ўзимиздан экан». Шоди ака қамчиннинг тасмасини елкасига ташлаганча отини жадаллатиб келарди. Қаландар унинг важоҳатини кўриб чўчиди. Шоди аканинг қовоқлари уюлган, жаҳли чиққанидан лаблари асабий кимтилган эди.

— Ассалому алайкум, — деди Қаландар унга пешвоз чиқиб.

Шоди ака ирғиб тушди-да, камарига осилган пичоғини кинидан чиқариб Қаландарнинг сомон тикилган қопларини, арқонини кесиб-кесиб ташлади.

— Шоди ака... Шо-диа-ака!

— Э Шоди акангни... — дея ўшқирди у. — Нима бу?! — Кесиб ташланган қопни у ёқдан-бу ёққа тепди. — Ким айтди сенга сомон олгин, деб?

— Мен...

— Инқиллама! Нима, энангнинг хирмоними бу, ташиб кетаверасан?!

Азбаройи аччиғи чиққанидан Шоди аканинг қора



кзи жигарранг тус олган, баккувват гавдаси титрарди. Қаландар гангиб қолди. «Ахир мен — ҳеч қачон сомон олганим йўқ. Бугун биринчи марта олишим. Униям ангорнинг юкидан супуриб олдим. Тайёр сомонга тек-каним йўқ», демоқчи бўлар, бироқ кўркув, ҳаяжоннинг зўридан тили калимага келмасди.

— Жўна ҳозир бу ердан! Иккинчи сомон олганингни кўрсам оёғингни уриб синдираман!

Шоди ака отига минди-да, қишлоққа йўл олди. Қаландар серрайганча қоровулнинг ортидан қараб қолди. Хаёлида турли, бир-бирига мутлақо алоқасиз фикрлар чувалашар, ичини аччиқ бир алам тирнар, алланима томоғини гиппа бўғиб қўйган эди. Негадир қўлига нон туғиб берган онасини, жўраси Салимни эслади. Салим ёдига келиши билан сергак тортди. Титилиб ётган сомонлар, қопини майда-чуйда қилинган парчалари орасидан ниманидир излади. У беданасини кидирарди. Мана, топди. Бир уюм сомон тагида экан. Онаси нон ўраб берган оқ чит рўмолчага туғиб қўйган эди уни. Шошилиб рўмолчани ечди. Ечса... Ечса, бедана ўлиб қопти. Қаландар уни қафтлари орасига олди. Ихтиёрсиз равишда Шоди ака кетган тарафга боқди. Унинг бу қарашида нафрат, ғазаб, болаларча сўқиниш, айни вақтда ўзининг ожизлигидан, кучсизлигидан қаттиқ ўқиниш туйғуси мужассам эди. Қоровулга қарши гапирмагани, бор гапни очик-ойдин, дангал айтмагани, лапашанглик қилгани учун у ўзини ўзи қойир, бунга сари баттар эзилар эди. Шу алпозда қанча турди — билмайди, бир маҳал кўксидан кучли бир ўқирик келди-ю, хўнграб йиғлаб юборди. Бу йиғи кенг дашт бўйлаб ёйилди. Лекин ҳеч ким эшитмади...

## Бозор

— Тур, Қаландар, кеч қолсан, ўрлим, жўранг ҳам ҳадемай келиб қолади.

Икки йилдан бери ҳар кузда Қаландар Жумабозорга сомон олиб бориб сотади, пулига қишлоқ кийим-кечак олади. Бугун ҳам Равшан деган жўраси билан бозорга бормоқчи. Ётиш олдидан отасига «Сахарда уйғотинг», деб тайинлаган.

Қаландар эринибгина кўзини ишқалади. Ҳозир

унинг тўйиб-тўйиб ухлагиси келар эди. Лекин начора? Туриши керак, бозорга бориши, сомон сотиб келиши зарур. Шундай қилиб ота-онасига ёрдам беради. Харна-да! Арғамчига — қил қувват.

— Турдингми, болам манови қаймоққа нон тўғраб еб олгин. Йўлда очқаб қомагин тагин, ховли этагидан оқадиган ариққа бориб Қаландар қўл-бетини ювди. Сув шишадай тиниқ, қордай совуқ эди. Куз суви ўзи шунақа бўлади — бир ховучини олиб юзингга сепдингми, тамом, бутун уйқунгни қочириб юборади. Одам кушдай енгил тортади.

Қаландар бир-икки бурда нонни қаймоққа ботириб еди. Сайсхонадаги таранг килиб сомон тикилган қопларни линг қилаётган Шодиёр бобо чақириб қолди.

— Қани, ўрлим, бўлдингми, кела қол. Ота-бола қопларни эшакка ортишди.

— Тўн-пўнингми олдингми? — деди Шодиёр бобо. Шу маҳал кўчадан Равшаннинг «Қаландар» деб чақирган товуши эшитилди.

— Хозир, — деди Қаландар.

Тўнини икки қоп ўртасига — тўкимининг устига ташлади-да, отасининг ёрдами билан эшакка минди.

Кўчагача кузатиб чиққан Шодиёр бобо фотиҳага қўл очди: «Эсон-омон бориб келинглар. Илоё бозорларингни берсин!» Қаландар билан Равшан ҳам юзига фотиҳа тортди.

Икки жўра йўлга тушди. Тун пардаси ҳали тарқалмаган. Кузнинг аччиқ шабадаси этни жунжиктиради. «Аслида чопонни тагимга солмай, кийиб олсам тузук экан», деб хаёлидан ўтказди Қаландар. Осмонда хокандоз-хокандоз чўрлар сочилгандай юлдузлар чарақлаб ётибди. Қаландарнинг эшаги бир маромда йўрғалайди, бундан унинг завқи келади. Аммо узок йўл, устига-устак икки қоп орасида худди ариққа тушиб олгандай ўтиравериш Қаландарни зериктирди: оёқлари увишиб қолди.

— Равшан, — деди, — бирпас пиёда юрмаймизми? Менинг оёғим тоза қотиб қолди.

— Шу қоронғида ўйдим-чукур йўлда пиёда юриб бўладими?

— Сенинг оёғинг уюшмадими? — дея сўради Қаландар.

— Йўқ, жуда линг қилиб ортибсан-да, сал бўшатиш керак эди. Бир томонингга ёнбошлаб ол.

— Бўшатсанг эшакнинг қорнига тушиб кетиб, икки томонидан қисади. Кейин қандай юради бу жонивор.

— Э, кизик, экансан, — деди Равшан, — эшакдай жони қаттиқ ҳайвон йўқ. Бирпасга ўлиб қоладими? Мана, менинг эшагим, пириллаб кетяпти-ку.

— Пириллабмас, имиллаб кетяпти де. Иккита катта қопни, ҳам сени кўтарса, яна унинг устига жониворга азоб берсанг, — деди Қаландар.

— Эшак бўлганидан кейин минади-да.

Қаландар бошқа гапирмади. У эшагини жуда яхши кўрар, унга раҳми келар, авайлар эди. Қишин-ёзин унинг еmidан, сувидан бохабар бўлади. Ўтинга чиқадими, сув ёқалайдими, меҳмонга ёки тегирмонга борадими — қаерга борса шу эшагини миниб олади. Унинг устига отасининг «Бу жониворнинг айби нима? Тилсиз бўлгани учун гуноҳқорми? Унинг ҳам савобию уволи бор. Молга ҳам қарасанг мол бўлади. Оёқ-уловда бу жонивор», деган гапини сира эсидан чиқармайди. Неча марта сомон бозорга келиб кетди. Шунда ҳам кунига шу эшаги яради...

Қаландар хаёл билан банд, эшаги жадал йўргалаб борар эди. Равшан анча орқада қолиб кетди. Қаландар нима қиларини билмай қолди. Кетаверай деса, шеригини ёлғиз қолдириш яхшимас, қараб турай деса эшагининг ёмон бир одати бор: устига юк ортилганда, айниқса чарчаган бўлса, хайдаса йўргалаб кетаверади-ю, бир жойда тўхтадими — тамом, дарров ётади. Кейин турғизиш қийин, энг ёмони салга кураги ёпишиб қолади. Ҳозир Қаландар шундан хавотирда.

— Йўшш, — деб эшагини сал секинлатди. Кейин орқасига ўтирилиб бақирди. — Равшан, тезроқ хайда, хала бос.

— Тоза чарчаб қолди, соғана, — деди Равшан. — Бир оз дам берамизми?

— Кейин икковимиз қандай ортамиз қопларни?

— Бир бало қилармиз, жуда ортолмасак битта-яримта ўтиб қолар. Бизлардан бошқаям бозорга бораётган бордир ахир. Ўзимиз ҳам сал дам оламиз. Оёғим увишиб қолди, дединг-ку ўзинг ҳам.

— Шундай-ку-я, кечга қоламизми дейман-да. — Эрталабки бозордан қолмасак яхши эди-да.

Равшан сўзида туриб олди:

— Қолмаймиз ҳалиям. Бемалол етиб борамиз. Бирпас дам оламиз-у, яна йўлга тушамиз.

Улар бир чеккага ўтиб қопларни туширдилар. Эшакларнинг айилини бўшатди, ўзлари уватга чопон ташлаб чўзилдилар. Иккови ҳам индамай осмонга термилиб ётди. Атроф жимжит. Қора чигиртканинг чириллагани эшитилади. Қаландар юлдузларнинг жимир-жимирини томоша қилиб ётди. Кўлмакка майда топча ташласа сув юзи майин мавжланади. Юлдузларнинг жимирлаши ҳозир Қаландарга ана шу мавжларни эслатди. У икки кафтини боши остига кўйиб, осмонга термилганча кўзини юмди. Узоқдан кучукнинг забтига олиб хургани, қарама-қарши томондан эса эчкининг зор қақшаб маърагани эшитилди. «Яна, салгина юриб, кейин дам олсак бўларди-да. Мозордан узоқлашар эдик... Дам олиб ўтиришнинг ҳам кераги йўқ эди-ку аслида. Равшаннинг отасиям қизиқ, шунча олис йўлга офир қопларни салки ортадимиз?! Эшак жониворнинг қорнини икки томонидан қисиб, юргани кўядими? Дам олиб ўтирмай етиб олганимиз маъкул эди...».

Эшаклар уватга қолиб кетган хас-хашакни тергилиб куртиллатиб ея бошлашди.

— Анави тўп бўлиб турган юлдузни кўрдингми? — деди Равшан жимликни бузиб.

— Хулкар-да шу.

— Хулқари шуми? Тавба, юлдузларнинг ҳам оти бор-а. Униси-чи? — деб Равшан қатор турган учта юлдузга ишора қилди.

— Тарози, — деди Қаландар.

— Тарози? Ие, юлдузниям тарозиси бўладими?

Ҳозир отасининг гапи Қаландарнинг эсига тушди.

— Бўлмасам-чи, — деб отасининг гапини такрорлади, — ҳамма жойда тошу тарози бор. Беўлчов дунё йўқ.

Равшан жўрасининг билафонлигига қойил қолар, аммо сир бой бергиси келмас эди.

— Менга қара, Қаландар, бозорда сомон неча пул экан, билмайсанми?

Қаландар катталардай салмоқлаб гапирди:

— Қаёқдан билай? Борсак кўрамиз-да. Отанг — бозор, энанг — бозор, деган. Бозорнинг кўтаришига қараб сотамиз-да.



— Шунча оврагарчиликка арзирмикан ишқилиб? — деди Равшан. Унинг овозида норозилик, афсусланиш гуйғуси сезилди.

Равшанларнинг оиласи ўзига анча тўқ. Шунинг учун у ёзда унчалик сомон ҳам супурмас, бозорга ҳам жуда кам борар эди.

Борганда ҳам жўраларига кизиқиб, пул учун эмас, шунчаки, томоша қилиб келиш мақсадида борарди. Кеча Қаландар бозорга борамиз, деганда ҳам аввалига кўнмади. Аммо Қаландар у-бу нарсаларни гапириб кизиктиргач, борадиган бўлди. Унинг бозорга боришидан Қаландарга манфаатдорлик — шерик топилгани. Сахарлаб ёлғиз йўлга тушишдан кўрқади. Аслида ўзи у қадар кўркмайди ҳам, аммо ота-онаси розилик бермайди, ёлғиз ўзини бозорга жўнатишга кўнгли бўлмайди. Узоқ йўл, эшак чарчаб ётиб қолиши мумкин, устига-устак нечта қабристоннинг ёнидан ўтади. Ёш бола туғул катта одам ҳам кечаси қабристон ёнидан ўтишга чўчийди. Айниқса, Турдибой аканинг вафотидан сўнг ҳамманинг юрагини ваҳима босиб қолган.

Кўшни кишлоқлик Турдибой ака бир кун кечаси қаёқдандир келаётган экан. Борган жойидагилар «Вақт бемаҳал бўлди, ётиб қолинг, эрталаб кетасиз», деса ҳам Турдибой ака кўнмапти: «Ой сутдай ёру», остимда дажам от бўлса, нимадан кўрқаман? Бирпасда етиб оламан», деб йўлга тушибди.

Ой ёруғида отини жадаллатиб келаверибди. Мозорнинг ёнидан ўтаётганда олдидан битта эчки чиқибди. «Мэ-мэ»лаб орқасидан эргашибди. «Жонивор тўдасидан айрилиб қопти-да, майли олиб кета қолай, худо ўзи етказди», деган хаёл билан отдан тушибди. Эчки қочиш ўрнига Турдибой акага қараб югуриб келибди. Тўрт оёғини жуфт қилиб ушлабди-ю, отга ўнгариб олибди. Эчки на питирлабди, на маърабди — индамай ётибди. «Жонивор жуда ювош экан-да. Таками дейман ўзиям», деб секин у ёқ-бу ёғинн ушлаб кўра бошлаган экан, эчки бирдан «Қалай, катта отангдай келаманми?», деб гапириб юборибди. Аъзойи бадани бўшашиб, қўллари қалтираб кетган Турдибой ака эчкининг ерга тушганини ҳам, осмонга учиб кетганини ҳам билмай қопти. Кўз очиб-юмгунча шундай катта эчки ғойиб бўлибди. Турдибой ака уйига келиб ётган бўйи бошини ёстикдан



кўтармабди. Бўлган воқеани отасига айтиб берган экан, отаси афсус билан бош чайқаб кўйибди. Ўша қабристонга эчки сўйилибди, фол очирибди, аммо Турдибой ака ўнгланиш ўрнига баттар оғирлашаверибди. Бир ҳафтага етмай оламдан ўтибди.

Бу гап тезда ён-атрофга тарқалиб кетди. Шундан бери кечаси ёлғиз юришга каттаю кичик баравар кўркиб қолган.

Қаландар ҳам бозорга борадиган бўлса аввал ҳамроҳ топади. Йўкса на отаси, на онаси бозорга боришга руҳсат беради. «Гўрга, тўқ бўлмасак — оч ўтирамиз, янги бўлмаса — эски киямиз. Лекин битта ўзингни бозорга юбормайман. Агар битта-яримта ҳамроҳ топилса — майли», дейди онаси...

— Ҳа, индамай қолдинг? — деди Равшан.

— Нимаям дердим. Арзиса арзимаса бориб келамизда. Орқага қайтармидик. Хўш сомон сотамиз, ҳам томоша қиламиз. Буям бир эрмак-да, деб биров ухлаб ётган қайнонасининг бурнига чўп сукқан экан.

Қаландарнинг гапидан Равшан кикирлаб кулди.

— Шунақа, жўра, — деди Қаландар салмоқлаб. — Энди йўлга тушамизми? Вақт кетяпти. Эртароқ борсак, эртароқ қайтамиз.

...Тонг бўзарганда бозорга кириб келишди. Бозор дегани қизиқ-да, ҳали кун чиқмаган-у, ҳамма шу ерда. Нимага шунақа қилишар экан? Шунга қолганда Қаландарнинг ақли етмайди. Отасидан ҳам бир неча марта сўраган. «Ҳа, бозор дегани шунақа бўлади-да» деб қўя қолган отаси.

Қопларни эшакдан туширишди. Тўртта қопни бири-бирига суяб тикка қилиб кўйишди.

— Сен шу ерда ўтириб тур. Мен эшакларни саройга кўйиб келай, — деди Қаландар. Кейин ўзининг эшагини миниб, Равшаннинг эшагини етаклаб кетди.

Равшан атрофга аланглади. Одамлар ҳар ер-ҳар ерда тўртта-бешта бўлиб суҳбатлашишарди. Биров афсуслангандек калласини чайқайди, бошқаси хохолаб кулади. Нима гап эканлигига Равшаннинг ақли етмайди...

Улар чошгоҳгача ўтиришди, аммо сомонни сотишолмади. Бир-икки киши шунчаки кўриб кетди-ю, лекин баҳосини ҳам сўрамади. Қаландарнинг хуноби ошди.

— Жуда бемаврид кеппиз-да, жўра, — деди.

— Нимага? — деб хайрон бўлди Равшан.

— Бозорни кўрмайсанми, сомонга харидор йўқ. Билмадим, нима гап — ҳамма бир-бири билан шивирлаб гаплашади. Шунча бозорга келиб, бутунгидай узок қолмаган эдим. Эшакдан туширганим заҳоти харидор кўлимни оларди. Тавба...

Равшаннинг кайфияти бузилди. У сомонни қандай қилиб қайтариб олиб кетамиз, деган хавотирда эди. Бу гапдан Қаландар кулди.

— Қайтариб олиб кетамизми? Эсинг жойидами?

— Нима қиламиз бўлмаса? — деди Равшан. — Биров бу нима, деб сўрамаса. Устига-устак хаво айнапти. Ишқилиб, қорми, ёмғирми қуйиб юбормаса бўлгани. Кейин кўрасан томошани...

Қаландар жўрасига далда берди:

— Кўп куюнма. Бозорга кирган нарса сотилмай қолмайди. Эчким беш тангадан камига йўқ, деб ўтирармидик. Кўтарганига сотиб кетаверамиз-да...

Пешинга бориб уларнинг сомонига бир чол харидор бўлди. Оппоқ соқолли, лекин кўриниши ва ҳаракатларидан бардамлиги сезилиб турган бу чол Қаландарнинг кўлини маҳкам қисиб силкита бошлади.

— Бор барака, де, ўғлим, кечки бозор-да. — Қаландар аввал индамай турди. Чол баттар силкилади. — Қани, бўлдимми? Ҳадемай бозор тугайди — бундан ҳам қоласан. Бўлдимми? — Равшан жўрасига жавдираб термилар, э, бўлди, деб қўя қол, агар бу чол ҳам айниса кейин ҳеч кимга сотолмаймиз, дегиси келар эди. Қаландар ҳам жўрасини фикрини тушунди шекилли, ортиқча ўжарлик қилмади.

— Боринг, барака топинг, — деди.

Чол сомон ҳақини санади-да, пулни Қаландарнинг кафтига урди.

— Сен ҳам барака топ, ўғлим. Яхши кунларингга буюрсин. — У шундай деб, арава ёллагани чиқиб кетди.

— Арзон кетди, — деди Қаландар, — сув текин-а!

— Э, кўйсанг-чи, шуюм катта гап. Яна бир оз турсак, шу пулга ҳам сотолмасдик, — деди Равшан шошиб, гўё Қаландар фикридан қайтиб қоладигандай.

— Майли, бўлар иш бўлди. Борига барака-да, нима дединг?

...Икки жўра сомоннинг пулига у-бу нарса харид қилди.

Пешинга яқин ҳаво айниб турган эди. Қибла томондан келган шамол қора булутларни турли томонга тарқатиб юборди. Чарақлаб куёш кўринди. Унинг нури ўткир, тиниқ эди.

Жумабозордан чиқиб Даргомдан ўтгунча икковининг ҳам пешонасидан тер чикди. Қаландар елкасига офтоб иссиғи ўтганини сезди.

— Қизиб кетяпман, жўра, — деб чопонини ечиб олди.

Равшан индамади. Зиёдулла бойнинг жийрон кашқасини ўғирлаб миниб кетаётганида куёшга қарагани, ўшанда куёш ўзи томонда бўлгани Қаландарнинг ёдига тушди. Беихтиёр яна куёшга термилди. Унинг кип-қизил гардиши жуда чиройли кўринди, елкасини қиздираётган иссиғи эса ёқимли эди.

Қаландар тинмай эшагига хала босар, уни чоптиришга ҳаракат қилар эди. Бироқ, назарида, йўртиб бораётган эшакнинг юриши унмаётгандай, йўл ҳам жуда узокдай туюларди...

## Рўмол

Ойдин, илиқ ёз кечаси. Қора чигирткаларнинг зор қақшаб чириллаши сукунатни бузади. Бошқа сас йўқ: жамики жонзот уйқуда.

Ариқ ёқалаб кетган ёлғизоёқ илонизи йўлдан ўн беш ёшлардаги ўспирин тарғил ғунажинни етаклаб бормоқда. Ўспириннинг устида бўз кўйлак-иштон. Сириб борланган оқ белбоғ уни полвонлардай бақувват, эпчил кўрсатади. Қадам олиши чаққон, юришидан манзилни аниқ билиши, мўлжални беҳато олиб бораётгани сезилади. Ариқ гоҳ найдай тўғри, гоҳ ток зангидай эгри-бугри бўлиб оқади. Йўл ҳам шунга яраша: ариқ билан йўл гўё арава гилдиракларининг изидай ёнмаён кетган. Унинг ишонч билан жадал юриши йўлнинг қаерда қай томонга бурилишини беш бармоқдай билишидан далолат беради. «Етти қароқчиюм тоққа ёнбошлабди. Ҳадемай тонг отиб қолади. Норқул бовани-

кига етиб олсам, бўлди». Ўспирин шуларни хаёлидан ўтказаркан, қадамини яна ҳам тезлатди...

Тонг бўзарай деганда бешкапалик Норкул бобонинг дарвозаси қаттиқ тақиллади. «Намозга турсаммикан ёки ҳали барвақтми», деган ўй билан уйғоқ ётган Норкул бобо сапчиб ўрнидан турди. Тўнини елкасига ташлаб, дарвозага яқинлашди.

— Ким у?

— Мен, Қаландарман. Булоқбошилик.

Товушидан ёш болалиги билиниб турган меҳмонни Норкул бобо танимади.

— Қаландар? Қайси Қаландар? — деб сўради дарвозани очар экан.

— Ассалому алайкум.

Ой ёруғида Қаландарнинг чечакдан чўтир бўлиб қолган юзи аниқ кўриниб турса-да, Норкул бобо унга яқинроқ келиб тикилди.

— Кимнинг ўрлисан?

— Шодиёр бованинг ўрлиман. Танияпсизми? Булоқбошилик ошнангиз-чи? Хув баҳорда кўчатга борувдингиз-ку бизардикига.

— Ха, бўлди-бўлди, эсимга келди... Шодиёрни ўрлиман, дегин. Танидим, танидим. Қани, кирақол.

Қаландар ичкарига кириб, гунажинини дарвозахонадаги устунга бовлади. Норкул бобо бир молга, бир Қаландарга каради.

Лекин турли андишага борди чоғи, индамади.

— Қани, уйга юр, ўрлим. Чарчагандирсан, бир оз дамингни ол.

Қаландар чиндан ҳам толиққан, оёқлари зирқираб оғрир, қорни ҳам оч эди. Аммо ўзини катталардай сипо тутди: на чарчаганини, на очкаганини билдирди.

— Сен дам олиб тургин, мен бомдодга юмалаб олай. Кейин бафуржа гаплашамиз. Ҳозир чой олиб келади. — Норкул бобо шундай деб мис обдастани кўтариб таҳоратга ўтиб кетди.

Бир оздан сўнг бошига иккита-учта гулдор-гулсиз рўмолларни устма-уст ўраб олган, юзлари буришиқ кампир чой-нон олиб кирди. Қаландар жойидан ирғиб туриб салом берди.

— Ваалайкум ассалом, — деди кампир. — Қандай яхшими? Энангиз, отангиз, ака-укаларингиз эсон-

омонми? — Кампир ҳол-аҳвол сўраркан, нон синдирди, чой қайтарди, аввал ўзига қуйди, кейин Қаландарга узатди. — Қани, нонга қаранг, болам. Дугонамнинг сихати яхшими?

— Бардамлар, худога шукр. Сўравордилар сизди, — деди Қаландар.

— Худой сўрасин. Олинг, болам, тортинманг.

Қаландарнинг қорни ҳозир пиёз пўсти бўлиб кетган эди. Нондан катта-катта егиси келар, аммо кампирдан истиҳола қиларди. «Мунча эзмалик қилди, — дея ўйлади у. — Қозон-товоғу, эчки бузоққача сўрайди чоғи. Намоз ўқимайдими бу кампир. Ҳозир чоли келиб қолса...»

— Сиз намоз ўқимайсизми, моможон? — деб сўради тоқати тоқ бўлган Қаландар.

— Намоз қаяқда дейсиз, болам. Тиззам ўлгур чатоқ, қотиб қолган, букланмайди. Мана шу бир пиёла чойни ичгунча букиб ўтирсам — тамом, кейин оғриғига чидаёлмайман, зирқирайдики, дунёга келганларимга пушаймон бўлиб кетаман. Худонинг хоҳишига шак келтириб, гуноҳга ботмайин, деб яна ўзимни ўзим овутаман. Соғ қилсаям, бемор қилсаям — яратган эгамнинг ихтиёрида. Шу кунларга етказганига шукр қилиб ўтиравераман...

— Тўғри айтасиз, — деди Қаландар чойдан хўп-лаб. — Лекин намозни ўтириб ўқисаям бўлади, оллонинг даргоҳи кенг, қабул қилаверади.

— Бовангизам шундай дейди-ю, ўтириб ўқишга ўзимнинг қўнглим бўлмайди-да, болам.

«Баҳонаси — баччаси, зорораси — кулчаси. Ундан кўра ўқимайман, деб қўяқолмайдими. Ўзини ҳар ёққа урмасдан, тўғрисини айтса-ку, бўлади. Нима, мен унинг ёқасидан олармидим, нимага намоз ўқимайсан, деб. Билганини қилмайдими. Менга нима...»

— Хархолда, ўтирипми, турипми — ишқилиб билганингизча ўқиб турганингиз яхши-да. У дунёга қуруқ қўл билан борса бўлмайди. Бандаларининг бу бебаҳо дунёдан у бокий дунёга олиб борадигани беш вақт намози, тоат-ибодати, тавба-тазарруси, эртаю кеч худони дилида ёд айлаб юришида. Қуръони карим оятларида шундай дейилган.

Қаландар ўқимаган, хатто алифни ҳам танимайди. Аммо узоқ қиш кечалари қишлоқ меҳмонхоналарида



бўладиган китобхонликларни баъзан эшитар, мулларнинг панд-насихатларини ёдлаб олиб, худди ўзи ўқигандай қилиб гапириб юрарди. Ҳозир ҳам ўша насихатлар эсига тушиб кетди. Унинг бу гапларидан кампир довдираб қолди.

— Нима, сиз китоб ўқишни биласизми? — деб хайрат билан сўради.

— Бўлмасам-чи, — деди Қаландар бамайлихотир. — Эшитгандирсиз қишлоғимизда мулла Шариф деган жуда катта мулла бор. Мен шу кишидан таҳсил олганман. «Хафтияк», «Нурнома», «Чор китоб» — ҳаммасини туширганман. Бу китобларни ўқимаган, уларда ёзилган гапларни билмаган мусулмон қанақа мусулмон бўлди?! Олло-таоло ундайларнинг гуноҳидан сираям ўтмайди. Бир хил одамлар ўзи ҳеч балони билмайди, акалли калимани тўғри ўқиб беролмайди, яна бизга ўхшаган ёш-ялангларни кўрса «шуям мусулмон боласими» деб гумонсираб, кофирга чиқариб қўяди. — У дадил, қатъий гаплари билан суҳбатдошини таъкиб қилар, кампир эса қийғир урган чумчуқдай тобора пусиб борарди. — Шунақа, моможон, бизарди бу истибистимизга аҳамият берманг. Ҳамма гап ана шу яланг-оёқларда...

Норкул бобо кирди. Унинг устида узун симоби камзул, салласининг печини қайириб олган, қўлида тасбеҳ.

— Ассалому алайкум. Қаландар ўрнидан ирғиб турди.

— Ваалайкум ассалом, мулла бўл, болам. Ўтир, ўтир. — Норкул бобо атлас кўрпачага ўтиб чўккаладиди, фотиҳага қўл очди. — Қани, қадам етди — бало етмасин. Юртимиз тинч, элимиз осойиш бўлсин.

У Қаландардан ҳол-аҳвол сўрагач:

— Хўш, ўғлим, нима ҳаракатлар билан юрибсан? — деди.

Қаландар бир оз ўйланиб қолди: «Нима десам экан? Тўғриси айтсаммикан?.. Йўқ, бўлмайди. Яхши эмас.»

— Отам юбордилар сизнинг олдингизга. Мана шу гунажинни сотиб берайкансиз.

Чол сийрак, мошгуруч соқолини силаб ўйга толди. Қаландарга синовчан назар ташлади. Буни йиғит ҳам

сезди. Аммо ўзини билмаганга солиб кўзини мезбондан олиб қочди. Шол дастурхоннинг попугини ўйнаб ўтираверди.

— Нимага керак бўп қопти пул? — дея атай суриштирди Норкул бобо.

— Акамни уйлантиряпмиз. Ундан кейин, молнинг пулидан битта яхши шол рўмол олиб берайкансиз.

— Шундай дегин... Қайси акангни уйлантиряпсизлар?

— Қодир акамни. Мардикорликка бориб келганчи.

— Э, ҳа, билдим. Эсон-омон келдими қайтиб? Э, бечора-ей. Кўп яхши бўпти-да. Ота-энанг ҳам кўп суюниб қолишгандир, а? — Қаландар индамай бошини эгиб ўтирарди. — Ҳа, яхши, тузук-тузук. Бу, менга қара, биронтани кўшиб юбормабди-да отанг. Битта ўзинг кўркмадингми йўлда?

Қаландар сирни фош қилиб кўйишдан чўчир, ўзи иложи борича хотиржам, босиқ тутишга интилар эди.

— Кўшиб юборамиз дейишди, мен кўнмадим. Битта фунажинни сотиб келишга икки бирдай одам овора бўлишининг нима кераги бор. Бозорда Норкул бовам борлар. Олиб бориб қўлларига топшираман, бўлди. У ёғини ўзлари биладилар, дедим.

Норкул бобо эсини танибдики, мол бозорида даллолик қилади. Ҳар қандай молни бир кўришдаёқ билади. Бозорнинг баҳосини шу одам белгилайди, деса бўлади. Ён-атрофдаги кишлоқларда уни танимайдиган одам кам. Шодиёр бобо ҳам у билан бозор туфайли ошна бўлиб қолган.

— Ҳа, яхши, яхши. Тузуксан. Илгари ҳам келганмидинг бозорга?

— Ҳа, икки-уч марта отам билан келувдим. Уйингизгаям кирганман. Тўғри бозорга ўтиб кетмоқчиям бўлдим, кейин, аввал уйга бир йўликай, дедим.

— Яхши қипсан, — деди Норкул бобо. — Ҳозир чой ичамиз-у, йўлга тушамиз. Фунажиннинг баҳосини қанча деди отанг?

Қаландар бир сира ўзини йўқотиб қўйди. Бу ёғини ўйлаб қўймаган экан. Унинг устига ҳозир молнинг нархини аниқ билмайди.

— Отам... йўқ, отам ҳеч нима демадилар. Норкул бованг ўзи билиб сотиб бераверсин, дедилар.

Норкул бобо унинг довдираб қолганига эътибор бермади.

— Ха, яхши. Бозорга борайлик-чи, кўрамиз. Кўтаргани-да, нима дединг?

— Шундай, шундай, — деб маъқуллади Қаландар.

...Қаландар кўрпага кирди-ю, лекин уйқуси келмади. Чараклаб ётган юлдузларга термилди. «Ана, Етти қароқчи. Хув анави хирасини Хулқардан ўғирлаб келган. Қизик, юлдузлар ҳам бир-бирини ўғирлар экан-да. Ана, юлдуз учди. Э. аттанг, кимнингдир жони узилди. Энамнинг айтишича, ҳар бир одамнинг юлдузи бўлармиш. Агар одам ўлса, юлдузи ҳам сўнармиш. Ҳозиргина учган юлдуз кимники экан, а?.. Менинг юлдузим қайси экан?» Қаландар жимир-жимир юлдузлар орасида ўзиникини қидира бошлади. Нигоҳи пир-пираб турган бир юлдузда тўхтади: «Ана шу менинг юлдузим. Йўқ. У эмасдир. Ёш болаларнинг юлдузи ҳам кичкина бўлса керак...». Ўйлаб ўйига етолмади у. Баттар уйқуси қочиб кетди. Аммо миқ этмас, ўзини ухлаганга солиб ётарди. Бир маҳал отаси билан онасининг гаплари қулоғига чалинди.

— Мунча паст кетмаса қудамиз, биттасиям етайди рўмолнинг, — деди онаси.

— Ким билади дейсан. Қизи борнинг нози бор, деган гап бекоргамас-да... Қаердан оламиз яна битта шол рўмолни?! Пул бўлсаям гўрга экан, бозордан олақолсак. Ўғил уйлантирамиз, деб қозошни сунга ташлаймиз, шекилли, энди.

— Совчига айтинг, яна бир яхшироқ гапланиб кўрсин-чи, зора хўп дея қолса.

— Кўнадиганга ўхшамайди у ярамас... Йўқ, энди, пастнинг олдида бизам паст кетмайлик. Қарқ-ҳанюла қилиб бўлсаям топамиз.

Қаландар бу гапни эшитиб ўйланиб қолди: «Демак, акамнинг тўйи шунга чўзилаётган экан-да. Нима қилиш керак! Қаердан топиш мумкин рўмолни?»

Акасини қўшни қишлоқдаги Маҳкам дарознинг кизи Лутфияга фотиҳа қилишган. Қаландар уйларида тўй бўладиган кунни тоқатсизлик билан кутар эди. У ўзича турли режалар туза бошлади. Бунақа рўмол кимдан чиқишини ўйлаб кўрди. Аммо бирон-бир ишончли

одамдан топилишига кўзи етмади. Бойлар-ку ўлсаям бермайди. Сотадиган бўлса ҳам отасининг баҳосини кўяди. «Нима қилиш керак? Рўмол топиш қийин. Пул бўлса, рўмолни топиш мумкин. Лекин пулни қаердан олади?» Қаландар энди пул топиш йўлларини ўйлай бошлади. Қандай бўлмасин ё рўмол, ё пул топишни режа қилиб кўйди. «Ахир битта рўмолга ёрдам беролмасам қанақа укаман? Топишим керак. Топмасам бўмайди... Шошма, бугун кун нима ўзи? Жума. Ха, тонг отса — шанба, индин бозор. Демак, эрта кечаси ишга киришиш керак. Ярим тунда йўлга тушсам...» — унинг мияси жадал ишлаб кетди: «Эрта кундузи бориб бир кўз остига олиб келсаммикан?.. Йўк, бўмайди. Қоровул-поровулми, биронтаси кўриб қолса, шубҳаланиши мумкин. Яхшиси, кечаси бирданига бораман-у...».

Эртаси кечгача хаёл суриб юрди. Ишининг чуви чиқиб қолмаслиги учун ҳар томонини обдан пухта ўйлаб кўрди.

Улар ховлидаги чорпояда ётишарди. Қаландар ота-онасининг ухлашини пойлади. Кўзига уйқу келмай, юраги гурс-гурс уриб, хаёли қочаверди. «Шу ишни бопласам борми, бойдан ҳам ўч олган бўлардим. Ўтган баҳор қарзми тўламадинг, деб битта танамизни текинга етаклаб кетган эди. Шундай вақтда ота-энамнинг кунига ярамасам, акамнинг қўлтиғидан олмасам нима керагим бор менинг?! Худо хоҳласа, албатта, топиб келаман».

У аста бошини кўтариб ота-онаси ётган томонга қаради. Уларнинг ухлаб қолганига ишонч ҳосил қилгач, секин ўрнидан турди. Оёқ учида юриб кўчага чиқдида, Юсуфбойнинг боғини мўлжаллаб йўлга тушди. Бовда бойнинг моллари, қўй-эчкилари бор. Шулардан биронтасини олиб чиқса, бас. Аммо бу осон гап эмас. У тиззалари қалтираб йўл четидаги кундага ўтирди. «Ёки бошқа бировникига борсаммикан? Кимникига? Биронта камбағалнинг молини ўғирлайманми? Бу инсофдан эмас! Ўзимиздан қиёс. Йўк, йўк, бойникини етаклаш керак! Бизга ўхшаган камбағал бечораларни доим қора қон қакшатади. Қани энди ўзи ҳам бир қакшаб кўрсин-чи! Ахир, ўша танамизни олиб кетмаганда, ота-энам шунчалик сарғайиб ўтирармиди? Шу-

нинг учун ҳам бойникини етаклаш керак! Билинмайди. Дарёдан бир пакир сув олгандай гап. Лекин дарё қурғур жуда чуқур-да. Хала-хулага қўл етавермайди. Таваккал. Нима бўлса бўлди. Ўйчи ўйини ўйлагунча таваккалчи ишини битирипти... Нимани етакласам... Қўйми? Ювош бўлгани билан етакка юрмайди-да. Эчкими? Йўқ, эчки жуда жангари. Тўдасидан айрилдимми тамом, «мамалаб» ҳаммаёқни бузади. Яхшиси биронта таначани етаклайман. Шу кулай. Бўқирмайдиям, етаклаганга яхши юради. Ундан кейин ўғирлаганга яраша...»

Қаландар қатъий қарорга келиб ўрнидан турди, йўлга тушди. Хали ой чикмаган, атроф қоп-қоронғи. Тўпниғича тупроқ кечиб бойнинг боғига қараб бораверди. Боғнинг кунчиқар томонида атроф баланд девор билан ўралган ёзлик қўрғон бор. У тўғри шу қўрғоннинг дарвозасига яқинлашди. Ичкаридан берк, девордан ошиб тушиш кийин, жуда баланд — тўрт пахса. У дарвозанинг ён-верини, тағларини пайпаслай бошлади. Тимирскиланиб бораркан, оёғи чуқурга тушди. Қоронғида қўли билан аста пайпаслаб кўрди. Шу ердан сиғармикан? Таваккал қилиб бошини тикди. Сягадиган кўринади. Аввал иккала қўлини, кейин бошини ўтказди. Бош ўтдимми демак, гавда сигади. Урилиб-сурилиб ичкарига ўтиб олди. Пайпаслаб занжирни топди. Хайрият, қулфланмаган экан. Занжирни товушсиз туширди, лекин дарвозани очмади. Атрофга кулоқ тутди. Жимжит. «Ити қаерда экан?» Ишқилиб кўрғондан ташқарида бўлсин-да...». Ўйлаб ўтиришга вақт йўқ, ҳар лаҳза ғанимат.

Дарахтлар оралаб қорамоллар томон ўрмалади. Ана моллар қавш қайтариб ётибди. Таваккал, деди-ю, биринчи турган молнинг арқонини қозикдан ечди. «Қани, жонивор, юр энди. Ишқилиб шарманда қилма». Хайрият, етакка индамай юрадиган мол экан. Қаландарнинг кўзи олазарақ, лекин қоп-қора тунда, унинг устига, ҳаяжоннинг зўридан ҳеч нарсани кўрмайди. «Э, худо, ўзинг асра! Қоровул уйғониб қолмаса бўлгани! Э парвардигори олам, ўзинг шоҳидсан, иложсизликдан бу ишга қўл урдим».

Дарвоза ёнига келиб тўхтади. Ҳеч қандай шовур йўқ. «Яхшиям ой чикмаган ҳали». Қаландар дарвоза-



нинг бир тавақасини аста тортди. Пастки туруми ғийк этди. Қаландарнинг юраги шув этиб, кўксида нимадир тапир-тупур қила бошлади. Кўйлагининг ёқасини очиб бир-икки туфлаб кўйди. «Нима қилиш керак? Иш битай деганда расвоси чиқмаса эди. Камбағалнинг ови юрмас, ови юрса ҳам дови юрмас, дегандай...». Эшикнинг турумига сув қуйилса ғийқилламайди-ку-я. Лекин хозир, шу алпозда сувни қаердан оламан?» Хаёлига ажойиб фикр келгандай вужудига қувонч туйғуси югурди. «Шошма... ўзи-ку захар танг кип турипти. Қайтанга иссиқкина, тез юмшатади», Қаландар бир кўлида ғунажин ипини ушлаганча дарвоза турумига ёзилди. Атрофга олазарак назар солди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, эшикни аста тортиб кўрди: бу сафар овоз чиқмади. Яна тортди. Яна... Бир газ катталиқда очди. Аввал ўзи ўтди-да, кейин молни етаклади. Ғунажин ҳам ўргатиб кўйилгандек, дарвозага тегмай ташқари чиқди. Қаландар яна ўша эхтиёткорлик билан дарвозани ёпди. Енгил тортгандай чуқур бир нафас олди. «Ўзингга шукр! Бу ёғига ҳам ўзинг мадад бер, раҳм қил».

У кунчиқар томонга жадал йўл олди. Ғунажин ҳам Қаландарнинг ахволини тушунган каби сира қаршилиқ кўрсатмай илдам эргашиб борарди. «Хайрият, жонивор ювош экан, танбалроғи учраб қолса, нима қилардим. Қонимга ташна қилиб ўлдирарди-да... Ана, Ғўрда томон ёришиб келяпти. Ҳадемай ой ҳам чиқиб қолади. Кейин бемалол, бежавотир кетаверсам бўлади. Бешкапага етиб олсам — марра меники. Норқул бовага нима дейишни ўзим биламан...».

Шодиёр бобо Қаландарни уйғота бошлади:

— Қаландар, тур улим, бозорга бориб ке. Қаландардан садо бўлмади. Шодиёр бобо яна чақирди. Қаландар йўқ. «Қаёққа кетди экан!», деб хайрон қолди.

— Қодир!

Ҳовли супуриб юрган Жаннат хола кўлини белига тираб, қаддини кўтарди.

— Вой-вой белим-а! Тезроқ келин олақолсайдим бу эшикора ўлгурни супуришдан кутулармидим, — деди ўзича. Кейин чолга юзланди. — Бир нима дедингизми?

— Қаландар қаёққа кетди?

— Қаландар? — Жаннат хола беихтиёр сунурғини ерга ташлади.

— Ухлаб ётувди-ку.

— Йўқ-ку?! Бунинг тағин бир балони бошламаса, деб кўркаман-да.

— Бу қанақа бола бўлди, а? Кимга ўхшади ўзи бу! Ахир зотимизда бунақаси йўқ эди-ку, — дея куйиб-пишди кампир. — Қодирдан сўрадингизми?

Қодир яқинда мардикорликдан бир ахволда қайтган, шунинг учун ота-энаси уни эркалатишар, отинг ўчкур пошшо силласини қуритиб, ёғини сўриб олган, бир оз дам олсин, деб эрталаб барвақт уйғотишмасди.

Аммо Қодир уйда кам бўлар, баъзан тонг-сахарда шаҳарга тушиб кетганича ярим кечада қайтар, аллақандай ўйчан, камгап бўлиб қолган эди. Уйланиш масаласига ҳам бошида рўйхушлпк бермади-ю, кейин ота-онасининг кўнглига қараб кўнган эди.

— Қодир, хо Қодир!

Қодир ёстикдан бош кўтариб отасига қаради.

— Уканг қаёққа кетганини билмайсанми?

— Йўқ, — деди Қодир. — Қаерга кетдийкан? ...Ана келиб қолар, мана келиб қолар деб чошгоҳгача қарашди, аммо Қаландардан дарак бўлмади. Чолкампирнинг ичини ит таталай бошлади. Бироқ нима қилишни, қаердан қидиришни ҳеч ким билмасди.

Қуёш парпара бўлганда — намозгарда Қаландар кириб келди. Уйқусизликдан кўзлари кизарган, халдан зиёд толиққани афт-ангоридан шундоққина сезилиб турарди. У салом бериб, қўлидаги тугунни онасига узатди.

— Қаерларда юрибсан? Вой, ўтакам ўттиз бўлди-ку?! Кимларга ўхшадинг сен? — дея онаси унинг юзларидан, пешонасидап ўпар, қойишини ҳам, эркалишнини ҳам билмасди. Шодиёр бобо ўрлига бир-икки ёвқараш қилди-ю, индамади. Бундан кўра сўққани, ургани афзал. Қаландар отасининг феълини биларди. Ортиқча жахли чиқса шундай қилади. Аммо отасидан узр сўрашга ҳам, бўлган воқеани айтиб беришга ҳам ҳозир мадори йўқ эди. Одати шунақа ўзи: бировга ёрилмайди. Ими-жимиди қилган ишларини биров билиб, биров билмай қолади. Шунданми, ақаси баъзан

унга: «Ичинг кудук — нима гап тушса ҳам қайтиб чиқмайди», — деб ҳазиллашади.

Онасининг бағридан чиққач, у шолчанинг четига омонатгина ўтирди. Кампир шоша-пиша чит рўмолни олиб ёзди. Йирик-йирик қизил гуллари чўғдай ёниб турган попукли, рўмол ҳаммаши лол қилиб қўйди. Шодиёр бобонинг ранги оқариб кетди. У важоҳатли кўзларини ҳаммага бир-бир қадаб чиқди. Аммо ҳеч ким оғиз очишга журъат қилмади. Қаландар эса бир нуқтага термилганча миқ этмай ўтирар, чарчоқнинг зўридан кўзлари юмилиб борар эди.

— Қаердан олдинг буларни?!

Отасининг бу сўровидан Қаландар сесканиб тушди, ўтирган жойида бир қимирлаб қўйди. Жаннат хола чолига илтижо билан тикилди.

— Сендан сўраяпман?!

Шодиёр бобонинг қаттиқ жаҳли чиққанини хотини ҳам, ўғиллари ҳам аниқ сезиб турар, лекин энди уни шаштидан қайтариш қийин, бунга ҳеч ким бетламас эди. Жаннат холанинг юраги така-пука бўлди. «Ҳозир бир қиёмат бошламаса гўрга эди. Бечора болам, тагин балога гирифторм бўлмасе эди...» Жаннат хола минг андиша билан юрак ютиб:

— Кўйинг энди... Ёмон ниятда қилмагандир. Ҳозир айтиб беради ўзи... — деб пичирлади.

— Ўчир овозингни! — деб ўшқирди чол. — Ўғирликнинг яхши нияти ҳам бўладими?! Мен хали ҳаром нарса билан келин тушираманми?! — Шодиёр бобо ўрнидан ирғиб туриб Қаландарнинг кулоқ-чаккасига шапалоқ туширди. — Сендан умидим шумиди? Мени шунақа қилиб боқмоқчимисан?! Зиёдулла бойнинг отини миниб келганинда айтган гапларим эсингдан чиқдимми? Ё отам индамайди, деб ўйладингми? Йўқ, бола, чучварани хом санабсан!

Қаландар опасининг пинжиге биқиниб олди. Қодир отасининг кўлидан тутди:

— Кўйинг, ота, ўзингизни босинг.

Шодиёр бобо индамади. Ажин қоплаган пешанаси тиришиб, озгин бўйнидаги томирлари бўртиб чиққан, юзлари қизариб кетган эди.

— Очимдан ўлсам ҳам ҳаром ишга йўл қўймайман! — деди Шодиёр бобо. Кейин шол рўмолни, нону пуллар-

ни жаҳл билан чит рўмолга тугди-да, Қаландарнинг олдига улоқтирди. — Тур! Ҳозироқ эгасига олиб бориб бер! Бўлмаса, бу уйда қорангни кўрмай!

Қаландар дағ-дағ титрар, гоҳ онасига, гоҳ акасига қараб жавдирар эди. Хаёлидан эса Юсуфбой билан бўлажак суҳбат кечарди. «Нима дейман? Танангизни ўғирладим, дейманми?.. Кошки у тошбағир одам бўлса-ю, гапга тушунса... Эл-юрт олдида шарманда қилади. Ўзим ҳам майли-я, отамга қийин бўлади-да...».

Шодиёр бобо бир кафт нос олиб отди. Қаландар «Нима қилай?» деган маънода онасига термилди. Онаси «Тур, олиб бор» мазмунида имо қилди. Шу маҳал Қодир ирғиб туриб, тугунни қўлига олди.

— Мен олиб бориб бераман. Кимники ўзи?

— Йўқ, ўзим, — деди Қаландар. — Буни ўғирлаганим йўқ. Кеча...

У бўлган воқеани тутила-тутила айтиб берди. У гапирган сари Шодиёр бобонинг хуноби ошар, нима қилишини, ўзини қаерга қўйишини билмас, Жаннат хола эса «Вой шўрим, э, худо, ўзинг асра» деб юрагини ҳовучлар эди.

Қодир укасидан кўз узмай турар, ичи-ичида унинг довюраклигига, тадбиркорлигига хавас қилар, толиққан кўзларида одамийлик, меҳр туйғуларини сезиб турар эди. У ҳозир Қаландарни акалик меҳри билан суйгиси келди, аммо отасининг олдида бунинг иложи йўқ эди.

Қодир тугунни кўтариб йўлга тушди. Дарвоза олдида етганда ортига ўгирилиб, аста Қаландарни имлади. Шодиёр бобо Қаландарга бир хўмрайиб қаради-да, жаҳл билан носни туфлади...

Ака-ука анча вақт сўзсиз-садосиз кетдилар. Ниҳоят, Қодир бир томоқ кириб:

— Нега бундай қилдинг, Қаландар? — деди.

— Ахир.. Токайгача бу бойлар бизга зулм қиладилар! Бир адабини берай девдим-да.

Қодир укасининг елкасидан кучиб, занж билан қулди:

— Оббо, сен-эй! Шундай қилиб бойларнинг дегдини бермоқчиман дегин! — Кейин бирдан жиддий тортиб, ён-верига қараб кўйди. — Лекин бундай қилиб зулмни, зўравонликни тугатиб бўлмайди да. Бир нима, битта-иккита бойнинг дегдини бераман, янаи ҳозир

камбағал, эзилган бечораларга бу билан ёрдам қилиш қийин.

Қаландар Қодирга хайрон бўлиб қараб қолди. У акасидан ҳеч қачон бунақанги сўзларни эшитмаган эди.

— Бўмаса, қандай қилиб уларнинг адабини бериш керак? — деб сўради аста.

— Қандай қилиб, дейсанми? Дунёда биров-бирова ортиқ зулм қилмаслиги учун, ҳамма тенг, озод бўлиши учун жамики зўравонларни таг-томири билан юлиб ташлаш керак. Шундагина ер юзида адолат, ҳақиқат қарор топади.

Бу гапни Қаландар ақлига сиғдиролмади:

— Ахир, улар жуда кўп-ку? Кейин, кучи ҳам кўп уларнинг, — деди акасига юзланиб.

— Шунинг учун ҳам сенга ўхшаб олишиб бўлмайди-да.

— Бўлмаса, нима қилиш керак? — деди Қаландар таажжуби баттар ошиб.

— Халқни уйғотиш керак, Қаландар, халқни! Ҳамма эзилганлар, ҳамма камбағаллар бир жон-бир тан бўлиб бирлашиб, муштумзўр бойларга қарши курашсагина, ғалаба қилиш мумкин...

Бу пайт қуёшнинг алвон нурлари катта йўл бошида турган ака-укаларнинг елкалари узра оҳиста жилвалалар эди...

1975 йил



## ЎЖАР

Алишер ҳеч қачон лагерга бормаган. Таъғил биланланди дегунча қишлоққа — бувики билан бувакининг олдига жўнайди. Авваллари ё дадаси, ё аяси эгиб кўярди. Мана икки йилдирки, у ерда Алишернинг ўзи боради. Нега десангиз, у катта бўлиб қолган. Олтинчи синфни битирди.

Бу йил ҳам мактаб тугаши ҳамона қишлоққа отланди.

— Мунча шошмасанг, — деди аяси. — Борарсан ўша қишлоққа. Сал нафасингни ростла, хали уч ой бор-а олдида.

Алишер кўнмади.

— Нима киламан бу ерда. Бетон уйингизда одам кечасиям ухлаёлмайди. Ёниб кетади. Қишлоқ зўр. Соқол отам билан ҳовлида ётаман маза килиб.

У бувасини «Соқол ота» дейди. Хайдар бува етмиш-ни қоралаган эса-да, соқоли хали унчалик оқармаган. Ўзи бардам, бир зум тиниб ўтирмайди, гоҳ молларга ўт ўради, гоҳ тоқларни кесади — ишкилиб ўзига иш топиб туради. Алишер гўдаклик човларида бувасининг тиззасига ўтириб соқолини ўйнарди. Хайдар бува уни эркалар, кенжа ўғлимнинг ўғли, деб, Алишерни бошқа невараларидан кўра кўпроқ суярди. Ўша пайтларда Алишер бувасини Соқол ота деб атаган. Шу-шу Соқол ота бўлиб қолди. Дадаси билан аяси неча марта энди ақлинг кириб, катта бўлдинг, бува дегин, деб танбех берди. Алишер ўрганолмади. Хайдар бува ҳам унинг раъйига қарайди. «Кўяверсаларинг-чи, нима деса дер, ўзи билади». Унга Алишернинг дадаси эътироз билдирди: «Сиз шундай деб бунинг кўнглини кўтарасиз, кейин кулоғига гап кирмайди». Хайдар бува Алишерни эркалатиб «Йўқ, Алишер ақлли йигит, ҳамма гапга кулоқ солади. Тўғрими?» — дейди.

Хайдар бува носвой отади. Рўза кунлари кунбўйи носвой чекмагани учун кечгача гаранг бўлиб юради.

Шундай пайтда унга невараларининг чувур-чувури

ёкмайди. Шу сабаб келинлари, қизлари шомда оғиз очишдан аввал бувага алохида хонада дастурхон тайёрлашади. Чой-пойини ичиб, носвойни чекиб ўзига келмагунча олдига ҳеч ким кирмайди.

Лекин Алишер кириб бораверар, буваси унга индамасди. Бундай пайтда Соқол отасига осудалик ёкишини у қаёқдан билсин. Эндигина уч ёшга тўлганди. Алишер Соқол отасининг ёнида худди унга ўхшаб чордана қуриб ўтирарди. Ҳайдар бува бир-икки пиёла чой ичгандан сўнг носвой отади-да, кўзини юмиб ёстикқа ёнбошлайди. Алишер дам-бадам унга қарайди, кейин ўзича нималардир дейди. Соқол отаси унинг гапини яхши тушунмаса-да, «ҳа-ҳа, ол, узумдан ол», деб кўяди. Бошқа неваралари кирса Алишерга уларни кўрсатиб: «Ҳайда, ҳайда», дейди. Алишер жойидан ирғиб туради-да, болаларни қувади: «Ҳайда, ҳайда». Унинг бу қилиғидан бува кулиб кўяди. Болалар чиқиб кетгач, «Ке, энди бу ерга ўтир», деб ёнидан жой кўрсатади. Алишер пириллаб бориб соқол отасининг ёнига чордана қуради...

Аяси ҳам қатъий турди.

— Ҳовлиқмагин, борарсан. Мани у-бу ишларимга сал қараш. Ўн-ўн беш кундан кейин борсангам бўлар ахир. Иссиқ бўлса фақат сан турмайсан-ку бетон уйда. Ўлмаган биззи жонимиз-а.

Алишер аясига қаттиқ гапиргиси келмади, аммо бир кун ҳам тургиси йўқ, иложини топса бугуноқ жўнаб кетса қишлоққа. Унинг қовоғи осилиб, лаби дўрдайди. Аяси билдики, гапи Алишерга ёкмади.

Дадаси ўртага тушди.

— Қўявер, аяси, борса борар. Қанча иш бўлса ўзингдан ортмайди. Қолаверса, ана Наргиза бор.

У ёқдан Наргизанинг норози оҳангда овози эшитилади.

— Нима, ман чўриманми? Ҳамма ишга мани тикасизлар. Алишерингиз юрсин ялло қилиб.

Дадаси уни эркалатди:

— Сан катта бўлиб қолдинг, қизим. Алишер ҳали кичкина. Бир-икки йил ўйнасин, кейин буниям бурнини ерга ишқаб ишлатамиз. Шундайми Алишер?

Бу гап Алишерга ёкмади. Аммо ҳозир қутулиш учун маъқуллаб бош ирғади.

— Сиз бунингизни жуда эркалатиб юборяпсиз, — деди аяси. — Қиз бола бўлса Наргизанинг гуноҳи

нима? Шу ахволда кетаверса, бунингиз ишѣкмас, дангаса, ялков бўлади. Ҳозирдан меҳнатта ўрганиш керак.

Алишер аясининг гапини илтиб кетди.

— Кишлоққа бориб ишлайман. Сокол отамнинг ишларига қарашаман.

— Гўр қиласан! — деди унга Наргиза. — Ўзинг ишламаганингга яраша у ердаги болаларниям ишдан қолдирасан. Кўрганман-ку, тўрт-бешта бўлиб копток тепасилар, чўмиласилар, эшак миначилар...

Алишер опасини жеркиб ташлади:

— Бўлди! Мунча сайрадинг. Сандан биров сўраяптими?

Наргиза ўзига-ўзи гапиргандай минғирлади: «Бу йилам бир балони орттириб келар ҳали».

Унинг бу гапида жон бор эди. Алишер деярли ҳар йили кишлоққа борганда ё бошини ёради, ё кўли чиқади, ё бир жойи шилинади. Ишқилиб ишқал чиқармай келмайди.

— Нафасингни иссиқ қил! — деди аяси уни уришиб.

Дадаси қараса гап кўпаядиган. Шунинг учун уларнинг гапини чўрт кесди:

— Бўлди, гапни кўпайтирманглар. Ҳар хил ортиқча гап-сўзнинг нима кераги бор. Ундан кўра Алишерга яхши бориб, яхши дам олиб, ўйнаб-кулиб эсон-омон кел, денглар.

Наргиза дадасининг бу гапидан хижолат тортди, жаҳл устида ўйламай айтганини сезди. Бошини ҳам қилиб сукут сақлади, сўнг дастурхонни йиғиштирган кўйи ошхонага чиқиб кетди.

...Охири Алишер билан дадаси голиб чиқди. У эртага жўнайдиган бўлди кишлоққа.

— Ман нарсаларини тайёрлаб бермайман, — деди Наргиза.

Аяси унга эътироз билдирмади. Алишернинг кийим-бошларини ўзи тайёрлаб, сумкасига жойлаб қўйди.

• • •

Алишер кириб келганда Ҳайдар бува ўрик тагидаги сўрида ёлғиз ўзи чой ичиб ўтирган эди.

— Ассалому алайкум, ота.

У сумкасини сўри четига қўйди-ю, бувасини кучоклаб олди.

— Ваалайкум, — деди Хайдар бува неварасини кучаркан. — Эсон-омон келдингми, болам. Отанг, энанг, опанг, укаларинг яхши юришиптими?

Алишер бувасининг ёнига ўтирди. Хайдар бува фотиҳа ўқиди.

— Раҳмат. Ҳаммалари яхши юришипти, сизга салом айтишди. Ўзингиз тузукмисиз, ота?

Хайдар бува қалин, узун соқолини силади.

— Худога шукр, тузукман. Отангни ишлари яхшими? Анчадан бери келмайди.

— Яхшилар. Ҳали отпускага чиққанлари йўқ. Отпускага чиқсам бораман, дедилар.

— Ишкилиб эсон бўлишсин. Мактабинг битдимми?

Хайдар бува чой қуйиб неварасига узатди. Алишер чойни оларкан:

— Ҳа, — деди, — ўқиш тугаши билан бу ёққа келавердим.

— Боплапсан. Жазирамада шаҳарда нима қиласан. Уйларинг тоза ҳаммом бўлиб кетаркан ёзда.

Уч-тўрт йил бурун ёзда Хайдар бува Алишерларникига борган. Беш-олти кун туриб, шаҳарни томоша қиламан, девди. Қаёқда, бир кеча ётди-ю, эртасига кетаманга тушди. Ҳамма ҳайрон.

— Э, бу уйларингда одамзод чидаб бўмайди-ку, — деди бува ҳафсаласи пир бўлиб. — Нафасим қайтиб кетди. Кечасиям дим, деворларгача қизиб ётипти-я! Э, тавба, одам боласи ҳамма жойда яшаб кетаверайканда.

Ўғли, келини, неваралари қанча ялинишди, айниқса, Алишер унинг этагига осилиб олди. Лекин Хайдар бува кўнмади. Жўнаб кетди қишлоққа.

Шундан бери у ёз ойлари бормайди шаҳарга. Ўғлини, невараларини кўргиси келса ёки бирон-бир юмуш чиқса баҳордами, куздами боради...

Алишер бувасининг гапини маъқуллади.

— Бувим, бошқалар қани? — сўради Алишер.

— Қишлоқда тўй бор. Эгамберди деган одамди биласанми? Ана шу тўй қилаяпти. Ҳамма шақа кетган... Бир полгина жойга беда экувдим. Кеча қарасам гуллапти. Ўриб қўймасам, қотиб қолади. Ке, шуни чўзиб юрмайин дедим-да, эрталаб ўришга тушдим. Ҳозирда тугатдим. Жуда чанқадим бир пиёла чой ичиб, нафасимни ростлай, кейин тўйга бораман, деб ўтирувдим. Яхшиям кетиб қолмаганим, сен келайкансан.



Алишер буvasининг тиниб-тинчимаслигига қойил қолди.

— Ҳалиям беда ўрасизми, ота?

— Нимага ўрмайман?! Отам қариб қолди, дейсамми? — Ҳайдар бува кулди. — Ҳа, болам, мени ўрганам нима бўлайди. Бекор ётгандан кўра бир эрмак-да. Ҳам амакиларингга ёрдам... Бошқа кийимларингга борми?

Алишер йўлда эзилмасин деб кўйлак-шимларини сумкасига солган, устида эса қандайдир ёзувлари бор футболка, тор трико эди. У буvasининг фикрини тунди.

— Бошқа кийимларим бор, — деди.

— Бўлмаса шуларни кий. Икковимиз тўйга борамиз. Шу кийимда борсанг, одамлар кулади. Фалончининг неварасини юришини қаранглар, дейди. Шаҳарда йўли бўлак.

Алишер сумкасини кўтариб ичкарига кириб кетди. Бир оздан сўнг кўйлак-шимини кийиб чиқди.

— Бу бошқа гап, — деди Ҳайдар бува. — Жўраларинг билан ўйнаганингда кийсанг майли боягиларди.

Бува билан невара тўйга отланди...

• • •

Алишер эшакка минишга ишқибоз. Қандай килиб бўлса-да, эшак минишга бахона кидиради.

Ҳайдар буванинг эшаги бакувват, унча-мунча юкни кўрдим демайди. Бува унинг емишига қарайди-да. Қишин-ёзин емини узмайди. Болаларини ҳам эшакка қаранглар, деб тергагани-тергаган. Шу бэис буванинг кулранг эшаги доим йилтираб туради.

Ҳайдар буванинг эшакка бу қадар ихлос кўйиши бекорга эмас. Ўзининг ибораси билан айтганда, эшак унинг қўл-оёғи. Нима кўп, Ҳайдар буванинг юриши кўп. Бугун фалон кишлокда тўй, эртага бошқа кишлокда, яна жаноза, бошқа маросимлар... Бува ҳаммасига уринмай боради. Ана шунда эшак кунига ярайди. Бугунга эмас, рўзғорда қанча-қанча ишлар бэрки, эшаксиз битмайди. Сув келтиришдан тортиб, хашак ташишгача, э-хе озмунча юмушми. Аравани каниклатиб тодганда ҳамманинг хаваси келади. «Жониворининг тўйги харам бўлгани билан меҳнати халол. Уям одамларнинг кўлиги қараган махлуқ. Вақтида емишини, сувини бериш ҳам фарз, ҳам қарз» дейди бува.



Алишер буваси эшагининг юришини ёқтиради. Худди отдай тарсиллаб юради. Чопишиям зўр. Алишер тўқимга маҳкам ўрнашиб олади-да, эшакни чоптиради. Буваси кўриб қолса уришади: «Хой, секинроқ ҳайда. Ўлдирасан-ку эшакни ичини узиб». Алишер қулоқ солмайди, баттар хала босади.

Бувасининг хавотири бошқа ёқда. «Эшак Алишерни йиқитиб, бирон жойини майиб-пайиб қилмасин тагин». Ҳар йили ёзда келганида бирон жойини қашқа қилавериб буваси бечоранинг юраги олиниб қолган. Тинч ўтир деганига қулоқ солмайди. Келганидан то уйига кетгунича буви бечорани ана шу хавотир тарк этмайди.

— Алишержон, болам, эшакдан эҳтиёт бўлгин. Йиқитиб-пиқитиб кетмасин.

— Йиқитмайди, бува, эшак ювош, — дейди Алишер маҳмаданалик қилиб.

Буви ўзига-ўзи гапирди:

— Илоё эгам ўзи паноҳида асрасин. Ҳайвонда, билиб бўладими...

Бугун жума. Алишер биледи — буваси район марказига номоз жумага кетади. Кунбўйи маза қилиб эшак миниши мумкин.

Нонуштадан кейин Ҳайдар бува одатига кўра янги тўнини кийди, янги салласини ўради.

— Ҳа ота, — деди Алишер ўсмоқчилаб, — қаёққа отланяпсиз?

Бува неварасига қараб муғомбирона кулди.

— Ҳа, шайтон. Билиб туриб сўрайсан-а.

Бува автобус бекатига чиқиб кетди.

Алишер эшакни тўқимлади. Халачўпни олдида, ирғиб минди. Қишлоқ этагида кенг майдон бор. Ҳамма болалар ўша ерга бориб копток тепади, эшакда кўпқари ўйнашади. Алишер эшакнинг бошини шу томонга бурди. Яхшилаб икки-уч хала босди. Эшак аввалига йўртди. Алишер яна халалаб, биқинига икки марта нуқиганди, эшак кўшоёқлаб чопди. Бундан Алишернинг завқи келиб, баттар чоптирди. У ўзини гўё суворидай ҳис қилиб ҳовлиқиб борарди.

Йўл ёқасидаги бутазор орасидан бир ит илқис отилиб чикди-ю, вовуллаб унга ташланди. Чопиб бораётган эшак, итдан ҳуркиб, шартта чапга бурилди. Мувозанатни йўқотиб қўйган Алишер эшакдан ағдарилиб тушди,

икки-уч думалаб кетди. Ўрнидан туриб уст-бошининг чагғини қокди. Атрофга алаңлади. Тўқими қорнига осилган эшак хув нарида кетиб борарди. Ит эса йўқ, аллақачон ғойиб бўлган эди. Алишер билдики, эшакнинг айлини қаттиқ тортмаган экан. Кескин бурилганда тўқими оғиб, ўзи ағдарилиб тушипти. Эшакни ушлай деб унинг ортидан югурмоқчи бўлди, аммо чополмади. Ўнг оёғининг шиллиги зиркираб оғриди. Шимининг почасини кўтариб каради: ҳеч нарса сезмади. Яна юрди. Яна оғриди. Чўлоқланиб аста-секин юрди. Оғриқ босилиш ўрнига баттар зўрайди. «Нима бало бўлди экан, ишкилиб оёғим синмаган бўлсин-да. Йўқ, синса юролмасдим. Шунчаки лат егандир...».

Алишер уйга томон йўналди. Оғриқ тобора қучайиб, оёғини босишга безиллаб қолди.

Хайдар бува жума номозидан қайтганда Алишер ўрик тагидаги сўрида чўзилиб ётарди.

— Ха, улим, нима бўлди?

— Оёғим оғрияпти, — деди Алишер. Эшакдан йиқилганини айтмади.

Тандирда нон ёпаётган бувиси чолининг овозини эшитиб унга ўтирибди.

— Эшагингиз ўлгур Алишерде йиқитиб кетишти. Оёғи чикқанми, лат егани, босолмаяпти.

Хайдар бува Алишернинг йнига ўтирди.

— Қачон йиқитди? Қаярда?

Алишернинг ўрнига бувиси жавоб берди:

— Эрталаб кўчудан ҳурғиб йиқитишти.

Хайдар бува афсусланиб бош чайғади. *Ишқаракча* деди:

— Ўзингиз кўп ўжарма-да, улим. Хайб, ошакка миनावерма, хайб, у, билдиб бўладими шунга кўчудан бўласан. Олдинларки қачон йиқилмади. Узоқ кўчидият бўлмади-да ошак. Тинчгина қўради-ку шунга. Менга деса эрталаб кўчудан йиқитишти.

Бувиси номини ёзиб, тандирдан шонли қонди берилан бекитди. Енгиларки шон, тандирдан кўчудан сўри томонга кўрди.

— Насимни чақуриб, қолми қўради. Шунга Оёғини бир кўриб кўради-да. Хайб, ошак шунга.

Кампирнинг таси *Ишқаракча* бўлиб қўради.

— Майли кўради, — деди *Ишқаракча*. Шунга менга бир кўради-да.

Алишер почасини кўтарди. Ҳайдар бува аста си-  
лади.

— Шу ерими? Шишипти-ку.

— Ҳа...

Унинг ҳолатидан оёғи оғриётгани билиниб турар-  
ди.

— Ҳа, шайтон-а, — деди Ҳайдар бува ух тор-  
тиб. — Сенга қанча айтдим-а, ҳадеб эшакка минаверма  
деб. Кейин кампирига юзланди. — Оёғи чикмаган, лат  
еганиям йўқ. Менимча, суяги дарз кетган. Акмал қани,  
Насимни чақриб кесин-чи.

Акмал — Алишернинг амакиваччаси. Ундан икки  
ёш кичик. Улар кўпинча бирга ўйнашади. Бугун у  
нима иш биландир ҳамсоя қишлоқдаги тоғасиникига  
кетувди, ҳали келгани йўқ.

Бувиси ҳозир шуни айтувди Ҳайдар буванинг жаҳли  
чикди.

— Шу маҳалгача қаерда дайдиб юриптиякан. —  
Ўрнидан турди. — Ўзим бориб келақолай, ҳали унинг  
қачон келади. Насим уйидами-йўқми — худо билади.  
Уям уйда ўтирадиган одам эмас.

Хайрият Насим ака уйда экан. Ҳайдар бува уни  
бошлаб келди.

Насим ака Алишернинг оёғини пастдан юқорига,  
юқоридан пастга силаб кўрди. Сўнгра Ҳайдар бувага  
қаради.

— Гапингиз тўғри, бова. Оёғининг суяги дарз кет-  
ган. Дўхтирга обориш керак. Гипсга солмаса бўлмайди.  
Ҳозирча тухум суриб бойлаб қўямиз. Лекин иложи  
борича тезроқ дўхтирга кўрсатиш даркор.

Бувиси тухум келтириб берди. Насим ака унинг  
саригини Алишернинг оёғига суриб латта билан  
боғлади.

Кечқурун ҳамма йиғилганда маслаҳат қилишди.  
Алишерни район дўхтирига обориш керакми ёки дада-  
сига хабар бериш лозимми? Қишлоққа жўнаш олдидан  
уйида бўлган машмаша Алишернинг ёдига тушди. Шу  
аҳволда борса дадасиям, аясиям уришади, хафа бўлади.  
Наргизага-ку тоза топилади. «Ана, айтмовдимми бир  
балони бошлаб келади деб. Айтганим бўпти-ку».

Шуларни ўйлаб, Алишер уйига боришни рад этди.  
Шунгаём ваҳима қилиб юрамизми, шу ерда дўхтирга  
бориб қўя қолайлик.

Амакиси унинг ниятини тушунди.

— Бу ерларди дўхтирининг мазаси йўқ-да. Алишер. Шахарди дўхтири ҳар қалай яхшироқ қарайди. Кейин даданг билан аянгам хафа бўлади, бизарга бир оғиз айтмасизлар деб.

Бу гапни Сокол отаси ҳам, бувиси ҳам маъқуллади.

— Нима бўлгандаям ота-энасининг қўлига топшириш керак, — деди буваси. — Бизарди дўхтирларга ишониб бўладими. Гипсга солса ким билади, касалхонага ётқизадими...

\* \* \*

Алишерни амакиси машинасида уйларига олиб кетди. Оёғи анча шишиб кетган эди.

Унинг ахволини кўриб дадасиям, аясиям чўчиб кетди. Амакиси бўлган воқеани айтиб берди. Бу ёғи Алишер ўйлагандай бўлди. Бир томонда аяси, бир томонда дадаси додлади, Алишерни гоҳ уришди, гоҳ эркалаб овутди. Наргиза укасининг ахволига қараб бир кулгиси кистайди, бир ачинади.

— Бўлар иш бўпти, — деди дадаси ниҳоят. — Вакт ўтмасин, тезроқ дўхтирга олиб борайлик.

Амакисининг машинасида Алишерни касалхонага олиб боришди.

Врачларнинг гоҳ униси, гоҳ буниси кўрди. Рентгенга солди. Охири хулоса шу бўлдики, Алишер касалхонада қолиши зарур экан. Шу заҳотиёқ гипсга солишди.

Дадаси билан амакиси уни палатага элтиб, жойига ётқизишди.

— Энди мен борай бўмаса, кеч бўп қолди, — деди амакиси.

— Қаёққа шошасиз, ака. Бугун қолиб, дам олиб эртага кетарсиз. Шунча йўлдан чарчаб келгансиз.

Амакиси кўнмади.

— Бормасам бўлмайди. Ўзинг биласан, ҳозир иш қайнаган пайт. Тезроқ борай.

— Бу бемаза сизниям роса овора қипти-да, ака.

— Кўйсангчи, бу гапларди. Ишқилиб тезроқ тузалиб кетса бас. Энди эшакка минмайди-да. Шундайми Алишер?

Алишернинг оёғини гипс қисар, оғриққа кўшилиб



гашилини келтирар, ҳозир ҳеч нарса ёқмас эди. Шунга қарамай, амакисига тиржайди, базўр бошилини қимирлатиб, унинг гапини тасдиқлади. Амакиси хайрлашиб чиқиб кетди.

— Бўпти, ака, яхши боринг, раҳмат сизга. Отамга, энамга, янгам, жиянларимга, ҳаммага салом айтинг. Хавотир олишмасин, врач билан гаплашдим, ўн-ўн беш кунда тузалиб кетади, деди. Мен бир оз туриб борарман.

Дадаси Алишерни ваҳимага солмаслик учун ўн-ўн беш кунда тузалиб кетади, деган эди. У бир ойдан зиёд ётди. Дастлабки кунлар роса зерикди. Хар куни дадаси билан аяси келганда, кетаманлаб йиғлайди. Улар далда беришади: «Бир оз сабр қил. Тоза соғайиб чиқасан. Ким айтди сенга эшак мингин деб».

Аста-секин кўникди, палатадошлари билан ошна бўлиб қолди.

Бир окшом Алишер туш кўрди. Қишлоқда эшак миниб юрганмиш. Эшак яланғоч эмиш. Тўқими борлигида миниб йиқилувдим, яланғоч қандай миниб юрипман, деб ўзиям хайрон бўлармиш. Бир маҳал эшак тилга кирипти. «Ўшанда мендан хафа бўлдингми? Жўртгага йиқитганим йўқ сени», дермиш Алишерга. У уйғониб кетди-да, кўрган тушилини хаёл сурди. Тавба, эшак ҳам гапирадими? Ғалати-ку. Соқол отасининг гапи эсида: «Одам тушида яланғоч эшакка минса — яхшиликка товин, муродига етади».

Врач кирди. У ҳаммани бир-бир кўриб келди-да, Алишернинг каровати ёнидаги стулга ўтирди.

— Хўш, полвон, ишлар қалай? Зерикмаяпсанми? Оёғинг оғримаяптими? — Алишер йўқ деб бош ирғади. — Бугун гипсингни ечамиз. Уч-тўрт кундан кейин жавоб берамиз. Уйингга кетасан. Аммо бир нарсани айтиб қўяй, — деди врач кулиб. — Энди икки-уч ой эшак минмай турасан. Хўпми?

— Хўп бўлади... — Алишернинг гапи дадил чиқди. Врач хайрлашиб чиқиб кетди. Алишер ўйлади: «Икки-уч ой. Демак, кейин минаверсам бўлар экан-да... Мактаб бошланиб қолади. Барибир бу йил миномас эканман. Келаси йил ёзда бораман қишлоққа. Албатта бораман... Энди айилини қаттиқ тортаман. Шунда сираям йиқилмайман...».

ВАРНА.  
1989 йил



## УЧРАШУВ

Ёзнинг чилласи, килт этган шабада йўк. Ачиган хамирдай кўпчиб ётган асфальт машиналар баллонига лой каби ёпишади. Йўлкаларда, хиёбонларда одам кам.

Турли ҳужжатлар солинган папкани қўлтиғига кистириб олган Гаффор отасига эргашиб борар экан, ўйларди: «Шахарликлар қандай чидайди бу иссиқка? Нафас олиб бўлмайди-я. Ўқишга киришдан кўра шахарнинг иссиғига бардош бериш кийин экан-ку... Отамнинг ҳам тинкаси қуриди... Тоғам уйдамикан? Бир лахза дам олсак яхши бўларди-да...»

— Мана шу уйда туради тоғанг. — деди отаси Гаффорга қарамай. — Тўртинчи каватда.

Кўчанинг лоҳас киладиган иссиғидан келгани учунми, йўлак ота-болага салкин туюлди.

— Ух-ух, ўзингга шукр.

Шу ерда бирпас ўтириб, дам олайлик, — деди Гаффор. — Жуда салкин экан.

— Биров кўрса уят қилади. Тоғангникига чикайлик, ўша ерда дам оламиз.

Гаффорнинг тоғаси Норкул Бегимов икки йил олдин диссертация химоя қилиб фан номзоди бўлган, хазир аллақайси илмий-тадқиқот институтида ишлайди.

Эшикни Норкулнинг ўзи очди.

— Э-э, ассалому алайкум, пилча. Қани ичкарига. — У майкачан, кўлида сочиқ, ояқлари хўл, кичиркина ювиниб артинаётган экан чоғи.

Хол-ахвол сўрашгач, Норкул ўрнидан турди.

— Мен хозир, — деб ошхонага кириб кетди. Ўзим ўтмай иккита коса кўтариб чиқди. — Мана бу киминини ичиб олинглар, яхдай, илхикнинг табуғини тазари. Бугун роса ёнди-да хаво. Мен ҳам шунга келиб тўруйдим. Бундай пайтларда секцияларда ишкан жуда ширча. Бетон деворлар кизиб кетади деген, кечми ўш икки бирларда ҳам совумайди. Ол, жини, ич киминдан.

Почча компотни ярийгача ичди-да, мушайим мин майди.

— Сиз-ку иссиқ бўлсаям шунча йилдан бери яшайпсиз шаҳарда. Жиянингиз бир кунга чидаш беролмапти.

— Ха, — деди Норкул жиянига қараб. — Нима бўлди?

Юзлари иссиқда бўғриқиб кетган Гаффор бир кулиб кўйди-да, индамади.

— Эрталаб институтга бордик, — гапти давом эттирди почча. — Ёшгина бир киз хужжатларини кўрди. — Соғлиғи тўғрисида қишлоқдан олиб келган справкангиз бўлмайди, ўзимизнинг поликлиникадан ўтасиз, деб туриб олди-да, у десам ҳам кўнмади, бу десам ҳам кўнмади. Охири боришга мажбур бўлдик. Қайси эшикка бормайлик навбатда турганларнинг охири кўринмайди. Бир маҳал нима дейди денг: «Ота, кетамиз, ўқишга кирмайман. Дўхтирдан ўтиш шунча бўлса, ҳали имтиҳонлари нима бўлади?» — дейди. «Э, ўғлим осонгина битадиган иш йўқ. Жон койитмасанг жонона қайда, тоққа чиқмасанг дўлона қайда, дейдилар. Ўқишнинг ҳам ўзга яраша азоблари бор-да», — дедим.

Норкул жиянига қараб кулди.

— Отанг тўғри айтптилар. Шунақа қилиб пишасанда. Аразлаб кетаверганинг билан биров оркангдан ялиниб борармиди. Компотдан ичинг, почча... Зарари йўқ, аста-секин ўрганиб кетади. Мен ҳам шундай бўлганман. Биринчи марта шаҳарга келганим сира ёдимдан чиқмайди. Отам билан келган эдим...

\* \* \*

Норкул ҳеч қачон бунчалик шодланмаганди. Нега қувонмасин? Бу кунни қачондан бери кутади-ку ахир! Кеч бўлиб тезроқ тонг ота қолсайди. Тонг-сахарда у отаси билан шаҳарга боради. Қандай маза-я... Синфдошларидан ҳали ҳеч ким шаҳарга бормаган. Фақат Карим... Унинг акаси шаҳарда яшайди-да. Каримнинг акаси бахтли одам.

Подадан қайтган молларни жой-жойига боғлади-да, кўчага отилди. Негадир ўзини бир оз сипо, вазмин тугарди. Икки кўлини чўнтагига солиб, у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Шу пайт велосипед мингашган икки жўраси келиб қолди.

— Ха, Норкул, нима қилиб юрибсан? — сўради улардан бири.

— География муаллимимизга ўхшаб, қўлингни киссанга солволибсан? Нима, дарс беришни машқ қиляпсанми? — деб хазиллашди иккинчиси.

Норкул уларнинг гапига парво қилмади:

— Ўзим, шунчаки айланиб юрибман.

— Юр, футбол ўйнаймиз.

Норкул қўлини чўнтагидан чиқариб керишди.

— Йўқ, ўйнолмайман... Мен шаҳарга бормокчиман.

— Шаҳарга? — ишонкирамай сўрати велосипед рулига суяниб турган жўраси.

— Ҳозирми?

— Эртага эрталаб, — деди Норкул ўзини бамайтихотир тутишга уриниб.

— Вой-вуй, мактанишини каранглар. Эртага бурсанг бугун ўйнамайсанми?!

— Ишим бор-да... Тайёргарлик кўриш керак. — Норкул катталардек салмоқлаб гапирарди. — Нима, шаҳарга шундай кетаверадими? Ёнглиларда кўрмаганмисанлар шаҳардаги болалар кандай тўра кийинишини?

Жўралари бир-бирига қараб қўлини ва ёнбошидаги мингашиб қўзғалишаркан. Норкулга кўришди:

— Эҳтиёт бўл, яна шаҳарда келиб кетма. Норкул уларнинг пичингидан дафъа бўлмада иккинчи танлайди коникиш хиссини туйди. «Аввали келишди йўқ, уларга алам қиляпти. Шунинг учун келтириб келди. Ёқилман, икковини бир-биридан келтиришди. Агар бўлган шаҳарга боралиган бўлганда, келганга келди келиб, чиқишарди... Алам қиляпти... Халқ шайхонлар, келди, келай, кўрганларимни келтириб бир кўришимиз!»

Норкул кўчада яна бир сўз келди. Ёқилман келди келди қолгани учунми, одам сўзга эди. Ёқилман, унинг тенгдошларидан ҳеч қайсиси кўришимизди.

«Хаммаси футбол ўйнагани келтиришди», ўйнади у...

Овқатдан сўнг телевизор кўришимиз бўлишимиз. Ёқилман Норкулнинг телевизия кўришимиз келмади. У кўриш тонг отишини кутарди. «Ўқилман келди ўқилман келди». Отаси унинг кўнглидагини келтиришди.

— Сен ёта қол, ўқилман. Эртага келди кўришимиз керак, дамингни ол.

Норкул ховлидаги сўрига чиқиб кетди. Ёқилман хадеганда уйку келаверади. Аввалига кўришимиз келиб

бир, икки, уч... деб санай бошлади. Бироқ фойда бўлмади. Ухлайн дегани сари хаёл фикрини олиб қочарди. У осмондаги жимир-жимир юлдузларга термилиб хаёл суриб кетди. Кўз ўнгида киноларда, телевизорда кўргани шаҳарлар намоён бўларди. Ана, кенг асфальт кўчалардан турнақатор бўлиб келаётган машиналарнинг охири кўринмайди. Одамлар-чи? Мунча кўп-а, улар. Кўчага сигмайди. Ҳаммаси шошилиб кетяпти... Ие, анависи танишми? Каримнинг акаси-ку. У ҳам шу ердан ўтаркан-да ишга. Кийимини қаранглар, бирам ўзига ярашган. Шимининг почасини қайириб опти. Нега ундай қилди экан? Қора кўзойнагидан кўзи кўринмайди... Каримнинг акасига маза-да. Шаҳарда яшайди. Яна қайсидар институтда домла эмиш. Қишлоғимиздан чиққан энг билимдон йигит шу бўлса керак. Мен ҳам катта бўлсам...

Норкул ўйлаётган фикрини худди биров сезиб қоладигандек ёстикдан бошини кўтариб, атрофга аланглади: ҳеч ким йўқ. Ота-онаси, акалари ҳамон телевизор кўриб ўтиришарди, укалари эса аллақачон ухлаб қолишганди.

У иккинчи ёнбошига ағдарилиб ётди. Кўзини юмди. Ҳеч нарсани ўйламасликка тиришди. Лекин... Лекин бунинг иложи йўқ эди. Яна Самарқанд шаҳрини ўйлади. Расмларда, телевизорда кўргани, отасининг айтиб берганлари — шаҳарнинг ёдгорликларини тасаввур қила бошлади. Улар жуда ноёб экан. Дунёнинг ҳамма жойидан одамлар ана шу ёдгорликларни кўргани келармиш. Демак, чинданам зўр экан-да, улар. Ўзимизнинг одамлар-чи? Бориб кўришадими? Нега бўлмаса ҳеч ким бу ёдгорликлар ҳақида гапирмайди. Шаҳар ҳақида гап чиқса, ҳамма нима еганию, қандай кийим-кечак олганини, мол бозорининг нарх-навосини гапиради... Балки вақтлари йўқдир. Ахир бригадирдан бир кунга жавоб сўраб боргандан кейин тирикчилигини қилсинми ё томошага борсинми? Уларга ҳам осон эмас... Мен эртага отамга айтаман, ўша ёдгорликларни кўрсатинг, дейман. Қаёқлардан одамлар атайлаб келиб кўрса-ю, ўзимиз билмасак. Қизиқ-ку. Олдиндан оққан сувнинг кадри йўқ, деганлари шудир-да...

У хаёл суриб ётиб ухлаб қолганини ўзи ҳам сезмади. Эрталаб отасининг гўнғир-гўнғир овозидан уйғониб кетди.



— Тура кол, тезроқ чой-пой ичиб ол. Ўзга чикамиз.

Норкул апил-тапил ювиниб, кийинди. Онаси келтирган қаймоққа икки-уч нон ботириб еди-ку. Ёшиқа нарсани кўнгли тортмади...

Уларнинг қишлоғи шаҳардан жуда узоқ эди. Чошгоҳда шаҳарга кириб кетишди. Автобус самбатли, баланд бинолар олдида тўхтади. У худди расмини кўрган ёдгорликларга ўхшарди. «Шу бўлса керак».

— Ота, мана бу нима? — сўради отасидан турли рангда товланиб турган текис, баланд деворни кўрсатиб.

— Регистон... Қани, юр, троллейбусга чикамиз, аввал бозорга борайлик, кейин томоша киламиз, — деди отаси.

Троллейбус бекати томон кетишди. Тротуарда одам кўп, бир-бирини туртиб-суртиб ўтишарди. Норкул уларга қараб хайрон бўлди. «Бунча шопилмасга булар. Хаммасининг иши зарилми шунча. Қишлоқда одамлар жуда бамайлихотир юришади. Фақат бригадиримиз шунақа патир-путур. Хамма уни «йўрға» дейди. Шаҳарликларнинг хаммаси йўрға экан-да». Ўзининг фикридан ўзи кулиб кўйди. Бир оз юргач, кизиб, терлаб кетди. Аллақандай нохуш бўйдан кўнгли айниди. Лекин ўзини қўлга олди. «Озиб-ёзиб бир шаҳарга келдим-ку. Шаҳар дегани шунақа бўлса керак-да».

Автобусга ўхшаб кетадиган лекин ундан узунроқ уч эшикли троллейбус шундоққина уларнинг ёнига келиб тўхтади. Тепасида иккита темири бор. Худди ниначига ўхшайди. Бекатда турган одамлар унга ёпирилди.

— Чикамиз, — деди отаси Норкулнинг кўлидан оларкан. — Юр, тезроқ чикмасак, кетиб қолади.

Урилиб-сурилиб чикиб олишди. Троллейбус дегани шунақа катта бўларкан-да. Эшикларининг ёпилишини. Ўтирғичлари жуда юмшоқ бўлса керак. Ушлайдиган томирларининг ялтирашини... «Билет олишни унутманглар, тушадиганлар олдинга ўтсин». Тавба, ким гапиряпти — шофёрмикан ёки махсус одам борми?.. Лекин жуда одам кўп экан-да. Қимирлашнинг иложи йўқ». Норкул ўнг оёғини сал олдинга сурмоқчи бўлиб жўтарганди, қайта кўёлмади. У отасини маҳкам ушлаб олган, ҳамон бир оёқда кетарди. Қиш кунлари айвонга тўпланган товуклар ана шунақа бир оёқда турарди.



Хозир Норкул ҳам шуларга ўхшаб қолди. Яхшиям бу аҳволни ҳеч ким кўрмади. Агар жўралари кўриб қолса борми, калака қилиб кўз очиришмайди.

— Қисилдингми? — деди отаси унга энгашиб. Қўл синса енг ичида, бош ёрилса дўппи остида дегандай, Норкул сир бой бермади. Астагина «йўқ» деб қўя қолди. Бўлмаса отасига гап топилади. «Хали кичкинасан шаҳарга боришга эрта, деб қанча айтдим, кўнмадинг. Энди ўзингдан кўр», дейиши аниқ.

Троллейбус тўхтади. Норкул тушамизми дегандай отасига қаради. Отаси ялтироқ тутқични ушлаганча индамай турарди. «Демак, тушмаймиз». Троллейбусдан уч-тўрт киши тушди-ю, бир гуруҳ одам ёпирилиб кирди. Олдингиси ҳам бунинг олдида ҳолва бўлиб қолди. Одамларнинг қисилишидан, Норкулга ҳаво етмагандай туюлди. Унинг устига аллақандай қўланса хидлар... Ўзига тикилиб турган семиз хотиндан кўзларини отасига тикди. Отаси бепарво эди. У нима қилишини билмади. Кўнгли беҳузур бўла бошлади.

— Ота-а, — деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Отаси ялт этиб қаради. Норкулнинг ранги оқариб кетган, юзларидан шувиллаб тер қуйиларди.

— Исиб кетдингми? — деди отаси, — Бир оз сабр қил, хозир тушамиз.

Сабр қилишдан бошқа нима иложи ҳам бор. Норкул тишини-тишига босди. Майдонда футбол ўйнаётган, дарёда чўмилаётган жўралари эсига келди. Троллейбус қаттиқ тормоз берганидан ҳамма олдинга қараб силкиниб кетди.

— Тушамиз.

Отасининг шу бир оғиз сўзи Норкулга жуда хузурбахш эшитилди. Троллейбус орқа эшикларини очмади. Ҳамма олдинги эшикдан тушарди. Нега бундайлигини у отасидан сўрамоқчи бўлди, аммо хозир бунга холи йўқ эди.

Пастга тушгач, юзига шабада урди. У гарчи иссиқ бўлса-да, ҳарқалай Норкулга хуш ёкди. Дарахт соясига ўтгандай сўнг ўзини бир оз енгил хис қилди.

— Жуда кўп одам оларкан-а, — деди отасига астагина.

— Ҳамма бозорга келяпти-да. Ўзинг дурустми-сан? Бозорга кириб чиқайлик кейин ёдгорликларни кўрсатаман.

Улар икки томони жарликка ўхшаган торгина йўлдан кетишди. Бу йўлакдан бориб келувчиларнинг саноги йўқ. Анчагина юргандан сўнг, майда тош ётқизилган катта майдонга чиқишди.

— Мана шу бозор.

Одамлар ерга ҳар хил нарсаларни ёйиб қатор бўлиб ўтиришарди. Отаси Норкулнинг қўлидан ушлаб олди-да, ерга ёйилган нарсаларга разм солиб кетаверди.

— Кимга дўппи? Ажойиби бор...

— Рўмол оласизми?

— Нимчанинг зўри мана...

Турнақатор ўтирган сотувчилар бир-бирига бўш келмай молини мақтарди. Анча айланишди, аммо отаси хадеганда бирон нарса олавермади. Саратоннинг жазирамаси, унинг устига тошнинг қизиши, одамларнинг ҳовури, атрофи тепаликлар билан ўралган, тангадек сояси йўқ бу майдонни қиздирилган тандирга айлан-тириб кўйганди. Норкул чанқаб, оғзи куриб қолди. Лекин отасига айтмади. «Тезроқ бўла қолсайди...».

— Рўмол оласизми? Мана жун рўмол. Олинг, арзон қилиб бераман.

Оғзида тилла тишлари ялтираб турган, юзлари кипкизил хотин рўмолни отасининг бурни остига олиб келди.

— Неча пул дейсиз? — сўради отаси, Норкулни кўйиб юбориб, рўмолни қўлига оларкан.

— От билан туя бўлармиди, акажон. Икки юз дейман, сўрайсиз-да, бозор-ку ахир.

Шу маҳал уларнинг ёнида пакирда сув кўтарган болакай келиб қолди. У тинмай бақирарди:

— Мана оби яхдек... Мана оби яхдек. Норкулнинг кўзига бу бола ҳазрати Хизирдай кўриниб кетди. У тўхтади:

— Сувингдан бир кружка бер.

Бола пақирни ерга кўйди-ю, бир кружка сув олиб Норкулга узатди:

— Марҳамат, жўражон.

Норкул сувни оларкан ўйлади: «Шаҳарликлар жуда одамшаванда бўларкан-да, чанқаган бозорчиларга сув улашиб юрганини қаранг. Бўлмаса бу болага нима зарил шу иссиқда, яна ширинсўзлигини айтинг.

Норкул сувдан бир қултум ютди. Сув илиқ, бунинг устига қандайдир сассиқ хид анқирди. Аммо

унинг hozirgi axvoli xar qanaqa suvni ichishga majbur kиларди. Кружкани яримлатди. Қолганига ўзини тийди.

— Раҳмат, жўра, — деди кружкани қайтариб бераркан.

— Раҳматингни қўй, пулини чўз, — деди у кружкадаги сувини пакирга қуяркан.

Норкул хайрон қолди. Қулоқларига ишонмасди.

— Қанақа пул?

— Хали пул қанақа бўлишини билмайсанми? Йигирма тийин туради сув.

Норкул гарангсиб қолди. Беихтиёр отасига қаради. Яхшиям у эшитмади буларнинг галвасини. Халиги хотин билан рўмолни савдолашарди. «Йигирма тийин?! Бир кружка сув йигирма тийин? Бир кружка сув йигирма тийин? Норкул нахотки сувниям сотса. Ёки бу бола мени калака қиляптими?»

— Ҳазилингни қўйсанг-чи, жўра, сувниям сотадими?

Сувчи бола Норкулга яқин келиб, шивирлади:

— Бу ерни шаҳар, деб қўйипти. Билдингми? Қани, чўз тезроқ, йўлдан қолдим.

Бу боланинг гапи Норкулнинг сувдан олган лаззатини ҳам тарқатиб юборганди. Берай деса пули йўқ, гангиб қолди.

— Ҳа, нима гап? — деди уларга яқин келган отаси. Сувчи бола унга юзланди:

— Бу сизнинг ўрлингизми? Сув ичишни биларкан-у, пулини тўлашга келганда...

Норкул хижолат бўлиб отасига термилди. Нима дейишини билмасди. Отаси гап нимада эканлигини тушуниб, сувчи болага йигирма тийин берди. У тангани олди-ю, йўлида давом этди.

— Мана оби яхдек...

Норкул отам уришса керак, деб ўйлаган эди. Ундай бўлмади. Бир оз юргандан сўнг, хотиржам охангда:

— Норкул, сув ичгинг келса менга айтгин. Буларнинг сувини ичиб бўлмайди. Тозамас. Ўзим газ сув олиб бораман, — деди.

Улар яна бозор айланишди, кейин магазинларга киришди, отаси нималардир харид қилди. Лекин буларнинг биронтасига Норкул эътибор бермади. Унинг боши арининг уясидай гувиллар, зилдай оғирлигидан

оёқларини базўр кўтариб босар, қулоғи остидан эса бояғи сувчи боланинг «мана оби яхдек» деган сўзлари кетмасди. Ўша боланинг пақиридан ичган суви энди баттар чанқатар, оғзи куруклашиб, тили танглайига ёпишиб қолганди. Отасининг «буларнинг сувидан ичиб бўлмайди, тозамас?» деган гапи баттар кўнглини айнитарди.

— Бир овқатланиб олайлик, — деди отаси. — Қорнинг ҳам очгандир.

Гарчи ҳозир кўнгли овқатни тусамаса ҳам Норкул индамади. Балки бирон нарса есам, босилар, деб ўйлади. Ошхонага киришди. Одам риж-риж. Игна ташласанг тушмайди. Қўлига косани кўтариб, қаерга қўйишини билмай турганлар қанча. Иссиқдан нафас олиб бўлмайди.

— Ў-хў, одам кўп-ку, — деди отасининг ҳам хафсаласи пир бўлиб. — Юр, бошқа ошхонага борамиз.

Очлик ва чанқов Норкулни жуда ҳолдан тойдирган эди. Шунча чидади. Буёғига мадори қолмади.

— Ота, — деди бўшашиб, — яна ишингиз борми бу ерда?

— Йўқ, бошқа ишим йўқ. Нимади? — хайрон бўлди отаси. — Энди томоша қиламиз. Ёдгорликларни кўрсатаман сенга.

Ҳозир Норкулнинг юрагига томоша ҳам сиймас, кўзига ёдгорликлар ҳам кўринмасди. Аксинча, хаёлида кишлоғи тепасидаги оқсоч тоғлар, уларнинг тагидан париллаб қайнаб чиқаётган муздай булоқ чарх урарди.

— Кетамиз... Уйга.

— Ўзинг-ку қачондан бери шаҳарга олиб борасиз, ёдгорликларни кўрсатасиз, деб ҳол-жонимга қўймайсан. Энди бўлса... Сал чарчаган бўлсанг ҳеч нарса қилмайди. Ўтиб кетади. Бир келганда кўриб кетгин энди.

Норкул йиғламоқдан ўзини базўр тутди.

— Кетамиз... Кейин кўрамиз, — деди. Унинг товуши жуда хаста, беморнинг овозидай чиқди...

Уйга келиб Норкул ётиб қолди. На овқат еди, на чой ичди. Онаси унинг атрофида гиргиттон, отаси «иссиқда чарчаган, ҳеч нарса қилмайди, бир ухлаб турса отдай бўлиб кетади», дерди. Норкул оғир-оғир нафас оларди. Тиқилинч троллейбус, молини мақтаётган бозорчилар, «мана оби яхдек» деб юрган сувчи бола,

игна ташласа тушмайдиган ошхона бирма-бир кўз ўнгидан ўтарди. Алаҳсираб нималардир деди, бир-икки «ота!» деб бақриб юборди. Пешонасига кўлини кўйиб ўтирган онаси жонсарақ шивирлади:

— Ёниб кетяпти болагинам.

У шу ётганча бир ҳафта деганда турди. Отаси, акалари, унга ҳазиллашарди:

— Бир марта шаҳарга тушгулик ҳолинг бор экан-ку, яна томошага бораман, деб ҳаммани безор қиласан. Хе, пўрриқ.

...Таътил ҳам охирлаб қолди. Отаси яна шаҳарга борадиган бўлди.

— Норкул, — деди отаси чой ичиб ўтириб, — ўқишингга ҳам яқин қолди. У сафар яхши томоша қилолмадинг, юр, эртага шаҳарга олиб борай.

Норкулнинг кўз ўнгига лоп этиб шаҳар — одам тирбанд троллейбус, бозор, сувчи бола, ошхона келди. Негадир Каримнинг шаҳарда яшовчи акасини ҳам эслади.

— Ха, жим бўлиб қолдинг. Борасанми? — деб сўради отаси.

Норкул бошини эгиб ўтирганча:

— Йўқ...Бормайман, — деди.

Дастурхон атрофидагилар бирданига кулиб юборишди. Хеч нарсадан хабари йўқ икки укаси эса гоҳ унга, гоҳ бунга жавдираб, булар нега кулишяпти, дегандай хайрон бўлиб ўтиришарди...

\* \* \*

— Эшитдинми? — деди Фаффорга отаси. — Мана энди тоғанг шаҳарлик, катта олим. Одам деган бунақа бўшанг бўлмайди. Сал дадилроқ, эпчилроқ бўлиш керак. Ким айтади сени бўз бола деб!

Устма-уст ичилган муздай компот қувват бердими, кондиционердан эсаётган ёқимли шабада иссиқ тафтини кўтардими, ҳар қалай Фаффор энди ўзини анча енгил, бардам ҳис қилар эди. У товасининг ўқтам, ишонч билан гапиришига хаваси келиб ўтираркан ўйларди: «Мен ҳам бўш келмайман, тоға. Ўқийман, астойдил ўқийман. На иссиғу, на совуққа ён бераман! Сиздай олим бўламан!»

1989 йил



## ЧУЧВАРА

Баҳор бошланди. Кексаларнинг ибораси билан айтганда, йўрон чўзилиб, ингичка узиладиган пайт келди. Шу туфайлимикан, Ҳафиза опа ўрнидан туриб кета қолмаяпти. Бир ойдан ошди бетоб бўлганига. Бир неча кун тайинли овқат ҳам емади, товук шўрваннинг сувидан бир-икки қошиқ ичса ичади, бўлмаса йўқ.

Хайриятки, кейинги кунларда анча ўзига келиб қолди: у-бу нарса татиб турибди. Онасининг ахволига қараб, Комил эзилади, жуда раҳми келади. Касалхонага бормаганига ажабланади. Бўлмаса, дўхтирлар роса қишташди. Қаёқда, Ҳафиза опа қўнмади.

– Дадаси эртадан кечгача ишда бўлса, болалар уйда ёлғиз қоладими. Ётган жойимдан бўлсаям кўз-қулоқ бўлиб турмасам, кўнглим тинчимайди. Худо шифо берса, шу ердаям тузалиб кетаман, – деди. – Дори-дармон олиб турибман-ку.

Комилнинг дадаси ҳам кўп қиштади:

– Ўжарлик қилма, онаси, касалхонага боргин. Тезроқ тузаласан, ахир.

Йўқ, Ҳафиза опа сўзида туриб олди.

Комил хайрон: «Ўзлари не ахволда, яна бизларни ўйлайдилар-а».

Бир кун бу фикрни онасига айтди, унинг гапига акалари ҳам қўшилди:

– Ойи, бундай қилманг, боринг касалхонага. Нимага мунча хавотир оласиз бизлардан?

Ҳафиза опа қайсарлик қилаётганига аслида бошқа сабаб бор эди. У олдин ҳам бир-икки марта ётганди касалхонада. «У ердаги муҳит соф одамниям касал қилиб қўяди. Бети курсин-а касалхонасининг...», деб келганди. Врачлар, эри, ўғиллари қишташганда, кўз ўнгига ўша ваҳималар – ҳали кимдир оғирлашиб қолиб чоп-чоп қилишлар, ҳали кимдир вафот этгани – хуллас, бири-биридан ваҳимали, кўнглига оғир ботувчи гаплару воқеалар келарди.

— Болаларим, — деди вазмин охангда, — мени кўп қистаманглар. Шифосини берса уйдаям тузалавераман, борди-ю, ўлсам, шу ерда ўламан, лекин бормайман касалхонага.

Уч ака-ука бир-бирига қаради. Бу гапдан сўнг кимнинг нимага тили боради, дейсиз. Хафиза опанинг тўнғичи юрак ютиб, онасига деди:

— Унақа деманг, ойижон... Касалхонада дўхтирлар ёнингизда бўлади, тезроқ тузалиб кетасизми, деймизда... Ўзингизам қийналиб кетдингиз уйда.

Хафиза опа оғир тин олди. Ўғилларига бир-бир тикилди. Кўнглидан кечган фикрни тилига чиқарганини ўзиям билмай қолди:

— Нима, бу ерда ётишим сенларга малол келяптими? Бизлардиям қийнавордингиз, демоқчимисан?

Учала ўғил бараварига сергак тортди.

— Нималар деяпсиз, ойижон! Нахотки бизларни шунақа деб ўйласангиз.

Ноўрин гапириб қўйганини Хафиза опа сизди. «Ўғилларимни хафа қилдим», деб ўйлади.

— Мени кечиринглар, болаларим. Оғзимдан беихтиёр чиқиб кетди.

Ҳамма жим қолди. Биров бир нарса дейишга ожиз. Оғир сукунат.

Хафиза опа деразадан ташқарига қаради. Дарахтлар куртак ёза бошлаган, эртагиларининг барги тангадай бўлиб қолган эди. «Баҳор ҳам кеп қопти... Ялпиз чикқандир». Бемор нималарни тусамайди, Хафиза опанинг кўнгли суст кетди. «Қанийди, бир ликопчада кўк чучвара бўлса, қатиқ билан есам, сал қувватга энармидим". Бу истагини кимга айтади? Ўғилларига айтса... Улар оддий овқатларни наридан бери амаллашади-ю кўк чучварани қандай эплашади. «Оилага қиз болаям керак экан-да. Агар ҳозир қизим бўлганда, албатта, чучвара пишириб берарди».

Ўғирилиб, ўғилларига термилди. Улар онасига қараб миқ этмай ўтиришарди. Комил онасига яқинроқ ўтиргани учунми ёки кенжаси бўлгани боисми Хафиза опа мадорсиз қўллари билан унинг юзлари, сочларини силади. Бунга сари унинг кўнглидаги хавас тобора ортар, гўё ҳозир тўрт донагина чучвара еса, тузалиб кетадигандек эди.

— Баҳорам кеп қопти-я, болаларим, — деди ниҳоят. — Ялпизам чиқиб қолгандир-а?

Комил хушёр тортди: «Ялпизга қўнгли кетган ойимнинг».

— Ялпиз сомса егингиз келяптими, ойи? — деди.

Хафиза опа кулди:

— Сомсани қандай ейман, болам... Бўлса, уч-тўрт дона кўк чучвара еримдим... Лекин уни ким қилади?... Майли, тузалсам, ўзим пишираман, болам.

Комилнинг акаси гапни илиб кетди:

— Мархабо кеннойимга айтайми, ойи?

Мархабо — Хафиза опанинг овсини.

— Кеннойинг ҳам жўжабирдай жон. Болаларига қарасинми, ишга борсинми... Улардан ортиб, чучвара пиширишга вақти борми, болам.

Шу билан суҳбат узилди.

Комил ўйланиб қолди. «Демак, ойимнинг кўк чучвара егилари келяпти. Қандай қилиб кўк чучвара пиширсам экан».

У ўрнидан турди. Буни ўзича тушунган Хафиза опа деди:

— Болаларим, боринглар дарсларингни қилинглар.

Хар ким ўз ишига кетди.

Комил ҳеч кимга билдирмай, онаси бозорга олиб борадиган сумкани кўтариб йўлга тушди...

Кечки овқатдан сўнг бир оз телевизор томоша қилишди.

— Энди ухланглар, болалар, эрталаб мактабдан кечга қоласизлар бўлмаса, — деди дадаси.

Хамма ётгандан сўнг Комил оёқ учида юриб ошхонага ўтди. Онасини, дадасини билиб қолишидан кўрқарди. Билса — қўймайди, барибир чучвара қилолмайсан, ундан кўра ётиб, дамингни ол, дейиши аниқ. Шу сабаб ҳеч кимга билдирмай, ялпизни тозалади, ювди, чопки билан майдалади. Энди хамир қилиш керак. Онаси хамир қорганда, Комил кузатиб ўтирар, қанча уну қанча сув солишини билиб олган эди. Бир-икки марта онасига қўшилиб нон ҳам ясаган эди. Шуларни ўйлаганда хамир қила олишига кўзи етди.

Эрталаб барвақт туриб хамир қоришни мўлжаллади. Мақсади — онаси уйронгунча чучварани тайёрлаш. «Ишқилиб ухлаб қолмасам бўлгани».

Мўлжал қилган вақтида биров туртиб уйғотгандай сапчиб турди. Атроф жимжит, ҳали тонг отмаган, ҳамма ширин уйқуда.

Комил апил-тапил кийинди, юз-қўлини ювиб, секин ошхонага ўтди. Онаси ҳамир қиладиган тоғорани олиб, икки коса ун солди. Шунга яраша суву тузини қўшиб, ҳамир қоришга тушди.

Ана-мана дегунча ҳамирни тайёрлаб, бир муддат тиндириб, чучвара тугишга киришди. Аввалига қўли унча ковушмади. Дастлаб тукканлари онаси тугадиган чучвараларга сира ўхшамди. Бир оз кайфияти бузилди. Бир кўнгли онасидан сўрамоқни хаёл қилди. Бироқ бу фикридан дарҳол қайтди. «Нима бўлсаям, ўзим қиламан, яхши бўлмаса, ёмонроқ чиқар...» Энди астойдил уринди. Аста-секин қўли келишиб, бинойидек туга бошлади.

Тонг ёришди. Қозондаги сув ҳам қайнади...

Комил ўйланиб қолди: «Ҳозир солсам, бир пасда пишади. Онам уйғонгунларича совиб қолади-ку... Бир оз кутаймикан?»

Шу маҳал эшик очилиб, дадаси кирди.

— Ҳа, Комил, сахар мардонда ошхонада нима қилиб юрибсан? — Унинг кўзи лагандаги чучварага тушди. — Ие, зўрсан-ку!

Комил довдираб қолди.

— Ойимлар кеча... кўк чучвара...

— Ҳа, — деди дадаси унинг фикрини тушуниб, — Баракалла, ўғлим.

Дадаси шундай деб, хобгоҳ томон йўналди.

— Онаси, ҳов онаси, қара, Комилжон сенга кўк чучвара пиширяпти.

Дадасининг гапини эшитаб, Комил уялиб кетди, назарида юзлари кизаргандай туюлди. У ёқда онасининг энтикиб гапиргани эшитилди.

— Чучвара дейсизми?

— Ҳа, кўк чучвара. Тура қол.

Икки-уч кундан бери Ҳафиза опа ўрнидан турар, ярим соат ўтирар, мадори йўклигидан тез чарчаб қолар, яна бориб, жойига ётар эди.

Бу гапни эшитиб, ғойибдан бир куч пайдо бўлдим, Ҳафиза опа дадил ўрнидан турди. Комилнинг олдига келди. Комил чучварани чавли билан олиб, лаганга солаётган эди.

– Вой, Комилжонимдан айланай, вой, умрингдан барака топ, болам.

Комил чинни лаганни столга кўйди. Бури чиқиб турган чучвара ҳиди Ҳафиза опанинг диморига хуш ёкди.

– Болаларни уйғотинг, дадаси. Совимай еб олишин, – деди Ҳафиза опа.

Бешалови ўтириб, кўк чучвара ейишди. Дастурхонга фотиҳа ўқилгандан кейин дадаси қизиқиб сўради:

– Чучвара пиширишни қачон ўргангансан, Комил? Хамирни қанақа қилдинг? Ялпизни қачон олиб келдинг?

Комил ҳаммасини айтиб берди.

Ҳафиза опа кўк чучварани еб бир ҳузурланган бўлса, ўғлининг меҳрибонлиги, кўлидан иш келиб қолганлигидан ўн хисса роҳат қилди. Шунданми, ўзини кушдай енгил хис этди.

Шу кундан бошлаб Ҳафиза опа қувватга кира бошлади. Тўрт кундан сўнг яна кўк чучвара қиладиган бўлишди. Бу гал хамирни Ҳафиза опанинг ўзи қорди, чучварани эса Комил билан иккови тугди...

*1993 йил*



## КЎЗИЧОҚНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

Орифга отаси эрта кўкламда иккита кўзичоқ олиб келиб берди. Икковиям қоп-қора. Биттасининг пешонасида беш тийинлик тангадай оқи бор — қашка. Шундан фарқлаш мумкин, йўкса, уларни бир-биридан ажратиш мушкул. Кўзичоқларнинг кўзлари тим қора.

Улар тезда Орифнинг овунчосига айланди. Мактабга кетишидан аввал шишада сут ичиради. Дарсдан келиши ҳамано уларнинг олдига югуради. Онаси чой-пойнингни ичиб ол, десаям қарамайди.

Кўзичоқларни қўлидан қўймай, гоҳ унисини кўтаради, гоҳ бунисини. Баъзида икковиниям баравар кўтариб олади. Онаси уришди, танбеҳ берди — қаёқда, кулоғига гап кирмагач, охири алдади: «Ҳадеб тегаверма, болам, кўзичоқларнинг эзилиб, рижимланиб, пажмурда бўлиб қолади». Бу гап Орифни чўчитди — кўзичоқлари каттармай қолишидан кўрқди. Қани улар тезроқ ўсса-ю, Ориф олишиб, дўмбалок ошиб ўйнаса.

Аста-секин уларни етакка ўргатди. Ўтлоқларга олиб борди. Ариқ бўйида ётиб нон ивитиб еркан, кўзичоқларига ҳам берди. Шундай қилиб, Ориф кўзичоқларга, кўзичоқлар эса Орифга ўрганиб қолди.

Кундан-кун ўтиб қашқанинг шохи чикди. Ориф у билан шохлашиб, чимзорларда ўмбалок ошиб ўйнашади. Пешонасини кўзичоғи пешонасига тираб итаради. Кўзичоқ ҳам жон-жаҳди билан суради. Гоҳ Ориф ағнаб қолади, гоҳ кўзичоқ.

Ориф уларга от қўйиб олди. Бирининг оти ўз-ўзидан аён: Қашқа. Иккинчиси эса эса Қал (шохи чикмади унинг) ёки Писмиқ (Ориф билан кўп ўйнашмайдида).

Ўқиш тугади. Ориф еттинчи синфга кўчди. Таътил бошланди. Энди эртадан-кечгача у кўзичоқлари билан овора. Эрталаб уларни эргаштириб чиқиб кетади. Тонгги салқинда маза қилиб ўтлаб олсин, ҳадемай кун кизиб кетса тумшугини ерга тираб ётади. Ориф уларни

бу ахволга солиб қўймайди. Офтоб салгина қиздириши ҳамано катта ёнроқ тагига олиб келади. У ер жуда салқин, кўм-кўк ажрикзор. Куннинг тафти қайтгач, яна ўтга етаклайди.

Қашқа билан Писмиқ Орифга шу кадар ўрганиб кетдики, бошқалар етакласа ҳатто юрмайди ҳам. Унга узоқдан талпинишади. Қўзичоқларнинг чопишидан Ориф норози — озиб қолади. Отаси айтган: қўй дегани секин юриши керак, чопдими ёки сакрадимми, тамом, этидан тушади. Ориф қўзиларини бирор нарса хуркитмасин деб кўз-қулоқ бўлиб туради.

Уч ой таътил шундай ўтди. Жўралари бир неча марта у ёқ-бу ёқа таклиф қилишди: Ориф бормади. Қашқа билан Писмиқни соғиниб қоламан, деди.

Сентябрь келиб, ўқиш ҳам бошланди. Қўзичоқлар улғайди, куч-қувватга тўлди. Энди Ориф шохлашиб ўйнаёлмайди, уни осонгина суриб юборишади. Қашқа чаток, икки томонга буралиб кетган шохлари билан бир итарса борми, Орифнинг юраги шириллаб кетади.

Қўзилар роса етилди. Икковининг ҳам думбаси чамбарак отиб кетди. Кўпроқ ёки сал тезроқ юрса хансираб, пишнаб қолади. Ориф уларга ўзича хазил қилади:

— Э, дангасалар, сал тезроқ юриш керак-да.

Сентябрнинг охирида уларни қўшни районга пахтага олиб кетишди. У пахтага чиқишдан қочмайди, аммо қўзиларимнинг ҳоли не кечади, деб ташвиш тортди. Ота-онасига, акаларига яхши қаранглар, кучук-пучук хуркитмасин, деб қайта-қайта тайинлади.

Жўнаш олдидан қўзилари билан хайрлашди:

— Хайр, Қашқа, мен эртага пахтага кетяпман. Неча кунда қайтиб келамиз билмайман. — Қашқанинг юзларини силади. Кейин Калга юзланди. — Хайр, Писмиқ. Мен келгунча яхши юринглар, бир-биринг билан олишма, калтак ейсан икковинг ҳам...

Қарийб икки ой пахтада юрди. Шу вақт мобайнида деярли ҳар кун қўзиларини ўйлади, уларнинг солланиб юриши кўз ўнгидан кетмади...

Бугун улар пахтадан қайтиб келишди. Ориф тўрвасини кўтариб халлослаганча дарвозадан ичкарига кирди-да, атрофга аланглади. Негадир ховлида ҳеч ким кўринмасди.

— Эна! Хо-ой, эна... Садо бўлмади.

«Хамма ўз иши билан юргандир-да», деб ўйлади Ориф. Тўрвасини айвонга қўйди-да, тўғри қўйхонага — ховли тўрига қараб юрди. Ёзлик қўрада Қашқа билан Писмиқ мудраган қўйи кавш қайтариб ётар эди. Ориф уларни кўриб суюниб кетди. Аввал Қашқанинг, сўнгра Писмиқнинг бўйнидан кучоклади, юзини юзларига ишқалади. Қўзилар ҳам Орифни кўрганидан сеvingандай кўзлари чарақлаб кетди...

Кечқурун ҳамма жамулжам бўлди. Овқатдан сўнг отаси секин гап бошлади:

— Ориф, ўғлим, сени келишингни кутиб ўтирувдик. Ҳарқалай қўзиларни кичкиналигидан боқдинг, катта килдинг. Мана, тирамоҳ келди. Энди биттасини сўйишимиз керак. Кейинроқ иккинчисини сўярмиз.

Ориф ялт этиб отасига қаради. Унинг бутун вужуди чумоли ўрмалагандай жимирлаб кетди.

— Нега? — дея олди, холос.

Отаси жуда хотиржам, оддий гапни айтаётгандай, пинагини бузмай деди:

— Нимага бўлади, одам қўйни боқади, семиртиради, кейин сўяди-да! Хозир икковиям яхши етилган. Вақтида сўймаса кейин этидан тушиб қолади.

Отасининг бу гаплари Орифнинг юрагини зиркиратар: фақат сўйиш учунгина бокиладими қўзилар, деб ажабланарди. Қўзлари жовдираб турган қўзиларни сўйиш, унинг бўғзига пичоқ тортиш... Ўйлаб кўрса Орифнинг эти увишиб кетаверди.

— Сўймасак нима қилади?

Отаси кулди:

— Бўлмаса нима қиламиз?

— Юради, уйда гўшт йўқми?

— Гап гўштда эмас-да, ўғлим, сўйиб сотиш керак, киш келяпти, сенларга кийим-бош қилиш лозим.

— Менга ҳеч қандай кийим керак эмас, шу кийимларим етади.

Гапга акаси аралашди:

— Э, бу гапираверади-да, ота, кулоқ солиб ўтирасизми.

Ориф акасига ғалати қараш қилди, лекин бирон нарса деёлмади.

— Сўймай нима қиламиз, болам, — деди боядан

бери ким гапирса шунинг оғзига термилиб ўтирган она-си, — Улар қишда эт ташлайди.

Мунозара анча давом этди. Ориф йиғлашдан ўзини базўр тийди. Лекин бу на отасининг, на онасию акасининг кўнглини юмшатди. Ҳар ким ўз фикрида қолди.

Икки ойдан бери уйини, кадрдон кўрпатўшакларининг хидини соғинганига, йўлда чарчаганига қарамай Орифнинг кўзига уйку келавермади. У кўзиларини ўйлади: «Наҳотки сўйишса... Наҳотки, эртага Қашқа ёки Писмиқ... йўқ бўлса...». Унинг қўлоёқлари титраб кетди. Алламаҳалгача ухлаёлмади, турли-туман ўйлар миясини ғовлатиб ташлади.

Эрталаб барвақт турди-да, қўл-бетини ҳам ювмасдан кўзилари олдига югурди. Назарида кечаси кимдир кўзиларини сўйиб кетгандай эди. Қўрага борди-ю, кўнгли сал ўрнига тушди: Қашқа билан Писмиқ Орифни кутаётгандай унга жавдираб қараб турарди. Уни кўриши билан икковиям ер тепиниб йўталди.

Ориф уларга ўт берди, у ёқ-бу ёғини силаб-қашлади. Кўзларига термилди. Қашқа ҳам, Писмиқ ҳам жуда хомушдай, нимадандир хафадай туюлди Орифга.

— Эшитдингми, Қашқавой? Хафа бўлма, улар алдашади. Сен ҳам эшитдингми, Писмиқ? Қўрқма икковинг ҳам, ўзим борман, қўймайман.

Кўзилар янги ташланган ўтни курт-курт чайнар, ахён-ахёнда Орифга қараб кўяр эди.

Нонуштадан кейин кечаги гап яна такрорланди. Энди Ориф чидай олмади.

— Йўқ, сўймаймиз! — деди қатъий.

Акаси ўрнидан турди-да, қўра томонга юрди:

— Сўймаймиз эмиш! Нима қиласан сўймай?! Ориф акасидан олдин қўра эшигига югуриб борди.

— Қўймайман, киритмайман! Акаси уни силтаб ташлади:

— Нарн тур! Э, ўргилдим сендан.

Ориф нажот кутиб отасига термилди. У кулимсираб турар, кимнинг тарафида экани ноаниқ эди. Унгача акаси қўрадан Қашқани етаклаб чиқди. Бунн кўрган Ориф дод солиб йиғлаб юборди-да, Қашқанинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.

— Бермайман! Йўқ, бермайман!

Акаси бир-икки силтади, аммо Ориф кўзини қўйиб юбормади.

Отасининг аччиқ, зардали овози янгради:

— Хой!

Ака-ука ялт этиб овоз келган томонга юзланишди.

— Унисини олиб чиқ!

Бу гапдан маълум бўлдики, буйруқ Орифга эмас, акасига қаратилган эди. Ориф Қашқанинг бўйнидан кўлларини бўшатмас, кўзларидан жимирлаб ёш оқар эди.

Отаси Орифнинг олатини билар эди. Бир нарсага ёпишдими, кўймайди. У Қашқани кўпроқ яхши кўришидан ҳам хабардор. Шу боис хозир Орифга эмас, акасига: «Унисини олиб чиқ!» деб буюрди.

Ориф нима қиларини билмай қолди. Қашқани кўйиб унга югурсинми? Фойдаси бўлармикан? Ахир ҳеч ким унинг ёнини олмас...

У ноилож қолди.

Акаси Писмиқни етаклаб уйнинг орқасига олиб ўтди.

Писмиқ аста-секин эргашиб бораркан, типирчилар, Орифга алаиғ-жалаиғ қараб кўяр эди. Унинг қарашларини Ориф ўзича тушунар: «Қани менга ёрдам берганинг? Олиб кетишяпти, индамаяпсан-ку», дегандай туюлаверди. У бақриб юборганини ўзи ҳам билмай қолди:

— Кўйинг, ака!.. Пул керак бўлса бозорга чиқариб сота қолинг...

Акаси унга бир ўқрайиб қаради-ю, йўлида давом этди.

— Бўлди, бас, — деди айвонда турган отаси Орифга. — Гўдаклик қилма. Энди қап-қатта йигитсан. Одам деган ҳар нарсага кўзёши тўкавермайди.

Орифнинг қўл-оёқлари титрар, кўзёшлари тинмас, ўзини босиб ололмас, ўпкаси тўлиб-тўлиб йиғлар эди. У Қашқанинг бўйнидан яна қаттиқроқ кучди. Юзини юзига сурди. Қашқа эса Писмиқ кетган томонга термилганча жим турарди. Ориф унга қаради. Қаради-ю, қотиб қолди. Қашқанинг кўзларидан сирқираб ёш чиқар эди.

Шу маҳал уйнинг орқа томонидан Калнинг қаттиқ «ба-а-э» деган овози эшитилди.

Ориф юз-кўзларини Қашқанинг кўксига босиб бекитди-да, боягидан ҳам қаттиқроқ хўнграб юборди...



# Мехр кўп кўргиздим...

*Драма*



## Иштирок этувчилар

Саодат ая  
Косим  
Окил  
Нозанин  
Содик  
Орипов — қариялар уйи директори  
Врач (аёл)  
Маърифат  
Руқия опа  
Қаҳхор бобо  
Вера Ивановна  
Хумор  
Профессор  
Биринчи меҳмон  
Иккинчи меҳмон

*Воқеа 80-йилларда бўлиб ўтади.*

## Б и р и н ч и п а р д а

### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Қариялар уйининг ҳовлиси, Қуёш ботиш арафаси.  
Саодат ая скамейкада ўтирипти. Икки қўли билан  
хассасига таянган. Кўзлари дарвозага термилган. Ким-  
нидир интиқ кутаётгани сезилиб турибди.

АЯ (ўзига) — Хар доим шу маҳал келарди... Бугун  
кечикди... Нима бўлди экан... Тинчмикан ишқилиб...  
Э, худо неварамни ўзинг асра паноҳингда...

Дарвозада Оқил кўринади. У бувиси томон югура-  
ди. Келиб аяни кучоқлайди. Бир дам иккови ҳам жим  
қолади. Сўнгра скамейкага ўтиришади.

АЯ — Ўзинг тузукмисан, болам? Ўқишларинг ях-  
шими?

ОҚИЛ — Раҳмат, бувижон. Ўзингиз қалайсиз, зе-  
рикмаяпсизми?

АЯ (хўрсинади) — Йўқ болам... Зерикмаяпман...  
Дадангни сорлиги яхшими, қон босими ошмаяптими?  
Ойинг-чи, уям тузукми?

Оқил кўзини бувисидан олиб қочади.

Ха, болам, нимага индамайсан?

ОҚИЛ — Бувижон...

АЯ — Боя dadанг телефон қипти. Ухлаб ётган  
эканман, уйғотишмапти.

ОҚИЛ — Телефон қипти? Нима депти?

АЯ — Нима деганини айтишмади, ҳол-аҳвол сўради,  
дейишди.

Оқил ўйланиб қолади. Унинг бу ҳолати аяни ажаб-  
лантирди.

Нима гап, болам? Тинчликми ўзи? Мендан нимани-  
дир яшираётганга ўхшайсан.

ОҚИЛ — Бувижон, мени кечиринг.

АЯ — Бу нима деганинг?

ОҚИЛ — Ўзингиз мени ростгўйликка ўргатгансиз...  
Сиздан ҳеч нарсани яширолмайман.

АЯ (ҳаяжонланиб) — Нима бўлди? Даданг, оинг тинчми ишқилиб?

ОҚИЛ — Биласизми, мен уларни бир ҳафтадан бери кўрганим йўқ.

АЯ — Нималар деяпсан? Нега кўрмайсан?

ОҚИЛ — Мен... мен... уйдан чиқиб кетдим...

АЯ — Уйдан чиқиб кетдинг? Қаерда турибсан? Нимага кетдинг?

ОҚИЛ — Ҳа, буви, чиқиб кетдим... Мен у ерда туролмайман (Бувисининг кўксига бошини қўяди).

АЯ (Оқилнинг сочларини силаб, эркалайди) — Нимага туролмайсан? Қаерларда абгор бўлиб юрибсан, болам?

ОҚИЛ — Ўртоқларимнинг олдида, ётоқхонадаман.

АЯ — Нимага бундай қилдинг?

ОҚИЛ — Кечиринг, бувижон. Сизга билдирмоқчи эмасдим... Эплаёлмадим... Ёлгон гапириш қўлимдан келмади... Айниқса сизга...

АЯ (афсус ила бош чайқайди) — Ҳа, болам-а... Чакки бўпти бу ишинг... Шундоғам даданг бечорани соғлиги яхши эмас. Тоза эзилиб, юраги сиқилиб кетгандир.

ОҚИЛ — Мунча дадамини ўйлайсиз, буви.

АЯ — Нимага ўйламайин. Ахир у менинг оллтаолодан тилаб олган ёлғиз ўғлим-ку, болам. Раҳматли бувангдан қора хат келганида даданг энди иккига тўлувди (кўзига ёш олади). Бувангдан қолган ёлғиз ёдгор деб эркаладим, овундим у билан, бутун умримни шунга бағишладим. Ахир қандай қилиб уни ўйламай... Бу дунёда дадангдан бошқа кимим бор. Ўғлим ёлғиз бўлганига яраша бир этак невара кўрсам, деб ният қилувдим. Худойим бу томондан ҳам қўшолоқ бермади. Сен ҳам ёлғизсан...

ОҚИЛ — Бувижон... Қўйинг... Бўлди...

АЯ (Оқилнинг қош-кўзларини, юзларини титроқ қўллари билан силайди.) — Умринг ўхшамасин-у, худди бувангнинг ўзгинасисан. Қош-кўзларинг, одамларга меҳрибонлигинг... раҳматли, жуда мард, дангал йигит эди... Даданг бўлса... Йўқ дадангам яхши, нолимайман. Шуни бориға шукур қиламан. Даданг борлиги учун яшадим... Шу ёлғизимни деб, ҳамма нарсадан кечдим.

ОҚИЛ — Дадам эса сизни...

АЯ (хафа бўлади) — Ундай дема, болам. Дадангда айб йўк. Мен ўзим айтдим, ўзим рози бўлдим.

ОҚИЛ — Ишонмайман... Сиз эртаю кеч дадамни ўйлайсиз, дадам эса сизни ўйламайдилар.

АЯ — Сенам дадангни ўйламайсан-ку.

ОҚИЛ — Нима қилдим?

АЯ — Уйдан чиқиб кетибсан-ку. Ёлғиз ўрлининг шундай қилиши даданг билан оингта оғир ботмайдими?

ОҚИЛ — Ёлғиз ўрлингиз, унинг устига шу ўғлим деб умрингизни қурбон қилгансиз, сизни бу ерга келтириб қўйса — сизга оғир ботмайдими?

АЯ — Бу гапларни қўй, болам. Айтдим-ку, ўзим кўндим, деб.

ОҚИЛ — Ишонмайман. Ўғлим ёмон отлик бўлмасин, эл-юрт олдида уялмасин, деб шундай дейсиз. Мен эса кўни-кўшнилардан, маҳалла-кўйдан уяламан, одамларнинг кўзига кўринишдан ор қиламан.

АЯ — Кўни-кўшни қаердан билади. Ҳеч ким билмайди мени бу ердалигимни.

ОҚИЛ — Эҳ, бувижон, бувижон. Бунчалар содда бўлмасангиз.

АЯ (хавотир ила) — Нима, кўшнилар билишади-ми?

ОҚИЛ — Гап ётармиди, буви. Бу ёққа келганингизга бир ҳафта ўтмай маҳалладагилар мендан «Бувингни қариялар уйига обориб қўйибсанларми», деб сўрашган. Ер ёрилмадики, ерга кириб кетсам. Тилим калимага келмай қолди. «Йўк, унақамас, товлари йўк, касалхонадалар», дедим базўр.

АЯ — Вой, ўлай, болам бечора тавқи лаънатга қоладаган бўпти-ку. Кимдан эшита қолишди экан-а.

Вера Ивановна киради. Унинг қўлида бир варақ қороз.

ВЕРА ИВАНОВНА — Саодат, боядан бери сени қидираман. Ҳа, неваранг келдими?

Оқил Вера Ивановна билан саломлашади.

АЯ — Нима гап, тишчликми?

ВЕРА ИВАНОВНА — Мама буни юрв, қизимдан хат кепти. Ҳозир беришди менга.

АЯ — Яхши юришти эканми қизингиз?



ВЕРА ИВАНОВНА (энсаси қотиб) — Яхшидир-да, билмасам. Хатни ўқиб шундай хафа бўлдим.

АЯ — Нимага?

ВЕРА ИВАНОВНА (хатни узатиб) — Мана, ўқиб кўргин, кейин биласан. (Оқилга) Сен ўқиб бера қол, ўғлим.

ОҚИЛ (хатни ўқий бошлайди) — Хурматли директор! Бу хатни сизнинг пансионатингизда яшаган Александрова Вера Ивановнанинг қизи ёзаяпти... Сиздан илтимос, менга онам қачон вафот этган, қайси қабристонга дафн этилгани, қабр номерини ёзиб юборсангиз (Оқилнинг кўллари титраб кетади).

ВЕРА ИВАНОВНА — Эшитдингми?

АЯ (чуқур ух тортади) — Қизингиз шу ерда турадами?

ВЕРА ИВАНОВНА — Қаерда туришиниям билмайман. Йигирма йиллар бўлди уйдан чиқиб кетганига. Шундан бери на хат, на хабар бор эди (Оқилга). Қара-чи, ўғлим, қаердан ёзибди хатни.

ОҚИЛ (пакетдаги адресга қарайди) — Қараганда шахридан ёзибди.

ВЕРА ИВАНОВНА — У ёққа қачон кетган, нимага кетган, билмайман.

АЯ — Турмушга чиққанмиди, бола-чақаси борми?

ВЕРА ИВАНОВНА — Хеч нарсадан хабарим йўқ... (Пауза). Ўн олти-ўн етти ёшларда эди. Бугун бу йигитни, эртаси у йигитни бошлаб келди. Гапирсам кулоғига олмади, мени жеркиб ташлади... Ёмон йўлга кириб кетмасин, деб хавотирда қолдим. Чунки акаси хотини билан кетган, бутун умидим шу қизимдан эди. Шунинг учун қаттиқ гапирдим, тергадим... Афсус, фойдаси бўлмади. Бир куни ишдан келсам уй шипшийдам. Қўлга илинадиган неки тузукроқ нарса бўлса олиб кетипти. Столда бир парча қоғоз турипти: «Мен ўз кунимни кўргани кетдим», деб ёзилган. Ўша куни туни билан йиғладим. Милицияга боришни хаёл қилдим. Яна минг тарафини ўйладим. Ўз қизимнинг ортидан ўзим шикоят қилиб бораманми?.. Нима бўлсаям пешонамдан кўрдим, деб ҳеч кимга билдирмадим. Шу-шу ундан дарак йўқ эди. Мана энди хат кепти. Нега мен эсига тушиб қопман, бу ердалигимни қаердан билибди — ақлим етмайди.

АЯ — Кеч бўлсаям акли киритди шекилли-да, эслапти-ку сизни.

ВЕРА ИВАНОВНА — Эх, Саодат, Саодат... Мен ўрлимданам, кизимданам кечганман. Ундай фаршандларнинг боридан йўғи... Тирикчилигимда кунимга ярамаган, бемор ётганимда бир қултум сув тутмаган кизим ўлганимдан кейин кабримга гул қўйишнинг нима хожати бор.

АЯ — Болалар ёшлик қилишди. Унинг устига уларди ишиям кўп. Бизлар сал кечиремликдек бўлганимиз тузук, Вера опа.

ВЕРА ИВАНОВНА — Йўк, Саодат, мен болаларимни биламан, икковиданам ёрундек чикмайти. Сени неваранга ўхшаган эмас улар. Бунга кира, сенга қанчалар меҳрибон. Тез-тез келиб туради оқинга. Кўриб кўнглинг кўтарилади-да... Майли, Саодат, мен турай, юрагим тўлиб кетганидан сени килириб келдим. Кўнглимни сал бўшатай, дедим.

ОҚИЛ — Жавоб ёзасизми кизингизга?

ВЕРА ИВАНОВНА — Йўк! Хамширадан илтимос қилдим: «Бундай аёл бизда йўк», деб жавоб ёзиб юборгин дедим.

АЯ — Очиғи, ўзимиздаям айб кўп-да, Вера опа. Ўта инжик бўлиб қолганмиз. Болаларимизнинг хар бир ишига аралашамиз. Ёкмайди-да уларга.

ВЕРА ИВАНОВНА — Ёмон бўл, демайсан-ку ахир. Тўғрими?

АЯ — Барибир-да.

ВЕРА ИВАНОВНА (ўрнидан туради) — Ке, қўй, шу гапларни. Падарига лаънат болаларниям... Юр, овқат махали бўлди. Кеч қоламиз (аста-секин йўлга тушади).

АЯ — Сиз бораверинг, мен hozир бораман (Оқилга). Сенам борақол энди, болам. Иложи бўлса уйга боргин. Даданг билан ойингни қийнама.

ОҚИЛ — Улар қийналишмайди. Сиз бу ёқда, мен у ёқда, иккови яйрасин.

АЯ — Бу гапларни ким ўргатди сенга... Мени хафа қилмайин десанг, албатта, бор уйга.

ОҚИЛ — Бувижон. Сизни хафа қилмаслик учун мен ҳамма нарсага тайёрман. Лекин...

АЯ — Гапни чўзма.

ОҚИЛ — Кўрамиз...

АЯ — Уйдан нимага кетдинг? Даданг билан уришдингми?

ОҚИЛ — ...

АЯ — Нега индамайсан?

ОҚИЛ — Бувижон, мен ҳам ўғил бўлиб дадам билан ойимдан бирон нарса илтимос қилишим мумкинми?

АЯ — Нима, илтимосингни қилишмади улар? Қийим олиб бермадимми ёки... менга айт, қўлимдан келса мен жон деб бажарай.

ОҚИЛ — Сизнинг кўлингиздан келмайди-да.

АЯ — Нима экан у?

ОҚИЛ — Улардан сизни уйга олиб келишни илтимос қилдим.

АЯ — Болам...

ОҚИЛ — Шу ёшга кириб улардан бир мартагина илтимос қилдим. Лекин... Мени уйлантирармиш, келин келса уй торлик қилармиш.

АЯ (оғир ютиниб) — Тўғри айтишипти.

ОҚИЛ — Нимаси торлик қилади, буви? Олти-етти киши икки хонали уйда яшаётган оилалар бор. Бизни участкамиз бўлса, тўртта катта-катта уй бўлса.

АЯ — Келин келгандан кейин иккита уйни бўшатиб бермаса бўлмайди-да, болам.

ОҚИЛ — Керак эмас! Мен уйланмайман! Сизни бу ерга қўйиб, ўзим икки хонада яйраб ўтираманми? Керак эмас!..

АЯ — Тартиб шунақа-да.

ОҚИЛ — Уйланишдан олдин кекса бувингни қариялар уйига элтиб қўй, деган тартиб борми?! Ўргилдим бунақа тартибдан. Дадам билан ойимга шарт қўйдим: ё бувимни олиб келасилар, ёки мен бу ердан умуман чиқиб кетаман, бувим келмагунларича қайтиб келмайман, дедим. Шу сўзим — сўз!

АЯ — Ўжарлик қилма, болам.

ОҚИЛ — Барибир сизни бу ердан олиб кетаман.

АЯ — Мени қўй энди, Оқилжон (пауза). Бир нарсадан ташвишдаман, холос.. Қайси куни бир аёл вафот этди. Ҳеч кими йўқ эканми ёки келишмади, ҳарқалай шу ердагилар кўмишди. Ош-сувиниям шу ерда қилишди. Мениям ўлигим шу ерда қолиб кетмаса, деб хавотир оламан.

ОҚИЛ — Йўқ бувижон! Сал ўзимни ўнглаб олай,  
обкетаман сизни.

АЯ — Унгача ажалга сабр берса...

ОҚИЛ — Хали узок яшайсиз.

АЯ — Бу гапларни қўй, болам. Ўзингни ўйла. Мен  
нинг бўлганим бўлди, хаммасини кўрдим. Элим гўрдан  
гўрим яқин. Сен уйга бор, даланг билан ойингни хафа  
килма. Хўп?

ОҚИЛ (ўйчан) — Ўйлаб кўраман.

АЯ — Шундай кил, жон болам.

ОҚИЛ — Мен энди турай бўлмасам.

АЯ — Майли, боракол йўлларда эҳтиёт бўлинг.  
Хадеганда келиб овора бўлиб юрма. Ўқишингни ўйла.  
Пулнинг борми? Бўлмасам берай. Кийнаиб юрмагин  
тагин.

ОҚИЛ — Бор, бувижон, бор. Хавотир олманг.  
Хайр, соғ бўлинг?.

АЯ (Оқилнинг пешонасидан ўпади) — Омон бўл,  
болам. Худо ўзи асрасин ёмон кўзлардан.

Сахнада чирок ўчади.

### **ИККИНЧИ КЎРИНИШ**

Ошхона. Саодат ая, Вера Ивановна, Руқия опа бир  
столда ўтиришибди. Нарирокдаги столда бир чол ёлғиз  
ўтирибди. Бу — Қаххор бобо.

АЯ (Қаххор бобога ишора қилиб) — Бу киши  
доим битта ўзи ўтиради-я. Биров билан гаплашганини-  
ям кўрмайман.

РУҚИЯ ОПА — У кишининг характери жудаям  
оғир. Уни сиз билмайсиз-да.

ВЕРА ИВАНОВНА — Бирам инжик, бирам инжиқ.  
Келганидан бери бечора дўхтирларниям, ошпазларни-  
ям қон қилиб юборди.

РУҚИЯ ОПА — Бўлмасам директорнинг ўзи почти  
хар куни олдиға кириб хол-ахвол сўраб чиқади.

АЯ — Анчадан бери шу ердами?

ВЕРА ИВАНОВНА — Икки йилдан ошди-ёв.

Маърифат овқат қўйиб кетади.

АЯ — Рахмат кизим, умрингдан барака топ.

Маърифат Қаххор бобога овқат олиб боради. Бобонинг коворидан қор ёради.

МАЪРИФАТ — Ассалому алайкум, ота. Тузукмисиз, яхши юрибсизми?

ҚАХҲОР БОБО (истар-истамас) — Юрибман, кўриб турибсан-ку, ўлганим йўк.

МАЪРИФАТ — Унақа гапларни қўйсангиз-чи, ота, ҳали кўп яшайсиз (бобонинг олдига косада овқат қўяди). Олинг, овқат ичинг.

Қаххор бобо овқатни қошиқ билан ковлайди. Маърифатга ўқрайиб қарайди.

ҚАХҲОР БОБО — Бу нима?

МАЪРИФАТ — Овқат... Мошхўрда...

ҚАХҲОР БОБО — Билганларинг мошхўрда. Косани олиб киз томонга ирритади. Ол, ўзинг ич мошхўрдангни (Маърифат эпчиллик билан ўзини четга олади. Коса полга тушиб чил-чил синади. Қизнинг кийимига овқат сачрайди). Ҳали узоқ яшайсиз дейди яна, тезроқ ўлсам-у, тезроқ кутулсанг.

Маърифат кизариб кетади. Миқ этмайди.

МАЪРИФАТ — Хафа бўлманг, ота бошқа овқат опкелайми.

ҚАХҲОР БОБО (ўрнидан туради) — Керак эмас овқатинг! Директорга айтаман ҳозир (ҳассасини дукиллатиб чикиб кетади).

РУҚИЯ ОПА — Кўрдингизми? Бунақа воқеадан неча марта бўлган. Ҳалиям мана бу шўрликлар чидашади.

АЯ — Оғир экан... Бола-чақаси йўраканми.

РУҚИЯ ОПА — Тўртта-бешта болалари бор. Ҳатто кампирям ҳаёт.

БЕРА ИВАНОВНА — Уларниям жонига тегиб кетган-да. Охири чидаёлмай бу ерга олиб келишган бўлса керак.

АЯ (хўрсинади) — Э, худо, ўзингга шукур. Бандангни қариганда хор қилмагин экан-да. Болалари-ку майли, кампирини-чи, нима жин урибди, чолига қараб ўтирса ўламикан?

РУҚИЯ ОПА — Аниқ билмадим-у, аммо эшитишимча, ўша ёққа обориб қўйинглар, деб кампирини ўзи айтган эмиш.

АЯ — Инсофи йўк аёл экан-да.



РУҚИЯ ОПА — Шундай дейсиз-у, ая, чалнинг ўзини чаток экан-да. Унча-мунча овқатни налари ил-маскан, фақат ош, мантию қазидан гапирармиш. Энг ёмони (Саодат аянинг қулоғига нимадир деб шикан-лайди).

АЯ — Ўлар-э.

ВЕРА ИВАНОВНА — Келгандан бери директорни бошини котирармиш уйлантириб қўйинг, деб.

РУҚИЯ ОПА — Бир кун сиз шамолдаган экан, ҳамшира укол қилгани хонасига келса, унга тельоқлик кипти. Бўлмаса невараси тенги-я.

АЯ — Вой шўрим, имонсиз экан-ку чол ўшур.

РУҚИЯ ОПА — Нимасини айтасиз. Шундан бери ҳеч ким унга яқинлашмайди.

АЯ — Болалари кеп туришатики?

РУҚИЯ ОПА — Битта ўғли келиб туради фақат. Айниқса, битта кизи бор, жуда чолга мадҳубо, тез-тез келиб туради. Уйига ошкетмоқчим бўлган шу кизи. Одам ўзи кўрмагандан кейин гапириб бировнинг гуноҳига қолиш ёмон-у, аммо бир хунук гал эшитганман. Келинига кўз олайтирган эмис.

АЯ — Йўр-э?!

РУҚИЯ ОПА — Биз битта маҳалладанмиз.

АЯ — Шундайми... Худо қарраган одам экан-да бўлмаса.

РУҚИЯ ОПА — Ёшлиғидаям бешори бўлган. Икки марта ўтириб чиккан.

АЯ — Э, худо, ўзинг асра шунақасидан. Яна болаларимиздан нолиймиз. Уларгаям осон эмас-да.

РУҚИЯ ОПА — Ўзининг бола-чақаси билан чиқишолмаган одам бегона билан гўрда тил толармиди?

ВЕРА ИВАНОВНА — Эртаю кеч болаларини ёмонлайди. Куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилади.

РУҚИЯ ОПА — Яна денг, уйигаям бориб туради.

АЯ — Шундайми?

РУҚИЯ ОПА — Қайси куниям бориб келди. Маҳалладагиларгаям ҳар хил гапларни ёлғон-яшиқ қилиб гапираркан.

АЯ — Болалариниям шўри, денг. Уялиб ўлса керак бечоралар.

**РУҚИЯ ОПА** — Ўғиллари тузук-тузук жойларда ишлайди. Чол ҳар борганида кетманг, нима етмайди сизга, қолинг шу ерда, ана маҳаллага чиқинг, чойхонага боринг, деб тавалло қилишаркан. Қаёқда, чол кўнмасмиш. Кичкина келиним дори бериб ўлдириб кўяди, дермиш.

**АЯ** — Келинига зарил кептими бировнинг хунига қолиб.

**РУҚИЯ ОПА** — Бояги гап тўғри бўлса керак-да, шунинг учун хавотир олса ажабмас. Шу ердаям келинини ёмонлаб жавраб юради-ку доим.

**АЯ** — Четдан қараган одам чолга ачинади. Болаларини лаънатлайди. Аслида гап бу ёқда.

**РУҚИЯ ОПА** — Ўғиллари шўрликлар маҳалла-кўйда бош кўтаролмай қолган. Қани энди мениям биттагина ўғлим бўлсайди. Бошимга кўтарардим. Болаларининг хизматини қилиб ўтардам. Пешонам шўр экан — фарзанд битмади.

**АЯ** (хўрсинади) — Куюнманг, эгачи, дунёни иши шунақа, доим бири кам.

**ВЕРА ИВАНОВНА** — Баъзилар фарзанди йўқлигидан армон қилади, бошқалар эса фарзандидан нолийди. Мана, мен, иккита фарзанд ўстирдим, лекин улардан нима наф кўрдим? Болалари йўқ одамдан нима фарқим бор.

**РУҚИЯ ОПА** — Манави телба чол бўлса болалари билан чиқишолмабди. Қизи шўрлик ялиниб ўтирганини ўзим кўрганман. «Бизни номусларга қолдирманг, дада. Юринг, олиб кетай, у ёққа бормасангиз бизникига юринг, куёвингиз ҳам тайинладилар» деб қанча илтижо қилди. Қаёқда кўнади. «Энди бир камим куёвни қошқовоғига қараб ўтиришим колувди» деди.

**АЯ** — Боя айтган гапингиз рост бўлса боришга, фарзандлари кўзига кўринишга уялаётгандир-да.

**РУҚИЯ ОПА** — Бе, кўйсангиз-чи, ая, бу чолда уят борми? Шу юришидан ўғил-қизлари ор қилишини, эл-юрт олдида уялишини чол яшшамагур билади. Шундан роҳат қилади у. Уялса маҳаллага қадам босмас эди-да. Қайда, ҳар неча вақтда бир бориб болалари ярасини янгилаб келади.

**АЯ** — Одамам шунчалар бағритош бўладими.

**РУҚИЯ ОПА** — Эшитишимча, катта ўғли бир

кунди директор билан каттик гаплаганга эсим. «Директорни ё тамом олиб кетайлик, ёки умуман чиқарингизлар бу ердан» депти. Директор бир-икки уянгилганга сўрайдисиз, деб уришдиам. Қаёқда дейсиз, ҳеч қанга билдирмай чиқиб кетади. Нима, директор унга қачон қуядуз қоровул бўлиб ўтирармиди.

АЯ — Бўлмаса, махалла-кўйини. Ҳўо гаплаганнинг тўрида савлат тўкиб ўтирса ярашадиган чол динг. Э, худо, буям бир кўргулик экан-да.

ВЕРА ИВАНОВНА — Жанжал қилишга баҳона қидирадиган чол экан ўзи. Шу ердям худонинг берган кунди ким биландир фикрлашади. Бўлмаса бунга ўхшаган чоллар камми, ҳаммаси индамай ўзи билан ўзи овора бўлиб юради ёки бир жойга тўлишиб турунглашиб ўтиришади.

РУҚИЯ ОПА — Бу бўлса яккамоҳовга ўтишб доним ёлғиз ўзи юради.

АЯ — Хизматчиларгаям кийин экан.

РУҚИЯ ОПА — Нимасини айтасиз. Хизматчи шўрликлар директордан гап эшитгани-эшитган. Халеганда бориб чакаверади. Хали ҳам шу бечоралар инсофли, андишали экан, бўлмаса башарасига туширса ҳам ҳаққи кетади.

Орипов, Қахҳор бобо, Маърифат киради. Маърифатнинг кўзлари жикқа ёш.

МАЪРИФАТ — Ишонмасангиз мана булардан сўранг. Мен ҳеч нарса деганим йўқ.

ҚАХҲОР БОБО — Демадингми? Қани айтишсинчи (Руқия опага). Сен кўриб турувдинг, манави манжалақи сенлар ўлмадиларинг, мен кутулмадим, дедими-йўқми?

Руқия, Саодат ая, Вера Ивановна бу гапдан хайрон бўлиб қолишади.

ОРИПОВ — Нима гап бўлди ўзи ая. Маърифат отани хафа қилдими?

РУҚИЯ ОПА — Йўр-е. Биз эшитиб турувдик, ҳечам унақа деган йўқ. Қайтанга...

ҚАХҲОР БОБО — Сен қанжиқ эски ёлғончисан! Болалигингдан бери биламан. Ҳамиша мени кўролмайсан, чоҳ казиб келасан.

ВЕРА ИВАНОВНА — Мунча ҳаддингиздан ошасиз. Бу бечора сизга нима ёмонлик қилди? Гуноҳи

овқатингизни келтириб берганими? Косани унинг башарасига қараб оттингиз-ку, сал колди шўрликнинг куйиб қолишига.

**ҚАХҲОР БОБО** — Овозингни ўчир сен чўчка. Биров сендан гап сўраяптими? (Директорга) Сиз келиб-келиб шулардан сўрайсизми? Буларди ҳаммаси бир гўр-да. Хотин зотидан ёруғлик чиқармиди?

**ОРИПОВ** — Қўйинг, отахон, хафа бўлманг. Маърифатнинг адабини бераман ўзим.

**ҚАХҲОР БОБО** — Иккинчи қорасини кўрмайин уни. Бўлмаса сиз билан ҳам бошқача гаплашаман.

**ОРИПОВ** — Хўп отахон, сиз хафа бўлманг, бориб дамингизни олинг, ухланг.

**ҚАХҲОР БОБО** — Эртаю кеч ухлайман, нима, ижтимоий келиб чиқишим уйкуми менинг. Телевизор кўраман. Ишлайдими ишқилиб.

**ОРИПОВ** — Ишлайди-ишлайди. Бахузур кўраве-ринг.

Қаххор бобо Маърифатга бир ўқрайиб қарайди-да, хассасини полга дўқ этиб уриб, чиқиб кетади.

**МАЪРИФАТ** (директорга) — Аризамга қўл қўйиб беринг, ишламайман бу ерда.

**ОРИПОВ** — Оғир бўл, қизим. Кетиш бўлса қочмайди. Лекин сал вазминлик билан ҳал қилиш керак. Биламан, бу ерда ишлаш осон эмас, аммо савоб бўлади.

**МАЪРИФАТ** — Менга савоб эмас, соғлик керак!

**АЯ** — Хай болам, ундай деманг. Савоб олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

**МАЪРИФАТ** — Ўзингиз кўрдингиз-ку ая, менда нима гуноҳ бор? Деярли ҳар куни шу ахвол. Бунақада ҳадемай асабларим адо бўлади-ку.

**АЯ** — Йўқ, қизим, ҳеч ким сизни гуноҳкор деётгани йўқ. Ишингиз оғир экан...

**ОРИПОВ** — Ҳаммамизга ҳам осон эмас қизим... Врачлар ҳам кетамиз деб додлашади. Маошимиз оз, ишимиз қийин дейишади. Шундайлигини ўзим ҳам биламан, Лекин илож қанча. Сен кетсанг, у кетса, мен кетсам, ким ишлайди? Сабр қил, қизим. Бу масалаларни юқори ташкилотларнинг олдига қўйдик, зора бирор-бир натижа чиқса.

**МАЪРИФАТ** — Пулидан ҳам безорман. Жонимга тегди...



АЯ — Шу кизимга рухсат бера колинг, директор болам.

ОРИПОВ (Маърифатнинг кулоғига шивирлайди) — Сезаяпсанми, бу гапларимиз аяга оғир ботаяпти. Буларнинг олдида бунақа гапни гаплашмаслик керак. Бор ишингни қил, кейин бафуржа гаплашамиз (Саодат аяга). Ая, бу қизингиз жуда ақлли, одобли-да. Жахли чиқиб, кизишганда айтди-да, бу гапларни. Сиз хафа бўлманг (Маърифатга). Шундайми кизим? (Маърифат шундай дегандай бош ирғайди) Баракалла, кизим.

АЯ — Умрингдан барака топ, болам.

Маърифат чиқади.

ОРИПОВ — Бу бечорани ҳам кўнглида дарди кўп. Етимлар уйида ўсган. Ота-она меҳрига зор. Сизлар билан гаплашиб кўнгли таскин топади.

АЯ — Менинг олдимга тез-тез кириб туради. У ёқ-бу ёқдан узоқ гурунглашиб ўтиради. Сағир ўсганини айтмаган эди.

РУҚИЯ ОПА — Менам эшитмовдим.

ОРИПОВ — Хеч кимга айтмайди. Мен айтганимни билиб қолмасин, кўнгли ўксийди.

АЯ — Турмушга чиққанми?

ОРИПОВ — Йўқ-да.

РУҚИЯ ОПА — Ойдеккина-ку.

ОРИПОВ — Нимасини айтасиз. Кўрган йигитнинг хаваси кетади. Болалар уйида ўсганини эшитиб, оёғини тортади. Ўзимнинг хабарим бор, шу ергаям канча йигитлар орқасидан келиб юрди, лекин ўзи ибולי, хаёли киз.

АЯ — Етимхонада ўсганини эшитса хар қандай ота-онанинг кўнгли ирийди-да.

РУҚИЯ ОПА — Болалар уйида тарбияланган йигит-қизлар орасидаям одобли, ақлилари оз эмас.

ОРИПОВ — Қайтанга шулар меҳнатқаш бўлади. Керилишни билмайди.

АЯ — Етимхонада ўсган бўлса — тайини йўқ, зили паст деган ақида ҳаммамизга сингиб кетганда, болам.

ОРИПОВ — Тўғри айтасиз ая, холбуки, ўғри, безори, одобсиз йигит-қизларнинг орасида тушпа-тузук одамларнинг болалари канча. Манманлик ҳам, унча-мунчани менсимаслик ҳам, алмойи-алжойи кийинишлар ҳам ўшалардан чиқади аслида... Мана шу кизни мен уч



йилдан бери биламан. Жуда одобли қиз. Мехнаткаш, пазандалигини айтинг. Ҳар қандай оиланинг яхши бекаси бўлиши мумкин. Болалар уйида ўсган деган тамға бечорани йўлини тўсиб келаяпти, холос. Ота-онасиз ўсганидан бир эзилса, ёши ўтиб бораётганидан икки эзилади.

**РУҚИЯ ОПА** — Неччига чиққан?

**ОРИПОВ** — Йигирма иккиларга боргандир.

**АЯ** (оғир хўрсинади) — Э, худо, дунёнинг ишларини билиб бўлмас экан-да. Ишқилиб ҳеч кимни ота-онасидан, фарзандидан жудо қилмасин (кўзига ёш келади).

**РУҚИЯ ОПА** — Ая қўйсангиз-чи, бу гапларни. Юринг, ховлида айланиб келамиз.

**ОРИПОВ** — Қаёқдаги гаплар билан бошларингизни қотириб юбордим-а. Кечирасиз, ая, гап кеп қолди-да. Майли дам олинглар.

Ая билан Руқия опа бор айланадилар. Дарахт тагидаги скамейкада Қаҳҳор бобо бир чол билан гаплашиб ўтирибди.

**ҚАҲҲОР БОБО** — Э, оғайни, нима қилай шунга ўрганиб қолганман. Қанча ўзимни босай десамам иложини қилолмайман (чуқур ух тортади). Биласизми, биродар? Эсимни танибманки, қўлимдан келганча одамларга яхшилик қилдим. Айбим — тўғрисўзлигим? Ким бўлмасин айбини юзига шартта айтдим. Шу боис бир умр косам оқармади, ишим юришмади. Бўлмаса кўрдим. Не-не хушомадгўйлар мансабларгаям, унвону мукофотларгаям эришдилар, мен оддий мелисалиқдан нарига ўтолмадим. Балки омадсизлигим сабабдир бунга, ким билади дейсиз? Ҳамма нарсани тўғри тушуниб, тўғри бажариб юраверибман. Кейинчалик билсам, бу дунёнинг турган-битгани ўйин экан. Афсуски, ўйинга ярамай қолганимда сездим буни... Шуларни ўйласам ҳамма нарса, ҳамма одамлар кўзимга хунук кўриниб кетаверади. Ҳеч бир инсофли, ҳалол одам йўқдай туюлади. Кейин бошим қизиб, жаҳлим чиқиб кетганини ўзимам сезмай қоламан.

**ЧОЛ** — Астарфурилло денг, ўзингизни қўлга олинг, тавба денг... Сиз айтгандек ҳамма бир хилда имонсиз эмас-ку, яхши одамлар ҳам кўп, биродар.

**ҚАҲҲОР БОБО** — Биламан оғайни, биламан. Ле-

кин нима қилай? Шу фикр миямга ўрнашиб қолган...  
Очилиғини айтсам, дунёдан безиб кетганман. Ўлгим кел  
кетади...

ЧОЛ — Мусулмон бандасига ярашмайди бу  
қилиғингиз, биродар. Ўтган кунига шукур қилиши ке-  
рак бандаси... Ундан кейин бировнинг дилини оғритиш  
гуноҳи азим. Маккага ўт қўйиш билан барабар дейила-  
ди, Муҳаммад алайҳиссалом хадисларида.

ҚАХҲОР БОБО — Мени жуда саводсиз, даҳрий  
бир кимса деб ўйламанг, оғайни. Мелтиса бўсамам имо-  
нимни йўқотмаганман. Замона зайти билан айрим бе-  
маъни ишларни қилган бўлсам қилгандирман, бироқ  
кечаси билан худога тавба қилиб чиқардим ўшандаям.  
Хадисларниям ўқиганман... Лекин шунақа дардибе-  
давога йўлиқиб қолган бўлсам нима қилай. Хозир  
ўзингиз кўрдингиз, анави овқат олиб кетган кизни  
хафа қилдим. Аслида унда нима гуноҳ. Бунга ўзимам  
биламан, бироқ ўзимни идора қилолмай қоламан-да.  
Бақираман, сўкинаман. Бир оздан сўнг ховуримдан  
тушгач, пушаймон чекаман, фалончини нимага хафа  
қилдим, деб эзиламан. Лекин бундан нима фойда?  
Қилар ишни қилиб қўйиб кечирим сўраш.

ЧОЛ — Айбига иқрор бўлиб узр сўраш ҳам  
хамманинг қўлидан келавермайди.

ҚАХҲОР БОБО — Тўғри-ку-я, аслида шунга йўл  
қўймаган маъқул-да.

Маърифат кўринади. Қахҳор бобо уни чақиради.  
Маърифат уни кўриб юраги ширғилаб кетади, яна бир  
балони бошлайди, деган ўйда қадамини тезлатади.

ЧОЛ — Қизим, кўркма, буёққа кел.

Маърифат ноилож улар томонга юради.

ҚАХҲОР БОБО — Қизим мендан хафа бўлма.  
Шунақа мияси айниб қолган чолман-да.

ЧОЛ — Бобонгдан ранжима, қизим, одам қариганда  
шунақа инжиқ бўлиб қолади.

Маърифат миқ этмайди. Хўп, деган маънода бош  
ирғаб йўлида давом этади. Иккала чол қиз кўздан  
гойиб бўлгунча ортидан қараб қолади.

Аста-секин чироқ ўчади.

# И к к и н ч и п а р д а

## У Ч И Н Ч И К Ё Р И Н И Ш

Кенгина ҳовли. Бу Қосимларнинг ҳовлиси. Дарвоза рўпарасидаги айвонда ая чой ичиб ўтирибди. Дарвоза таққиллайди.

АЯ (ўрнидан оғир қўзғаларкан ўзига-ўзи) — Қарилик курсин-эй, на оёғинг ярайди, на қўлинг. Ўтирган жойингдан туришниг ўзи минг азоб-а (Дарвоза томонга). Келаверинг, эшик очик.

Дарвозанинг кичик табақаси очилиб бир киз кўрилади.

ҚИЗ — Ассалому алайкум, хола. Нозанин опанинг уйлари шуми?

АЯ — Ҳа қизим, шу, келаверинг.

Қиз ая билан кўришади.

ҚИЗ — Опа уйдадилар?

АЯ — Ҳозир кеп қолади келиним, ўргилай. Юринг, чой тайёр, бир пиёла чой ичиб туринг.

ҚИЗ — Бўлмаса мен бир оздан кейин келарман.

АЯ — Бу нима деганингиз, болам. Гаплашиб ўтираман, хализамон келиб қолади.

Ая кизни айвонга бошлаб чиқади. Чой қуйиб беради.

ҚИЗ — Раҳмат, хола, сизни овора қилиб қўйдим.

АЯ — Унақа деманг, қизим, олинг, у-бу нарсалардан еб ўтиринг... Келинимда ишингиз бормиди, ўргилай?

ҚИЗ — Ҳа... Ишхоналарига борувдим, кечга томон уйга ўтинг, ўша ерда гаплашамиз, дедилар.

АЯ — Ўзингиз қаерда ишлайсиз?

ҚИЗ — Мен ўқийман... Нозанин опа ҳақида бир дугонамдан эшитувдим.

АЯ — Бирор нарса керакмиди?

ҚИЗ — (ўнғайсизланади) Ҳимм.

АЯ (ўзича ўйланади) — Буям хомиласини олдиргани келганга ўхшайди. Нарса керак бўлса айтарди очигини.

Оқил киради.

ОҚИЛ — Ассалому алайкум, бувижон.

АЯ — Валайкум ассалом, яхши бориб келдингми, болам.

ОҚИЛ — Раҳмат, бувижон, ўзингиз зерикмай ўтирибсизми?

АЯ — Йўқ, мана бу қизим билан гаплашиб ўтирибмиз.

Оқил қизга тикилади.

ОҚИЛ — Ким бу, бувижон, танимаяпман?

АЯ — Уйга келган меҳмонни ким бу деб сўрайдимиз, болам. Уят бўлади. Аянгда иши бор экан. Аягни ўзи айтган экан уйга ўтинг деб.

ОҚИЛ — Шунинг учун сўраяпман-да, аямнинг клиентларидан эканлиги билиниб турибди-ку.

АЯ — Оқилжон ўзингни бос, болам, уят бўлади.

ОҚИЛ — Манави қиз уялмай-нетмай оборт қилдиргани келиб ўтирибди-ку, бу уялмай, мен уялайми? Оқибатини ўйлаб қадамини босса бўлмайдимиз? Бугун бунақа, эртага ҳеч нарса кўрмагандай ёр-ёр билан тўй қилади. Қайси бир содда йигитни алдайди. Яна йигитларни айблашади.

АЯ — Оқилжон болам. Сенга нима бўлди? Ахир бу қизнинг кимлигини билмайсан-ку.

ОҚИЛ — Э, ҳаммаси бир гўр. Бўлмаса аямнинг олдига нимага келади?!

АЯ — Балки бошқа иши бордир...

ОҚИЛ — Сиз ҳам аямнинг ёнини олаяпсизми, буви?!

АЯ — Бу нима деганинг Оқилжон? Наҳотки мени...

Қиз ўрнидан ирғиб туради-да, эшик томон юради. Шу маҳал Нозанин кириб келади.

НОЗАНИН (қизга) — Вой, ўргилай, келдингизми? Қани, ичкарига юринг. Ҳозир ҳаммасини тўврилаймиз (қиз йирлаб юборади). Нозанин ўғлига қарайди. Унинг вазоҳатини кўриб гап нимада эканини тушунади (Оқилга). Ҳа, яна нима гап? Неча марта айтдим сенга, менинг ишимга аралашма деб. Нимага ҳадеб бурнингни сукаверасан-а?!

АЯ — Оқилжон ҳеч нарса дегани йўқ, болам.

НОЗАНИН (аянинг гапини кесиб ташлайди) — Сиз аралашманг! Ҳеч ким сиздан сўраётгани йўқ. Даллоллардан безорман.

ҚИЗ — Мен кетаман.

НОЗАНИН — Нега кетасиз, ўргилай? Вақт ўтган

сари қийинлашаверади. Сиз бу тирранчанинг гапларига парво қилманг. Хали нимани биларди бу, оғзига келганини гапираверади-да.

ҚИЗ — Йўқ, опа, раҳмат сизга, мен кетаман.

Қиз ҳеч кимга, ҳеч нарсага кулоқ солмай югуриб чиқиб кетади.

НОЗАНИН (Оқилга ўқрайиб қарайди) — Сен маҳмадонага ким ўргатди бу гапларни?! Мени ишларимга нега аралашасан? Йўқол кўзимдан! Мен пул топай десам ўзим учун қиламанми?! Эй, галварс, билсанг ҳаммаси сен учун. Эртага уйланишинг керак. Тўй қилиш амакинг эмас. Билиб қўй шуни.

ОҚИЛ — Нас босган пулга тўй қиладиган бўлсангиз, қилмай қўяқолинг. Уйланмайман.

АЯ — Хай, Оқилжон, ўзингни бос, болам, аянгга гап қайтарма. Уят бўлади-я.

НОЗАНИН — Уят эмиш, қилар ишни қилиб қўйиб, яна уят дейди-я. Аслида бунга шу гапларни ўргатган сиз-ку. Ўзингизни гапларингизга кулоқ солмаганим учун энди Оқилни ишга солаяпсизми? Яна силаб-сийпаб нима қиласиз?

ОҚИЛ — Бувимни ҳақорат қилманг...

НОЗАНИН — Эй, ўчир овозингни!

АЯ — Болам, менга тухмат қилманг. Оқилжонга ҳеч нарса деганим йўқ, қайтанга насиҳат қилдим унга. Аммо ўзингизга бу йўлдан қайтинг, шу ҳаром ишга қўл урманг деб, айтганим тўғри. Ҳозир ҳам шундай дейман. Не-не туғилмаган гўдақларнинг уволи бўйнингизда қолади болам. Охиратни ўйланг.

НОЗАНИН — Менинг касбим шунақа.

АЯ — Қуриб кетсин касбингиз ҳам. Уйни нас босиб кетади-ку. Эртага Оқилжонга келин олиб келсангиз нима қиласиз...

НОЗАНИН — Менга ҳадеб ақл ўргатаверманг, ўзим биламан нима қилишни.

Қосим киради.

ҚОСИМ — Тарин нима гап, нима жанжал?

НОЗАНИН — Манави маҳмадона ўрлингиз билан ойнингиздан сўранг нима гапу нима жанжаллигини.

ҚОСИМ — Яна ўша гапми?

НОЗАНИН — Ахир булар мени ўз ҳолимга қўядими йўқми? Тирикчилик қилиш учун у-бу иш қилиш керак-



ми ё йўқми? Маош билан кун кўриб бўладими ҳозирги замонда.

ҚОСИМ — Қизишманг, хоним, ўзингизни босинг (Оқилга). Бор, ичкарига кир.

Оқил ичкари томон юради. Ая ҳам унга эргашади.

НОЗАНИН — Нимага индамайсиз ойингизга?

ҚОСИМ — Нима дейин?

НОЗАНИН — Топганингиз шу гап: нима дейин? Денг нима десангиз. Ҳаммаси шу кишидан чиқади, бўлмаса Оқил қаёқдан билади бу гапларни. Уялмай ёш болаларга ҳам айтган. Тагин ҳаё, одоб-ахлоқдан лекция ўқийдилар менга.

ҚОСИМ — Оғир бўлинг, хоним, кампир одам шунақа бўлади-да.

НОЗАНИН (қизишиб) — Мен бунга чидаёлмайман. Ўтирадиган бўлса жим ўтирсин, оборт қиламанми, савдогарчилик қиламанми, нима иши бор. Бўлмаса...

ҚОСИМ — Бўлмаса-чи?

НОЗАНИН — Бўлмасами? Бўлмаса қариялар уйига элтиб қўйинг.

ҚОСИМ (сергак тортиб) — Нима деяпсиз?!

НОЗАНИН (бепарво) — Нима қипти? Озми бунақалар. Тинчгина ўтирмай ҳамма нарсага бурнини сукаверса, бошқа нима илож бор. Бу аҳволда Оқилни ҳам бузади. Ҳозирдан сизу менга гап қайтарадиган бўлган. Шу аҳвол давом этадиган бўлса, яна бир йилдан кейин икковимизниям урушдан ҳам тоймайди. Вақтида буни олдини олиш керак. Эртагаёқ қариялар уйига бориб гаплашиб келинг.

ҚОСИМ — Сизга ким ўргатди бу гапларни?!

НОЗАНИН — Бировнинг маслаҳатига муҳтож эмасман. Худога шукр, ақлу хушум жойида. Қолаверса, бу гапни сизга биринчи марта айтаётганим йўқ. Минг марта айтганман. Ҳар гал эшитмаганга оласиз, талмов-сирайсиз... Гап тамом, эртагаёқ ишга киришинг. Бошқа чидаёлмайман. Бугун битта клиентим аразлаб кетди. Бунақада ким сўраб келади мени. Оборт қилсам уйни нас босармиш, савдогарчилик ҳаром пул эмиш. Ҳалол пул қайси ўзи? Ўша ҳаром пулга келган овқатни лўкка-лўкка урадилар. Ҳеч нарса қилмайди. Беш-олти кун эриш туюлади, кейин кўникиб кетасиз. Битта сиз

эмас онасини қариялар уйига обориб қўйган. Хабар олиб турасиз.

Нозанин ўзининг хонасига кириб кетади. Қосим ёлғиз қолади. Қўшни ховлидан радионинг овози эшитилади.

**ОВОЗ** — Ҳурматли редакция! Бизнинг отамиз урушда ҳалок бўлганлар. Онамиз бизларни, яъни уч ака-укани оқ ювиб, оқ тараб ўстирдилар. Ҳаммамизни уйли-жойли қилдилар. Ҳозир онамиз иззат-ҳурматдалар. Бугун меҳрибон онажонимиз етмиш ёшга тўлдилар. Шу қутлуғ кунда онажонимизга атаб битта кўшиқ эшиттирсангизлар.

Фароғат Раҳматова ижросида она ҳақида ашула янграйди.

Қосим ашулани ярмигача эшитади-ю, у ёғига чидаёлмай бармоқлари билан кулоқларини маҳкам беркитади.

Шу алфозда анча ўтиради.

Чирок ўчади.

## У ч и н ч и п а р д а

### Тўртинчи кўриниш

Қосимларнинг уйи. Ховлида узун стол ясатилган. Зиёфатга тайёргарлик кўришмоқда. Қосим, Нозанин, Хумор у ёқдан-бу ёққа ўтади. Столга у-бу нарсаларни келтириб қўяди.

**ХУМОР** — Почча, химоянгиз қайси куни бўлиши аниқми ўзи?

**ҚОСИМ** — Гап кунида эмас. Аввал ҳамма ишни пишитиш зарур. Бугунги зиёфатни бекорга уюштираяпманми?

**НОЗАНИН** — Биласан-ку поччанг текинга салом ҳам бермайди, алик ҳам олмайди. Така бўлсин — сут берсин. Бу кишининг шиори шунақа.

**ҚОСИМ** (хотинига ҳазил қилади) — Аввал ўзингга бок, сўнг ноғара қоқ, деганлар. А, лаббай, хоним. Ҳақини бермаса турилаётган болани ҳам тўхтатиб туришлари эсларидан чикдими? Ортиқча харажат бўлмасин

деб, битта туғибоқ бу ишга нуқта кўйдилар.

НОЗАНИН — Оббо, отангиз темирчи ўтганми нима бало. Яна шу гапми?

ҚОСИМ — Ҳазил, хоним, ҳазил.

ХУМОР — Бемаза қовуннинг уруғи кўп дегандай...

ҚОСИМ — Бўлди, гап тамом. Ҳаммаси ҳазил. Ўтди-кетди. Ҳализамон меҳмонлар келишади.

Телефон жиринглайди. Қосим трубкани олади.

ҚОСИМ (трубкага) — Нима? Қариялар уйдан?...

НОЗАНИН — Оббо, шу тобда-я.

ҚОСИМ — Мазаси қочиб қолди? Қачон? Нима бўлди?... Мени сўраяпти?... Ҳозирми?...

НОЗАНИН — Ҳозир бориб бўладими? Эртага бо-раман денг.

ХУМОР (Нозанинга) — Ойингиз бугун вафот этиб қолса-я?

НОЗАНИН — Нима бўлсаям бугун ўлмайдурсинлар. Поччангни бутун плани барбод бўлади. Шу диссертация деб неча йилдан бери овора.

ХУМОР — Шуни айтинг опа.

НОЗАНИН — Тез-тез мазалари қочиб турадиган одатлари бор ўзи.

Кўчада машина овози эшитилади.

ХУМОР — Меҳмонлар келди шекилли.

ҚОСИМ — Яхши... яхши... Бўпти... (трубкани кўяди).

ХУМОР — Нима гап, тинчликми?

ҚОСИМ — Ойим оғирлашиб қопти. Сал шамолласаям, ўламан, мендан рози бўлинглар, деб рози-ризолик сўраб қоладилар. Кўчага чикинг, меҳмонлар келишганга ўхшайди.

Эшик қўнғироғи жиринглайди.

ХУМОР — Келишди (югуриб бориб дарвозани очади). Ассалому алайкум.

Олдинда Содик, унинг ортидан профессор ва яна икки меҳмон қиради. Ҳаммаси пўрим кийинган.

СОДИҚ (Қосим билан кўришади) — Уйингга кириб келмагунча кимирламай ўтирасан-а?

ҚОСИМ — Сен бор-ку, йўлбошловчи, нима гафим бор.

Қосим меҳмонлар билан куюқ кўришади. Сўнгра уларни безатилган столга таклиф этади. Юқоридан жой олган семиз, сочлари тўкилиб кетган профессор фотиҳага кўл очади.

**ПРОФЕССОР** — Қани, омин, қадам етди, бало етмасин. Қосимжоннинг уйдан шоду хуррамлик ари-масин. Оллоху акбар.

Хамма баравар омин қилади.

**ҚОСИМ** — Хуш келибсиз. Қалай, яхши келдинг-ларми?

**ОВОЗЛАР** — Раҳмат, раҳмат.

**ҚОСИМ** (чайни қайтаради) — Содик, нонни ушат. (Меҳмонларга чай узатади) Қани, марҳамат, дастур-хонга қаранглар.

Содик нон синдиради.

**ПРОФЕССОР** — Хўш, Қосимжон, ишлар қалай?

**ҚОСИМ** — Раҳмат, домла. Хаммаси жойида.

**СОДИҚ** — Оқил тузукми? Ўқиши қандай?

**ҚОСИМ** — Тузук. Жуда киришиб кетди. Бахолари тўрт-беш.

**БИРИНЧИ МЕҲМОН** — Сизнинг ўғлингиз бўлгандан кейин уч олармиди?

**ИККИНЧИ МЕҲМОН.** — Ҳозирги болалар жуда фикрчан, бировга эргашмайди, мустақил ҳаракат қилади.

**ҚОСИМ** — Нимасини айтасиз. Сизу бизга ақл ўргатади.

**ПРОФЕССОР** — Бу — яхши. Ўттизга кирсаям ота-онасининг этагидан чиқолмай юрадиган соқолли гўдаклардан худо асрасин.

**СОДИҚ** — Қосимнинг ўғли бувисининг тарбиясини олган-да. Саодат аям кўп мулоҳазали аёл. Шунинг учун Қосимнинг ўғлиям ўзи каби мустақилликка ўрганган.

**ПРОФЕССОР** — Кампирларнинг тарбиясини кўрган болалар одобли, меҳнатқаш, диёнатли, ҳаёли бўлади. Улар харкалай ўзбекчиликнинг борди-келдисини ўргатади-да. Бизни болаларга бу насиб этмади. Онамиз раҳматли эрта кетдилар. Болаларни ҳафтада бир кун олиб келардик боғчадан. Оқибатда ўзимизнинг кўпгина расм-русумларимизни яхши билишмайди. Баъзан тўй-ҳашамларда одам уялиб қолади.

СОДИҚ — Айниқса, Саодат аяга ўхшаган кампирнинг тарбиясини олса...

ИККИНЧИ МЕҲМОН — Уйида кампири бор оила — бахтли оила, десангиз-чи...

ПРОФЕССОР — Бўлмасам-чи. Хусусан, ёш оилага чолу кампирлар жуда керак-да. Ота-онасиз ўсганмиз — уларнинг каддини жуда биламиз.

СОДИҚ — Ўзимизнинг кампирлар оиланинг кўрғони-ку.

ҚОСИМ — Олинглар, овқатга қаранглар.

СОДИҚ — Аям кўринмайдиларми Қосим? Соғликлари яхшими?

ҚОСИМ (сал довдираб қолади, аммо дарҳол ўзини тутиб олади) Ойим даладаги бир қариндошимизникига кетувдилар. Бу ерда ўтиравериб сиқилиб кетдим. Бир юрагимни ёзиб, ҳаво алмаштириб келаман дедилар.

ПРОФЕССОР — Бирон-бир курортга юбормабсиз-да.

ҚОСИМ — Э, домла, ўзимизнинг кампирларни биласиз-ку, курортга боришармиди. Бўлмаса, неча марта айтдим, ҳатто путёвкам олиб келдим. Қаёқда, бормайдилар. Курортда бало борми менга, болам, дейдилар.

СОДИҚ — Қосимжонинг ажойиб оналари бор. Прост одамнинг ҳаваси келади. Қачон келсам, бир иш билан овора бўлиб турганларини кўраман. Мени ойим билан иккаловлари жуда кадрдон эдилар. Бир-бирини кўрмаса туролмасди. Ойим раҳматли қарийб икки йил ётдилар касал бўлиб, ўшанда Саодат аям ҳафта сайин бориб, хабар олиб турдилар. Ойим оламдан ўтдилар-у, аям ҳам бормаи кўйдилар.

ПРОФЕССОР — Ҳар ким ўз тенгдошини сўраб боради-да.

СОДИҚ — Саодат аям жуда фидойи аёл. Қосимни отасиз ўстирди, уй-жойли қилди. Қўли гул аянинг. Ажойиб дўппилар тикардилар. Менгаям бир дўппи тикиб берганлар. Кўрган одамнинг ҳаваси келади. Маҳалланинг тўй-ҳашамлари-ку аясиз ўтмасди. Ҳамма ишга ўзлари бош-қош эдилар. Маҳалланинг каттаю кичиги бирдай Ая деб ҳурмат қилади. Тўрт-беш йил бўлди-да, аянинг кўзлари хиралашиб қолганига? Шундан бери кам аралашадиган бўлдилар. Шундайми, Қосим?



КОСИМ — Шундай, шундай.

СОДИҚ — Жуда инсофли, диёнатли аёл. Кечалари фаррошлик қилса қилдики, қаллоблик қилмади. Отасизликни билмасин болам, дердилар.

ПРОФЕССОР — Шундайми? Дадангиз эрта вафот этганмилар?

КОСИМ — Урушдан қайтмаганлар.

ПРОФЕССОР — Ха, унда онангиз табаррук аёл эканлар. Дуосини олинг кампирни.

СОДИҚ — Қосим онасининг хурматини жойига қўяди.

КОСИМ (сўзлари титраб чикади) — Олинглар, овқатга қаранглар. Содик, анавиндан қуйсанг-чи.

СОДИҚ — Қани бўлмаса, ўн грамм-ўн граммдан олайлик.

Ичишади.

ПРОФЕССОР — Қосимжон, ҳимояга тайёрмисиз, ишкилиб?

ҚОСИМ — Тайёрман домла. Энди шуни бир амаллаб ёклаб олсак.

ПРОФЕССОР — Бирон киши ўқиганми?

ҚОСИМ — Бирон киши эмас, беш-олти киши ўқиб чикди. Мана булар (меҳмонларга ишора қилади) ўқиганлар (меҳмонлар маъкул деб бош ирғайдилар).

ПРОФЕССОР — Фикрлар қалай?

ҚОСИМ (завқ ила) — Сизнинг шогирдингиз ёзган диссертация хақида қандай фикр бўлиши мумкин, домла? Албатта, яхши-да!

ПРОФЕССОР — Ўзим бир кўриб чиқаман, деб ҳеч вақт тополмаяпман-да. Бирам иш кўп, бирам иш кўп. Ҳали кафедра йиғилиши, хали ректорат мажлиси, хали министрликдан сўрайди, хуллас, тинчлик йўқ-да. Э, биродарлар, менам у-бу нарса ёзай, шогирдларимнинг диссертациясини ўқийин, десам, қўйишмайди-да.

ҚОСИМ — Юқоридагилар ҳаммагаям ишонч билдираверишмайди. Уларгаям сизга ўхшаган кенг қамровли, ҳам билимли, ҳам нотик, ҳам ташкилотчи олим керак-да. Бўлмаса профессор камми? Ҳаммасигаям ишонч билдираверишмайди.

СОДИҚ — Тўғри айтади, Қосимжон.

БИРИНЧИ МЕҲМОН — Тўғри, тўғри. Ҳақ гап.

ПРОФЕССОР — Бу-ку тўғри-я, лекин одам ўз

устида ишлашим керак-да. Ундан ташқари мана бунақа ўтиришларгаям онда-сонда бўлсин бориб туриш лозим. Бўлмаса одамгарчиликдан чиқиб кетиш ҳеч гапмас.

**ҚОСИМ** — Раҳмат, домла, раҳмат.

**ПРОФЕССОР** — Бугун ҳам вақт йўқ эди, мингта иш қалашиб ётипти. Э, бор, дедим-у, ҳаммасини ташлаб келавердим. Қосимжондай кадрдон орайнимизнинг сўзини икки қилсак инсофдан бўлмас, дедим.

**ҚОСИМ** — Куллуқ, домлажон. Минг ташаккур.

**ПРОФЕССОР** — Оппонентингизни айтмовдингизми?

**ҚОСИМ** — Айтувдим. Бир қариндошининг тўйи бор экан. Шунинг учун узр сўради.

**БИРИНЧИ МЕҲМОН** — Баҳона бўлса керак. У ўлгудай китмир одам. Келишни истамаган.

**ПРОФЕССОР** — Бўлиши мумкин.

**ИККИНЧИ МЕҲМОН** — Унинг кўнглини топиш осон эмас. Унча-мунчага кўнавермайди.

**ПРОФЕССОР** — Иложини қилиш зарур (Қосимга). Қосимжон, бугун келмапти, демак, унинг нияти бошқача. Эртами, индинми олдига ўтинг, нима қилиб бўлсаям у ярамаснинг кўнглини олинг. Фикрини айтдимиз ўзи?

**ҚОСИМ** — Йўқ хали. Кеча сўрасам, ўқиб улгурмадим, дейди.

**ПРОФЕССОР** — Кўрдингизми? Демак, тезроқ ҳаракат қилинг. Акс ҳолда химояда сасиб ўтирмасин. Унда сизгаям, менгаям яхши бўлмайди. Шундай қилингки, миқ этмайдиган бўлсин. Тушунарлими?

**ҚОСИМ** — Тушунарли, домла. Парво қилманг, ҳаммасини боқлайман. Унинг бир нозик одами бор. Ўша билан гаплашаман.

**ПРОФЕССОР** — Яхши. Хўш, қани олинглар бўлмаса.

**СОДИҚ** — Овқат совумасин. Келин хафа бўлади.

**ПРОФЕССОР** — Келинни бекор шунча нарсага овора кипсиз-да.

**ИККИНЧИ МЕҲМОН** — Бу ўтириш шунчаки репетиция. Асосий зиёфат Қосимжон ёқлагандан кейин бўлади.

**ҚОСИМ** — Албатта, албатта.

**СОДИҚ** — Қосимжон ўтиришдан қочадиганлардан эмас. Топганини дўстларига сарфлайдиган йигитлардан.

Насиб этса, Қосимжон диссертациясини муваффақиятли ёқлаб олса, ўшанда зиёфатнинг тўрида табаррук оналари ўтирадилар.

**ПРОФЕССОР** — Жуда тўғри: Ёш боши билан бошқа турмуш қурмай сизни катта қипти, уй-жойли қипти, раҳмат шу кишига. Бундай оналаримизни бошимизга кўтарсак арзийди. Холбуки, она деган муқаддас номга доғ тушираётган енгилтак аёллар қанча. Сиз онангиз билан ҳар қанча фахрлансангиз арзир экан, Қосимжон.

Қосим кизариб кетади. Аммо бунга ҳеч ким эътибор бермайди. Мақтовдан хижолат бўлаяпти, унинг устига ичкиликнинг таъсири, деб ўйлашади.

**СОДИҚ** (ўрнидан туради) — Менда бир таклиф бор. Мана шу қадахни Қосимжоннинг онаси, яъни Саодат аямизнинг соғликлари учун, умрлари узок бўлиши учун олсак.

Хамма ўрнидан туради.

**ПРОФЕССОР** — Оламиз! Соғ бўлсинлар!

**БИРИНЧИ МЕҲМОН** — Мингта кирсинлар!

**ИККИНЧИ МЕҲМОН** — Шундай ўғил ўстирган она шарафига ҳар қанча кўтарса арзийди.

Ичишади.

**ПРОФЕССОР** — Энди менда бир таклиф бор. Агар аҳли давра қаршилик қилмаса, бир оёқларни ёзиб келсак. Овкатлар бир оз ҳазм бўлади, сигарет-пигарет чекиб оламиз.

**БИРИНЧИ МЕҲМОН** — Жуда яхши таклиф.

**ҚОСИМ** (гап мавзуи ўзгарганидан хурсанд) — Марҳамат, ана бор томонга ўтамиз. Жуда салкин. (Меҳмонларни уйнинг орқа томонидаги боғ сари бошлайди.)

**СОДИҚ** — Сизлар ўтаверинглар, мен ҳозир бораман. Битта телефон қилиб олай.

Нозанин билан Хумор чиқиб стол устини тартибга сола бошлайди. Улар Содик билан сўрашадилар.

**НОЗАНИН** — Кеннойимниям олиб келмабсиз-да.

**СОДИҚ** — Бошқа сафар. Мен келаётганимда ҳали ишдан қайтмаган эди.

**НОЗАНИН** — Шанба куниям ишга борадиларми?

**СОДИҚ** — Ўқитувчиларни биласиз-ку.

**НОЗАНИН** — Ҳа, дарвоқе, эсим курсин.

Ўқитувчилар билан биз врачлар на шанбани, на як-шанбани биламиз. Иш бўлса — бас.

СОДИҚ — Аям далага кетиптилар-да. Яхши бўпти, сал ҳаво алмаштириб келадилар.

НОЗАНИН — Нимасини айтасиз, базўр кўндирдик.

ХУМОР — Уйдан чикмай ўрганиб қолганлар-да, ҳеч қаёққа боргилари келмайди. Бўлмаса поччам неча марта путёвка олиб келдилар. Мени курортим мана шу ер, дейдилар. Ҳатто бизаникигаям ойда-йилда бир бормайдилар.

СОДИҚ — Кампирлар шунақа. Майли, ишкилиб омон бўлсинлар.

Нозанин билан Хумор ичкарига кириб кетади. Содиқ телефон қила бошлайди. Кулоғига трубкани тутганча бир кўли билан ричакни тикиллатади. Яна теради. Тераётган номери банд шекилли, трубкани жойига кўймаган ҳолда ричагни босиб туради. Шу пайт телефон жириглайди.

СОДИҚ (трубкага) — Алё, Ҳа... Ким? Ҳа... Қаердан? Қариялар уйдан? Назаримда сиз адашдингиз. Бошқа жойга тушиб қолдингиз-ов... Ҳа, шу номер... А? Ҳа, тўғри. (У бирдан сергак тортади. Атрофга олазарак қарайди-да, оғзини кафти билан бекитиб, овозини пасайтириб гапиради.) Хўш, нима гап ўзи? Қосимми? У шу ерда, ҳозир келади. Айтаверинг, нима гап, тинчликми? Онаси оғирлашиб қолди? Телефон қилувдингиз? Қачон? Икки соатча олдин? Бораман, девди, кемади? Қосимми?

Нозанин чиқади.

Яхши. Раҳмат. Мен ҳозироқ айтаман (Трубкани кўяди).

НОЗАНИН — Ким? Нима дейди?

СОДИҚ (ўйчан) — Ҳа, телефон қилганми? Қосимнинг студенти эмиш. Имтиҳон топширмақчиман дейдими-ей.

НОЗАНИН — Шу студентлар ҳам жонга тегда-да. Билмайман, уйнинг телефонини қатган олишади.

Содиқ хаёл суриб у ёқ-бу ёққа юради.

Хумор киради.

ХУМОР — Ҳа, Содиқ ака, тинчликми? Мехмонларнинг олдига ўтмайсизми? Поччамнинг ёнларида бўлиб туринг.

**НОЗАНИН** — Икковлашиб домласининг кўнглини олинглар. Бўлмаса химояда ортиқча гап қилиб ўтириши мумкин. Ҳаммаси шу одамга борлиқ дейишади-ку.

**СОДИҚ** — Мени сўрашса, бир иш билан кетдилар, деб кўйинглар. Ҳозир келаман.

Содиқ жадал чиқиб кетади.

### **БЕШИНЧИ КЎРИНИШ**

Қариялар уйи. Саодат ая ётган хона. Ая оғир-оғир нафас олади. Врач, Маърифат шу ерда.

**ВРАЧ** — Ҳозир ухлайди. Укол ухлатади. Уйқудан тургунча зора приступ ўтиб кетса.

**МАЪРИФАТ** (овозини пасайтириб) — Болалари келишмади-я. Қанақа инсофсиз одамлар экан-а.

**ВРАЧ** — Инсофи бўлса бу ерга олиб келармиди. (Аяга термилади.) Ухлади. Майли, бир оз дам олсин. Ўтиб кетади.

**МАЪРИФАТ** — Илоё тузалиб кетсинлар. Бирам ажойиб кампирки, шундай ширинсўз, меҳрибон онани сиздирмаган қанақа бағритош фарзандлар экан билмайман.

**ВРАЧ** — Э, синглим, бунақалар оз дейсизми? Худбин, бағритош одамлар кўпайиб кетган. Яна биз ҳар хил баландпарвоз гапларни гапирамиз оғиз кўпиртириб.

**МАЪРИФАТ** — Оқил деган невараси бор, лекин жуда ажойиб йигит. Орипов билан Содиқ киради.

**ОРИПОВ** — Тинчландиларми?

**ВРАЧ** — Уколдан кейин ухлаб қолдилар. Зора шу билан приступ ўтиб кетса.

Врач, Маърифат Содиқ билан сўрашади.

**ОРИПОВ** — Бу киши аянинг ўрилларининг дўсти эканлар.

**ВРАЧ** — Ташқарига чиқайлик. Уйғониб кетмасинлар. Улар коридорга чиқадилар.

**СОДИҚ** — Аҳволлари тузукми, ишқилиб? Нима бўлди ўзи?

**ВРАЧ** — Қон босимлари кескин кўтарилиб кетган. Табиийки, бу юракка таъсир этган. Бир нечта укол қилдик. Бир ўзларига келиб, бир мазалари қочиб турибди. Ҳарқалай оғир. Бундай пайтда инсулт бўлиб қолиш ҳеч гапмас... Ўғиллари нега келмади? Оқил деган ўғиллари борми?



СОДИҚ — Қосим.

ВРАЧ — Оқил, Оқилжон дейдилар-ку нуқул.

СОДИҚ — Оқил неваралари. Тўғри айтгасиз, неварасини сўраган бўлишлари мумкин. Чунки Оқил турилибдики, бувисининг қўлида. Кампир бечорайим унга жуда ўрганиб қолган.

ОРИПОВ — Бу ергаям невараси келиб туради. Ўғлининг келганини кўрмадим. Бир-икки марта мендан телефонда сўради аммо. Келишга уяладими?

СОДИҚ — Бу ерга қачон олиб келишди?

ОРИПОВ — Аяними? Олти-етти ой бўлиб қолди чамаси.

СОДИҚ — Мен эшитмаган эканман.

ОРИПОВ — Айтишга уялгандир-да. Бирга ишлайсизми у киши билан?

СОДИҚ — Йўқ, мен бошқа институтдаман. Бир маҳаллада ўсганмиз. Уйланганимдан сўнг дом олиб чиқиб кетганман. Аммо борди-келди қилиб турамиз. Менинг ойим раҳматлик ҳаётликларида иккала кампир бир-бирини тез-тез йўқлаб туришарди.

ВРАЧ — Кексаларда меҳр-оқибат кучли бўлган.

СОДИҚ — Лекин Қосимдан буни кутмаган эдим. Ишонсангиз, ҳозир шу гаплар, шу воқеалар мен учун худди тушдай туюлаяпти. Сира ишонгим келмайди.

ВРАЧ — Ўриллари нега келмади дедингиз?

СОДИҚ — Уйда меҳмонлари бор эди... Бу ердан кўнғирок қилишганда телефонни мен олдим. Улар ташқарида эди. Меҳмонлар билмай қўя қолсин, деб индамай ўзим чиқиб келавердим.

ОРИПОВ — Уларнинг хабари бор. Икки соатча олдин ўзим телефон қилганман. Унинг ўзи билан гаплашувдим. Ҳозир етиб келинг, дедим. У хўп, деганди. Лекин келмади.

СОДИҚ — Меҳмонлари билан овора бўлиб қолган шекилли-да.

ВРАЧ — Шундай пайтда меҳмон кўнглига сиққаничи.

СОДИҚ (чуқур хўрсинади) — Қайдам...

ОРИПОВ — Менимча, ҳозир неварасини топтириш керак.

ВРАЧ — Кампир бечора ўшанга кўп илҳақ бўляпти. Келинини унчалик сўраганиям йўқ.

ОРИПОВ (Содикқа) — Невараси каерда ўқишни сиз биласизми?

СОДИҚ — Биламан. Пединститутда ўқийди.

ВРАЧ — Факультети-чи?

СОДИҚ — Ё филфак, ё тарих бўлиш, керак.

ОРИПОВ — Бўлмаса бундай қилайлик. Мен хо-нага борай-да, ўша факультетларга қўнғироқ қилиб суриштирай. Топсам тезда етиб келсин, дейман.

СОДИҚ — Яхши, мен бир оз қараб турай.

Орипов чиқади.

ВРАЧ — Юринг, ўтирамиз (Содикни креслолар томон бошлайди).

Иккита креслога ёнма-ён ўтиришади.

СОДИҚ — Саодат аяга ўхшаш бола-чақалари бор бошқа қариялар ҳам борми?

ВРАЧ — Нимасини сўрайсиз. Бола-чақаси бор. Болалари тузук-тузук жойларда ишлашади... Қандай юраги чидаб бу ерга олиб келишади, ақлим етмайди.

СОДИҚ — У ёқда болалар уйлари тўла, бу ёқда қариялар уйлари. Нега бунақа бўлиб кетяпти, хайронман. Ҳукумат рамхўрлик қилгани сари ўзимизни ташлаб юбораяпмиз.

ВРАЧ — Биласизми, мен шу ерга ишга келганимдан сўнг ўзимча бир ҳақиқатни англаб етдим. Фалон нарса йўқ, пистон нарса топилмайди, деймиз. Лекин мен бир нарсага аминман. Ҳар қандай дефицитни бар-тараф этиш мумкин. Аммо одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, андиша, хурмат деган туйғулар камайиб кетса бу ачинарли, ҳаттоки хавфли. Мана бу дефицитни йўқотиш, унга чек қўйиш энг қийин ишлардан бўлса керак. Менинг назаримда, жуда кўп иллатларнинг, фожиаларнинг илдизи ана шунга борлиқ. Худбинлар, факат ўзини ўйлайдиганлар қанча... Ўзингиз ўйланг, ота-онасига меҳр-оқибат қилмаган одамдан нима кутиш мумкин? У бошқаларни алдамаслигига, қалтис вазият бўлиб қолса халқини, Ватанини сотмаслигига ким ишонади? Шахсан мен ишонмайман!

Маърифат югуриб чиқади.

МАЪРИФАТ (ҳовлиқиб) — Уйғондилар, дўхтир, уйғондилар. Мазалари бўлмаяпти...

Врач билан Содик Аянинг олдига киради.

СОДИҚ (аянинг юзига энгашади) — Ая! Ая, ту-зукмисиз?

Врач аянинг билагини ушлаб, тўмир уришини текширади.

АЯ (хаста овозда) — Кимсан?

СОДИҚ — Мен, ая, Содикман...

АЯ — Оқил... Оқилжон...

ВРАЧ — Неварасини сўраяптилар.

СОДИҚ — Оқил hozir келади, ая. Бу мен — Содикман, Қосимнинг ўртоғи.

АЯ — Қосим?... Қани Қосим? Кўрмаяпман-ку.

СОДИҚ — Ҳозир келади у (врачга). Қосимга телефон қилсакмикан?

АЯ — Оқилжон... Дадангни хафа қилма, болам.

Маърифат пиқиллаб йиғлайди.

ВРАЧ — Шу дамдаям боласини ўйлайди-я.

АЯ — Эшитаяпсанми, болам. Дадангни хафа қилма.

У ёлғиз... ёлғиз... Ойингниям...

ВРАЧ (Содикқа) — Хўп, денг. Барибир танимаяптилар-ку. Хўп деяверинг

СОДИҚ (Кўзига ёш олади) — Хўп, бувижон, айтганингизни қиламан...

АЯ — Сендан розиман, болам... Мингдан-минг розиман... Дадангданам, ойингданам... ҳаммаларингдан розиман... Бувангга айтиб қўй, касал бўлганимда келиб хабар олмади... У кишиданам розиман.

ВРАЧ — Алахлаяпти бечора... Невараси кела қолсайди...

СОДИҚ — Директор тополдимикан...

Орипов киради.

ОРИПОВ — Топдим. Деканига тайинладим. Ҳозир топиб жўнатаман, деди. Кеп қолса керак.

ВРАЧ — Яна укол қилсакмикан...

ОРИПОВ — Кўп укол ҳам оғирлик қилар дейман.

АЯ — Оқилжон... Қанисан, болам... Берироқ кел, хидларингни бир хидлай...

Орипов билан врач Содикни яқинроқ боринг ишорасини қиладилар. Содик аянинг юзига яқинроқ энгашади.

ВРАЧ — Бечора.

Маърифат ўзини тутолмай йиғлайди. У йиғлаган кўйи коридорга чиқади. Қахҳор бобога рўпара келади.

**ҚАХҲОР БОБО** — Ҳа, манжалақи, ҳалиям шу ердამисан? Кетмадингми ҳали. Сени изингни қуритаман бу ердан.

Қахҳор бобо овозини эшитиб Орипов коридорга чиқади.

**ОРИПОВ** (Қахҳор бобога) — Ота, нима гап?

**ҚАХҲОР БОБО** — Манави ярамасни нимага кеткизмадингиз? Ёки сизни устингизданам ёзайми?

**ОРИПОВ** — Хўп, бугуноқ кеткизаман. Фақат жим бўлинг, ота, илтимос.

**ҚАХҲОР БОБО** — Қизим, ярамас, яна кепти. Мени олиб кетармиш. Кетиб бўпман. Обкетиб дори бериб ўлдиради улар.

Маърифат йиғлайди, ўзини босолмайди. Яна Аянинг олдига киради.

**АЯ** — Ҳидларингдан ўзим айланай, болам... Бутун умидим сендан... Дадаинги хафа қилма.... Сендан розиман... Мендан рози бўл... рози бўл... Маърифат... Қизим... Сени қизим девдим... Сенданам розиман... Оқилжон... Маърифатни хафа қилма... У... одобли қиз... У...

Ая узилади.

Содиқ хўнграб йиғлаб юборади.

**МАЪРИФАТ** (аяни кучоклайди) — Бувижон. Бизларни кимга ташлаб кетдингиз... Эндигина кўнглимга яқин бир одам топувдим... Бунчалар пешонаси шўр эканман...

### **ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ**

Қосимнинг уйи. Зиёфат авжида. Магнитофонда Шерали Жўраев куйлаяпти:

Онагинам, дориломон кунлар келди, шафақлари ол.

Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...

Қосим бармоқларини шарақлатиб ўйинга тушяпти. Ранги-кути ўчиб Содиқ киради.

**ҚОСИМ** (унга пешвоз юради) — Э, оғайни, қаёққа кетиб қолдинг? Кутавериб кўзимиз тўрт бўлди-ку.

**СОДИҚ** — Ўчир анавини! Қанақа одамсан ўзи?!

**ҚОСИМ** (хайрон ҳолда даврага қарайди. Кейин Содиққа юзланади) — Нима гап? Тинчликми?

Иккинчи мехмон магнитнинг ўқурди.

СОДИҚ — Сен билан шунча йил дўст бўлди, сиз маҳаллада ўсиб хақикий башаранинг олмаган эканман.

ҚОСИМ — Содик! Сента нима бўлди?

СОДИҚ — Мента-ку ҳеч нима бўлгани йўқ, аммо сени нима жин урди? Бундай беъмани ҳаёл қатлангга қачон, қаердан кириб қолди?

Профессор, мехмонлар ўринларидан турди. Буларга томон юришди.

ПРОФЕССОР — Нима гап ўзи? Очикрок гапирсангиз-чи?

СОДИҚ — Сизнинг севимли шоғирдингиз ва менинг кадрдон дўстим канака одамлигини биласизми? Йўқ, билмайсиз! Мен ҳам билмайман! Бу кишиям, буям, (залга ишора қилди) булар ҳам — ҳеч ким бунинг хақикий башарасини билмайди. Чунки у билдирмайди. Юзига никоб тутиб олган.

ҚОСИМ — Ҳақорат қилма!..

СОДИҚ — Ҳақорат? Шу ҳақоратми? Сенинг қилмишларинг олдида бу гаплар холва.

БИРИНЧИ МЕХМОН — Қосимжон жуда баъмани йигит-ку. Нега ундай дейсиз?

СОДИҚ — Сиз билан менинг олдимда баъмани. Аслида-чи? Ичкаридан Нозанин билан Хумор чиқади.

ҚОСИМ — Бас қил, Содик! Ҳар қанча гапинг бўлса, кейин гаплашамиз. Мехмонларнинг дилини хира қилма.

СОДИҚ — Йўқ, янглишасан! Энди мени ҳеч нарса, ҳеч ким тўхтата олмайди. Мехмонларнинг шу ердалигиям яхши бўлди. Чунки бири домланг, қолганлари сафдошинг. Ана, хотининг, қайнисинглинг. Ҳаммаси сени кимлигингни билиб қўйишсин.

ҚОСИМ — Содик!..

НОЗАНИН — Дўстингизда нима қасдингиз бор?

СОДИҚ — Афсуски, дўстим эди... Одам оласи ичида, деганлари рост экан. (Профессорга) Онаси бунинг йўлига илҳақ бўлиб жон беролмай қийналиб ётипти, бу бўлса бу ерда маишатини қилиб ўтирипти.

ПРОФЕССОР — Нима?.. Ё алҳазар!

ИККИНЧИ МЕХМОН — Касалхонадамиди ойингиз?



**БИРИНЧИ МЕҲМОН** — Далага кетган девдингизку, hozир.

**НОЗАНИН** — Ха-ха, далага, қариндошимизниқига кетувдилар.

**СОДИҚ** — Ёлғон! Ҳаммаси ёлғон! Сизни ҳам, мени ҳам, ҳаммани алдаб лақиллатиб ўтирган экан. Онаси касалхонадаям эмас, далага кетганиям йўқ. У шўрлик қариялар уйида экан!

**ПРОФЕССОР** — Нима дедингиз? Қариялар уйида?

**СОДИҚ** — Афсуски, шундай.

**БИРИНЧИ МЕҲМОН** — Наҳотки, рост бўлса?

**ПРОФЕССОР** — Шармандалиқ! Уят!

**ИККИНЧИ МЕҲМОН** — Яна биз кампирнинг сорлиғи учун қадаҳ кўтарибмиз-а.

**ҚОСИМ** (профессорга) — Кечиринг мени, домла. (Содикқа) Дўстим, кечир. Юр, бирга борайлик.

**СОДИҚ** — Разолат! Тубанлик!

**ҚОСИМ** — Кўп қийнама, дўстим. Бўлди, бас қил! Тезроқ борайлик ундан кўра...

**СОДИҚ** (профессорга) — Обориб қўйганидан бери бирон марта холидан хабар олмапти-я, номард.

**ҚОСИМ** — Содик! Юр дўстим! Тезроқ борайлик. Кечикиб қолмайлик. Ойим бечорани бир кўрай...

**СОДИҚ** — Қаёққа борасан? Энди тамом!

**ҚОСИМ** — Наҳотки?! Ёлғон! Ойим ўлмаганлар!... (Йиғлайди)

**СОДИҚ** — Сенинг йиғлаганинггаям ишонмайман... (Нозанинга) Келин, уйда чопон, дўппи борми?

**НОЗАНИН** — Билмадим... Қосим акамларники бўлиши керак.

**СОДИҚ** — Олиб чиқинг.

Нозанин бир тўн, дўппи олиб чиқади.

**ПРОФЕССОР** — Бошқа йўқми?

**СОДИҚ** — Шу битта борлигигаям шукр қилинг. Ойисини қариялар уйига обориб ташлаган одамга тўну дўппи нимага керак бўларди. Ўзига қолса ўлигиниям олиб келмасди.

**ҚОСИМ** — Содик... Дўстим...

**СОДИҚ** — Ё ҳалиям ўзим обкетайми?

**ИККИНЧИ МЕҲМОН** — Уят бўлар, кўни-қўшни нима дейди.

СОДИҚ — Уятни, кўни-кўшнини ўйлаган одам шундай қилармиди?

НОЗАНИН — Кўп ҳаддингиздан ошманг, Содик ака! Худога шукур, ойимланинг ўвиллари бор. Юрт олдида дастурхон ёзишга бизнинг ҳам курбимиз етади. Бунча одамнинг иззат нафсига тегасиз?...

СОДИҚ — Тилингиз чикиб қоптими келин? (Меҳмонларга.) Қани, юринглар, уйга олиб келайлик.

Ҳамма ташқарига чикиб кетади. Нозанин билан Хумор нима қилишини билмай ховли ўртасида сарғайиб қолади.

Бир оздан сўнг Қосим, Содик ва икки меҳмон мурда ётган замбилни тўрт томондан кўтариб ичкари уйга олиб киришади. Нозанин билан Хумор «вой, ойижон», деб йиғлайди. Улар ҳам уйга кириб кетадилар.

Оғир сукунат.

Кўчадан кимнингдир «Бувижон! Вой, бувижоним!» деб йиғлагани эшитилади.

Сочлари тўзиган Оқил югуриб кириб келади. Ховлига киради-ю, атрофга аланглайди. Сўнг йиғлаган кўйи ичкарига кириб кетади.

ОҚИЛ (овози эшитилади) — Бувижон, мени кимга ташлаб кетдингиз? Сизни ўзим билан олиб кетмоқчи эдим-ку!..

Профессор, Содик, икки меҳмон чиқади. Ҳаммасининг боши ҳам.

ПРОФЕССОР — Садкаи педагог кетсин! Бунакаларни олий ўқув юрти даргоҳига йўлатмаслик керак! Яна олим бўлмоқ-чи!.. Биз ҳам унинг каби ишларига шерик бўлиб ўтирибмиз-а. Нақадар уят, шайтонлик!!

ИККИНЧИ МЕҲМОН — Хотани танигани маганмикан?

БИРИНЧИ МЕҲМОН — Бўлгани керак.

СОДИҚ — Нима бўлганда ҳам ҳаққини қилган бўлсангиз. Яккаю ёлғиз ўрил бўлсангиз, сизга, сизга.

ПРОФЕССОР — Бутундан кетиб, ҳам кетиб кетган гирдан воз кечдим. Бунча сизнинг ўйинингизга қаранг киши ҳам иснодга келади.

Сочлари тўзиган, ҳаққини қилган кетган кетган Телба ёки маст кетган кетган.

СОДИҚ — Сизнинг, ҳаққини қилган кетган кетган сиздан миниатюр жин.

ОҚИЛ (ўзича) — Бувижон... бувижоним...

СОДИҚ — Бувинг жон бераётганда мен тепасида эдим. Сени кўп сўради... Сендан мингдан-минг рози эканини айтди. Яна айтдики, даданг билан ойингни хафа қилмас экансан. Сўнгги нафасида сенга шуни васият қилди.

ОҚИЛ — Дадам билан ойим...

СОДИҚ — Қиёмат қарз гапни сенга етказиб қўйиш менинг бурчим.

ОҚИЛ — Менинг дадам билан ойим йўқ энди... Мен учун дадаям, ойиям — бувим эдилар. У киши мен учун эзгулик, одамгарчилик, олижаноблик — ҳамма-хаммаси эди... Ха, ўша саводсиз, ҳатто ҳарф таний олмаган кампир мен учун энг олий Инсон эди. Энди йўқ! Хаммаси тугади. Менинг олий маълумотли, зиёли отаонам бувимни эмас, одамгарчиликни, меҳр-оқибатни, ҳурмат ва андишани ташлаб келган эдилар ўша ерга! Уни сақлаб қолмоқчи эдим, кўлимдан келмади... Энди уни дафн этамиз... Энди ҳеч нарса қолмади. Хаммасини ўзи билан олиб кетди. (Томошабинларга яқин келади. Залга қараб гапиради.) Сизларнинг ораларингизда ҳам ўз ота-онасини қариялар уйига элтиб қўйганлар борми? Агар бор бўлса... бор бўлса...

Ўзидан кетиб йиқилади. Содик югуриб келиб кўтаради.

СОДИҚ — Оқил! Оқилжон, кўзингни оч, ўрлим. Сув беринглар!

Меҳмонлардан бири стол устидаги очиқ шишани олиб келади. Содик кафтига сув олиб Оқилнинг юзига сепеди. У сесканиб кўзини очеди.

ОҚИЛ — Бувижон!.. Мениям олиб кетинг...

СОДИҚ — Оқил... Оқил... Ўзингни тут...

ПРОФЕССОР — «Тез ёрдам» чақириш керак.

Иккинчи меҳмон телефонга чопеди.

СОДИҚ — Оқилжон... Ўзингни тут... Оқилжон...

Т а м о м.

1985 йил

**Сенга ҳавасим келади,  
неварам**

*Мақолалар*



## ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Ислом Каримов республиканинг биринчи раҳбари лавозимига сайланган кунданок маънавиятга, буюк аждодларимиз шахси ва меросини тиклаш, уларни атрофлича ўрганиш масаласига алоҳида эътибор берди. Иқтисод билан маънавиятни жамиятнинг икки қаноти сифатида барабар ривожлантириш, уларга тенг қараш зарурлигини уқтирди.

Социализм елкасидан нафас олиб, қайта куриш «қайта хуриш»га айланиб кетган ўша саксонинчи йилларнинг охирларида халқ, айниқса, унинг иқтисодий ночор қисми, зиёлилар гўё эгасиз қолган эди. Уларнинг тақдири, ҳаёти нима бўлиши тўғрисида ўйлайдиган одамнинг ўзи деярли йўқ эди. Билъакс, катта-кичик раҳбарлар кўпроқ ўзини ўйлар, оддий халқнинг тақдири билан зигирча иши йўқ эди.

Шундай бир мураккаб, талатўп замонда — Ўзбекистон ҳали СССР таркибида, барча ишлар Москва рухсати билангина бажариладиган тартиб мавжуд бўлишига қарамай — Ислом Каримов дадиллик ва жасорат билан ўзига хос мустақил фаолият олиб боришга киришди.

Шу муносабат билан бир воқеани эслатиб ўтишни лозим кўрдим.

1988 йилнинг баҳор ойлари эди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида масъул котиб бўлиб ишлардим. Ҳафталик саҳифаларида миллий меросимиз, кадриятларимиз, қатағон қурбонлари хақида мақолалар беришга ошиқардик, имкони борича шу ишларни амалга оширар эдик. Эсимда бор: Чўлпонга бағишлаб бир саҳифа, маълум вақтдан кейин Фитратга бағишлаб бир саҳифа материал бердик. Шундай кунларнинг бирида газетанинг фаолияти Марказий Комитетнинг бюросига қўйилди. Бош муҳаррир Одил Ёкубов билан муовини Иброҳим Гафуровни бюрога чақирди.

Бюродан қайтиб келгач, раҳбарлар дарров мени



хузурларига чакириб, бўлган гапни қисқача айтиб беришди. Р.Нишонов раислигида ўтган бюро йиғилишида ҳафталик ходимларини миллатчиликда, феодализмни қўмсашда, социализмга ёт асарлар битган адиблар ижодини тарғиб қилиш билан сиёсий саводнинг пастлигида айблаб, раҳбарларимизни роса «савалашибди». Шу пайтда мажлисда ўтирган бир одам ўрнидан туриб, «Ёзувчиларни, зиёлиларни, миллат учун хизмат қиладиган ижодкорларни бу қадар ҳақоратлаш, хўрлаш яхши эмас. Масалага сал кенгроқ қараш керак», деган фикрни билдирибди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз, деб ўйлайман. Бу каби фикр бутунги кунда оддийгина бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ шўро даврида, КПСС салтанатининг дастёрлари «халким» деганининг «ақлини киргизиб», «ти.тим» деганларнинг «ти.тинни тийиб» қўядиган бир замонда, унақа-бўнақа жойда эмас, Марказий Комитет бюросида бундай фикрлар билан чиқишга ҳар қандай одамнинг ҳам журъати етмасди. Бунинг учун, халқ ибораси билан айтганда, отнинг калласидай юрак керак эди. Аммо юракнинг ўзи камлик қиларди. Энг енгилти — эгаллаб турган лавозимдан, бўлмаса, партия билетидан воз кечишга тайёр бўлиши талаб қилинарди. Раҳбар одамнинг партия билетини топшириши эса нима билан тугаши маълум эди. Шу боис бюро йиғилиши катташчилари бу одамга хайрат билан, эҳтимол, баъзилар ачинаш билан ти-киладилар.

Марказий Комитетнинг иккинчи қлиби Анишчев, Тошкент шаҳар партия кўмитасининг биринчи қлиби Сатин ва бошқа шуларга ўхшаганлар бизни одамга «ташланибди».

Табийки, у одамни на Одил ака, на Иброҳим ака таниган. Йиғилиш тугаганидан сўнг кимдандир у киши Қашқадарё обкомининг биринчи қлиби Ислон Каримов эканлигини билиб олишибди.

Мана шу мисолдан ҳам кўринадикки, миллат тақдири, халқ калбида миллий гуруҳ уйғилиш, ўликни англаш — қисқа қилиб айтганда, қўлни овоз кўриш ва уни обод қилиш Ислон Каримовнинг доимий орзуси бўлган. Лекин социализмнинг темир исканжаси бу орзу-ниятларни рўёбга чиқариш учун имкон бермаган.

Қайнар булок ҳар қандай ҳолатда ҳам тошиб кетганидек, Ислоҳ Каримовнинг ғайрати, ғурури, шижоати социализм деворларини ёриб ўтди.

Орадан кўп ўтмай, СССР деган улкан, аммо мажбуран, зўрма-зўраки тикланган салтанат кулади. Пойдевори бўш бинонинг кулаши осон бўлганидек, асли замини, асоси ғовак бўлган СССР ҳам ич-ичидан емирилди. Чунки табиат барибир, эртами-кечми ўз кучини кўрсатади, дарёлар барибир ўз ўзанидан оқади. СССР таркибига зўрлаб киритилган мамлакатлар ўз холига қайтди — ўн бешта мустақил давлат пайдо бўлди.

Истиклол Ислоҳ Каримовга халқимиз орзуниятларини амалга ошириш учун имконият яратди. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ буюк аждодларимизга эҳтиром, улар хотирасини тиклаш, маънавиятни ривожлантириш, миллий кадриятларимизни кенг тарғиб этиш, халқ қалбида миллий ғурур туйғусини жўш урдириш, ўзликни англаш, ўзбек нималарга қодир эканлигини дунё узра намоиш этиш масалаларига асосий эътибор қаратилди. Имом Бухорий меросини ўрганиш, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек юбилейларини ўтказишдек улкан ва савобли ишларнинг ҳаммасига Президентнинг ўзи бевосита бош-қош бўлди. Зеро, булар ва шу каби бошқа юзлаб тадбирларнинг асосий ташаббусқори ҳам у кишининг ўзидир.

Ислоҳ Каримов Амир Темур сиймосига алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан қарайди. Шу боис буюк бобомиз образини тасвирий санъатда, ҳайкалтарошлиқда яратиш масаласи билан шахсан ўзи жиддий шуғулланди. Эсимда бор, Соҳибқирон ҳайкалининг лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасида муҳокама қилинди. Икки-уч варианты бор экан. Йирилиш иштирокчилари ўз фикрларини билдирдилар. Президент охирида ўз хулосасини айтди: бу лойиҳаларнинг бирортаси ҳам бўлмайди. Ички дунёси, руҳи у ёқда турсин, ташқи қиёфаси ҳам ўхшамаган. Темурга хос шиддат, ўктамлик, айни чорда салобат қани бу ерда? Қолбуки, Амир Темурнинг нафақат ташқи қиёфасини, балки ички оламинини ҳам ифодалаб бериш керак. Чунки Амир Темур дунёда битта бўлган. Унга қўйиладиган ҳайкал ҳам шунга яраша бўлиши керак. Бунинг учун улур бобомизнинг фаолиятини, шахсий ҳаётини, асарларини, ўғитларини

пухта ўрганиш зарур. Бу сиймо образини яратишга енгил-елпи қараб бўлмайди...

Ҳап шундаки, Амир Темурнинг ҳам инсон, ҳам давлат бошлиғи, ҳам саркарда, ҳам донишманд сифатидаги фаолияти ҳар қандай инсон, ҳар қандай давлат раҳбари ёхуд ҳар қандай саркарда учун намуна, тенги йўқ бир мактабдир. Ислоҳ Каримов буни теран, атрофлича ўрганган. Деярли ҳар бир нутқда Амир Темур тузуқларидан кўчирмалар келтириши бежиз эмас. Агар масалага жиддийроқ ёндашадиган бўлсак, Амир Темур ва Ислоҳ Каримов фаолиятида ўхшашликлар кўрамиз. Эътибор беринг: Темур амирлик фаолиятида раиятнинг кўнглига қараган, етим-есирларнинг бошини силаган, мамлакатда биронта ҳам оч, биронта ҳам тиланчи бўлмастлигига эришиш асосий ниятларидан бири бўлган. Ва бу йўлда ҳеч нарсани аямаган.

Энди Ислоҳ Каримов фаолиятини кузатинг. Мамлакат Президенти бўлиши биланок ишни одамларга томорқа учун ер беришдан бошлади, биринчи йилнинг ўзидаёқ беш юз минг гектар суғориладиган ер дехқонларга томорқа сифатида берилди. Амир Темур дехқонлардан уч йилгача бож олмаган. Ислоҳ Каримов ҳам дехқонларни солиқдан озод қилди. Президент имзоси билан эълон қилинган ҳужжатларнинг энг кўпи аҳолининг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган, десам янглишмайман.

Амир Темур олиму фозилларни, санъат аҳлини ўз саройи атрофига йиққан, халқ усталари маҳоратини доимо тақдирлаб борган, асрлар бўйи салобат тўкиб турадиган нақшинкор бинолар қурдирган. Бу ёғи Осиё, у ёғи Оврупо мамлакатлари билан ҳамкорлик ўрнатган. Ўнлаб мамлакатлар элчиларини қабул қилган (Лоақал Фарангистон қироли билан ёзишмаларини эсланг). Бу билан ўзбекнинг номини оламга таратган.

Бугунги кундаги ишларга разм солинг: Тошкентда, Самарқандда, Андижону Қаршида, Бухорою Хоразмда, бошқа шаҳар ва туманларимизда не-не бинолар қад кўтаряпти. Тошкентдаги «Туркистон» саройи, «Интерконтиненталь», «Ле Меридиан» меҳмонхоналари, «Юнусобод», «Жар» спорт саройлари, Асакадаги автомобиль заводи, Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводи, ўнлаб қўшма корхоналар... Дунёнинг манамаи

деган мамлакатлари билан тенгма-тенг ҳамкорлик қилиш, элчихоналар очиш, борди-келдилар... Булар чин маънодаги темуро-на ишлар эмасми? Республика Маънавият ва маърифат марказининг ташкил этилиши, «Шарқ тараоналари» халқаро мусиқа фестивали, юзлаб олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар Ватаннинг орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланаётгани — ижод аҳлига темуро-на рамхўрлик эмасми?

Амир Темур марказлашган давлат барпо этишни, туркий халқлар бошини қовуштиришни, бутун дунёда тинчлик, осудалик бўлишни ният қилган. Унинг жанглари, сафарлари ҳам шу ниятда амалга оширилган. Исло-м Каримов истиклолимизнинг биринчи кунлариданоқ юртда тинчлик ва барқарорлик асосий масала эканини, бунга эришмай туриб ҳеч нарса қилиб бўлмаслигини уқтирди, ҳаммадан шуни талаб қилди.

Мустақиллик эълон қилинганидан сўнг орадан тўрт ой ўтиши биланоқ (1992 йил 2 январда) Ўрта Осиё давлатлари раҳбарларини Тошкентга чорлади. Ўша тарихий учрашувда «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ибораси пайдо бўлди, беш шохли чинор — шу минтақа рамзи шаклланди. Исло-м Каримов наинки Ўзбекистонда, балки бутун минтақада, қўшни Афғонистонда тинчлик, барқарорлик бўлишини, бу йўлда ҳамма, энг нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам барабар ҳаракат қилиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлаб келмоқда.

«Туркистон — умумий уйимиз» ғояси ҳам айнан Исло-м Каримовдан чиқди.

Булар юртимизда амалга ошири-лаётган темуро-на ишларга айрим мисоллардир. Бундай мисолларни, ўхшашликларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шундай қилиб, Амир Темур ҳайкалини яратиш жа-раёни қизғин давом этди. 1993 йилнинг баҳор ойлари эди. Президент қайсидир мамлакатдан сафардан қайтди. Самолётдан тушиши билан аэропорт биносига кириб, Темур ҳайкалининг янги лойиҳасини кўздан кечирди. Буни истейдодли ҳайкалтарош Илхом Жабборов ишлаган эди. Ўша суҳбат-муҳокамада иштирок этган турли тоифадаги раҳбарлардан фикр сўради. Лойиҳада Амир Темур отда ўтирган ҳолда, чап қўлида байроқ, ўнг қўли билан отнинг жловини ушлаган кўйи акс эттирилган эди. Президент сўради: от минган одам жи-



ловни қайси қўлида ушлайди? Подшолар ҳам байроқ олиб юрганми?

Атрофдагиларга қаради. Ҳамма жим. Бир вақт менга кўзи тушиб қолди (чеккароқда турган эдим).

— Бу ёққа келинг-чи. Қани, айтинг-чи, шу тўғрими? Подшолар байроқ олиб юрганми? Сизам ёзувчисиз-ку ахир, тарихни билишингиз керак.

Албатта, мени хаяжон босди. Лекин ўзимни қўлга олиб, фикримни айтдим.

— Йўқ, Ислом ака, — дедим, — подшолар байроқ олиб юрмаган.

— Тўғри, — деди Президент. — Байроқни, яъни туғни олиб юрувчи махсус одамлар бўлган. Турдорлар дейилган. Улар подшодан анча илгариди юрганлар. Отнинг жилови ҳақида гапирадиган бўлсак, тизгин чап қўлда тугилади. Ўнг қўлда қамчи, агар жанг пайти бўлса — қилич ушланган.

Ислом Каримов атрофдагиларга қарата яна шундай деди:

— Ҳеч отга минганмисизлар ўзи? Отга минаётганда чап оёқни узангига қўйиб, ўнг оёқ отнинг устидан оширилади... Ўнг қўлида жилов тутган одамни ҳеч кўрмаганман.

Шундан кейин у киши бўлажак ҳайкалнинг энг майда деталларигача айтиб берди. Амир Темурга хос салобат, улуғворлик, шиддат, айни чорда меҳрибонлик акс этмоғи шарт, деган топшириқни берди ҳайкалтарошга.

Шунда бир нарса мени ҳам ҳайратга солди, ҳам қойил қолдирди. Президент бўлажак ҳайкални шунчалар таҳлил этиб, йўл-йўриқ кўрсатдики, очиғи, энг билимдон санъатшунос ҳам бу қадар теран айтиб беролмасди...

1997 йил



## ФАХРУ ФУРУРИМИЗ МАНБАИ

Дунёда мамлакатлар кўп. Лекин ёши икки минг йилдан ошган шаҳари бор мамлакат жуда кам. Ўзбекистонда эса бундай «мўйсафид» шаҳарлар талайгина: Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкент, Қарши, Марғилон...

Аслида ушбу шаҳарларимизнинг айтилаётган ёши ҳам анчагина нисбий — дастлабки текширувлар, изланишлар натижаси. Балки уларнинг ёши ундан-да улуғроқдир. Зеро, айрим маълумотлар, топилмалар шундай дейишга асос беради. Чунончи, Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Мўминобод қишлоғидан топилган найнинг ишланганига уч минг уч юз йилдан ошганлиги аниқланган. Термиз ва Шаҳрисабзда археологлар хорижлик ҳамкасблари билан олиб бораётган изланишларнинг самаралари ҳам кўп нарсадан далолат бермоқда.

Энди ўйланг, халқимиз салкам тўрт минг йил бурун най ясаб, куй чалган бўлса, унинг маданияти тарихи неча минг йилга бориб тақалар экан?! Ўша найни ясаб, унда муайян бир куйни ижро этиш даражасига етгунча неча йиллар ўтгандир, ахир.

Шундай кезларда айрим миллат вакиллари «биз сизларга маданият олиб келганмиз», деб етмиш-саксон йил нарисадаги воқеаларни назарда тутганини эсласам, юрагимда санчиқ туриб, тепа сочим тикка бўлиб кетади. Бизнинг аждодларимиз қайирма этикларни учкур тулпорларнинг кумуш узангисига босиб юрганига, ҳозиргача дунё аҳлини лол қолдириб келаётган минораю мадрасаларни бунёд этганига неча асрлар бўлди?! Бир бобомиз алжабр фанига асос солган бўлса, бошқаси юлдузлар жадвалини тузган. Бири уммон ортида мамлакат борлигини башорат қилган бўлса, яна бири табобат борасида даҳо бўлиб қолди. Инсоният тарихида жарроҳликни илк бор шу бобомиз қўллаганига, «медицина» сўзи «мадади Сино» сўзидан олинганига ич-ичимдан ишонгим келади.

Аҳмад Фарғоний Мисрга бориб Нил дарёсини ўлчовчи «Миқёси Нил»ни ихтиро қилган ва у ҳозир ҳам амал қилади. Бу ноёб қурилманинг аҳамияти шундаки, шу орқали Нил дарёси сувининг миқдори ўлчаб

турилади. Сувнинг кўп ёки камлигига қараб, шу дарё сувидан фойдаланувчи дехқонларга солиқ солинади.

Дунё тарихида ўзининг, шу билан бир қаторда халқимизнинг номини мангуликка муҳрлаб кетган буюк бобокалонларимизнинг қай бирини, уларнинг қайси бир хизматларини санаб чиқай? Тўплаган ҳадислари мусулмон оламида Куръони каримдан кейинги ишончли манба ҳисобланадиган буюк муҳаддис Имом Бухорийними ёки Ат-Термизийними, Маҳмуд Замахшарийними ёхуд марказлашган буюк давлат яратишнинг ажойиб намунасини кўрсатиб қўйган Соҳибқирон Амир Темурними, ғазал мулкининг султони деб ном олган улуғ Алишер Навоийними, шеърятда шоҳу салтанатда шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурними?.. Қайси бирини айтий? Улар юзлаб, минглаб алломалардир, ахир!

Гуржиларда бир одат бор — келиннинг сепи ичида Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари бўлиши шарт экан. Ажойиб, ибрат олса арзигулик удум. Тўғри эмасми? Лекин мени бошқа нарса ўйга толдиради. Борди-ю, бизда ҳам шундай одат расм бўлса, қайси бобокалонимизнинг қай бир асарини қўшар эдик қизимизнинг келинлик сепига?! Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»ними, Имом Бухорий ёки Ат-Термизий тўплаган ҳадисларними, Амир Темур «Тузуқлари»ними, Алишер Навоийнинг «Хамса»си ёки «Хазойин ул-маоний»синими, «Бобурнома»ними? Ёки бу ерда қаламга олинмаган яна ўнлаб буюк зотларнинг ўнлаб нодир асарлариними? Соф севги, чинакам инсонпарварлик, ватанпарварликни куйлаган «Алпомиш», «Тоҳир ва Зухра», «Ширин ва Шакар», «Равшанхон», «Авазхон» сингари неча ўнлаб дostonларними? Уларнинг барчаси бири-биридан гўзал, бири-биридан буюк ва нодир асарлар. Борди-ю, ҳаммасини жамласангиз, эҳ-ҳе...

Дарвоқе, гап шаҳарларимиз ҳақида кетаётганди...

Қадимий шаҳарларимиздан Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигини нишонладик. Энди Термизинг 2500 йиллигини байрам қиламиз. Бугун Бухоро ва Хивага борган одам бажарилган ишлар кўлаמידан ҳайратга тушади. Меъморий ёдгорликлар таъмирланди. Янги кўчалар, хиёбонлар, боғлар барпо этилди. Бу ишларни амалга

оширишда Бухоро ва Хива аҳли жонбозлик кўрсатди. Ташкилотлар, айрим шахслар бу улугвор ишларни амалга ошириш учун моддий жиҳатдан салмоқли ҳисса кўшдилар. Ўз шахрини, демак, Ватанини севувчи, уни ҳақиқий буюк давлат даражасига кўтариш учун муносиб ҳисса қўшишни фуқаролик, фарзандлик бурчи, деб билган фидойилар ҳиммат кўрсатдилар. Аслида гап у маблағнинг миқдорида ҳам эмас. Шунча бетимсол бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган давлатимиз қадимий шаҳарларимиз юбилейи муносабати билан ба-жариладиган ишлар учун ҳам маблағ топади, бу йўлда ҳеч нарсани аямайди. Бу ҳақда Президентимиз аниқ айтиб қўйган: «Маънавиятни мустаҳкамлашга меҳнат ва маблағни аямоқ — ўзини келажакдан маҳрум қилиш, демакдир».

Ҳамма гап — моҳиятда, одамлар онгидаги ўзгаришда, элим деб, юртим деб ёниб яшаш нима эканини амалда исботлашдадир. Шундай фидойилар, юрт учун, халқ учун ҳар ишга тайёр одамлар бор экан, бундай мамлакат келажакда чинакам буюк давлат бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Йўлбошчимиз Ислом Каримов юбилей арафасида Бухорога борганида тайёргарлик ишлари билан танишди. Айниқса, Масжиди Калонни таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор берди. У ерда ишлаётган усталар, таъмирчилар, дин пешволари билан очик, самимий суҳбатлашди. Президентимиз бу жой яқин-яқинда ҳам омборхона, молхона бўлиб ётганини эслар экан, усталар, ишчилар меҳнатига катта баҳо берди. Бу каби ишлар истиклол шарофати туфайли амалга ошаётганини, маънавият ва маърифатни юксалтирмай туриб, бошқа соҳаларда тараққиётга эришиш қийин эканини алоҳида таъкидлади.

Рост-да, мустақилликка эришмаганимизда масжидларни таъмирлаб бўлармиди? Имом Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Аҳмад Яссавий сингари ўнлаб буюк боболаримиз, ҳаттоки кечагина ўтган салафларимиз — Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Чўлпон каби маърифатпарварлар, юртпарварлар асарларини нашр этиб бўлармиди? Биз — олтмишинчи йиллар талабалари Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи кўлөзмасини кўлма-кўл қилиб тунда, яширинча ўқиб чиққанмиз,

«Темур тузуклари»дан «Гулистон» журналида озгина парча босилиб, кейин тўхтатиб қўйилганида кейинги қисмларини тополмасдан гангиб қолган эдик.

«Алпомиш» дostonининг минг йиллиги, Жалолиддин Мангуберди, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом Мотурудий хазратлари, Бурҳониддин Марғинович ёхуд Огаҳий, Бердақ, Ажиниёз каби шоирларнинг юбилейларини нишонлаганимиз истиклол туфайли эмасми?! Шўро даврида Мотурудийнинг номини ҳам эшитмаган эдик. Эҳтимол кимлардир билгандир, аммо дами ичида бўлган. Бурҳониддин Марғиновичнинг «Хидоя» асарини бутун мусулмон олами ўқиб-ўрганган, фақат биз, яъни Марғиновичнинг авлодлари беҳабар эдик. Бу улўф зотларнинг тўйи баҳонасида уларнинг асарлари нашр этилди, ёдгорликлар ўрнатилди, уларнинг гўшалари, қадамжолари обод қилинди. Ўзини билган, қадрига етган миллат ана шундай иш тутуди. Зеро, бизнинг бундай буюк аждодларимиз сон-саноксиз. Тарихимизнинг қайси даврини, қайси асрини олиб кўрмайлик ўнлаб, юзлаб буюк зотлар ўтганига, улар ўз ижодлари, бебаҳо мероси билан жаҳон маданияти ва маърифати тарихидан муносиб ўрин олганига гувоҳ бўламиз. Афсуски, мустабид тузум даврида улар сунъий равишда тарих саҳифаларидан ўчирилган эди.

Истиклолдан сўнг барча боболаримиз ўз асарлари билан ўз юртларига қайтиб келдилар ва келмоқдалар. Бунинг учун Яратганга ҳар қанча шукрона билдирсак камлик қилади...

1997 йили Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида ўтган халқаро анжуманда иштирок этдим. Анжуманнинг очилиш маросимида сўзга чиқиб, мустақилликдан кейинги йилларда Ўзбекистон эришган ютуқлар ҳақида гапирдим. Асакадаги автомобиль, Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводлари, Зарафшондаги олтин қазилма корхонаси ва бошқа кўплаб қўшма корхоналар ҳақида, тарихан қисқа вақт ичида дон, нефть, электр мустақиллигига эришганимиз, тарихимизга, буюк аждодларимиз меросига эътибор хусусида гапирганимда анжуман иштирокчилари ҳайратларини яширолмадилар. Ваҳоланки, уларнинг орасида манаман деган, унча-мунча мамлакату халқни назарга илмайди-ган давлатларнинг вакиллари ҳам бор эди. Бу ҳолдан



кўнглим тоғдай кўтарилди. Ўзбекистон деган юртнинг фуқароси, ўзбек халқининг фарзанди эканимдан қалбим гурур ва ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошди.

Ўша кунлари дунёга машҳур Миср эҳромларини томоша қилдик. Бу эҳромлар дунёдаги етти мўъжизанинг бири ҳисобланади. Қоҳира яқинидаги Гиза саҳросида бунёд этилган учта — Хеопс, Хефрен, Микерин эҳромлари бу ерга ташриф буюрган ҳар қандай одамни хайратга солади. Уларнинг энг улкани Хеопс эҳроми бўлиб, унинг қурилиши эрамиздан олдинги 2590 йилда ниҳоясига етказилган. Мазкур эҳромни тиклаш учун ҳар бири ўртача икки ярим тоннадан бўлган икки миллион уч юз мингта тош ишлатилган. Унинг баландлиги ўша пайтда 147 метр бўлган, ҳозир ўн метр пасайган. Эрамиздан минг йиллар бурун ҳеч қандай техникасиз, оддий қўл кучи билан шундай маҳобатли эҳромни бунёд этишни тасаввур қилиш қийин, албатта.

Мен бу эҳромларга узоқ термилдим, чуқур ўйга толдим. Инсон боласининг куч-қудратига яна бир қара қойил қолдим. Бироқ...

Бироқ бошқа бир нарса хаёлимни чулғади. Ўша бетимсол эҳромларга термилар эканман, кўз ўнгимда Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкенту Шаҳрисабздаги тарихий ёдгорликлар намоён бўлди. Беихтиёр уларни қиёслай бошладим. Шунда кўнглим ёришиб кетди. Ўзимизнинг тарихий обидаларимиз мен учун азият ва муқаддас кўринди. Нега? Фақат юртпарварликдан ёхуд нигилистик қарашданми бу? Йўқ! Мен иложи борица масалага ҳолислик, адолат билан қараб хулоса чиқаришга интилдим. Миср эҳромлари ҳақиқатан ҳам ўхшаши йўқ даражада маҳобатли, улкан.

Бизнинг ёдгорликларимиз-чи? Уларда ҳам маҳобат бор, ҳам нафосат, ҳам бетакрор санъат бор. Бу обидаларда ишлатилган рангларнинг ўзи бир мўъжиза. Самарқанд ва Бухоро Регистонидаги, Гўри Амир ёхуд Ичанқалъа ёдгорликларида ишлатилган, ҳозиргача барчани хайратга солиб келаётган, на қору ёмғирлар, на қуёш жазирамаси таъсир қила оладиган бўёқлар сирини ҳамон сирлигича қолмоқда. Одам боласининг қадами Ойга етиб борган бугунги кунда энг мутараққий мамлакатларда ҳам ўша бўёқлардай ўчмас, абадий ялтираб тургувчи ранглар яратилгани йўқ-ку! Бу ёдгор-



ликлардаги безаклар, нақшлар, санъаткорона ёзувлар, харфлар ўйини яна қаерда, қайси мамлакатнинг қайси обидасида бор?!

Миср эҳромлари улкан тошлардан тикланган бўлса, Ўзбекистон ёдгорликлари, аксинча, мўъжазгина ғиштлардан бунёд этилган. Юксаклиги ва маҳобати эса бир-биридан қолишмайди.

Хўш, энди инсоф билан айтинг-чи, катта-катта тошлардан улкан обидалар тиклаш осонми ёки кичик-кичик ғиштларданми? Бухородаги Сомонийлар мақбараси ғиштарининг терилишига эътибор берганмисиз? Нақадар буюк, бетакрор санъат! Унинг ўхшашини яна қаерда кўргансиз?

Ҳа, Ўзбекистон Аллоҳнинг назари тушган юрт. Шу боис ҳам моддий, ҳам маънавий бойликларимиз беҳисоб. Тарихимиз илдишлари неча минг йилларга бориб тақалади. Ўтмиши буюк халқ ҳамиша буюк бўлиб қолади. Истиқлол туфайли халқимиз ўзлигини англамоқда. Тарихимиз, аждодларимиз ҳақида бор ҳақиқатни айта олиш имконига эга бўлдик.

Булар — одам боласининг дилини яйратадиган, кўнглини кўкка кўтарадиган ишлардир. Булар — мустақиллик берган имкониятларга амалий мисоллардир. Булар — Ўзбекистон фуқароси, ўзбек фарзанди бўлиш нечоғли бахт ва фахрли эканидан далолатдир.

## II

Баҳор ойлари эди. Бир ўртовимиз тўй қилди. Унга бора туриб, бир неча хонадонда тўй бўлаётганининг гувоҳи бўлдим. Шунда ўйладим: ҳали тўй мавсуми бошлангани йўқ. Шунга қарамай, шаҳарнинг бир маҳалласида шунча тўй. Энди бу ҳолни бутун шаҳар, мамлакат миқёсида ўйлаб, тасаввур қилиб кўрайлик. Бошқача айтганда, бир кунда неча тўй бўляпти экан? Бир ҳафтада, бир ойда-чи?!

Ёки бошқа бир манзара.

Турли байрамлар муносабати билан йирик-йирик иншоотлар қурилади, янги-янги боғлар, хиёбонлар барпо этилади. Ариқ-зовурлар қазилиб, қишлоғу шаҳарлар, кўчаю майдонлар супуриб-сидирилиб, янада ободонлаштирилади. Етим-есирлар, беморлар, ногирон-

лар, ёлғизлар ҳолидан хабар олинади, уларга байрам совғалари берилади. Булар халқимизнинг яхши одатларидан бўлиб, анъанага айланиб қолган.

Ҳаммага маълум бу гапларни такрорлашдан мақсад нима, деб ажабланманг. Аксинча, сиз ҳам яна бир қарра чуқурроқ ўйлаб кўринг. Биз — ўзбеклар, ўзбекистонликлар тўйлар қиляпмиз, байрамларни нишонляпмиз. Одам боласи қачон тўй қилади ёхуд қай ҳолда байрам кўнглига сиради? Табиийки, юртда тинчлик, озоишталик, хонадонда хотиржамлик, фаровонлик бўлса. Демак, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни ҳар қанча қадрласак, бунинг учун қайта-қайта шукроналар айтсак арзийди.

Бугун одамларнинг кўзи очилган, шўро замонидаги кўзга кўринмас темир пардалар энди йўқ. Наинки кўни-қўшниларимизда, балки узоқ-узоқлардаги давлатларда ҳам нима бўлаётганини, одамлар қандай кун кечираётганини ватандошларимиз яхши биладилар. Бу ҳақда ойнаи жаҳон ҳам, радио ҳам, газеталар ҳам мунтазам хабар бериб турибди. Қолаверса, юртдошларимиз бутун дунёни кезиб юришибди. Демак, Афғонистон воқеаларидан, дунёдаги бошқа мамлакатлардаги аҳволдан кўпчилик огоҳ. Очикроқ айтадиган бўлсак, биз тўйлар, байрамлар ўтказиш, янги-янги корхоналар барпо этиш билан бандмиз. Баъзи мамлакатлардан эса «унча одам ўлдирилди, бунча одам гаровга олинди», деган хабарлар келиб турибди. Мен оддий фуқаро, бир қаламқаш сифатида қўшни мамлакатда бир неча йилдан бери давом этаётган урушни кузатиб хайрон қоламан. Улар ўзи нима учун, ким учун урушяпти? Кимлар кимларнинг ноғорасига ўйнаяпти? Наҳотки, бир юрт фарзандлари ўзаро тил топиша олмаса?.. Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади, деган гап бор халқимизда. Бу нақлни қўшниларимиз ҳам билишса керак, деб ўйлайман.

Ҳар бир нарсанинг аҳамияти, сифати таққосда, қиёсда аниқроқ намоён бўлади. Юқорида келтирилган мисоллар ҳам юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг самаралари ҳақида тиникроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берса, ажаб эмас. Бугунги юртимизни мустақиллигимизнинг биринчи йилларидаги Ўзбекистон билан қиёслаш мумкинми? (Шўро даврида-

ги аҳволни-ку эсламай кўя қолайлик.) Ўша йилларда магазинларда, бозорларда нима бор эди? Бугун бир айланиб кўринг-а, товарнинг кўплиги, ранг-баранглигидан кўзингиз камашади. Ўзбекистон автомобиль чиқарадиган санокли мамлакатлардан бирига айланди. Эътибор бер-япсизми, шаҳару қишлоқларимизда, хусусан, Тошкент кўчаларида енгил машиналар кескин кўпайди. Бу нимадан далолат беради? Халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошаётганига мисол эмасми? Айниқса, ўзимизнинг «Нексия», «Тико», «Дамас»ларимиз кўзни қувонтиради, дилингда ғурур, фахр туйғусини кучайтиради.

Мамлакатимизда маънавиятга, кадриятларимизни, урф-одатларимизни тиклашга алоҳида эътибор берилаётгани ҳам ғурурингга ғурур кўшади. Бу масалада Юртбошимиз ташаббускор бўлаётгани ва бу соҳа доимо у кишининг диққат марказида тургани янада қувонарлидир. Сўнгги пайтларда бу борада бир неча муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. «Ўзбеккино» компанияси, Маънавият ва маърифат кенгаши, «Ўзбекнаво», «Ўзбекракс», «Ўзбектеатр» бирлашмалари, Бадий академия ташкил этиш ҳақидаги фармон ва қарорлар шулар жумласидандир.

Шу ўринда Президентимизнинг Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш ҳақидаги фармонини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Бундай академия тузиш учун бизда барча асослар мавжуд бўлиб, шўро даврида бунга беписандлик билан қараб келинди. Ўлкамизда нафис санъат қадим-қадимдан кенг ривожланган, унинг намояналарининг номи оламга таралган. Афросиёб, Далварзинтепа, Холчаён ва бошқа жойларда олиб борилган археологик қазилмалар, у ерлардан топилган ноёб санъат асарлари, буюк аждодларимиз яратган китоблардан бизгача етиб келган миниатюра-ларнинг ўзи ҳам бунга асос бўла олади. Камолиддин Беҳзоднинг номи, яратган нафис асарлари Шарқу Фарбада машҳурдир. Шу боис, янги ташкил этилган миллий рассомлик ва дизайн институтига бу алломанинг номи берилиши ҳам айтиш муддао бўлди.

Бадий академия дунё бўйича санокли мамлакатлардагина мавжуд. Мустақиллигимизнинг олтинчи йилидаёқ бундай академияга эга бўлишимиз мисли кўрилмаган улкан воқеадир. Бинобарин, бизда нафис санъатнинг

не-не турлари, шакллари бор. Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигининг ўзи қанча турларга бўлинади. Бундан ташқари, деворий суратлар, хайкалтарошлик, миниатюра санъатининг тарихи гоёт узокдир. Сўнгги асарларда тасвирий санъатнинг бир қанча жанрларида қанча-қанча бақувват асарлар яратилди, бир қанча етук санъаткорлар бўй кўрсатди. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам меҳнатига яраша кадр топдимми? Энг асосийси — бу асарларда миллийлик, миллий рух, миллий колорит нечоғлиқ аке этган эди? Қўлгина ижодкорларимиз ўзлари истаб-истамай миллийликдан чекинган эдилар. Бошқа илож ҳам йўқ эди-да. Том маънодаги миллий ижодкор ёхуд миллий асарнинг пешонаси ярқираши кийин эди. Хатто бирон-бир ижодкор ёки асар хусусида «чинакам миллий санъаткор, миллий асар» деб айтиш ёинки ёзиш ҳам осон эмасди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнггина бу гапларни эмин-эркин айтиб, ёзадиган бўлдик. Бундай ижодкорлар кадр топа бошлади. Юқорида аслаганимиз фармондаги қуйидаги жумлаларга эътибор беринг: «Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган, жаҳоний шухрат қозонган нафис санъатлар мактабларининг ноёб анъаналарини авайлаб-асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, миллий тасвирий, амалий, миниатюра санъатимизнинг нодир дурдоналарини дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий гурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида қенг фойдаланиш, замон талабларига мос бадиий таълим тизимини барпо этиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, академик илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш...».

Бу фикрлар юракни тўлқинлантириб юборади, айни чоғда нафис санъат ижодкорлари зиммасига улкан масъулият юклайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ҳамма соҳада ўзимизга мос йўл танлаб олинди. Биз жаҳон тажрибасидан ўрганишимиз, мутараққий давлатлар билан ҳамкорлик қиляпмиз, аммо ҳеч кимга эргашганимиз йўқ. Ҳар бир ишда, ҳар бир соҳада ўз йўлимиздан бормоқдамиз. Бу иқтисодда ҳам, сибсатда ҳам, ишлаб чиқаришу маънавиятда ҳам ўз аксини топаётир. Хатто бунёд этилаётган биноларнинг безакларига



қандай ранглар ишлатилишигача ахамият берилаётир. Буюк бобокалонларимиз ўз иншоотларида қанақа рангларни кўпроқ ишлатганлар? Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Тошкент ва бошқа шаҳарларимиздаги тарихий обидаларга эътибор беринг-а. Энди Тошкентда қад ростлаган Темурийлар тарихи давлат музейи безакларига қаранг. Ўхшашлик борми-йўқми? Бор! Тарихий обидаларимизда ҳам, Темурийлар тарихи музейида ҳам асосан мовий, яшил ва оқ ранг ишлатилган.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлагим келади. Мазкур музей бунёд этилаётганида Юртбошимиз бир неча марта ташриф буюриб, қурилиш жараёни билан атрофлича танишган, керакли маслаҳатлар берган эди. Ўшанда бошқа соҳалар қатори музей безаклари учун ишлатиладиган рангларга ҳам алоҳида эътибор қаратган ва Темури бобомиз раҳнамолигида бунёд бўлган биноларга ишлатилган ранглардан фойдаланишни тавсия қилганди. Булар, табиийки, яшил, мовий ва оқ ранглардир. Бинобарин, маълум маънода ранг ҳам халқнинг табиатини, феъл-атворини акс эттиради. Қолаверса, ҳар хил ранг одамга ҳар хил таъсир этади. Дейлик, мовий, яшил ранг кўзга ором беради, асабни тинчлантиради. Қизил эса, аксинча, кўзгатувчи, кўзни толиқтирувчи рангдир (Испанияда корридо деган ўйин бор. Ўша ўйинда буқаларга айнан қизил рангдаги мато тугилади.). Демак, мовий, яшил ранг халқимизнинг вазмин, босиқ, етти ўлчаб бир кесадиغان феълни ифодаласа, оқ ранг халқимиз кўнглининг ифодасидир. Байроғимизда ҳам асосан шу уч рангдан фойдаланилгани бежиз эмас.

Бадий академия, миллий тасвирий ва дизайн институти тузилганлиги ҳам ранглар билан ишлашни янада такомиллаштиришига ишонаман. Очиғини айтганда, бизда дизайн масалаларига кўп ҳам эътибор берилавермас, дизайн санъати йўқ даражада эди. Аслини олганда, шўро замонида дизайн у ёқда турсин, борини ҳам кўрсатишга кўрқардик-да. Эндиликда халқимиз дунёни кўрмоқда. Яшаётган уйи — майли у кичик ёки катта бўлсин — дид билан безатилишини истайди. Бу уйдаги гилами мебелани рангига ёхуд деразанинг пардаси девори рангига мос бўлсин дегани-да. Ҳаттоки, кийинишда ҳам бу нарса ўз ифодасини топади, қанақа костюм билан



қанақа рангдаги галстук тақиш ҳам одамнинг дидига боғлиқ. Бу ҳам қайсидир даражада дизайн деганидир. Умуман, санъатнинг бу турини ривожлантиришга катта эътибор бериш, малакали кадрлар тайёрлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бугун жаҳоннинг илғор мамлакатлари билан борди-келди қилаётган эканмиз, ҳар бир ишда, юриш-туришу кийинишда ҳам дид, фаросат билан иш кўрмоғимиз лозим...

Қисқаси, фахрлансак, ғурурлансак арзийдиган воқеалар, сабаблар кўп. Энг асосийси, тинчлик-хотиржамлик, осойишталикдир. Зотан, юрти тинч, дили хотиржам халқнинг кўнглига тўй, хурсандчилик сиғади. Шукрлар бўлсинки, юртимизда тўй устига тўйлар бўлмоқда. Бу мамлакат миқёсидаги шодиёналарга ҳам, хонадонларимизда бўлаётган тўйларга ҳам тааллуқлидир.

Истиклолинг ўзинг каби боқий бўлсин, халким!

2001 йил

### **СЕНГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ, НЕВАРАМ**

Бу мақоланинг ёзилишига олти ёшли неварам Муҳаммаднинг бир гапи сабаб бўлди.

Шукурки, мустақилликка эришганимиздан буён буюк бобомиз Амир Темур таваллудини нишонлаймиз. Тошкентда, Самарқандда, Шаҳрисабзда у кишининг ҳайкали пойига баҳор чечакларидан кўйилади. Бу улур аждодимизнинг амалий фаолияти ҳам, ёзиб қолдирган ўғитлари ҳам биз учун дастуриламал вазифасини ўтайди, десак хато бўлмас...

Одатдагидек, бу йил ҳам 9 апрель куни Тошкентнинг Амир Темур хиёбони эрталабданок гавжум бўлди. Мен шу тадбирга бориш учун отланаётганимда неварам сўраб қолди:

— Бугун дам олиш куни-ку, қаёққа борасиз?

— Тўғри айтасан, — дедим мен, — бугун дам олиш куни, боғчанга бормаيسان. Сен бемалол ухлайвер. Мен эса бир жойда ишим бор, шу ёққа бориб келаман.

Бола бола-да, бир нарсага қизиқдимми, охирига етмагунча тинчимайди.

— Қаерга борасиз? Қанақа ишингиз бор?

Ноилож айтдим.

— Бугун Амир Темур бобонинг турилган куни. Унинг хайкали пойига гул кўйилади. Мен шунга боришим керак.

Неварам ётган жойидан сапчиб турди.

— От миниб турган хайкали олдидами?

— Ха, худди ўша ерда.

— Менам бораман... Мениям олиб боринг... Кейин музейга кирайлик.

Нима қиларимни билмай, ўйланиб қолдим. Олиб бораё деса, кўпчиликнинг ичида ёш болани етаклаб юриш қандай бўлар экан? Олиб бормаё деса, у аллақачон юз-кўлини ювиб, кийимларини кия бошлади... Майли, шунчалар қизиқяптими, демак, олиб боришим керак...

Амир Темур хайкали олдида олимлар, шоирлар, ёзувчилар, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, оксоқоллар тўпланишган. Бундай тадбирга неварамни олиб келганим учун кимдир менга ажабланиб қаради, яни кимдир эса «Кўп яхши қипсиз, ҳозирдан юрагига сингдиб боради», деди. Атоқли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов бундай деди:

— Сизни мажбур қилиб бу ерга келган бўлса, неварангиз ажойиб йигит экан, — Абдулла ака неварамнинг бошини силаб эркаларкан, сўзида давом этди. — Аслида Темур бобомизнинг ҳақиқий неваралари мана шулар. Чунки буларнинг онги тоза, фикри тиниқ. Сизу биз қайсидир даражада шўро тузуми захрини чекканмиз. Илло, ўша даврда дунёга келиб, ўша тузум одатлари бўйича эсимизни таниганмиз. Шу боис конимиздан ўша тузум асоратларининг чиқиб кетиши осон эмас. Минг шукурки, мана булар у даврни, унинг дахшатларини фақат китоблардан ўқийди, сизу бизнинг ҳикояларимиздан эшитади. Шунинг учун булар бахтли авлод вакиллари.

Бу гапларни Абдулла ака тўлқинланиб, ҳаяжон билан айтди. Атрофдаги олиму шоирлар ҳам жим бўлиб эшитишди. Ҳамма жиддий кифада, фақат меннинг неварам қувноқ кайфиятда эди.

Ваъдага биноан неварамни Темурийлар тарихи давлат музейига ҳам олиб кирдим. Унинг саволларига иложи борича соддароқ, болалар тушунадиган тилда жавоб беришга ҳаракат қилдим.

Ўша воқеалар сабаб бўлди-ю, яқин ўтмишимиз, мен тенгиларнинг болалик йиллари, истиқлолимиз ҳақида яна бир бор ўйга толдим.

Биз болалигимизда, ўсмирлик ва ёшлик чоғларимизда кимларнинг ҳайкали пойига гуллар қўйганмиз?! Кимларни бобо деб тилимиз чиққан? Кимнинг сурати туширилган нишонларни ардоқлаб кўксимизга таққанмиз? Ўша йилларда бугунги кун келишини ким хаёлига келтирган эди?! Ҳар йили тўққизинчи апрелда буюк бобомизнинг таваллуд кунини нишонлаш ҳақида ўйлашнинг ўзи дахшат эди-ку?! Аслида Темур бобомиз туғилган кунини ҳам аниқ билмас эдик. Унинг ўрнига юртимиз, халкимиз ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган серсоқолу кўса «дохий»ларнинг туғилган кунини байрам қилардик. Уларнинг таржимаи холини сувдай билардик, билишга мажбур эдик.

Эсимда, тўртинчими-бешинчи синфда ўқиб юрган кезларим, бир куни отам билан гаплашиб қолдик. Шунда гап тарих, хусусан, Амир Темур тўғрисида кетди. Отам раҳматли оғир тин олиб, Амир Темур ҳақида анча гапирган эдилар. Темур кўп улуг инсон бўлган... Лекин ҳозир замон шунақа, ўрлим. Вақтсоати келиб ўзинг ҳаммасини билиб оласан... Эҳтимол, бир замонлар келиб ўтмишимиз ҳақидаги бор гап борлигича айтилар, деганлари ҳамон эсимда. Отам шўро давлатининг аччиқ-чучугини тотган, ҳатто бир неча ой, халқ тили билан айтганда, шўронинг «курорти»ни ҳам кўрган эдилар. Шулар сабабли бизга оғзимизга эҳтиёт бўлишимизни, деворнинг ҳам қулоғи борлигини кўп тайинлар эдилар.

Афсуски, отам бу кунларга етмадилар...

Бу гапларни эслашимдан мақсад — истиқлолимизнинг тўққиз йиллиги арафасида ўтмишимизни таҳлил қилишимиз, ундан тегишли хулосалар чиқаришимиз зарурлигидир. Бинобарин, мустақилликнинг, озод ва эркин яшаш неъматининг қадрига етиш учун ҳам ўтмишни эсдан чиқариб бўлмайди. Зеро, ҳамма нарса қиёсларда янада тиниқлашади.

Мустақиллик — бу, аввало, ўз юртинга ўзинг эгаллик қилишинг, демакдир. Ўз Юртбошингни ўзинг сайлаб олишинг, демакдир. Ҳаммамизнинг эсимизда — шўро даврида бир туман раҳбарини ҳам Москванинг

рухсатисиз тайинлаш мумкин эмас эди. Оддийгина бир мактаб ёхуд борча қуриш учун ҳам узок-узоклардаги марказнинг ижозати зарур эди.

Бу гаплар ҳозирги авлодга, аҳтимол, эртак каби туюлар (ўша даврлар биз учун эртакка айланиб қолгани рост бўлсин), аслида шундай эди. Эндиликда мамлакат миқёсидаги раҳбарлардан тортиб энг кичик раҳбарларгача ўзимиз сайлаймиз, ўзимиз тайинлаймиз. Юртимизнинг қайси шахрию қайси қишлоғида нима қуришни ўзимиз ҳал қиламиз. Қайси бир тумanning узок бир қишлоғида мактаб қуриш учун бу қишлоқ у ёқда турсин, ўша туман, ҳаттоки вилоят ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган, юртимиздан неча минг километр узокда жойлашган шаҳарнинг аллақайси идорасидаги қандайдир кимсанинг эшиги олдида сарғайиб ўтирардик. Бугунги шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасига бир эътибор беринг-а? Тошкентда бунёд этилган бир-биридан гўзал, замонавий меҳмонхоналарни эсланг. Биз дунёда шунақа меҳмонхоналар бўлишини ҳам билмас эдик. Шўро тузумига хос, аслида ётоқхонадан деярли фарқ қилмайдиган меҳмонхоналарни меҳмонхона, деб ўйлаб юрган эканмиз. Оксарой қароргоҳини, Тошкент шаҳар ҳокимлиги биносини, Марказий банк, Миллий банк, Олий Мажлис биноларини, Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги миллий борни, «Шахидлар хотираси» мажмуини, Қўйлик ва Юнусободдаги кўприкларни, катор бозорларни эсланг. кўз олдингизга келтиринг. Яна қанча-қанча бору роғлар, кўчалар, хиёбонлар. Уларнинг ҳаммаси атиги олти-етти йил ичида бунёд этилди. Энг муҳими — буларнинг ҳар бири ўзига хос мўъжиза, халқимиз қудрати ва даҳосининг амалий ифодаси.

Инсон ақлини шоширадиган бундай ишпоотлар наники пойтахтимизда, балки мамлакатимизнинг барча вилоятларида қад ростламоқда.

Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда бунёд этилган қўшма корхоналарни эсламай бўлмайди? Асика ва Самарқанддаги автомобиль заводлари, «Қаштекс», Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи, шунга ўхшаш ўнлаб йирик қўшма корхоналар, улар чиқараётган маҳсулотлар истиқлолимиз самираси сифатида қалбимизни фаҳр ва ифтихор туйғуларига

тўлдиради. Ўзбекистон машиналари эндиликда наинки юртимиз, балки қатор чет эл мамлакатлари кўчаларида ҳам юрганини кўрганда, шу тупроқ фарзанди сифатида киши қалби ҳаприқиб кетади. Шундай кунларга етганинг учун шукроналар келтирасан киши.

Бу воқеалар бугун оддий ҳақиқатга айланди. Аслида эса булар ёш ўзбек давлатининг одимлари нечорли залворли эканидан далолатдир.

Тилга олинган ютуқлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб борилганининг самарасидир. Президент Ислом Каримов ишлаб чиққан машҳур беш тамойил нақадар ҳаётий эканлиги йил сайин, ой сайин ўз тасдиғини топаётир. Ва бу ҳақиқат Ўзбекистоннинг ўзига хос тараккиёт йўли борлигини, уни ўз Йўлбошчиси раҳбарлигида аниқ белгилаб олганлигини исбот этмоқда. Буни кўпгина хорижий давлатларнинг мутахассислари, раҳбарлари аллақачон эътироф этганлар. Бугун Ўзбекистон нафақат дунё харитасида, айни чорда жаҳон ҳамжамиятида ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга. Эндиликда Ўзбекистонни, ўзбек халқини, унинг Йўлбошчисини дунё билади, танийди. Мен ўзим бунга бир неча бор гувоҳ бўлганман. 1999 йилнинг ноябрь ойида ўзбек киноҳужжатчилари яратган «Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» деб номланган кўп қисмли фильмни Германия, Бельгия ва Францияда тақдимот маросимларини ўтказдик. Ушбу мамлакатларнинг сиёсатчилари, иқтисодчилари, давлат ва жамоат арбоблари фильмни кўриб, Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратига яна бир қарра тан бердилар, ўзларининг ҳаяжон ва ҳавасларини очиқ-ойдин баён қилдилар. Ўша сафар кунлари Париж шаҳрини томоша қилиш асносида Монмартр тепалигига чиқдик. Шунда бир рассом қаердансизлар, деб сўради. Ўзбекистондан, дедим. «О, Ўзбекистон! Президент ... Каримов!» деди халиги рассом. Париждай шаҳри азимнинг дунёга машҳур Монмартрида сурат чизиб, ўз ишини пуллаш гамида ўтирган оддий рассом Президентимиз номини билса, ҳаяжон билан айтса — фурурланмай бўладими? Ўн-ўн беш йил олдин бирон-бир ўзбек хорижга, хусусан, Европага бориб қолса-ю, мен Ўзбекистонданман деса, европалик бу юртни, бу халқни билармиди?



«Покистон? Хиндистон?» деб қайта-қайта сўрар эди. Кўраяпсизми, бутун бир халқ, шундай бир қатта мамлакат кимнингдир соясида қолиб кетган эди. Эндилликда Ўзбекистонни, ўзбек халқини европалик мутахассислар, давлат раҳбарларигина эмас, оддий одамлари ҳам билади, эътироф этади. Биласиз, европаликлар ҳеч бир халқни, ҳеч бир давлатни шунчаки, дунёда шунақа миллат ҳам бор-ку, деб тан олмайди. Қачонки муайян халқ ёки давлат халқаро миқёсда ўз қудратини (иктисодий, сиёсий, маданий ва ҳақозо жиҳатлари) намоеън эта олсагина улар ҳам эътироф этади ва ўша давлат билан ҳамкорлик қилиш учун қўл чўзади.

Ўзбекистон қисқа даврда ана шу нуфузга эга бўлди. Шу боис ҳам уни жаҳон, жумладан, Европа тан олди, ҳамкорлик қила бошлади. Бинобарин, бу ҳамкорлик аллақачон ўз натижаларини бераётир...

Олий ўқув юртида ўқиганимизда тарихда шахснинг роли, деган бир тушунча бўларди. Бу тушунчани ким қандай тушуниши, талқин этиши, албатта, алоҳида масала ва у ўз йўлига. Лекин шахснинг, хусусан, раҳбар шахснинг ўрни ва роли миллат, халқ, бутун бир давлат тарихи, тараққиёти учун алоҳида аҳамиятга молик. Муайян бир мамлакат ҳар қанча бойликка (ер ости, ер усти, маданий ва маънавий) эга бўлса ҳам, халқнинг ақлий салоҳияти ҳар қанча кучли, қудратли бўлса ҳам, агар ўша юртга ақл-идрокли, фикр доираси кенг, энг асосийси, ўз миллатига, киндик қони тўкилган заминга фидойи, унинг истикболи йўлида ҳар нарсага тайёр тура олишга қодир инсон раҳбарлик қилмаса, бундай юрт инқирозга юз тутуши ҳеч гап эмас. Бунга тарихдан қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Чунки юқорида биз санаган фазилатлардан холи инсон етакчилик қилса, табиийки, у фақат ўз маънавиятини ўйлайди, давринг келди, суриб қол, деган ақидага амал қилади. Хусусан, мамлакат бир тузумдан бошқа тузумга ўтаётганда раҳбарга кўп нарса боғлиқ. Бундай пайтда халқни тўғри йўлга бошлай оладиган, турли олди-қочдиларга, ифвою фитналарга учмайдиган, узоқни аниқ кўра оладиган, қатъиятли йўлбошчи керак бўлади. Худо ёрлақанган халққа ана шундай етакчи беради.

Шу маънода, халқимизни Аллоҳнинг ўзи ёрлақан. Зеро, саксонинчи йилларнинг охири ва тўқсонинчи йилларнинг бошида юртимиз, халқимиз бошидан не не воқеалар кечди. Ана шу мураккаб вазиятлардан халқимиз эсон-омон чиқди. Ўзини муҳолифат деб юрган, аслида эса ҳокимиятга интилишдан ўзга нияти бўлмаган кимсалар қутқусидан халқимиз омон қолди. Булар шубҳасиз, Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг доно сиёсати, матонати ва жасорати самарасидир. Истиқлолга эришиш осон иш эмас, албатта. Бироқ қўлга киритилган истиқлолни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ундан кўра мураккаброқ. Ана шу мураккаб масаланинг назариясини ишлаб чиққан, уни амалга оширишнинг асосий йўллари аниқ белгилаб берган, керак бўлса, назоратчиси ҳам Ислом Каримов!

Бундай улугвор, бетакрор ишлар рўйхатини яна кўп давом эттириш мумкин. Зотан, юртимиздаги ўзгаришларни халқимиз кўриб, хис қилиб турибди. Айни чоғда атрофимиздаги бошқа давлатларда рўй бераётган воқеалар ҳам кўз ўнгимизда, уларни ҳар куни кўриб, эшитиб турибмиз. Худо кўрсатмасин, саксонинчи йилларнинг охири ва тўқсонинчи йилларнинг бошида кечган воқеалар пайтида (лоқаал Ўш, Фарғона, Наманган, Бўка, Паркент воқеаларини эслайлик) Ислом Каримовдан бошқа раҳбар бўлганда халқимизнинг холи не кечар эди? Хатто ҳозир ўйласа ҳам одамнинг эти увишиб кетади. Яна айтаман, халқимизнинг бахти, омади бор экан — шундай мард, жасур, доно, катъиятли, юрт учун, халқи учун ҳамма нарсага тайёр тура олишга, бошқаларни ҳам шунга даъват этишга қодир инсон раҳбар бўлди юртимизга.

Ислом Каримовдан олдин ҳам анча-мунча раҳбарларни кўрганмиз. Майли, уларнинг даври бошқача, сиёсати ўзгача эди. Буни тушунамиз, албатта. Лекин мен бошқа нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман (ўтганларни ёмонлаш осон-да, деб ўйламанг). Ўша раҳбарларнинг аксариятида сўз билан иш бирлиги кам эди. Ислом Каримов эса раҳбарнинг, наинки раҳбар, балки ҳар бир инсоннинг сўзи билан иши битта бўлиши лозимлигини амалда исботлаб келмоқда. У киши айтган гаплар билан ўзининг фаолиятини солиштириб кўринг-а? Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак. Бу Йўлбошчимизнинг

гапи, уни айтганига бир неча йил бўлди. Шу юрт, шу халқ тақдири, келажаги учун ёниб яшашнинг энг юксак намунаси Юртбошимизнинг ўзи эмасми?!

Ислом Каримов Юртбоши сифатида бошқалардан — хоҳ раҳбарлар бўлсин, хоҳ оддий одамлар бўлсин — нимани талаб қилса, ўшанга, аввало, ўзи амал қилади. Миллий ғурур, ўзликни англаш, бошқа миллатлардан кам бўлмаслик ҳақида кўп гапиради Юртбошимиз. Зотан юрагида ғурури йўқ, ўзлигини англаб етмаган, бирон-бир хорижликни кўрса довдираб қоладиган одамдан нима кутиш мумкин? Президент юртимизнинг ҳар бир фуқаросидан ғурурли, ор-номусли, кимларнинг фарзанди эканимизни теран англашни ва ўша аждодларимизга муносиб бўлишни, айтиб чоғда халқаро миқёсда фикрлашни талаб қилади, ҳаммани ана шундай кўришни истайди. Бунинг учун одамларнинг онги, дунёқараши, фикрлаш тарзи ўзгармоғи керак. Миллий мафкура, миллий ғоя, маънавият ва маърифат, буюк аждодларимизнинг меросини чуқур ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Бугун халқимизнинг онги, дунёқараши, фикрлаш тарзи мутлақо бошқача, бундан ўн йил олдинги ўзбек билан бугунги ўзбекнинг орасида катта фарқ бор. Халқимиз эндиликда истиқлолнинг туб моҳиятини англаб етди. Шу боис ҳам гоҳо-гоҳо учраб қоладиган баъзи бир ғаламисларнинг ифвосига учмайди. Шу юртнинг, шу Ватанининг келажагига астойдил ишонади. Президентимиз ўртага ташлаган «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган гапнинг асл маъносини билади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон яқин келажакда буюк давлат бўлишига шубҳа қилмайди. Қолверса, юртимизнинг буюк давлатлар сафидан тезроқ ўрин олиши шу мамлакат фуқароларига боғлиқ эканини, ташқаридан ҳеч ким келиб бизнинг оғиримизни енгил қилмаслигини, муаммоларимизни ечиб бермаслигини билади.

Ана шу тушунча юртимиз тараққиётининг асосий омилларидан бири, десак янглишмаймиз...

Сенга ҳавасим келади, неварам! Чунки сен озод юртда дунёга келдинг. Бугун борчада, эртага мактабга борсанг, ўзингнинг чинакам боболаринг тарихини ўрганасан. Шу озод юртнинг мадҳиясини айтасан. Дунёнинг турли мамлакатларида, Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти ва бошқа катор халқаро ташкилотлар олдида Ватанинг байроғи хилпираб турганидан ғурурланасан. Гербимизда акс этган бахт қуши — Хумо барча ўзбек каби сенинг ҳам бошингга қўнганидан севинасан. Мактабингда умрингда лоақал бирон марта кўришинг гумон бўлган, бу юртдан жуда узоқларда яшайдиган «дохий»нинг сурати эмас, балки ўзинг яхши танийдиган, телевизорда кўрсанг «ана, Президент Ислон Каримов», деб менга кўрсатадиганинг — ўз Йўлбошчинг сурати бўлади. Мен ишонаман, сен, албатта, ўз Юртбошинг билан кўришиш бахтига муяссар бўласан. Яна бир нарсага ишонаман ва Яратгандан сўрайманки, сен Ислон Каримов орзу қилган кунларни — Ўзбекистон буюк давлат даражасига етган ўша муборак дамларни ҳам кўрасан. Мустамлакачилик, истибдод деган тушунчаю тузумларни фақат китоблардан ўқийсан, киноларда кўрасан илло, уларни ҳаётда сира кўрмагайсан...

Ҳа, сенга ҳавасим келади, неварам!

2000 йил

## ГУНОҲИ АЗИМ

Болалик йилларимни эслайман.

Эллигинчи йиллари. Ўша пайтда бизнинг кишлоқларда аҳолининг аксарият қисми арпа унидан қилинган нон ерди. Бурдой нон кам, биз, болалар тенгдошларимиздан биронтасининг кўлида оқ нон (бурдой нон) кўриб қолсак, ҳавас билан, оғзимиз суви қочиб термилардик. Арпага ўхшаш ўт бўларди, бизда уни «тактак» деб аташарди, шу ўтдан нон пишириб еганларни ҳам биламан. Ўша йиллари, катталарни билмадим-у, биз — болаларнинг орзуимиз оқ нонга тўйиш эди.

Аста-секин ҳаёт изга туша бошлади. Бурдой нонлар кўпайди, ҳеч ким арпа ундан нон пиширмайдиган бўлди.

Олтмишинчи йилларнинг ўрталарида яна нон тортилди. Энди бурдой нон ўрнига маккажўхори, ҳатто нўхат унидан нон пишириладиган бўлди. 1964 йилнинг октябрида ҳокимият ўзгариб, маккажўхори унидан тайёрланадиган нонларга барҳам берилди. Нон етиштиришга алоҳида эътибор берилди бошлади. Инсоф билан айт-



ганда, етмишинчи йилларда нон ва нон маҳсулотлари жуда маъмур бўлди. Худди мана шу йиллари, назаримда, нонни хор қилиш, унга ўта бефарқ караш бошланди. Одамлар молини ҳам нон билан боқадиган бўлиб қолдилар. Ахлат яшиқларига бутун-бутун нонлар чиқариб ташланарди ўша йиллари. Тўйларда, бошқа маросимларда нон чиқиндилари шу қадар кўпайиб кетдики, нонлар шу қадар исроф қилиндики, очиги буни сўз билан ифодалаш оғир. Дастурхон тўла нон турди, битта янги меҳмон келса иккита нон келтириб қўйилади. Синдирилган нондан бир тишлам ейилса ейилади, бўлмаса йўқ, лекин янги меҳмон келса яна бутун нон синдирилаверади. Катталар ҳам, болалар ҳам сал суви қочган нонни емай қўйдилар. Нонни қуритиб, нонқоқ қилиб қўйиш деган гапларни айтиш ҳам уят эди.

Ўша пайтларда раҳматли отам нафақа олардилар. У киши жамоа хўжалиги бригадирлигидан тортиб раисликкача ишлаганлар. Сухбатлар чоғида инсоф, диёнат, адолат, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмаслик, исрофгарчиликнинг хунук оқибатлари ҳақида кўп гапирардилар. Ўзлари кўрган, эшитган воқеаларни мисол қилиб келтирар эдилар.

— Замонамиз тўқ, фаровон бўлгани қандай яхши, — дердилар отам. — Аммо шу тўқинликнинг қадрига етмаймиз, ўрлим. Ҳозир ҳамма жойда тўй. Бу тўқчиликдан нишона. Лекин шу тўйлардаги, ҳатто маъракалардаги исрофгарчиликни кўриб, одамнинг ичи ачийди. Қанча-қанча нонлар, овқатлар увол бўлаяпти. Урушдан олдинги очарчилик йилларида, уруш даврида одамлар бир тишлам нонга зор бўлдилар. Нон учун, ўлиб қолмаслик учун одамлар не-не қабих ишларга қўл урмаганлар. Ҳатто ўз боласини ўлдиришгача борганлар бўлган... Э, ўрлим, айтаверсам адо бўлмайди. Шунинг учун бугунги исрофгарчиликларни кўриб қуйиб кетаман-да. Ишқилиб охири бахайр бўлсин. Бир кун келиб шу қилмишларимизнинг уволига қолмасак, деб қўрқаман, болам.

Социалистик тузумнинг охириги йилларида, яъни 80-йилларнинг бошларида озиқ-овқат, хусусан, нон тақчиллиги рўй берди, нарх-наво ошиб кетди. Балки бу ўша исрофгарчиликларнинг жазоси бўлгандир.



Харқалай, дўконларнинг пештахталари бўшаб қолгани аниқ.

Бу — масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи бир жиҳати борки, кўпчилик тайёрга айёр бўлиб қолган эди. Эсимни танибманки, қишлоғимизда одамлар нон сотиб олганини билмайман, ҳамма уйда нон пиширарди. Хар қишлоқда биттадан, катта қишлоқларда икки-учтадан тегирмон бўларди. Бурдой тортириб келиш биз болаларга завқ бағишларди. Тегирмонга сув берадиган ариқлар хар йили ҳашар йўли билан қовланиб, тозаланар эди. Тегирмоннинг новидан сувнинг шитоб билан тушиши, паррагининг айланиши кишида ажиб бир кайфият уйғотарди. Соатлаб уларга термилиб завқ олганим, турфа хаёллар сурганим ҳали ҳамон эсимда. Афсуски, улар энди туш каби, эртақ каби олис-олисларда қолди. Ўша тегирмонлар, улар атрофидаги қанча-қанча серҳосил ерлар, сон-саноксиз мевали-мевасиз дарахтлар, айниқса, ҳиди ҳув олислардан димоққа гуп этиб урувчи, халқимиз иккинчи номимиз, деб атаган жийдалар сув омбори тагида қолиб кетди. Балки давр тақозоси билан сув омбори ҳам керак бўлгандир, аммо унинг фойдасию зарари қанчалар фарқ қилишини билмадим. Бизнинг эски қишлоғимиз шу сув омборининг ўрнида эди. Демак, менинг, менга ўхшаган юзлаб одамларнинг қиндик қони тўкилган хонадонлар (бу ерда тўғри маънода айтаяпман, чунки у пайтларда қишлоқ аёллари туғруқхоналарга боришмаган) сув остида қолди. Осмондай кенг, осмондай беғубор болалигимни сув босиб кетгандай туюлаверади менга. Хар гал қишлоққа борганимда сув омборига алам, изтироб ила термиламан. Қирғоқда туриб сув омборининг маълум жойларига қарайман-да, ўзимча ҳув анави жойда бизнинг уйимиз бўлган, ана у ерда тегирмон бор эди, бизлар ҳув наридаги заяқда мол боқардик, унинг ёнидан ўтадиган тегирмон ариғидан балиқ тутардик, ана у тарафдаги чимзорда чиллик ўйнар эдик, деб хаёл сураман. Гоҳо денгиздай чайқалиб ётган сув омборига қараб «Болалигим ўтган ерларни, қишлоғимнинг лойсувоқ уйларию тупроқли кўчаларини қайтариб бер!» деб бақиргим келади. Дарвоқе, сувнинг остида фақат қишлоғу экин ерлари эмас, қабристон ҳам қолиб кетди. У ерда бизнинг аجدодларимизнинг

хоки туроби бўлган. Уларни бульдозерлар суриб ташлади. Ўша кунларни, ўша воқеаларни эслашга юрагим чидамайди...

Отам раҳматли магазин нонининг ўзи бўлмайди, дердилар, Очиғи, ўша пайтда бу гапнинг маъзини тушунмас эдим. Кейинчалик билсам бу гапнинг тагида қатта ҳикмат, чуқур маъно бор экан. «Ғози» деганда қуввати (калорияси) тушуниларкан. Чинданам тегирмонда тортилиб, уйда пиширилган нондан тановул қилсангиз, кучли овқат егандай тўқ юрасиз. Бу билан мен нон заводларида пиширилган нонларнинг ҳаммасини сифатсиз демоқчи эмасман, тандир нонининг хуштаъму қувватли эканини таъкидлаб ўтмоқчиман, холос. Тўғри, тегирмонда тортилган ун магазиндаги унлардан, хусусан, олий навли ундан кўра кўримсизроқ, яъни хирароқ. Бироқ юқорида айтганимдай, нони қувватли, тўйимли бўлади.

Тегирмонда буғдой торттирган одамнинг уйида озми-кўпми ғалласи туради. Уйда локал икки-уч қоп буғдойи бўлган одамнинг кўзи тўқ, кўнгли хотиржам юради.

Шу нуқтаи назардан караганда, ўтган йили Президентимизнинг фармони билан ҳар бир оиллага буғдой таркатилгани кўп хайрли иш бўлди. Аммо, афсуски, фармон ҳамма жойда ҳам бирдай бекаму кўст бажарилгани йўқ. Айрим хўжаликларнинг раҳбарлари бу ишга енгил-елпи қарадилар, оқибатда одамларга ғалла берилмади. Бу гапга «Ҳа энди, тегирмон бўлмагандан кейин буғдойнинг нима кераги бор», деб жавоб берувчилар ҳам топилади. Аввало фармон чиққандан кейин уни бажариш шарт, ҳар бир оила аъзоларининг ўзлари билладилар буғдойни нима қилишни. Қолаверса, бугунги шароит, вазият иложи бўлса ҳар бир кишлоқда тегирмон очишни тақозо этмоқда. Бунинг учун маҳаллий раҳбарлар сал кўзларини очиши, атрофга назар солиши зарур.

Яна бир мулоҳаза. Нон заводларининг аксарияти ҳамон эскича қолипда ишламоқда, яъни бир вақтлар ўрнатилган моделлар бўйича чиқарилади нонлар. Менимча, бу нарсани ҳам бугунги кун талаби асосида кўриб чиқиш лозим. Аввало, оби нонлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш даркор. Ундан кейин бухан-

каларни ҳар хил ҳажмда чиқариш мақсадга мувофиқ. Ҳозир икки кишилик оила ҳам, тўрт кишилик оила ҳам бир хилдаги буханкани олади. Яримта нон олишга эса бизнинг халқимиз одатланмаган. Шу боис кичик-кичик буханкалар чиқарилса анча қулайлик яратилар, муҳими нонни исроф қилишнинг бир қадар олди олинар эди.

Демак, нонни асраш, уни исроф этмаслик учун барча чораларни кўриш зарур. Ҳар ёққа «Нонни исроф қилманг», деган шиорларни осиб қўйган билан бу ниятга етиш қийин. Амалий ишга ўтиш керак. Айтайлик, маҳаллаларда, қишлоқларда тўйларни, маъракаларни камхарж қилиб, исрофгарчиликка йўл қўймай ўтказишни таъминловчи, айтиш мумкинки, назорат қилувчи оқсоқоллардан иборат кенгашлар тузилса. Улар тўйларда, бошқа маросимларда тахминан қанча нон кетишини белгилаб берсалар, кимки шунга риоя қилмаса жарима тўласа. Жаримадан тушган пул маҳалла ёки қишлоқни ободонлаштириш ишларига, етим-есирларга, мухтож оилаларга, шифохоналарга берилса.

Шу ўринда тўйлар ҳақида жиддий ўйлаб кўриш зарурлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бинобарин, ортиқча харажатлар, кераксиз борди-келдилар тикилиб ётипти. Очиги, буларнинг кўпчилиги на мусулмончиликка, на халқимизнинг миллий урф-одатларига тўғри келади. Шулардан биттасини айтмоқчиман. Қуда-андалар бир-бирлариникига тоғора-тоғора нарсалар юборишларини ҳаммамиз биламиз. Бир куни таниш-билишу қариндош-уруғлар даврасида шу ҳақда гап кетди. Мен ниҳоятда ҳафсалам пир бўлиб, биров қудасиникига йигирмата тоғорада нарса юборипти, деб нолидим. Аслида мен айтган гап ҳолва бўлиб чиқди. Даврада ўтирганлардан бири менинг устимдан кулган каби «Йигирмата нима бўпти, мен яқиндаги ҳайитда қудамникига қирқта тоғора юбордим», деб қолди. Энг даҳшатли жойи шундаки, қуда тараф ўша қирқта тоғорага яна камида учта-тўрта тоғора қўшиб қайтарар экан.

Энди айтинг, бу қайси рисолага, қайси урф-одатга тўғри келади? Мусулмончиликнинг бирон-бир қонун-қондасида айтилганми шунча тоғорада нарса юбориш керак деб? Менимча, ҳеч бир жойда йўқ бу гаплар. Шундай экан, қаердан келиб қолди бу одат? Бир-

иккита бели оғримай пул топган бойваччалар ўйлаб топган «яхши одат» бу аслида. У аста-секин, мен сендан камми қабилда оммалашган. Лайлакка тақлид қилиб чумчукнинг бути йиртилибди, дейдилар. Шунга ўхшаб ўша бойваччалардан қолмай, деб ўртача ёки бундайроқ яшайдиганларга кийин бўлди. Ўн ил уйлантириб ёхуд кизини чиқариб олгунча қулоғига қарзга ботиб қолаверди. Айтай деса дарди ичида, элдан қолиш уят. Халқимизда уят ўлимдан қаттиқ деган, накл бор. Шуларни кўриб-билиб юрган маҳалла фаллари, оқсоқоллар нега индашмайди? Дин пешволари, уламолар нима учун бундай ишлар савобдан кўра кўпроқ увол эканлигини тушунтирмайдилар? Ахир ўша тоғоралар бўш бориб, бўш қайтмайди-ку. Уларда нон ва нон маҳсулотлари бўлади. Бу нонни, овқатни хор қилиш эмасми?! Одам шу йўл билан обрў топадимиз?

Бу воқеалар бир-икки йил олдинги гаплар, албатта. Лекин шу одатлар ҳозир барҳам топганига ишонгим келмайди. Чунки яқинда бир-икки жойга турли маросимларга бориб шу фикрга келдим. Шунинг учун нонни исроф қилмасликни, уни энг азиз, табаррук неъмат сифатида қадрлашни бир ёклама олиб бориб бўлмайди, уни комплекс равишда ишлаш, шунга бевосита, ҳатто бавосита алоқадор ишларни ҳам назорат остига олиш, тартибга тушириш учун курашиш зарур. Токи ҳеч қачон нонга зор бўлмайлик. Қолаверса, ҳар қанча тўкин-сочинлик, маъмурчилик бўлганда ҳам нонни увол қилмасликни, исрофгарчиликка йўл қўйиш фаросатсизлик, одобсизлик, маданиятсизлик, бир сўз билан айтганда, гуноҳи азим эканини етти яшардан етмиш яшаргача — ҳар бир одам тушуниб етсин. Шундагина ризқу рўзимиз бўлган ноннинг ушори ҳам исроф бўлмайди.

Ҳарқалай мен шундай, деб ўйлайман.

1992 йил



## **БИРНИ КЎРИБ ШУКУР ҚИЛ...**

### **Ҳиндистон сафаридан кейинги ўйлар**

Ёшлиқдаги дўстларимдан бири келиб қолди.

— Қайси куни ишхонангга қўнғироқ қилсам, сафарга кетган, дейишди. Яхши бориб келдингми? Қаерга бординг ўзи?

— Тўғри, — дедим мен, — хизмат сафари бор эди. Ҳиндистонга бориб келдим.

Дўстим ажабланди:

— Худди Хоразмга бориб келгандай бемалол гапирасан-а, — деди у хаяжонланиб, — Ҳиндистонга борибсан-у, пинагингни бузмайсан-а.

Дўстимнинг бу гапи мени ажаблантирди.

— Бугунги кунда Ҳиндистонга бориб-келишнинг нимаси ваҳима?! Ўзинг айтгандай, Хоразм ёки Фарғонага бориш билан Ҳиндистонга бориб келишнинг ҳеч фарқи йўқ.

— Тўғри-ю, ҳарҳолда-да, — деди дўстим бир оз ҳовуридан тушиб, — Нима бўлганда ҳам чет эл...

Ҳа, нима бўлганда ҳам чет эл..

Мамлакатимиз вилоятларига бориб-келиш билан бирон-бир давлатга боришнинг фарқи унинг чет эл эканида, яъни айрим ҳужжатлар зарурлигида, Бошқа жиддий фарқи йўқ. Қолаверса, бугун наинки Ҳиндистонга, балки дунёнинг истаган давлатига — Америкагами, Германия, Англия, Франция, Япониягами бориш унчалик катта муаммо ёки муҳим воқеа эмас.

Бир оз чўзилган мукаддимани нима учун келтирдим: истиқлол берган имкониятлардан бирини таъкидлаш. Бошқача айтганда, истиқлолга эришганимиздан сўнг бутун дунёга йўл очилди. Бугун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлари Тошкентдан тўппа-тўғри дунёнинг не-не мамлакатларига учмоқда. Шўро даврида Ўзбекистондан бирон киши Ҳиндистонга бормоқчи бўлса, аввал Москвага борарди. У ердан Дехлига учар эди. Қизиги шундаки, Москвадан Дехлига, Дехлидан Москвага учадиган самолёт Тошкентда тўхтаб ўтарди. Аммо Дехлидан келаётган Ўзбекистон фуқароси Тошкентда тушиб қолиши мумкин эмас, аввал Москвага бориб, кейин Тошкентга қайтиб келиши керак эди.



Бу гаплар бугунги ёшларимиз учун кулгили туюлиши мумкин, бироқ бор гап ана шундай эди...

\* \* \*

1999 йил ноябрь ойининг бошларида Дехли шаҳрида ўзбек киноси кунлари бўлиб ўтди. Беш кун давомида (хар куни иккитадан сеанс бўлди) бешта бадиий, бешта хужжатли фильм намойиш қилинди. Тадбир давомида мен бир нарсага амин бўлдим: ўзбек санъатига, жумладан, киносанъатига хорижда, хусусан, Ҳиндистонда қизиқиш кучли экан. Нима учун хиндлар эмас, Ҳиндистон деяпман? Чунки фильмларимизни фақат хиндлар эмас, Дехлида яшовчи, ишловчи хорижликлар ҳам қизиқиш билан томоша қилдилар. Улар орасида европаликлар ҳам, осиеликлару африкаликлар ҳам бор эди. Фильмларда янграган ўзбекча мусикаларни, кўшиқларни қарсақлар билан олқишлаганларини кўриб кўнглим тордай кўтарилди, ич-ичимдан суюндим. Олимлар, мутахассислар, дипломатлар, оддий томошабинлар ўзларининг таассуротларини баён қилдилар. Фильмларимизни намойиш этиш жараёнида хинд тилига таржима қилиб турган иқтидорли таржимон, ўзбек маданиятининг жонкуяр тарғиботчиларидан бўлган журналист дўстимиз Аҳмаджон Қосимов уларнинг фикрларини магнит тасмаларига ёзиб олди. Ўзбекистон радиосининг хорижий эшиттиришлар редакцияси орқали бир неча тилларда эфирга узатди.

Яна бир нарса хайратга солди мени. Хар бир бадиий фильм намойишидан олдин иккита хужжатли фильм қўйилган экан (Дастурни Ҳиндистон информация ва радиоэшиттириш вазирлигининг фестиваллар дирекцияси тузган). Очигини айтганда, аввалига мен бир оз чўчидим: иккита хужжатли фильмни кўргунча зеркиб қолишмасмикан, деган хавотир кечди кўнглимдан. Бироқ бу хавотирим ноўрин экан. Бирорта томошабин қилт этмай ўтирди. Тадбирлар тугагандан кейин бу фикрларимни Ҳиндистондаги элчимиз Илхом Насъматовга айтсам, у киши кулди. Боиси унинг ҳам кўнглидан шу хавотир кечган экан-у, менга айтишдан тортинган экан.

Шу ўринда бир фикрни таъкиллаб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Менинг ёки элчимизнинг хавотири хужжатли

фильмларимизнинг бўшлигидан эмас эди. У ерда на-  
мойиш этилган «Қора кул», «Кўпқари», «Унутилган  
қўшиқ», «Хор», «Зиёрат» фильмларини хужжатли  
дейиш ҳам рамзийдир. Аслида бу фильмларни жаж-  
жи бадий фильмлар, дейиш тўғрироқ бўлади. Чунки  
улардаги тасвир, кўтарилган муаммолар ва уларнинг  
умумлаштирилиши бадий фильмдан қолишмайди.

Биз ўзимизнинг томошабинларнинг хужжатли кино-  
га нисбатан муносабатидан келиб чиқиб, бояги хавотир-  
га борган эдик. Тан олиш керак, кўпгина томошабин-  
ларимизда, ҳатто айрим зиёлиларимизда ҳам, илмий-  
оммабоп ва хужжатли фильмларга сал менсимайроқ,  
пастроқ назар билан қараш одати бор. Холбуки,  
улардан қайси хужжатли фильмни кўргансиз, қайси  
жиҳатлари ёқмади, нимасидан кўнглингиз тўлмади, деб  
сўрасангиз, аниқ жавоб беролмайди. Чунки фильмни  
кўрмаган бўлади. Кимлардандир эшитган ёки умумий  
гапларга ишониб хулоса чиқариб юришади. Ваҳоланки,  
ҳар бир асарни — у романми, фильмми, спектакл-  
ми — қайси соҳада, қайси жанрда бўлмасин — ўқиш,  
кўриш керак. Шундан кейингина у тўғрисида фикр  
юретиш, ютуғини ҳам, нуқсонини ҳам аниқ мисоллар  
билан исботлаб хулоса чиқариш лозим. Шу маънода  
мен ўзбек кинохужжатчилари сўнгги йилларда яратган  
қатор фильмларни алоҳида таъкидлагим келади. Прези-  
дентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсарасида» кито-  
би асосида ишланган кўп қисмли хужжатли фильмни,  
«Улар Германияда ўқиган эдилар», «Орзу», «Имом ал-  
Бухорий», «Аҳмад ал-Фарғоний» «Оила — мукаддас  
кичик ватан» ва бошқа яна бир неча фильмларни  
ҳаяжонсиз, лоқайд кўриш мумкин эмас.

Хуллас, Ҳиндистонда ўтган ўзбек киноси кунлари  
кўнглини равшан қиладиган, айна чорда, анча-мунча  
нарсалар тўғрисида мулоҳаза юритишга ундайдиган  
тадбир бўлди.

Биз ва биздан кейинги авлоднинг ёшлиги ҳинд  
киноларини кўриб, шунинг натижасида бу ўлкага нис-  
батан кизиқиши ортиб ўтган, десам муболаға бўлмас.  
Назаримизда, Ҳиндистон жуда гўзал, сир-синоатга бой,  
мураккаб, хусусан, ижтимоий муаммолар деярли йўқ,  
борлари ҳам асосан маиший муаммолардан иборат  
бўлган ғаройиб ўлка эди. Фильмлари бизда шундай

тасаввур уйғотса, шўро тузуми хорижий мамлакатлардаги ҳақиқий аҳвол ҳақида тўла маълумот бермас, социализмга мойил, аниқроқ айтадиган бўлсак, СССРга дўст мамлакатларда ҳамма нарса яхши, муаммо йўқ, капиталистик мамлакатларда эса яшаш кийин, одамларнинг турмуш кечирishi оғир, деган фикр катъий қилиб миямизга сингдирилган эди.

Мустақилликка эришиб, дунёга юз очганимиздан кейин ҳақиқий аҳвол қанақа эканлиги намоён бўлди-қолди. Бугун одамларимиз «чириб бораётган капитализм» нима-ю, «гуллаб-яшнаган социализм» нима эканини билиб олишди. Ўз қобилига ўралиб, дунёда рўй бераётган ҳақиқий аҳволдан беҳабар яшаш тараққиёт учун нақадар катта тўғаноқ эканини аниқлаб етдик. Бинобарин, халқимизнинг бирни кўриб шўқур қил, бирни кўриб фикр қил, деган мақолини мамлакатлар миқёсида ҳам ишлатиш мумкин. Қайсилар кўтениш аҳволини кўриб шўқур қилсак, яна қайсылар давлат тараққиётини кўриб фикр қиламиз, яъни биз ҳам шар томонлама ривожланган ўша давлатлар саҳифаси ўрни олишимиз учун нима қилишимиз керак, деб қараймиз, ҳаракатга тушамиз...

Демак, истиклолга эришганимиздан кейин Хиндистон ҳақидаги болалик, ҳатто ёшлик йилларимиздаги таъавурларимиз ҳам ўзгарди. Билдикки, хинд халқининг ҳаёти ҳам фақат ўйин-кулгидан, романтик ҳаёллардангина иборат эмас экан. Уларда ҳам ҳаётнинг, турмуш ва жамиятнинг сон-саноксиз бията таниш ва илганиш муаммолари бисёр эканини билиб олдик. Аслини олганда бу ўлкага нисбатан кизиқиш халқимизда кели ёки бугун пайдо бўлмаган. Буюк аждоҳларимиз ҳам аслида бир иштиёқ билан қарашган бу дийрла. Абду Райҳон Берунийнинг машҳур «Хиндистон» асари беқирра ёзилмаган. Бу асарда хинд халқининг урф-одатлари, тарихи шу қадар тўлиқ, мукамал ва батафсил ёзилганики, олимнинг салоҳиятига, билим доирасига таян бермай илож йўқ. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг фамилияси ҳақида ёзмасам ҳам ҳамма билади. Демак, ўзбек-хинд алоқаларининг тарихи узок асрларга бериб такалади.

Бу ўринда Хусрав Дехлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби буюк шоирларни эсламаслик мумкин эмас. Асли ватани қадим Туркистон бўлган бу аллома

икки халқ учун бирдай азиз ва кадрлидир. Шу боис Хиндистон информация ва радиоэшиттириш вазирининг ўринбосари Мангад жаноблари билан суҳбатда ана шу шоирлар ҳақида, ҳамкорликда фильмлар яратиш хусусида фикрлашдик.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўзаро алоқаларнинг янги даври бошланди. Илгари катта оғанинг қош-қовоғига қараб, ундан изн сўраб бордикелди қилган бўлсак, истиқлолдан сўнг мустақил равишда, ҳеч кимнинг раъйига қараб ўтирмай, бевосита алоқаларни йўлга қўя бошладик. Энди том маънодаги ўзбек ва хинд ҳамкорлиги бошланди. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг Хиндистонга, Хиндистон раҳбарларининг мамлакатимизга ташрифлари катта аҳамият касб этди. Тошкент ва Дехлида мамлакатларимиз элчихоналарининг очилиши барча соҳаларда бевосита ҳамкорлик қилишда асосий роль ўйнамоқда.

Бугун Ўзбекистонда Хиндистонга бориб-келаётганларнинг сон-санови йўқ. Кимдир хизмат сафари билан, кимдир сайёҳ тарзида, ёшлар ўқиш учун, биров касбдошлари билан тажриба алмашиш учун, яна кимлардир тижорат йўлида бормоқда. Ҳарқалай Тошкентдан Дехлига ёхуд Дехлидан Тошкентга учаётган самолётда бўш ўрин йўқ ҳисоби.

Ҳар бир мамлакат ҳақида ҳар кимнинг ўзига яраша тасавури бўлади. Табиийки, менинг ҳам Хиндистон ҳақида муайян тасаввурим бор эди. Қолаверса, самолётда икки ярим соат учиш мобайнида шерикларим — актёр Ўлмас Алихўжаев, журналист ва таржимон Аҳмаджон Қосимов бу ўлка, хинд халқи, урф-одатлари хусусида анча-мунча нарсаларни ҳикоя қилиб беришди. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган гап бор. Шу боис у ерга борганимдан кейин ўқиганларим, эшитганларим ва хаёлан тасаввур қилганимни ҳақиқий аҳвол билан таққослай бошладим.

Дехли аэропортига қадам қўйишимиз биланоқ сезганим ғалати, шу юртга хос, бир хид бўлди. Ва бу хид беш кун давомида қаерда бўлсак ҳам бизни тарқ этмади. Хусусан, кўчаларда, дўконларда, бозорларда бу хид янада аниқроқ сезилади. Яна бир нарса — қуруқ иқлимга ўрганганимиз учунми, бизга унчалар ёқмайдиган намчил ҳаводир. Халқ тилида айтганда,



ёкимсиз иссиқ. Бир нарса эътиборимни тортди: сигир бошини ерга қўйиб ётганини ҳеч кўрмаганман, хатто ухлаганида ҳам. Бу ерда эса моллар бошини ерга қўйиб бемалол қўзилиб ётибди. Ғалати кўринар экан.

Ҳиндистонда одам кўп, шу боис ишчи кучи жуда арзон. Пул топиш, яъни кун кечириш учун бу ерда одамлар нималар қилишмайди. Биров катта йўлнинг ўртасида айикни икки оёғида тикка қилиб ўтирибди, кимдир сурнай чалиб илон ўйнатади ва хоказо. Бу борада бир воқеа эътиборимни тортди. Агра яқинидаги Фатехпур-Сикри шаҳрини, у ерда Акбаршоҳ қурдирган саройларни айланиб юрган эдик, иккита бола бизни ўзи томон чорлаб қолди. Улар катта ҳовуз ёнида туришарди. Ҳамроҳимиз — Ҳиндистондаги элчихонамиз вакили, бу ўлка тарихини, халқининг урф-одатларини яхши биладиган Ҳамид Жабборовдан бу болалар нима демокда, деб сўрадим. Ҳамиджоннинг айтишича, улар шу ҳовузга калла ташлаб чиқар эмиш, биз шуни томоша қилганимиз учун уларга пул беришимиз керак экан. Ҳовузнинг суви ниҳоятда ифлос, бадбўй эди. Шу боис мен қулдим: калла ташлаш маҳоратини билмадим-у, аммо шу сувга тушиб, эсон-омон чиққани учун пул берса арзийди, дедим...

Дарвоқе, Агра...

Ҳиндистонга бориб, «Тож Маҳал»ни кўрмаслик — Францияга бориб Эйфел минорасини, Мисрга бориб эҳромларни кўрмагандай ёхуд Ўзбекистонга келиб Самарқанду Бухорони кўрмай кетишдай бир гап. Шу боис ишимиз, дастуримиз ҳар қанча тириз бўлишига қарамай, бир кунни Агра сафари учун ажратдик.

«Тож Маҳал»га боргунча йўлда Сикандра деган бир кишлокка кирдик. Акбаршоҳнинг макбараси шу ерда экан. Макбара атрофи катта бор, турфа дарахтлар, гуллар диққатни тортади. Шерикларимизнинг гапига қараганда, бир неча йиллар бурун бу ерда қийиклар кўп бўлган. Биз ҳам учратдик, лекин яккам-дуқкам. Унинг ўрнига маймунлар тўдаси қирибди. Улар одамдан на ҳайикади, на қочади. Парсийи палаяк, ҳаммаси ўзи билан ўзи овора, қорин тўйғазини ямийди.

Буюк аждодимиз — шоҳ Акбар қабрини зилзила қилиб, унинг хотирасига дуога қўлига ўқиб, яна йўлни давом этдик...



Мана, «Тож Маҳал». Жамна дарёси бўйида оппоқ бўлиб қуёш нурида ялтираб турибди. Дунёнинг етти мўъжизасига қиёсланадиган бу ёдгорликни бобурийзода Шох Жаҳон суюкли рафиқаси Орзуманд Бону, яъни Мумтоз Маҳалга бағишлаб қурдирган. 1630 йилда Мумтоз Маҳал вафот этгандан сўнг Шох Жаҳон унинг васиятига биноан ана шу обидани қурдиради. «Шундай бир қаср барпо этайки, у маликанинг ўзидай нафис, гўзал, севгимиз каби мангу бўлсин», деган экан Шох Жаҳон. Ёдгорлик 22 йил давомида қурилган бўлиб, унда йигирма мингдан зиёд одам қатнашган, дейишади.

«Тож Маҳал»га оёқ кийими ечиб кирилар экан. Оппоқ мрамор шунчалар нафис, шунчалар нозик ва кўркем, сўз билан ифодалаш қийин. Мраморга ишланган безакларга қараб туриб, инсон боласининг сабрқаноатига, хаёлотига, истеъдодига қойил қоласиз.

Бу ерга Мумтоз Маҳал ва Шох Жаҳон дафн этилган. Сағана худди Гўри Амирдаги каби икки қаватдан иборат, ҳақиқий қабрлар пастда, у ерга ҳамма ҳам киритилавермайди. Зиёратчилар асосан тепадан келиб кетишади. Сағана атрофи ёқут маржон каби ярқироқ тошлар қадалган шаффоф мрамор парда билан ўралган. Мумтоз Маҳал сағанасига яхлит қора мрамор ётқизилган, унга лолақизғалдоқсимон гуллар битилган. Шох Жаҳоннинг сағанаси ҳам қимматбаҳо тошлар билан безатилган.

Мен бу бетакрор, чиндан-да мўъжиза бўлган, ўхшаши йўқ ушбу мукамал буюк санъат асарининг ақлни лол қолдирувчи безакларига термилар ва уларни эслаб қолишга ҳаракат қилар эканман, хаёлларим бошқа томонларга учди. Мактабда, ҳатто олий ўқув юртида ўқиганимизда Шарқ, хусусан, мусулмон халқлари хотин-қизларга менсимай қараган, шунинг учун аёлларни ҳурмат қилишни Фарбдан ўрганиш керак, деган гаплар миямизга сингдирилган эди. Кейинчалик, айниқса, истиқлолга эришганимиздан сўнг жуда кўп нарсалар ойдинлашди, биз билмаган ҳақиқатлар очилди. «Жаннат оналар оёғи остидадир» деган ҳадисни ўқидик. Аёлларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эътиборни жойига қўйиш аслида Шарқдан бошланганини англадик. Самарқанддаги Бибихоним масжидини эсланг. Шу

авлод давомчиси — темурийзода Шох Жаҳон қурдирган «Тож Маҳал»ни кўз олдингизга келтиринг. Хўш, энди айтинг, яна қайси мамлакатда, қайси халқда бор аёл шарафига бунёд этилган ёдгорлик?! Балки қайдадир бордир. Лекин дунёнинг унча-мунча мамлакатларига борган одам сифатида айтаманки, мен билмайман бундай ёдгорликни. Айтишингиз мумкин — Амир Темур ҳам, Шох Жаҳон ҳам подшо бўлган, қурдирган-да, деб. Тўғри, улар подшо бўлгани ҳолда шунчалар эъзозлаган экан, оддий фуқаро нега ўз завжасини кадрламасин. Очирғини айтганда, аёлларни ҳам эркаклар қатори оғир ишларда ишлатиш шўро тузуми билан кириб келган бизга. Хайриятки, ёлгон, ҳавойи гаплар билан одамларни, жумладан, аёлларнинг кўйинини пуч ёнғокқа тўлдириб келган компартия барҳам топди. Юртимизда истиқлол байроғи ҳилпирагач, бу масалаларда ҳам анча тартиб ўрнатилди. Аёлларга аввало она, гўзаллик тимсоли сифатида қараладиган, уларнинг ҳурмат-иззати жойига кўйиладиган бўлди. Бу ҳақда Юртбошимиз бир неча марта таъкидлаганлар. 1998 йилнинг Оила йили, 1999 йил эса Аёллар йили, деб эълон қилиниши ҳам бунинг ёрқин далилидир...

Хаёлларимни йиғиштириб, «Тож Маҳал»нинг киши кўзини қувонтирувчи, дилини яйратувчи безакларига термиламан. Ва ич-ичимдан бир ғурур, бир ифтихор туяманки, бутун ер юзи ахлини ҳайрату хаяжонга солиб келаётган мана шу мўъжизани қурдирган ҳам бизнинг боболаримиз-ку! Ҳозир биз турган жойда Шох Жаҳоннинг, беназир шоира Зебуннисобегимнинг кадам излари бордир... Бундай туйғу Дехлида — Хумоюн макбарасини зиёрат қилганимда ҳам кўнглимдан кечган, шу дамда бутун вужудим бўйлаб хаяжону титроқ югурган эди. Ахир Бобур Мирзо қадами теккан жойларда юрар эдик-да. Бу бир томондан Аллоҳнинг инояти бўлса, бошқа тарафдан истиқлол шарофатидир.

Ҳамроҳимиз — Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси раиси Азамат Тўхтаев меъморларга хос синчковлик билан уларни кўздан кечирар. Самарқанд, Бухоро, Хива, умуман, Ўзбекистондаги ёдгорликларнинг ишлатилишидаги услуб билан чоғиштирар эди. Бу ҳолат Фатехиюр-Сикрида янада давом этди. Шох Акбар қурдирган бу шаҳардаги саройлар, масжидлар шакли, безак услуб-

лари жихатидан ўзимизнинг тарихий обидаларимизга жуда ўхшайди.

Агра атрофидаги тарихий ёдгорликларни зиёрат қилар эканман, назаримда уларни кимдир қачондир Ўзбекистондан шундай кўтариб бу ерга келтириб қўйгандай туюлди менга. Бу табиий ҳол, албатта. Бинобарин, бу ёдгорликларнинг бош меъморлари бир авлод фарзандларидир.

Фатехпур-Сикри шаҳрининг бунёд этилиши тўғрисида қуйидагича афсона мавжуд экан. Акбаршоҳ ов қилиб юриб, ўрмонда лашкаридан адашиб қолади. Шунда унинг рўпарасидан бир чол чиқади. У ўзини қаландар Шайх Салим Чишти деб таништиради. Акбар чол билан узоқ суҳбат қуради, фарзанди йўқлигини ҳам айтади. Хайрлашар чори қаландар шоҳга ражпутлик рафиқангдан ўғил кўрасан, деб башорат қилади. Шунда Акбар «агар шу қаландарнинг башорати тўғри чиқиб, фарзанд кўрсам, унинг кулбаси атрофида бир гўзал шаҳар қурдираман», деб ният қилган экан. Вақти-соати келиб, Акбаршоҳ ўғил кўрибди. Шоҳ ўша қаландарга ҳурмат юзасидан ўғлига Салим исмини қўйибди. Шаҳзода Салим кейинчалик Шоҳ Жаҳон номи билан машҳур бўлади. Акбар шоҳ аса ваъдасига мувофиқ Фатехпур-Сикри шаҳрини қурдиради ва пойтахтни Аградан бу ерга кўчиради.

Шаҳардаги ёдгорликлар орасида Салим Чишти мақбараси алоҳида ажралиб туради. Бошқа ёдгорликлар асосан қизил рангда бўлса, Салим Чишти мақбараси оппоқ мрамардан тикланган. Шу боис уни Оқ мачит ҳам дейишаркан. Мақбара зиёратгоҳга айланган. Қабр атрофи мрамар панжара билан ўралган. Бу панжарага ҳар хил рангдаги иплар боғланган. Кимки астойдил ният-ихлос қилиб Шайх Салим Чишти қабри атрофидаги панжарага ип боғласа, у албатта фарзанд кўрар эмиш. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг ҳамма жойидан бефарзанд аёллар бу ерга ният билан келишар экан. Бу гаплар қанчалар рост-ёлгон эканини билмадик, аммо бир нарса аён: ҳар қандай афсонанинг замирида муайян ҳақиқат яширинган бўлади. Шу боис биз ҳам ҳамма қатори яхши ниятлар умиди ила афсонавий шаҳар билан хайрлашдик.

Ҳиндистон чинданам ўзига хос бир мамлакат. Бу ерда неча хил дину мазҳаблар бор. Эндликда улар каторига партиялар қўшилган. Шу биле ҳам бу мамлакатни бошқариш, юрда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш осон эмас. Ҳукумат раҳбарларининг тез-тез ўзгариши ҳам балки шунданлир. Шунлар ҳақида уйларканман, Бобурнинг фарзандлари ақл-заковатига, раҳбарлик салоҳиятига, адолат тарозусини нечоғли мустаҳкам ушлай олганига қойил қоламан. Зеро, Бобур Мирзо ўғли Ҳумоюнга қолдирган махфий вазиятнома-сидаги мана бу сатрлар ғоят ибратлидир: «Ҳиндистон мамлақати турли мазҳаблардан маъмур бўлган. Аллоҳ таоло Сизга буни каромат этди. Сиз мазҳабларни ёмон кўришдан дилингизни пок тутинг. Хар мазҳабнинг тарикасига адолат қилинг. Хусусан, Ҳиндистоннинг қалбини қўлга киритаман десангиз, сигир сўймоқдан ўзингизни тийинг. Қўлингиз остидаги хар кавмининг ибодатгоҳларини ва муқаддас жойларини хароб этманг. Шундай одилликни ихтиёр қилингки, подшоҳ раиятдан ва раият подшоҳдан осуда бўлсин».

Бобур Мирзо айтган ана шу васият тамойилларига қаттиқ амал қилгани учун ҳам бобурийлар бу юртга икки юз йилдан зиёд ҳукмронлик қилганлар. Энг муҳими, улар бу ўлкада бунёдкорлик, суғориш ишларини изга солганлар, фан ва маданият тараққиётига қатта эътибор берганлар. Буни хинд олимлари ҳам, оддий фуқаролар ҳам бирдай эътироф этадилар.

Бугун Ўзбекистон ва Ҳиндистон алоқалари, ҳамкорлиги кўпгина соҳаларда яхши самара бераётир. Йиллар ўтган сари бу ҳамкорлик кенгайиб, янада самаралироқ бўлиб бораверишига ишонамиз.

1998 йил



## СУҒУРТА ҚИЛИНМАГАН ЧАЙЛА

Одам боласининг табиати шундай: байрамлар, муҳим саналар олдидан ўзи, оиласи, мамлакати босиб ўтган йўлга ҳаёлан назар ташлайди, эришилган ютуқлари йўл қўйилган камчиликларни, мўлжалланган, аммо ба-жариб улгурмаган ишларини таҳлил қилади, тегишли хулосалар чиқаради.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунининг 14 йиллигига тайёргарлик бошланганидан бери ҳар бир юртдошимиз қалбида ана шундай ҳис-туйғулар кечаётган бўлса, ажаб эмас. Бошқача айтганда, ўн тўрт йил давомида менинг ҳаётимда, оиламда, она юртимда қандай ўзгаришлар бўлди, нималарга эриша олдигу нималарни бой бердик, деб таҳлил этаётган бўлиши табиий. Зотан, истиклол йилларида мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида рўй берган буюк ўзгаришларнинг, амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ишларининг лоақал энг йирикларини оддийгина санаб чиқиш учун ҳам неча ўнлаб варақни қоралашга тўғри келади. Бинобарин, бундай ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари наники пойтахтимизда, балки юртимизнинг ҳар бир вилояти, тумани, шаҳар ва қишлоғида амалга оширилмоқда. Исталган вилоят ёки туманга борган одам бунга гувоҳ бўлади.

Бир гуруҳ ижодкорлар, олимлар, сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сафида мен ҳам яқинда Навоий вилоятида бўлдим. Вилоят шаҳарлари, қасабалари, қишлоқлари, овуллари ва маҳаллаларини кезиб, турли касб эгалари билан суҳбатлашиб, шундай хулосага келдим: одамларнинг руҳи тетик, кайфияти чоғ, ҳаётдан мамнун, эртанги кунга ишончи мустаҳкам. Энг муҳими, ёшу қари — ҳамманинг фикрлаш тарзи илгаригидан бутунлай бошқача, дунёқараши ўзгача. Бундан ўн беш, ҳаттоки ўн йил олдинги қарашлар билан бугунги фикр юритиш ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бугун хоҳ тадбирқору ишчи, дехқону фермер, хоҳ шифоқору муаллим билан гаплашманг, ҳамма нарсадан, жумладан, юртимизда қандай улуғвор ўзгаришлар бўляпти, дунёнинг қайси мамлақатида қандай янгиликлар рўй берапти — ҳаммасидан хабардор, улар ҳақида ўз фик-



ри, мулоҳазаси бор. Андижон воқеалари тўғрисида гапирасизми, Лондонда ёки Мисрнинг Шарм-аш-шайх шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари хусусида сўз юритасизми — барчаси тўғрисида ўзининг мулоҳазаларини билдиради.

Андижонда содир этилган мудҳиш воқеалар сабабчилари кимлар эканини билишади, уларнинг қабих ниятларини аллақачон англаб етганлар. Шу билан бирга, бундай ёвуз кучлар ҳеч қачон ўзининг қабих ниятларига эриша олмаслигини, халқимизни эзгулик, бунёдкорлик йўлидан ҳеч қандай куч, ҳеч қачон қайтара олмаслигини қатъий ишонч билан айтишади. Қизилтепалик отахон учрашув чоғида дунё воқеалари тўғрисида ўз фикрини билдириб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо ҳамма давлатлар тенг ҳуқуққа эга бўлгани ҳолда, айрим давлатлар, хусусан, АҚШ баъзи масалаларда кўпинча бу халқаро ташкилот қонун-қоидаларига риоя этмаётганини афсус билан таъкидлади. Бундай фикрларни Навоий ва Зарафшон шаҳарларида, Кармана, Навбахор туманларида бўлган учрашувларда ҳам эшитдик. Кўриниб турибдики, халқимиз жаҳонда рўй бераётган воқеаларни кузатиб боради, улар ҳақида ўз фикрларини билдиради, энг асосийси, бу воқеаларга лоқайд қарамайди. Чунки улар мустақилликнинг моҳиятини, озодлик, ҳурлик нима эканини яхши биладилар. Истиқлолни қадрлаш, ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканини тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ. Навоий шаҳридаги ҳарбий қисм аскарлари билан мулоқотда ҳам Учқудуқ ва Томди чорвадорлари, Хатирчи боғбонлари билан суҳбатда ҳам бунга амин бўлдик. Айниқса, Жалойир қишлоғидаги болалар боғчасига кириб боғганимизда жажжи болажонлар давлат мадҳиямизни бир овоздан қўлини кўксига қўйиб айтганида нечоғли тўлқинланиб кетганимизни ифода этолмайман. Ҳоят ҳаяжонли, таъсирчан, унутилмас манзара эди бу...

Вилоят туманларини, қишлоқ ва маҳаллаларини кезар эканмиз, мен бир нарсага алоҳида эътибор бердим. Ҳамма жойда ободонлаштириш, қурилиш, бунёдкорлик ишлари авжида. Эсимизда, илгари қишлоқ хонадонлари асосан паҳса деворлару лойсувоқли томлардан иборат бўларди. Бугун замонавий лойиҳалар асосида

қурилатган шинам иморатларни кўриб ҳавасингиз келади. Бу нарса шахсий хонадонларга ҳам, ташкилотлар биноларига ҳам бирдай тегишли.

Вилоятнинг узок-узок туманларида бунёд этилган замонавий коллеж ва лицейларни кўриб, беихтиёр киши қалбини ғурур ва ифтихор туйғулари чулғайди. Ҳазора қишлоғида қад ростлаган маиший хизмат коллежини айланиб, кўз олдимда хорижий мамлакатларда кўрганам ўқув муассасалари гавдаланди. Зотан, мазкур коллежнинг ўқув хоналари, у ерда яратилган шароитлар ҳеч бир Европа давлатидаги билим муассасаларидан қолишмайди. Қизилтепа, Навбахор, Кармана туманлари, Навоий ва Зарафшон шаҳарларидаги коллежларнинг ҳар бири ўзига хос қошона, бири-бирдан гўзал.

Қишлоқ врачлик пунктлари бугун мамлакатимиз тиббиётининг энг муҳим бўғинларидан десак янглишмаймиз. Бинобарин, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда узок қишлоқлар аҳолисига вақтида тиббий хизмат кўрсатишда қишлоқ врачлик пунктларининг аҳамияти катта бўлаётгани бугун барчага аён. Кармана туманидаги Ибн Сино номли қишлоқ врачлик пунктида яратилган шарт-шароит билан танишиб, истиқлол берган имкониятга яна бир бор ишонч ҳосил қилади киши. Бош шифокор Ўзбекистон мустақил давлат бўлмаганида қишлоқ жойларда бундай тиббиёт муассасаси қурилишига йўл бўлсин эди, дейди. Дарҳақиқат, бу ердаги шароит ҳар қандай шаҳар шифохонасидан қолишмайди, энг замонавий медицина асбоб-ускуналари ўрнатилган. Қизилтепа туманидаги шифохона билан танишарканмиз юртимизда Президентимиз раҳбарлигида тиббиётга кўрсатилаётган эътиборнинг самарасини кўрдик. Шифохона бош врач бу ердаги шароит ҳақида тўлқинланиб гапирар экан, туман туғуруқхонаси халқаро андозаларга жавоб беради, деган сертификатга эга эканини таъкидлади.

Вилоятнинг қайси туманига бормайлик, тиббий муассасаларда барча зарур шарт-шароит яратилганини, замонавий медицина асбоб-ускуналари ўрнатилганини кўрдик. Юртбошимиз томонидан эълон қилинган Сихат-саломатлик йилида бу соҳага алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдик.

Ижтимоий-ижодий гуруҳ аъзолари вилоятнинг

хамма туманларида, ўнлаб қишлоқ ва маҳаллаларида суҳбатлар, мунозаралар ўтказди. Бу учрашув ва суҳбатларда истиқлол байрамига қандай тайёргарлик кўриляётганлиги, энг муҳими, мустақилликнинг ҳалқимиз ҳаётида, тақдирида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Президентимизнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди», «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деган машҳур сўзларининг асл мазмунини чақиш, уларнинг моҳиятини тушуниб, англаб етиш ҳақида фикрлар билдирилди. Учрашув иштирокчилари — улар қайси касб эгаси ёки неча ёшда бўлишларидан қатъи назар, юртимизда олиб бориляётган ислохотлар ўз самарасини бераётганлигини алоҳида таъкидладилар. Навбахор туманида ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг давра суҳба­тида мамлакатимизда бу соҳага кўрсатиляётган раҳбарлик хусусида сўз борди. Хусусан, Президентимизнинг шу йил июнь ойида эълон қилинган фармон ва қарорлари тадбиркорлар учун катта имтиёзлар яратганлиги таъкидланди. Истиқлол туфайли мамлакатимизда мулкдорлар синфи пайдо бўлганлиги, уларга давлатимиз томонидан барча шароитлар яратилаётганлиги мамнуният билан қайд этилди.

Дарҳақиқат, шўро даврида мулкдорлар ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча эди. Бугун наинки йирик шаҳарларимизда, балки узоқ туманлару қишлоқларда ҳам мулкдорлар фаолият кўрсатмоқда. Ўша суҳбатда хусусий дорихона, тикув цехи эгалари ўзлари учун яратилган шароитлар ҳақида гапирдилар, айни чорда муайян муаммолар ҳам борлигини яширмадилар...

Вилоятда қишлоқ хўжалиги ҳам, саноат ҳам кенг ривожланган. Ижтимоий-иждодий гуруҳ аъзолари учрашувлар, суҳбатлар асносида вилоятнинг пахта дала­ларида меҳнат қиляётган фермерлар, дехқонлар ҳаёти билан танишдилар. Бу йилги ҳосил чўзи юксак бўлиши рўзаларнинг баравж ривожидан кўриниб турибди. Қизилтепа тумани Қосим Қобилов номидаги ширкат хўжалиги далаларини кўздан кечи­рар экан­миз, лўппи-лўппи очилган пахта­ларга кўзимиз тушди. Туман ҳоқими Шабон Набиев, Олий Мажлис Сенати қўмита раиси Ғафур Алиев очилган пахта­ларни олиб

омонлик-сомонлик қилишди. Ҳосил баракали бўлишини ният қилдилар. Августнинг илк кунларида пахта очила бошлаган экан, бу ялпи теримга сентябрь ойининг бошларидаёқ тушиш мумкинлигидан дарак берарди. Шу маънода, вилоят аҳли бу йил режадаги 110 миң тонналик «оқ олтин» хирмонини муддатидан илгари бунёд этишларига тўла амин бўлдик.

Навоий вилояти деганда, ҳар кимнинг кўз ўнгида беихтиёр кон-металлургия комбинати, бебаҳо ер ости бойликларимиз намоён бўлади. Дарҳақиқат, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда бу бойликларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Мурунгов конида бажарилаётган ишларни кўриб, киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Бу ерда ҳар куни 55—60 машина тинимсиз руда ташийди. Машиналарнинг энг кичиги 136 тонна, каттаси 190 тоннагача юк кўтара олади. Мухими шундаки, уларнинг иш жараёни кичкина бир хонада компьютер орқали бошқарилмоқда. Бу ерда ўтирган оператор кизлар бизга иш жараёни қандай кузатилишини тушунтириб берди. Қайси машина қайси экскаваторга бориши, қачон дам олиши, қачон овқатланиши — ҳаммаси дақиқама-дақиқа белгилаб қўйилган. Борди-ю, бирон-бир машина ўн дақиқадан ортиқ тўхтаб қолса, бу ҳолат компьютерда шу захотиёқ акс этади, сабаби тезда аниқланади.

Бу ишларни кўриб, инсоннинг ақл-заковатига лол қоласиз. Ва бу ишлар биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизга оддийгина бир мисол бўла олади...

Нурота тумани қишлоқларида кечган учрашувлар, суҳбатлар ғоят ҳаяжонли, эсда қоларли бўлди. Оққула, Папанай, Жарма қишлоқларида, Ибн Сино маҳалласида ўтган учрашувларда истиқлол шарофати, кейинги йилларда рўй берган ўзгаришлар ҳақида очик мулоқот бўлди.

Туманнинг Жарма қишлоғидан ўтар эканмиз, полиз пайкали бошида тўхтадик. Мен пайкал оралаб борар эканман, ўзимнинг ёшлик йилларимни эслаб кетдим. Қовун палагининг ҳидлари беғубор болалигимни ёдга солди, пишиб-етилган қовуннинг эрта тонгда тарс-тарс ёрилганидаги саси қуловим остида эшитилгандай бўлди. Бу ердаги йигитлар бизни қовун билан сийлаш-



ди. Уларнинг янтоқдан қилинган чайласида ўтириб, ўзимиз палакдан узган қовунни тановул қилдик. Сухбат асносида Камолиддин деган йигит чайланинг очилиб қолган томонига ишора қилиб, чайлани суғурта қилмаган эканмиз, бир томонини шамол учириб кетди, энди нима қиламиз, деб ҳазиллашди. Унга қараб туриб ўзимнинг ёшлигим билан сухбатлашаётгандай бўлдим. Аммо бизнинг ёшлик давримизда одам ўз мулкани суғурта қилиши мумкин, деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Камолиддин эса буни яхши билади. У ўтган йили мактабни битирганини, Тошкентга, Автомобиль-йўллар институтига ўқишга боражагини айтди. Унинг сухбатини тинглаб, хаёлан ўзимнинг ёшлик йилларим билан Камолиддинни таққосладим. Албатта, бу таққос ўринсиз эди. Чунки ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари билан бугунги кун ўртасида жуда катта фарқ бор. Бу фарқ шу даражадаки, даврлар, тузумлар ўзгариб кетди. Камолиддин ва унинг дўстлари вилоят, мамлакат миқёсидаги раҳбарлар билан бемалол сухбатлашиб ўтирибди. Бизнинг ёшлигимиз ўтган шўро даврида бу даражадаги раҳбарлар ёшлар билан сухбатлашиш учун гўё вақт тополмас, аслида буни ўзига эп кўрмас эди. Уларни-ку кўя турайлик, оддий колхоз раиси ҳам унча-мунча одамнинг саломига алик алмас эди. Бугунги раҳбарлар мутлақо бошқача. Уларнинг аксарияти содда ва самимий, имкон даражасида меҳнат ахли орасида бўлишга ҳаракат қилади. Навоий вилоятидаги сафаримиз давомида турли даражадаги раҳбарларни, уларнинг иш услубларини кузатиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Зеро, Юртбошимиз раҳбарнинг оёғи ердан узилмаслиги лозимлигини ҳар доим алоҳида таъкидлайди...

Юзлари қуёшда қорайган Камолиддинга термилиб, самимий гурунгини тинглаб, очиги унга ҳавасим келди. Аслида, биргина Камолиддинга эмас, бугунги барча ёшларга ҳавасим келади. Бизнинг ўқувчилик йилларимизда бугунгидай кўркем мактаблар қаёқда эди. Оддий электр чироғи ҳам йўқ, лампа-шиша ёрувида дарс тайёрлар, китоб ўқир эдик. Компьютер, интернет деган сўзларни эшитмаган ҳам эдик.

Бундай мулоҳазалар тувилгани бежиз эмас. Бу воқеалар, бу деталлар истиклол туфайли мамлакатимиз,



халқимиз ҳаётида қандай ўзгаришлар содир бўлгани ва бўлаётганини ёрқин кўрсатиб турибди...

Президентимиз кўп бора таъкидлаганидек, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам. Неча минг йиллик тарихимизга назар ташласак, бунга юзлаб, минглаб мисоллар келтира оламиз. Бинобарин, бизнинг буюк аجدодларимиз илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият ва бошқа кўплаб соҳаларда жаҳон халқларига ўрناк бўлганликлари тарихдан маълум. Биз ана шу улур аждодларимизнинг муносиб ворислари сифатида мустақил юртимизда ўзимизнинг буюк келажакимизни бунёд этмоқдамиз. Хар соҳада, хар ишда ўша буюк аждодларимизга муносиб бўлишга, ҳеч кимдан кам бўлмасликка ҳаракат қилмоқдамиз. Юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, бунга кўплаб мисоллар топишингиз мумкин.

Навоий вилоятининг боғ-роғларида, бепоён пахтазорларида, улкан қурилиш объектларида, бетимсол саноат корхоналарида, замонавий ўқув муассасаларида, харбий қисмларда юртдошларимиз билан ўтказилган суҳбатларимиз, учрашувларимиз ана шундай хулосалар чиқаришга, мулоҳазалар юритишга асос бўлди...

Вилоят буюк бобомиз Алишер Навоий номи билан аталади. Бу улкан шараф, айни чорда юксак масъулиятдир. Бинобарин, улур бобомиз вилоятда яшаётган хар бир инсоннинг сазй-ҳаракатини, қилаётган ишларини кузатиб тургандай. Буни вилоят аҳли яхши билади, қалбдан ҳис этади. Бу заминнинг кўрку жамоли йилдан-йилга очилиб бораётгани ҳам шундан далолат беради...

2005 йил

### **ҲАЁТИМИЗ ГУЛИ, ХОНАДОНИМИЗ ЧИРОҒИ**

Хотин-қизлар — ҳаётимиз гуллари, хонадонимиз чироғи. Аёл бор жойда гўзаллик бўлади, аёл бор жойда орасалик, саранжом-саришталик, тартиб-интизом, ҳаё-ибо бўлади. Энг асосийси — аёл ҳаёт давомийлигининг бош омили. Шунинг учун ҳам хар бир миллат ва мамлакатнинг маданияти даражаси аёлларга эъти-

бори, муносабати билан белгиланади. Шу маънода халқимизнинг аёлларга нисбатан гамхўрлиги, эътибор ва эъзози ҳар қандай миллат ва халқ орзу-ҳавас қилса арзигуликдир. Ҳеч бир мамлакатда хотин-қизларга эътибор, бизнинг юртимиздаги каби баланд эмас, десак хато бўлмас. Хотин-қизларнинг жамиятдаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеини, нуфузини кўтариш ҳақида давлатимизда барча ҳуқуқий асослар яратилган. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижросини таъминлаш учун барча вилоятларда, шаҳарлар, туманларда, ҳар бир ташкилотда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу, аввало, аёлларнинг соғлиги, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ юмушлардир. Зотан, соғлом она — бу соғлом бола демакдир. Соғлом бола эса ўз-ўзидан соғлом келажакдир. Бинобарин, келажакда буюк давлат барпо этишга бел боғлаган эканмиз, бугунги авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом, ҳар жихатдан етук бўлишига алоҳида аҳамият бермоғимиз лозим. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон — келажакда буюк давлат» деган машҳур таърифи замирида теран маъно бор. Биз буюк аجدодларимиз билан қанчалар фахрлансак, бугунги авлод билан ҳам шунчалар фахрланишга ҳақимиз бор. Зеро, бугунги ўзбек ёшлари турли соҳада дунё аҳлини лол қолдирмоқда. Бунга илм-фан, маданият, спорт ва санъат, бошқа кўплаб соҳалардан истаганча мисоллар келтириш мумкин. Биргина Рустам Қосимжоновни олайлик. Эҳтимол спортнинг бошқа соҳаларида ютуқларга эришиш у қадар қийин эмасдир. Аммо шахмат бўйича халқаро гроссмейстр, жаҳон чемпиони бўлиш — айтишгагина осон. Чунки шахмат — ақл-заковат ўйини. Бунинг учун инсонда ақлий салоҳият чегарасиз бўлмоғи лозим. Қайсики миллат фарзанди шахмат бўйича жаҳон чемпиони даражасига чиқса, бу — ўша миллат ақл-заковатининг, интеллектуал салоҳиятининг намоёниши бўлади. Шу маънода Р.Қосимжонов ўзбек миллатининг ақлий салоҳияти нақадар юксак эканини яна бир бор исботлади.

Бунинг таг замини бор. Жаҳон математика илмининг асосчиси ал-Хоразмий, дунё табобатининг отаси ҳисобланмиш Ибн Сино (медицина сўзи «Мадади Сино» иборасидан келиб чиққан деган гапда асос бор), уммон ортида ҳаёт (мамлакат) борлигини илк бор айтган Беруний, кинот сирини кашф этган ва юлдузлар жадвалини тузган Мирзо Улуғбек бизнинг боболаримиз. Уларнинг кашфиётлари ҳали-хануз дунё олимлари томонидан хайрат ва ҳаяжон ила ўрганиб келинади. Ана шундай зотларнинг авлодлари буюк кашфиётлар қилмаслиги, ўз миллати номини, шон-шухратини оламга ёймаслиги мумкин эмасди. Бунинг учун шароит, ғамхўрлик, кўмак зарур эди. Шукурлар бўлсинки, истиқлолга эришганимиздан кейин ана шундай имконият, шароит пайдо бўлди. Миллат шаънини, ғурурини тиклаш ва кўтариш мустақиллик ғоясининг бош мақсадларидан бири сифатида ўртага ташланди. Бу ғоянинг, бу ташаббуснинг ижодкори ҳам, раҳнамоси ҳам Ислоҳ Каримовдир. Мамлакатимиз раҳбари истиқлолга эришмасимиздан анча олдин бу масалаларни дадил кўндаланг қўйди. Ҳали шўро салтанати қиличини ўйнатиб турган замонларда Ислоҳ Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Мустақиллик декларацияси қабул қилинди, Наврўз байрами тикланди, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари расмий равишда байрам сифатида нишонлана бошланди.

Аслида мустақилликка эришиш учун ҳаракатлар ўша пайтлар бошланган эди. Бошқача айтганда, 1991 йил 31 августда расман эълон қилинган мустақиллигимизнинг пойдевори анча илгари қўйила бошланган эди. Бу улўғвор ишларнинг ташаббускори ва илҳомчиси бўлган давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки йилларида «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган шioriни илгари сурди. Ўз фаолиятида бу қоидага қанчалик амал қилган бўлса, бошқалардан, хусусан, катта-кичик раҳбарлардан ҳам шуни талаб қилди. Бугун бунинг самарасини наинки ўзимиз, дунё аҳли кўриб, эътироф этиб турибди.

Истиқлолга эришганимиздан кейин барча орзу-ниятларимизни рўёбга чиқариш учун кенг имконият вужудга келди. Ўн тўрт йил ичида эришган ютуқларимиз, амалга оширилган ишларимиз салмоғи ва кўлами жиҳатидан

асрларга татигуликдир. Бу қурилиш-бунёдкорликка, илм-фан, маданият ва санъат, иқтисод — барча соҳага бирдай тааллуқли. Миллатнинг, халқимизнинг бу қадар гуллаб-яшнагани, ўзлигини тўла намоён этгани, дунё халқлари ўртасида ўзининг ҳақиқий ўрни ва мавқеига эга бўлгани, тарихимизни кузатадиган бўлсак, фақат буюк Соҳибқирон Амир Темур даврида рўй берган, холос. Дарвоқе, Амир Темур бобомизнинг номини тиклаган, уни жаҳон тарихидаги ўз ўрнига қайта қўйган ҳам Ислом Каримов бўлади.

Демак, Юртбошимиз раҳбарлигида биз буюк ўтмишимизни тикламоқдамиз, бугунги кунимизни, айни чоғда буюк келажагимизни яратмоқдамиз. Истиклолнинг илк йилларидан бошқа соҳаю масалалар қатори хотин-қизларга эътибор ва ғамхўрлик устувор вазифалар қаторига қўйилди. Эндиликда аёлларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида эркаклар билан ёнма-ён, тенгма-тенг меҳнат қилмоқдалар. Эришилган ютуқларда уларнинг ҳиссаси салмоқли.

Икки палатали парламентга ўтган сайловни эслайлик. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар умумий сонидан хотин-қизларнинг иштироки ўттиз фоиздан кам бўлмаслиги расман белгилаб қўйилди. Дастлаб бундай ёндашув ва тартибга менсимай, беписанд қараганлар, халқаро андозаларга тўғри келмайди деганлар ҳам бўлди. Аммо бу тартиб тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Сайлов жараёнини кузатиш учун келган кўплаб хорижлик мутахассислар буни эътироф этишди. Давлатимиз ташаббуси билан жорий этилган бу қондани қўллаётган мамлакатлар бор. Ўйлайманки, улар сафи янада ошади.

Хўш, халқаро андоза дегани нима ўзи? Бу андозалар қаердан пайдо бўлган? Табиийки, ҳеч бир андоза тайёр ҳолда осмондан тушмаган. Бугун дунё халқлари, мамлакатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар асос қилиб олаётган халқаро андозаларни ҳам қачондир, кимдир яратган. Аста-секин бошқаларга ҳам маъқул келиб, дунё узра ёйилган ва халқаро андоза сифатида тан олинган.

Энди ўйланг, депутатликка сайловларда хотин-қизларнинг иштироки 30 фоиздан кам бўлмаслиги ҳақидаги бизнинг тартибимизни бугун бошқа давлатлар

хам жорий этаётган экан, маълум йиллар ўтиб бу қоида дунё бўйлаб тан олиними ва халқаро андоза сифатида қабул қилиниши мумкин эмасми?! Мумкин! Бизга демократияни ўргатмоқчи, ўз маданиятини илғор маданият сифатида бизга ҳам сингдирмоқчи бўлаётганлар, агар чиндан ҳам ҳақиқий демократ, илғор маданият соҳиби бўлса, бу тартиб-қоида ни ўз мамлакатларида жорий этмоқлари керак. Чунки демократия фақат қоғозлардаги чиройли сўзлардан ёки куруқ гапдан, маданият эса шарм-ҳаёдан, катгани ҳурмату кичикни иззат қилишдан йироқ ҳолда яримянғоч юришдан, оила ва фарзандлар, демакки, юрт тақдирига бефарқ, лоқайд қараб, фақат ўзини кундалик шахсий лаззатини ўйлаб кун кечиришдан иборат бўлмаслиги лозим. Ҳамма нарсага, жумладан, демократия ва маданиятга ҳам амалдаги кўринишига, ижросига қараб баҳо бермоқ мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ҳар бир миллат ва халқнинг ўз менталитети, урф-одати бор. Шу маънода халқимизнинг ўзлигини, ўз кифоасини, расм-русумини бошқа миллатларга хос одатлар билан қориштириб юбориш мумкин эмас. Қизил империя давридаги «совет кишилари бора-бора ўзаро бирлашиб кетади, ягона халқ вужудга келади» деган тушунчаю роияларнинг нақадар асоссиз, бемаъни экани аллақачон исботлаб бўлинган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, хотин-қизларга муносабатда ҳам халқимизнинг ўз анъаналари мавжуд. Ота-боболаримиз аёлларни юксак эъзозлаган, асраб-авайлаган ўша анъаналарга содиқ қолган ҳолда биз ҳам бугунги замон талаблари даражасида эҳтиром, иззат-икром кўрсатмоқдамиз аёлларимизга. Уларни иш билан таъминлашда ҳам масаланинг ана шу жиҳатлари инобатта олинмоқда.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Энг муҳими, амалий иш қилинмоқда. Бу жойларда кичик корхоналар очиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликни кенг йўлга қўйиш орқали амалга оширилаётир. Албатта, бу борада ечилмаган муаммолар кўп. Ҳар қандай муаммони бир-икки кунда ҳал қилиш қийин, албатта. Энг муҳими, ана шу муаммоларни



ечиш, бартараф этиш йўлларининг мавжудлиги ва улар изчил амалга оширилади...

Ҳа, аёлни эъозлаш, қадрлаш халқимизнинг азалий одатларидан биридир. Бугун ана шу эзгу анъаналаримиз янгича мазмун-моҳият билан тўлдирилмоқда, бойитилмоқда. Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида аёлларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзларининг ҳақиқий ўрни ва мавқеига эга бўлаётир. Зотан, аёл бор экан, ҳаёт бор, аёл бор экан, ҳаёт гўзал ва завқли. Буни ҳар бир миллатдошимиз, ватандошимиз яхши англайди, тушунади, ўз фаолиятида бунга амал қилади.

2005 йил

### **РИЗҚУ НАСИБАМИЗ УВОЛ БЎЛМАСИН**

**(Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
«Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш  
чораларини кучайтириш тўғрисида»ги  
қарорини ўқиб)**

Устоз ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони» комедияси қаҳрамони Фармонбиби торда дам олаётган неварасини кўриб келиш учун ўрлининг хизмат машинасини сўрайди. Ўғли «Уйда машина бор-ку», деса «Уйдаги машинанинг балони ёрилади... Сеники ҳукуматнинг машинаси... Ҳукумат машинасининг жони каттиқ бўлади. Балоям урмайди» дейди. Комедия ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ёзилган, табиийки ўша давр ҳақида, ўша замон одамларининг феъл-атвори ҳақида ҳикоя қиланади.

Лекин, афсуски, худди шундай фикрлайдиган, ўз мулки ва давлат (жамоат) мулкига шу тахлит қарайдиган одамлар ҳамон бор, таассуфки кам эмас. Ҳолбуки, замон, тузум ўзгарди, аксарият одамларнинг фикрлаш тарзи, мулкка муносабати ўзгарди. Аммо неча ўн йиллар давомида кўпчиликнинг қон-қонига сингиб кетган «бу меники, бу давлатники. Ўзимникени эҳтиёт қиламан, давлатники билан ишим йўқ» кабилида қараш ҳоллари ҳали-ҳамон учрайди.

Этибор қилган бўлсангиз деярли ҳар йили экин-

ларни пайхон қилишга қарши курашиш ҳақида махсус қарор қабул қилинади, кескин чоралар кўрилади. Экинларни пайхон қилишга йўл қўйган, молларини экинзорларда боққан кимсаларга жарима солинади, ҳатто моллари мусодара қилинади. Телевидениеда кўрсатилади, матбуотда ёзилади — токи бошқаларга сабоқ бўлсин. Таажжубланарлиси шундаки, бундай хунук ҳолатлар кейинги йил яна такрорланади. У туманда бўлмаса бошқасида, бу хўжаликда бўлмаса у хўжаликда. Гўё олдинги йил ҳеч нарса бўлмагандай, ҳеч ким ҳеч қандай хулоса, сабоқ чиқармагандай таасурот қолдиради.

Хўш, нега шундай? Бундай ярамас одатлардан қачон қутуламиз? Наҳотки экинни пайхон қилиш увол эканини англаб етмасак? Молимизни экинзорга ҳайдаётганда ўз риску насибамизни ўзимиз оёқости қилаётганимизни наҳотки тушунмасак? Ахир ота-боболаримиз қадим-қадимдан исрофгарчиликка йўл қўймаган-ку. Ерда ётган нон ушоғини олиб кўзига суртган. Муқаддас ислом динимиз ҳам исрофгарчиликни қоралайди: «Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар» дейилган. Молини экинзорга бемалол ҳайдаб қўядиган кишиларнинг аксарияти шу гапларни, фикрларни биледи. Билмаслигига ишониш қийин. Чунки ҳар бир ўзбек хонадониди фарзанди атак-чечак қилганидан бошлаб исрофгарчилик увол, гуноҳ эканини уқтиради.

Гап бошқа ёқда. Экинзор меники эмас, жамоаники, яъни давлатники, деб қарашда. Аслида давлат ким? Сизу биз! Давлатнинг бойлиги кимники? Сизу бизники. Давлат омборига тушган ғалла қаёққа кетади? Ун бўлиб, ун маҳсулотлари бўлиб ўзимизнинг хонадонимизга келади.

Энди бир ҳисоб-китоб қилиб кўринг. Дейлик, бир фермер хўжалигида бир гектар ернинг экини пайхон бўлди. Шу жойдан қанча бугдой олинар эди? Борингки ўртача қирқ центнер дейлик. Шу қирқ центнер бугдойдан қанча ун чиқади? Ўша ундан қанча нон ёки макарон ёхуд бошқа ун маҳсулотлари тайёрлаш мумкин? Бу маҳсулотларни қанча хонадон неча кун истеъмол қилади?

Бу кичкина рақамни энди мамлакат миқёсида тасаввур қилиб кўринг. Бир туманда неча гектар экинзор

пайхон бўлади? Вилоятда-чи? Мамлакатда-чи? Бу ёғини оддий арифметика бўйича ҳисоблаб чиқаверинг. Тонна-лаб ғалла нобуд бўлмайдими? Бу юзлаб, эҳтимол минглаб хонадонларнинг ризқини қийиш дегани эмасми?! Нахотки шу оддий ҳақиқатни тушунмасак?! Қачонгача махсус қарор билан, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг назоратию иштироки билан тартибга тушамиз? Ҳамма нарсани тушуниб етган, ҳар бир нарсага мулоҳазаю юксак дид-фаросат билан ёндашадиган, ҳар ишда етти ўлчаб бир кесадиغان халқимиз нега бу масалада бепарво? Бугун табарруқ заминимизда етиштирилаётган барча нарса хоҳ ғалла, мева-чева, полиз маҳсулотлари бўлсин, хоҳ пахта ёки пилла бўлсин — ўзимизники эканини, ўз ихтиёримиз билан эҳтиёжимизча ишлатишимизни ҳамма билади-ку. Эндиликда биздан узоқдаги раҳбарлар «унча пахтаю бунча пилла берасан» деб столни мушглаб тургани йўқ. Ер ости ва ер усти бойликларимизнинг барчасига ўзимиз хўжайинимиз — истаганча ўз эҳтиёжимиз учун ишлатамиз, ортиқчасини сотиб, ўрнига бошқа керакли нарса оламиз. Истиқлол бизга шундай имконият, эрк берган. Бугун буни билмайдиган, тушунмайдиган кимса йўқ...

Эътироф этмак керак, шўро тузуми халқимизнинг кўплаб урф-одатлари илдизига болта урди, ўзлигимизни сўлдирди. Қалбимиздаги имон-эътиқод туйғулари ҳам сўнган, гуноҳ қилишдан уялмайдиган, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормайдиган, аниқ қиёфаси йўқ кимсаларга айланиб қолган эдик. Атрофдаги воқеаларга, мулкка муносабатда ҳам шундай — лоқайд, бепарво эдик. Меники эмасми, йўқ бўлиб кетмайдими, нима ишим бор. Худбинлик энг баланд нуқтасига чиққан эди.

Ана шу худбинликдан ҳали-ҳамон батамом қутула олмаяпмиз. Уй ҳайвонлари экинзорни бемалол пайхон қилиб юрган, ўзи бунга бепарво бўлаётган кимсанинг ховлисига, яъни томорқасига қўшнисининг моли кирса, ҳатто товуғи ораласа нима бўлади? «Ха, энди тилсиз жонивор-да, кирса-кирибди-да» деб қўя қоладими? (Ваҳоланки, моли бировнинг экинларини пайхон қилаётгани ҳақида дакки берса худди ана шундай жавоб беради.) Кечирасиз, бундай деб бўпти. Қиёматли қўшниси билан қирпичоқ бўлади. Сен-менга бориш у ёқда турсин, ҳатто юз кўришмасликкача бориб етади.

Чунки томоркасидаги экинга жони ачийди, экин пайхон бўлса қанча ҳосил йўқотишини билади...

Халқимиз «Пичокни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга» деб бекорга айтмаган. Молини экинзорда боқадиган кимсалар шу мақолни доимо эсда тутсалар яхши бўларди.

Ориятни, шарм-хаё ва уяту андишани халқимиз доимо кадрлаган. Қўни-қўшни, маҳалла-кўй, ҳамқишлоқлар олдида уятга қолишдан, шарманда бўлишдан оғир жазо йўқ ўзини билган одам учун. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида «пайхон жойида ушланган моллар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига топширилади ва унинг эгасига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий чоралар кўрилганидан ва келтирилган зарар тўла қопланганидан кейингина эгасига қайтарилади» дейилган. Бирор кимса шу ҳолга тушса, эл-юрт олдида уялмайдами? Ҳақ-ҳамсоянинг кўзига қандай қарайди? Моддий зарарни тўлаш осон эмаслигини айтмасак ҳам бўлар. Лоақал элдошлари олдида уятга қолишдан эҳтиёт бўлиш керак эмасми?!

Умид, тилак битта — экинзорларимизга молларнинг оралаши, ризқу насибамизни пайхону увол қилиш ҳолатлари мутлақо учрамасин. Бирон кишининг ҳам юзи шувит бўлмасин. Исрофгарчиликнинг уволи уради, дейди халқимиз. Зеро, ризқ-рўзни увол қилиш — гуноҳи азим. Шу боис молини экинзорга ҳайдашдан, моллари қаерда юрганига бепарво қарашдан олдин шулар ҳақида чуқур ўйлаб кўрмоқ лозим. Тилсиз жонивор деб ақлли зот уятга қолмасин.

2005 йил

### **ФИКР ВА ШУКУР**

Хизмат сафари билан яқинда Москва шаҳрида бўлдим. Ўйлаб кўрсам, бу шаҳарга охириги марта келганимга ўн икки йил бўлибди. Албатта, Россиядайд кудратли давлатнинг пойтахтида катта ўзгаришлар бўлган, буни сезиш қийин эмас. Аммо менинг эътиборимни кўпроқ бошқа нарсалар тортди.

Аввало, бу азим шаҳарнинг марказида буюк бобомиз Алишер Навоий ҳайкали қад ростлагани мени



қувонтирди. Ҳайкал атрофини гўзал, шинам хиёбон ва майдон қуршаган. Маҳаллий ҳамкасбларимизнинг айтишича, бу жой илгари анча қаровсиз гўша бўлган экан. Ҳазрат Навоий «қадам ранжида қилишлари» билан бу майдон гўзал масканга айланибди. Хиёбондаги скамейкаларда асосан ёшлар ўтиришибди. Ҳайкалтарош Равшан Миртожиев ишлаган ҳайкалда Навоий бобомиз кўксини роз тутиб, одамларни бир-бирига яхшилик қилишга даъват этиб турибди. Ушбу хиёбонга келувчиларнинг лоақал ўндан бири буюк маърифатпарвар бобомизнинг ўгитини қалбига жо айласа ва ўз фаолиятида шунга амал қилса ҳам мазкур ҳайкал муаллифи, Москва шаҳрида Алишер Навоий ҳайкалини ўрнатиш ғоясини берган, бу хайрли ишга ташаббускорлик қилган, ниҳоят, уни амалга оширган кишиларнинг меҳнати бесамар кетмаган бўлади. Зеро, ҳар қандай бадий асар, адабиёт ёхуд санъат асари бўлишидан қатъи назар, ўқувчини, томошабин ва тингловчини эзгуликка чорламоғи даркор. Унинг тарбиявий аҳамияти ҳам шунда.

Бошқа томондан қараганда, ҳар куни ўнлаб одамлар беш аср илгари ўзбекнинг Алишер Навоий деган улўғ шоири бўлганлигини билиб олади, бугун унинг шарафига ўрнатилган ёдгорлик Европанинг энг улкан шаҳарларидан бирини безаб турганига гувоҳ бўлади. Бинобарин, тарихда ўтган ҳар қандай шахсга ҳам ўзга мамлакатларда ҳайкал ўрнатилавермайди...

Москва кўчаларини кезар эканман, яна бир ҳолатга эътибор қаратдим. Россиянинг пойтахтида Россиянинг ўзида ишлаб чиқарилган машиналар жуда кам, айрим кўчаларида, умуман, кўринмайди. Аксарияти хорижий мамлакатларнинг автомобиллари. Менинг қалбимни ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлдирган нарса шу бўлдики, дунёнинг энг ривожланган давлатларининг оламга машҳур компанияларида ишлаб чиқарилган машиналар қаторида ўзимизнинг «Ласетти», «Нексия», «Матиз»лар тез-тез кўзга ташланади. Бизни Москвага таклиф қилган РИА «Новости» ахборот агентлигининг автопаркида ҳам анчагина «Нексия» автомобили бор экан. Уларнинг ёнига «Россиянинг РИА «Новости» халқаро ахборот агентлиги» деб ёзиб қўйилган.

Буни кўриб фахрланмай, курурланмай бўладими?!



Бир пайтлар Россиянинг «Жигули», хатто оддийгина «Москвич» («Волга»ни айтмай кўя қолайлик) машиналарини сотиб олиш учун одамларимиз йиллаб навбатда турарди. «Жигули»си бор одамга бошқалар хавас билан қарашарди. Бугун эса Россия пойтахти — Москвадайд улкан шаҳар кўчаларидаги автомобиллар оқида ўзбекнинг машиналари салмоқли ўрин эгаллаб турибди.

Энди айтинг, истиқлолга эришмасак, мустақил давлат сифатида дунёга танилмасак, шундай воқеалар бўлиши мумкинми? Неча йил собиқ иттифоқ таркибида бўлдик. СССР халқлари тенг ҳуқуқли, деб ёзиларди, айтиларди. Амалда-чи? Тошкентда кимларга хайкал ўрнатилмади ўша йиллари. Аммо Навоийга қаерда хайкал қўйилди? Бугун эса Россия ва Японияда Навоий бобомизнинг салобатли хайкаллари қад ростлаб турибди. Латвияда Мирзо Улуғбек ва Ибн Сино, Хитойда Камолиддин Бехзод, Бельгияда Ибн Сино хайкали салобат тўкиб тургани қувонарлидир.

Бундан йигирма йил олдин ўзбек машина ишлаб чиқаради, унинг машиналари дунёнинг ўнлаб мамлакати кўчаларида номи оламга машҳур автолар билан ёнма-ён кезиб юради, деб ким ўйлаган эди? Қайси давлат мустақилликка эришганидан сўнг орадан атиги беш йил ўтиб ўз машинасини чиқарган? Ўзбекистон!

«Нексия»да Москва кўчаларини айланар эканмиз, хаёлимдан ана шу фикрлар кечди...

### **СИЗЛАРДА ҚАНЧА МИЛЛИОНЕР БОР?**

Москвалик ҳамкасбларимиз билан турли мавзуларда кўп суҳбатлашдик. Журналист зоти қизиқувчан бўлади, унча-мунча одамлар эътибор қилмайдиган нарсаларни ҳам билгиси келади. Ана шундай қизиқувчан журналистлардан бири сўраб қолди:

— Сизларда, яъни Ўзбекистонда қанча миллиардер бор? Аниқ айта оласизми?

— Йўқ, аниқ айта олмайман, — дедим мен. — Балки Ўзбекистондаги миллионеру миллиардерларнинг сони Россиядагидан кўпдир ёки камдир, гап бунда эмас. Бу ҳар бир халқнинг, аниқроғи, миллатнинг

фeъл-атвори, бугунги тилда айтганда, менталитети билан боғлиқ. Сизларда сал ўзига тўқ одам молу мулки қанчалигини, кимга ёки қайси ташкилотга қанча миқдорда ёрдам қилганини, агар шундай қилса, бемалол айтаверади, матбуотда ҳам эълон қилаверади. Бундан хижолат чекмайди, уялмайди. Бу сизлар учун одатий ҳол. Бошқача айтганда мақтанчоқлик саналмайди. Бизда эса бошқачароқ: ўзига тўқ одам, аввало, молу давлати билан мақтанмайди, чунки бу одобсизлик ҳисобланади. Ўзидан, оиласидан ортганини етим-есирларга, ёлғиз кексаларга беради, мактаб, шифохона, кўприк, йўл қурилишига сарфлайди, қабристонларни обод қилишга ажратади. Аммо бу ҳақда матбуотда ёзиш у ёқда турсин, бировга гапирмайди ҳам. Бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман: бу ишни бировдан кўрканидан қилмайди. Чунки қилинган савоб ишни ҳаммага эълон қилиш, кўз-кўзлаш шарт эмас. Бинобарин, Шарк халқларида, жумладан, ўзбекларда ҳам ўнг қўлинг қилган савобни чап қўлинг билмасин, деган ақида бор.

Бу йил мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинганини, шу муносабат билан ҳомийлар маблағи ҳисобидан юзлаб ижтимоий объектлар, йўллару кўприклар бунёд этилганини айтиб бердим. Ҳамсуҳбатим гўё мендан эртак эшитаётгандай ҳайратга тушди.

— Бундай саховатли, олижаноб инсонларни ҳар шаҳар, вилоят ва туманда кўплаб учратиш мумкин, — дедим. — Уларнинг аксарияти бошқалардан ажралиб турмайди, ўзини катта олмайди. Ҳамиша эл билан бирга, маҳалла-кўйи, ёру биродарларининг яхши-ёмон кунларида уларнинг ёнида бўлади. Бизда қанча миллионеру қанча миллиардер борлигини аниқ айтолмаслигим сабаби энди тушунарли бўлгандир?

— Тушундим... Жуда ажойиб, ҳавас қилса арзийди, — деди суҳбатдошим.

Мен фикримни давом эттирдим:

— Бизда шундай инсонлар *борки, ҳажга бериш* учун (ҳаж нима эканини ҳам тушутирдим) *йилиб*, қўйган пулига кўприк солади, *йўлни тузатади*, *бевор* қилади. Шу орқали одамларнинг мушкулларини *кети* қилишга ҳисса қўшади. Бизда *савоб*, деган тушунча бор, унинг шакллари эса турлича...

## МАҲАЛЛА НИМА?

Суҳбат асносида маҳалла ҳақида гап кетди. Ҳамкасбим маҳалла нима эканини ҳеч тушунолмади. Тушунтириб беришга ҳаракат қилдим.

— Европа халқлари, шу жумладан, сизлар ҳам сал нарсага судга чопасизлар. Айтайлик, эру хотин айтишиб қолса, ўртада келишмовчилик пайдо бўлса, кўни-кўшни билан низо чиқса, судга мурожаат қиласиз. Бизнинг миллатимиз ундай эмас. Аввало, уйдаги гапни кўчага чиқармасликка ҳаракат қилади. Жуда иложи бўлмаса, маҳаллага боради. Бўлган-бўлмаган нарса учун судга бораверишдан ор қилади, элу халқдан уялади. Аслида маҳаллага чиқиш ҳам ўзини билган, оиласининг шаънини ўйлаган одам учун осон иш эмас, — дедим. — Бу билан маҳалла эру хотиннинг машмашаси билан шуғулланар экан-да, деб ўйламоқ керак эмас. Бу маҳалла бажарадиган ишларнинг ўндан, эҳтимол, юздан биридир.

— Яна нима билан шуғулланади маҳалла?

— Маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, тинчлик-осойишталикни сақлаш, бева-бечора, етим-есир ҳолидан хабар олиш, одамларнинг тўй-маросимларини ташкил этиш, кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш каби ишларнинг бари маҳалла зиммасида. Юзага келган муаммоларни бартараф этишда маҳалла тегишли идоралар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Ҳар бир маҳалланинг идораси, омборхонаси бор. У ерда тўй ёки бошқа маросимларда ишлатиладиган идиш-товоқдан тортиб, стол-стулгача — ҳаммаси бадас-тир. Кимга керак бўлса, олиб ишлатади. Кейин ювиб, тозалаб келтириб беради. Энг муҳими, бунинг учун у пул тўламайди.

Қисқаси, маҳалла роят ноёб тизим, ўзига хос институт. Жуда кўп мамлакатлардан келиб ўрганиб кетиш-япти. Яқинда россиялик бир гуруҳ сиёсатшунослар, журналистлар иштирокида Самарқандда ўтган давра суҳбатида ҳам маҳалланинг ўрни ва аҳамияти ҳақида гап борди. Ўша анжуманда иштирок этган россиялик таниқли сиёсатчи Глеб Павловский маҳалла фуқоролик жамиятининг муҳим шаклларида бир бўлаги, бундай

институт Россияда йўқлигини таъкидлаган эди. Чунки одамлар ўртасида ахил-иноқлик, меҳр-окибат барқарор бўлишида маҳалланинг роли бекиёс, унинг ўрнини ҳеч бир тизим боса олмайди.

Суҳбатдошим узок ўйга толди. Назаримда, менинг мамлакатимга, халқимга, маҳалламга унинг ҳаваси келаётган эди. Оғир тин олди-да, деди:

— Шунинг учун ҳам бизнинг халқимизда меҳр-окибат, ўзаро ҳурмат кам экан-да... Оилаларнинг ажралиши йилдан-йил кўпайиб бораётир. Бу миллатни инкирозга олиб келади... Сизларда аҳоли сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда, бизда эса...

Ҳамкасбимга қараб туриб раҳмим келди. Чунки у шу халқнинг зиёли бир вакили сифатида ўз миллатининг келажагидан ташвишда эди, назаримда. Менинг эса, Яратганга шукурлар бўлсин, халқим, юртим келажаги нурли, буюк бўлишига ишончим комил ва бундан ич-ичимдан қувонар эдим.

Биз Москвага МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари миллий оммавий ахборот воситаларининг биринчи форумида иштирок этиш учун борган эдик. Форум йиғилишларида турли мамлакатлардан келган ҳамкасбларимизнинг сўзларини тинглаб, очиги, ҳайрон қолдик. Бири «бизда газ йўқ, электр энергияси йўқ» деб нолиса, бошқаси «қоғоз йўқ», дейди. Яна бири «Бизнинг мамлакатдаги русийзабон кишилар кўчиб кетмоқда», дейди. Демократман деб керилиб юрган мамлакатлардан бирининг вакили «Бизда ҳамма нарса сотилиб бўлди, давлат ихтиёрида қамоқхона ва шунга ўхшаган айрим иншоотлар қолди, холос», дейди. Энг кулгилиси, эҳтимол, ачинарлисидир, бир мамлакатдан келган икки ҳамкасб ўзаро баҳслашиб ўтирибди.

Уларни эшיתיб, кузатиб турар эканман, ўйладим: ўз юртингдаги муаммоларни кўтариб келиб, ҳамманинг олдига дастурхон қилиб ёзганинг билан биров сенга ёрдам берармиди. Қанақа мустақил давлатсан, ахир? Демократия деб оғиз кўпиртириш ёки ҳар хил рангли инқилоблар кетидан югуриш ўрнига амалий иш қилмайсанми? Окибатда ўзгалар олдида кўз ёши тўкиб ўтирибсан. Юртимизда ички ва ташқи сиёсат нақадар тўғри йўлга қўйилганидан — фахрланаман. Амжуман катнашчиларининг сўзларини тинглаб яна бир бор шу-



дай хулосага келдим: қаердаки ички ва ташки сиёсат қатъий белгиланган бўлса, давлатнинг ўз тараққиёт йўли аниқ бўлса — ўша ерда тартиб бор, интизом бор. Тинчлик-тотувлик ва фаровонликнинг асосий омили эса тартиб ва интизом. Бошбошдоқлик ҳукм сурган жойда халқнинг фаровонлиги, тараққиёт ҳақида гапириш ортиқча...

Халқимизда бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил, деган нақл бор. Форум иштирокчиларидан аксариятининг сўзларини эшитиб қайта-қайта шукур қилдим. Кимларнингдир гапларини эшитиб, фикр қиларман, тегишли хулосалар чиқарарман, нималарнидир ўрганарман, деб ўйлаган эдим. Ундай бўлмади: мени фикр қилишга ундовчи вакиллар ҳам, гаплар ҳам кам, жуда кам бўлди.

Аксинча, бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини эшитганлар фикр қилишга мажбур бўлди. Айримлари ҳаяжон, ҳайрат ва ҳавасини яшира олмади. Аслида мана шунинг учун ҳар қанча шукур қилсак арзийди...

2006 йил

## ЎЗЛИК

**(Президентимиз Ислам Каримовнинг  
«Юксак маънавият — энгилмас куч» китобини ўқиб)**

Бугун турли мазмун ва шаклдаги ахборот оқимлари авж олган. Замон кишиси, айниқса, зиёли бу оқимлардан хабардор бўлмаслиги мумкин эмас. Табиийки, бу ахборот оқимлари орасида тўғри-нотўғриси, фойдалиси билан бирга зарарлиси ҳам кам эмас. Аммо унинг қайси бири тўғрию қай бири нотўғри эканини, қайси ахборот замирида кимнинг қандай мақсади яширинганини ҳамма ҳам дархол англай олмайди.

Шундай мураккаб бир вазиятда, «оммавий маданият» ниқоби остида маънавий-ахлоқий бузуқликни, эътиқодсизликни тарғиб қилиш, шу орқали миллатнинг ўз урф-одатию қадриятларини, демакки, ўзлигини йўқотишга қаратилган хатти-ҳаракатлар ҳам пайдо бўлди. Афсуски, бу ҳаракат орқасида турганларнинг



асл мақсадини тушуниб етмай, унга эргашувчилар жонидил қабул қилувчилар ҳам топилади.

Демак, ҳар бир нарсанинг мусбат ва манфий томони бўлганидек, интеграциялашув ва глобаллашув жараёни ҳам ўзининг ижобий ва салбий жиҳатларини намоён этмоқда.

Инсоннинг ақли, дунёқараши, тафаккури, бориники, мафқурасига таъсир қиладиган бу жараёнда миллий ўзликни бой бермаслик, уни наинки сақлаб қолиш, балки ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга долзарб вазифа. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида батафсил ёзилган. Юртбошимиз бу жараёнда халқимиз, хусусан, зиёдиларимиз олдида турган вазифаларни аниқ белгилаб берган. 2009 йилнинг 7 январида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтган мулоқотда мазкур мавзу юзасидан атрофлича фикр юритилди, бу борада оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, ҳеч бир халқ, мамлакат ўз қобирига ўралиб яшай олмайди. Умуман, одамзоднинг табиати шундай: бир-бири билан мулоқотда бўлгиси, ўзаро фикр ва тажриба алмашгиси, қувончу ташвишларини баҳам кўргиси келади. Халқлар, давлатлар ҳам шундай: ўзаро ҳамкорлик қиладилар, бири-бирига ўргатади, бири-биридан ўрганади.

Бироқ масаланинг энг асосий жиҳати шундаки, ҳар бир миллатнинг, халқнинг, мамлакатнинг, ҳатто ҳар бир инсоннинг ўзлиги бор. Ўзлигини билмаган, кадрламаган, асраб-авайламай уни йўқотган халқ, миллат мустақил бўлиши қийин. Бошқа миллатлар, халқлар орасида ўз ўрнини, қиёфасини, овозини, мавқеини топа олмайди. Зеро, миллатни миллат, халқни халқ, давлатни давлат қиладиган ана шу ўзликдир. Қолган барча ҳаракатлар — бошқалар билан ҳамкорлик, кимдандир ниманидир ўрганиш, дунё тараққиёти билан ҳамқадам бўлиш — барча-барчаси ана шу ўзлик атрофида кечади.

Техника ва информацион технологиялар ривожланган ҳозирги кунда ҳеч кимдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Дунёнинг у чеккасида содир бўлган воқеа ўша заҳотиёқ дунёнинг бу чеккасига етиб ке-

лади. Бу бир жихатдан яхши, албатта. Лекин ана шу тезкорлик, хабардорлик муайян маънода қайсидир миллатнинг ўзлигини поймол қилишга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бошқача айтганда, бундай ҳолат бирон-бир халқ ёки давлат ўз мафкурасини, ғоясини бошқа бир миллатга, давлатга тез сингдириш имкониятини яратади. Ўзаро ҳамкорликка қарши халқ ёки мамлакатни топиш кийин. Ҳар бир даврнинг ўз қарашлари, яхши-ёмон жихатлари бўлади. Гап, аввало, ана шу яхши ва ёмон томонларни ажрата билишда, глобаллашув жараёнида ўзлигини йўқотиб қўймасликдадир. Бугунги кунда дунё бўйлаб иктисодий инқироз таҳдид солмоқда. Унинг барча мамлакатларга ёйилаётгани ҳам бир жихатдан интеграциялашув жараёни билан боғлиқ. Шундай пайтда интеграциянинг, яъни ҳамкорликнинг ҳам меъёрини, бошқача айтганда, ким ёки қайси мамлакат билан қай даражада алоқа ўрнатишни ҳам билиш муҳим. Шу маънода Ўзбекистоннинг йўли нечоғли тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Қолаверса, нуфузли халқаро ташкилотлар эътироф этмоқда. Зеро, ҳар қанча яқинлашув, ҳамжихатлик, ҳамкорлик бўлмасин, миллат ўз кифасини, урф-одатини, миллий кадриятларини сақлаб қолмоғи зарур. Боз устига, уларни ривожлантирмоғи, эъзозламоғи, келгуси авлодларга бус-бутун етказмоғи керак.

Бу тамойиллар, қарашлар Президентимиз томонидан мустақилликнинг илк кунларидаёқ қатъий белгилади ва унга изчил амал қилиб келинмоқда. Ўнлаб буюк аждодларимизнинг муборак номлари тикланиб, ўлмас асарлари чоп этилиб, юбилейлари ўтказилгани, бир неча қадимий шаҳарларимизнинг тўйлари нишонлангани бунга ёрқин мисолдир. Юртбошимиз деярли ҳар бир чиқишида, суҳбатида бу масалага алоҳида эътибор қаратади.

«Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида давлатимиз раҳбари ёшлар дунёқарашини, тарбиясини ҳақида атрофлича тўхталган. Бу ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан биридир. Бошимиздан кечирганимиз баъзи хунук воқеалар, хусусан, 1999 ва 2004 йиллардаги террорчилик ҳаракатлари, 2005 йилдаги Андижон воқеалари замирида ҳам ёшларни йўлдан уриш, марғзи пуч гаплар билан чалғитиш мақсади ётибди. Шу боис

Президентимиз фарзандларимиз тарбиясига устувор ва-зифа сифатида қарашни талаб қилмоқда. Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни, истиқлолимизни, амалга ошириладиган бетимсол бунёдкорлик ишларимизни кўролмаётганлар, аввало, ёшларни тўғри йўлдан оздириш, онгини захарлаш билан шуғулланади. Гўёки уларга динни ва тилни ўргатмоқчи, таълим бермоқчи бўлади. Аслида эса нияти қаразли, кўнгли тоза эмас. Буни ҳар биримиз теран англамоғимиз ва бунга қарши кескин курашмоғимиз зарур. Ўша ёвуз кучлар фарзандларимизни зомбига айлантириб, нима деяётганини, нима қилаётганини ўзи ҳам билмай қоладиган даражага келтиради. Оқибатда фарзанд на отасини, на онасини тан олади, уларга кулоқ солмай кўяди. Ота-онасини тан олмаган кимса халқини ҳам, Ватанини ҳам танмайди. Ўз халқига, киндик қони тўкилган юртига хиёнат қилиш ундайлар учун одатий ҳолга айланади. Ҳолбуки, ота-онани қадрлаш, эъзозлаш халқимизнинг азалий одатларидан. Ҳазрат Алишер Навоий ота-она ҳақида ёзар экан, бирини ойга, бирини куёшга ўхшатади. Айни чоғда фарзанд ота-она учун энг азиз, энг муқаррамдир. Демак, миллатимизнинг асрлар давомида шаклланган ва авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қадриятларига, жумладан, фарзанд тарбияси борасидаги анъаналаримизга завоқ етказмаслик энг муҳим вазифалардандир.

Тўғри, бугунги кунда фақат ўтмишдаги муваффақиятлару ота-боболаримиз анъаналари билан яшай олмаймиз. Биз дунёнинг кўплаб ривожланган давлатлари билан, демакки, халқлари билан ҳамкорлик қиламиз. Биз улардан ўрганамиз, улар биздан ўрганмоқда. Лекин ўрганиш ҳамма нарсани кўр-кўрона кўчириб, ўзлаштириб олиш керак, дегани эмас. Зеро, биз ҳеч қачон бундай қилганимиз йўқ, қилмаймиз ҳам. Қайси давлат, қайси миллат бўлмасин, биз улардан ўз манфаатларимизга мос жиҳатларни ўрганамиз. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳамма соҳада, ҳар бир ишда юртимиз, халқимиз манфаати асосий ўрин эгаллайди. Бундай қараш, бу каби тамойил истиқлолга эришган кунимизданоқ бош вазифалардан бири сифатида қўйилган.

Демак, мамлакатимиз билан ҳамкорлик қиладиганлар

ҳам ҳалол, тенгма-тенглик асосида, эзгу ниятлар билан алоқа ўрнатмоғи даркор. Чунки биз учун халқимиз, юртимиз манфаати ҳамма нарсадан устун. Бундай ёндашув маданият, таълим соҳаларига ҳам бирдай тааллуқли. Миллий маданият ва санъатимизни ривожлантириш асосида дунё маданиятини ҳам ўрганамиз. Лекин замонавий маданият дегани яримянланғоч юриш, катталарга ҳурматсизлигу кичикларга шафқатсизлик билан қараш, дегани эмас. У Фарб маданияти бўладими, Шарқ маданияти бўладими — қатъи назар, миллий маданиятимизга зиён етказмайдиган жиҳатларини ўрганамиз. Айни чоғда миллий маданиятимизни жаҳон узра намойиш этамиз.

Бу масалалар ҳар биримиздан ғоят ҳушёрликни, сезгирликни, ҳар қандай масалага теран кўз, чуқур мулоҳаза билан қарашни талаб этади. Президентимиз қайд этганидек, фарзандларимиз тақдири, келажаги учун, жонажон Ўзбекистонимиз учун ҳаммамиз, ҳар биримиз масъулмиз. Бу масъулиятни ўзидан соқит қилишга, унга бефарқ қарашга, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Лоқайдлик энг катта иллатлардан биридир. Бинобарин, кўпгина кўнгилсиз воқеалар ана шу лоқайдлик, бефарқлик оқибатида пайдо бўлади. Айтайлик, бир бола йўлдан озса, бунинг учун аввало унинг ота-онаси, маҳалла-кўйи, қолаверса, барча бирдай ўзини айбдор билмоғи керак. Чунки ёшлар онгининг бузилиши юқумли касалликка ўхшайди: олди олинмаса, кўпайиб кетади. Бу борада таълим-тарбия, ўқув муассасаларининг, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли бениҳоя катта эканини унутмаслигимиз даркор.

Жаҳон харитасида Ўзбекистон деган мустақил давлат, дунё халқлари орасида озод ўзбек халқи борлигидан, биз унинг фарзанди эканлигимиздан фахрланамиз. Унинг тарихи неча минг йилларга бориб тақалишидан, пойдевори мустаҳкам эканидан, келажаги буюк бўлишидан гурурланамиз. Шундай экан, халқимизнинг, миллатимизнинг, Ватанимизнинг ўзлигини кўз қорачиғидай асрамоғимиз шарт. Шу азиз Ватан — барчамизники! Уни турли ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, шаънига доғ тушишига йўл қўймаслик ҳам ҳар биримизнинг энг муқаддас фуқаролик бурчимиз-

дир. Бунинг учун ҳамиша хушёр ва огоҳ бўлмоғимиз, кимларнингдир сохта, ширин гапларига, кутқусига учмаслигимиз керак. Кўксимизда миллий ғурур, орномус туйғуси доимо жўш уриб турмоғи даркор. Токи, дунё узра ўзимизга хос феъл-атворимиз, жуда кўплаб халқлар хавас қиладиган урф-одатларимиз, бир сўз билан айтганда, миллий ўзлигимиз янада ёрқин намоён бўлаверсин.

2009 йил

### АСҚАД АКА...

Асқад Мухтор билан узоқ вақт бирга ишлаганларга хавасим келади.

Мен Асқад ака билан нисбатан кечроқ танишганман.

1978 йили буюк рус ёзувчиси Лев Толстойнинг 150 йиллиги нишонланди. «Ўзбекистон маданияти» газетаси ушбу сана муносабати билан кўш саҳифа берадиган бўлди. Уни тайёрлаш менга топширилди. Бунинг сабаби — ўша кезлар мен устозим Файбулла Саломов (Оллоҳ раҳмат қилсин) раҳбарлигида Лев Толстойнинг «Анна Каренина» ва «Тирилиш» романлари асосида бадий таржимада ёзувчи услубини сақлаш мавзудида илмий иш ёзаётган эдим. Ана шу кўш саҳифада Асқад аканинг ҳам мақоласи киритилган эди. Шу баҳона у киши билан бир неча марта учрашдим, суҳбатларини эшитдим, яқиндан танишдим...

Тақдир тақозоси билан 1981—1982 йилларда Асқад ака билан бирга ишлаш насиб этди.

1981 йилнинг мартада «Ўзбекистон маданияти» «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» номи билан ҳафталик газетага айлантирилди. Асқад Мухтор янги ҳафталикка бош муҳаррир этиб тайинланди. У вақтларда саккиз саҳифали, рангли газетани чиқариш осон эмасди. Ўзбекистонда бундай газета ҳам, бунинг учун етарли тажриба ҳам йўқ, босмахона имкониятлари ҳам чекланган эди. Шу боис газетанинг биринчи сонини тайёрлаш учун қарийб бир ой тайёргарлик кўрдик. Мен у пайтда редакцияда оддий муҳбир бўлиб ишлар эдим. Асқад ака бош муҳаррир бўлиб келгач, менга масъул котиб



вазифасини топширди.

Газетани илк сонини тайёрлашда кўп ўйландик, кўп маслаҳатлашдик. Бериладиган материалларнинг мазмуни, қайси муаллифлар иштирок этиши, қанақа суратлар берилиши, техник ижроси — қисқаси, ҳар бир икир-чикиргача бош қотирдик. Ва буларнинг ҳаммасига Асқад ака бевосита бош-кош бўлди, ғоялар берди, таклифлар айтди, ҳатто макетнинг хомаки лойиҳасини ҳам ўзи чизиб бергани ёдимда.

Ўша пайтларда Москванинг «Литературная газета»си жуда машхур, унга обуна бўлиш учун ташкилотларга лимит ажратилар, киоскалардан эса устама ҳақ бериб сотиб олинар эди. Шу боис Асқад ака бизга ўша газетадан ўрганишимиз лозимлигини айтарди. Аммо «Литературная газета»дан нусха кўчирмайлик, ундан ижодий фойдаланайлик, дерди. Шундай бўлди ҳам. Масалан, саҳифаларнинг номланиши («Ижтимоий ҳаёт», «Назм. Наср», «Танқид ва адабиётшунослик» каби), охириги саҳифага дам олиш саҳифаси сифатида енгил, кулгили, ҳажвий асарлар жойлаштирилгани, суратларнинг йирик шаклда берилиши шулар жумласидан. Саккизинчи саҳифанинг «Шум боланинг чойхонаси» деб номланишини ҳам Асқад аканинг ўзи топган эди.

Афсуски, Асқад ака билан жуда кам, атиги бир ярим йил ишладим, холос. Аммо ана шу қисқа давр ичида у кишидан жуда кўп нарса ўргандим. Чунки Асқад Мухтор билан ишлашнинг ўзи бир мактаб, таъбир жоиз бўлса, дорилфунун эди. Асқад акадан кўп нарсани, айтийлик қандай ишлашни, таҳрирни, материалларни саралашни, муомалани, камтарликни, айтиш чоғда ўз кадр-қимматини ерга урмасликни, ёзишни — кўйингки, ҳамма нарсани ўрганиш мумкин эди. Ёзувчи, шоир, драматург, таржимон, тадқиқотчи, публицист, муҳаррир, устоз, дўст... Асқад ака ана шу фазилатларнинг ҳар бирини мукамал ўзлаштирган ва уларнинг ҳар бири бўйича юксак намуна кўрсатиб қўйган зот эди. Материални таҳрир қилиш жараёнида ҳеч кимни аямасди. Лекин ҳеч қачон бировнинг асари ёхуд мақоласини ўз услубига, яъни қолипига солмас, муаллифнинг қиёфасини сақлаб қолиш керак, дер эди. Газета манфаатини, демакки, ўқувчи манфаатини ҳамма нарсадан устун қўярди. У киши учун муаллифнинг

кимлиги, қаерда ишлашининг аҳамияти йўқ эди. Мезон битта: яхши асар, яхши мақола бўлса бас. Уша пайтларда масъул идораларда ишлайдиган баъзи ижодкорларнинг асарларини бир неча марта қайтариб бергани эсимда.

Билмадим, балки шулар туфайлидир ёки бошқа сабаблардир, ҳар қалай газета тўғрисида турли-туман карашлар, катта-кичик йиғилишларда танқидий фикрлар, очикроқ айтсак, тирноқ остидан кир қидиришлар пайдо бўла бошлади. Бу фикрларнинг кўпчилиги асоссиз эди, албатта. Бундан биринчи галда Асқад ака эзиларди, аммо ҳеч кимга билдирмасликка ҳаракат қиларди. Одатда бировдан ранжиса, хафа бўлса ёки жаҳли чиқса Асқад ака ичига ютарди, унинг ҳолатини киёфасидан сезардик — кизариб кетарди.

Бора-бора майда-чуйда гапларга Асқад аканинг бардоши чидамади: вазифасидан озод қилишларини сўраб ариза ёзди. Лекин аризаси инобатга олинмади. Маълум муддат ўтгач, яна ёзди, сўнгра тагин ёзди. Асқад ака ҳеч кимнинг устидан шикоят ёки арз-дод қилмаган. Ҳолбуки, бу гаплар қаердан, кимдан чиқаётганини, гарчи тўлиқ ва аниқ бўлмаса-да, асосан билар эди.

Кечагидай эсимда, бир куни Асқад ака Марказқўмдан жуда хурсанд қайтди. Кейин билсак, Асқад ака Шароф Рашидов қабулига кирган, ёшим анчага бориб қолди, ижод қилишга вақтим қолмаяпти, ёшлар ишласин, деб илтимос қилган экан. Ш.Рашидов Асқад акани хурмат қилар эди. Шунданми, у кишининг фикрларини тўғри тушуниб, илтимосини қабул қилган экан.

Мен Асқад акани ўша кундагидай хурсанд ҳолда жуда кам кўрганман. Бирок, бир ҳол ҳамон мени хайратга солади. Асқад ака газетадан кетганидан сўнг неча киши сабабини сўраган бўлса, ҳаммасига бор гапни айтганман, лекин ҳеч ким ўзи ариза ёзиб (бир марта эмас, бир неча марта) кетганига ишонмаган (Асқад акани яқиндан билган, унинг феъл-атворидан бохабар кишилар бундан мустасно, албатта.).

Асқад ака билан бирга ишлаш жараёнида бир нарсага эътибор берганман. У киши доимо ўйчан, камгап юрар эди. Бунинг сабабини ўзимча шундай тушунаман: Асқад ака улкан ижодкор ва шахс сифатида совет тузуми сиёсатининг кўпгина жихатларидан кўнгли

тўлмасди. У киши бир қанча хорижий мамлакатларга борган, у ерлардаги сўз ва фикр эркинлиги, матбуот эркинлигини кўрган эди. Бу ҳақда гоҳида ҳавас, гоҳида ачиниш билан гапирарди. Фикрлар хилма-хиллиги, сўз ва матбуот эркинлиги бўлмаган жойда қанақа тараққиёт бўлади, деб куйинарди. Ўзаро суҳбатларда кўп таъкидларди: «Воқеаларга одам бефарқ бўлмаслиги керак. Нотўғри бўлса, нега бундай, деб сўраш керак. Афсуски, нега, деб сўрайдиган одам кам... Сизлар ёшсизлар, раҳбар айтган топширикни бажаришдан олдин ўйлаб кўринглар: тўғрими-нотўғрими? Чунки ҳар бир одамнинг ўз фикри, қараши бўлмоғи керак. Кўр-кўрона ишга киришиш, инсон боласи, хусусан зиёли, ижодкор учун ярашмайди».

Демак, Асқад акада ички бир тувён, айтиш мумкинки, исён бор эди. Лекин мустабид тузум ўз дардини, фикрини ифода қилишга имкон бермасди. Гарчи Асқад Мухтор ўз қарашларини, фикрларини асарларида об-разлар, рамзлар орқали, гоҳо қахрамонлари тилидан бўлса-да, ифода қила олган.

Асқад ака бағрикенг раҳбар, камтарин инсон эди. Бир воқеани доимо эслаб юраман.

Ўзбекистонда хизмат курсатган журналист Маҳмуд Саъдийни кўпчилик, айниқса, у билан бирга ишлаганлар яхши билади. Фоят билимли, талабчан, ҳар бир материални эринмай ишлайдиган, бутун куч-райрати ва илмини аямай таҳрир қиладиган журналист. Аммо унинг бир «касали» бор. Ҳеч қачон ишга вақтида келмайди, демак материални ҳам вақтида топширмайди.

Шундай кунларнинг бирида Асқад ака кириб қолди. Менинг аҳволимни сизди-ю, ҳа, нимага хунобингиз ошиб ўтирибди, деди. Жуда жонимдан ўтган экан шекилли «Маҳмуд аканинг дастидан қачонгача босмахонадан гап эшитаман. Макетни топширишим керак, ҳалигача материал у ёқда турсин, ўзиям йўқ», дедим. Асқад ака ёнимга келиб, елкамга қўлини қўйди: «Асабингизни бузманг, фойдаси йўқ... Йигирма йилдан бери мен тузатолмайман, Маҳмудни. Сизга йўл бўлсин... Ундан кўра ўша материалнинг ўрнига бошқа бирон-бир тайёр нарсани қўйинг», деди.

Ҳозиргача ўйлайман, Асқад аканинг ўрнида бошқа муҳаррир бўлганида борми, баттар керосин қуярди,

виговор беринг, хайданг, дерди. Бунга ўхшаган мисолларни, воқеаларни кўплаб келтириш мумкин...

Яна бир нарсани алоҳида таъкидламоқ зарур. Асқад ака ёшларга ниҳоятда меҳрибон, айна вақтда талабчан эди. Бирон-бир ёш ижодкорнинг асарида (хоҳ шеър, хоҳ наср бўлсин) йилт этган учкун кўрса, уни қўллаб-қувватлар эди. Бир ярим йил давомида бирга ишлаб бунга ўзим кўп бор гувоҳ бўлганман. Шу вақт ичида ўнлаб ёш ижодкорларни кашф қилди у киши. Бошқача айтганда, ўнлаб ёш шоир ва ёзувчиларнинг илк асарларини (сурати билан) «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилдирган. Асқад аканинг бу ғамхўрлиги, бу марҳамати улар учун қанот эди, албатта. Зеро, у пайтда мазкур газетада шеърлари ёхуд ҳикояси эълон қилиниши наинки ёш қаламкашлар, балки таниқли ижодкорлар учун ҳам шараф ҳисобланар эди. Чунки Асқад Мухтордай талабчан устознинг назаридан ўтказиш осон эмасди-да.

Асқад ака ғоят меҳнаткаш эди. У киши умр бўйи турли масъул лавозимларда ишлади, шунга қарамай, ўнлаб роману қиссалар, дostonу пьесалар, шеърлар, таржималар, мақолалар қолдирди.

У кишини охириги марта вафотидан уч-тўрт ой олдин шифохонада кўрган эдим. Анча суҳбатлашиб ўтирдик. Аҳволи анчагина офир, гапириши ҳам қийинлашиб қолган эди. Ўша ҳолатда ҳам бир нарсадан ўксинди: ёзолмаяпман, ишлаёлмаяпман, деди.

Очиги, бу гапни эшитиб, мен ўзимдан-ўзим уялиб кетдим: у кишидан анча ёшман, соғлигим ҳам, Худога шукур, яхши. Аммо, деярли ёзмай кўйганман. Сабаби — иш кўп, вақт йўқ. Аслида бу сабаб эмас, баҳона, дангасаликни беркитиш учун ўйлаб топилган баҳона, холос.

Бу жихатдан ҳам Асқад ака кўпчиликка ўрнак, намуна эди...

Ва ниҳоят...

Эътибор берган бўлсангиз ушбу эсдаликларга «Асқад ака» деб сарлавҳа қўйдим ва ҳамма жойда шундай деб ишлатдим. Зеро, у кишини ҳамма Асқад ака дерди, ўзига ҳам шундай мурожаат қиларди. Бу Асқад аканинг ўз тенгдошларига, шогирдларига, умуман барчага яқинлигидан далолат эди...



Асқад ака биз учун ҳамиша ўрнак, намуна, устоз бўлиб қолаверади. Унинг асарлари эса халқимизнинг маънавий мулки сифатида ўз кадр-қимматини йўқотмагай...

2002 йил

### ҲАЛИМАХОНИМ КУЙЛАГАНДА...

Шундай истеъдодлар бўладики, ҳаётлигидаёқ мумтоз санъаткор даражасига эришади, ўз санъати билан бир эмас, бир нечта авлодни тарбиялайди. Уларнинг номи асрлар давомида халқ хотирасида яшайди.

Халқимизнинг буюк санъаткорларидан бўлган Ҳалима Носирова ана шундай беназир санъат усталари тоифасидан эди. Бинобарин, Ҳалима Носирова ўтган асрнинг йигирманчи йилларидаёқ халқ қалбига кириб борган ва у пайтда ҳали ўттиз ёшга ҳам тўлмаган эди.

Бундай санъаткорлар ҳақида гап кетганда, уларнинг номи ёнига ҳар хил эпитетлар, унвонлару таърифларга ҳожат қолмайди. Зеро, уларнинг номи ҳамма нарсани айтиб туради. Шу маънода, Ҳалима Носирова номи бугунги кунда ҳам мамлакатимиз санъат шинавандалари учун ғоятда эъзозли ва кадрлидир. Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида фан ва маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизнинг буюк намояндалари қаторида Ҳалима Носирова номи ҳам ҳурмат билан тилга олингани бежиз эмас.

Ҳалима опа ижросидаги ўнлаб кўшиқлар, турли спектакллардаги ижро этилган роллар ҳамон санъат мухлислари ёдида. Унинг кўшиқларини бугун ҳам қайта-қайта эштамиз. Ҳалима Носирова ижро этган «Чоргоҳ», «Сегоҳ», «Сайёра», «Эй ёр хуш келибсиз», «Мен ўзбек кизиман», «Меҳнат аҳли» каби кўшиқлар миллий кўшиқчилик санъатимизнинг олтин хазинасидан жой олган. Шунингдек, «Майсаранинг иши», «Гулсара», «Зайнаб ва Омон» каби ўзбек операларида Ҳалима опа ижро этган бош партиялар — Майсара, Гулсара, Зайнаб роллари ҳамон санъат мухлислари ёдида. Миллий опера санъатимизнинг кўплаб ёш ижодкорлари Ҳалима Носирова маҳоратини ўрганадилар,



бу улур санъаткор ижодини ўзлари учун бир мактаб сифатида қабул қиладилар.

Буюк инсонларнинг аксарияти ҳаётда ғоят камтар ва оддий бўладилар. Камина Ҳалима опа билан бир неча марта суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлганман. Аввал «Ўзбекистон маданияти», кейинчалик «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси таҳририятида Ҳалима опа билан бир неча марта мулоқот қилганмиз. Дастлабки суҳбатда мен опанинг бу қадар камтар ва соддалигидан ҳайратга тушганман. Наҳотки мен саҳнада кўрган, ашулаларини ҳаяжон билан тинглаган афсонавий санъаткор Ҳалима Носирова рўпарамда ўтирган мана шу опа бўлса, деб ажабланганман. Чунки ўзини юқори тутиш, мен фалон санъаткорман, деб ғурурланиш, кибр-ҳаво, бошқаларга менсимай қараш каби одатлар опага мутлақо бегона эди. Бир сафар узун ўрилган сочини ёш кизлардек ўйнаб ўтиргани ҳамон кўз ўнгимда. Бундай суҳбатларда опа санъат, адабиёт, ҳаёт ҳақида тўлиб-тошиб сўзларди, устозлари ҳақида тўлкинланиб гапирарди. Айни вақтда, кўзга ташланган ёш хонандалар, актрисалар тўғрисида ҳаяжон билан сўзлаб, бундай истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш керак, деб таъкидларди.

Тақдир тақозоси билан Ҳалима опа билан бир неча ижодий сафарларда бирга бўлганман. 1979 йилнинг июнь ойида Озарбайжонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирни ёритиш учун «Ўзбекистон маданияти» газетасининг муҳбири сифатида иштирок этганман. Эсимда, адабиёт ва санъатимиз намояндалари беш гуруҳга бўлиниб, Озарбайжоннинг турли туманларига тарқалишди. Мен тушган гуруҳда Ҳалима Носирова, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Сайфи Жалил, Лазиз Қаюмов, Анор, Мамед Исмоил каби ўзбек ва озарбайжон адиблари, санъаткорлари бор эди.

Бир воқеа ҳамон кечагидек эсимда. Озарбайжоннинг Евлах туманида Мингечаур сув омбори бор. Сув омбори дейилса-да, аслида жуда катта кўл экан. Унда кемалар, катерлар сузади. Мезбонлар ўзбекистонлик меҳмонлар ҳурмати учун ана шу сув омборида катерда саёҳат ташкил этишди. Саёҳат ниҳоятда завқли, қизиқарли ва ҳаяжонли кечди. Шу туфайли бўлса ке-

рак, бир маҳал Халима опа кўшиқ бошлаб юборди:

*Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,  
Асрлик тош янглиғ бу хатарлик йўлда қотдим-ку.*

Ашула бошланиши биланоқ хонанданинг сеҳрли овози ҳаммани ром этди, шекилли, ўзаро гурунглар, шовқин-суронлар тинди. Катернинг овози эшитиларди, холос. Кўшиқ тобора авжига чикиб борарди. Мусиқа йўқ, аммо ашула, яъни Халима опанинг овози тобора авжига чиқар, опа бутун вужуди билан берилиб куйларди. Ҳазал ҳам гўё ушбу сафар учун ёзилгандай эди:

*Карашма денгизин кўрдим, на нозли тўлқини  
бордир,  
Ҳалокат бўлгусин билмай қулочни катта отдим-ку.*

Овоз сеҳри, Ҳазал сўзлари бир-бирини тўлдириб борар, шу туфайли биров миқ этмасди. Наинки Халима опа, балки бошқалар ҳам қаерда эканини унутганди гўё.

*Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,  
Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.*

*Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,  
Кўзимдан ёшни жў айлаб аламлар ичра ботдим-ку.*

*Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни,  
Яна кулбамга қайгулар, аламлар бир-ла қайтдим-ку.*

Кўшиқ тугади. Ҳамма жим. Назаримда кўшиқ ва унинг сўзлари сеҳридан ҳали ҳеч ким чикиб кетолмаганди.

Мен Халима опанинг кўплаб кўшиқларини эшитган, унча-мунчасининг сўзларини билар эдим. Аммо бу ашула мутлақо нотаниш эди. Опадан сўрашга истиҳола қилиб, Лазиз Қаюмовга бу ҳақда гап очдим. Лазиз ака бу ашула Чўлпон Ҳазали билан куйланганини айтди. Шунда англадимки, Халима опанинг билим доираси кенг, юрагида Ватанга, миллатга меҳр-муҳаббати ниҳоятда баланд экан. Чўлпон, Усмон Носир сингари буюк шоирларимиз ижодини яхши билар экан. Тор доираларда уларнинг ижодидан намуналар ижро этар экан. Очиқ айтишга, табиийки, замон йўл бермаган,

Орадан йиллар ўтиб Чўлпон асарлари нашр қилинган, мен ушбу ғазални топиб ўқидим. Эътиборлиси шундаки, бу ғазал 1920 йили Бокуда ёзилган экан. Шунда билдимки, Ҳалима опа ўшанда ғазалнинг охириги икки сатрини атайлаб айтмаган экан:

*Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,  
Куёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.*

Агар ушбу сатрлар айтилганда бу ғазал Чўлпон қаламига мансублиги аён бўлиб қоларди. Ҳалима опа чуқур мулоҳазали санъаткор эди-да...

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Чўлпон асарларини ўқиган одамлар жуда кам эди. Чўлпоннинг араб алифбосида босилган юпқагина «Тонг сирлари» тўпламини, машинкада кўчирилган бир туркум шеърларини тенгдошларим қатори мен ҳам ўқиган эдим. «Кеча ва кундуз» романининг машинкада кўчирилган нусхасини икки кунга дўстларимдан олиб, кеча-кундуз ўқиб кайтариб берганим ёдимда. Шундай бўлгач, Ҳалима опа куйлаган ғазал Чўлпон ижодига мансуб эканлигини билмаслигим табиий эди. Ўшанда кўшиқ куйлаш жараёнида Ҳалима Носирова бутун вужуди билан берилиб кетгани, ғазал сўзлари унинг ич-ичидан отилиб чиқаётгани ҳаммани ҳайратга солганди. Ҳақиқий халқ санъаткори, миллий санъатнинг чинакам фидойиси ана шундай фазилатга эга бўлади...

Ҳалима Носирова орамиздан кетганига бир неча йил бўлди. Лекин унинг кўшиқлари ҳамон севиб тингланади. Ҳалима опанинг ғоят бой ижодий мероси узок йиллар юзлаб, минглаб истеъдодлар учун такрорланмас маҳорат мактаби вазифасини ўтайверишига шубҳа йўқ. Зеро, Ҳалима Носирова кўшиқлари ва унинг сахнада яратган образлари миллий санъатимиз тарихининг ўчмас саҳифалардан жой олган.

2009 йил

## МУНДАРИЖА

### Муҳаббат шавқи (Ҳикоялар)

Севги сози .....	6
Ўли ироқ .....	16
Тарози .....	24
Аёл .....	32
Султон билан Малика .....	42
Кашфиёт .....	50

### Берубор дамлар (Қиссалар, ҳикоялар)

Таътил кунлари (қисса) .....	60
Қуёш мен томонда (қисса) .....	136
Ўжар (ҳикоя) .....	207
Учрашув (ҳикоя) .....	218
Чучвара (ҳикоя) .....	229
Қўзиқоқнинг кўз ёшлари (ҳикоя) .....	234
Мехр кўн кўргиздим... (драма) .....	239

### Сенга ҳавасим келади, неварам (мақолалар)

Эхтиром ифодаси .....	278
Фахру гуруриниз манбаи .....	284
Сенга ҳавасим келади, неварам .....	294
Гуноҳи азим .....	302
Бирни кўриб шукур қил .....	308
Сутурта қилинмаган чайла .....	318
Ҳаётимиз гули, хонадонимиз чироғи .....	324
Ризку насибамиз увол бўлмасин .....	329
Фикр ва шукур .....	332
Ўзлик .....	338
Асқад ака .....	343
Ҳалимаҳоним куйлаганда .....	348

МАМАТКУЛ ҲАЗРАТКУЛОВ

## ДИЙДОР

*Ҳикоялар  
Қиссалар  
Пьеса  
Мақолалар*

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош тахририяти  
Тошкент — 2010

Мухаррир *М. Сапаров*  
Мусаввир *Ш. Ҳазратқулов*  
Бадий муҳаррир *Ф. Башарова*  
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*  
Компьютерда саҳифаловчи *Т. Огай*  
Мусаҳиҳлар: *Н. Охунжонова, Ю. Бизаатова*

Босишга рухсат этилди 22.01.2010. Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>  
«Петербург» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табори 18,48. Нашриёт-ҳисоб табори 17,87. Адади 3000 нусха.  
Буюртма № 755. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмаҳонаси  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.



«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси китобхонларга куйидаги  
асарларни тухфа қилади:

- М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча.  
Ў. Ҳошимов. Танланган асарлар. 2-жилд.  
О. Мухтор. Хотин подшоҳ.  
Т. Низом. Сайланма. 2-жилд.  
Б. Худойберганов. Қўйнимдаги котил.  
С. Шелдон. Орзиқиб кутаман эртани.  
Н. Зоҳид. Аросат.  
А. Беркеши. Ўн учинчи агент.  
Ҳ. Ҳомидий. Тасаввуф алломалари.  
Т. Ҳайит. Қора шахзода.

